

АКАДЕМИЯ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР

---

ИНСТИТУТ ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ ИМ. А. С. ПУШКИНА  
И МУЗЕЙ ЛИТЕРАТУРЫ

# УЗБЕКСКИЙ НАРОДНЫЙ ЭПОС



ИЗДАТЕЛЬСТВО АКАДЕМИИ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР

---


ТАШКЕНТ—1957

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

---

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ  
ВА АДАБИЁТ МУЗЕЙИ

# ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ




ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ НАШРИЁТИ

---

ТОШКЕНТ—1957

Филология фанлари кандидати  
*Порсо Шамсиев* таҳрири остида

Расмлар Ўзбекистон халқ  
рассоми *В. Е. Кайдаловники*





Айтувчи: *Фозил Йўлдош ўғли*  
Ўзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи: *Ҳоди Зариф*



Ун олти уруғ Қўнғирот элида бир уруғда Шомирот деган ўтди, у Алпомиш билан ҳам қариндош, ҳам узанги йўлдош, жуда қадирдон эди. Алпомиш билан Шомиротнинг кўнгли шундай яқин эди: аниқ билмаган одамлар бу икковини «чоқдан, ака-ука-да», деб гумон қилар эди.

Алпомиш билан Шомирот иккови дўстлик бобида суҳбат қуриб ўтириб эди, Алпомиш айтди:—Дўстим Шомирот! Икковимиз фарзанд кўрсак, ўғил бўлса, қўлқанот бўлсин, бирови ўғил, бирови қиз бўлса, куда бўламиз, фарзандлар ҳам биров-бировидан айрилмасин.

Алпомишнинг гапини Шомирот маъқул топиб:—Бу гапни яхши айтдинг, айтганинг келсин, болаларимизнинг дўстлиги, биров-бировига меҳру муҳаббати бизлардан ҳам ортиқ бўлсин,— деди.

Шу орада Алпомиш Бектемир куёви билан, қирқта тенгқур жўраси билан Бойсарини излаб, Қалмоқ юртига бориб, қалмоқшоҳга банди бўлиб қолди, куёви билан қирқта жўрасини Қалмоқшоҳнинг айёрлари ўтда куйдириб юборди. Бу хабар Қўнғирот элига келиб, Алпомишнинг ўлик-тириги аниқ бўлмай, халойиқнинг оғзида миш-миш гап бўлиб қолган эди.

Алпомиш Қалмоқ юртига кетганда Барчиннинг бўйида ҳомила бор эди, ойи-куни етиб, ўғил топди. Шунда Барчин: «Отаси ўлмаган бўлса, келиб кўрар, агар ўлиб кетган бўлса, ўрнини босар, отасининг жойида ёдгор бўлиб юрар», деб ўглининг отини Едгор қўйди.

Неча кунлардан кейин Шомиротнинг хотини Ойжамол қиз туғди. Бу, қизнинг отини Ойдиной қўйди.

Алпомишнинг ваъдаси Барчиннинг кўнглига келиб, «Едгорнинг отаси шундай деб айтиб юрарди. Унинг кўзи йўқ учун, булар айрилшиб кетди, демасин. Тирик бўлса, қувонар, агар ўлиб кетса, арвоҳи шод бўлар», деб бир қария кампирни эшигини шупуриб келгани Шомиротникига юборди.

Кампир бориб, Шомиротнинг эшигини шупурди. Ойжамол кўриб:—Мома, нима қиляяпсиз?— деди.

Кампир айтди:—Болам, илгаридан яхшиларимизнинг оғзида бор гап эди, шуларнинг нияти тўғри бўлсин деб, Барчиннинг ўгли Едгорга қизингни атаб, эшигингни шупурдим.

Ойжамол:—Ҳа, бинойи,—деб жавоб айтиб қўйди. Кампир шупургини ташлаб, ана энди Ойдин Барчиннинг келини бўлди, деб қайтди.

Кампир қайтгандан кейин, Шомирот уйига келди. Хотини айтди:—Барчиндан бир кампир келиб, эшигингизни шупуриб, қизингизни Алпомишнинг ўғлига аташтириб кетди.

Шомирот айтди:—Э, қўй десанг бўлмасмиди? Бизнинг бурунги хаёллар бўлмай кетди. Дўстим Алпомиш қайнотасини олиб келаман деб, Қалмоқ юртида йуқ бўлиб кетди. Қўнғиротга Ултон бек бўлиб, элнинг тинчлигини бузиб юборди.

Ойжамол айтди:—Қаёқдаги ўйни ўйлайсиз. Ултон бек бўлган бўлса, бўпти-да, Барчинга нима қилибди?! Барчин Алпомишдан кам эмас! Мен Едгорнинг ҳам, Ойдиннинг ҳам умрини, бахтини тилайман,—деди. Шомирот индамай қолди.

Шундан сўнг булар қуда-қудаандалди бўлиб, неча вақт орадан ўтди. Ултонбекнинг жабри-зулми оша берди, элнинг молини тортиб ола берди, ўзининг молига қўша берди. Эрта-кеч базм-сухбат қуриб, базм-сухбатга кераклисини солиқ қилиб элга чоча берди. Ултонбекнинг бу ишлари Бойсин-Қўнғиротнинг алқаб-чалқаб ётган бойларига ҳам оғир келди. Булар молдан сиқилмаса ҳам, ўз элида сиғинди бўлгандай бўлиб қолди.

Ултонбекдан норози бўлган элатнинг оқсоқоллари йиғилиб маслаҳат қилди, буларнинг маслаҳатига Шомирот ҳам келди, йиғилган одамларга қараб айтди:—Ултон Алпомишнинг вақтида Бойбўрининг молларига қараб, отасининг чўпонларига бошлиқ бўлиб, катталикни шуларга қилиб юрар эди, бировга жабр қилгани Алпомишдан қўрқар эди. Мана энди Алпомишни Қалмоқда ўлди деб эшитиб, ўзидан-ўзи Бойсин-Қўнғиротга бек бўлиб, олдидан отасини хўрлади. Элнинг оқсоқолларини кўздан ташлади, энди Бойбўрининг тўқай тўла йилқиси, яйлов тўла қўй билан эчкиси камлик қилгандай, элнинг молини, молга яраша яйловини тортиб олаётир, бебош одамларни амалдор қилиб, бари эртадан оқшомгача базм-сухбат билан овора бўлиб қолди. Энди Қўнғиротда бизнинг тургилигимиз қолмабди. Ултонбек муомалага кўнадиган, элнинг маслаҳати билан иш қиладиган одам эмас. Сеники маъқул демакка бизнинг тилимиз келмас, бу сўзинг ноўрин десак, ўлдирмай қўймас. Ўз отасини сийламаган, ўлса ҳам, бизни одам ўрнида кўрмас «Эсинг борида эагингни ёп» деган экан. Бир балога дучор бўлмай, эсимиз борида Бойсиндан кўчайик, эл-юрт тинчиган сўнг яна қайтиб келармиз, отимиз—тўйган ерини, ўзимиз—қўнган еримизни топиб олармиз,—деди.

Маслаҳатга йиғилган оқсоқоллардан бирови айтди:—Шомирот тўғри айтади, «йўл танисанг, ўз жойингни топ» деган. Яйловга кўчгандай, Бойсиндан узоқроқ бир ерга кўчайик, ўзимизга ҳам, моли-мизга ҳам тинч бир жой топиб олайик, нима бўлса, Ултоннинг қўлида шарманда бўлгандан, жаҳонгашта бўлиб, айланиб келайик, ун-гача эл тинчиб қолар, беклик ҳамма вақт Ултонда кетмас, «ҳақиқат ўз жойини топар»,—деди.

Бирови айтди:—Биз туюқсиндан кўчсак, қаерга борамиз? Мол-ҳол билан бориб, жам бўладиган ернинг тайинини билмасак, кўчиб ҳалак бўлмайик?!

Бойлардан бири айтди:—Бизнинг бу ерда солиб қўйган иморатимиз борми? Биз элибой одаммиз-да. Беш кун чўлда, беш кун кўлда, тоғда-тошда—қаерда молга ўт бор деса, бориб қўнган одаммиз-да.

Бир нечаси айтди:—Бу, ўзингнинг ота-бовангнинг ўтиб, яйлаб келаётган яйлови. Қачон бўлса кела берасан. Ҳозир Ултоннинг тааддисидан қочиб, бўлак чегарага бориб турганимиз маъқул. Ултонни ҳеч ким бек қилгани йўқ, у ўзи ўзини бек қилиб, Қўнғиротга ола қаради. Бўлак уруғлар бизга куладиган иш бўлди. Ҳар уруғда катта оғиз одамлар бўлади. «Алпомиш қалмоқ бориб ўлиб эди, Қўнғиротлар ўзидан бошлиқ тополмай, қизилбошдан бўлган бир тентакни ўзига бек қилиб олди» деб, ҳамма гапириб, биздан кулади, сўнгра уруғнинг номига ҳам яхши бўлмайди.

Ҳар қайсиси ҳар турли гапириб, нари-бери ўйлашиб, қаерга борарини маслаҳат қилиб, орадан бир йил олти ой ўтиб кетди. Булар энди маслаҳатни бир ерга қўйиб, Хитой тарафига ўрлаб, Аймоқ чегарасига ўтиб қўнмоқчи бўлиб кўча бошлади.

Шомирот хотинига айтди:—Мана, замон бундай бўлар экан. Сен ўйламай бир ишни қилдинг. Мана элнинг маслаҳати битди, Аймоқ чегарасига қараб олди-кетди. Биз ҳам эл билан бирга кўчамиз. Ойдан-ой, йилдан-йил ўтиб, бир кунлари қизинг бўй етиб қолади. Сен йўқ ердаги ишни қилиб, қизингнинг бошини бойлаб қўйдинг. Биз унда бориб жойлашиб қолсак, қайтиб келолмасак, Бойбўрининг ўғлидан қолган сағирнинг йўлига тикилиб ўтираимизми, энди «ўзинг қилибсан, ўзинг қилган ишдан «ҳузур» қилибсан. Мана эл кўчиб бораёти, олди бўлмасак ҳам, кейнида аралашиб кўчамиз. Беғам бўлиб ўтирма. Бориб, қизингни бир ёқли қилиб келгин, ё биратўла шунки бўлсин, ё биратўла боши очилиб, ихтиёри ўзида қолсин.

Бу сўзни эшитиб: Рост айтасиз,—деб Ойжамол эртасига Барчининг қошига борди. Қуда-қудағай бўлиб, бир бирини жуда иззат қилиб қолди. Шунда Ойжамол Барчинга гапирди:—Биз бўлак чегарага ўтиб, мол ўтлатмоқчимиз. Одамлар кетиб бораётир, биз ҳам кетмоқчимиз. Биз олис кетгандан кейин бир-биримизга йўлиқмоғимиз

қийин. Бизга ич ачигудай бир нима бериб,•қуда бўлганингизни бел-  
гили қилсангиз!

Барчин айтди:—Бизнинг боламиз ёш, сизнинг қизингиз ҳам ёш.  
Бир нарса берамиз, деб гапирмоққа ҳозир бош одамимиз йўқ. Бова-  
си ўз кунини ҳам кўролмай, бир нима бераман деб жавоб ҳам бе-  
ролмайди. Молнинг ихтиёри ҳам ундан кетган. Менинг молим ҳам  
деёлмайди.

Шунда Ойжамол бир ёқли қилиб кетайин, деб бир сўз айтиб ту-  
рибди:

Барчин, сен сўзимни билгин,  
Қизимнинг жавобин бергин.  
Беҳуда сўзни гапирма,  
Менга ўларманлик қилма.

Мол бергани кўзинг қиймай,  
Топшириб қўйганинг борми?  
Қизимнинг жавобин бергин,  
Қизимнинг бошини бойлаб,  
Сен сўйлама, шумлик ўйлаб,  
Қизимнинг жавобин бергин.

Яхши билмайман ишини,  
Излайман кўнгил хушини,  
Ҳеч ниманинг тайини йўқ,  
Бойлама қизим бошини.

Бу сўзимни англаб билгин,  
Хўп ўтириб, ўйлаб кўргин,  
Сўзнинг маъқулини қилгин,  
Қизимнинг жавобин бергин.

Бу сўзни эшитиб, Барчин:—Эй қудағай! «Қўноқ устига чўноқ»  
дегандай, сизнинг гапингиз ажаб бўлди. Бизнинг ваҳимимиз ҳозир  
ўзимизга кўплик қилиб ётибди. Азизлаб юрадиган бола—Едгор, кў-  
ринг, қандай бўлиб юрибди. Едгорнинг кийган кийими—чиғаноқдан  
енги йўқ, етимликдан ками йўқ. Алпомиш отаси бўлганда бу бола  
нимага бундай бўлар эди?! Ҳозир қизингиз уйда, чанғароқдан чи-  
қиб кетиб бораётгани йўқ. Иккови эр етса, қаерда бўлса қўшилар.  
Мана, менинг отам акаси билан ўрлашиб, мени олиб қалмоқ юрти-  
га кетди. Қалмоқ подшосининг қанча полвони бор эди, бари олп-  
зўр эди. Мен шуларнинг талашида қолдим. Мана, тақдирим шу ёқ-  
да, ўз элимда экан, Едгорнинг отаси борди, тағи қайтиб Қўнғиротга  
келдим. Булар иккови эр етиб, бир-бирини суйса, сиз табгил қилиб,

йўқ қилолмайсиз. Агар биров-бировининг юлдузи тўғри келмаса, бизнинг давлатимиз қўлимизда бўлиб, қанча молу дунё берсак ҳам буларни сиз бирга қилолмайсиз!

Бу сўзни Барчиндан эшитиб:— Энди гапингиз шу бўлдимиди?— деб Ойжамол уйига қайтди, бўлган гапни эрига айтди.

Шомирот ўйлаб: «Алпомиш билан ваъдамиз бор эди, Барчин ҳам эрининг сўзи билан Ойдинни аташтириб эди. Энди Едгор етим бўлиб қолди, бовасининг давлати қўлидан кетди, буларда мол қолмади деб, қизимнинг бошини бўшатиб қўй, десам, уят бўлар. Ич ачийдиган бир нима берсин демак ҳам яхши эмас эди. Асли Барчиннинг шу сўзи маъқул гап. Биз бошимиз оққан ёққа кетиб бораётган одам. У ерларда нима бўлади, нима қўяди—ўзимиз ҳам билмаймиз. Қизимизнинг бахтини тиламай, ёш болага ич ачирли мол берсин, деганимизнинг ўзи айб», деб энди бу ҳам кўчмоқнинг ҳаракатида бўлди.

Тўполон-ғулғула Қўнғирот юрти,  
Ултондан ҳазар қип кўчмоқчи бўпти.  
Чорва молни ҳайдай берди чўпонлар,  
Неча йўл бошловчи олдинда кетди.

Нор туяга ортди уйини бузиб,  
Бойсиндан жўнади бағрини эзиб,  
Аймоқнинг элига кетиб боради,  
Бурун-сўнг кўрмаган чўлларни кезиб.

Бир нечаси бойдир, давлати катта,  
Аймоқ бориб кўнсак дейди, албатта.  
Бойларман жўнади қанча камбағал,  
Ултон омон қўймас, дейди, Қўнғиротда.

Тоғ ёқалаб булар кетиб боради,  
Чарчаганда жойли ерга кўнади,  
Ададсиздир бойларининг йилқиси,  
Ҳар ким ўз молидан хабар олади.

Чори қўйлар борар эди чайқалиб,  
Човлаб қолганини у сўйиб олиб,  
Йўлларда таадди қилган одам йўқ,  
Боради йўлларда нечаси толиб.

Кексалари мингандир бедов отни,  
Олдин тушиб булар қилар ғайратни,  
Йўл бошқариб, яйлов кўриб боради,  
Эргаштириб кўчган Қўнғирот элатни.

Иўл тортади гоҳи ерларда қўниб,  
Беш кун-ўн кун турар молга дам бериб,  
Бўлак чегарага яқинлаб қолди  
Қўй оёғи билан қирқ кун йўл юриб.

Бўз йигитлар борар ғайрати тошиб,  
Неча тоғу, неча беллардан ошиб,  
Қўй оёғи билан қирқ кун юрган сўнг  
Борди Аймоқ чегарага ёнашиб.

Олди бориб кўрди, энди ажаб жой,  
Бир ёғи Аймоқдир, бир ёғи Хитой.

Буларнинг ахтарган ерлари шулдир,  
Топдик, дейди, юриб, бу яхши ердир.  
Жойи кенгиш экан, манзили ўтлоқ,  
Ҳар ёғида кўрди ажойиб кўлди.

Оқсоқоллар кўриб вақти хуш бўлди,  
Бари отдан тушиб, яйловга қўнди.  
Моли билан етиб келди ортидан,  
Бу яйловга барининг кўнгли тўлди.

Бир-бирига айтар:—Яхши жой,  
Мол семиртиб, яхши даврон сургудай.  
Бу ерларни кўриб, энди суюндик,  
Кенгиш экан юрти, яйлаб юргудай.

Фалокатга йўлиқмайин келдик, деб,  
Жуда яхши, энди йўлли бўлдик, деб,  
Ултонбекдан бошимизни қутқордик,  
Кенг яйловга эга бўлиб қолдик, деб.

Шундай қилиб, Шомиротнинг сўзи билан, элдаги оқсоқол-кек-саларнинг маслаҳати билан Қўнғиротнинг бир уруғи Бойсиндан кўчиб, Аймоқ чегарасига келиб, кенгиш яйловга қўниб, димоғи чоғ бўлиб, қатор қилиб уйни тикиб, молни ўтлатиб, сувлатиб, гўшт еб, қимизини ичиб ётди.

Булар қўнган ернинг уёғини Аймоқ дер эди. Бу жой Аймоқ хонига қарар эди. Аймоқнинг хонини Арасхон дер эди. Арасхоннинг Ойқашқа деган бир полвони бор эди, тоғда, овда юрар эди.

Бир кунлари Ойқашқа тоғдан икки олқор отиб, отига ўнгариб бораётиб эди, чегарага қўниб ётган қўнғиротларнинг устидан келиб қолди. «Булар, чоқдан, кўчиб юрган одамлар экан», деб иши бўлмағи ўтиб кетиб бораётибди. Шунда қимиз ичиб ўтирган маст бой-

лар: «Мана бу одам зур қувватли одам экан. Тоғда кўп одам кийикни отиб удда чиқолмайди, бу икки олқорни отиб, ўнгариб кетаётибди. Шундай мерганлар ўзимизнинг элда бир нима отиб келаётса, биров шиrolға деб олдига чиқса, иккита бўлса—биттасини, битта бўлса,—яримтасини шиrolға деб бериб кетади, қуруқ қўймайдиган расми бор. Бунинг олдига чиқиб, шиrolға сўрайик; мард бўлса, бировини берар. Мерганнинг расми, албатта, беради, номард бўлса, биттасининг ярмини берар; ҳайтовур қуруқ қўймас. Олқор гўши еб кўрганимиз йўқ, бир пишириб еб, қимиз ичиб бир кайф қилайик, деб иккита шағал мастини буюрди.

Булар:—Шиrolға!—деб Ойқашқанинг олдидан чиқди. Буларнинг «шиrolға» деган гапига Ойқашқа полвон тушунмади. Йўлтўсар деб ўйлаб, аччиғи келиб, буларга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Қулоқ солгин менинг айтган тилима,  
Нега чиқдинг менинг юрган йўлима?!  
Нима деб сўйлайсан асли билмайман,  
Тушунмайман. Сенга қулоқ солмайман.  
Йўлга чиқиб сендай одам қайтади?  
«Шиrolға» деб асли нени айтади?

Бу ерларда мени ёлғиз билдингми?  
Йўл тўсмоқчи бўлиб, чиқиб келдингми?  
Йўлдан ўтган нечовларни олдингми?<sup>1</sup>  
Сен ҳам мени шулардайин кўрдингми?

Арасхон дейдилар менинг хонимни,  
Танингдан узарман ширин жонингни,  
Аймоқ чегараси менинг юртимдир,  
Ойқашқа полвон дейди отимни.

Бир мамлакат элда ўзим зўрабор,  
Ҳеч маҳал бўлмайсан менга баробар.  
Йўлга чиқиб сен ҳам ғариб ўлмагин,  
Ўз тилингдан менга бўлдинг гуноҳкор.

Булар бир-бирининг гапига тушунмай, йўлга чиқиб, шиrolға сўраган икки бойвачча Ойқашқанинг ғазаби келганини билиб, бошқани қуйи солиб туриб қолди. Ойқашқа ўтиб кета берди. Бойваччалар: «Шиrolға деб бир балoга учраб қолдик, йўқ ердаги ғовғани бошимизга сотиб олдик. Олқор гўшти бўлмаса, бўлак гўшт бизни

---

<sup>1</sup> Тунаб олдингми?



тешиб чиқаётибмиди? Қачон биз мерганлик қилиб, анг гўши еб юрган одам эдик», деб қилган ишига пушаймон бўлиб ётди.

Ойқашқа ўз манзилига етди. Ширилға деб йўлга чиққани Ойқашқага жуда ботиб кетди. Олиб борган ангини тозалагани ҳам қарамай, қичаб, Арасхоннинг қошига бориб етди. Бориб, Арасхонга кўриниш берди. Бу, хоннинг иноқ полвони, кўриқчиси.

Ойқашқа бўлган воқиани Арасхонга айтиб турган экан:

Ов овладим, тоғу тошларда юрдим,  
Неча душманларнинг додини бердим.  
Ангни отиб яна баланд тоғлардан,  
Чўлнинг чегарасига мен етиб келдим.

Чегарада қўниб ётир кўп элат,  
Кўриб келдим, уларда кўп мол-давлат.  
Бизнинг элга ўхшамайди сиёғи,  
Уткинчига қилар экан сиёсат.

Келар эдим мен ҳам тинч, ўз ҳолима,  
Икки газандаси чиқди йўлима,  
«Ширилға» деб менга бир сўзни айтди,  
Сўз сўрасам жавоб бермас сўзима.

Мени билмай, ўзгалардай кўрганди,  
Ҳар ким отли бўлса яёв қилганди,  
Йўлтўсари одам пойлаб юрганди,  
Шу вақтгача айтганим йўқ ёлғонди,  
Кўриб менинг тарзи сиёсатимни,  
Сўнгра улар ботинолмай қолганди.

Қилар эдим уни ер билан яксон,  
Мен сизни андеша қилдим, Арасхон,  
Нима бўлса Арасхоннинг мулки деб,  
Тўғри келиб хабар бердим шу замон.

Арасхон амалдорларини чақириб сўради:—Қандай одам бор бу чегара чўлда?

Амалдорлар айтди:—Қим борини биз сира билмаймиз. Бундай гапни биз янги сиздан эшитдик.

Арасхон айтди:—Ойқашқа полвон ўтирик гапирмайди. Бир ёқдан оғишиб келган ўғри-газанда бўлса, унча эл билан юрмайди. Чегарага шунча эл келиб, қўниб ётибди, қайси амалдорлардан сўрасам билмайди!

Амалдорлар, от белига мининглар!  
Қандай элат кепти, англаб билинглар,  
Манов яхши, манов ёмон деманглар,  
Қанча бўлса, барин ҳайдаб келинглар!

Элаб-эҳчаб ундан сўраб кўрайик,  
Ёмон бўлса, қаттиқ ишлар қилайик.  
Полвоннинг йўлини нимага тўсди?  
Ёмони ким бўлар, сўраб билайик.

Мусофирлар ўз ҳолини билмасми?  
Ҳолин билиб тўғри йўлга юрмасми?  
Хонларнинг қўлида бари ўлмасми?  
Амалдорлар, эртарақ борсанг бўлмасми?

Бу сўзни эшитиб, ўн тўрт киши ёв-яроқли, сиёсат-ҳайбатли бўлиб, отига миниб, от терлатиб чошиб, чегара чўлига келиб қолди.

Мусофирларнинг онги кетиб, хаёли қочиб: «Бу қандай ҳикмат бўлди? Ултонбекни ёмон деб, бир балодан қутулиб, минг бир балога тутилиб қолдикми?» деди.

Борган амалдорлар мусофирларга ҳадеб гапиреди, бирининг гапига бири тушунмайди. Хоннинг амалдорлари кўринган одамни қамчи билан уриб, дўқ қила бошлади. Қимни урса, қамчи билан ўзи келган йўлни кўрсатади, ўзидан-ўзи дўқлаб гапиреди, булар тилига тушунмайди. Сўнгра қўнғиротлар бир-бирига қараб айтди: «Булар, чоқдан, шу ёққа юр деяётир. Бу ерда қамчи еб ўлганча, имлаган ёғига юриб ўлайик, борайик, қани, юринглар!» деб эркаклар бари биров-бировини чақириб, йиғилиб, амалдорнинг олдига тушиб жўнади.

Амалдорлар буларни ҳайдаб, Арасхоннинг қошига етди. Арасхон чиқиб, мусофирлардан гап сўради: «Қайси юртдан келдинглар, қандай эл бўласизлар, мендан сўрамай, нега чегарага қўндинглар? Ой-қашқанинг йўлини ким тўсди? «Широлға» деб кимни айтади?!» деб дўқ уриб, қанча гап сўради, булар тушунмади.

Шунда Шомирот: «Бу подшо биздан бир нима сўраётир, гапир-сак билармикин», деб бир сўз айтиб турибди:

Бизлар келдик Бойсин-Қўнғирот элидан,  
Не иш келсин мусофирнинг қўлидан,  
Яхши деб эшитдик Аймақ юртини,  
Бу юртларни, элни ҳавас қилганмиз,  
Аймақ халқи бизни дўстдек кўрар деб,  
Юртингизга биз сиғиниб келганмиз.  
Бизлар асло ёмонликни қилмаймиз,  
Қилмоқ тугул, ҳеч қайсимиз билмаймиз.

Чегара яйловдан биз бўлдик хурсанд,  
Овдан келаётган экан бир полвон,  
Икки олқорни отиб отга ўнгарган,  
Кўриб қолган уни ўтирган бойлар.

Тушган эмас уни тўнаш-ўйига,  
Широлға деб, сўраб чиққан йўлига,  
Яхши сўз деб мерганларнинг шаънига.

Аччиғланиб, полвон неча сўз айтди,  
Сўраган кишилар уялиб қайтди,  
Биз билмаймиз нима кўтоҳлик ўтди.

Арасхон ўз олдида турган одамларга айтди:—Мен бунинг гапига тушунмадим, сизлар билдингларми, нима деди? Англаганларинг борми?

—Довшини билдик, бўлак нима деганини билмадик,— деб жавоб берди. Арасхон ўйланиб, амалдорларга айтди:

—Бугун бозор. Савдо-сотик қиламиз деб, олисдан-яқиндан, ҳар ердан савдогар одам келган. Бозорга хабар қилинглар, буларнинг тилини билгич одам чиқиб қолар.

Шунда бир ясовул отланиб, раста-расталарни оралаб, қичқириб, хабар қилиб юрибди:

Шаҳарма-шаҳар юрганлар,  
Савдо йўлини билганлар,  
Ўзга элатдан келганлар,  
Хон олдига бориб ўтинг!

Тарозини ушлашганлар,  
Жой топмаса, мушлашганлар,  
Бир-бириман талашганлар,  
Хон олдига бориб ўтинг!

Нима деб хон сўрганин  
Ҳамманг жавоб бериб ўтинг.  
Қўй савдони, савдогарлар!  
Хон чақирди, бориб ўтинг.  
У сизлардан савол сўрар,  
Қим сўзига жавоб берар,  
Хоннинг гапин билиб ўтинг!

Савдогар, савдонгни ташла,  
Қандай ишинг сўнгра ишла,

Бориб хоннинг кўнглини хушла,  
Жавоб сўрса, бериб ўтинг!

Шоҳнинг сўзи шундай бўлди,  
Келиб ясовул чақирди:  
Ҳаялламай бориб ўтинг!

Ясовул кишиларни жўната берди. Савдогарлар хоннинг қошига йиғилиб борди. Хон кўнғиротларнинг тилини биладиган савдогарларни олиб қолди, билмагани қайтиб кетди. Тил билганлар тилмочлик қилиб, хоннинг гапини кўнғиротларга тушунтирди. Шунда Шомирот Арасхонга гапирган гапини тилмочлик қилган одамларга бўлакдан маъқуллаб чиқди. Ҳамма билди: бояги «широлға» деган гапдан бўлак гап йўқ. Шунда Арасхон билди: улар Кўнғиротдан келган экан, молдор халқ экан. Аймақнинг ери кенгиш, ўтлоқ деб аймақчиларга суяниб келган экан. Широлға дегани ботирларнинг шаънига, ботирни ўзидан баланд билиб, бир нима тилаб тургани экан. Уртада бир-бирининг тилига тушунмаётган чатоқлик шул экан, ундан бошқа ҳеч гап йўқ экан.

Арасхон айтди:—Билмасликдан биздан кўрган тааддини кўнғилларингга олманглар. Бизга сиғиниб келган бўлсанглар, мана яйлов, ана жой. Бизга суяниб келсанглар, молларингни ёйиб юра беринглар. Нима ҳоли аҳволларинг бўлса, ҳар замон келиб, хабар бериб туринглар. Бизнинг элга араллашиб, бозор-ўчарда гаплашиб, бир-бирининг тилингни ҳам тушуниб қоласан,—деди. Мусофирларга жавоб берди.

Тилмочлар «бозор савдоси ўтди», деб бозор қараб кетди. Мусофирлар димоғи чоғ бўлиб: «Бозорни оралаб, уни-муни олайик, эртароқ яйловга борайик, бола-чақа кўрқиб ётгандир», деб булар ҳам бозор бориб, ҳар қайсиси уни-буни олиб, эртароқ бориб, болаларнинг димоғини чоғ қилайик», деб яйловга қараб кетди, манзилига етди. Бола-чақа, битта-яримта қолганлар: «Қандай воқиа бўлди?» деб сўраб ётибди. —Э, ҳеч гап эмас экан, бари тил билмаганнынг айби,—деб бўлган гапини айтди. Барининг димоғи чоғ бўлди.

Орадан неча вақт ўтди. Бир-биринга кўзи сингиб, аймақлар ҳам ўз элидай бўлиб қолди.

Аймақнинг бир тарафини сўраб турадиган бир кўрғонбегиси бор эди, отини Урозали қушбеги дер эди, қушбегилик амали бор эди. Урозали қушбегининг қошидаги амалдорларидан бошқа олти юз оламон одами бор эди. Урозали қушбегига қараган ер чегара чўлга яқин эди. Бу ернинг одамлари чегара чўлга бориб-келиб юрди.

Бир кунлари беш-тўрт аёл қидириб, чегара чўлга келиб қолди.

Келган аёллар бойларнинг зиёфатини еб, Шомиротникида бир кеча ётиб, қанча иззатини кўриб кетди.

Шомиротнинг Ойдиной деган қизи бўй етиб, кўзга кўриниб қолган. Шунда меҳмон бўлиб кетган аёллардан бири қушбегининг уйига бориб, Ойдинойни кўп таъриф қилиб, гапириб ўтириб эди, шу вақтда қушбеги уйига кириб бориб, бу гапни эшитди. У вақти бир нима дегани ўз хотинларидан андеша қилиб, хотинларининг олдида индамади. Кейин бўлак вақтда у аёлни овлоқ жойга чақириб сўради. У аёл қушбегига шундай хабар бериб турибди:

Сиз эшитинг мендай мунглиғ сўзини,  
Кўриб келдим Шомиротнинг қизини,  
Ҳар ким босолмайди унинг изини,  
Тўлишиб, барқ уриб турган юзини.

Одам кўрса, тоза кўнгли тўлади,  
Одобли, ҳурматли, ўзи доноди,  
Мен ҳам кўрдим, сағал ёшроқ болади,  
Жамоллари кунни хира қилади.

Полвон сифат ўзи, шундай болади,  
Ўзбек халқнинг қизи шундай бўларми?  
Ким кўрса ҳам, тоза ақлин олади.

Кўрганнинг кўнглида қолмайди ғубор,  
Жамоллари ўн тўрт кунлик ойча бор.

Ўзга сулув билинмайди қошида.  
Бир кўрмоқлик сиздай бекнинг иши-да.

Қийғир деган қуш ўлтирар қияда,  
Бундай сулув йўқдир ушбу дунёда,  
Одамзод сулуви олдида бекор,  
Ой тугул, жамоли кундан зиёда.

Бу сўзни эшитиб, Урозали қушбеги:—Эса бир одам юбориб кўра-миз,—деб одамни алдамоққа эпчилнамо бир Чандана чол деган си-поҳи одами бор эди, шу билан сирлашиб, кўнглидагини айтди:—«Чегарага кўчиб келган мусофирлардан Шомирот деганнинг Ойди-ной деган қизи бўй етибди. Шунга сен совчи бўлиб борасан, Шоми-ротга мени таъриф қиласан, айтганингга кўндирасан, қатор-қатор нор бераман, нор устига юклар зар бераман, Арасхоннинг қушбеги-си Урозали қушбегига қайинота қилиб қўяман, шундан сўнг сенга ҳеч ким ботина олмайди, яйловда беҳовотир молингни семиртириб, кундан-кун давлатинг ҳам ошади, мартабанг ҳам зиёда бўлади, ҳам

Ўз элингда, ҳам Аймақда обрўли бўласан», деб қизини бермоққа кўндирасан, келиб менинг инъомимни оласан,—деди.

Бу сўзни қушбегидан эшитиб, Чандана чол айтди:—Ундан ғам ема. Мен борган ишни битмай қолади дема. Қушбег! Сен ҳали менинг қадримни билмайсан. Мусофирлар Қўнғиротдан экан. Мен жамий ўзбекнинг ота пири бўламан. Қандай бўлса, кўндириб, йўлга соламан, ишинг шу бўлса, ўзим ўрин қилиб келаман,—деб бир чўнтоқ чўбирни миниб, остига хуржунини солиб, қушбегининг қошидан чиқиб, чегара чўлга келиб, Шомиротникини сўраб, Шомиротникига кўнди.

Илгари кўрган эмас, гаплашиб, бир-бирини билган эмас. Шомирот қаради, бир гапга эпчил, ўзидан бўлак одамга гапга навбат бермайдиган чол. «Жуда дунёдан хабари бор одам экан. Бу қаердан келган экан», деб олдига дастурхон ёзиб, ҳар турли овқатлардан олиб келиб қўйди. Бешта-тўртта йиғилиб, бованинг димоғини чоқлаб ўтирди.

Далада мол боқиб юрган ўзбекларда қочув-писув йўқ. Чандана қиз учун борганини билмайди. Ойжамол қизини унга-бунга буюради. Қизи ҳам энасининг буюрган хизматини қилиб юрибди. Чандана ҳам Ойдиннинг қилган хизматини кўриб турибди. «Қушбегининг айтганидан ҳам зиёд экан», деб кўнглидан кечиб турибди.

Шунда ўтирган одамлардан бири:—Бова, сиз қаердан келдингиз?, деб сўради.

Чандана чол неча тилларни билган, неча элларни юриб кўрган; жавоб бериб бу сўзни айтиб турган экан:

Мени билсанг Шерободдан келаман,  
Қўнғиротларнинг ота пири бўламан.  
Келолмай, сизларни кўп сўраб юрдим,  
Асли ўзим тарки дунё қилганман.  
Сизларни ахтариб, Бойсинга келдим,  
Бойсинда сўроғлаб, кетганинг билдим.  
Ота-бовасидан келгандир мурид,  
Эшитдим Аймаққа келганди бир юрт,  
Олис деб аввали қайтмоқчи бўлдим,  
Тағи ҳам қайтмадим, ахтариб келдим.

Қатта-кичигини бориб кўрай, деб,  
Дуо қилиб оқ фотиҳа берай, деб,  
Кўз кўрмаган юртга бойлар келибди,  
Қандай бўлса, бориб ҳолин сўрай, деб.

Қўнғиротлар, қулоқ солинг нолага,  
Мурид овлаб мен чиқмайман далага,

Назир олмоқ ишни яхши кўрмайман,  
Бир нима олмайин бердим фотиҳа...

Оқшом ётмай, тун уйқимни бўламан,  
Кеча-кундуз худоғўйлик қиламан.  
Сизлар келибсизлар Аймоқ юртига,  
Аҳволингиз билмоқ учун келаман.

Мен қаридим, дунё даркормас менга,  
Азобни кўпайтмай бу ширин жонга.  
Агар менинг авлодимни сўрасанг,  
Суруштирсанг, борар Ҳасан-Ҳусанга.

Дунё учун сира келмадим бунда,  
Холисликдан ўзим дуоғўйман-да.  
Бугун оқшом энди ётарман бунда,  
Туни билан насиҳатни гапириб,  
Эрта кўрасизлар сиз мени йўлда.

Албатта, сизларга насиҳат даркор,  
Мендай эшон бўлар сизга хизматкор,  
Ота пирдан бошқа, эшонинг бекор!  
Пулу дунё, ўйла, бизга не даркор?!

Бу сўзни Чандана чолдан эшитиб, Шомирот: «Биз англамай қолибмиз, бир қўниб ўтадиган йўловчи дебмиз», деб ўтовга олиб кириб, тоза кўрпа-кўрпачалардан остига тўшаб, иззат-икром қилиб, Чандана чол кўрпачанинг устига чиқиб ўтириб, гоҳ ёнбошлаб ётди. Шунда бир-бирига хабар қилиб, қўнғиротларнинг бойлари ҳам келиб, Шомирот қўй сўйиб, пишириб, «пирим, пешвозим» деб, олдига олиб келиб қўйди. Шу айносда иззат билан оқшом ўтди. Йиғилиб ўтирган бойлардан бири Чандана чолга қараб айтди:—Сиз келиб қолибсиз, мана бугунги ҳаракатни Шомирот қипти. Ҳарқайсимиздан шунча иззат-давлат чиқади. Ҳали сизга жавоб йўқ. Ҳафта-ўн кун туриб борасиз-да.

Шунда Чандана чол айтди:—Биз сизларни сўнгра эшитдик. Бу ерларга илгари кўп келиб, сўнгра келмай кетганмиз. Бу юртда, бизга хабари неча марта бориб турган, бир қўрғонни сўраб турган Уро-зали қушбеги деган мурдимиз бор. У бизни кутиб ўтиради. Борсақ у ҳали бизни юбормайди. Қўнишларинг яхши тушиб, хўп бой, яйлайдиган ерга йўлиққан экансизлар. Мен энди қари одамман. Мендан насиҳат даркор. Қушбегига ҳам, сизларга ҳам насиҳат айтиб, сизларни тоза тинчитиб, балки мамлакатнинг эгаси қилиб, қушбеги билан Шомиротни—икковини томир қилмай қўймасман. Бир қиз-да.

Шомирот ихтиёрни бизга берар, яхшилик-ёмонлик ёғини бўйнимизга қўяр, сўнгра бу мамлакатнинг ҳаммаси билан бирикишиб-чиқишиб қолар. Бундай яхшилик ишларни, албатта, мендай одамнинг қилмоғи даркор. Эл-элатсиз, баринг ўтирибсан, ҳаммангга ҳам менинг сўзим маъқул келар. Сўнгра бир яхшилик иш бўлар,—деб Чандана чол тулкилик билан ўрганган найрангини қилиб, алдаб бўйнига қўймоқчи бўла берди.

Шунда ўтирган бойлар ҳайрон бўлиб, эшоннинг бетига қараб гапиролмай қолди. Чандана чолнинг гапи Шомиротга ботиб, Чандана чолга қараб бу сўзни айтиб турибди:

Пирим бўлсанг, эшит менинг сўзимни,  
Оғзингга олмагин ёлғиз қизимни!  
Иzzат билан энди сени жўнатай,  
Энди айта кўрма бундай сўзингни!

Келиб қўндинг бир мусофир уйига,  
Не хаёллар келтирасан ўйингга,  
Қизим аташтирилган Қўнғирот юртида,  
Алпомиш ботирнинг ёлғиз улига.

Асло қонлашмайман қушбегисига,  
Мусофирлар қайтар ахир ўсган элига,  
Пирим бўлсанг, кетгин тўғри йўлингга.

Бир гап билан бизлар бунда келибмиз,  
Кун ўтказмоқ учун тентиб юрибмиз.  
Қиши юрти сира юртлик қилмайди,  
Ўсган эл тинчлигин кўзлаб турибмиз.

Қандайин қиз берай Аймоқ бегига?!  
Қарамайман Қушбегининг қўлига!  
Пирим, шу гапингни асло гап дема,  
Яхшиликча кетгин тўғри йўлингга.

Бизларни сен аҳмоқ, нодон билмагин,  
Бундай сўзлаб, бизни «йўлга» солмагин,  
Қушбеги деб бизлар томир бўлмаймиз,  
Пирим бўлсанг, ўз йўлингдан қолмагин!

Эшон деган ўзининг йўлига юрсин,  
Келган эшон совчяликни не билсин?!  
Янгитта кўрибмиз сендай эшонни,  
Ҳийла гапинг бизга қандай эп бўлсин?!



Ўйласанг, сўзларинг ёмон гап бўлар,  
Мен тугул, элатнинг кўнгли қаварар.  
Ҳамма сени иззат-ҳурмат қилганда,  
Бу гапларинг аҳмоқликман баробар.

Қалмоқ элда Бойбўрининг боласи,  
Алпомиш ботир дер Қўнғирот тўраси.  
Тирик деган ҳозир хабари бордир,  
Куёв бўлар менга унинг гавҳар донаси.

Бу сўзни эшитиб, эшонсиниб ўтирган Чандана чол бир сўз айтди:

Бойлиғингга сенлар бунча лоф урма,  
Кўтарилиб менинг кўнглим қавартма.  
Жўна деб, Шомирот, таадди қилма!

Кет демасанг ҳам ўзим кетаман,  
Қушбегининг манзилига етаман.  
Мени изза қилдинг, энди Шомирот,  
Ҳарна деганингни бориб айтаман.

Борганинг йўқ қушбеги манзилига,  
Бир кўрғонни сўраб турган шоҳига.  
Кўрсанг, хушомалга қизинг берасан,  
Кўзинг тушса обод манзил-жойига.

Бу ерларда сен билмадинг сўзингди,  
Кўрсанг берар эдинг айтмай қизингди.  
Мен сенга қайишиб сўзни сўзладим,  
Сенинг қизинг қушбегига лозимди.

Бўлсанг бўпсан-да Алпомишман куда,  
Худо қилса, ўзинг бўласан жудо.  
Мени десанг, бир йўриғи бўлар-да.  
Алпомишнинг ўғли ўша Ёдгор-да.

Тўғри сўзлаб, мен гапирдим юзингга,  
Оғиз солдим уйда турган қизингга,  
Менинг қизим кетса, бўйдоқ қолар деб,  
Алпомиш ўғлининг ғамини ема!

Эшоннинг кўнглини ноза қиласан,  
Қараб турсам, феълинг озиб борасан,  
Шу сўзларинг билиб қолса қушбеги,  
Нима деса, айтганига кўнасан!  
Кўнмаганда армон билан ўласан!

Шомиротнинг аччиғи келиб, Чандана чолга тағи бир сўз айтиб турган экан:

Менинг сўзим ола бердинг қиёма,  
Айтиб боргин у суянган тоғинга,  
Қўлидан келганин қилсин аямай.

Бориб айтгин қушбегининг ўзига,  
Қулоқ солгин мендай одам сўзига.  
Шомирот Алпомишга узанги йўлдош,  
Қандай аҳмоқ оғиз солар қизига?!

Қушбеги деб сен оғзинга оласан,  
Қушбегидан келган жосус бўласан,  
Билдим, сенинг эшонлигинг ёлғондир,  
Айёр чолсан, армон билан ўласан!

Баҳорда очилар боғнинг бодоми,  
Мен билувда, қушбегининг одами,  
Эшонман деб қанча иззатни кўрди,  
Қандай етди бадбахт чолнинг қадами?!

Қушбегининг давлатидан келибсан,  
Шунча элнинг барин аҳмоқ қилибсан,  
Мен сизларнинг ота пиринг бўлдим деб,  
Бир балога дучор қилмоқ бўлибсан.

Чандана чол қаради, Шомиротнинг жуда аччиғи келган. Шунда ўтирган одамларга қараб, Чандана чол айтди:—Бу бизнинг янги кўрган муридимиз. Нима десак, сўзимизни ташламас,— деб эркинлик қилиб гапирдик. Лекин Шомирот кўнглига оғир олди. Бизнинг эшонлигимиз ҳам номаълум бўлиб қолди. Кет демасанг ҳам ўзимиз кета берамиз,—деб отланди.

Узгалар:—Тахсир! Икковингизнинг орангизда кўп гап оралаб қолди. Шомирот ҳам ўз болангиз-да — муридингиз, кўнглингизга оғир олманг, бир-бирингиз билан синашта бўлган эмассиз, гина қилманг,—деб отлантириб, йўлга солди. Чандана чол хуржун қулоқни эгарнинг устига солиб, чўнтоқ чўбурнинг белига миниб, йўлга раво-на бўлди.

Шу йиғинда бор бойлардан бири Шомиротга айтди:—Эшонлик қилиб юрибди. Ўзида бир нима бор, ўзида бўлмаса, ота-бовасида бор. Бу гапларингиз эшонга бекор,—деб насиҳат қилмоқчи бўлди.

Шомирот айтди:—Эшонлиги бизга маълум эмас. Жағи қовушиб, одамга гап бермагич баччағар экан. Эшон бўлса ҳам, бўлак бўлса

ҳам ўз йўлига! Аввал мен ҳам ихлос қилиб эдим. Сўнгра совуқ оёқдай, кўзима ёмон кўринди.

Булар ўзаро бу сўзларни гапириб қолди. Чандана чол қушбегининг давлатига етди.

Қушбеги сўради:—Қандай? Бўри бўладигандайми, тулки бўладигандайми?

Чандана чол айтди:—Бир боргандан иш битириб, улар йўлга қараб тайёр бўлиб турибдими? Совчи икки-уч бормайдими?

—Борган одам гап-авзойидан билмайдими?—деди қушбеги.

Шунда Чандана чол қушбегига бир сўз айтиб турган экан:

Қизи яхши, отаси ўзи ёмондир,  
Чўчқа қовоқ кўрдим шундай қобонди.  
Биз бермаймиз сира унга омонди.  
Ҳеч билмайди бунда беклик замонди.

Урлик қилса, айтган сўзга кўндириб,  
Мусофирга зўрлигимиз билдириб,  
Қўлидан олармиз ёлғиз қизини,  
Оламонлар борса, уни ўлдириб.

Қушбегисан, қанча шавкатларинг бор,  
Олти юз оламон—булар аждаҳор,  
Булар билан бўлолмайди баробар,  
Сўнгра бўлар ўзимиздан миннатдор.

Кўзин ўймай, қайтмас юрган йўлидан,  
Наҳ уради, ҳеч тоймайди тилидан.  
Ўзи мусофирдир Аймоқ элига,  
Не иш келар мусофирнинг қўлидан?

Зарб кўрган сўнг кўп пушаймон қилади,  
Ҳеч сўзга кўнмади, қанча ўрлади.  
Ҳар бир сўзи унинг калтақдан ёмон,  
Сўзлаганда менга ботиб боради.

Ҳеч кўрган йўқ қушбегининг ишини,  
Танбеҳини бер ундай кишини,  
Кўзи қўрқса, кейин айтганга кўнар,  
Сўнгра қолар ўзимизда ихтиёр.

Қушбеги айтди:—Сабр қилиб тур. «Сабр теги сариг олтин» деган гап бор. Олти юз оламонни эргаштириб борсанг, яхши бўларми? Бу гапларни Арасхон подшо эшитса, оламон билан босиб борганимизни билса, Шомиротнинг қизига ўзи ишқивоз бўлиб, сен билан мени

гуноҳкор қилиб, охир-оқибат шарманда бўлиб қоламиз. «Мусофирларга яйловни мен берганман. Уларни аста-аста аймақларга қўшиб олмоқ ўйида эдим. Сен мендан бежавоб таадди қилибсан» деса, биз гуноҳкор бўлиб қоламиз. Арасхон меҳрибончилик қилиб, бир нима демаганда ҳам, бу мусофирлар кўчиб юрган эл экан, бир кечада кўчиб кетиб қолса, қаерни излаб юрамиз? Сен ошиқма! Айтивингга қараганда, ҳали қизи ёш экан. Аста-аста мусофирларнинг бойларига ўзимизни танитиб, Шомиротнинг ақлини олайик. Мен бандаргоҳга неча олам қўйиб, мусофирларнинг қочиб кетиб қолмаслик эҳтиётини қиламан. Қандай бўлмасин, шу қизни ўзим оламан,—деди.

Қушбегининг Анор айёр деган бир мастон кампири бор эди. Қушбеги Анор айёрни чақириб, сири-ҳолини гапириб:—Чегара чўлдаги мусофирларникига бориб, бир кеча Шомирот деганникида ётиб, уларга мени таъриф-тавсир қилиб, Шомиротнинг қизи Ойдинойни менга сўра, қанча мол-пул сўраса аяма, яхши гапдан ўзгани дема, нима қилсанг ҳам шу ишни битириб кел! Эҳтиёт бўл, кўрқитма, тағи кўнглига оғир олиб, бир кечада кўчиб кетмасин!—деди.

Бу сўзни Анор айёр эшитиб:—Бир қизнинг хизмати бўлса, бориб кўрармиз. Ундай-бундай қилиб, сизга олиб берармиз. Шунча давлатга, беклик шавкатга бермай, кимга берар дейсиз! Ундан ғам егунча, катта-катта нон ейберинг, — деб бормоқчи бўлди.

Анор айёр беш аёлни қаватига олиб, олтига бўлиб, бу аёлларга айтди:—Ичларингда мен қария. Мен қуруқ кетаберсам майли. «Қулчали бола суймали бўлади» деган гап бор. Сизлар ҳам мендай қуруқ, бурунларингга қўлларингни суқиб юрманглар. Биз бир бориб кўрмоққа зарур эмасмиз. Қулай бўлса, қуда бўлиб келамиз деб бораётимиз.

Бу гап ҳамроҳ бўлган беш аёлга ҳам маъқул тушиб, дастурхон тузаб, ҳар қайсиси ўз лозимомадасини ғамлаб, булар жўнади. Йўл юриб терлаб-пишиб, чегара чўлга етиб келди. Шомиротникини сўраб, меҳмон бўлди.

Бир-бирини танимайди. Шомиротнинг хотини буларнинг дастурхонини кўриб, ҳайрон қолди. Хаёлида айтди: «Бизникига келган меҳмон десам, илгари кўрган-билган одамлар эмас. Мабодо борадиган ери олис бўлиб, чарчаб бурулганмикин», деб буларнинг олиб борган дастурхонига ботина олмай турди. Сўрашиб ўтиргандан кейин Анор кампир дастурхонларни олиб, Ойжамолнинг олдига қўйди.

—Сизлар келгандан бери бизлар келолганимиз йўқ. «Элга—эл қўшилса—давлат, элдан эл кетса—меҳнат» деган гап бор. Бир бора-йик, танишиб, қўниш қутли бўлсин қилиб келайик, улар ҳам ўз-ўзи билан бўлиб ётмасин, бориб танишсак, улар ҳам хаёли тутганда келиб кетар, дедик. Бу дунёнинг зийнати—бормоқ-келмоқ, яхши-ёмонни кўрмоқ,—деди.

Кампирнинг сўзи Ойжамолга маъқул кеп қолди. Ўзи ҳам, қизи ҳам меҳмонлар хизматида бўлиб, бир қўй сўйиб, буларни сийлади.

Меҳмонлар оқшом ётди. Анор кампир оқшоми билан, эрта билан ҳам Ойдинойнинг хизматини кўриб:—Қизингиз яхши бола экан. «Биз кўчиб келган одам» деб турманг. Қандай бўлса, буни ўз тенгини топиб беринг,—деди кампир.

Ойжамол айтди:—Биз ҳам тенгини топиб берсак деймиз. Қизимиз бўй етди. Ўз элимизда бир одам «қиз меники» деб, эшигимизни шупурган эди. Элатчилик, бировга беролмай шунга бойланиб турибди.

Унда кампир айтди:—Мен бир одам сўмлаб турибман, қизингизнинг жуда ҳам тенги, ҳам бопти.

Кампир жуда раъйини топди. Бу сўзни эшитиб, Ойжамол ҳам майли дегандай бўлиб:—Тузук одам бўлса, ўйлашиб кўрамиз-да,—деди. Шунда кампир Ойжамолга қараб бир сўз айтиб турибди:

Душманни куйдирар кўрсанг савлати,  
Урушли кун Рустамча бор ғайрати,  
Белида ярқиллар шамшир пўлати,  
Шунга қарар бир қўрғоннинг элати.  
Урозали дейди, билсангиз оти.

Душман келолмайди изини босиб,  
Ойдинойжон, билдим, шунга муносиб.  
Боғбон бўлиб қизил гулин терайик,  
Боришли-келишли бўлиб юрайик.  
Кимни яхши десангиз шунча бордир.  
Ўзим айтган эр йигитга берайик.

Олтин пиёлада боллар ичилар,  
Сўз сўйласа, дурри гавҳар сочилар.  
Урозали юртимизнинг улуғи,

Шунга тегса, қизинг бахти очилар.  
Мен кўнглимда шундай сўмлаб тураман,  
Қабул қилсанг, Ойдинойни бераман.

Кўрсанг айтганимдан зиёд биласан.  
Юриш-туришидан ҳавас қиласан.  
Ишонмасанг сен, Ойжамол, сўзима,  
Бирга бориб, ўзинг кўриб келасан.

Мен биламан баҳодирлик номи бор,  
Қанча амалдорлар хизматин қилар,  
Ойдиной тақдири унга қўшилса,  
Жуда ҳам болангиз бахтидан тинар.

«Аёлнинг тилини аёл билади» дегандай, кампирнинг сўзи Ойжамолга маъқул бўлгандай бўлиб:—Мен сизлар билан бирга бормайман. Биз ўйлашиб кўрайик, қизимизнинг ҳам фикрини билайик. Бизнинг халқ ориятчил халқ бўлади. Мен кўриб келайин деб, меҳмончилата сизлар билан борайин десам, «Қизига эр кўргани кетган эмиш», деб эл гап қилади. Нима бўлса хабарини ўзимиз айтармиз,—деб меҳмонларнинг вақтини хушлаб йўлга солди.

Булар қушбегининг қошига бориб, бўлган воқияни гапириб: «Кўндирган ҳисоби қилиб келдик», деб унинг димоғини чоғлади.

Ойжамол кампирдан эшитган сўзини эрига айтди. Эри нима дегини билолмай:—Мен нима дейман, қизинг билан ақлаш. Биз йўлиққан «эшон»га ўхшаб, бу кампир ҳам аҳмоқ бир бало бўлиб чиқмасин тағи,—деди.

Ойжамол айтди:—У эшонингизни гапирманг. Жағи қуришиб қолган, шақиллаб ҳеч кимга гап бермайдиган бало эди-да. Булар аёл бўлса ҳам, бир салдорли, гапи мазали, борди-келдини билган одамлар экан. Буларни эшонингизга тенгламанг. Менга булар эсли одам кўринди. Мен уларга ўйлашиб кўрамиз, хабарини ўзим айтаман, деб қолдим. Шу вақтгача Барчиндан бир хабар келмади. Бойсинга боролмасак, Едгордан дарак бўлмаса, Алпомиш билан Барчиннинг ҳурматидан «Ойдиной Едгорнинг нишонлиси» деб биз билан кўчиб келган қўнғиротлардан бирови бизнинг қизимизга оғиз солмаса, тенгини топиб берганимиз тузук дейман-да,—деди.

Шомирот айтди:—Сен шунчалик ўйлаган бўлсанг, қизингнинг ўзи билан гаплаш. Қизинг Алпомишнинг, Барчиннинг таърифини эшитган, Едгорга кўнгил қўйиб юрган, буй етиб, умиди ортиб турганда, Едгордан кечиб, ҳозиргисини маъқул билса, мен нима дейман. Мен қалинини солиб олмоқни биламан. Элнинг тўйи қўйини бераман, бўлак гапинг билан ишим йўқ.

Ойжамол овлоқ ўтирган пайтда қизига гап ташлаб кўрди:—Болам, сен ҳам буй етиб қолдинг, эр етдинг. Энди ҳар ердан одам чиқаётир. Тузук, тенгинг бўлса берайик. Энди Қўнғирот юрт қолган юрт-да. У сенинг бошинга бир рўмол ўраб, бешикерт қилибмиди! Бир эшигимизни шупирди-шупирди-да. Биз бу ерга кўчиб келиб ўтирган элмиз. Сенинг орқангдан Аймоқ эли билан томир бўлиб, бир-биримизга орқа-ўриш бўлиб, яйловимиз кенгайиб, сенинг орқангдан ҳурматимиз ҳам тузук бўлиб қолади. Ҳозир қандай бўлса мусофирмиз. Аймоқ уруғидан ўрғиб келган қандай одамни кўрсак, энгимизни қисиб турамуз. Аймоқдан тузук бир одам билан томир бўлсак, бизга уларнинг ҳеч бири беҳуда гапиролмас.

Ойжамол қизининг қанча қуввати бор-йўғини унча чоқламай юрар эди.

Ойдиной энасининг сўзига кулиб, бир сўз айтиб турган экан:

Эна, бунча ночор қилма ўзингни,  
Ўтаклаб юрмагин мендай қизингни.  
Асло ташлаб мен кетмайман Бойсинни,  
Менга айтма, эна, бундай сўзингни.

Эна, аёллик қип кўнглинг бўласан,  
Мени ҳам ўзингдай мунглиғ биласан.  
Куч-қувватим Барчинойдан кам эмас,  
Аймоқлардан нега ҳадик оласан.

Соларман жафолар тандаги жонга,  
Аймоқнинг полвони келса майдонга.  
Мен қўрқмайман келадиган душмандан,  
Ушласам отарман уни осмонга.

Шунча ҳам қувватим бордир ўзимнинг,  
Мунглиғларга сен тенглама ўзингни.  
Агар биров келиб, ҳаддидан ошса,  
Тааддилар кўриб, ғайратим тошса,  
Қирқ минги душман бўп майдонга тушса,  
Менинг билан у майдонда савашса,  
Ундай кунда жавобини берарман!  
Ким зўр бўлса, ҳисобини қиларман!

Урушли кун не ишларни биткизай,  
Қиличнинг дамидан уни ўткизай,  
Қолганини ўз жойига еткизай,  
Шунчалар ғайратим бордир, энажон!

Сен мунглиғга тенгламагин қизингни,  
Эшитмайман, эна, ундай сўзингни.  
Қўя бергин ўз ҳолимга ўзимни!

Ойдинойдан бу сўзни эшитиб, энаси ҳайрон қолиб, қизининг сўзини отасига айтди. Шунда Шомирот:—Мен шунинг учун сенга қизинг билан гаплаш, деб айтиб эдим. Бу бола нима деса қилади. Жуда олп жасадли, сахти келган, эсли-ақлли қиз.

Мана ҳозир карвонлар Бойсинга кетиб бораётир. Энди бир хат қилиб, шулардан бериб юборайик. Ёдгор йигит бўлиб, тузук бўлиб қолдим, ё Ултонтознинг хизматида ўлдими, шунинг аниғини билайик,— деди.

Ойжамол айтди:—Ундай бўлса, бир хабарини билганингиз тузук. Менинг бу қизингизга гапиргилигим қолмади.

Шунда Шомирот хат ёзиб, хатда бу сўзларни айтди: «Бойсин юртида қолган элагим, ёри жўра улфатим! Бир сабаб билан биз Бойсиндан чиқиб, Аймоқ чегара чўлига келиб қўндик. Орадан неча йил ўтди. Бойсиндан ҳеч хабар бўлмади. Алпомиш келдими, ё Қалмоқ юртида ўлиб кетдими? Ёдгор борми? Эр етдими? Менинг фарзандим Ойдиной элатим деб йўлга қараб, Ёдгорни кутиб ўтирибди. Неча ерлардан совчи келади. Лекин Ойдиной Бойсин-Қўнғирот элим—Ёдгор деб, бўлак сўзга қулоқ осмай турибди. Ёдгор келиб, нишонлисини олсин, бўлмаса қизимнинг жавобини берсин, бундай йўлга қаратиб қўймасин», деб хатни карвонларга берди.

Жўнасанг, карвонлар, яхши боринглар,  
Элу юртлар қандай бўпти, билингллар.  
Салом денглар қавму қариндошима,  
Яхши сўз эшитиб, омон келингллар.

Неча сўзни карвонларга бу айтди.  
Қарвон туясига юкини ортди.  
Салқинда карвонлар туяни тортди,  
Манзилидан энди жўнади-кетди.

Йўлда қочиб бу карвонлар боради,  
Қундуз қўниб, оқшом йўлни олади.  
Неча кун, неча тун орада ўтиб,  
Бир кунлари борди Бойсинга етиб.

Шунда орада бир ой ўтиб, Қўнғирот карвонлари бурунги юрган жойларига етиб борди. Буларни биров танийди, биров танймайди.

Булар юк ташлаб, қўниб, битта-яримта олдига келиб гаплашиб ўтирганлардан, карвонлар:—Мамлакатингиз қандай, деб сўради.

У одамлар:—Мамлакатимиз яхши. Илгари неча вақт Ултон бек бўлиб чиқди, у вақтда бир сидра ёмон бўлди. Қанча одам ҳазар қилиб, бир оқшомда мол-ҳолини олиб, қайси бир юртларга ошиб кетиб эди. Бойсинда қолган одамларга ҳам қийин бўлиб, қочмоққа жой топмай, жой топса илож топмай қолиб эди. Элда шундай нотинчлик бўлиб турганда, Алпомиш ўлгани йўқ экан, келиб қолиб, юрт эгали бўлгандай бўлиб, ҳамма Алпомишни орқа қилиб, тинчиб қолди. Зўрнинг олдида амалдорнинг ҳам ҳеч нима қурби бўлмас экан. Алпомиш келиб, юрт яхши бўп қолди.

Бу сўзни эшитиб, карвонларнинг димоғи чоғ бўлди. Қарвонлар айтди.

—Шу хабарни эшитиб, одамдай бўлдик. Бўлмаса, агар қадимгидай бўлиб турса, битта-яримта таниган одам: «Булар қочиб кетган қўнғиротларнинг карвони», деб Ултон бекка билдирса, ундан одам келиб, молларимизнинг бариини тортиб олса, ундан кейин яна



келишимиз қийин бўлиб қолса, қандай бўлар экан,» деб келаётиб эдик. Энди бозорга тортинмай кира берамиз, молларимизни сотиб, керакли нарсаларни ола берамиз,—деб юкларини ортиб, шаҳарга етиб туширди.

Қарвонлар олиб келганини сотиб, оладиганини олиб ётди. Шу вақтда бир неча амалдор бож олмоқчи бўлиб, карвонсаройга келиб қолди. Карвонларнинг бошчиси амалдорларнинг каттасини сўради. Амалдорнинг бири айтди: —Бошчимиз одамларнинг ичига аралашиб, бозорни кўриб юрибди, ёш йигит, оти Ёдгор, Алпомишнинг ўғли.

Шунда карвонларнинг бошчиси Ёдгорнинг қошига бориб, салом бериб, хатни Ёдгорга тутди. Ёдгор хатни олиб, ёнига солди. Карвонбоши ҳам ҳеч нима деёлмай, ўз иши билан бўлиб кетди. Амалдорлар карвонлардан оладиган ҳақларини олиб қайтди, ўз жойига қўнди. Ёдгор ҳам борди. Энди ёнидан хатни чиқариб, бир амалдорнинг қўлига берди.

—Бир карвон бу хатни қўлимга берди, мен ёнимга солиб қўйдим. Сен кўр-чи, нима хат экан!

У амалдор ўқиб, бўлган воқияни Ёдгорга эшиттирди. Ёдгор бу хатнинг хабарини билиб, энасининг қошига бориб, хатдаги гапни энасига гапириб, Барчинга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Эна, эшит, менинг айтган сўзимни,  
Бошин бойлаб Шомиротнинг қизини,  
Шу вақтгача, эна, хабар бермадинг,  
Доим сағир билиб Ёдгор ўзини.

Сўз сўзлайман, эна, эшит зоримди,  
Ориятим бордир—номус-оримдир,  
Жавоб бергин, Аймоқ қараб жўнайин,  
Бориб олиб келай мен ҳам ёримди.

Элда киши нима гапни билади?  
Элатим деб, уй айланиб юради,  
Юрт қидирган кўп ишларни кўради,  
Кетган ёрга Ёдгор талаб қилади.

Мен сира билмадим неча йил ўтди,  
Бир неча ёримни олмоқчи бўпти.  
Хатдан билдим, неча совчи келибди,  
Совчини қайтариб жавоб берибди.

Шу бугун карвондан хабари тегди,  
Турган ерни хатда тайин қилибди.

Едгор бормоқ бўлди Аймоқ юртига,  
Ойдиной даводир ўғлинг дардига,  
Жавоб бергин, эна, тезроқ жўнайин,  
Амал қил-да, полвон отам шартига.

У юртларга от ўйнатиб борарман,  
Мени кутган Ойдинойни оларман.  
Душман чиқса мендай ўғлон йўлига,  
Аямасдан бошин боғдай чаларман,<sup>с</sup>  
Омон-эсон тағи қайтиб келарман.

Ушбу дамдир, ўзга дами дам дема,  
Едгорни ёлғиз деб сира ғам ема.  
Душман бўлса омон кетмас қўлимдан,  
Полвонлик бобида мени кам дема!

Мени йўлдан урма, эна, муқаррар  
Мен турмайман, энди бундан кетаман,  
Борсам, кечикмайин ундан қайтаман,  
Эна, омон-эсон элга етаман.

Бу сўзни Едгордан эшитиб, энаси Барчин:—Болам, сен қайдан эшитдинг?! Сенинг қулоғинга тегмасин деб юрар эдим. «Балиқнияз ёруғлиги сув билан» дегандай, менинг ёруғлигим сен билан.

Мана менинг отамни излаб, отанг қалмоқ юртига борди. Отанг билан бирга қанча одам ўлиб, йўқ бўлиб кетди. Отангни ҳам ўлди деб, қалмоқ юртидан неча марта ўзимизга хабар етди. Шу кўрган азоб-уқубатнинг алами ҳали кўнглимиздан кетмайди. Етти йил бандиликда ётган отанг кўзимизга кўринганча орада саккиз йил ўтган. Сен ҳам, мен ҳам қанча хўрлик кўриб, азоб тортган. Отанг бурун қандай эди, энди қандай?! Дунёнинг жабру жафосини бошидан ўтказган, ўлмай, тағи сени кўрганига шуқур қилган. Шу кўрган кунлари эсидан чиқмай юрган. Ҳеч бир одамга буридан оша гапирмайди. Қайғу, ғамдан энди қутулдим деганда, болам, тағи бу гапни қаёқдан топиб келдинг?

Ғариб қулман, барча бўлсин меҳрибон,  
Жоним болам, бўлгин дунёда омон,  
Оша юртга талаб қилма, Едгоржон!

Сен кетган сўнг энанг зардоблар ичар,  
Оқшомлар ўйлайман, уйқу ҳам қочар.  
Дарду ғамга қайтадан қилмагин дучор,  
Энанг йиғлаб бунда ҳоли не кечар,  
Аймоқ юртга бора кўрма, Едгоржон!

Сен борингда обод менинг маконим,  
Сенга қурбон бўлсин бу танда жоним,  
Қўрар кўзим сенсан, руҳи равоним,  
Суянган фарзандим, сен Ёдгоржоним.  
Болам, талаб қилма Аймоқ юртига!

Бир соат кўрмасам, қолмас қарорим,  
Елғиз болам, қўлимдаги шунқорим.  
Ҳарна бор давлатим, мулким, мадорим,  
Талаб қила кўрма Аймоқ юртига!

Отангнинг аҳволи қандай бўлганди,  
Бу ишлардан қанча жафо кўрганди,  
Елғиз болам, душман юртига борма,  
Энанг ёт юртларда қонлар ютганди.

Отангдай кулфатни ўзингга олма,  
Уртанган ўтларга ўзингни солма,  
Қурсин мусофирлик, ҳавас қилмагин,  
Елғиз болам, бориб балога қолма.

Отам билан ўзим бордим мен аввал,  
Ҳар куни таадди қилди душманлар,  
Чирпиндим, бор эди кучу қувватим,  
Баробар кеп жон сақладим, дилбандим.

Ғарибликда ким келади қошингга?  
Уйла, болам, ким қарашар ишингга?  
Мусофирлик юрти қурсин, фарзандим,  
Қўрмаган кунларни солар бошингга!

Қиши юрти, болам, уйла, қийинди,  
Ташла, болам, бу сафарги ўйингди.  
Ота-энанг ғарибликни кўп кўрди,  
Бу сафарни, Ёдгор болам, қўй энди!

Бу сўзни Ёдгор эшитиб, энасига айтди:— Э эна! Утган гапни кўнглингга олма. Отам ҳам олп одам. Бориб келди. Қўрмагандай бўлиб ўтиб кетди. Ҳеч гап эмас. Баҳодирлар, ботирлар бир нарсадан, шундай бўлар экан, деб ҳазар қилиб турмайди, дунёнинг ғурбатидан узоқ юрмайди. Мушкул ишларни ботир бажаради. Ўзининг бошидан ўтган, бир яхши маслаҳат беради, деб отамдан бурун сенга келган эдим. Сен: «Болам қанча ғурбатдан қутилди, қайтадан дунёга келгандай бўлиб, болам эр етди, одам бўлди, эн-

ди уйдан чиқмай қошимда юрсин», демоқдан ортиқ гап айтмадинг. Менинг ҳам болам одам бўлди, кўзга кўринди, бир юртдан бир юртга талаб қилди, деб сенинг кўнглинг кўтарилсин десам, бола кундаги ўтган кулфатингни гапириб, мени йўлдан уриб, кўнглимни чўкириб, мени қайта хафа қилдинг.

Эшит, эна, менинг айтган сўзимди,  
Кўнғирот элида номус-оримди,  
Аймоқ юртга ташламайман ёримди,  
Сарф қиларман борсам ғайратларимди.

Душман қойил бўлсин марднинг ишига,  
Қандай бўлса етай ёрнинг қошига,  
Мусофирдир бари Бойсиндан кетган,  
Ким рози бўлади шу юришига.

Бу ишлар, энажон, бошингдан ўтган,  
Умид тортиб арза хатни жўнатган.  
Қайғирма, боламга кулфат етар деб,  
Камлигим йўқ, эна, кучу қувватдан.

Ғамли қуллар оху фиғон этганди,  
Душманнинг сўзлари унга ботганди.  
Умид тортиб менга хабар юборган,  
Аймоқда йўлимга қараб ётганди.

Йўл интиғи қилмай етай, энажон,  
Хафа бўлма, дуо қилгин, меҳрибон!  
Ғарибларни қайғу-ғамдан қутқазиб,  
Бош бўлиб Бойсинга қайтарман омон!

Мендай ўғлинг эр етгандир азамат,  
Кўнглимда бор, эна шундайин хизмат,  
Яхши ишга жавоб бергин, энажон,  
Йўлдан уриб, айтма панду насиҳат.

Барчин айтди:— Болам, сени ҳазиллаб айтади десам, чини билан сенга бир гап бўлган экан. Бурунги расмни қилиб, бир хаёлга бориб, отангнинг ўзи йўқ, сўзи ҳам қолиб кетмасин деб эшигини шупуриб, сеники қилиб эди. Унга бир рўмол ўраб, белгили қилган ерим йўқ эди. Мен, ке, қолиб кетган иш-да, деб отангга ҳам билдирганим йўқ. Отанг «Кўнғиротда кимни хоҳласа, шуни олиб бераман», деб турибди. Болам, хотин олсанг, шу элдан топилар, энди бизларнинг ихтиёримизга ҳам қарагин. «Менинг ўзим эр етдим, ўзим одам бўлдим», деб ўз бошингга бир иш бош-

лаб кета бермагин! Омон эсон борсанг, келсанг, яхши одам сонига қўшилиб, янги кўзимиз очилган вақтда бир шикаст топиб қолсанг, қайта бошдан бизни қоронғуликқа солиб ўтирма!

Едгор айтди:— Эна! Менга Қўнгиротдан, шунча элатдан бир қиз топилмайди, деб ётганим йўқ. Қанча элат Бойсиндан кетган. Шунча вақтдан бери бори йўғи маълум бўлмай ётган. Албатта, бир ситам ўтган, бизга арза жўнатган. Номус-ор деган гап бор. «Алпомишнинг ўғлига арза юбордик, баччағар, қулоқ солмади», деб айтиб қолар. Бу ўртада уларнинг қайтиб элга келмоғи қийин бўлар. Шу дунёга келиб, одам бўлиб, биздан ҳам яхшилик бир иш қолса, сўнгра қолган одамлар гапириб юрса яхши бўлар. Отамдан ҳам сўрайман. Аввал сен оқ фатиҳа бермоғинг даркор. Мен дунёга келиб, кўзимни очиб, аввал сени кўрганман, отам борми-йўқми билмай қолганман. Сени мен ҳам отам, ҳам энам деб юрганман. Мен катта бўлиб, эсимни таниган вақтимда: «Бу одам сенинг отанг», деб кўрсатдинг, отамни ундан кейин таниб билганман. Шунинг учун аввал отамга бормай, сенга келдим. Отам менинг нимами кўрган? У ҳам сенинг гапинг билан, шу менинг ўғлим экан, дея гапириб ўтириб эди.

Икковининг устига Алпомиш:— Нима гапириб ўтирибсизлар?— деб кириб келди. Шунда Барчин Алпомишга қараб бир сўз айтиб турибди:

Хоним, эшит менинг айтган тилимни  
Бежой билдим, тўрам, Едгор улингни,  
Аймоқнинг юртига талаб қилибди,  
Қандай жўнатасан жони дилингни?!

Юрагимга солди қайғу аламни,  
Утга солди менинг гулдай танамни,  
Аймоқнинг юртига бормоқ бўлибди,  
Қандай жўнатаман ёлғиз боламни?!

Бундан кетмоқ бўпти болам Едгоржон,  
Едгорга суйанган мендай меҳрибон,  
Едгор мени ташлаб кетса Бойсинда  
Атрофимни олар қайғули туман.

Эр етган, баркамол элда туради,  
Аймоқ борса нима ишлар қилади?  
Қилар иши: бир қиз олиб келади.  
Жўнатмагин, хоним, ёлғиз ўғлингни.

Болалик қип, нодон кўнглин бўлмасин,  
Ўзи ёлғиз, ёмонликни кўрмасин,

Не аломат кунлар ўтди бошимдан,  
Душманнинг юртига ўғлим бормасин!

Бир қиз учун бормасин душман элига,  
Тушмасин Аймақда айёр қўлига,  
Тулки, шақал кулмасин-да ҳолига,  
Жўнатма болангни Аймақ юртига!

Кўп ялиндим борма, жоним улим, деб,  
Искасам боғда очилган гулим деб,  
Сен кетган сўнг танг бўлади ҳолим деб.  
Ёлғиз болам, сенсан жони дилим деб.

Сўзим ўтмай, ўрлик қилиб туради,  
Қўйгин, болам, десам, ёмон кўради.

Насиҳатга Едгор қулоқ солмади,  
Бор хаёли Аймақ элда бўлади,  
Жўнатмагин, хоним, ёлғиз болангни!

Барчиндан бу сўзни эшитиб, Алпомишнинг хаёли қочиб, ўғлига қараб айтди:—Бу нима деган гап, болам? Бурун-сўнг бормаган, кўрмаган, бир илинжи бўлмаган юртга талаб қилиб, бораман деганинг қандай? Аймақ юртда бировга бир нима топшириб қўйганинг бормиди? Аймақ мамлакати ҳам бир орқа юртдай гап. Бу гапларни ташла! Сен илгари бориб, Аймақни кўриб, ёру жўра ортдириб, ё бировга ишқивоз бўлиб қолган еринг йўқ. Биров сени аҳмоқ қилиб, сенинг шаънига яраша: «Бизлар сендай бўлсак, Аймақ юртга борардик, ундай қилардик, бундай қилардик», деган сўзларни гапирган бўлса, шундай ният қилиб юрибсанми? Ундай бир юртга бораман дема, ўзингни-ўзинг гаранг қилма! Ўз юртингда, ота-энанг бағрида юришингни озсинма. Отангинг сўзини, энангинг сўзини қулоғинга олиб, бойвачча бўлиб юра бер! «Бу юришдан гадойликни яхши кўраман, қандай бўлса бораман», десаңг, бир таёқни эгнингга солиб, яёв-елии Аймақ юртини ахтариб бора бер! Биз сенга от, анжом-аслаҳа бериб, Аймақ юртига юбормаймиз. Унда сенинг қандай борадиган еринг, қандай дўстинг бор?! Бундан бошқа аҳмоқлик қуридимми? — деди.

Бу сўзни эшитиб, Едгор отасига қараб бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Иковлаб сен, ота, қилдинг зулмни,  
Сўрамадинг икковинг ҳам кўнглимни.  
Мен биламан бундан кетган элимни.

Бермасанг бермагин минмоққа отни,  
Мен ўқиб эшитдим юборган хатни,  
Шундан бери қолмас Едгор тоқати.

Элатим деб Қўнғирот элда юраман,  
Бир хабар бўлмаса нима қиламан!  
Илгарилар қачон эсимга кепти?!  
Аймоқ юртдан келган хабарни кўриб,  
Икковингдан жавоб сўраб тураман.

Мен айтмадим, ота, бирга юринг деб,  
Аймоқ борсак, бирга йўлдош бўлинг деб,  
Ўзим ёлғиз қилдим энди ғайратни,  
Хоҳи бергин, хоҳи бермагин отни,  
Албатта, Аймоққа бориб келаман.  
Шунинг учун айтдим бу арзу додни.

Аймоқдаги ёрдан бир хабар кепти,  
Едгор сизларга аҳмоқ бўлибди.  
Қараб турмоқликни ўғлинг ор билиб,  
Аймоқнинг юртига талаб қилибди.

Қарвонлардан тегди хабари—хати,  
Эшитиб қолмади ўғлинг тоқати,  
Аймоқ билан менинг нима ишим бор?!  
Менинг борар элим Бойсин Қўнғироти.

Бу сўзни Едгордан эшитиб, отаси сўради: — Бу нима воқна?  
«Сўнги келган сангров» деган; мен тушунмаяпман. Билсанг сен га-  
пир, — деди Барчинга.

Шунда Барчин Алпомишнинг ниятини, Шомиротнинг қизига  
аташтириб қўйганини, бўлган воқиани айтди. Алпомиш ёлғиз бола-  
сини юборгиси келмай, насихат қилайин, деб Едгорга бир-икки оғиз  
сўз айтиб турган экан:

Едгор болам, яхши хизмат қилайин,  
Қимни сулув десанг, олиб берайин.  
Ёлғиз ўғилсан-да вақтинг хуш этиб,  
Кўз ўнгимда юргин, даврон сурайин.

Аймоқ, қалмоқ икковидир бир киши,  
Аймоқ подшосининг ёмондир иши.  
Аймоқ бориб, бир балога йўлиқма,  
Сўнг чиқар фалакка отанг нолиши.

Ёт юртларни ўйламагин, сен Едгор,  
У юртларда, болам, сенга нима бор!  
Уйлантирай сендай жону дилимни,  
Сенга боп қиз Қўнғирот элдан топилар.

У юртларга ҳавас қилма, Ёдгоржон,  
Қурсин Аймақ шоҳи, бермайди омон,  
Кўп одами ваҳший, юриши ёмон,  
Бошинга солмасин қайғули туман.

Еш йигитсан, ўзинг ўрлаб турмагин,  
Бизнинг сўзимизни душман билмагин.  
Отам менга шундайин сўзлади, деб,  
Елғиз қўзим, мендан хафа бўлмагин.

Сен эшитгин ота-энанг сўзини,  
Шу элдан об берай сарви нозини.  
Аймақ деган юртни қўйгин, Ёдгоржон,  
Сарғайтма отанг ҳам энанг юзини!

Бу сўзни Алпомишдан эшитиб Ёдгор: «Энам билан отамнинг сўзи бир бўлган экан», деб отасига қараб бир сўз айтиб турибди:

Ота, эшит менинг айтган сўзимди,  
Еш бола деб йўлдан урма улингди,  
Мен билиб юрарман юрган йўлимди,  
Холис туриб менга жавоб бер энди.

Кетар Ёдгор ўғлинг, йўлидан қолмас,  
Паризод об берсанг, бу қабул қилмас,  
Менга пеша қилма неча қизларни,  
Бир излаб Аймаққа бормасам бўлмас.

Мен ўйласам, йўқдир сабру қарорим,  
Бормайин турмоққа йўқ ихтиёрим,  
Эсима тушади менинг дилбарим,  
Аймақлар қўлида қолмасин ёрим.

Шунқордай талпинар бу ширин жоним,  
Мен бормасам, қолар дилда армоним,  
Омон-эсон бориб келсам Аймаққа,  
Сўнгра бўлар, ота, элда давроним.

Аймақнинг юртида ёрим интизор,  
Хизмат қилиб бориб келмоғим даркор,  
Борган билан Аймақ билан ишим йўқ,  
Унда ўзимиздан кетган элат бор.

Бола дейсан, назарингга илмайсан,  
Эр етгандир деб ҳеч писанд қилмайсан.



Ғайратимни, ота, англаб билмайсан,  
Меҳрибонлик қилиб йўлга солмайсан,  
Аймоқ борсам омон-эсон келарман,  
Йўллар таниб, неча юртни кўрарман.

Бориб Аймоқ элдан ёримни олиб,  
Кўп кечикмай Қўнғирот элда бўларман,  
Хафа қилма, ота, ёлғиз фарзандди,  
Албатта, жўнатгин Ёдгор мардди.  
Энди сизга кўп сўзламоқ уятди.

Бу сўзни Ёдгордан эшитиб отаси: «Энди бунга гап кор қилмас экан, ҳарчанд сўзлаган билан Аймоқ бормаи қўймас экан. Шунчалик жавоб сўраб тургани ҳам ғанимат. Энди хуш-хушбахт жавоб бериб жўнатайин, деб бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Энди, болам, эшит менинг додимни,  
Ўзинг хоҳлаб мингин, болам, отингни,  
Мени десанг, ўғлим, Чиборни мингин,  
Жонивор дунёни хўп кезиб кўрган.

Одамзоддай неча ғам тортиб юрган,  
Минганнинг кўнглини кўп шодмон қилган,  
Қари дема, жониворни мин, Ёдгоржон.

Учар кушдан улги олган жонивор,  
Минганнинг кўнглида қолмайди ғубор,  
Душманларга йўл бермайди Бойчибор,  
Мени десанг, Чиборни мин, Ёдгоржон.

Юрса яқин қилар узоқ йўлларни,  
У биледи сен билмаган элларни.  
Қамситмагин бу хоназот тулпарни,  
Қари дема, Чиборни мин, Ёдгоржон.

Эгарлаб берайин Чибор отингни,  
Отлантирай сендай валлакатимни.  
Қичасанг битқизар у мақсадингни,  
Келиб обод қилсанг мамлакатингни.

Ёдгор айтди:— Ота, отингиз сизнинг вақтингизда Бойчибор бўлиб ўтди-да, ҳамиша Бойчибор бўлади-да турадимми? Мен энди бир юртдан бир юртга бораётирман. Менинг ўзимнинг энчи отим ҳам Бойчибордан кам эмас. Мен ўзимнинг Жийрон отимнинг устига минсам, тоғу тошлар кўринмас. Бунинг ҳам насли тулпар. Ота, қаранг, Бойчибор энди унга баробар эмас. Мен ўз отимни миниб борайин,— деди.

Алпомиш ўғлининг розилигига қараб, Ёдгорни эргаштириб, отларнинг қошига келди. Қараса, Жийрон от Ёдгорнинг айтганидан зиёд бўлиб турибди. Отнинг қадди-жасадини кўриб, ўғлининг юриш-туриши, гапирган гаплари эсига тушиб: «Ёдгор неча вақт сағир ном кўтариб, сағир оти янғитта қолиб, бу нимани билади деса, буни мен ҳам англамаган эканман, одам бўлиб қолган экан, қаерга борса, ишини уdda қилгудай, агар душман бўлса, ҳарби даф айтиб тургудай, биров сўз сўраса, сўзига жавоб бергудай, дўсту душманни таниб билгудай бўлиб қолган экан», деб Ёдгорнинг отини яланғочлаб, шипириб, қашлаб, эгарлаб, жўнатмоқчи бўла берди. Отини чоқлаб, созлаб қўйиб, бўлакдан кийимлар кийгизиб, «нима бўлса ҳам бегона юрт» деб урушда керак бўладиган аслаҳаларни Ёдгорга бериб, қилич-асбобларини белига бойлаб, Ёдгорни от устига миндирди.

Ёдгорнинг отасидан ҳам энасига меҳри баланд. Ёдгор отланиб, энасига қараб бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Оқ урганда кўздан оққан ёш энди,  
Эсон бўлса, нелар кўрар бош энди.  
Мен кетарман, эна, Аймақ юртига,  
Оқ сут берган меҳрибоним, хуш энди!

Болам дединг, қанча хуноба ютдинг,  
Мени парвариш қип хўп азоб тортдинг,  
Дуо қилиб Аймақ юртга жўнатдинг,  
Оқ сут берган меҳрибоним, хуш энди!

Кетдим Аймақ юртга ёримни излаб,  
Ёрнинг ишқи менинг бағримни тузлаб,  
Ғайратимдан кетсин душманлар бўзлаб,  
Ғамхўр энам, меҳрибоним, хуш энди!

Мен кетарман Қўнғирот элидан чиқиб,  
Ҳаялласам, йнғлама мотам қилиб,  
Хафа бўлма сира, эна, ўксиниб,  
Меҳрибоним, жоним энам, хуш энди!

Жавоб бериб сен жўнатдинг қўзингни,  
Омон келиб, кўрай қизил юзингни,  
Эсимдан чиқармай ширин сўзингни,  
Йўлга тўрт қилмагин икки кўзингни,  
Мен келарман, сен кўрарсан қўзингни,  
Жоним эна, меҳрибоним, хуш энди!

Энаси Ёдгорга қараб, яхши бор деб бир сўз айтиб турган экан:

Омон бориб, эсон келгин Ёдгоржон,  
Илгаридан, болам, ўзинг меҳрибон,  
Келмасанг, кўп бўлар қайғули армон.  
Эрта қайтгин, кечга қолма, Ёдгоржон!

Сен борингда бу отаннинг давлати,  
Бизга ўтган жудоликнинг кулфати,  
Сен ҳаяллаб кетсанг Аймақ юртида,  
Ўртайди сендайин боламнинг дарди.

Сенсан, болам Ёдгор, энанг қуввати,  
Омон бориб, эсон келгин, Ёдгоржон!  
Шукр қилай, сендай болам эр етди,  
Эндигина юрагимдан чер кетди.  
Ҳар кимни ўзинга дўст билмагин сен,  
Соғ бориб, саломат келгин, Ёдгоржон!

Омон-эсон олгин, болам, ёрингни,  
Чиқаргин кўнгилда бор ғуборингни,  
Йўлингга қаратиб, интиқ қилмагин,  
Мендайин кўп куйган меҳрибонингни,  
Омон бориб, эсон келгин, Ёдгоржон!

Дуо қилай, йўлга кириб кетасан,  
Аймақ борсанг, неча кунда қайтасан?  
Мўлжалингни биласанми, Ёдгоржон?  
Сўз сўрадим, нима жавоб айтасан?

Ҳаялласанг, тангдир энангнинг ҳоли,  
Эсга олса, забун бўлар аҳволи,  
Узоқми, яқинми Аймақнинг эли?  
Келарингни айтсанг, борми мўлжали?

Кўрар кўзим сенсан, ёлғиз боламсан,  
Тоғларда очилган тоза лоламсан,  
Илгаридан қолдим сенга суяниб,  
Жони дилим, неча вақтда келасан?  
Омон-эсон элга келгин, Ёдгоржон!

Одам бўп отландинг, бўлма шарманда,  
Мен қолмайин бунда ғаму армонда.  
Неча кун қоларман сендан айрилиб?  
Бўлмагин-да душманларга дарманда.  
Соғ бориб, саломат келгин, Ёдгоржон!

Бу сўзларни энасидан эшитиб, Ёдгор айтди: — Эна, сен қандай бўлсанг, мен ҳам шундайман. Мендан келар мўлжалимни сўрадинг. Мен илгари у юртларни кўрганим йўқ, узоқ-ёвуқ йўлларини юрган им йўқ. Ишим битса бекорга турмайман, бир нарсани билмай айтиб, сени интиқ қилиб юрмайман. Энди таваккал қилиб тура бер, деб, ота-энасидан дуо олиб жўнади.

Чечан одам гапни гапга улади,  
Бедовнинг сағрисиң силаб минади.  
Аймоқнинг юртига ёрини излаб,  
Талаб қилиб энди Ёдгор жўнади.

Ота-эна бирга бўлиб иккови,  
Ёдгорнинг кетидан қараб қолади.  
Қўнғиротдан Ёдгор чиқиб боради,  
Чу, дейди, бедовга қамчи уради.  
Кўринмай кетганча ота-энаси,  
Иков бир бўп унга тиклаб туради.

Ғайрат қип боради Ёдгор зўрабор,  
Қам-кам бадани қизиб Жийрон тулпар,  
Йўлнинг танопини тортиб жонивор,  
Кейинда қолади Қўнғиротдай эллар.

Шундай қилиб энди Ёдгор йўл тортди,  
Элатдан ажраб бу ёлғиз кетди.  
Чу, дейди, отига қамчини чотди,  
Урган қамчи отга чирпиллаб ботди.

Кўнглидаги ғусса-доғди,  
Ёдгор минган тубичоқди.  
От бошини қўйиб олар,  
Яқин қилмоққа йпроқди.

Кўрмай айрилиқ балосин,  
Кезиб қулатуз даласин,  
Якка ўзи кетиб борар,  
Кўринг Алпомиш боласин.

Остида боқилган тулпар,  
Кўнглида бор санам дилбар,  
Бедовнинг ирғиганига,  
Изғир чўллар само берар.

Неча вақт чўлда йўл юриб,  
Неча бир тоғлардан ўтиб,  
Борсам дейди тезроқ етиб,  
Ҳар тарафга кўзин тутиб.  
От устидан тушмай кетди,  
Кеча-кундуз бирдай йўртиб,  
Саккиз кеча, саккиз кундуз,  
Ёдгор шундай йўлни тортиб,  
Йўлбарсхона тоққа етди,  
Отнинг жиловини тортиди.

— Кел-е, деди тоққа чиқиб қарайин,  
Баланд тоғда ўнгу сўлни кўрайин,  
Қанча қолган мўлжалини билайин,  
Йўлиқса одамдан сўраб кўрайин.  
Шундай ўйлаб тоғни ўрлаб боради.

Қулоқ солинг бундай марднинг тилига,  
Йўл билмоқчи бўлди Аймақ элига,  
Остидаги бедовини ўйнатиб,  
Энди чиқиб қолди тоғнинг белига.

Тоққа чиқиб ҳар тарафга қаради,  
Ўнгу сўлга қараб, хабар билмади.

«Шу тарафга кета берсам етарман,  
Тоғ бошида бекор туриб нетарман»,  
Деб ўйлади, тоғдан тушиб боради,  
Тоғдан тушиб яна йўлга киради.  
Шундай чўлда бир қорани кўради,  
Ёдгор шердай бўлиб белин бойлади,  
Шу қорага от тиклатиб ҳайдади.

У қора нимади, Ёдгор билмади,  
Ғуборланган, чўлда кетиб боради.  
Иссиқда қичайди бу минган тулпар,  
Оқ кўпикка ботиб ҳайвон жонивор.  
Яқинлаб етишди бир замон Ёдгор,  
Кўзига кўринди шундайин чинор.

Боғбон бўлсам қизил гуллар терай деб  
Бу чинорнинг ости қандай, кўрай деб,  
Яхши бўлса, бир фароғат қилай деб,  
Бўлмаса, мен кўриб, ўтиб юрай деб,  
Чинорнинг остига яқинлаб етди.

Кўп замонлардан чинор қолибди,  
Сояси кўп ерни тутиб турибди,  
Нағма қип булбуллар сайраб юрибди,  
Тўти кушлар бола очиб турибди.

Едгор бу чинорнинг остига борди. Ҳар тарафга қаради, на одам-зод, ё бир ваҳший ҳайвонзод—ҳеч нарса кўрмади. Чинорнинг туришига қаради: остида шосупалар, себаргилар; сувлар оқиб, бир-бирига ғалт уриб турибди. Едгор кўнглида айтди: «Бу ҳам бировнинг қилиб қўйган жойи экан. Ҳориган-чарчаган одам салқинлаб ўтадиган ер экан, ё хончарвоғи дегандай подшолик қилган жойдир, ё чўлга биров савоб оламан деб қилгандир. Нима бўлса, отдан тушиб, бир дамимни ростлаб жўнайин. Агар эга-пегаси бўлса, келиб қолса, ҳам йўл сўрайин, ҳам бу ерларни билиб ўтайин, бекорга ўзбошимчалик ҳам ярамайди. Одамларда гап бор эди: «Йўл билмасанг, йўл сўра юргандан, гап билмасанг, гап сўра билгандан» дегич эди. Илгари кўрмаган юртни кўргандай бўлиб кета бермайин», деб шу чинорнинг остига тушди. Чечиниб, соя-салқин ерга етишиб, бети қўлини ювиб, ўтириб, унча-мунча овқатланиб, бир майдон даммини олиб, уёқ-буёқ қараб, йўл торғиб — чарчаб келаётган одам эмасми, сояда эриб, кўзи уйқуга бориб ухлаб қолди.

Унда бир тоғнинг изасида одамсифат, одамхўр ваҳший жондорларнинг макони бор эди. Ундан Едгор беҳабар эди. Ваҳшийлар бу жойни йўлга, кўлга, чўлга овга чиқса, куннинг иссиғида жериб қолса, салқинлаб ўтадиган жой қилиб қўйган эди. Едгорнинг бундан хабари йўқ, маст бўлиб ухлаб ёта берди.

Олти ваҳший овда юриб, йўлга, етди. Кўрса, бир отнинг изи ўтибди. «Билмай қопмиз, ажраб кетибди», деб отнинг изи билан келаётир. Отнинг изи йўлдан чиқиб чинорга бурилиб кетибди. Ваҳшийлар айтди: «Бу нима бўлса, нарёққа ўтиб кетгани йўқдир. Шу чинорнинг остига кўниб ётгандир». Чопа-чопа чинорнинг остига етди. Буларнинг шарпасига Едгорнинг оти уришиб кишнаиб берди. Бу ғалвада Едгор уйқудан уйғонди, бошини кўтариб қаради. Қараса, олтига бир нима каллалари қападай, жасади тепадай бўлиб, бир катта минорадай зинкийиб келаяпти. Нима эканини билмади.

Едгор айтди: «Булар кўриниб юрган одамларга ўхшамайди. Ҳар тури нарса кўп бўлар экан. Бу қандай яратилган жондор экан?». Едгор ўрнидан туриб, ўз ҳаракатини қиляпти. Ваҳшийлар бу сўзни айтиб борапти:

Сен бундан кетмайсан омон,  
Унгу сўлни олса туман,  
Ризқимизга худо берган,  
Келгандир сендай ёш ўғлон.

Қилсак энди сени тавоф,  
Сўзимга берма жавоб,  
Сени бунда еб кетамиз  
Гўшинг энди қилиб кавоб.

Хазон қиламиз боғингни,  
Кимга айтарсан додингни?!  
Ризқимизга келган ўғлон,  
Ҳеч ким билмас сўроғингни.

Суюқларингни қоқ этиб,  
Ота-энангни доғ этиб,  
Ушлагандан еймиз сени,  
Бугун димоғни чоғ этиб.

Йўл тўридин ангни топмай,  
Биз қўймаймиз кавоб этмай,  
Улдирармиз энди сени,  
Қўймоқ қайда сени ютмай.

Қилармиз бу замон ишинг,  
Қошингда йўқдир ҳеч кишинг,  
Бизга тақдир қилган гўшинг,  
Кемирармиз бугун бошинг.

Бу ерда йўқдир авлодинг,  
Учди бошингдан давлатинг,  
Утди даврли навбатинг,  
Қўлга тегар ажал хатинг!

Талашиб ермиз-да гўшинг,  
Бизга қор қилмас нолишинг,  
Бизни йўлбарс занги дейди,  
Еб юрганмиз одам гўшин,  
Олиб ҳар ерда улушин.

Бу сўзни эшитиб Ёдгор айтди: «Одамлар гапирарди, одам ейдиган махлуқ бўлади, бу одамларни кўрса, еб қўяди, деб элда сўз бўлар эди. Қарияларнинг гапириб юргани шулар экан-да. «Эшшаклига тулки учрайди» дегандай, ҳеч кимга йўлиқмай бир отланиб чиққанда, бизга йўлиқиб, тайёр бўлиб қайси гўрдан келиб қолди булар. Бир ҳайбатли, сиёсатли нарсалар экан. Булар билан олишиб бўлмаса, булар одам ейдиган бўлса, қўлига тушсанг, сен олишиб, ўзингни ростлаганча, бу баччағарлар ҳам еб яқинлатади. Энди эгнимни қисиб турмайин, қандай бўлса, буларга бир сўз айттайин», деб, Ёдгор бир сўз айтаётир:

Баччағар ҳисоби етган,  
Мен биламан кунинг битган!  
Излаганга сўраган бўп,  
Тугал бўп олтови етган.

Ҳар тарафни юрдим сўраб,  
Сенинг олтовингни қараб,  
Олтовинг ҳам келиб қолдинг,  
Куни битган, ажал ҳайдаб.

Тоғу чўл қолмади кезиб,  
Душманларнинг бошин узиб,  
Олтовингни излаб келдим,  
Неча дев қалъасин бузиб.

Кўп сўрадим сўроғингни,  
Дори қиларман ёғингни,  
Излаганим келиб қолди,  
Кўролмайсан чарвоғингни.

Қочиб бундан кетолмайсан,  
Ҳеч манзилга етолмайсан.  
Мен сенларга кушандаман,  
Ўзгалардай ютолмайсан!

Ўзингни этма сарсон,  
Энди қилмагин пушаймон,  
Отдан тушгин, бўл пиёда,  
Чангимдан кетмайсан омон!

Бўлганди Ёдгор валлакат,  
Бунда ҳам бор қанча ҳайбат,  
Қўрққанини билдирмайди,  
Қилиб турибди сиёсат.  
Бунинг сўзин эшитган сўнг,  
Қолмади ваҳшийда тоқат.

Ваҳшийлар бўғни бўшади.  
Бир-бирига қарашади.  
«Қимга ишимиз тушди?» деб  
Бир хили энди шошади.  
«Одамча келар жасади,  
Бежой,— дейди,— сиёсати».  
Эгарлоғли, тайёр турган  
Шу замон Ёдгорнинг оти.



Ғилофдан суғуриб олди,  
Ярқиллар шамшир пўлати.  
Ваҳшийларга сиёсат қип,  
Ёдгор ирғиб минди отди.

Ваҳший бир-бирига айтди:  
«Қушандамиз қайдан етди?»  
Олтови бурганди отни,  
Қимга айтсин шўрли додни.  
Ваҳший бурулганин кўриб,  
Ёдгор бўшатганди отни.  
Олтови ҳам қочиб берди,  
Қувган Ёдгор валлакат-да.  
Нега бунда келдик, дейди,  
Қайдан дучор бўлдик, дейди  
Етган экан ажалимиз,  
Қўлга тушсак, ўлдик, дейди.

Қарамайди олди-ортига,  
Сира бурулмади кетига,  
Олтови ҳам тоб бермади,  
Ёдгорнинг сиёсатига.

Тоғу чўлни тўзон олиб,  
Ёдгор қувди йўлга солиб,  
Олтови ҳам қочиб борар,  
От устида ҳориб-толиб.

Ёдгор бунинг сирин билди,  
Қувиб тоққа яқин борди.  
Олтовида тоқат қайда,  
Адир йўлга отин солди.  
Қутилдикми деб бурилса,  
Яна шу Ёдгорни кўрди.

Тўхта!— деди ботир Ёдгор,  
Қолмади ваҳшийда қарор.  
Бир-бирига қаролмайди,  
Отин қичаб, ўрлаб борар.

Ҳар қайсиси ўз бошига  
Қарамас адир-тошига,  
Олтови ҳам отин уриб,  
Етишди тағнинг бошига,  
«Қутулдик» деб энди турди,  
Тоғ жаранглаб садо берди.

Ёдгор полвоннинг довшига  
Олтови ҳам ўйланади,  
Бир-бирига сўйланади.  
«Бизга тикилган бало», деб,  
Олтови ҳам қийналади.

Тоғда ёввойи дарахтлар,  
Бориб дарахтга оралар,  
Аланглашиб, «келди» дейди.  
Чекка-чеккадан мўралар.

От жilовин Ёдгор тортди,  
Йўлиқмади, яхши бўлди.  
«Бир хатарли жой экан» деб,  
Турмай бундан Ёдгор қайтди.

Ёдгор бундан омон ўтди,  
Қайтиб чўлга тушиб кетди,  
Неча кун бир-бирин кўрмай,  
Ваҳшийлар тоғда жой тутди.

«Кетдими» дейди, тушолмай,  
Хотиржам бир ерда турмай,  
Дарахтзор ичра кун кўриб,  
Булар билан не иши бор.  
Ёдгор кетганди йўл юриб.

Қайда бўлар ёрим дейди,  
Элда номус-орим дейди.  
Ваҳшийларга йўлиққанда  
Омон қолди жоним дейди.

Ана жондору баҳайбат,  
Юрган юришлари кулфат,  
Мен чангига бўлсам дучор,  
Қилар эди бир қиёмат.

Асл ҳайвон сен Жийрон от,  
Менга ҳамда бердинг қувват,  
Уйқу босиб олган — ғафлат,  
Ёмон кунда бердинг мадад.

Сен ҳам мендай беғам бўлсанг,  
Мендаини ғафлатда қолсанг,  
Бадбахтларга дучор бўлсанг,

Ажал етиб бунда ўлсам,  
Ота-энам сарсон қилсам,  
Қаттиқ иш бўларди билсанг.

Шу армонлардан қутқаздинг,  
Дўстлигингни сен билдириб,  
Ўлим ишларни битказдинг.

Йўлда икковимиз йўлдош,  
Тилинг йўқдир менга сирдош,  
Кокилингдан, бедов отим,  
Сен бўлдинг бизга қариндош.

Ёдгорбек кетиб боради,  
Отнинг кокилин силайди,  
Жийрон от ҳам хоназод-да,  
Йўлнинг танобин олади.

Ёдгор ўзига-ўзи гапириб бораётиб эди, қаёқдан келганини билмай қолди, бир чўнтоқ чубурни минган, жағи қуришган, оғзи буришган бир чол чопиб келиб, Ёдгорни айлана берди. Бу Чандана чол эди, ҳар ишдан хабари бор эди. Ҳали ҳам Ойдинни қушбегига олиб бермоқнинг ҳаракатида эди. Ойдиннинг кўнгли Ёдгорда эканини билиб, қушбегининг олти юз оламони бу орада неча марта чегара чўлга бориб, мусофирларни оёқости қилиб турар эди. Қўнғиротга хабар борганидан ҳам Чандана чолнинг хабари бор эди. «Шу ёқдан одам излаб келар», деб мудом йўлга чиқиб юрар эди. Бандаргоҳ ерларда қушбегидан қоровул қўйилган, биқтирма одамлари бор эди. Баридан Чандана чол хабар олиб юрар эди. Ёдгорни кўриб, Ёдгор эканини гумон қилиб, келиб ундан неча марта айланди. Ёдгор бу одамнинг қандай чол эканини билмади. Назарида Ёдгорга кўп меҳрибонлик қилгандай бўлди. Ёдгор бу бовага қараб бир сўз айтиб турган экан:

Не сабабдан, бова, бўлдинг меҳрибон?  
Ё бўлмаса сен тушдингми осмондан?  
Шамолдай гувуллаб қаёқдан келдинг,  
Парвонадай неча марта айландинг,  
Сўйламайин менинг ҳолимни сўрдинг,  
Қайдан келдинг, бова, ажаб иш қилдинг,  
Сен айландинг, бова, мени ким билдинг?

Қарайман тарзингга, дунёни кўрган,  
Қайси шаҳарларда умринг ўтган?  
Сен қолибсан, бова, кўҳна замондан,  
Сендан савол сўрар энди Ёдгоржон.

Жонимни қилайин тарзингга қурбон,  
Юришингдан хабар бергин, боважон!

Қай шаҳардан, қайси юртдан бўласан?  
Не хизматда меҳнат тортиб келасан?  
Адашган кишини йўлга соласан,  
Хабар бергин, бова, қайдан бўласан?

Мен билайин сенинг юрган элингни,  
Сўнгра мен сўзларман сири ҳолимни,  
Сўйласанг биламан вафоларингни,  
Хабар бергин, бова, қайдан бўласан?

Келиб сўрамадинг менинг ҳолимни,  
Сен келиб айландинг мендай ўғлингни,  
Сўзлашайик, бова, берман кел энди,  
Меҳрибоним, бова, қайдан бўлсан?

От чошиб чўлларда ўзинг ҳориган,  
Ёшинг етиб, кўп улғайиб қариган,  
Қарайман тарзингга, комил мусулмон,  
Хабар бергин, бова, қайдан келасан?

Бу сўзни Ёдгордан эшитиб, Чандана чол бир-икки оғиз сўз ай-  
тиб турган экан:

Жойларим гулистон, келдим узоқдан,  
Пайғамбар амрини тутиб бу замон.  
Асли манзил жойим Арабистондан,  
Пайғамбарнинг сўзи тушумда аён.  
Ёдгор Аймақ кетди, деган, билдирган,  
Йўлга солиб бўлгин, деди, меҳрибон.  
Азизнинг яқини, хизмат қиламан,  
Сўрамасдан авлодингни биламан,  
Суруштирсанг, ота пиринг бўламан,  
Сен адашсанг, болам, йўлга соламан.  
Бу дунёда раҳбарлигим кўрсатиб,  
У дунёда жаннат ичра жой тутиб,  
Мен қўлларман яхши манзилга элтиб,  
Йўлиқсанг, душмандан сени қутқариб,  
Зарур бўлсанг ҳожатингни битқариб,  
Тонгла маҳшар пулсиротдан ўтқариб,  
Қўллайдиган комил пириг бўламан,  
Азизлар амри билан сенга келган.

Бир зарар етказмасин-да душман,  
Шу сабабдан бўлиб келдим меҳрибон.

Сўрасанг мақсадим шудир, Ёдгоржон:  
Сени сақлаб юрсам душмандан омон.  
Ота-энанг ҳеч бўлмасин паришон,  
Сенинг учун меҳнат тортиб келдим ман.  
Бошқарай, ўлгунча бўлайин ҳамдам,  
Бирга-бирга юра бергин, Ёдгоржон!  
Қаромати зоҳир мендай пирингди,  
Комил пир ҳамдаминг, йўлдошларингди,  
Йиғлатарман, билсанг, душманларингди,  
Об бераман сен излаган ёрингди.

Сенинг билан мен ҳам бирга кетаман  
Омон-эсон мен қўндириб Қўнғиротга,  
Сўнгра ўзим Арабистон ўтаман.

Ёдгор, ўзинг ақли расо, доносан,  
Бир хил ишга ҳали ёшлик қилабан.  
Ким яхши, ким ёмон, нима биласан?  
Билмай душманларга қўнгил берасан.  
Йўлбошчи пирингга йўлдош бўласан,  
Юра берсанг кароматни кўрасан.  
Пиринг билан йўлдош бўлгин, Ёдгоржон!

Бу сўзни Чандана чолдан эшитиб, Ёдгор ҳайрон қолиб, чолнинг ранги-рўйига, қадди-жасадига, суйган сифатига қаради, гапига гоҳ ишонар, гоҳ ишонмас бўлади. Сўзига ишонайин деса, икки юзида қони йўқ, бетига қараб бўлмайди. Ёдгор айтди: «Эшон ҳам ҳар турли бўлар экан-да. Қўллаб, у дунёга ҳам бирга олиб бориб келаяпти: пайғамбарни тилидан қўймайди. Агар эшон бўлса ҳам, бундай истараси совуқ эшон бу дунёга бундан илгари келгани йўқдир. Бир алдамчи, ёлғончимикин?! Одамни бирданига билиб бўлмайди. Мен илгари ҳамиша эшон билан бирга юрибмидим, билиб олсам, эшон ҳам кўп деб одамлардан эшитганмиз. Бунинг ҳам ҳар турлиси бўладигандир-да», деб Ёдгор гоҳ ишонар, гоҳ ишонмас бўлиб, бир сўз айтиб турган экан;

Рангинг ўчиб сенинг жағинг қуришган,  
Неча марта худо билан урушган.  
Эшонман деб менга лоф сўз сўзладинг,  
Жасадингда сира турмайди иймон,  
Рост қўнглингни менга сўзла, боважон.

Ажаб беярашиқ ҳайвондир отинг,  
Эшонга келмайди сира келбатинг.  
Кўрмасам ҳам эшонларни эшитган,  
Бир ҳийлагар кашмир сифат жасадинг.

Эшонман деб мени нодон билмагин,  
Хийлагарлик қилиб, бекор ўлмагин,  
Хийла қилиб, бова, йўлдош бўлмагин,  
Бир ёлғончи, каззоб, йўлдан қолмагин!

Бова, эшит менинг айтган тилимни,  
Баён айла сиру аҳволларингни,  
Бошингга соларман қайғу, зулмни,  
Эшонман деб кўрма ноҳақ ўлимни!  
Танимайман, бова, сендай «пиримни!»  
Кетгин, бова, энди йўлдан қолмагин!

Меҳнат тортиб, олис йўлдан келаман,  
Сени жодугар деб гумон қиламан,  
Бова, айёрлигинг кўнглима келди,  
Қилич уриб, тандан бошинг оламан!

Неча сўзни бир-бир айтаман сенга,  
Танимасдан йўлдош бўлгансан менга,  
Қайта бошдан, бова, сендан сўрайин,  
Усган жойинг, кирдикоринг айт менга!

Рост турганда, ёлғон сўзни гапирдинг,  
«Пайғамбар буюрди», дединг-да турдинг,  
Пайғамбар ўтгани неча вақт бўлди.  
Ўлган киши қачон сенга гапирди?!  
Гапингнинг ёлғони билиниб қолди,  
Шу сабабдан Ёдгор ғазабга тўлди.

Менга яқин юрма, кашмир, ўласан!  
Сўзинг бирикмайди, ўзинг биласан.  
Бир алдамчи, ўзинг кашмир бўлмасанг,  
Мадинадан дарров қандай келасан?!

Мадина деганинг кўп узоқ йўлди,  
Эшитганмиз, йўллари сувсиз чўлди,  
Сени биров аҳмоқ қилиб юборди,  
Энди, бова, кетгин, йўлдан қолмагин!

Сенинг билганингни ўзим биламан,  
Йўл билгандан шунча йўлдан келаман.  
Ўйлама, сен билан ҳамроҳ бўлмайман,  
Қонинг тўкиб, энди бошинг оламан!

Бу сўзни Ёдгордан эшитиб, «Бу унча-мунчага кўнмайдиган мар-  
думчагина жувонмарг экан. Отасини Алпомиш дейди, у бир шум-

лиги йўқ анг одам. Бу, илгаридан отаси йўқ, сағир бўлиб ўсиб, илкув-силкувни кўп еб, қаттиқ бош бўлиб қолган экан. Бунинг сўзи билан айрилиб кета берсам, ўтиригим ёқамдан чиқиб қолгандай бўлиб, мени ёлғончига чиқариб юборар. Нима бўлса, тағи бир гапириб кўрайин», деб Чандана чол бир сўз айтиб турган экан:

Ўз тилингдан, болам, бўлма гуноҳкор,  
Сўрамай биламан отингни — Ёдгор,  
Ғойибдан хабаринг берган пайғамбар,  
Йигитлик қип энди ўлма гуноҳкор.

Бованг Бойбўридир, отанг Ҳакимбек,  
Сўрамайин қандай билдим, жон болам?  
Илгаридан маълум қилган азизлар.

Қиёмат ваҳмидан хаёлим қочиб,  
Оқшом ухламайман бу рангим ўчиб.  
Сен билмайсан ҳақиқатан валини,  
Нодон қўзим, танимаган пирини.

Отанг қалмоқ элга сафар қилганда,  
Курашда айланиб ёлғиз турганда,  
Мендай пири шунда ёрдам берганди,  
Кўп каромат қилдим, ёлғони йўқди.  
Неча зўр қалмоқни осмонга отди,  
Бованг каромати кўрсагди ишди.  
Пир йўлига юрмай йўлдан адашди,  
Отанг (сендай бўлиб), зиндонга тушди.  
Нодонликдан неча сўзни сўзладинг,  
Отангнинг кунлари эсимга тушди.

Мен ҳам қўллайдиган мадақкорингман,  
Ҳамма вақт ёрдамчи бўлган пирингман.  
Сизингдан хабар олай ҳолингдан,  
Муртад бўлиб, умид узма пирингдан!

Нодон бола дедим, гапинг кечирдим,  
Кўнглима олмайин мен бирга юрдим,  
Азизлар сўзини икки қилолмай,  
Сендай нодон билан мен жўра бўлдим.

Ўйласанг бир сенинг савдонг ғолибди,  
Пирсиз одам бир чуқурда қолибди.  
Йиқилсанг, суринсанг, «пирим» дейсан сен,  
Қўллайдиган пиринг бирга юрибди.

Пиринг йўл бошқариб, бирга боради,  
Айланмасам, кунинг қаттиқ бўлади,  
Ен-ёғингни қанча душман олади.  
Излаганинг сенинг Аймоқнинг эли,  
Яқин қолди борар еринг манзили,  
Ҳали туғиб қолар пирингнинг куни,  
Шу вақтида қўллар бу бованг сени.

Ёдгор от устида бу сўзни эшитиб, ҳайрон бўлди. «Бир ҳийлагар одам бўлса, мен сенсиз йўл топмаяпманми, деб, аччиғланиб кетса, кетар эди. Эшоннинг ҳам шундай оч кўзанга ўхшаган, одам кўзига совуқ кўринадиган балоси бўлар экан. Бу одамни илгари кўрмасам, бировдан эшитмасам; мен ўқиб, мактаб кўрганим йўқ; синаб кўрмагандан кейин, ким истараси иссиқ бўлса, яхши одам, рағми совуқ, ёқимсиз кўринса, ёмон одам деб кета берганман-да. Ёмон бўлса, ўлсин! Менинг отимни ағдариб олармиди! Қани бирга юрса, юрсин; гапирса, гапига жавоб берайин, бўлмаса, қандай чолсан, деб энди бунинг кўнглини қора қилиб нима қиламан», деб бирга-бирга йўл юриб кета берди. Бояги сўзлардан кейин икковининг юлдузи чап тушиб, йўлда иккови дим бораётган эди. Чандана чол тағи гап бошлади:

— Мен илгари бу юртларни келиб кўрганим йўқ, бу элларнинг ҳеч қайсиси билан таниш, ҳамгап бўлганим йўқ. Сен Аймоқ шаҳрига борасан. Қатта мамлакат, кенг шаҳар. Қаромат билан биланман. У ерда ҳар номдор полвонлар бор, улар олдинга чиққанда, мендай бованг даркор. Мен сенинг учун келганман. Юз Аймоқ одами менинг оёғимга йиқилганда бу ерларга келмайман. Ҳеч назар кўзимни солмайман, юз гапини бир пулга олмайман. Мен сандан бўлакни демайман, деб келаётирман. Мана, тағи бир майдон юрсак, бир гулистон чарвоққа етамиз. Унда тушиб, отларни хўп тўйдириб, дамимизни ростлаб етамиз. Қаромат билан, шундай жойлар, пишиб ётган олма-анорлар кўзимга кўришиб келаётибди. Сен ёш боласан, дунё қандай ўтишини билмайсан.

Ёдгор айтди:— Хайр бова! Сиз ҳам, биздай илгари бу юртни кўрмаган бўлсангиз, шу айтганларингиз йўлда ҳозир бўлса, гапингизнинг ўтирик-чини шу ердан билинади-да.

Иккови гаплашиб бораётиб эди, айтганидай бир чарвоқ кўринди. Чандана чол айтди:— Мана, болам, бу чарвоққа кириб, ажойиб-ғаройибларни кўриб, бу гулистон жойларни тамоша қилиб, бовангнинг сўзига тан бериб қоларсан,— деб йўл айритга бориб қолди.

Чол чарвоққа келиб, юрадиган йўлга бурилди. Шунда Ёдгор иркилиб, отининг жиловини тортиб, бовага қараб бир-икки оғиз сўз айтиб турибди:



Юракка тушмасин қайғунинг доғи,  
Бўлмасин-да бир душманнинг чарвоғи.

Ўйланиб гапирди мендай валлаMAT,  
Бизга атаб ким қилган боғу иморат?  
Бўп қолмасин бунда турли аломат!

Сўрамасдан йўлга тушиб жўнадинг,  
Бова, билмай қолдим сенинг муродинг,  
Душман бўп, устига бошлаб бормагин,  
Ҳийла билан банди қилиб турмагин!

Сира кўнглим чопмас бу юришингга,  
Сира ичим илимайди қилган ишингга,  
Қайтарма, жавоб бер, мендай кишингга  
Бова, борсанг, бора бер ўз бошингга!

Киши кўнгли чопган ишни қилади,  
Оёғи тортмаса қандай боради?  
Сира кўнглим тортмас боққа бормоққа,  
Менинг кўнглим йўлга парвоз қилади!

Ўзинг боргин, мени сен йўлдан урма,  
Бир ёмон жойларга мени бошқарма!  
Майдонда сотилар мардларнинг жони,  
Нечовнинг дарёдай оқади қони,  
Мен билмайман қандай одам макони,  
Бу маконга, бова, мени бошлама!

Мен ўз ҳолимга юрган боламан,  
Дашт ерларда мен очилган лоламан.  
Боғу чарвоқ билан ҳозир ишим йўқ,  
Эгасиз чарвоқда нима қиламан?!

Эгаси биз билан сирдош бўлмаса,  
Бу йўлларда бирга йўлдош бўлмаса,  
Кўрғанда келинг деб жойни солмаса,  
Бетайин жойларда нима қиламан?!

Бу сўзни Едгордан эшитиб, Чандана чол айтди:— Болам, сен бир иркилчак бола экансан! Ўзинг бир нимани билмайсан, билганинг тилини олмайсан, ўрлаган жойингни бермайсан, ўзингдан бошқани ўзингга дўст билмайсан! Сени ким айтади Ҳақимбекнинг ўғли деб?! Илгариги сағирлигинг билан турган экансан! Билдим: кўкрагингни кўтариб, кабир бўлмас экансан. Сен кўнглингда бу

боғ бировнинг солиб қўйган чарвоғи деб турибсанми? Боя «ажойиб-ғаройибларни кўргин», деганимда билмадингми? Бу ҳар кимнинг кўзига кўрина бермайди, бу бир азизнинг шафоати билан бўлган боғ. Сени жаннат меваларидан есин десам, кейин тортарлик қилиб, шундан ҳам қуруқ қоласан.

Айрилмагин, болам-е, бирга юргин,  
Пирингнинг амрини мухтасар билгин,  
Беҳуда ўрлама, чарвоққа юргин,  
Бу чарвоқда, болам, роҳатлар кўргин.

Бу чарвоққа кирсанг қувват оласан,  
Асли ўзинг соҳибқирон бўласан.  
Бошингдан кўтариб қанча ғурбатни,  
Ўтиб кетган валиларни кўрасан.

Остингга минибсан яхши Жийран от,  
Дуо олсанг, валилардан — шафоат.  
Англамайсан, бунда кўпдир ҳосият,  
Менинг билан бирга бўлгин, валламати!

Менинг билан бирга бўлиб сен юргин,  
Бу чарвоқда меҳмон бўлиб ўтиргин,  
Албатта, чилтанлар дуосин кўргин,  
Боргандан, кечикмай ёрингни олгин.

Мен биламан, ўзинг нодон боласан,  
Пирингнинг хизматин билмай борасан,  
Ешлик қилма, ўйлаб кўргин, Едгоржон,  
Бундай кетиб, кўп пушаймон қиласан.

Аввал азизларнинг суҳбатин кўргин,  
Беҳуда ўрлама, Едгоржон, юргин!  
Қирмасанг азизлар кўнгли қолади,  
Бир кеча бу ерда меҳмон бўп тургин.

Сен борган ерларга мен ҳам бораман,  
Қўллайдиган комил пиринг бўламан!

Едгор бу сўзни эшитиб: «Шу баччағар менга тармашди; бунинг гапи ё ҳут, ё ют, ё қўллаганини кўраман, ё ҳеч нима бўлмай қолганини кўраман. Агар душманинг макони бўлса, агар пирим бўлса ҳам, бунинг танасидан бошини оламан», деб ўйлаб:— Юринг эса, бирга бораман,— деди, чарвоққа бурилди.

Иккови ҳам чарвоқнинг дарвозасига етди. Чандана чол: «Чарвоқнинг эгаси, бормисан?!» деб чақирди. Бир киши келиб, дарво-

зани очди. Эшик очган кишига Ёдгор қаради: одамга дўстлик қиладиган одамга ўхшамади. Бир бўлак мамлакатдан келган ёмон одамга ўхшади. Кўрди: ажаб боғ, ҳар турли мевалар пишиб, остига тушиб ётибди, бир тарафда гуллар очилиб, булбуллар бир-бирига чақ-чақ учуриб сайраб турибди. Чандана чол айтди:— Ана, муридим, бу ҳам ўз юртинг. Қўнғиротда юрганда нимани кўрадинг, дунёда нима борини билардинг?! Ана, бундай жойларни кўрдинг. Сенга юр десам, «бировнинг жойи», деб кейин тортарлик қиласан. Мана, шундай маконни кўрдинг. Катта-кичик, баланд-паст шосупалар, себарги, салқин, ажаб обод жойлар. Бунда душманнинг нимаси бор? Бу макон душманнинг кўзига тушмайди. Қандай юрсанг шундай юриб, чечиниб, томоша қилгин, Ёдгоржон!

Ёдгор боғни кўриб, отидан тушиб, отини ўтга қўйди. Чандана чол айтди:— Чечиниб, томоша қила бер. Кун қайтса азизлар ҳам келиб, бунда суҳбат қуради. Шунда сенинг ишинг ўнг келади. Мен сени яхши-ёмонни кўрсин, билмаган ишларни билсин, ҳамиша пирга ихлоси баланд бўлсин, деб бу ерга қайтариб кирдим.

Ёдгор бундай жойларни кўрмоқ тугул, илгари эшитгани ҳам йўқ. Ёдгор кўнглида айтди: «Бизнинг Қўнғиротда ҳам эл бор, палон авлиё, палон азиз, палон ердан чарвоқ сопти, шундай бир жойни обод қипти, ўзларига кўриниб, бўлакка кўринмас эмиш, деб қариялар ҳеч гапирмас эди. Бу ер ё бир пирнинг жойи, ё бир девнинг жойи. Дев, деб эшитаман, кўрганим йўқ. Девни қариялар айтар эди: «Ўтириши мўлтонидай палас махлуқ бўлади». Унга қараганда, бу девнинг жойи эмас. Бир мамлакатда белгили одамнинг жойи-да бу, деб Чандана чолга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Қозининг олдида шабгир нойиби.  
Урушда панд берар отнинг майиби,  
Бўлмасин сўзимнинг, бова, айиби,  
Қим бўлади гулистоннинг соҳиби?

Бу чарвоқни кўриб қилдим пушаймон,  
Бўлмасин эгаси бизларга душман!  
Бу боғнинг эгасин айтгин бу замон,  
Ёмон бўлсанг, сенга бермайман омон.

«Пирингман», деб бундай ерга бошладинг,  
Неча сўзлар билан вақтим хушладинг,  
Сўзингни қайтариб кейин ташладим.

Шунда ҳам қайтмадинг, яқинлаб келдинг,  
Неча валиларни ўртага солдинг,  
Азизлар макони, дединг, оп келдинг,  
Қани бунда суҳбат қурган азизинг?

«Чилтанлар суҳбати», дединг, гапирдинг,  
Бу чарвоққа келиб кўп беғам бўлдинг.  
Сўз сўрайман, жавоб бергин бу замон;

Азизларинг кўрсат, қани қирқ чилтан?  
Гапларингдан топганман неча ёлғон,  
Энди ўлар бўлдинг, бова, беимон.

Ёмон билдим, бова, сенинг ишингни,  
Дўст кўрмадим дарвозабон кишингни,  
Бу жойнинг эгасин гапир бу замон,  
Бова, кессам дейман сенинг бошингни!

Бу жойнинг эгаси бир юрт хоними?  
Ё, билмайман, давлати катта ғанимми?  
Ҳийлагарга ўшатдим юришингни,  
Эгаси сен айёр меҳрибоними?!

Бу сўзни эшитиб Чандана чол айтди:— Ёдгоржон! Сен ҳам отанга ўхшаган бола бўлган экансан! Мен сенга бўлган гапни гапирдим. Ҳеч ерда ҳеч гап йўқ, ўзингдан-ўзинг қўрқиб, шунча меванинг ичида ўгириб, ҳуркиб, шу юрагинг билан Аймоқдан қандай қилиб хотин олиб кетаман деб юрибсан?! Го мен билан бирикиб, го тескари бўлиб, дам-бадам пирингдан қайтиб, ўзингни-ўзинг гуноҳкор қилиб ётган бола экансан! Бу сўзларни гапирдинг, тайинини айтмаса, чоқдан ишонмайсан,— деб бир сўз айтиб турган экан:

Жон болам, киравка тўннинг ёқаси,  
Сенинг отанг Қўнғиротнинг оғаси.  
Сатта азиз, билсанг, боғнинг эгаси,  
Суҳбат излаб келиб қолар ҳар замон,  
Шунда беадаблик қилма, Ёдгоржон.

Кўрган вақтда, болам, кўнглингни хушла,  
Ҳарна бор яроғинг сен ерга ташла,  
Отининг жилавин сен ўзинг ушла,  
Азизлар ишини кўргин, Ёдгоржон.

Мен турибман бунда, ҳаммаси келар,  
Азизлар йиғилса, бу чарвоқ тўлар,  
Гулистонда, болам, ажаб иш бўлар,  
Уларнинг дуосин олгин, Ёдгоржон!

Нодонлик ишларни кўнглиннга олма,  
Кўрганда сесканиб, ҳеч душман билма,  
Сен юрар йўлингдан, болам, янгилма,

Хаёлингга ёмон ишни келтирма,  
Ихлос қил, албатта, ёмон гапирма,  
Пиринг ёлғон гапирмайди, Едгоржон!

Пирингнинг ишини улар билганди,  
Келар вақтди хўп яқинлаб қолганди.  
Гумондан гапирма, болам, ҳар сўзни,  
Аҳволинг уларга маълум бўлганди.

Бу боғнинг эгаси дединг, сўрадинг,  
Келса ҳосил бўлар сенинг мурудинг.  
Қандай бўлса, жоним болам, қувватим,  
Тинч ўтиргин, мана манзил, равотим,  
Қўрасан-ку, жон болам, кароматим,  
Ахир хурсанд қилар сени меҳнатим.  
Алвон-алвон сўзламагин, Едгоржон.  
Сағал қолди, билсанг, вали етади,  
Беадаблик қилсанг энди, Едгоржон,  
Валилар, азизлар уриб кетади.  
Бирининг кўнглига малол келган сўнг,  
Бу дунёни, билгин, яксон этади.

Шундайин кишилар келар, Едгоржон,  
Ўйнаб-кулиб юргин, мана гулистон.  
Ҳар гап бўлса, яхшилик иш пирингдан,  
Душман деб ғамингни ема бурундан,  
Замонани сен келтирма қириндан,  
Дунёнинг ишини кўргин, Едгоржон!

Едгор бу сўзни эшитиб, хайр, деди Чандана чолга. Ўзига-ўзи айтди: «Оқсоқнинг охирига боқ» деган гап бор. Нима бўлса бўлди. Энди, қани, шунинг етагига юриб тураин, нима иш бўлганини кўраин, деб Едгор бир супанинг устида чечиниб, ёв-яроқларини қўйиб, балки елбагай бўлиб туриб эди, дарвозадан дурмак-дурмак бўлиб отлиқ кира берди. Буларнинг тарзига Едгор қаради: ўзининг юртида кўриб юрган одамлар эмас. Едгор айтди: «Бу сира азизга келбати келмас, бари қирчиллаган йигит елмас; азиз бундай отланиб, ёв яроқли бўлиб юрмас. Бу чол, «пирингман», деб бир иш бошлаганга ўхшайди». Бу сўзлар Едгорнинг кўнглидан кечди. Чандана чол Едгорга бир сўз айтаяпти:

Бўғинма, Едгоржон, қилични ташла,  
Азизларнинг энди вақтини хушла,  
Олдида ўзингсан, ўйлагин, банда,  
Бўлиб қолма, жоним болам, шарманда.

Боғ эгаси дединг, мендан сўрадинг,  
Келганча ошиқдинг, бўлди муродинг.  
Энди, болам, булар у кўнгил шодинг,  
Пирингга етишар сўзласанг додинг,  
Ушламагин, ўглаб юрсин-да отинг,  
Буларнинг ишини кўргин, Ёдгоржон.

Сайр этиб жаҳонни булар юради,  
Сен билмасанг уруш таълим беради.  
Душман била кўрма бу азизларни,  
Мақсадинг булардан ҳосил бўлади.

Пиринг қўллаб турар Ёдгор болам, деб,  
Кетди юрагимдан доғу алам, деб,  
Сенга тақдир қилди ёринг-санам, деб,  
Ранжитмагин, болам, азиз-пирларни.

Бу сўзни эшитиб, Ёдгор ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Одамларнинг барин кўрдим: анжамдор,  
Бова, эшон эмас, билдим, жодугар,  
Ҳийла билан тўрга туширдинг мени,  
Сўзлаган сўзларинг ҳаммаси бекор!  
Энди етагингга юрмайди Ёдгор!  
Ёв яроқли, бари отли — шайланган,  
Шундай бўп юрарми, бова, чилтанлар?!

Бу сўзни айтиб бўлди дарқаҳар,  
Дарвозадан кираётир одамлар.  
Бўлакдан кийиниб Ёдгор шу замон,  
Уйлади: «азизлар» бермайди омон.  
Қиличин белига бойлаб Ёдгоржон,  
Отга қараб юриш қилди шу замон.

Бова, валиларинг ишин билай, деб,  
Душман бўлса, барин бошин олай, деб,  
Не кунларни энди бунга солай, деб,  
Азинингни ерга яксон қилай,— деб.

Неча сўзни Ёдгор кўнглида айтди,  
Отининг қошига шу замон етди.  
Жийронга минганди ўтдай туюқиб,  
Чандана чол бу ҳам минганди отди.

Ёдгор минган Жийрон отнинг устига,  
Тушсам дейди душманларнинг қасдига,

Қон тўкишиб кўрай дейди бу боғда,  
Қарамайман дейди баланд-пастига.

— Армон билан ўлдинг, ғаминг е, дейди,  
Насиҳат қип Чандана чол не дейди:  
Сенга ёқсин энди менинг сўзим, деб,  
Беадаб бўлмагин, Ёдгор қўзим, деб,  
Пир сўзига қулоқ солмоқ лозим, деб.

Неча марта бу Ёдгорни айланди,  
Келган душман бари хурушга кирди.  
Чандана Ёдгорнинг шаштин қайтарар,  
Душманлар Ёдгорни ўртага олди,  
Айланиб, югуриб Чандана юрди.

Энди келди Ёдгоржоннинг ғайрати,  
Тутиб кетди сипоҳилик одати,  
Суғуриб қинидан шамшир пўлатди,  
Бу сўзни бовага Ёдгоржон айтди:

— Айланма, жодугар, энди ўласан!  
«Пирингман», деб не ишларни қиласан.  
Қулоқ солгин Ёдгорбек нолишига,  
Рози бўлар ўзи қилган ишига.  
— Пирим бўлсанг, энди шундай бўлгин деб,  
Қилич солди Чандана чол бошига.

Шу замон Ёдгорбек кўнглин хушлади,  
Чандана эшонни чопиб ташлади.  
— Гуноҳкор бўп Чандана чол ўлганди.

Ёдгорга айтганди неча ёлғонди,  
Сўзлаган сўзлари бекор бўлганди,  
Келган бари уруш излаб юрганди,  
Ёдгорнинг пайида булар турганди.

Саф-саф бўлиб турган одам йиғилди,  
Ташқари ҳам билди одамга тўлди.

Шунда Ёдгор буларнинг қандай одам эканини, нима ишда юрганини ҳам билмайди. «Бир-бирига сўз қотмаса, душманлиги аниқ маълум бўлмаса, бирданига от қўйиб, уруш қилмоқ яхши бўлмас. Бу чол ўлди, ўзининг ёмонлигидан нобуд бўлди. Қани, кўрайин, булардан нима гап чиқади», деб турган вақтида Ёдгорни қуршаб турганлардан Жайнар деган полвон ўртага чиқиб, Ёдгорни одам

Ўрнида кўрмай, кўзга илмай, қанча қуввати бор, чоқламай, бир сўз айтиб турди:

Хабар бергин, бола, қайдан келасан?  
Бу бовани нега нобуд қиласан!?  
Писанд қилиб қадрига нега етмадинг?  
Бекорга сен нега чопиб ташладинг?

Табаррук деб, биз бовани изладик,  
Сени ҳам ўлдирай бағрингни тузлаб,  
Сен нега ўлдирдинг ота пирингни?!  
Бола-чақалари қолди-да бўзлаб.

Бу ерларда нима ишда юрибсан?  
Қаерлардан келиб, бунда турибсан?  
Бир бедов тулпарни сайлаб минибсан,  
Беадаблик, ёмон ишни қилибсан!

Менга хабар бергин қилган ишингни,  
Менга айтгин қовму қариндошингни.  
Манман бўлсанг, тандан кесай бошингни,  
Ҳозир ёмон билдим бу юришингни.

Ёдгор бу сўзни эшитиб, Жайнар полвонга қараб бу ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Сўз эшит, баҳодир, менинг тилимдан,  
Умид қилиб тар очилган гулимдан,  
Мен чиққанман Бойсин-Қўнғирот элидан,  
«Пирингман» деб бу чол чиқди йўлимдан,  
Охирида нобуд бўлди қўлимдан.

Билдим мен, сўзлаган сўзлари ёлғон,  
Сўзлади: «Шу боғни азизлар қилган».  
Айтган азизининг бари йиғилган,  
Авлиёси сендай баҳодир бўлган.

Қўлимдан кетганди лочин хиромон,  
Шу лочинни излаб бунда келганман.  
Отим Ёдгор, мен белгили полвонман,  
Бу ерларда сенга дучор бўлганман.

Мен келганман Аймоқ юртин кўрай деб,  
Ойдиной ёримни бундан олай деб,  
Бойсин элга бирга олиб борай деб,  
Қўнғиротнинг элида даврон сурай деб.



Бу сўзни Едгордан эшитиб Жайнар айтди:— Эй, ўз ҳолини билмаган нодон бола! Бунда келиб, «ёримни олиб кетаман» деб юрибди! Сен ўз йўлингни топдинг, ёринг қолдимми?! Сендан катта-катта ҳар бир баҳодирлар, ҳар бир амалдорлар «Ойдинни оламан», деб ҳисобини қилолмаяпти. Сен бекор аҳмоқ бўлиб юрибсан. Қандай қилиб: «Ҳеч кимга бермайман, мен ўзим оламан» деб юрибсан?!

Ёрим деб изласанг, йўлингдан қолма,  
Зўрларнинг чангида эзилиб ўлма!  
Бу ерда топширган ё ёринг борми?  
Кета бер, ёш бола, йўлингдан қолма!

Ойдиннинг ишқида мен ҳам югурган,  
Биз билан у неча ваъдалар қилган.  
Ёрим дема, Ойдин баҳодир бўлган,  
Ойдиннинг тенгидир мендайин полвон.  
Ёрим дема! Ойдинг кўнгил қип юрган,  
Биз билан асли сурмоқчи даврон.

Боролмайсан Ойдинойнинг қошига,  
Тоб бермайсан майдондаги ишига.  
Сен ҳали Ойдинни нима биласан!?  
Тан берганмиз майдонда савашига.

Аймоқ полвонлари бари йиғилган,  
Неча марта Ойдинман уруш қилган,  
Ойдиннинг зарбидан кўп полвон ўлган.  
Ёрим деган сўзинг бекор, ёш бола,  
Биз билан Ойдиннинг гапи бир бўлган.  
«Менинг кўнглим сенда», деб менга гапирган,  
У сабабдан ҳали яйловда турган.

Ҳолинг бил, қўлингдан нима иш келар?  
Кета бер, йўлингдан қолма, ёш ўғлон!  
Ойдиннинг кўйида барча отланган,  
Сен билмайсан, бунда қанча иш бўлган,  
Неча полвонларнинг қони тўкилган,  
Урушли кун улар отдан йиқилган.  
Ойдин кўп баҳодир, ҳусни хиромон,  
Ёриман деб, бола, гапирма ёлғон!

Билгин, Ойдин сени нима қилади?!  
Ҳолин билмай сендай нодон ўлади.  
Майдонли кун бқлсанг чангига дучор,  
Қўлга ташсанг, пора-пора қилади.

Эшитмабсан Ойдинойнинг таърифин,  
Юлдузни кўзлаган урушда оти,  
Қиз ҳам бўлса, Рустамча бор қуввати.

Аймоқ полвонига кўп зарби ўтди,  
Неча полвон урушда ўлиб кетди,  
Ойдин овозаси ҳар ерга етди,  
Сендай нодон энди ҳалак бўлибди.

Ҳалак бўлма энди, йўлингдан қолма,  
Ойдин деган сўзни оғзинга олма!  
Ойдин юрмас сенинг айтган йўлингга,  
Аччиғланса, қарамайди ҳолингга,  
Бўйнин эгиб, келмас сенинг қўлингга,  
Кета бергин энди қайтиб элингга!

Ойдин отли бир қиз пайдо бўлганди,  
Полвонларнинг жазосини берганди,  
Аймоқнинг юртида полвон йиғилиб,  
Ҳар қайсиси бир йўлиқиб кўрганди.  
Ҳаммаси ҳам кетди умидин узиб,  
Шу вақтда Ойдиной бизга қолганди.

Бу сўзни эшитиб, Ёдгор: «Кўп ишлар бўлибди-да», деб ғайрати тошиб, ўтдай туташиб, Жайнарга яқинлашиб бир сўз айтиб турган экан:

Ушбу дамдир, ўзга дамни дам дема,  
Юз полвон йиғилса, мени кам дема.  
Кета бер йўлингга, сендан қўрқмайман,  
Мени ўлади деб сира ғам ема.  
Сен ўзингча мени хўрач биласан,  
Аччиғлансам, армон билан ўласан!  
Бекорга лоф уриб, кўп аҳмоқ бўлма,  
Кетгин, нодон, энди нобуд бўласан!  
Узарман танингдан ширин жонингни,  
Утга куйдирарман сенинг танингни,  
Аймоқнинг аҳмоғи, йўлингдан қолма,  
Ойдин десанг, мен қирарман барингни.  
Бу сўзни шу замон Ёдгоржон айтди,  
Аймоқ полвонлари гирдини тутди.  
Ёдгор ёлғиз турар нордай чирпиниб,  
Яна қанча душман от чопиб етди.

Шунда Арасхоннинг полвонлари бир-бирига яқинлаб келиб, Жайнар полвонга ҳамдам бўлиб, Жайнар полвон Ёдгорга қараб: — Эй ёш бола! Бу полвонларнинг олдида, «мен Ойдинни излаб келаяпман», деб гапирма. Ойдинни сенга бермаймиз. Агар Ойдин сен билан бўлса, бирга кетиб бораётганда ҳам, агар бу

одамнинг барини ўлдириб олиб кетмасанг, омон кетмоққа йўл бермаймиз, — деб қаватидаги полвонларига буйруқ бериб, Ёдгорнинг устига қараб от солди.

Аймоқлардан кўпдир полвон,  
Довуш қилганди шу замон,  
Бермасам деб сира омон.  
От қўйди ёлғиз Ёдгоржон.  
Юлдуз учгандайин бўлиб,  
Дарё тошгандайин бўлиб,  
Кўп полвон ўртага олди.  
Қарвон кўчгандайин бўлиб.  
Мард йигит ўтдай туташиб,  
Қўрқоқларнинг ақли шошиб,  
Ботир-да, дарёдай тошиб,  
Ёдгор қайтмайди савашиб.  
Кўринг энди Ёдгорбекди,  
Ойдинойни кўрган йўқди,  
Ойдин бунга кўнгил тўқ-да,  
Ёрдан ўзга мақсад йўқди.  
Душман бунга от солган сўнг,  
Нечовларнинг қонин тўқди.  
Остида ўйнайди тулпар,  
Ақли шошади аҳмоқлар,  
Кўп полвонга танҳо ўзи,  
Бўлиб майдонда баробар.  
Полвонлар келар ёнаша,  
Ёдгорбек ёлғиз саваша,  
Узоқдан туриб қараган  
Кўрарди қизиқ томоша.  
Ёдгор эрдай — шердай бўлиб,  
Ҳар яғрини қирдай бўлиб,  
Урушли кун хўп савашди  
Кўп душманман бирдай бўлиб.  
Урушли кун мардлар тошар,  
Майдонда мардлик ярашар.  
Ёдгор қилич силтаганда,  
Аймоқ «эшонлари» қочар.  
Душман кўп ҳолдан кетди,  
От чоптириб Жайнар етди,  
«Ўлдинг!» деди Ёдгорбекка,  
Қиличини сермаб кетди.  
Қиличга Ёдгор рад бериб,

Тиг дамидан омон ўтди.  
Қамраб келарди кўп душман,  
Ёмон бурди Ёдгор отди.

Ёдгор ёлғиз, душман кўп-да,  
Атрофини ўраб етди.  
Яғринига Жайнар полвон  
Гурзи билан солиб ўтди.

Бош айланиб, кўзи тиниб,  
Қулоқлари чиппа битиб,  
Қолмай Ёдгорнинг тоқати,  
Бу гурзининг зарби ўтиб.

Душманлар Ёдгорни чекка-чеккадан ўраб, не бир полвонлар қилич, найза билан ҳужум қилиб, Ёдгор барига рад жавоб бериб турганда, билмай қолди, ортидан Жайнар полвон етиб келиб, гурзи билан яғринига солиб ўтгандан кейин, Ёдгорнинг кўзи тиниб, от устида бўшашганини Жийрон от билиб, майдондан чиқиб кетди, чарвоқнинг бир четига етди. Ёдгор отидан тушиб, ётиб қолди. Душманлар келиб, Ёдгорни кўриб, Жайнар полвон айтди: — Бу бола энди ўлди, Ойдин ўзимга қолди.

Ёдгор го ҳушига келиб, го ҳушидан кетиб ётди. Арасхоннинг полвонлари билди: ҳали ўлгани йўқ экан. Жайнар полвон айтди:— Улмабди! Улмаса ҳам ўлим учин бўлибди. Бу қайтиб сонга қўшилмайди, сонга қўшилмаса ҳам катта гапини қўймайди. Подшога олиб бориб берсак, «Шунча полвон, ёв-яроғинг билан шу бир ёш бола билан уруш қилиб, ҳушидан кетганда банди қилиб олиб келдиларингми?» деб бизни уялтиради. Кўзини очди деб уриб ўлдирсанг, эшитган одамнинг олдида номардлик бўлади. Энди буни зиндонга солиб, ўзимизнинг ишимиз бир ёқли бўлганча, полвон қизни кўндириб олганча, боғбонга топшириб кетайлик. Қизни олгандан кейин, майли, шу ерда юрсин, майли ўз элига кетсин, — деб боғбонни чақириб келиб, Ёдгорнинг отини, аслаҳанжомларини боғбоннинг қўлига бериб айтди: — бу болани зиндонга соламиз. Мана, ош бўлса — ошпазда, нон бўлса, — нонвойда; раҳм қилсанг, кўпроқ қарарсан, раҳминг келмаса, озроқ қарарсан; ўлса, «ўлди», деб жавобини берарсан, — деб Ёдгорни зиндонга солиб, калитини ҳам боғбонга берди.

Илгари Ойдинойни қушбеги оламан деб юрган эди. Кейин-кейин Ойдин камолга етиб, Арасхоннинг полвонлари бунинг қадди-жасадини, ҳусни-камолини кўриб, ҳар қайсиси харидор бўлиб, бир-бири билан талашиб, бари Ойдиннинг қошига бирдан бориб: «Тегсанг ҳам тегасан, тегмасанг ҳам тегасан», деб зўрлик қилиб, ўртада кўп катта гап бўлиб юргандан кейин, қўшбеги: «Энди бизга бу иш тўғри келмас. Биз бу полвонларнинг ўртасига суқулиб, булар билан баробар бўлмасмиз», деб оламан деган гапи йўқ бўлиб кетган эди.

Ойдиной Арасхоннинг полвонлари билан ҳар олишганда, гапнинг ўролида, «Қўнғиротда аташтирган одамим бор, ё ўзи келар, ё бир хабарини берар», дер эди. Арасхоннинг полвонларига бу гап нўхта бўлиб юрар эди. «Шунинг одами ким бўлса, Ойдинга кўрсатмай, бизнинг устимизга бошлаб келасан», деб Чандана чолни тайинлаб қўйган эди. «Агар бизга йўлиқмай бориб, иккови бир-бири билан танишиб, икковининг гапи бир ердан чиққандан сўнг, бизнинг, «оламан-қоламан, уни қўй, бизга тег», деб юрганимиз бекор сўз; яхшидир, ёмондир ўз одамини қабул қилиб кетади», деб ховотирда юрар эди.

Полвонларнинг катгалари маслаҳат қилиб айтди: «Чандана чол бизнинг айтганимизни қилди, ўртага тушиб, унинг ҳам ўлгани қолди. Ойдиннинг одами ҳам излаб келиб, соп бўлди. Энди Ойдиннинг қошига борайик, нима жавоб айтар экан, кўрайик. Бизнинг бундай талашиб юришимизни Арасхон подшо эшитса, уят қилар. «Бира тўла бир ёқли қилайик», деб бари жовлик отланди.

Чўлни яйлаб ўтирган бойлар илгари ҳам неча марта келган бу полвонларнинг келаётганини кўриб, юрак чайди бўлиб қолган эди. Бойлар бир-бирига айтди: «Бу сатта бало тағин келаяпти. Бир ниамизни олса, ё молимизни олса, қўй деб айтолмасак, бир ерга додга боролмасак. Шомиротнинг қизи қиз бўлмади, бир бало бўлди. Ари бу ўлмади, ё бу Аймоқнинг бирови билан бўлмади. Шу қиз йўқ бўлса, биз тинчир эдик. Бойлар ўз молидан кўрқиб, «кўзга тушмайик», деб уйга кириб ўтирди. Ойдиннинг энаси Аймоқ полвонларининг келаётганини кўриб, қизига қараб:— Болам, иш ёмон бўлди, бу балолар тағи йиғилиб келди,—деди.

Ойдиной энасига тасалли бериб, бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Аймоқ полвонидан ҳазар қилмагин,  
Эна, кўрқиб мунча безор бўлмагин.  
Келса келади-да булар лоф уриб,  
Юрибди беҳуда у сарсон бўлиб.

Келган билан не иш келар қўлидан,  
Юрибди янглишиб юрар йўлидан.

Аччиғлансам, эна, ғайрат қиларман,  
Бадбахтларга не кунларни соларман,  
Қиличлашса, унинг бошин оларман,  
Курашса, ер билан яксон этарман.

Парвойим йўқ, қувватим кўп, энажон,  
Булар ҳам ўз тенгига зўрабор,  
Бўлолмас майдонда менга баробар,  
Хаёлингда ёлғиз қизинг муштипар.



Бурунги ишингни, Ойдиной, ташла,  
Биримизни хоҳлаб, этагин ушла.  
Қиз боласан, баҳодирлик қилмагин,  
Уй-рўзғор қилмоққа энди иш бошла.

Кўнглингдаги одам дунёдан ўтди,  
Энди кўп толпинма, мақсадинг битди.  
Бу Жайнар раъйингга бўлар сўз айтди,  
Қиз бошингман уруш қилмоқ уятди(р).

Қизларнинг хизмати ё чарх йигирмоқ,  
Ўзбек қизлар тўқийди, билсанг, ўрмак.  
Йигитларнинг иши полвонлик қилмоқ,  
Бировман талашса, юриб ўч олмоқ.

Келар деб Қўнғиротдан сен умид қилма,  
Бу аҳволда юриб ишинг биткарма.  
Бешгина кун сенинг замонинг ўтар,  
Бу ҳусну камоллар ҳам сендан кетар,  
Қарилик навбати бур куни етар.

Йигитлик мавсуми хўп сабза баҳор,  
Йигитликни ўтказмоғинг не даркор?  
Бир қизсан-да ўзинг, мунглиғ, муштипар,  
Ҳар кимман талашиб бўлма баробар.  
Тегсанг-тегмасанг ҳам сени оламиз,  
Ўз ҳолингга қўймас келган полвонлар.

Бу сўзни Ойдиной эшитиб, бағри эзилиб, кўзидан ёши тизилиб,  
полвонларга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Ёдгор ўлган бўлса қўлингда келиб,  
Сен келдингми уни менга билдириб,  
Ёдгорнинг кунини бошингга солай,  
Қаерга борарсан сен омон қолиб,  
Қўлимда ўларсан Ёдгордай бўлиб.

Ўз ҳолима бунда фиғон этарман,  
Урушда қиличга қонлар қотарман.  
Чангалима келсанг, чирпиб отарман,  
Аямасман, барингни бўзлатарман!

Зўрман деб, дунёда аҳмоқ бўлибсан,  
Ёдгорни ўлдириб, бунда келибсан,  
Энди билгин, менга дўстлик қилмайсан,  
Аниқ билдим, баринг душман бўлибсан!

Энди кўргин Ойдинойнинг ишини,  
Раҳм қилмай кесай душман бошини,  
Сен ўлдирган бўлсанг келган кишини,  
Сенга қилай Рустамнинг савашини.

Не бўлса мен энди қонлар ютарман,  
Суякларинг майда-майда этарман!  
Писанда қип келдинг менинг қошимга,  
Этайин, бадбахтлар, сенинг бошингга.

Билмасликдан ҳам келиб дуч бўлмасми?  
Полвон халқи сира раҳм қилмасми?  
Ўлдирдим деб, кўтарилдинг сен менга,  
Бекорга ўлдирмоқ айб бўлмасми?  
Полвон халқи ғайратини кўрсатиб,  
Билмагани тўғри йўлга солмасми?

Полвонлик номини булғаб келибсан,  
Айб ишни менга сўйлаб турибсан.  
Мени оларман деб умид қилибсан,  
Энди сен ҳам ўларингни билибсан!

Бу сўзни Ойдиндан эшитиб, полвонлар бир-бирига қараб: «Бу бировимизни хоҳлаб тегеди, десак, энди бўлди биз билан тараф», деб кейин серпилиб, ўзини бурунгидай яқин билмай, Ойдиннинг сўзидан ҳазар қилиб, зўрлик билан олиб қочмоқнинг ҳаракатида бўлиб қолди.

Ойдин ичкари кириб, уруш кийимларини кийиб, яроқ-анжомини қўлига ола берди. Энаси:— Эй болам, сен бўлакдан ҳаракатга кирдинг, уруш тараддудини қилдинг, булардан нима гап билдинг? «Бало тегмаса, балода сенинг ниманг бор?» деган. Булар нима деса деб, қайтиб кетади. Тегмаган балони сотиб олиб нима қиласан?! Болам, булар кўп-да, «Арининг уясига тегсанг, ўртага олиб талайди». Сен бир ўзинг, кўпга тупроқ сочасанми? Булар сенга зўрлигини ўтказиб, оёқости қилмаса, сенинг буларга тақашининг айб. Биз бир оз эл, улар кўп, тебранса, баримизни босиб, оёқости қилиб кетади, булар билан баробар бўлиб бўлмайди,— деди.

Ойдиной айтди:— Эна, сен бизнинг ишни билмайсан. Менинг учун ғам ема, беғам ҳам бўлма!— деб уйдан чиқиб, отини миниб, полвонларга қараб бора берди, яқинлаб қолганда бу сўзларни айтиб бора берди:

Полвонлар, сенга етишдим<sup>1</sup>,  
Қанча бўлсанг, тараф тушдим.

<sup>1</sup> Сенинг устингга етиб келдим.



Мен отландим сенга қараб,  
Қўлингдўлган<sup>1</sup> ёрим сўраб.

Мени деган меҳрибонди,  
Уни ўлдирган душманди.  
Ўлиги қаерда қолди,  
Кўрсат менга Ёдгоржонди.

Ларза тушиб, ширин таним,  
Ёдгорнинг йўлида жоним.  
Мени излаб, ғариб ўлган,  
Қайда қолди меҳрибоним?

Тоғ бошини чалар туман,  
Мендан қутулмоғинг гумон,  
Кўрсатмасанг Ёдгоржонни,  
Бермасман сенларга омон!

Ўз тилингдан айтиб ўтдинг,  
Аъзо-баданим қақшатдинг,  
Менинг бағрим доғлаб кетдинг,  
Ёдгор дедим, энди етдим.  
Ўлик-тиригини топсам,  
Шунда топилар мақсадим.

Бу сўзни эшитиб, Жайнар полвон Ойдинга бир сўз айтиб тургаъ  
экан:

Ҳаддингдан ошма, муштипар,  
Бу йигитлар Ёдгорча бор;  
Ёдгорингдан, билсанг, зиёд,  
Ҳар қайсиси Қайсарча бор.

Лоф уриб йўлдан адашма,  
Тўхтат ўзинг, мунча шошма.

От ўйнатиб бунда келдинг,  
Сен ўзингни нима билдинг?  
Бир қиз десак, раъя қилсак,  
Сен бизларни мазақ қилдинг.

Биз полвон деб ном кўтарган,  
Подшомиздан инъом олган,  
«Қаттиқ кунда ярайди» деб,  
Инъом бериб боқиб юрган.

---

<sup>1</sup> Қўлингда ўлган.

Шундай полвон дейди бизни,  
Бизлар айтдик бўлган сўзни.  
Урушли кун ўлди Ёдгор,  
Ҳеч кўрмадик сендай қизни.

Энди бизда ихтиёринг,  
Эшитмаймиз қилган зоринг,  
Ўзинг келиб тўрга тушдинг,  
Ҳолингдан йўқдир хабаринг.

Жайнар бу сўзларни айтиб, полвонлар Ойдинни ушлаб олмоқчи бўлиб, кўлини бойлаб, банди қилиб олиб қочмоқчи бўлиб, дўқ уриб кела берди. Шунда Ойдин:

— Ёдгор учун кечай жондан,  
Учим олай сен душмандан,  
Юз қайтармайин майдондан!

Бу сўзларни айтиб Ойдин,  
Бир ўзи ўртага тушди,  
Қайтмади, ёлғиз савашди.

Қаранг марднинг савашига,  
Номард тоб бермас ишига.  
Юрак бетлаб нечовлари  
Келолмас Ойдин қошига.

Кўрингиз Жайнар полвонни,  
Ойдиной урди бошига.  
Кўплашмоқчи бўлиб булар,  
Отин суриб етиб келди  
Шу замонда ёнбошига.

Ойдин шундай олп қиз-ди,  
Бировига қўлин чўзди,  
Шу замон белидан ушлаб,  
Полвонни отидан узди,  
Айналтиб отди далага.

Бирор майдон уруш қилди,  
Бу майдонда юриш қилди,  
Бешта-ўнта полвон ўлди,  
Бу Ойдиной хўп иш қилди.

Шундай Жайнар полвон Ойдинга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Нодон бола, сен бир ёмон иш қилдинг,  
Бу эр йигит полвонлари ўлдирдинг.  
Сен ҳам жуда зўрлигингни билдирдинг,  
Ханжар чалмай бағрим қона тўлдирдинг.  
Ҳазиллашиб айтган эдик бир сўзни,  
Чинга олиб, бунда ажаб иш қилдинг.

Элатимда шоҳнинг ғамин еб эдик,  
Бизлар сени синамоқчи бўп эдик.

Ёдгоринг ким бўлар, қайдан биламиз,  
Ёдгорингни бизлар қайдан кўрамиз?  
Келар бўлса, албатта, сенга келар,  
Ҳазил сўзга уруш қилмоқлик бекор.  
Бир сўз айтиб биз бўлдикми гуноҳкор?  
Ёдгор хабар топса, қандай иш бўлар?

Ойдин бу сўзни эшитиб шаштидан қайтиб, ҳазиллашганига шунча ачиқ қилибман, деб уйига қайти. Энди Жайнар полвонларга айтди:— Маслаҳат шундай бўлсин: биз Ойқашқа полвонга хабар берайик. «Бир мусофирнинг қизи Аймоқ полвонларини саф синдириб, оёқ ости қилиб юборибди», деган ланқа бўлмасин,— деб ўзга полвонларнинг ҳаммасини ётоқ, манзилига юборди. Жайнар айрилиб, Ойқашқа полвоннинг олдига борди.

Ойқашқа полвон Жайнарни кўриб айтди:— Сизлар боғда, баҳор чоғда, жуда кайфу сафо устида. Нима ишда келдинг, торинг суст? Менинг назаримда анча илқув-силқув еб, эгасидан таёқ еган маймундай бўлиб қолибсан!

Шунда Ойқашқа полвонга қараб, Жайнар бир сўз айтиб турган экан:

Эрисин тоғларнинг қори, эрисин,  
Ер остида душман тани чирисин,  
Илойим полвонлик иши қурисин,  
Бир забардаст полвон қизга учрадим.

Зўрман деб дунёда лоф уриб юрдим,  
Полвоннинг зўрини бу ерда кўрдим.  
Ҳавас қилиб бордим унинг қошига,  
Бир забардаст полвон қизга учрадим.

Ойни хира қилар қараса юзи,  
Одамга чирпиллаб ботади сўзи,  
Оти Ойдин экан, Қўнғиротнинг қизи,  
Бир забардаст полвон қизга учрадим.  
Неча марта бориб тўқнашиб кўрдим,

Қайсардай у қизни юракли билдим.  
Рустамдай чирпиниб майдонга келар,  
Майдонда зўр билган кучларим бекор.  
Полвоннинг туғдори бўлса йиқитар,  
Бир ажойиб полвон қизга учрадим.

Уйласам кўп бўлар юракда дардим,  
Ростим айтсам, келмас менинг қувватим.  
Полвон дедим, сендан бўлди умидим,  
Ҳосил бўлсин дилимдаги мақсадим,  
Бир забардаст полвон қизга учрадим.

Олишиб кўрмоққа хаёлим қочар,  
Чангалига ҳеч ким бўлмасин дучор,  
Агар сен майдонда бўлсанг гирифтор,  
Қафан тўнинг бича бермоғинг даркор.

Полвонлик даъво қип бизлар кўп юрдик,  
Неча шаҳарларни зўрликман олдик.  
Арасхон мулкида хўп эркин бўлдик,  
Бундайин қувватли қизни кўрмадик.

Аччиғланиб магар қилса сиёсат,  
Қошида ҳеч кимда қолмайди тоқат.  
Зўрлигига ақлим етмас, аломат,  
Бир йўлиқсанг, қутулмайсан саломат.  
Шундай ажиб бир зўр қизга учрадим.

Учрашиб кўрганда ҳолимни билдим,  
Суяниб, Ойқашқа, мен сенга келдим,  
Не гап бўлса, сенда бўлсин ихтиёр,  
Сира юрак қилмас кўрган полвонлар.  
Менда унга ишқивозлик дарди бор,  
Ўзгаларнинг юриш-шавкати бекор,  
Бир забардаст полвон қизга учрадим.

Бу сўзни эшитиб, Ойқашқа полвон айтди:— Бир боғда ётган қанча полвонсизлар, бир келгинди кўчманчининг қизидан кўрқиб, «зўр экан» деб тайсаллаб, ўз бошингни қутқара олмай бунда келибсан. Тағи сен ҳам подшонинг бир отоқли полвонимисан? Полвоннинг чангига тушса, қизнинг нима жони бўлади, «майдаланиб кетмасин», деб авайлагандирсан?!

Жайнар полвон айтди:— Гапни ҳазилга айланторма. Унинг ишини кўрсанг, биласан. Жайноқ полвон ҳам мендан кам эмас эди, уни отнинг устидан узиб олиб, айлантириб, отиб юборди, ерга ту-

шиб майда-майда бўлиб кетди. Агар ерда олишса, билмадим нима ишлар қилар эди. Бу ишни кўргандан кейин қандай одам у билан баробар бўлади?

Бу сўзни эшитиб Ойқашқа айтди:— Сенинг ўзингда ҳам бад-феъллик бор. Тегмай, жўн юра берганларингда ҳам отланиб чиқиб сизларни қувиб ура бердимми? Улар бу элга суяниб келиб ўтирган мусофир, молини ўтлатиб, кун кўриб юрган одамлар экан. Ҳар қайсинг бориб, тегина бергансан-да! Бориб, бир қиз билан уруш қилиб, унинг қайси қўрғон, қайси шаҳарини оламан, деб аҳмоқ бўлиб юрибсанлар?!

Жайнар полвон айтди:— Уни биз ҳам биламиз. У қизнинг ўзи полвонларга тир келадиган, шунинг учун Урта чўлда айланиб қолдик. Сенга ёрдам сўраб келиб, эшитмаган гапларни эшитиб, изза бўлиб кетадиган бўлдик.

Ойқашқа:— Изза бўлма! Бир ерда унинг одами бордир, одами бўлмаса, сизларга мунча ҳарби даф айтиб юрмас эди.

Жайнар: — Одамани бизлар банди қилиб олганмиз, — деди.

— Бошидан ишингни созлаган экансан! Булар Баҳор тоғда томоша қилиб, кўнгли ўсиб юрибди, десак, баринг подшоликнинг текин овқатини еб, дунёнинг ғурбатини бошингга йиғиб, қайғи-ваҳмин орқалаб юрган экансан-да! Бир ерга экса ҳам кўкармайдиган аҳмоқ экансан! Мени эси йўқ фаҳмладингми?— деб неча сўзларни айтиб, энди Жайнарнинг уялганини билиб, бир сўз айтиб турган экан.

Ҳалак бўлиб, Жайнар келибсан менга,  
Бир қиз бўлса олиб берайин сенга.  
Ҳали сен йўлингдан қолма бу замон,  
Юбормаймиз уни юртига омон.

Кечикмайин мен ҳам бундан борарман,  
Бир хизматинг бўлса, ўрин қиларман.  
Кўнглингда муддаонг сенинг шу бўлса,  
Кўнғиротлардан хотин олиб берарман.

Қулоқ солгин Ойқашқанинг тилига,  
Ҳеч ким қирқиб чиқолмайди йўлига,  
Сенинг учун бориб қолсам майдонга,  
Қарамайман мусофирлар ҳолига.

Шундай қилиб, Жайнарни қайтариб юборди.

Полвонлар қаради. Жайнар келаяпти; юришини кўрди: «Соли сувга кетган»<sup>1</sup>, ҳисоби йитган келаяпти. Полвонлар айтди:— Бунинг

<sup>1</sup> Бўшашган, суст; шахти қайтган.



юришига қараганда ўз гапидан ўзи уялиб нам тортиб<sup>1</sup> келаётганга ўхшайди.

Жайнар келиб отидан тушди. Бари сўрашди:— Маслаҳат қандай бўлди? Гапни қаерга қўйилди?

Жайнар айтди:— Маслаҳатни ҳам билмай қолдим, бу гапларнинг олди-кетини англамадим. Энди ўзимиздаги маслаҳат шу: Ойқашқа келганча ўз ишимиз билан юрамиз, ўнгу сўлдан хабар олиб турамыз.

Булар шу маслаҳатни қилиб, кундуз куни шикор қилиб, овда, тоғда юрди, оқшом ётар жойга йиғилиб келди, ҳеч нимани билмаган киши бўлиб юра берди.

Бу ўртада неча кун ўтди. Ёдгорга боғбон қараб юрибди. Боғбоннинг бир қизи бор эди, баркамол — бўй етиб қолган эди, бир кун Ёдгорни кўриб қолди. Кунлардан бир кун вақтини топиб, эшикни очиб, ичкари кирди. Ёдгорга қараб ҳолини сўраб, бир сўз айтиб турган экан:

Сендайини ўғлонни бу жойда кўрдим,  
Қайдан бино бўлиб, қаердан келдинг?  
Ўзинг келиб бунда қафасда қолдинг,  
Нега полвонларга сен дучор бўлдинг?  
Бундай жойга сен қаердан етишдинг?  
Лочинлар қўлига сен нега тушдинг?  
Менга хабар бергин ўсган элингдан,  
Чиқиб келган гулшанли манзилингдан,  
Кунда хабар олай сенинг ҳолингдан,  
Нима даркор? Бериб турай қўлимдан.  
Отам бағбон, сени сўраб оларман,  
Гуноҳқорсан, ўлим ўтинг тиларман,  
Насиб бўлса, сенга жавоб берарман.

Не сабабли келиб тушгансан тўрга,  
Сен нега йўлиқдинг ўзингдан зўрга?  
Одамнинг йўқмиди сен билан бирга?  
Юриб кетмабсан-да у тўғри йўлга?

Келиб қопсан бу хатарли манзилга.  
Аймоқнинг полвони бунда йиғилган,  
Сендай ўғлон зўрларга дучор бўлган.

Сени мазақ қилиб бу ерга солган,  
Сен ҳам ўз юртингда белгили полвон,

<sup>1</sup> Изза бўлиб.

Елғизлик асари шундайин бўлган,  
Бир иш учун келиб, бунда илинган.

Сиру аҳволингни баён айлагин,  
Муддао-сирингни гапиргин, полвон,  
Қайси элдан бунда келиб қолдинг сан?

Ҳийла билан сенинг ишинг биткариб,  
Сени ким опкелди мунда еткариб?  
Билиб, ҳеч ким келмас сени ахтариб,  
Сен ётибсан бу ерда ғариб бўлиб.

Едгор бу сўзни эшитиб, қизга қараб, сир-аҳволини гапириб бир сўз айтиб турган экан:

Одам бўлиб чиқдим Қўнғирот элимдан,  
Ҳар ким чиқиб тўсолмаган йўлимдан,  
Ақлим шошиб бу ерларга келдим ман,  
Юртимда белгили юрган лочинман.  
Фалак менинг баҳоримни хуш этди  
Ода бўлмас бу савдога дуч этди.

Азизман, деб бир чол бошлаб келганди,  
Ёмонлиги кейин маълум бўлганди.  
«Эшонман», деб шу йўлларга солганди,  
Ахири қўлимда у чол ўлганди.

Қўнғиротнинг юртида марднинг макони,  
Хазон бўлди ўйнаб-ўсган гулшани,  
Бундай эмас эди отам фармони,  
Чангалига олди полвонлар мени.  
Бу ерларда ғариб Едгорнинг тани.

Қиз Едгорнинг аҳволини билиб, «Ҳар иш мардларнинг бошида бўлади, номардда нима иш бўлади, англамай буларнинг қўлига тушиб қолибди, нима бўлса, бунинг хизматида бўлайин, бир нарсага зарур қилмай, айтганини мавжуд қилиб турайин, хизмат билан кўнглини олайин. Аймоқ полвонлари буни эсига олмаса, ўзим шу ердан халос қилиб юборайин. Шунда отланиб, далага чиқса, ҳар қандай одам бунинг жиловидан ушлай олмас. «Сени ким бўшатди» деб, туриб ҳайдаб, яна опкеб қамай олмас. Душмандан ўчини, дўстдан кекини олиб юрган одам экан», деб Едгорнинг хизматини қилиб, ҳолидан хабар олиб юрди. Бу қизнинг ишини ҳеч ким билмади. Едгор ўлдими-қолдими, полвонлардан ҳеч қайсиси хабар олмади.



Кунлардан бир кун Ёдгор қизга айтди:— Хўп яхши хизмат қилдинг, ҳурмат қилиб, қарашиб турдинг. Менинг от, анжом, ёв-яроқларим қаерда қолди экан, биласанми?

Қиз айтди:— Ҳарна анжоминг отамга берилган. У полвонлар ёв-яроқ-анжомга зарур одам эмас, барининг ўз керакли нарсаси бор. Агар яхши кўриб бировнинг нарсасини биттаси олса, ўзгаси қуруқ қолса, кўнгил қоралик қилади.

— Менинг керакли нарсаларим отангнинг қўлида бўлса, бу полвонлар бизга душман, буларга билдирмасанг, вақтини топиб, менга етказиб топширсанг. Агар шу ердан халос қилсанг, мен ҳам сенинг яхшилигингни кўнглимдан чиқариб кетадиган одам эмасман, танамда жоним бўлса, бу хизматларингни унутмасман,— деди.

Бу сўзни Ёдгордан эшитиб, у қизнинг Ёдгорга меҳри зиёда бўлиб, кунлардан бир кун кийим-кечак, ёв-яроқ-асбобини олиб келиб, Ёдгорнинг қўлига берди.

— Вақтини топиб хабар бераман, отингга ҳам миндираман, ундан кейин хизматингни ўзинг биласан,— деди.

Қиз бу сўзларни айтиб, отнинг пайида бўлиб юрди. Бир куни ҳар ким тегишли ишига кетди, боғ овлоқ бўлди. «Бундан қулай вақт бизга ўнғай келмас», деб Ёдгорни тағизаминдан чиқариб, отининг қошига эргаштириб бориб, Ёдгор отини кўриб, бу қизнинг хизматидан кўнгли тўлиб, отининг устига миниб, қиз билан хўшлашиб, боғдан чиқиб кета берди.

Ёдгор бирор майдон йўл юрди, Ўрта чўяда милдираб, мусофирларнинг манзили кўринди. «Бу, кўчманчи халқнинг эли-да», деб бораётиб эди, ҳар дарадан, тоғдан — овдан полвонлар тушиб, тўп-тўп бўлиб келаётиб эди, Ёдгорнинг олдидан чиқиб қолди. Ёдгорни кўриб, рўпара бўлиб, бу сўзни айта ётибди:

Бандиликдан озод бўлган!  
Ким сени бу йўлга солган?  
Олдиндан чиқди полвонлар,  
Хабар бер, қайда борасан?!

Боз йўлиқдинг келиб менга,  
Ларза тушиб ширин танга,  
Шаҳар ичра ҳайдаб бориб,  
Сени соларман зиндонга!

Қўзингга кўринмас осмон,  
Ернинг ости сенга макон!

Бу сўзни полвонлар айтди,  
Узоқдаги яқин етди,

Бир-бирига қўшилишиб,  
Полвон кўпди, жам бўлибди.

Қўринг ёлғиз ботир Ёдгор,  
От устида бир сўз айтар,  
Зиндон, дединг, қаҳрим келди,  
Қоча бер энди полвонлар!  
Алдаб, қўлга олиб эдинг,  
Сенинг у ишларинг бекор!

Менинг ғайратимни кўргин,  
Мана майдон талаб қилгин,  
Бўлиб қолсин энди қиргин.

Сўз айтади алвон-алвон,  
Ханжар қўлида Ёдгоржон.  
Гуруллашиб қанча полвон,  
От солди Ёдгор устига.

Атрофида сонсиз киши,  
Ёлғиз Ёдгорнинг саваши,  
Кесилди нечанинг боши,  
От солди полвон устига.

Полвон отга қамчи уриб,  
«Ушла дейди довуш қилиб,  
Ёдгорга боргани ўлиб,  
От солди Ёдгор устига.

Бир изи-чув уруш бўлди,  
Қум қуют бўп хўп иш бўлди,  
Атрофини тўзон олди,  
Кўрган одам ҳайрон қолди.

Шундайин урушиб ётди,  
Ойдинойга шовқин етди,  
Шовқинни қиз эшитди.  
Ойдин билмас не гап бўпти,  
Гумон билан минди отди.  
Ев-яроғи бор қўлида,  
Бу урушга қичаб етди.

Не уруш деб сўрамади,  
Баланд-пасга қарамади.

Келар қилич алаб-ялаб.  
Олтин коса, гулгун шароб,  
Ойдинойим қилар талаб,  
Кетди урушга оралаб.

Шу бўлди Ойдиннинг иши:  
Душманнинг кўзида ёши,  
Сулади полвонлар лоши,  
Рустамдай бўлди саваши.

Не полвонлар қонлар ютди,  
Бундан фано бўлиб кетди.  
Бирга қанча одам олиб,  
Ойқашқадай полвон етди.

Ойқашқа қараса, қанча полвон ўлиб кетибди, қолганини Ойдин билан бир йигит қувиб юрибди. Бу иккисининг мардлигига Аймақ полвонлари бас келадиган эмас. Ойқашқа урушга кирайин деса, ўзи ҳам омон қоладиган эмас. Шунда Ойқашқа Аймақ полвонларга қараб, бақириб-чақириб бир сўз айтиб турибди:

Нодон бўлма, бир иш қилма,  
Энди урушиб, баринг ўлма!  
Ойдин дейсан уруш қилиб,  
Бир топширган ҳақинг борма<sup>1</sup>?

Ҳар ким кетсин ўз бошига,  
Кет энди, ишингдан қолма!  
Едгор билан Ойдинойни  
Полвонман деб йўлдан урма!

Ҳар ким ўз жойида юрсин,  
Энди уруш охир бўлсин!

Деб буларни айирди.

Шунда ўлган ўлиб, қолгани айрилиб, Ойқашқа билан ўз манзилига қайтди. Едгор Ойдиннинг қошига келди. Ойдин сўради:— Қандай одамсан? Бу нима уруш? Сен полвонлардан айрилиб келдинг, улардан эмасмисан?

Шунда Едгор:— Мен Қўнғиротдан келганимга неча вақт бўлди. Илгари ҳам булар билан бир уруш қилиб, мени булар бандга олиб, қўлга тушириб, зиндон қилган эди. У банддан биров сабаб бўлиб, мени чиқариб, йўлга солган эди. Аймақ полвонлари мени бу ерда кўриб, «тағи банди қиламиз», деб уруш қилиб турган эди.

<sup>1</sup> Борми?

— Қўнғиротдан нима ишда келдинг?

— Менинг отим Едгор, Алпомишнинг ўғлиман, бир аташтирган ёримдан хабар бориб, шуни ахтариб келаётганимда буларга дучор бўлиб, неча вақтдан бери шу ҳалакчиликда айланиб юрибман.

Ойдин айтди:— Эса, энди душманларинг умидини узиб кетди. Сен бизнинг меҳмонимиз экансан. Биз ҳам Қўнғиротдан, қариндош эканмиз,— деб кўришиб, сўрашиб, эргаштириб кетди; манзилига етди, бир ўтовни сошлаб туширди.

Ундан у, ундан у эшитди: «Алпомишнинг ўғли кепти», деб овоза бўлиб, катта-кичик бари келиб кўрди. Отасининг бандиликдан келганини ҳам сўраб билди.

Едгор неча кун бунда турди. Одамларни йиғиб айтди: — Мен сизлар учун келганман, олиб бориб, барингизни элга қўшаман. «Элдан эл кетса — меҳнат, элга эл қўшилса — давлат» деган. Кишининг элида, бир подшонинг қўлида туртки еб, ҳар кимдан бир гап эшитиб, хор бўлиб оёқости бўлиб юрганларинг яхши эмас. Баринг элга боринглар! Бари Қўнғирот жам бўлиб, ўз элларингни обод қилинглар! Баримиз чўлукамимизда<sup>1</sup> турайик. Мана мен, бир ботирман, «Қўнғиротнинг полвониман» деб юрибман. Менинг отам Алпомиш бир олп одам, ўзларингга маълум. Биз элни душмандан, ёвдан кўриқлаймиз; элдан ёмон чиқса, жазосини берамиз. Баримиз йиғилиб, элни обод қилмоқнинг пайида бўлайик. Тўп-тўп бўлиб ҳар тарафга тўзиб кетмайик, деб сизларни излаб келдим.

Бу гап барига маъқул тушиб, эрта саҳардан кўчмоқнинг пайида бўлди.

Едгор Ойдиной билан топишиб, Ойдинойнинг уйида меҳмон бўлиб, тўйни Қўнғиротда қилмоқчи бўлиб, ётди.

Эрта саҳар кўчманчи эл молларини йўлга солиб, бариси бирдан отланиб, Арасхонга ҳам хабар бермай, Аймоқ элига билдирмай жўнаб кетди.

Хабар қилиб елиб-йўртиб,  
Салқин вақтда уйни ортиб,  
Қўнғирот қараб йўллар тортиб,  
Қўй-у йилқини жўнатиб,  
Булар кетди йўлга тушиб.  
Йўлда чўпон айҳойлашиб,  
Ойдин ҳам Едгор отланди  
Бу элнинг кейинидан тушиб.

Бирга борар қўйли бойлар,  
«Обод бўлсин манзил жойлар,

<sup>1</sup> Туркумлиқда.

Душман келса даф этсак», деб,  
Ойдин, Едгор шундай ўйлар.

Гоҳи қўниб, гоҳ йўл юриб,  
Элатини ҳавас қилиб,  
Кетиб борар Қўнғирот қараб,  
Ўз юртини эсга олиб.

— Аймоқда кўрдим зулм, деб,  
Бурунги жой — манзилим, деб,  
Қанча йўлни юриб кетди  
Қани Бойсиндай элим, деб.

— Бошимиздан кетди ғубор,  
Қанча ҳалак қип аймоқлар,  
«Адашган жойини излар»,  
Омон-эсон етсак бизлар.

Баҳодирлик ном кўтарган,  
Аймоқда овоза бўлган,  
Бораётир Ойдин, қизлар.

Неча вақт йўллар юриб,  
Элатига интиқ бўлиб,  
Қўй оёғи билан тинмай —  
Қирқ кечаю-кундуз юриб,  
Бойсиннинг мулкига кирди  
Нечовлари йўлда ҳориб.  
Бирга келган Қўнғирот эли,  
Бойсинда Қўққамиш кўли.  
Еқалашиб энди қўнди.

Буларнинг келиб, ўз элига қўнганини Қўққамишда ўтирган халқ  
эшитиб, бари қувониб қолди. Ойдиной ота-энаси билан қўнди.

Бойсиннинг ораси хийли йўл. Кетган элнинг қайтиб келганини  
Алпомиш билмай қолди.

Едгор буларни қўндириб, ўз уйига келди. Энаси, отаси кўрди,  
Едгор бир ўзи келибди. Шунда энаси — Барчин Едгорга қаради,  
юришидан ҳеч ниманинг тайини йўқдай. «Бу Аймоқ юртига бора-  
ман, деб тополмай, йўлдан қайтиб келдимикан», деб Едгорга бир  
сўз айтиб турган экан:

Болам, йўқдир номус-оринг,  
Қани олиб келган ёринг?

Қай ерларга бориб келдинг,  
Ҳориган йўқдир тулпаринг!

Тентираб қайларда юриб,  
Елғиз келдинг сарсон бўлиб,  
Ойдинойни қутқаролмай,  
Халққа ўзингни гап қилиб.

Болам, бўшлигинг қолмади,  
Энанг мақсади бўлмади,  
Ўзинг шундай ёлғиз келдинг,  
Еринг қани? Кўринмади.

Тоғларда очилган лолам,  
Қани ёринг бўлса санам.  
Сен борингда обод бўлар  
Бунда менинг кулба-хонам.

Буйингдан айналсин энанг,  
Нега ёлғиз келдинг, болам?  
Бир қарчиғайсан, шунқорим,  
Нега ёлғиз келдинг, болам?

Ер ахтарган сендай бўлмас,  
Бундай бўлиб қуруқ келмас,  
Сендай бўлиб элга келса,  
Уялиб элда туrolмас.

Бу сўзни энасида эшитиб, Ёдгор:— Эна «Елғиз келдинг» деб,  
мени бунча ерга урма! Мен ақлимни еганим йўқ, ҳар кимникида  
бир кун ётиб келганим йўқ,— деб энасига бир сўз айтаётир:

Эна, қулоқ солгин ўғлинг тилига,  
Тушиб қолдим бориб душман қўлига.  
Омон-эсон ўғлинг келди, ғам ема,  
Сўз айтиб, сен мени кўп изза қилма.

Банддан халос бўлдим, майдонда турдим,  
Аймоқ полвонлари билан урушдим.  
Неча полвонларни унда ўлдирдим,  
Ойдиной ёримни майдонда кўрдим.

Мен ҳам кўрдим Ойдин сендан дам емас,  
Майдонли кун Ёдгорингдан кам эмас,  
Зарбидан титраган қанча душманлар,  
Қиз ҳам бўлса, баҳодирлик номи бор.


— Эна! Ойдинга тикилган душманларни Ойдин билан бирга еттиб, неча кун у ерда меҳмон бўлиб, мусофирларни йиғиб, уларга кўп гапларни айтиб, барини кўчириб олиб қайтдим. Улар Кўкқамиш кўлини ёқалаб қўнди. Уларни қўндириб, эсон-омон келдим. Сен, «ёринг қани?» деб сўрайсан. Ўзбекчилик расмини ўзинг биласан, тўй олмаса, қизини менга мингаштириб юбора берадимми? Мен адашган элни йиғиб келдим, эндиги ихтиёр сенда,— деди.

Бу сўзни Барчин билан Алпомиш эшитиб, димоғи чоғ бўлиб, Барчин айтди:— Бу гапингга қараганда, болам, тузук бўлибсан, ёрингни олиб, кетган элни ҳам йиғиб олиб келибсан, сен менга тортибсан,— деб ўғли билан кўришиб, Алпомиш ҳам қучоқлашиб, вақти хуш бўлди.

Кўчиб келган эл жойлашиб бўлгандан кейин, қанчаси йиғилиб, Шомирот бош бўлиб, Алпомишни кўргани келди. Булар бир-бирини кўриб қувониб, бир кеча меҳмон бўлиб, эртаси катта-кичик ўтириб, тўй-томошани гапириб, ёлғиз бола — Ёдгорнинг орзу-ҳавасини айтиб, маслаҳатни бир ерга қўйиб, Алпомиш тўй бошлаб юборди. Неча кун халққа тўй-томоша бериб, Шомирот Ёдгорни уйига чақириб, ирга кўрсатди<sup>1</sup> расмларини қилиб, Ойдинойни узатди. Шундай қилиб, Ёдгор билан Ойдиной мурод-мақсадига етди.



<sup>1</sup> Кўёвни уйга киргизиб, устига сарпа ёпиш ва кўришиш расми.







Бурунги замонда Оқтош вилоят подшоси хонлик даврини суриб, неча ой, неча йил подшолик дағдағасини суриб, ўлиб кетди.

Халойиқ йиғилиб, подшо сайламоқчи бўлиб, катта-кичик келиб, ҳар ким билганини гапириб, неча кун маслаҳат қилишиб, ўрлашиб ётди.

Бир нечалари айтди: — Қадимги замондаги ишни қилайик: қадим замонда подшо ўлса, давлат қушини учирар эди, қуш кимнинг бошига қўнса, шу одамни подшо қилар эди.

Бир нечалар: — Учар қушга тайинлаб қўйибсанми? У нима билади, — деб ўрлашиб ётибди. Уларга бир нечалар айтди: — Кўпнинг иборасидан чиқма, беҳуда манман бўлма, халойиқ ва умаронинг айтган сўзини ерга урма, ўзи биларман бўлма, — деб билгичлар билмаганларга насиҳат қилиб, давлат қушини учирди.

Давлат қуши ҳавога давра олиб, шаҳар устини айланиб, чўлга чиқиб кетди. Қанча сипоҳилар қушнинг орқасидан бораётибди.

Чўлда бир йигит ўтин териб юриб эди. Давлат қуши қуйилиб бориб шу йигитнинг бошига қўнди. Сипоҳилар кўриб, қушни ушлаб, силкиб олди. — Бу қуш аҳмоқ бўлди, дунёда одам қуригандай, бир ўтинчининг бошига қўнди, — деди.

Бир хил одамлар: — Қушда нима ақл бор, бояги менинг айтганим чиқди, — деб, сипоҳилар қушни олиб келган йўлларига қайтди, шаҳарга етди, пойтахт устида жам бўлиб, боз қушни учирди.

Қуш яна давра олиб кетди, кейнидан сипоҳилар етди, қараса, қуш ҳалиги ўтинчининг бошида айланиб турибди. Сипоҳилар: — Бу қушга бир бало бўлди, бу ўтинчини тоза таниб олди, — деб, яна қушни олиб қайтди. — Бу қушни тағи бир учуриб кўрайик, тағи шу ўтинчига қўнса, шунга қараб иш қилайик, — деди. Сипоҳилар қушни шаҳарга олиб борди, маслаҳат билан тағи учирди. Қуш давра олиб учиб, осмондан келиб, шу ўтинчининг бошига қўнди. Барча халойиқ йиғилиб борди. «Бунда бир ҳикмат бордир, буни бир сўрайик» деб, сипоҳилар ўтинчининг олдига бориб, гап сўраб бир сўз деди:

Очилган баҳорда боғнинг гулисан,  
Сен ҳам бир-бировнинг жони-дилисан,  
Меҳнат чекиб, ўтин териб юрибсан,  
Жафо тортган болам, кимнинг улисан?<sup>1</sup>

Бу тоғларда бўктарилган қормиди?  
Қаторга тиркалган лўкча нормиди?  
Авлодинга аслзоданг бормиди?  
Хабар бергин, бўтам, кимнинг улисан?

Ҳозир сабил бўлди подшонинг жойи,  
Атрофингда турган сонсиз сипоҳи,  
Авлодинг бўбмиди Оқтош подшоҳи?  
Меҳнат тортган болам, кимнинг улисан?

Давлатимдан шолу шолдам ўрайман,  
Кеча кўрган тушим кундуз йўрайман,  
Жафо тортган бўтам, сендан сўрайман,  
Хабар бергин, болам, кимнинг улисан?

Танимайсан кўп сипоҳи кишини,  
Сипоҳи учирган давлат қушини,  
Подшо қилсак, бўтам, сендай кишини,  
Хабар бергин, қўзим, кимнинг улисан?

Худойим сақлағай бандани омон,  
Бошингдан кетади қайғули туман,  
Давлат қуши қўниб, бўлди меҳрибон,  
Хабар бергин, қўзим, кимнинг улисан?

Меҳнат тортиб бу чўлларда юрибсан,  
Сўраймиз, бировга хизмат қилибсан,  
Ҳориб-чарчаб кўп ўтинни олибсан,  
Уртанган ўтларга жонинг солибсан,  
Ҳеч ким билан ишинг бўлмайд турибсан,  
Хабар бергин, болам, кимнинг улисан?

Сендан сўраб турур қанча халойиқ,  
Қайси хон авлоди, сени билайиқ,  
Мамлакатга сени подшо қилайиқ,  
Хабар бергин, болам, кимнинг улисан?

Ўйнаб-ўсдинг қай манзилда кирдикор?  
Ўсган жойинг хабар бермоғинг даркор,

---

<sup>1</sup> Улисан — ўғлисан.

Авлодингда борми подшо, амалдор?  
Хабар бер, жон болам, кимнинг улисан?

Ўтинчи бу сўзни эшитиб, ўтин олиб юрган еридан бошини кўтариб, амалдорларга қараб бу сўзни айтди:

Амалдор, айналдинг менинг қошим,  
Қулоқ солгин, амалдор, бу нолишим,  
Ўз ҳолимга ўтин териб юрганда,  
Давлат қуши келиб қўнди бошим.

Булбул сайрар тоза боғнинг гулиман,  
Оқтош элда бир чўпоннинг улиман,  
Кўп бўлди чўлларда кўрган меҳнатим,  
Энам — есир, етим ул<sup>1</sup> бўп юриман<sup>2</sup>.

Ўтин териб бу шаҳарга бораман,  
Меҳнат тортиб дори ризқи қиламан,  
Етимман-да, сира йўқдир роҳатим,  
Кўнглимдан кетмайди чер билан ғубор,  
Отам бўлса, мен ҳали элда юраман.

Сўрасанг отимни Муродхон дерлар,  
Йиғилишиб мени гаранг қилдинглар;  
Ишдан қўйиб, мени йўлдан урманглар,  
Сўз сўрайсан мендан амалдор беклар.

Чўпон бўлган отам — Аввалхон дерлар,  
Кет, сипоҳи, менда нима ишинг бор?  
Ҳарна қисмат ёзилганин кўраман,  
Шоҳлик, шавкат, подшолик не даркор?!<sup>1</sup>

Сен сўз сўйлаб хаёлимни бўлмагин,  
Ҳар қайсинг сўз сўраб, аҳмоқ қилмагин,  
Кет, сипоҳи, мени аҳмоқ билмагин,  
Бора бергин, ўз йўлингдан қолмагин!

Минмоққа йўқ менинг бедов пирогим,  
Қўлимдадир арқон билан ўроғим,  
Галдиратиб мени аҳмоқ қилмагин,  
Кет, амалдор, келган йўлдан қолмагин!

---

<sup>1</sup> Уғил.

<sup>2</sup> Юрибман.

Баринг менинг ён-ёғимни оласан,  
Утдай ёнган бир сипоҳи балосан,  
Қўп саволни мендан сўраб кўрасан,  
Кета бергин, беклар, нима қиласан?!

Кўтариб ўтинни уйга қайтаман,  
Бозор элтиб, ўтишига сотаман,  
Тойрилган бошимдан тожи-давлатим,  
Энам билан нон пули қип ётаман.

Энам билан бир муштипар синглим бор,  
Шу мунглиғлар бу йўлимга интизор,  
Кета бер, турмагин, саркарда, беклар,  
Бир ўтинчи юрган мен ҳам қаландар.

Ҳайдаб борма мени Оқтош шаҳрига,  
Бошим кесиб, тортма шоҳнинг дорига.  
Қойил бўлдим манглайимнинг шўрига,  
Дучор бўлдим сипоҳининг зўрига.

Армон билан билмаганим билдирма,  
Ханжар чекиб бағрим қонга тўлдирма,  
Дўст йиғлатиб, душманимни кулдирма,  
Хон авлоди дебон мени ўлдирма!

Ҳайдаб борсанг, тўкар кўздан ёшимни,  
Подшо золим кесар тандан бошимни,  
Менинг аслим, сипоҳилар, сўрадинг,  
Бир ўтинчи, ҳамма билар ишимни.

Камлик билан ўлар мендайин ночор,  
Энам, синглим йиғлаб қолар муштипар,  
Муродхондир бу чўлларда кўп абгор,  
Миннатдорлик шудир, кетгин, амалдор!

Шунда одамлар: — Бунинг бошига давлат қуши қўнди, подшо-лик шунинг ҳақи, — деб, жамии амалдорлар отдан тушди. Муродхон такбиридан адашиб, ақли шошиб, ранги қочиб, туси ўчиб, «энди, ўлди деган шу бўлади», деб ўроғи қўлидан тушиб, бўғини бўшаб кетди. Сипоҳилар бунинг қўрққанини билиб, Муродхонга тасалли бериб, неча ерлардан тимсол келтириб, бир сўз деди:

Хазон бўлиб боғда гуллар сўлганди,  
Хаёлинга қандай гаплар келганди?  
Оқтош элда золим подшо ўлганди,  
Давлат қуши бугун сенга қўнганди.

Сенга тақдир қилди бу шаъну шавкат,  
Қўлингдadir, билсанг, энди мамлакат,  
Олдингда бўлади қанча арзи-дод,  
Қўрқмагин, қоласан соғу саломат.

Булбул сайрар, болам гулнинг рахтига,  
Миндирамиз элтиб шоҳнинг тахтига.  
Ширин сўзлаб, Мурод ақлин олдилар,  
Уни олиб шаҳар томон кетдилар.

Муродхоннинг билмаганин билдириб,  
Ҳарна деса айтганига кўндириб,  
Хушвақт қилиб, мийиғида кулдириб,  
Муродхонни бир бедовга миндириб,  
Олиб бораётир қанча амалдор.

Ғалоғул бўп бунда Оқтошдай шаҳар,  
Қараб турар растадаги косиблар,  
Бир нечаси билмай ҳайрон қолади,  
— Не сабабдан бу гуноҳкор бўлади?  
Кунда бизга ўтин оп кеп юради,  
Ўлдиради, дейди, гумон қилади.

Энасига энди хабар берибди,  
Биров бориб савол қилиб турибди:  
— Сўзимни эшитгин, ғариб муштипар,  
Ҳали бўлган ишдан сен ҳам беҳабар.  
Кўрар кўзинг, боланг бўпти гуноҳкор,  
Олиб ўтиб кетди қанча амалдор.  
Кўриб, таниб қолди қанча косиблар,  
Ҳаммаси танийди, улинг хизматкор.  
Билгин, подшо армон билан ўлдиради,  
Қандай бўлса, кўриб қолгин, муштипар.  
Шундай қилиб бериб кетди-ку хабар.

Синглиси, энаси уйдан чиқиб,  
Болам дейди, йўлга равон бўлади,  
Ҳар бир раста одамларга тўлади,  
Ақли шошиб, бораётир йиғлашиб,  
Ҳар кимсага ўзин бориб уради.  
Тому тошга тамошабин тўлади,  
Муродхонни кўрмай кетиб боради.  
— Бир оллога етгай менинг нолам деб,  
Нима гуноҳ қилди ёлғиз болам деб,

Улса вайрон бўлар кулба-хонам деб,  
Синглиси бўтадай бўзлаб боради:  
— Суянганим, менинг ёлғиз оғам деб.

Баҳор бўлса, булут кетмас ҳаводан,  
Катта-кичик кўпдир элда, наводан,  
Шу «гуноҳкор» менинг оғам бўлади,  
Қўлимдан торт, тамошабин боважон.

Баланд ерга чиқиб мен ҳам қарайин,  
Эмукдош оғамни мен ҳам кўрайин,  
Пурсат топсам<sup>1</sup>, мен қошига борайин,  
Нима гуноҳ қилган экан, билайин.  
Ора тушиб мен подшодан сўрайин;  
Оҳ уриб эзилди ғариб юрагим,  
Нима гуноҳ қилган экан чироғим?

Устимга кийганим яшил-кўк эди,  
Ҳеч ким билан бунинг иши йўқ эди,  
Акам эди ўз ҳолига хизматкор,  
Акамдан қолмайин мен ҳам беҳабар.  
Йўл бермайди растадаги одамлар.  
Фалак уриб боғда гуллар сўлмасин,  
Бир чақувчи ёмон хабар бермасин,  
Не бўлса, акамни нобуд қилмасин.

Муродхон деб мен йиғлайман интизор!  
Армон билан акам бўлган гуноҳкор.  
Ғажакдор денг, бова, арзим шу бўлар.  
Бошин кесмай, кўриб қолмоғим даркор,  
Оҳ урганда кўзда ёшим сел бўлар.

Бу сўзни айтиб йиғлар гул юзли дилбар,  
Эна-бола йиғлаб энди, ёронлар,  
Бир бовага арзи-додин қилади,  
Баланд ерга у мунглиғни олади.  
Баланд ерда туриб шундай қаради,  
Мунглиғ сингил акасини кўради,  
Жиловида амалдорлар боради,  
Акасини гуноҳкордай кўрмади.

— Кўп оқмасин, энажоним, кўз ёшинг,  
Гуноҳкорга ўхшамайди фарзандинг,

---

<sup>1</sup> Имкон топсам.

Эна, эшит менинг айтган сўзимни,  
Яхши йўлга бошқаргандай ўғлингни!

Шунда Муродхоннинг энаси билан синглиси бир-бирига тасалли бериб, яхшилик умид қилиб турди. Беклар, сипоҳлар Муродхоннинг устидан жандапўш кийимларин ечиб олиб, ҳаммомга солиб, яхши кийимлар кийгизиб, оро-торо бериб, оқ кигизнинг устига солиб, чувлаб, барча халойиқ кўтариб, шоҳнинг тахтига миндирди. Бошига тож санчиб, подшо қилиб, ҳар тарафга жарчи қўйиб: — Замон-замон кимники — Муродхоннинг замони, — деб машҳур қилди. Ҳамма шаҳарга хабар кетди. Оқтош подшосининг ўлганини одамлар энди билди.

Муродхоннинг яқин одамларидан бориб, энаси, синглисидан суюнчи олди. Энаси, синглиси ўрдага бориб жой олди. Амалдорбаковул хотинлар буларни ҳам ювинтириб, ясантириб, бошдан-оёқ яхши сарполарни кийгизиб, ўрдага олиб кириб, ойимларга катта ўтағаси қилиб қўйди.

Ана энди, Муродхон подшо бўлиб, Оқтош мамлакатини сўраб тура берди. Неча кун, неча ой орадан ўтди, амалдор, беклар: «Муродхон подшони эргаштириб, бир овга олиб чиқсак», — деб маслаҳат қилиб, ҳаммаси эгарлади сап бедов отни. Етти пушти тулпар ўтган, бир тўқмол ёлли тўриқ отни абзаллаб, эгарлаб олиб келиб, Муродхонга тўғри қилди. Одамлар: «У, душман кўрса, қувса, етади; душман қувса, қочса, қутилиб кетади, қамчи урса, учар қушдан ўтади», — деб гапирар эди. Шу тўриқ отга Муродхонни миндириб, қанча сипоҳи, беклар ҳамроқ бўлиб, қушбозлар олғир қушларни қўлига қўндириб, подшолик овчилари, тозиларини ҳам бирга олиб, қушнинг кўзидан урадиган мерганлар ҳам буларга йўлдош бўлиб, сипоҳилик дағдағаси, шоҳлик шаъну шавкати билан жўнаб, юртжаҳонни кўриб тамоша қилсин, деб эргаштириб бораётгани:

Сипоҳилар миниб араби отни,  
Муродхонга қилиб шундай хизматни,  
Худо берди қайта бошдан давлатни,  
Чорси-регистонда отни ўйнатди.  
Неча мамлакатга овоза кетди,  
Чопағончи юриб, йўлни бўшатди.  
Шундай бўлиб, энди жўнаб ҳам кетди,  
Қамчи чолар беклар минган бедовга,  
Оқтош хони бирга жўнади овга.  
Ҳамроқ қилиб неча овчи бекларни,  
Қадди шамшод, ҳусни тоза гулларни,  
Шикор этиб тўқайистон, кўлларни,  
Кезиб кўрсатмоқчи неча чўлларни.  
Бу шаҳардан энди чиқиб боради,  
Қизу жувон ҳар тарафдан қаради,

Кўрган одам ошиқ бўлиб қолади.  
Шундай бўлиб энди беклар жўнади,  
Аввал равон бўлиб тоққа боради,  
Эшитинг шу замон сўйлар тилларни.  
Беклар бошлар неча қия йўлларни,  
Неча вақт ов овлаб тоғда юради,  
Мерганлар қулон, алқор уради.  
Емон бўлар бузуқ тоғлар қияси,  
Ҳар турли очилган тоғнинг гиёси,  
Неча кун ов қилиб тоғларда юрди,  
Ҳар алвонда юриб тамоша қилди.  
Тоғдан тушиб бир чўлга равона бўлди,  
Бу чўлларда қанча кийиклар урди.  
Шундай бўлиб, ўтиб энди йўл юрди,  
Тўқайистон, Ойдин кўлига келди.  
Чарқиллаган ўрдак, ғозларни кўрди,  
Олғир қушлар беклар қўлида уринди,  
Ўрдак, ғозни амалдорлар кўради,  
Довул туйиб, кўлга қушин солади,  
Ҳар солганда ўрдак, ғозин олади.  
Ҳар қайсиси ҳар бир ишда бўлади,  
Анча вақт айланиб овни қилади.  
Бўз тарлон қуш кўтарилди ҳавога,  
Давра олиб кўтарилди ҳавога.  
«Гаҳ-гаҳ»лаб от чопди қанча амалдор,  
Қарамай, ҳавога кетди жонивор.  
Амалдорлар отга қамчи уради,  
Кўзини айирмай кетиб боради.  
Муродхон кўп фикр қилиб қаради.  
Бўз тарлон қуш кўкда кетиб боради.  
Муродхон бедовга қамчи чолади,  
Яшиндай бўп бекнинг оти жўнади.  
Қанча амалдорлар кейин қолади,  
Муродхоннинг ўзи ёлғиз боради.  
— Қандай бўлди овда менинг ишим — деб,  
Нега бу давр олди олғир қушим? — деб,  
Кўринмайин қолди, қанча кишим? — деб,  
«Чу!» — дейди, бедовга шиддат қилади.  
Яшин ташлаб тулпар кетиб боради,  
Давр олган қуш кўкда шундай қаради,  
Айланиб у бир чинорга қўнади.  
Қушим қўнди, деди, давлатли шунқор.  
Кўринмайди кейин қолган амалдор.  
Яқинлаб етишди шундайин қайсар,



Кўзига кўринди гул юзли дилбар.  
 Чинорнинг остида шундай чашма бор,  
 Чашмада чўмилиб турган гажакдор.  
 Баркамол шундайин ойим туради,  
 Жамоли офтобни хира қилади,  
 Шундай паризодни Мурод кўради.  
 Кўрган вақтда қадди-бўйи букилди,  
 Кўздан ёши мунчоқ-мунчоқ тўкилди,  
 Жамолини кўриб шундай дилбарнинг,  
 От устидан беҳуш бўлиб йиқилди.  
 Оти элга кетди бундан бўшалиб,  
 Муродхон қолганди қумларни қовуб,  
 Либосини кийиб гул юзли дилбар,  
 Жўнаб кетди турган бу моҳи анвар.  
 Ҳориб-чарчаб етди қолган амалдор,  
 Беҳуш бўлиб ётир подшо, муқаррар.

Муродхон билан овга чиққан беқлар, чарчаб-ҳориб етишди. Шундай қараса, чинорнинг устида қуш турибди, Муродхон ўлик суратидай бўлиб қолибди. Ҳеч нимани билмайди, беҳуш бўлиб ётибди, оти йўқ. Сипоҳилар отларидан тушиб, подшонинг бошини кўтариб: — Нима қилди, нима бўлди, отингиз қани, нимага бундай бўлиб ётибсиз? — деди.

Муродхон бошини кўтармади, буларнинг гапини-сўзини билмади. Бир нечалар: — Бу умрида от минмаган, отнинг жиловини ололмай, отнинг шамоли билан йиқилиб қолган. Бунга балки бир гап бўлган, — дейишиб ётибди. — «Ўзларинг бир бало қилгансан» деб энаси бизларга бало бўлади, — деб ётир. Бир хиллари: — Бизлар буни итариб йиқитдикми? Энасига бориб айтсак, қора қўшонч олиб кесак<sup>1</sup>, ўт ҳатлатиб қоқса тузук бўлади, — деди. Бу гапни эшитиб: — Рост айтасан, ҳам хабар берайик, ҳам отдан хабар олайик, — деб, амалдорларнинг бири Оқтошга қараб жўнаб кетди. Чопиб Оқтошга етди, келиб, Муродхоннинг йиқилганини энасига хабар бериб, бир сўз деб турибди:

Муродхонман бизлар чиққанмиз овга,  
 Бошимизга тушиб бир мушкул савдо,  
 Елғиз ўзи кетиб эди бедовда,  
 Келиб кўрдик, қабоҳат иш бўлибди,  
 Отидан йиқилиб чўлда қолибди.  
 Улмаса ҳам, хон оз-бери<sup>2</sup> бўлибди.  
 Ўлик суратинда Оқтошнинг хони,  
 Келиб кўрдик, рамақда бордир жони,

<sup>1</sup> Келсак

<sup>2</sup> Берароқ

Мен билмайман, тирик бўлмоқ гумони,  
Отидан йиқилиб шундай бўлдими,  
Билмай қолдик, деуу пари урдими.  
Отидан йиқилиб, сулаб қолибди,  
Минган оти таблага бўш кетибди,  
Кўп сипоҳи хон бошида турибди.

Ҳаммаси бу ишга ҳайрон қолибди,  
Энаси, синглиси сўзни билибди,  
Бойқишлар жуда ҳам диққат бўлибди,  
Бир неча кампирга хабар берибди:  
«Шу боламни суқ-хасват урибди»,  
Қавму қариндоши бирга ияриб,  
Отли-яёв бари йўлга кирибди.  
Бирга-бирга қариндоши боради,  
Синглиси, энаси бош бўп жўнади,  
Шу замонда қистаб кетиб боради,  
Қўшночларни бирга ҳамроҳ қилади.  
— Сўлмасин баҳорда тоза гулим деб,  
Қандай бўлди менинг жону дилим деб,  
Шу замонда чўлга чиқиб боради,  
— Омон-эсон бўлсин ёлғиз улим деб,  
Ўз элимда сўйлайдиган сўзим деб,  
Кўрадиган менинг икки кўзим деб,  
Жони омон бўлсин, ёлғиз кўзим деб;  
Унинг билан обод кулба-хонам деб,  
Ҳозир юрагимда турли алам деб,  
Бораётиб, кўз юбортиб қаради.  
Тўп-тўп турган амалдорни кўради.  
Келиб қолди Муродхоннинг қошига,  
Фалак титрар энанинг нолишига,  
Ўғлин кўриб, эна кўзин ёшлади,  
Боласин устига ўзин ташлади,  
Энаси, синглиси суяб туради,  
Буларнинг келганин ўғли билмади,  
Оқ латта, кўк латта қилиб қўшночлар,  
Бетига сув сепиб, қоқиб туради.

Буларнинг оқ латта, кўк латта қилиб қоққанидан Муродхон  
наф топмай, синглиси Муродхоннинг бошини тиззасига қўйиб,  
кўнглини сўраб, бир-икки оғиз сўз айтиб турибди:

Овга эди сендай акам сафари,  
Сенга тегди қандай душман асари,  
Ё тегдими дев, парининг асари?  
Оч кўзингни, ака, ҳолинг не бўлди?

Қора зулфим эшилгандир тол-тол,  
Давлатингни душман қилди поймол,  
Аҳволингдан хабар бергин бу замон.  
Сенга келиб энди бундайин даврон,  
Қандай ситам кўрдинг, ака, бу замон?  
Келдик, ака, бунда бизлар сени излаб,  
Ҳолинг кўриб, бизлар бўтадай бўзлаб,  
Оқ сут берган энанг бағрини тузлаб,  
Овга келиб, ака, ҳолинг не бўлди?  
Йиғлатмагин мендай мунглиғ санамни,  
Хафа қилма оқ сут берган энангни,  
Сен эшитгин мен қилган нолишимни,  
Оч кўзингни, кўтар энди бошингни,  
Хафа қилма келган қариндошингни.  
Овга келиб, бундай абгор бўлибсан,  
Отингдан айрилиб, чўлда қолибсан,  
Не сабабдан, ака, беҳуш бўлибсан?  
Сарчашма бўйнига дохил бўлдингми?  
Бу чашмада паризодни кўрдингми?  
Ақлингдан, акажон, жудо бўлдингми?  
Шу сабабдан беҳуш бўлиб қолдингми?  
Оша юртдан келар гул юзли дилбар,  
Йўлиққан кишига кўп жафо солар,  
Шу парига, ака, бўлдингми дучор?  
Агар кўрсанг<sup>1</sup>, менга бергайсан хабар.  
Гул санамнинг сенга сўзи шу бўлар,  
Йиғлаб турган энанг шўрли муштипар,  
Бу сўзни сўради шундайин дилбар.

Шунда Муродхон кўзини очиб, энасини, синглисини кўриб, ўн-гимми-тушимми? деб, уёқ-буёғига қараб, хаёли қочиб, нашаса учиб, бир сўз деб турган экан:

Сўзима қулоқ сол, амалдор, беклар,  
Сарчашмага келдим мендайин шунқор,  
Шу чашмада борди гул юзли дилбар,  
Жамоли оқшомни қилар мунаввар.  
Бу жаҳонда бундай дилбар бўларми,  
Жамолини кўрган омон қоларми!  
Шундай ёрга бўлиб қолдим интизор,  
Қайта бошдан кўринмади у дилбар.  
Шаҳридан бермади у менга хабар,  
Кўриб, ёрдан адашганман, ёронлар,  
Неча дарбанддан ошганман,

<sup>1</sup> Кўрган бўлсанг.

Оловдай бўп туташганман,  
Кўриб, ёрдан адашганман.

Эсга олсам, жигар-бағримни тузлаб,  
Агар топсам дунё барини излаб,  
Эсга олсам мен ҳам бўтадай бўзлаб,  
Ёрсиз зиндон экан тахти-жаҳоним,  
Ғамзаси жон олар, кўзлари золим,  
Шундай ёрман ўтса куну аҳволим.  
Мамлакатни бир-бир излаб кўраман,  
Мен топмасам, ишқ ўтида ёнаман,  
Кўриб, бўлдим шундай ёрга харидор,  
Қайда бўлса, излаб топмоғим даркор.

Топсам обод бўлар кўшку айвонлар,  
Бу сўзимни, беклар, ҳазил билманглар,  
Ёр ишқида тортиб мен ҳам оҳу вой,  
Кўзимга кўринмас тахту, манзил-жой.

Мен кетарман бошим олиб, ахтариб,  
Ажал етса, ғариб, ғўристон бўлиб,  
Худо бёрса, шунда дилбарни олиб,  
Ўтқизай дунёнинг давронин суриб.

Ёр ишқига подшо дучор бўлибди,  
Одамзодми, ё бир жинни кўрибди,  
Шоҳни кўриб, шундай кўнглин олибди,  
Амалдорлар кўнглин овлаб турибди.

Бир катта саркардаси Муродхонга қараб бир сўз айтаяпти:

Майдон бўлса бедов отлар чопилар,  
Кўп чопилса, банот жуллар ёпилар,  
Ёр учун ғам ема, бир лочин шунқор,  
Сулув десанг Оқтош элдан топилар.

Йўқ нарсага нодон кўнглинг бўлмагин,  
Ёнган ўтга сен ўзингни солмагин,  
Йўқ нарсага сен харидор бўлмагин,  
Юргин, хоним, элга олиб борайин.

Элу халққа юриб хабар қилайин,  
Элда бор сулувни йиғиб кўрайин,  
Хоҳлаганинг, хоним, олиб берайин,  
Йўқ нарсадан, бегим, умид қилмагин.

Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,  
Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин,  
Йўқ нарсага сен эътибор қилмагин,  
Одамнинг душмани жинлар бўлади.

Йўлиқса, одамга савдо солади,  
Етагига юрган тентак бўлади,  
Бетайин нарсани қайдан олади?

Қулоқ сол, султоним, менинг сўзимга,  
Шундай душман кўрингандир кўзинга,  
Йўқ нарсани нега эсга оласан?

Сўз айтаман, бегим, кўнглингни хушлаб,  
Оп келайин Оқтош шаҳрига бошлаб,  
У кўрган гинангни кўнглингдан ташлаб.  
Беҳудага сен ёта берма ёнбошлаб.

Борсанг обод бўлар ўсган элатинг,  
Авж олади зиёда бўп давлатинг,  
Элда бўлсин қизлар билан суҳбатинг,  
Бошдан кетар сенинг кўрган кулфатинг.

Яна баҳор бўлса очилар гуллар,  
Гулни кўрса, маст бўп сайрар булбуллар.  
Булутлар маст бўлса, чалқийди кўллар,  
Сулув десанг Оқтош элдан топилар,  
Йўқ нарсага кўнгили бермоқ не даркор?

Муродхонга маъқул тушди бу сўзлар,  
Бориб кўрмоқ бўлди ўсган элини,  
Остига кўндаланг қилди отини.

Ана шунда Муродхон бу сўзларни эшитиб, «борсам-борайин» деб, отланмоқчи бўлди, амалдорлар тўқмол ёлли тўриқ отни тўғри қилди. Муродхон отга минди. Сайёдлар чинордаги бўз тарлон қўш-ни ҳам ушлаб олди, қўлига кўтариб, булар ҳам подшога қараб турди. Шунда Муродхон бош бўлиб, ясовул амалдорлар йўлни бошлаб, Оқтош мамлакатига қараб жўнай берди.

Муродхоннинг кўнглидан ҳалиги кўрган паризоднинг ишқи кетмай, гарангтоб бўлиб бораётир. Бекларнинг сўзи гоҳ қулоғига кирди, гоҳ кирмайди. Муродхоннинг бундай хаёли қочиб бораётганини бир хил амалдорлар билиб, хонга тасалли бериб, Оқтош элидаги бир неча қизларнинг сулувлигини таъриф қилиб, ҳар қайсиси ҳар ёқдан бир-бир сўзлашиб бораётир:

Бундан бориб, Оқтош юртга кирармиз,  
Йўлда бойлар манзилини кўрармиз,  
Сулув қизларини йиғиб келармиз.  
Шаҳар халқин барин жам қилармиз.  
Кўрганингдан зиёд олиб берамиз.

— Улган шоҳнинг Чўлпонойдай қизи бор,  
Қоронғуни ёруғ қилади дилбар.  
Қандай одам кўрса, бўлар харидор.  
Уни кўрсанг, сенинг кўрганинг бекор,  
— Ун тўрт ёшда ҳозир унинг камоли,  
Одамни балқитар унинг жамоли,  
Бошида пир-пирлар лола рўмоли,  
Йигитни яшатар тегса шамоли.  
— Жамоллари кунни хира қилади  
Чўлпоной юзидан ниқобин олса,  
Оқтош шаҳринг ой туққандай бўлади.  
Шундай санамлари бордир Оқтошнинг.

— Ҳозир у қизлардан хоним беҳабар,  
Хури — пари бўлолмайди баробар.  
Жамолин кўрсатса, шаҳар бузилар,  
Шундайин қизлари бордир Оқтошнинг.

— Яхши-ёмон қизлар саф-саф бўлади,  
Хабар қилсак, икки бошдан келади,  
Тақдир қилган шоҳ қизини олади,  
Сулувликда пари кейин қолади,  
Шундай сулувлари бордир Оқтошнинг.

— Хон, тақдиринг шунга тортиб қолади.  
Олган одам намдан озод бўлади.  
— Ирамнинг париси — олдида бекор.  
Жоду кўзли оша ақлингни элтар,  
Шундай сулувлари бордир Оқтошнинг.

Оқтош борсанг элни сўраб турасан,  
Йиғлаганда Чўлпонойни кўрасан,  
Насиб этса, шу барнони оласан,  
Баҳрали қизлари бордир Оқтошнинг.

Ана шунда Муродхон сипоҳи, беклардан бу сўзларни эшитиб,  
«кўрган қизим шулмикан?» деб, шод-хуррам бўлиб, ҳамма беклари  
билан Оқтош шаҳарига кириб келди.

Эрга билан тонг отди. Қилди маслаҳатди, Муродхонни ўйла-  
тирмоқчи бўлиб, ҳар қайсиси ҳар алвон сўз айтди:

— Мамлакатга хабар қилайик. Бировга, сен қизингни бекорга бер, демайик. Бу элнинг ҳар қайсиси бўлса ҳам, «подшога қизингни бергин», деб айтсак, берар, — деди.

Бу маслаҳатни қилиб, ясовуллар ҳар тарафга хабар бериб: «Подшонинг ҳукми: Оқтош ўлкасида баркамол қиз бўлса, ҳаммаси пойтахт остига жам бўлиб келсин!» деб жарчи қўйди.

«Подшонинг ҳукми: Оқтош ўлкасида баркамол қиз бўлса, ҳаммаси лар эди. «Мени олса экан», деб умид қилиб юрар эди. Бу хабарни эшитиб, ҳар қизлар ўзига оро-торо бериб, ойнага қараб, «подшо хоҳласа бир мени хоҳлар-да» деб йўқ-юқа — камбағалларнинг қизлари ҳам: «От олсанг — ориқдан, қиз олсанг — қаллочдан» деган деб, булар ҳам ўзида йўқ кийимларни кирага олиб, бора берди.

Ўлган подшонинг қизи упа-рангларни қўйиб ўзига пардоз бериб: «Мен турганда бошқа — бўлак қизларга йўл бўлсин!» деб, бу ҳам жўнади. Шу орада бир қўрбошининг бир кал қизи бор эди. Чўлпонойнинг пойтахт остига чиқмоқчи бўлаётганини кўриб, унинг тилла чочбоғ, тилла баргакларни тақиб, тилла лаълиларга солиб, киркин қиз кўтариб кетаётганини кўриб, кал қиз ҳам қирқта қизни олиб қора иплардан орқасига жамалак қилиб, бу ҳам биринчи-мислардан бўлган лаълиларга солдириб, кўтартириб жўнади. Шунда кал қиз ўз канизакларига гапириб бораётибди: — Мен ҳам бир ойимча бўлдим, ҳар қанча ойим бўлса, менча бўлар, подшо кўрса, мендан бўлакни демас, мен ҳам Чўлпонойдан кам эмас, мени олса, Муродхоннинг кўнглида армон қолмас! — деб пойтахт остида кўзига тушайин деб, уёк-буёққа қирқиб ўта берди. Чўлпонойнинг қабатига бориб турди. Халойиқдан йиғилган қиз беш минг-ўн миёғ бўлиб қолди. Ҳамма йиғилиб, қизлар саф-саф бўлиб турди. Бояги — Муродхон сарчашмада кўрган қиз ҳам юзига ниқобини тортиб, бу ҳам келиб қизларнинг қаторига ўтирди.

Шунда отда қизларга хабар қилди: «Муродхон олма отади. Шу олмани қайси қиз илиб олса, Муродхон шуни олади», — деб жарчи чақирди.

Бунни эшитган қизлар шайланиб, тайёр бўлиб турди. Муродхон олмани ҳаволатиб отди, кўнглида Чўлпонойни дидлаб отди. Қизлар олмани кўп сурлигиб талашди. Бояги ниқоб тортиб юрган пари қиз олмани ерга туширмасдан, илиб олиб қўйди. Шунда Чўлпоной подшога қараб бир сўз деб турган экан:

— Подшонинг тақдири чўрига бўлди,

Бировнинг чўриси бу ерга келди.

Йиғилган бу қизлар ноумид бўлди,

Бундай чўри бекнинг тенги бўлмасин!

Бир бетайин чўри бунда келарми?

Подшонинг олмасин чўри оларми?  
Йиғилган қизларни ноумид қилмасин,  
Умид тортиб келган қизлар қоларми?  
Бу гап чиқди Чўлпонойнинг тилидан:  
— Бошқавотдан яна отсин олмани!  
Амалдорлар келиб олди қўлидан.  
Олмани элтиб яна хонга беради,  
Кўз тутиб ойимлар шундай қаради.  
Олмани қўлига олди Муродхон.  
Мурадхон шу онда олмани отди,  
Қизларни оралаб бу олма кетди,  
Кўринг шу замонда у паризодни,  
Олмани отгандан илиб олибди.  
Чўлпонойнинг нафаси оғриб бу замон,  
Паризодга сўз айтганди бир алвон:  
— Қайси гўрдан бу йиғинга келасан,  
Дам-бадам олмани илиб оласан,  
Шунча қизнинг кўнглин ноза қиласан?  
Аслинг чўри, қайси юртдан бўласан?  
Хазон бўлмай, боғда гуллар сўларми?  
Сўлган гулга булбул келиб қўнарми?  
Чўрилар подшонинг тенги бўларми?  
Ҳеч замонда подшо сени оларми?  
Сўзни айтар, билсанг, мендай гажакдор,  
Сулувлар сафида турмоқ не даркор?!  
Олма олмоқ сенда эмас ихтиёр,  
Сендай чўри кейин турмоғинг даркор!  
Чўлпоннинг сўзини билди амалдор,  
Парининг қўлидан олмани олиб,  
Ул олмани Муродхонга етқариб,  
«Бошқавотдан отинг», деди бу беклар,  
«Сулув қизлар бўлсин, — деди, — хабардор!»  
Ул замон осмонга олмани отди,  
Кўп қизлар олма деб талашиб ётди.  
Кўринг шу замонда у паризодни,  
Парвоз қилиб, олмани илиб оп кетди.  
Кейинги сафида туриб жой тутди.  
У паризод нақш олмани кўрсатди,  
Чўлпоной қайтарда бу сўзни айтди:  
— Эрисин тоғларнинг қори, эрисин,  
Ер остида душман тани чирисин,  
Подшонинг тақдири, қизлар, қурисин.  
Яхшиман ёмонни элда билмади,  
Эл сулуви билан даврон сурмади,  
Тақдирига чўри тушди, кўрмади.



Фалак урган бир чўрини олади,  
Унинг билан қандай даврон суради?  
Сўнгра хоним кўп пушаймон қилади.  
Подшонинг қилган ишлари бекор,  
Йиғилишган эди бунча кўп қизлар,  
Ўз шаънига сўзни Чўлпоной айтди,  
Барча қиз ноумид бўп уйига қайтди.  
Муродхонга тобе қариндошлари,  
Йиғилишиб бунда хотин-қизлари,  
Келиб паризоднинг атрофин олди,  
«Ўрдага юринг» деб ишорат қилди.  
Шу замон ўрдага ияртиб борди.  
Муродхон ҳам шундай даврон устида,  
Ҳар тарафга карнай-сурнай қўяди,  
Нағмагар, ўйинчи барин йиғади,  
Уйланганин подшо маълум қилади,  
Элу халққа тўй-тамоша беради,  
Ҳафта, ўн кун бунда тўй бериб ётди.  
Ҳали кўргани йўқ у паризодди,  
Ош-об бериб у тўйини тарқатди,  
Бу ўрдада жой ораста тузатди,  
Шу кун никоҳ қилди у паризодди,  
Паризод қошига Муродхон етди.  
Паризоднинг жамолини кўради,  
Муродхоннинг кўнглидаги бўлмади,  
Бу ёрнинг ҳуснига кўнгли тўлмади,  
Паризодга сира савол қилмади.  
Ул паризод

—кўнглидагин билай деб,

Жилва қилиб бекнинг ақлин олай деб,  
Шукур қилай, тегдим сиз валлакатга,  
Инжилмай, инграниб ўтинг тўшакка!  
Олис турмай, бери келинг қошима,  
Қўл солиб ўйнасанг қордай тўшима,  
Сен агар қўшилсанг гул бувишинга,  
Қўлим солайинми сенинг бўйнинга,  
Ўзим бориб кирайинми қўйнинга?  
Бегижон, шундайин ақлимни олиб,  
Тар хинали нозик белим буралиб,  
Не сабабдан, хоним, кўнглинг қабариб,  
Мени олдинг; хафа бўлиб ғам ема,  
У кўрган қизлардан мени кам дема,  
Ҳар элларда кўп оралаб юраман,  
Яхши-ёмон не жойларни кўраман.  
Элибой қизиман, чўлдан келаман,

Бери келинг, хоним, ўйнаб-куламан.  
 Хуснимга етмайди берсанг дунё-мол,  
 Хафа бўлма, хоним, сўзга қулоқ сол!  
 Душманлар зарбимдан бўлади поймол,  
 Бери келиб, ўйнаб-кулиб ақлим ол.  
 Ўз элимда сенинг ғаминг еб эдим,  
 Борсам, сендай хонга етсам, деб эдим,  
 Муродим, мақсадим менинг топилди,  
 Мунча ҳам инжилиб, хоним, не бўлди?  
 Келинг, хоним, бирга ўйнаб-кулайик,  
 Вақти хушлик қилиб даврон сурайик,  
 Сўз эшитгин менинг ширин тилимдан,  
 Не сабабдан кўнглинг хафа қиласан?  
 Сўз сўрамай, мен қандай биласан?  
 Сендайин нечовлар менга харидор,  
 Не беклар йўлимдадир интизор.  
 Етолмайин кўп савлога гирифтор,  
 Кўнглингни билмадим, не муддаонг бор?  
 Бу сўзни шу замон паризод айтди,  
 Чўри суратини кўриб Мурод диққатди,  
 Кўп сўйлаб паризод гапириб кўрди,  
 Ҳарчанд савол қилди, сўз қотмай турди,  
 Ҳар гап бўлса, Мурод тақдирдан кўрди.  
 Енган чироқни пуфлаб ўчирди,  
 Муроднинг ишини у оғир олди.  
 Фикр қилиб пари ўйланиб турди.  
 Муродхон парини писанд қилмади,  
 Паризод эканин, балки, билмади,  
 Кўп қизларнинг қаторида кўрмади,  
 Қоронғида пари түриб ўйлади:  
 «Кўрмаган кунларин бунга солай», деб,  
 «Ҳарна ҳунаримни, маълум қилай», — деб,  
 Дуо ўқиб, бетдан ниқобин олди,  
 Қоронғи уй бунда ёп-ёруғ бўлди.  
 Жамоли барқ уриб бул замон турди,  
 Муродхонга яна саволлар қилди.  
 — Хоним, ётиб, кўп пушаймон қилмагин!  
 Изим топмай кўп сарсонлар бўлмагин!  
 Мурод хафа, ётиб эди дустаман,  
 Ой туққандай бўлиб қолди осмондан.

Муродхон бу сўзни эшитиб, бир қиё бўлди, кўзига бир шуъла урди. «Бу чироқни ёқибди-да!» деб, сиёсат қилмоқчи бўлиб ўрнидан турди. Парининг шуъласи Муродхонга урди. Муродхон «ош пичоқ, қалампир, саримсоқ» деб, беҳуш бўлиб йиқилди.

Парининг кўнглига шумлик келди: Муродхоннинг маст бўлганини билди. Бошидан бир ястиқни олиб, (одамдай қилиб, узунасига) Муродхоннинг кўйнига солди.

Муродхон мастликдан ястиқни пари деб бағрига олиб қолди, кўзини очолмайди, паризод гумон қилиб, қучоқлаб қолди.

Паризод ўрнидан туриб, либоси устидан Муродхоннинг либосларини кийиб, қундуз суяган телпагини бошига бостириб кийиб, уруш-яроғларини ғамлаб, сариқ ёйини олиб, ўрдадан ташқарига чиқди. Паризод аста-аста таблага борди, Муродхоннинг тўқмол ёлли тўриқ отини эгарлаб, абзаллаб миниб олди. Файзи саҳар вақти кўрғондан чиқиб, ўз мамлакатига йўлга равона бўлди.

Эрта билан тонг отди, балки кун чошка ҳаддиги етди. Эшик очилмайди. Хизматкор хотинлар ичкарига киролмайди. Муродхоннинг синглисига хабар бердилар. Синглиси эшикни очиб, ўзи кейин турди. Бўлак хизматкор хотинлар ичкари кирди Муродхоннинг аҳволини кўрди. Олган хотини йўқ, маст бўлиб, бир ястиқни бағрига олиб ётибди.

Синглиси акасини бу ҳолда кўриб, номус қилиб, акасига қараб бир сўз айтиб турибди:

Бир айёрга, ака, дучор бўлдингми?  
Элни йиғиб, бир кашмирни олдингми?  
Эл ичида шарманда бўп қолдингми?

Мен кўрмадим сенинг олган ёрингни,  
Туриб сўра элда кирдикорингни,  
Расво қипти сендай меҳрибонимни,  
Ака, эшит менинг айтган зоримни.  
Олло сенинг ақли-ҳушинг олибди,  
Сенга, ака, душман дучор бўлибди,  
Бир ястиқни у кўйнингга солибди,  
Ўу ҳолингга синглинг номус қилибди,  
Сендай акам хўп шарманда бўлибди.  
Эга бўп сўрагин Оқтош шаҳрингни,  
Сабил қилма бунда кирди-корингни,  
Опкетмасин паризод тулпарингни,  
Кўзингдан ўтқаргин ашё — борингни.  
У паризод Кашмир юртдан келибди,  
Агар билсанг, у пайингда юрибди,  
Энди кўрса, билмаганинг билдирар,  
Дўст йиғлатиб, душманингни кулдирар.  
Сира вафо қилмас, сени ўлдирар.  
Пари халқи жуда уста бўлади,  
Дунёда бор сўзни улар билади,  
Кимга қасд айласа, нобуд қилади,

Одам билан қандай дамсоз бўлади!  
Кейнидан югурган одам ўлади.  
Тура келгин, меҳрибоним, ётмагин,  
Қурисин, хотиннинг отин тутмагин,  
Ўз жонингга ўзинг қилма зулмни,  
Билиб юргин энди юрар йўлингни.

Бу сўзни Муродхон синглисидан эшитиб, ҳуши ўзига келиб, ўрнидан туриб, у паризоддан айрилиб, нима дерини билмай, аҳволи ўзгача бўлиб, ҳар тарафга қараб паризоддан ном-нишон топмай, ўз ётишидан ўзи уялиб, синглисига қараб Муродхон бир сўз деб турган экан:

Ҳақ таоло мени қилди саргардон,  
Аввал билмай, оша аҳмоқ бўлибман,  
Сўнгра ёрнинг жамолини кўрибман,  
Кўриб, ёрдан жудо бўлиб қолибман.  
Аввал мен билмадим қилар ишимни,  
Йўлига пок тикдим азиз бошимни,  
Ҳеч билмадим менга солган дардини,  
Сўрамабман ўсган мамлакатини,  
Изларман бетайин кетган юртини.  
Тўқмол ёлли тўриқ отни минарман,  
Қандай бўлса, мен ҳам излаб бораман,  
Осмоннинг остидан топиб оларман,  
Аччиғландим, энди қайтмам сўзимдан,  
Душман бўлди, қутилмайди ўзимдан,  
Тақдир этса, аканг излаб боради,  
Отим учар қушдан улги олади.  
Душман бўлди, у паризод ўлади,  
Изласам, ахири дучор бўлади.  
Энди мен ҳам пойтахтга борайин,  
Саркарда, беқларни йиғиб олайин,  
Шаҳарни бировга тайин қилайин,  
Умримнинг борича излаб кўрайин.  
Душманларга қаттиқ кунни солмасам,  
Ер юзида бўлса, топиб олмасам,  
Жаҳонни сайр этиб ўйнаб-кулмасам,  
Бу шаҳарда давру даврон сурмасам.

Муродхон бу сўзни айтиб, ўрдалан чиқиб, пойтахтга қараб равона бўлди, Соқи деган хизматкори қўл қовуштириб таъзим қилиб, салом бериб Муродхоннинг йўлида туриб, бир сўз деб турган экан:

Аё шоҳим, гулдай сўлган тарзим бор,  
Хизматкорман, сизга айтар арзим бор,

Фалак золим турли савдо солибди,  
Олло менинг оқлу ҳушим олибди,  
Бу табладан тулпар ғойиб бўлибди,  
Билмаймиз қандайин душман келибди,  
Макру ҳийла билан отни олибди,  
Сарсон бўлиб, ҳамма қараб юрибди,  
Ҳамма дарвозалар маҳкам турибди,  
Қўрғондан ирғитиб отни минибди,  
Изи турур, ўзи ғойиб бўлибди,  
Қайси юртдан бунда ғаним келибди.  
Улжа бўлиб кетди шундайин тулпар,  
Учар қушдан ўтар эди жонивор, -  
Ухламайин бизлар қолдик беҳабар,  
Элга оралабди бир кашмир айёр.  
Хизматкормиз, ҳозир бизлар гуноҳқор,  
Ҳар гап бўлса, шоҳим, сенда ихтиёр.  
Бу юртнинг ободи эди у тулпар,  
Бир душманга бўлиб қолди-да дучор.  
Улжа бўлиб элдан кетди, муқаррар;  
Биз ҳайронмиз, хоним, оғир олмагин,  
Бир турли савдони бизга солмагин.  
Бу сўзимни, хоним, ҳазил билмагин.  
Очилар баҳорда боғнинг бодоми,  
Бу ерга етишган душман қадами,  
Сенсан бу шаҳарнинг деган одами,  
Агар билсанг, жавоб бергин, Муродхон,  
Шоҳим, бизлар сендан тоза уялган.

Шунда Муродхон Соқидан бу сўзни эшитиб, айтди: — Менинг ишимни қилган экан, баччагарнинг қизи бу тулпарни ҳам олган экан, душманлиги маълум бўлган экан, у менинг қасдимда юрган экан. Бу ишлардан менинг хабарим бор, хаёлингни бўлмагин, отни олдиртиб хафа бўлмагин, ўз ишингда бўл, хизматингни қила бер!— деди. Соқи шунда Муродхондан:— Бу нима воқиа?— деб сўради. Шунда Муродхон Соқига қараб, сирру аҳволидан хабар бериб, бир сўз деб турибди:

Олма отиб, унда санамни олдим,  
Жамолин кўрсатди, маст бўп йиқилдим,  
Ястиқни кучоқлаб беҳуш бўп қолдим,  
Тонг отган сўнг яна ҳушимга келдим.  
Ҳам отимдан, ҳам ёримдан айрилдим.  
Пари менинг ихтиёрим олганди,  
Улжа қилиб тулпаримни минганди;  
Учқур эдим, қанотимдан қайрилдим,

Югрик бўлсам, туёғимдан тойрилдим.  
Ҳам отимдан, ҳам ёримдан айрилдим,  
Подшо бўлсам мен ҳам бу элда ғариб,  
Мен сенга гапирдим дардимни ёриб,  
Пари менга шундай жилва қилибди,  
Ғойиб бўлмас, отни пари минибди,  
Юртига отимни ўлжа қилибди.  
Ҳозир кўнгли-хаёлини билай, деб,  
Марди-номардини<sup>1</sup> бекни синай, деб,  
Отин олсам, бу албатта борар, деб,  
Отин оп кетмасам, бунда қолар, деб.

Хаёлима шундай гаплар келади.  
Беклар, менга яхши жавоб беринглар,  
Йўлдан урманг, беклар, мендай мардингни,  
Сизларга топширай мамлакатимни,  
Ўлжа қилиб олиб кетган отимни,  
Излаб кетай кетган паризодимни.  
Бу савдода мен ҳам қонлар ютарман,  
Мамлакатдан бошим олиб кетарман,  
Бир кўринса, ёрни ушлаб тутарман,  
Омон-эсон элга олиб қайтарман.  
Бўлибди бошима ажаб замона,  
Ер ишқида бўлай марду майдона,  
Ерим излаб, шундай тўлиб-тошарман,  
Неча баланд Асқар тоғдан ошарман,  
Эсга олсам, ақлимдан ҳам шошарман.  
Биринг эга бўлиб тургин Оқтошга,  
Мен сиримни айтдим жўра-йўлдошга.  
Дардли қул, дардимни кимга ёрайин?  
Ҳасратидан элдан-эл ахтарайин.  
Излаб-излаб ҳар шаҳардан сўрайин,  
Агар топсам, элга олиб келайин,  
Ажал етса, ёр йўлида ўлайин.  
Тозилар югуртиб тоққа чиқардим,  
Тамошалар айлаб, ҳар ён боқардим,  
Шунқор чуйсам тилла довул қоқардим,  
Шу ғурбатга солди бир гўзал золим,  
Саркардалар, забун бўлди аҳволим.  
Хонинг излар кетган паризодини,  
Эга бўп сўранглар Оқтош юртини.  
Хаёлингга неча сўзлар келмасин,

---

<sup>1</sup> Мард ё номард.

Бу сўзимни энам, синглим билмасин.  
Албатта у қизнинг кўнгли мендадир,  
Мард бўлса, кейнимдан излаб келсин, деб,  
Келса, зўрлигини маълум қилсин, деб,  
Мен билан отин келиб олсин, деб,  
Ўлжа қилиб у тулпарни олибди,  
Сенинг хаёлига кўп гап келибди.  
Бора бер бу ишга хафа бўлмагин,  
Нодон кўнглинг ҳар хаёлга бўлмагин.  
Бу сирни бировга маълум қилмагин.  
Кўнглимда билмайсан қолган ғуборни,  
Сенга айтдим неча сўз кўнглимда борни,  
Парвариш қил бориб Қора тулпарни,  
Мен излаб бораман зулфакдор ёрни.  
Обод бўлиб турсин ўсган элатим,  
Тўриқ отдан кам эмас бу Қора отим.  
Агар минсам, тоша келар ғайратим,  
Қўлга келар кетган у паризодим.  
Турибман мен неча сўзларни ўйлаб,  
Бу юртдан кетмоққа белимни бойлаб,  
Неча сўзни сенга мен баён айлаб,  
Муродхон билдирди шундайин сўзлаб.

Соқи Муродхондан бу сўзни эшитди, таблага қараб қайтди. Муродхон пойтахтга чиқиб кетди. Ўзи билан соз амалдорлар тегшиб, ҳазиллашиб: «Хўш, қутли бўлсин?», деб кулишиб турибди. Муродхон буларнинг сўзига жавоб бериб, бу сўзни айтиб турибди:

Бир жодугар айёр менга етишди,  
Бағримдан ўт чиқиб, таним туташди.  
Ошиқлик савдоси бошима тушди,  
Олган ёрим бугун ҳавога учди.  
Жамолини кўриб, хонинг адашди,  
Қуллик бўлсин дема, ақлим шошди,  
Мендай хонинг кўрди неча аломат,  
Тириклигим гумон, қолмас саломат.  
Менга бўлди энди ваҳми қиёмат.  
Даркор эмас менга бу шоҳлик шавкат!  
Амалдорлар, бу сўзимни билинглар,  
Оқтош юртин хўп саранжон қилинглар,  
Юрт эгаси бўлиб сўраб турунглар.  
Йиғлаб ўзин оша ҳалак қилмасин,  
Ҳаддан ошиб кетди менинг меҳнатим!  
Кўпдир менинг ҳозир бошда кулфатим,  
Қўлга тегса, кетган у паризодим,

Сўнгра менинг авж уради давлатим,  
Сўнгра сизман бўлар менинг суҳбатим.  
Бир соат турмоққа йўқдир тоқатим.

Бу сўзни Муродхон айтди. Оқсоқол ақобир, тўқсаба, амалдор,  
беклар эшитди. Бир Оталиқ бек Муродхонга қараб бу сўзни айтди:

Паризодман кулиб савол қилдингми,  
Оти нима, ўсган жойин билдингми?  
Сенинг учун бизлар бошни берайик,  
Ростин дегин, бирга-бирга жўнайик,  
Паризоддан ҳоли-аҳвол сўрдингми?  
Ўсган юртин тоза аниқ билдингми?  
Сўйла, хоним, деу жинни кўрдингми?  
Сен бизларни жуда номард билдингми.  
Узун-узун тоғларингнинг саласи,  
От чопмоққа хўп қойимди даласи,  
Хафа бўлма, хоним, Оқтош тўраси!  
Бу шаҳрингда бордир қанча хизматкор,  
Ясов тортса, ўн икки минг аскар бор,  
Олдингда отланар туғдору сардор,  
Елғиз юриб, сарсон бўлмоқ не даркор?  
Саваш бўлса, ширин жондан кечади,  
Душманларга кафан тўнин бичади,  
Саваш бўлса, ботир юзни санчади,  
Танҳо борса, кўп лашкарлар қочади,  
Шундай ботирларинг бордир, ғам ема!

Бу сўзни Оталиқ бек айтди. Муродхон эшитди, бошини пастга солиб, диққат бўлиб, дамани растлаб:— Менинг ишим битган, ҳисобим етган, бир кўриниб кетган, нима бўлса у, мени доғлаб кетган, билмайман қайси юртдан эканини, ўзининг отини сўраганим йўқ!— деди. Муродхоннинг бу сўзини эшитиб ўтирганларнинг бир хили мийиғида кулиб, хафа бўлмасин, деб турди; бир хили билдирмаган киши бўлиб, бошини ерга солиб, подшо билса, уялмасин, деб турди.

Оталиқ бек туриб айтди:— Хоним, бу сўзингиз қандай? Йўқ нарсани қаерга излаб борасиз? Осмонга чиқиб кетганини билмасангиз, ерга кириб кетганини билмасангиз, Яман тарафдами, Ясар тарафдами, билмасангиз, бекор сарсон бўласиз. Қайси юртга борасиз, кимни сўрайсиз? «Қимни излаб юрибсиз?»— деса нима жавоб берайсиз? Кўп сарсон бўлиб, юрт овораси бўлиб юрманг. Бизлар билдик, сизнинг ёрингиз бир кашмири пари экан, у сиз билан ҳеч вақт дам-соз бўлмайди, топганингизда ҳам ҳеч бир вафо қилмайди. Мени деса-нгиз, изламанг!



Бу сўзни эшитиб, Муродхон буларга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Ошиқлар шайдойи кўнглини бузди,  
Эшитгин, бекларим, сўзлаган сўзни,  
Вомиқ учун Узро дарёни сузди,  
Ширин учун Фарҳод тоғларни қазди;  
Лайли учун Мажнун чўлларни кезди,  
Тур деди — неча йил бу ерда турди,  
Тепасига лайлак уялар қурди,  
Етти йил умри зинкийиб қолди,  
Етти йилдан кейин Лайлиси келди,  
Лайли келиб, Мажнун ҳолини сўрди,  
Адашган ошиқлар бир-бирин кўрди.  
Ошиққа айрилмоқ аввалдан қолди;  
Юсуфни Зулайхо зиндонга солди,  
Қирқ йил куйиб у ҳам ўтдай тутанди,  
Топишиб ошиқлар мақсадин кўрди.  
Шоҳсанам, Шоғариб деганлар ўтди,  
Неча йил бир-бирдан жудо бўп кетди.  
Неча вақтлар бунда орадан ўтди,  
Бир баҳонаман бир-бирин топди.  
Санам билан Ғариб мақсадга етди.  
Сўнги ошиқ ўтди Ёзи ҳам Зебо,  
Буларнинг бошида юз турли ғавго,  
Топишмайин булар дунёдан ўтди,  
Уларнинг навбати бизларга етди.  
Овга чиқиб бизга пари йўлиқди;  
Шуларнинг йўлини қувиб борармиз,  
Айб қилманг, беклар, топиб олармиз,  
Мен кетарман излаб у паризодни.  
Ташлаб кетиб бағриларим тузлатди,  
Ёрнинг ишқи мени бунда бўзлатди,  
Абзаллаб минарман бу Қора отни,  
Жўнатинглар мендайин валлакатни,  
Дуо қилиб, бизни йўлга солинглар,  
Кетганимни дўсту душман билмасин,  
Безга деб юртга овоза бўлмасин,  
Ҳар ёқдаги шоҳлар душман бўлмасин,  
Келиб тағи юртни талон қилмасин.  
Атрофингда Темир шоҳдир зўрабор,  
Рустамдайин унинг зўрабори бор,  
Юрт безга. Билса, бунда келади,  
Оқтош юрти бу ўртада қолади.

Мамлакатни ўз қўлига олади.  
Оталиқни юртга катта қилайик,  
Мамлакатнинг ихтиёрин берайик,  
Оталиқни сардор — бошлиқ қилайик,  
Бу юртни топшириб, энди жўнайик,  
Сўз айтар барингга каттанг Муродхон,  
Оталиқни элга қилайик султон.

Оталиқ, акобир, амалдор, сипоҳилар Муродхондан бу сўзни эшитиб, беқлар ҳаммаси маслаҳат қилиб, қўл кўтариб дуо қилиб, Оталиқни хон ўрнига хон кўтариб, муҳирлаб, мамлакатни топширди. Муродхон ёрнин изламоққа бел боғлаб, Оталиққа қараб бу сўзни айтиб турган экан:

Эл кўчириб Ола тоғдан оширдим,  
Сирим айтмай душманлардан яширдим,  
Улуғ дедим, остонага бош урдим,  
Оқтош мамлакатим сенга топширдим.  
Давлатингдан шолу шолдам ўрагин,  
Кеча кўрган тушни кундуз йўрагин,  
Камбағал-қашшоққа яхши қарагин!  
Одил бўлиб, Оқтош элин сўрагин!  
Сен эшитгин менинг айтган тилимни,  
Фақирларга сен қилмагин зулмни,  
Одил туриб сўра Оқтош элимни.  
Тожу давлатимни сенга топширдим.  
Сенга бердим ғазнадаги заримни,  
Мен топширдим бисотимда боримни,  
Обод қилиб сўра кирдикоримни,  
Мен кетарман излаб бундан ёримни;  
Мен кетган сўнг энам ҳалак бўлмасин,  
«Болам» деб бўтадай бўзлаб қолмасин,  
Уртанган ўтларга жонин солмасин,  
Қандай бўлса, мунглиғ синглим билмасин,  
Мен келганча кўнглин сўраб туринглар,  
Қария энамга раҳбар бўлинглар.

Бу сўзларни Муродхон Оталиққа айтиб, тайинлаб, Соқи деган хизматкорини чақириб:— Отни эгарлаб олиб кел!— деб буюрди. Соқи таблага борди. Борса, Қора отнинг сағриси тошиб, ёли қулоғидан ошиб, учадиган қушдай, ҳар кўзлари таркашдай бўлиб, юлдузчи кўзлаб, тараққос бойлаб, суқсурдай бўйлаб турибди. Соқи отни табладан чиқариб, сарҳовузнинг бўйига олиб келиб, тўққиз марга ювиб, жом коса билан сув қуйиб, хўп шипириб-сидириб, яхшилаб эгарлаб турган ери:

Оша юртга ошган тортар хўрликни,  
Ер йўлида мардлар қилар эрликни,  
Бисмилло деб солди отнинг устига.  
Кимхоби майиндан бўлган терликни.  
Мард бўлганлар қарайдикан дурбини,  
Ишлатар усталар пўлат қирғини,  
Бисмилло деб солди отнинг белига  
Зарли-ю зарбобдан бўлган чиргини.  
Чиргининг устидан қўйди белликни,  
Боз устидан ташлаб жаҳалдирикни,  
Муллалар ўқийди зеру забарни,  
Усталар ишлатар теша табарни,  
Ким беради кетган ёрдан хабарни,  
Ер излаб, Муродхон қилар сафарни,  
Бисмилло деб солди отнинг белига,  
Қоши олтин-тилла кумуш эгарни.  
Эл кўчириб Ола тоғдан оширди,  
Сирин айтмай, бир нечадан яширди,  
Иккови ҳам тилладандир узанги,  
Ярқиллатиб икки ёққа туширди.  
Қиш ҳам ёз ўртаси уч ой саврди(р),  
Емон одам мудом қилар ғовурди,  
Лоф айтганга ботмондан ҳам оғирди(р),  
Бисмилло деб солди отнинг устига  
Чочоғи зумраддан зарли давирди.  
Ғайрат билан тортди отнинг белидан  
Сирти ипак, ичи майин айилди.  
Чу деса ўтади осмонда қушдан,  
Хони умид қилар кетган бувишдан,  
Шу замонда тортди отнинг белидан  
Ўн саккиз қуббали чағатой пуштан,  
Сағрисиға ташлаб карки қуюшқон.  
Ҳар қуббаси келган катта таркашдан,  
Абзалининг бари ола қайишдан,  
От абзаллаб Соқи шундай қувонди.  
От бошига солиб тилла юганни,  
Жўнатсам деди-ку шундайин бекни,  
Гарданига солиб ўмилдирикни,  
Ўн икки ой бу таблада боқилган,  
Гарданига тилла қўтос тақилган,  
Оёғига ҳабжўш нағал қоқилган —  
Тегса, тошлар ёнғоқдай бўп чақилган.  
Балки бордир қўлтиғида қаноти.

Шунда Соқи Қора отни Муродхоннинг отланатурғон ерига қараб етаклаб, (бу сўзларни айтиб) олиб бораётир:

Илқи ичинда ўзи келган синлиди (р),  
Гўбичоқ туёқли марол беллиди (р),  
Қиммат баҳо эрмиш бекнинг бедови.  
Соқи сени кўп парвариш қилади,  
Қокилингни тараб, кўзинг силади,  
Сенинг эганг излаб кетар ёрини,  
Қўрарсан, жонивор, сонсиз парини.  
Неча баланд дарбанд тоғлардан ошиб,  
Парилар юртига гузаринг тушиб,  
Бориб олсин хоним кетган ёрини,  
Омон-эсон кўрсин Оқтош шаҳрини.

Соқи бу Қора тулпарни олиб бориб, пойтахт остида Муродхонга тўғри қилди. Муродхон яхши сарполар кийиб, шамшир-пўлатларни белига бойлаб, уруш-яроғини ғамлаб, отланди. Шунда Муродхон олисдан кўринган ёвга керак бўлар деб, парли ёйини йўқлади, ёйни топмади. «Оббо баччағар, менинг ишимни қилган экан, бу керакли ёйни ҳам олган экан», деб жўнамоқчи бўлибди. Оталиқ хон Муродхонга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Остингда ўйнайди араби отинг,  
Сен кетасан, энди қолмас тоқатинг,  
Бизларга топшириб бу мамлакатинг,  
Неча вақтдир сенинг келар муҳлатинг?  
Бир келар мўлжалинг сендан сўрайин,  
Неча вақтда мен йўлингга қарайин?  
Олис юртга сафар қилиб борасан,  
Одамзод кўрмаган ерни кўрасан.  
Хабар бергин, неча вақтда келасан?  
Ҳаммадан айрилиқ савдоси ёмон,  
Хабар бергин, неча вақтда келасан?  
Учар қушдан ўтсин бу минган отинг,  
Илоҳим йўлиқсин у паризодинг,  
Ёр изладинг тошиб сенинг ғайратинг,  
Қўлга тегсин доғлаган паризодинг.  
Қайта бошдан обод бўлсин элатинг,  
Неча кундир сенинг келар муҳлатинг?  
Йўқ савдога кетдинг белингни боғлаб,  
Айрилиқ ишларга бағрингни доғлаб,  
Қайси юртга сен борасан сўроғлаб?

Бу сўзни Оталиқ бекдан Муродхон эшитиб, Оталиққа қараб, саволига жавоб бериб, бир сўз деб турган ери:

Таваккални бир худога қиламан,  
Бетайин юртларга кетиб бораман,  
Иzza бўлган ёрга талаб қиламан,  
Умримнинг борича излаб кўраман,  
Ахир топсам, омон-эсон келаман,  
Ёрим эмас, номус-орга бораман.  
Азаматлар олмос бойлар дастига,  
Душман тушар кам давлатнинг қасдига,  
Қулоқ салинг бу гапим пайвастига  
Тақдир тортиб борсам ёрнинг устига,  
Майдонда ғайратим сарфлаб кўрарман,  
Душман бўлса, қайтмай саваш қиларман,  
Тақдир этса, мен ёримни оларман.  
Дуода бўнг<sup>1</sup>, омон-эсон келарман.  
Қулоқ солинг мендай марднинг додига,  
Ёр ахтариб минди бедов отига,  
Мен бораман париларнинг юртига.

Бу сўзларни айтди Муродхон номдор,  
Қўл кўтариб дуо қилди амалдор.

Ҳамма турган беқлар, Оталиқ хон фотиҳани бетига тортиб,  
омонлашиб, жўнатиб юборди. Муродхон отини ўйнатиб бораётиб  
эди, унинг синглиси сайр боғ қилиб, қирқин қизлар билан келаётиб  
эди, шунда синглиси Муродхонни кўриб қолди. Қараса, акаси от,  
яроғ-асбобин шайлаб, йўл яроғини олиб бораётир. Синглиси кўзини  
ёшлаб, жиловидан ушлаб, бир сўз сўраб турган экан:

Чечанни сўзлатган қизил тил бўлсин,  
Узундир, қисқадир, тўнинг мўл бўлсин,  
Душман кўриб<sup>2</sup>, жиловингда қул бўлсин,  
Эмукдошим, ака, сенга йўл бўлсин?  
Ярашиққа бедовингни минибсан,  
Нор кесар олмосни белга чолибсан,  
Бир шаҳарга, ака, талаб қилибсан,  
Йўл бўлсин, бек оға, қайга борасан?  
Бошимда пир-пирлар ловдан желагим,  
Қарчиғай чангаллим, йўлбарс билаклим,  
Кўрар кўзим, акам, жоним, чироғим,  
Йўл бўлсин, акажон, қайга борасан?

Юришингдан менинг йўқдир хабарим,  
Қайси юртга бўлди сенинг сафаринг?

<sup>1</sup> Бўлинг.

<sup>2</sup> Йўлиққан душман

Эсингга тушдими ё кетган ёринг?  
Борар жойинг хабар бергин, шунқорим!  
От-асбобинг, ака, шайлаб минибсан,  
Оша юртга, ака, сафар қилибсан?  
Оқтош юртин, билмам кимга берибсан,  
Йўл бўлсин, бек оға, қайга борасан?  
Қариганда хафа қилма энангни!  
Кўнглин бўлиб турган мендай санамни!  
Тўкаман кўзимдан сел қип ёшимни,  
Хафа қилма мендай эмукдошингни.  
Ярашиққа понза рўмол ўрадим,  
Тарзинг кўриб, юришингни сўрадим,  
Нима ишда сенинг талаб-муродинг?  
Гул тарзим сарғайиб сенга қарадим,  
Изладингни кетган гул бувишингни?  
Йўл бўлсин, хон оға, қайга борасан?  
Эсингга тушибди гул юзли жонон,  
Ёринг излаб, ака, бўлиб саргардон  
Сен кетган сўнг бизларга охир замон,  
Ростин де, бек оға, қайга борасан?  
Мен мунглиғман, эшит сўзлар тилимдан,  
Кўп қўрқаман ноҳақ келган зулмдан,  
Сен отланиб чиқдинг Оқтош элимдан,  
Хабар бер, бек оға, қайга борасан?  
Ҳамроҳ қилиб юрдим қирқип қизларни,  
Излаб чиқиб кетган сарви нозларни,  
Йиғлатиб кетмагин, ака, бизларни,  
Йўл бўлсин, бек оға, қайга борасан?  
Жаҳонни чарх уриб излаб кўрасан,  
Қайтгин, ака, бекор ҳалак бўласан,  
Гумон қилдим: паризодга борасан,  
Йўл бўлсин, бек оға, қайга борасан?  
Хазон бўлиб боғда гуллар сўларми?  
Сўлган гулга булбул келиб кўнарми?  
Сен кетганда юртинг сабил қоларми?  
Сендан бошқа бу элга хон бўлмасми?  
Адолатман сўраб турсанг бўлмасми?  
Шу юртдан қизини биров бермасми?  
Майдон кўрса, бедов отлар чопилар,  
Кўп чопилса, хоса тулпар совилар<sup>1</sup>,  
Қиз изласанг, бу шаҳардан топилар,  
Бўлак юртга, ака, қилма ихтиёр!  
Сендан савол сўрар синглинг муштипар,  
Юришингдан, ака, бергайсан хабар,  
Бир гап билан элдан чиқиб борасан,

<sup>1</sup> Совилар — етилар.

Армон билан элдан жудо бўласан,  
Сўнгра сен ҳам кўп пушаймон қиласан,  
Ололмасанг, элга қандай келасан?  
Ростини де, оға, қайга борасан?

Бу сўзни Муродхон синглизидан эшитиб:— Бундай аҳмоқ бўлма, кўнглингни бўлма, жиловимдан олма, мени кетади деб хаёлингни бўлма, қўя бер, мендан ҳадик олма!— деб синглизини алдаб, билдирмаган киши бўлиб, синглизига қараб бир-икки оғиз сўз айтиб турибди:

У сабабли мен ҳам миндим бедовга,  
Бошимда йўқ менинг ҳеч турли савдо,  
Ҳозир мен талаб қилганман овга,  
Овдан келсам, сўнгра тилагин совға,  
Беклар билан суҳбат қуриб турганман,  
Қоса тутиб, мен гуноҳкор бўлганман,  
У мажлис аҳди шу, ваъда қилганман,  
Шу сабабдан овга бормоқ бўлганман.  
Қўя бергин, овга кетиб бораман,  
Бундан борсам, Ойна қўлни кўраман,  
Сўна-суқсур, ғозни отиб келаман,  
Суқсурни излаган лочин бўламан,  
Эрта қайтиб омон-эсон келаман,  
Келиб бу бекларга чулон бераман,  
Гуноҳкорман, синглим, озод бўламан.  
Насиб бўлса, дол бедовни елайин,  
Тоғу тошнинг онгин отиб келайин,  
Элу халққа тўй-тамоша берайин,  
Қўя бер, мунглиғим, бориб келайин.  
Кўп гапларни хаёлингга олмагин,  
Нодонлик қип, мени йўлдан урмагин,  
Мени билсанг, овга бориб келаман,  
Чошка борсам, мени пешинда келаман.  
Бунда турсам, ободдир мамлакатим,  
Жиловлама, қолмади-ку тоқатим,  
Мени кўриб, ёшинг кўздан тизасан,  
Шумлик ўйлаб, мунглиғ кўнглинг бузасан,  
Мен келганча дуода бўл, муштипар,  
Ҳар нарсага хафа бўлмоқ на даркор?  
Бек оғаннинг айтган сўзи шу бўлар,  
Мажлисда бек оғанг бўлди гуноҳкор,  
Не сабабдан, синглим, кўнглингни бузиб<sup>1</sup>,  
Душман кўрсам, танидан бошини узиб,

<sup>1</sup> Бузибсан.

Мен келаман кўлу чўлларни кезиб,  
Сен тармашдинг менинг бағримни эзиб,  
Хафа бўлма, ўйнаб-кулиб шаҳарда,  
Мендай аканг омон юрар ҳар ерда,  
Овга борсам, кечгачайин кўрасан,  
Шу сўзим энамга маълум қиласан.

Бу сўзни Муродхондан эшитиб, синглиси акасининг сўзига ишонмай айтган сўзи:

Овга борган одам сендай бўлмайди,  
Айтган сўзларингга кўнглим тўлмайди,  
Мендай синглинг жиловингни қўймайди.  
Рост турганда ёлгон сўзни сўйладинг.  
Хазон урса боғда гуллар сўлмасми?  
Сўлган гулга булбул келиб қўнмасми?  
Овчиларнинг олғир қуши бўлмасми?  
Овчи одам тарлон қушни олмасми?  
Минибсан бедовни оша абзаллаб,  
Қайси юртга чиқдинг ўзингни чоғлаб?  
Сен борасан кетган ёринг сўроғлаб,  
Шу сабадан мендай синглинг кўп йиғлаб<sup>1</sup>,  
Ўтрик сўзни сўзламагин синглингга,  
Ҳали ҳам, бек оға, қайтгин элингга,  
Мени алдаб, ёлгон сўзлаб турасан,  
Бегумон, ёрингни излаб борасан,  
Ғариблик элларда сарсон бўласан,  
Пушаймон қип элга қандай келасан?  
Овчиман деб, синглингга доф қиласан,  
Ўтрик билан менинг ақлим оласан,  
Остингда бедовинг ўйнар юз алвон,  
Олмос пўлат қўлда, эгнингда қалқон,  
Овга боришингни мунглиғ билмасми?  
Хизматингда неча маҳрам турмасми?  
Миришкорлар олғир қушин олмасми?  
Овчи аслаҳаси бошқа бўлмасми?  
Овчиларда този, гуржи бўлмасми?  
Бошқа тус абзаллаб минибсан отни,  
Бойлабсан белингга шамшир пўлатни,  
Қайтгин, ака, зинҳор унда бормагин,  
Беҳуда ўзингни ҳалак қилмагин,  
Эл оғзида, ака, гап бўп юрмагин,  
Халойиққа кулги бўлиб юрмагин.

<sup>1</sup> Йиғлабди.



Шунда Муродхон бу сўзни эшитиб, кўнгли бузилиб, юрак-бағри эзилиб: «Хайр энди, мени сен қўймадинг, ростини айттайин!»— деб, бир сўз деб турган экан:

Фалак менинг баҳоримни хуш этди,  
Ода бўлмас кўп савдога дуч этди,  
Билмайман, кўтоҳлик ё мендан ўтди,  
Бу кашмирнинг иши мени ҳоритди.  
Ҳеч замонда шундай ишлар бўларми?  
Хотин бўп эрини шундай қиларми?  
Бу ишларга одам тоқат қиларми?  
Ўз элида киши тирик юрарми?  
Ўйлаб турсам чидамайман дардига,  
Қараёлмай қолдим юртнинг бетига,  
Фикр қип ўйладим, сира бўлмади,  
Оқтоғ элда юргулигим қолмади,  
Қандай бўлса мен бормасам бўлмади,  
Кўп йиғладим, менда тоқат қолмади.  
Нима бўлса, майли, излаб кўрайин,  
Ажал етса, ёр йўлида ўлайин,  
Не кўйларни тангрим солса, билайин,  
Қайтарма, мунглигим, энди жўнайин,  
Арғумоқ бедовга қамчи ураман,  
Мен қайтмайин, кетган ёрга бораман,  
Ерим эмас, номус-орга бораман,  
Ахтарсам, охири топиб оламан,  
Оталиқни элга катта қилганман.  
Ўйласам, кетаман бўтадай бўзлаб,  
Мен борарман кетган ёримни излаб,  
Ҳозир мен ҳам бор эканин билмадим,  
Айёрнинг ишига тоқат қилмадим,  
Ўсган юртин бирор сўраб қолмадим,  
Мен қасамёд қилдим, мунглиғ, бораман,  
Мен излаб топмасам, сил бўп ўламан.  
Подшолик давлатдан бу кўнглим совиб,  
Кўзиксам, етарман кейнидан қувиб,  
Қилган иши бу кўнглимда жой тутиб,  
Ернинг дарди учун мен ҳам қон ютиб,  
Неча шаҳар, неча эллардан ўтиб,  
Қаерларга кетсам насибам тутиб,  
Одамзоднинг юрган ерин қарарман,  
Ҳар подшонинг давлатига борарман,  
Қимни кўрсам, мен ҳам шундан сўрарман,  
Юрт эмасми,— сўрай берсам биларман.  
Таваккал айладим, энди жўнарман.

Паризод юртига энди борарман,  
Дев-парига аралашиб кўрарман,  
Лашкар бўлса, қайтмай саваш қиларман,  
Дуода бўл, мунглиғ синглим, борарман.  
Қўлимдадир Оқтош деган вилоят,  
Топмасам бўлмайди бир зарра роҳат,  
Мендан ўлжа бўлиб кетди тўриқ от,  
Кўп ишларни менга солди паризод,  
Вилоятда шундай гаплар бўларми?  
Ердан жудо бўлган киши юрарми?  
Жиловимни қўя бергин<sup>1</sup>, йиғлама,  
Шу иззаман аканг элда турарми?  
Қандай бўлса мендан бормоқлик даркор,  
То кўргунча омонда бўл, муштипар.

Синглиси бу сўзни эшитиб: — Бежой ёмон бўлибди, **бормасанг бўлмас, онт ичибсан, энди билдим, борасан экан!** — деб **бир сўз деб турибди:**

Тоғлар азиз бўлар туман турмаса,  
Чўллар азиз бўлар карвон юрмаса,  
Эшитса, энангда тоқат қолмаса,  
Гул кетар бўлса, гулистон эмранар,  
Давлат борда ҳамма одам дўст бўлар,  
Сен кетган сўнг мунглиғ энанг не бўлар?  
Бир гап билан энди кетиб борасан?  
Юришинг бетайин, қачон келасан?  
Азамат, мард эдинг, бўлибсан ночор,  
Кетар бўлсанг, жоним акам, яхши бор.  
Бошингдан кетсин-да қайғуман кулфат,  
Боринг, оға, юринг соғу саломат.  
Хафа қилдинг мендайин жигарингни,  
Омон-эсон кўргин ўсган шаҳрингни.  
Вафосини кўргин кетган ёрингни,  
Хайр, обод қилгин Оқтош шаҳрингни.  
Қайтайин<sup>2</sup> қайтмадинг борар йўлингдан,  
Муштипарман, эшит сўзлар тилимдан,  
Бор энди, бек оға, ҳаққа топширдим.

Шунда Муродхон синглисидан бу сўзни эшитиб, **синглиси билан** шушлашиб, синглисига қараб **бир сўз деб турган экан:**

Мен кетарман ёрим излаб,  
Бу жароҳат бағрим тузлаб,

<sup>1</sup> Қўйиб юбор.

<sup>2</sup> Қандай қилайин.

Елғизман, бўтадай бўзлаб,  
Мунглиғ синглим, хуш қол энди.

Мен ҳам турмай бундан юрсам,  
Излаган ёримни кўрсам,  
Соғ-саломат элга келсам,  
Жоним синглим, хуш қол энди.

Дунёни ахтариб кўрсам,  
Душман бўлса, додин берсам,  
Ёрим топиб ўйнаб-қулсам,  
Энам хизматида бўлсам.

Сел бўлади кўзда ёшим,  
Элда қолар қариндошим,  
Йўқдир ёнимда йўлдошим,  
Бирга бўлган тенгу тўшим,  
Сенсан менинг эмукдошим,  
Жоним синглим, хуш қол энди.

Осмоннинг остини кезсам,  
Душманларнинг бўйнин узсам,  
Ғанимларнинг йўлин тўссам,  
Бир кун ўлмай элга етсам,  
Дуода бўл, хуш қол энди.

Минибман араби отни,  
Солиб бошима қулфатни,  
Ахтарибман паризодни,  
Тағин кўрсам қолган юртни,  
Жўнат мендай валлакатни,  
Меҳрибоним, хуш қол энди.

Кул бўлганди устихонлар,  
Танимда титрайди жонлар,  
Бизнинг билан, меҳрибонлар,  
Бир-бирига хўб ҳамдамлар,  
Қирқин қизлар, хуш қол энди.

Олис элга қилдим сафар,  
Сафарим бўлмасин хатар,  
Дуода бўлгин, муштипар,  
Мунглиғ синглим, хуш қол энди.

Меҳнат тортиб бундан борсам,  
Излаган дилбарим олсам,

Бу дунёда даврон сурсам,  
Жоним синглим, хуш қол энди.

Ешга тўла жоду кўзинг,  
Қаватингда қирқин қизинг,  
Қўлдан кетди сарви нозим,  
Жоним синглим, хуш қол энди.

Бундан кетсам ўйнаб-кулиб,  
Ҳамманг қолгин хурсанд бўлиб,  
Қолган юртга эга бўлиб,  
Меҳрибонлар, хуш қол энди.

Кетди менинг номус-орим,  
Сен тинглагин айтган зорим,  
Кетган менинг гажакдорим,  
Эмукдошим, хуш қол энди.

Тар очилган гулим сўлди,  
Бизга қисмат шундай бўлди,  
Жоним энам билмай қолди,  
Меҳрибонлар, хуш қол энди.

Ҳозир диққатман, кулмайман,  
Борар юртимни билмайман,  
Бош олиб кетдим, қолмайман,  
Жоду кўзлар, хуш қол энди.

Жафо тиғи жондан ўтиб,  
Ёр ханжари бағрим йиртиб,  
Мени йиғлатди бўзлатиб,  
Ёр қўлида отим кетиб,  
Қилган иши менга ботиб,  
Меҳрибонлар, хуш қол энди.

Юрагимда кўпдир алам,  
Мени доғлади бир санам,  
Қолди бунда кулба хонам,  
Оқ сут берган мунглиғ энам,  
Шу бўлди мен айтган сўзим,  
Бор, хушлашдик, кетмоқ лозим.

Ана шундай қилиб, Муродхон синглиси билан хушлашиб, ҳам-  
ма қирқин қизлар билан омонлашиб, йўлга тушиб жўнай берди.

Айрилиққа бағрим доғлаб,  
Муродхон ёрини йўқлаб,  
Оша юртга ўзин чоғлаб,  
Ёр йўлига белин боғлаб,  
Шунқор жўнади ҳай-ҳайлаб,  
Неча гапни йўлда ўйлаб,  
Дубулға бошда дўнғиллаб,  
Беллиги белда иркиллаб,  
Тилла поянак урилган  
Узангига ширқиллаб.  
Олғир қушдайин чарқиллаб,  
Бедов от йўлда диркиллаб,  
Пўлат тиғ найза сўлқиллаб.  
Хон кетган ёрини йўқлаб,  
Урди отини қулочлаб,  
Олиб қочар сувлиқ тишлаб,  
Бораётибди анғишлаб,  
Муродбекнинг кўнглин хушлаб.

Бедов отга қамчи чотди,  
Урган қамчи симдай ботди,  
Парқинидан кўпик сочиб,  
Муродхонни суриб кетди.  
Кунма-кун ичини тортди,  
Жонвор бўйнини узатди,  
Изғор чўлни тўзон тутди  
Ниқтаб оёғин босганда.  
Қора ерни ўйиб кетди,  
Туёғидан тупроқ отди.  
Йўлларнинг танобин тортди,  
Излагандир паризодди,  
Чўлда қистар минган отди,  
Қилиб Муродхон шидлатти,  
Чўлларда ёлғиз йўл тортди.  
Ўр келса ўмганлатди,  
Қир келса, қирпиллатди,  
Арна келса ирғитди,  
Мурод шундай йўл тортди.  
Бедовга қамчи босди,  
Муроднинг ақли шошди,  
Биёбон чўлга тушди,  
Туман тушиб шу чўлда,  
Юрар йўлдан адашди,  
Туби йўқ чўлга тушди,  
Излар кетган бувишди.

Эшитинг айтган сўзни,  
Ногаҳон чўлда юриб,  
Мурод кўрди бир изни.  
Файрат билан йўл юрди,  
Бу изга назар солди:  
Отининг изин билди,  
Кетган ёғини билиб,  
Муродхон кўп суюнди.

— Қолмас қичаб тоқатим,  
Ўлжа бўп кетган стим,  
Изин кўриб танидим,  
Яқинми паризодим?

Ҳар тарафга қаради,  
Отга қамчи уради,  
Етарман деб Муродхон  
Изғор чўлда боради,  
Остидаги қора от  
Суриб кетиб боради,  
Муродхон — чув-ҳа — деди,  
— Ҳа, жонивор, тулпарим,  
Чув ҳа, чув бўл ҳа, — деди.  
Муродхон йўлни тортди,  
Қамчисин отга чотди.  
Елиб кетиб боради.  
Қора тулпар жонивор,  
Елдан ўтиб боради.  
Шундай сувсиз чўллардан  
Босиб ўтиб боради,  
Муродхоннинг кўнглини  
Хушлаб кетиб боради,  
Чўлда кўрган қорага,  
Дарров етиб боради.  
Шамолдайин анғишлаб,  
Кесиб ўтиб боради,  
Елпиллатиб кокилин,  
Ташлаб кетиб боради,  
Чўлдаги изни кўзлаб,  
Бошлаб ўтиб боради,  
Неча бузуқ йўлларни  
Ташлаб ўтиб боради,  
Туман қучиб далани,  
Кўриб, ўтиб боради.  
Ёлғизлиги асар қип,

Чўлда кетиб боради,  
Мурод кўнглин бўлади,  
Унгу сўлга қаради,  
Ўўлда кўрган бу издан  
Адашмайин боради.  
Ҳар ёғига қарайди  
Бу жонивор тулпарнинг.  
Қожилини силайди,  
Шундай кетиб боради,  
Жонни сотиб боради.  
Ситам ўтган Муродхон  
Шердай бўлиб боради,  
Қия, бузуқ йўл келса,  
Ҳатлаб ўтиб боради,  
Ҳавода ёруғ юлдуз,  
Дарёда ўйнар кундуз,  
Ўўл юриб кеча-кундуз,  
Остиядаги бедови  
Суриб ўтиб боради,  
Авғишлайди осмонга,  
Чопиб кетиб боради.  
Юлдуздайин жонивор  
Ўғиб ўтиб боради,  
Бу чўлдаги изини  
Босиб кетиб боради,  
Адашмай дейди издан,  
Оқшом бўлса — юлдуздан,  
Тўғри кетиб боради,  
Шундай қилиб йўл юриб,  
Чарчай деса, оҳ уриб,  
Борар ёрин ахтариб,  
Изни тасалли қилиб,  
Муродхон ўз кўнглида  
Ўўлиққандайин бўлиб,  
Етсам деб умид қилиб,  
Ҳар замон қамчи уриб,  
Утиб кетиб боради.  
Унгу сўлга қаради,  
Қора тошга яқинлаб  
Энди Мурод боради.  
Муродхон қилди ғайратди<sup>1</sup>  
Ул беш кеча, ўн беш кундуз,  
Тинмай Муродхон йўл тортди,

---

<sup>1</sup> Ғайратер.

Қоратош деган жойга етди.  
Отдан тушиб кўрди бу валламатни,  
Манглайини силаб бу қора огни,  
Айил билан пуштанини бўшатди,  
Узи ҳам дам олди Муродхон номдор.  
Юрагида шундай ёрнинг дарди бор,  
Тери қотди шу замон Қора отди,  
Силаб, қашлаб, отнинг терин ушатди,  
Айил, пуштанини қайтадан тортди,  
Минди яна бу тулпар хоназодди,  
Қоратошдан энди қичаб йўл тортди,  
Чўлдан чиқиб адир йўлларга кетди.  
Изни қувиб боради,  
Мурод шундай юради,  
Қандай катта беллардан  
Қичаб ўтиб боради.  
Мурод йўлда туташди,  
Неча газадан ошди,  
Қатта тоғларга тушди.  
Ҳар бир белга чиққанда,  
Изни тусмол олади,  
Тошлоқ, бузуқ ерларда  
Гўҳ адашиб қолади,  
Дала, майдон, чўлларда,  
Тағи шунқор кўради,  
Назаркарда сен тулпар,  
Мени дилбарга еткар,  
Хонинг ёрга интизор.  
Ғариб бўлсам тоғларда,  
Мени йўқлар кимим бор?

Бораётир Муродхон,  
Ой қоронғу, кун ғубор,  
Бир тоғнинг дарасида,  
Параққос қип жонивор,  
Қишнай берди бу тулпар.  
Ойим<sup>1</sup> исин олди, деб,  
Қувонади зўрабор,  
Қишнаб парвоз қилганди,  
Энди яқин қолганди,  
Таблада бирга турган,  
От исини олганди,

---

<sup>1</sup> Паризоднинг.



Шундай тоғда юрган деб,  
 Мурод умид қилганди,  
 Топарман деб жононни,  
 Неча тоғлардан ўтди,  
 Тоғ устида қаради,  
 Этак бети ётган чўл,  
 Чўлга назар солади,  
 Кўз айирмай қаради,  
 Бир қорани кўради.  
 Шу қора менинг отим деб,  
 Топилди мақсадим деб,  
 Кетган паризодим деб,  
 Қистаб кетиб боради.  
 • Отга қамчи уради,  
 Шундай шиддат қилади,  
 Етқиз, жонивор, дейди,  
 Тоғларни гумбирлатди,  
 Чўлда кўрган қорага  
 Муродхон яқин етди.

Шунда Муродхон бу қоранинг қорасини олиб, яқинлаб борди. Кўрган ҳамон таниди. Қараса, ўша ўзини алдаган паризод тўқмол ёлли тўриқ отни миниб, неча кундан бери уйқудан қолган эмасми, мукиб, қалқиб, минган оти йўлдан чиқиб, тенгсалиб, терваниб, бир-бир босиб, ирғалиб бораётган экан. Муродхон буни кўрди, яхши таниди. Паризод уйқудан қолиб, уйқуси келиб, нима қилишини билолмай, отнинг устида ухлаб, кўзини уқалаб, очолмай бораётир.

Муродхон қараса, паризод эркак кийимини кийган, Муродхоннинг қундуз телпаги бошида, тўни ҳам эркакларники, у ўзини шаҳзодаларга ўхшатиб безаб олибди. Муродхоннинг ёйини эгарнинг қошига илиб, қайқайиб бораётир. Муродхон буни хуп кўриб, таниб: «Қўйма жоним, қўйма жоним» деб қувиб бораётган эди. Бир вақт бу отнинг дубирини жонивор тўқмол ёлли тўриқ от билиб, бошини кўтариб парвоз қила берди. Паризод кўзини очиб, буни кўриб ақли шошиб, қаради.

«Бу от нимага ангишлайди?» деб қараса, орқасидан Муродхон қувиб келаётир.

Паризод Муродхонни кўргандан кейин уйқуси очилиб, отнинг жиловини силкиб, кўнглида бу сўзни айтиб кета берди:

«Мен сўз қотганда писанд қилмаган, мендай ойимнинг қадрини билмаган эди; энди бежорга аҳмоқ бўлиб, мендан умид қилиб, ўзини одам билиб, баҳсдирлик даъвосини қилиб, балки ажали етган бўлиб, бу чўлда одам йўқ ерда бу қон тортган Мурод менга дучор бўлди», деб бораётир.

Шунда Муродхон отига қамчи уриб, париға қараб бир сўз айтиб бораётир:

Азоб кўриб ширин жоним бу танда,  
Отингининг тизгинин тортгин, газанда,  
Ҳийла билан кетдинг бедовни миниб,  
Армон билан энди бўлдинг шарманда.

Бекор қичаб энди қайда борасан?  
Бошин тортгин, манжалақи, ўласан!  
Мендайин қайсарнинг кўнглин бўласан,  
Қочган билан, энди қайга борасан?

Дод деганда эшитмайман сўзингни,  
Уярман, паризод, икки кўзингни,  
Банди қилиб олиб кетай ўзингни,  
Бу қилган ишингга ўлим лозимди.

Бедов отга қамчи урсам етаман,  
Оқтош элга сени олиб кетаман,  
Ҳийла билан миндинг бедов отимга,  
Қутилиб кетмайсан ўсган юртингга.  
Олиб қайтай Оқтош мамлакатима,  
Беҳуда сен қамчи урма отингга.  
Қочган билан қутилмассан,  
Ҳеч манзилга етолмассан,  
Қувиб мен сенга етарман,  
Тўхтаб тур, олиб қайтарман.

Қистама минган отингни,  
Тўхта, паризод, тур энди.  
Муродхон дейдилар мени,  
Фалак урди, билгил, сени.

Остингда подшонинг оти,  
Олис йўлда мамлақати,  
Сен йўлиқдинг, паризоди.  
Қочма, тур энди, тур энди.

Бу сўзни Муродхон айтди.  
Пари отга қамчи чотди,  
Бедов жilовин бўшатди,  
Бу сўзни паризод айтди:

Қайт, одамзод, энди ўлма,  
Бекорга сен аҳмоқ бўлма!

Яқинлаб олдимга келма!  
Сарсон бўп элдан айрилма.

Менга кўп изза берасан,  
Қайт, одамзод, сен ўласан!  
Эргашиб нима қиласан?  
Беҳуда нобуд бўласан!

Кўзингдан тўкилар ёшинг,  
Элингде қариндошинг,  
Ёнингда йўқдир йўлдошинг,  
Йиғлаб қолар эмукдошинг.

Биров сени аҳмоқ қилган,  
Эл кулдириб юрган нодон,  
Умидинг борми худодан,  
Қайтгин, одамзод, ўласан.

Паризодни раҳбар билма,  
Мени ўзингга дўст кўрма,  
Ушларман деб умид қилма,  
Ҳали ҳам йўлингдан қолма,  
Бир жонингга зулм қилма,  
Қайт, одамзод, йўлдан қолма!

Узоқ чўлларда маконим,  
Йўлда қолар сенинг танинг,  
Қўлимда-ку балки жонинг  
Ўйлаб турсанг кўпдир қойим,  
Бандам десин-да худойим,  
Йўлдан қайтмас мендай ойим,  
Қайтгин, одамзод, ўласан.

Муродхон буни паризоддан эшитди, тутаниб кетди.

Мурод отга қамчи чотди,  
Паризодга яқин етди,  
Кўринг шунда паризодди,  
Отнинг жировин бўшатди.  
Шамолдай ғувуллаб кетди,  
Чўлларнинг танобин тортди.  
Мурод анча кейин қопти.

— Чу, жонивор, мен етайин,  
Ширин жонимни сотайин,

Яхши сўзлаб, сўз қотайин.  
Нодон кўнглин эритайин,  
Олиб мен элга қайтайин.  
Омон-эсон мен етайин,  
Қўлга тушса бу паризод,  
Юртима олиб қайтайин.

Бул сўзни айтди шунқор,  
Букилиб иргийди тулпар.  
Қуёндай ирғиган вақтда  
Ларзон берар изғор чўллар,  
Қўлга келса шундай дилбар,  
Бораётибди жонивор,  
Етолмайди бу тулпарга.

Муродхон бўлди кўп ночор,  
Баланд ерга чиқиб қарар,  
Аста-аста бораётир  
Писанд қилмай пари дилдор,  
Жафо тиги жондан ўтиб,  
Неча кун орадан ўтиб,  
Муродхон яқинлаб етиб,  
Бораётир сўзлар айтиб:

— Сўз айтади мендай шунқор,  
Хуснингга бўлдим гирифтор,  
Мени қилмагин интизор,  
Кўнглимда кўпдир ғубор.  
Паризодим, қараб тургин,  
Ҳоримасин яхши тулпар,  
Кўнглингдан гинангни кўтар,  
Бир аҳмоқлик мендан ўтар.

Қаромат қип кулиб қара,  
Мендан кетсин чери ғубор,  
Мен ҳам сени дўст биламан,  
Сени кўрмасам, ўламан,  
Сенга ошиқ интизорман.

Боғда очилган тоза гулим  
Қара, дейман, жони-дилим,  
Чаманда сайрар булбулим.  
Мени оша ҳалак қилдинг,  
Дилбар, қурисин ҳазилинг.  
Кўнгил бериб ўзинг бординг,

Менинг жоним ўтга солдинг,  
Қулоқ солгин нолишимга,  
Қойил бўлганман ишингга,  
От жиловин, дилбар, тортгин.

Банди бўлдим туришингга,  
Яқин борай мен қошингга,  
Кўнглим кетар кулишингга,  
Қўлим солай оқ тўшингга.  
Қойил эмасман бу ишингга,  
Телпак ярашган бошингга,  
Қийилган қалам қошингга,  
Неча ёшингда камолинг,  
Мени эша балқитади,  
Текканда эпкин шамолинг,  
Қаердадир ўсган юртинг,  
Нима дейди, дилбар, отинг?  
Баён айла зурриётинг!  
Қайси шаҳар мамлакатинг?  
Сенинг билан бўлсин даврон,  
Кетар юрагимдан армон,  
Кўрмасам, қурийди дармон,  
Сенинг учун бўлай қурбон,  
Бизни қўйма, пари, доққа,  
Теккансан мендай қўччоққа,  
Қайтгин, пари, бизнинг ёққа,  
Ўйнашармиз кенг чорбоғда,  
Қулоқ сол сўзлаган сўзга,  
Қиё боққин, пари, бизга,  
Ошиқман-ку сарви нозга.  
Бизман, пари, Оқтош борсанг,  
Сардор қилай сонсиз қизга,  
Хизматингда бўлар қизлар,  
Қайт энди, қаддингдан, дилбар.

Ана шунда Муродхон яқинлашиб, паризодга етди. Паризод узоқдан Муродхоннинг сўзини эшитиб келаётган эди. Паризод отнинг жиловини тортиб, отни кўндаланг қилиб, эгарнинг қошида парли ёйни олиб, Муродхонга қараб: «Муродхон яқинлашиб кела берсин, қани кўрайин», деб моралаб турди.

Муродхон яқинлаб келди. У паризоднинг тарзига кўзи тушди. Қараса, парли ёйни қўлига олиб, ёйнинг гиришига ўқини солиб, отини кўндаланг қилиб қараб турибди. Шунда Муродхон ҳам паризоднинг туришини кўриб, сесканиб, отининг жиловини ушлаб, «Нима гап чиқар экан?» деб турди.

Шунда Муродхонга қараб, паризод бу сўзни айтиб турди:

Сендай одамзодни писанд қилмайман,  
Сенинг учун мен йўлимдан қолмайман,  
Мурод, сени мен кўзимга илмайман,  
Паризодман, сенга вафо қилмайман,  
Ўлдириб, қонингга зомин бўлмайман.  
Беҳуда сен мунча аҳмоқ бўласан,  
Сен ёлғизсан, армон билан ўласан.  
Кет, одамзод, бунда нима қиласан?  
Кўп хафа бўласан чўлда муғойиб,  
Ўлиб кетсанг юртинг бўлар бесоҳиб,  
Энанг, синглинг қолар сочини ёйиб,  
Бўлмагин элингдан тириклай ғойиб.  
Сабил қилма сен ҳам мамалакатингни,  
Тўхтатгин, юргизма минган отингни,  
Чўлда сарсон қилма бу жасадингни,  
Кўролмайсан ўйнаб-ўсган юртингни.  
Фалак урмай боғнинг гули сўлмайди,  
Сўлган гулда булбул ўйнаб-кулмайди.  
Умид қилма, кета бергин, Муродхон,  
Одамзодга пари вафо қилмайди.

Бир гап билан булбул тушди қўлингга,  
Алдаб-сулдаб соллмадинг йўлингга,  
Қайта бошдан қўнмас боғда гулингга,  
Келган йўлга кета бергин, ёш ўғлон,  
Бормайди паризод сенинг элингга.  
Йўлиққанда менинг ҳолим билмадинг,  
Сен сирлашиб, менга дамсоз бўлмадинг,  
Кўп қол дедим, сен ҳам қайтиб қолмадинг.  
Менинг сирри аҳволимни билмадинг,  
Кўп эргашиб, ўларингни билмадинг.  
Бу чўлларда бедов отлар чопилар,  
Кўп чопилса, хоса тулпар собилар,  
Аҳмоқ бўлмай кета бергин, Муродхон,  
Хотин олсанг, мендан бошқа топилар.  
Бир гап билан шердил бўлиб келасан,  
Аччиғлансам, йигит, нобуд бўласан.  
Сўз айтади сенга мендай гажакдор,  
Уйлансанг — юртингда Чўлпоной дилбар.  
Йигитсан, қовирғам сенга қайишди,  
Кўп эргашиб сенга бунда нима бор?

Энди сенга яхшилигим шу бўлар:

Ҳали ҳам ўлмагин, қайтиб элга бор.

Шу сўзни паризоддан Муродхон эшитиб, «ҳар нима бўлса ҳам аёл-да, бунга бир сиёсат қилиб кўраин, нима бўлса ҳам сиёсатдан ақли шошар, бўғини бўшар, бу дамидан тушар», деб паризодга қараб Муродхон бир сўз деб турибди:

Сўзимни, паризод, олдинг қиёма,

Қўлингдан келганин қилгин, аяма,

Сўз сўзладинг неча алвон фалони,

Катта сўзлаб, бошга олдинг балочни,

Қўлимда тўкилар нечанинг қони,

Мен бўламан Оқтош юртнинг султони.

Сен тилингни тортиб сўзла, бемаъни!

Қиз бўларми эр йигитнинг душмани?

Чангалимдан қутилмайсан саломат!

Кўп сўзларни лоф урмагин, паризод!

Соларман бошингга ваҳми қиёмат.

Сўз сўзлайсан, мени шердил қиласан,

Сен тилингни тортиб сўзла, паризод,

Қаҳрлансам, армон билан ўласан!

Ҳали душман билганим йўқ ўзингни,

Ҳурмат қилдим илгариги сўзингни,

Бедов миниб чўлда юрмоқ на даркор?

Бунча сўзни кўп гапирма, гажакдэр!

Билсанг, армон билан тушдинг қўлима,

Қўрқиб душман, чиқолмайди йўлима,

Тўхта, ойим, етолмайсан элингга,

Ҳали ҳам товба қил қилган феълингга.

Тўриқ отни ўлжа қилиб минибсан,

Ўғри, айёр, менга дучор бўлибсан.

Сиёсат қип мен ҳам сенга етармағ,

Танинг ташлаб, бошинг олиб кетарман.

Мен ҳам эдим Оқтош элида қайсар,

Қайси элдан келган сендай ҳийлагар?

Вақтин топиб, бўлдинг сен менга дучор,

Бу юришдан сенга ўлмоқлик даркор,

Лочиннинг чангига бўлгансан дучор,

Қувиб етди, билсанг, мендайин шунқор,

Бу сўзларни айтиб шундайин кўчқор,

Қутилмайсан энди, аё, гажакдор.

Бу сўзларни, билинг, Муродхон зйтди,

Паризод қошига яқинлаб етди,

Парининг ғайрати тошиб ҳам кетди,  
Кўнглида паризод бу сўзни айтди:  
—«Қон тортиб, одамнинг ажали етди».  
Ул паризод қурамтага қўл солди,  
Қурамтадан ўн тўрт тутам ўқ олди,  
Ёйнинг гиришига ўқини солди,  
— Улдинг, одам!— дебди, аччиғи кепти,  
Сари ёйни шундай қўлига олди,  
Ўтдайн паризод тутаниб кетди,  
От устида шиқирлатиб ёй тортди.  
Букланиб ёй, гириши — гиришга етди,  
Ўйлаб туриб: «одамзод ўлмасин», деб,  
Муродхон отини у кўзлаб отди,  
Отдан туйраб ўқи ўтиб ҳам кетди,  
Ўқ зарбидан отнинг бели букилди,  
Ўқ ўтиб, Қора от кишнаб йиқилди..  
Қийғир деган қуш ўтирар қиёда,  
Оти ўлиб, шунқор бўлди пиёда,  
Бурунғидан дарди бўлди зиёда.

— Кўп насиҳат қилдим сенга, одамзод,  
Билсанг, манманлигинг бошинга етди,  
Ёлғизлигинг тушиб менинг эсима,  
Раҳм қилдим, жонинг қолиб турибди,  
Сен одамзод, бунча лофни урасан?  
Ҳолинг билмай, шердай бўлиб келасан?  
Қаҳрлансам, бир ўқ билан ўласан?  
Паризодман, қайдан топиб оласан?  
Оқтош хони, изза бўлиб энди ўл,  
Кўринмас кўзингга ҳеч бир манзил.  
Фалак гардишиман тушсам қўлингга,  
Сийлама, қўлингдан келганини қил!  
Кувиб етиб, мендай пари эл бўлди,  
Билсанг, ойим сени кўп ҳурмат қилди.  
«Қайт!» деган сўзларим беҳуда қолди,  
Кўролмассан ўйнаб-ўсган манзилни,  
Оқтош хони, сенинг ҳолинг шу бўлди.

Билсанг энди мен ҳам кетиб бораман,  
Ғариб бўлиб қолдинг қуруқ чўлларда.  
Сўраб борсанг сенга қойил бўламан,  
Шу вақтда нима десанг кўнаман.

Бу сўзларни паризод Муродхонга изза бериб айтди.— Ажалинг етмаса бир кун борарсан, ажалинг етса, шу сарсончилик билан



ўларсан. Энди нима бўлса, тақдирингдан кўрарсан. Жой ораста. Ўрдада мен сенинг раъйингга қарадим. Сен мени одам қаторида кўрмадинг, сўзимни, ўзимни ҳурмат қилмадинг, қадримни билмадинг, изза қилдинг, ҳолингни билмадинг, меъга алам қилиб отингни, яроғингни олиб, сени орқамдан келар деб умид қилиб, йўлда тенгсалиб юрдим. Бўлмаса манзилимга етиш қўлимдан келмасмиди! Ҳар нима бўлса, бир кўриб қолсин деб юрган эдим,— деди.— Сен,— деди паризод,— ўрдангда мени изза қилганингга ҳозир менинг бир қилган иззам тўғри келди, энди икковимизнинг тошимиз бир-бировимизга очиқ қолди. Ана энди кўнгилдаги гап шу бўлди. Энди бизнинг манзилимиз узоқ йўлдир, кўп гапириб йўлдан қолдик. Энди биз сизники бўлдик. Машаққатсиз ҳеч иш бўлмайди. Машаққат тортмаса, киши қадрини билмайди. биз сизга ўз оёғимиз билан бордик. Мазаси бўлмади. Энди пича излаб бориб, хотин олар бўлсангиз, оларсиз, бўлмаса, ўпкангиз ўзингиздан қолсин,— деди. Биз ҳам борармиз, сиздан бўлакни демай, йўлингизга қараб тураемиз, бу менинг қилганим ҳазил, кўнглингизга оғир олманг, албатта боринг!— деб тўриқ отга бир қамчи уриб, орқасига бир қараб:— Қолдингизми, омон бўлинг, тўрам,— деб жўнаб кетди.

Муродхон паризоддан изза кўриб, кўнгли бузилиб, отидан, юртдан ажралиб, яёв бўлиб, ер бағирлаб қола берди. Ўпкаси тўлиб, дийдаси гирён бўлиб, кўздан ёши тизилиб, юрак-бағри эзилиб, хафа бўлиб, бу чўлда қандай бўларини, нима қиларини билмай, бир сўз деб турган экан:

Ҳеч ким раҳм айламас қонли ёшима,  
Қаба фалак оғу қўшди ошима,  
Етдим деб эдим-ку гул бувишима,  
Бу чўлларда лочин қўнар гўшима.  
Учқур бўлсам қанотимдан қайрилдим,  
Югурик бўлсам туёғимдан тайрилдим,  
Ҳам отимдан, ҳам юртимдан айрилдим.  
Бу чўлларда ўлдим пойи-пиёда,  
Бурунгидан бўлди дардим зиёда.

Оти ўлиб, номдор чўлда йиғлади,  
Йиғлаганман нима илож қилади.  
Парининг ишига қойил бўлади,  
Муродхон шу замон туриб жўнади,  
Яёв бўлиб чўлда кетиб боради.  
Оқтош хони уввос тортиб йиғлади,  
Талабини худойидан тилади.  
Тоққа қараб отнинг изи боради,  
Шу отнинг изидан тушиб жўнади,

Кўрган тоғни бетга тутиб боради.  
От чопса гумбирлар тоғнинг дараси,  
Ботирни ингратар найза яраси,  
Олисдан кўринган тоғнинг қораси,  
Яёвлаб жўнади Оқтош тўраси,  
У кўринган тоққа чиқиб боради деб,  
Тоққа етсам ўнгу сўлга қарай деб,  
Бир тарафда шаҳар бўлса кўрай деб,  
Мамлакат кўринса, шунга боради деб.  
Дардли қул дардини кимга ёради?!  
Айрилиқ ўтига бағри ёнади.  
«Худо!»— дейди, чўлда кетиб боради.  
Даврон сурар эди Оқтош элларда,  
Чўлдан ўтиб, не бир қия йўлларда,  
Азоб тортиб оша сувсиз чўлларда,  
Оёғи қабариб тошлоқ йўлларда,  
Тоққа яқин адир билан чўлларда.  
Шу замонда тоққа етиб боради,  
Мурод юриб тоғни ўрлаб жўнади.  
Қарамайди йўлнинг баланд-пастига,  
Душман тушар кам давлатнинг қасдига;  
Чиқсам, деб боради тоғнинг устига.  
Ёлғизман, тоғларда ҳолим не бўлар,  
Бу тоғда кўп бўлар ваҳши жонивор,  
Яёвлаб борар, қўлда кескир шамширлар,  
Не жондорлар бунга ҳамла қилади,  
Бир нечасин шамшир билан уради.  
Кескир яроқ тушди Мурод қўлига,  
Йўлиққанди жондорларнинг мўлига,  
Етолмайди одамзод манзилига,  
Чиқсам дейди юриб тоғнинг белига,  
Тушган-да бошига қайгули туман,  
Жондорлар қўйдайн сурлигиб келган,  
Ҳеч бир одам у тоғларга бормаган,  
Борган одам қайтиб юртин кўрмаган,  
Тоғ бошига энди яқин қолади,  
Ўзин Мурод жондорлардан қутқариб,  
Бир чўққи устига ўзин олади,  
Бу баланд чўққиға чиқиб қаради:  
Этакда кўринди дарёйи хунхор  
Шундайин мавж уриб ётган кўп сувлар,  
Кўринмас кўзига мамлакат, шаҳар,  
Бир кеча-бир кундуз турди барқарор!

«Энди қаён борай ёрим ахтариб,  
Мен кимга борайин дардимни ёриб?  
Яёв юриб, оёқларим қабариб,  
Бу чўққи бошида ҳолим танг бўлиб».  
Тоғ бошида фикр қилиб туради,  
Қай тарафга борарини билмади.  
Туриб ўйлаб кўрди, тоқат қолмади,  
«Кел-э, бу дарё билан борайин,  
Сувчи одам бўлса ундан сўрайин,  
Ёрим кетган тарафларга борайин,  
Энди бундай тоғдан тушиб жўнайин».  
Шундай қилиб, тоғдан тушиб йўл юриди.  
Тўқайистон ётган қамишни кўрди,  
Мазмуни дарёга яқинлаб қолди,  
Қамишни оралаб Муродхон борди.  
Тўқайдан чиқди-ю, дарёни кўрди.  
Сувларни кўрди-ю, кўп ҳайрон қолди.  
Дарёнинг бўйига бориб ўтирди,  
Юрар йўл йўқ, ҳисобини йитирди.  
Ётган сувнинг адатини билмади,  
Сўрагани ҳеч жондорни кўрмади,  
У ерларда одам насли бўлмади,  
Қай тарафга борарини билмади.  
Юрар йўл йўқ, ўз ҳолига тенгсалиб,  
Ҳар тарафга қараб у назар солиб.  
— Бу ерларда ҳеч бир одам бўлмаса,  
Қалайсан, деб менинг ҳолим сўрмаса,  
Энди дўстлар менинг ҳолим билмаса.  
Ўз юртимда қолди шаъну шавкатим,  
Қўлимда йўқ ул анжому давлатим,  
Кунма-кун зиёда бўлиб ҳасратим,  
Энди ўлсам, қолар бунда жасадим.  
Ўз юртимда мен ҳолимни билмабман,  
Элдан ҳамроҳ олиб йўлга чиқмабман,  
Энам билан розилашиб келмабман,  
Етарман, оларман дедим, йўл юрдим,  
Неча муддат қувиб, ёримни кўрдим,  
Бир кунлари етдим ёримни топиб,  
Ердан «роҳат» кўрдим, жаззамни топиб,  
Шикаст берди ёрим парли ўқ отиб,  
Йиқилди Муродхон қумларди қопиб.

Муродхон неча тун, неча кун йўл юриб, чўлдан ўтиб бир неча жондорларга йўлиқиб, қўлидаги кескир шамшири билан уларни

енгиб, бир катта тоққа етди. Тоғдаги ваҳший жониворлар Муродхонни кўриб, унга ҳамла қилди. Уларни ҳам кескир пўлат шамшири билан уриб, қолдан тойиб, базўр тоғнинг бир чўққисига чиқди. Уша ердан бир дарёни кўрди, дарё томон борди. Қараса, дарёнинг катталигидан ўтмоқнинг ҳисоби йўқ. Муродхон дарёнинг лабида бир кеча ётди, эртаси туриб ўйлади: «Бу ерда ётишнинг маъноси йўқ, бир илож қилиб дарёдан ўтмоқ керак!» деб қиличи билан қамишлардан ўриб олди.

Қамишни бураб, эшиб яхшилаб боғлаб, сол ясади. Аслаҳа-анжоми билан бу солга тушди. Қиличи билан бир ёғочни кесиб, қайиқни ҳайдайдиган бир белкурак қилди. Солни дарёга ташлаб, сол устига қайқайиб миниб олди. Ададсиз сувга кириб, қайиқнинг жиловини бўшатиб жўнаб кетди. Дарёнинг суви қаттиқ тўлқинланиб, мавж уриб, солни ҳар томонга чайқатиб турибди. Ана шунда Муродхон бир сўз айтиб кета берди:

Жонима раҳм айла дарёйи раҳмат,  
Сендан чиқсам бир кун ўлмай саломат,  
Ақлимни лол қилди бежо қавосат,  
Мени босиб бунда ваҳми қиёмат,  
Ёқам йиртиб мен йиғларман дод-дод,  
Қўл кўтариб ўқир эдим бу абёт,  
Бу дарёдан, тангрим, чиқар саломат!  
Оша юртда қолди ўсган маконим,  
Шу ғурбатга солиб бу гўзал — золим,  
Қавосатдан забун бўлиб аҳволим,  
Танимда омонат бу ширин жоним;  
Бу сўзни айтиб борар оқшом-кундуз.  
Кўнглига келганда айтади ҳар сўз.  
Ёр йўлига маҳкам белин бойлади,  
Ёримни олсам деб яхши ўйлади,  
Ёр учун Муродхон ўзин қийнади,  
Солини тўғрилаб сувда ҳайдади.  
Кеча-кундуз юриб дарёда кетди,  
Неча ой, неча кун орадан ўтди,  
Ҳисобласа уч ой, ўн кун юрибди,  
Бу сувнинг меъёрин билмай турибди;  
Кўнглидан ўтибди мамлакат, юртлар,  
Кўнглидан кетмайди ҳўб паризодлар.  
Ёридан умидин узмай бу шунқор,  
Дарёнинг четига яқинлаб борар;  
Кўнглида етгандай бўлиб қолади,  
Бир манзилга боргандай бўп туради,  
Дарёнинг тўлқини солни уради,

Сувнинг зарби билан бу сол кетди,  
Ақли шошиб Мурод ҳушин унитди,  
Қўринган ерлари кўринмай кетди,  
Сол айланиб бир зўр гирдобга етди,  
Уюримда сол айланиб турибди.  
Гоҳи вақтда соли ботиб кетади,  
Муродхоннинг оша ақлин элтади,  
«Бу уюрим мени такка тортади,  
Мендайин одамни бу сув ютади».  
Шу куни гирдобда бу йиғлаб ётди,  
Қоронғулик бўлиб, хуфтонга етди,  
Бир турли жондорлар пайдо бўлибди,  
У жондорлар Муродхонни кўрибди,  
Кулиб у дарёга кириб кетибди.  
Кўриб Муродхон ҳайронда қолди,  
«Бир аломат»— деди, кўнглини бўлди.  
«Одам оби»— деди, кўнглига келди.

Уюрумнинг бир тарафи баланд жар, бир тарафи катта уюрум сув. Сол айланиб шу жарга борди. Муродхон шу жарда осилиб турган янтоқлар томирини ушлаб қуруқликка чиқмоқ бўлиб, қўлини узатди. Қараса, янтоқ томирини бир каламуш тиши билан қирқиб турибди. Унинг устида бир йўлбарс Муродхонга қараб, шу одам дарёдан чиқса, ушлаб олиб олмадай отиб ўйнаб юраман, деб ҳайбат билан қараб турибди.

Муродхон буни кўриб, нима қиларини билмай туриб эди, шу вақтда бу уюрумда ётган катта бир балиқ қўзғалиб, туюқсиндан солни сув уриб, сол қўзғалиб, Муродхон қўрқиб, кўзини қаттиқ юмиб сол устида ўтириб қолди. Шунда қаттиқ тўлқин бўлиб, сол юқори кўтарилиб-пастига туша берди. Муродхон солнинг сув тагига тушиб кетганини ҳам, юқори чиққанини ҳам ёки сувда бораётганини ҳам билмади.

Бу тўполондан ўзини қутқариб, кўзини очиб қараса, сол сув юзидан бораётир. Кўрган гирдоблари тушга ўхшаб қолди. Кеч бўлиб, Муродхоннинг кўзи ўйқуга кетди. Кўзини очса, тонг отиб қолибди, сол дарёнинг ёқасига яқинлашибди. У солдан тушиб, яёв юриб, таги йўлга кирди. Ана шунда Муродхон бир сўз айтиб бораётибди:

Душман кўрсам, мен тортинмай савашдим,  
Мамлакатдан, ўсган юрдан адашдим,  
Мен билмайман қаерларга етишдим,  
Бир кун кўриб, суяр ёрдан адашдим.

Неча кун беклар билан шароб ичардим,  
Инъом бериб, танга-тилла сочардим,  
Бир ёрнинг кетидан ёлғиз тушардим,  
Ер азобин мен ҳам дунёда кўрдим.

Ерим деб ўйладим, дунёни кўрдим,  
Топарман деб юриб бағримни эздим,  
Ахтариб чўлларда кўнглимни буздим,  
Тоғларда юрдиму, дарёда суздим.

Булбулдай сайраган меҳрибонима,  
Ўлмасам етарман кетган ёрима,  
Қўл соларман етсам қордай тўшина,  
Қойил бўлдим дилбаримнинг ишина.

Муродхон ўз-ўзидан ўйлаб, ёрнинг юртига етгандай бўлиб, «Энди ўлмасам, яқин қолди, паризодимга яқинлашдим» деб этагини қайтариб, шамширини қўлига олиб, яёвлаб йўлга тушиб, «паризодим, қайдасан?»— деб кета берди.

Шу юрганича йўл юриб, Муродхон ўн беш кеча-кундуз йўл босди, оч қолиб. чарчаб-ҳориб, сувсиз чўлда сувсаб, бир Кўлқудуқ деган жойга келиб, ҳаракатдан кетиб беҳуш бўлиб йиқилди.

Кўлқудуқ шу мамлакатдаги элнинг қирқин қизлари ўйнайдиган жой эди. Қирқин қизлар кундалик одатлари бўйича ўйнаб келгани қудуқ бошига келдилар. Қирқин қизлар шундай қараса, қудуқнинг олдида бир навқирон ёш йигит беҳуш бўлиб ётибди. Баъзилари Муродхонни боғлаб олмоқчи бўлди. Бир хиллари айтди: — Қўйинглар, билайик, кўрайик, бу ҳушсиз бўлиб ётган экан, бунга дахл қилманглар,— дейишди. Бир хиллари айтди: «Бу — дилбар, яхши йигит экан, бунда бир иш бор!» деб ўйлашиб қолди.

Баъзилари Муродхонни яхши кўриб:— Бу дилбар йигит билан бирга ўйнасақ-кулсақ, олса — тегсак, ҳеч бўлмаса бир гаплашиб кўрсак,— деди. Қизлар Муродхоннинг атрофини ўраб, камардан балиқ топиб олган овчилардай севиниб, ғовуллашиб турибди.

Қизлар шўхлик қилиб, тегишиб туриб эди, биттаси айтди:— Бундай қилсак, йигит ҳушига келиб қолар, бизга бир ёмонлик қилар,— деб кўрқитди. Ана шунда қирқин қизлар Муродхоннинг қўлини орқасига тортиб бойлаб олди. Сўнгра Муродхонни туртиб, «жонинг борми?» деб уйғотди.

Муродхон ҳушига келиб қараса, кўп қизларнинг ичида турибди: «Бу кўрганим тушимми, ўнгимми?» деб сесканиб ўрнидан турди. Қараса, қўли боғлиқ. Шунда Муродхон қизларга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Паризодлар, сўрамадинг ҳолимни,  
Не сабабдан боғладинглар қўлимни?  
Гул юзли дилбарлар, бери кел энди,  
Ҳазил қилма, келиб ечгин қўлимди.

Не иш қилиб сенга бўлдим гуноҳкор?  
Ҳолимни сўрагин, гул юзли дилбар,  
Кейин турмай бери келинг, санамлар,  
Не сабабдан бунда бўлдим гуноҳкор?

Мени сўрсанг оша юртдан келаман,  
Қизларнинг зарбидан зулм кўраман.  
Жафо чекиб, бир ёр излаб бораман,  
Бойлабсизлар, мен ғафлатда қолибман.

Меҳрибонлик қилиб сўра ҳолимни,  
Қандай бўлса, қилманглар ҳеч зулмни.  
Келиб ечгин, қизлар, менинг қўлимни.

Кўп жафо қилгандир у паризодим,  
Кўп бўлди бошдан ўтган кулфатим.  
Сиздай қизлар бўлди бунда улфатим,  
Ечиб юбор, санам қизлар, қўлимни.

Баринг бирдай ҳурдай бўлиб турасан,  
Мен сўзласам, кулиб мазақ қиласан,  
Беҳуш чоқда бежой зўрлик қиласан,  
Қизлар, мenden нега ҳадик оласан?

Сизлар ҳам қайси бир элнинг гулшани,  
Санам қизлар, келиб ечгин қўлимни,  
Бир дарёдан чиқдим соғу саломат  
Келиб қўлларимни ечгин, паризод.

Оша юртга юрдим ўзимни чоғлаб,  
Олғир қушман, мен кетарман чарқиллаб.  
Учирган суқсурим бу ердан йўқлаб.  
Жамоллари менинг ақлим олибди,

Парвоз қилиб қайга учиб борибди?  
У суқсурим қандай гулга қўнибди?  
Унинг ишқи мени абгор қилибди,  
Ёнган ўтга менинг жоним солибди.

Жилваси жудаям ақлим олибди,  
Шу сабабдан ёр савдоси ғолибди.  
Тақдир тортиб бу ерларга келибман,  
Санам қизлар, келиб ечгин қўлимни.

Бу сўзларни қизлар Муродхондан эшитди. Бир Оққиз, ўрта бўйли чоқ қиз Муродхонга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Ғафлат босган сизни боғлаб олганмиз,  
Энди ечсак, ўсол бўлиб қоламиз,  
Шоҳ қошига сизни ҳайдаб борамиз,  
Хоним, ечиб бизлар нима қиламиз?

Қизларни, бегижон, нодон билмагин,  
Қўлинг ечсак, қабоҳат кун солмагин,  
Қандай бўлса, бизни аҳмоқ билмагин,  
Бу қизларнинг юзин тубан қилмагин.

Қора зулфим эшилгандир тол-тол,  
Ҳар толига берса етмас дунё мол,  
Қандай душман келса бўлар поймол,  
Бу сўзга бойловли хоним, қулоқ сол!

Биз элтармиз сени шоҳнинг қошига,  
Кўп савдолар тушар марднинг бошига.  
Бизлар сўрамаймиз сенинг ҳолингни,  
Дод айласанг биз ечмаймиз қўлингни.

Билмаймиз, кўнглингда нима гапинг бор?  
Олиб борсак, кўрар ул моҳи анвар.  
Сен борсанг, ҳолингдан бўлар хабардор,  
Ҳозир сенинг қўлинг ечмоқ на даркор?

Ой туққандай жамоллари балқ урар,  
Не гўзаллар унга бўлган харидор,  
Адо бўлмас ишққа бўлган гирифтор,  
Шоҳ қошига сени қилай сазовор.  
Албатта ҳолингни сўрар гажакдор.  
Беамр қўлингни ечмайди қизлар,  
Қўлқудуқда банди бўлиб муқаррар.

Муродхонни энди ҳайдади қизлар;  
Давлат кўнса бир чибиннинг бошига,  
Семурғ қушлар салом берар қошига,



Кўлқудуқда бекнинг қўлини бойлади,  
Муродхонни кўп канизлар ҳайдади.  
Муродхон шундайин бўлиб хизматкор,  
Қизларнинг қўлига бўлди гирифтор.  
Олдида боради шундайин шунқор,  
Кўзига кўринди кўшқу айвонлар,  
Ярқиллаб кўринди у манзил жойлар,  
Ярқиллаб турганди осмонда ойлар,  
Ҳар алвонда сайраб тўти, булбуллар,  
Намойишга шундай очилган гуллар,  
Жуда обод қизлар юрган манзиллар,  
Шу қизлар қўлига бўлиб гирифтор,  
Дарвозага етиб давлатли шунқор,  
Дарвозани очди шундай канизлар,  
Кўзи тушди ажойиб сарви нозлар,  
Ичкарига бирга-бирга киради,  
Кетган ёрга етишдим деб боради.

Муродхон канизларнинг олдига тушиб, шаҳарнинг ичига кириб.  
кўнглида: «Бу шаҳар менинг кетган ёримнинг макони экан. Шундай қилиб, бу қизлар шўхлик қилиб мени боғлаган экан», деб ўйлаб туриб қараса, олмалар пишиб, остига тушиб ётир. Гуллар очилиб, булбуллар бир-бирига чақ-чақ учуриб ётир, тўтилар сайраб турибди. Муродхон шундай йўл билан бора берди, йўлнинг икки томонига гуллар экилган. Йўлга майда қумлар тўкилган, устига сувлар сепилган.

Муродхон шу йўллардан бораётиб эди, олдидан бир олтин кўшқу ярқиллаб кўринди. «Албатта кетган ёрим шундай жойларда бўлади-да, бўлса», деди. Кўшқудан зулфига баҳосиз гавҳарлар таққан бир қиз чиқди. Муродхон кўрди: ойдайд тўлган юзи бор, қуралайдан кўзи бор. «Шу кўринган менинг ёриммикан?»— деб қаради, хаёли қочди.

Шунда у қизнинг ҳам Муродхонга кўзи тушди. Шунда кўшикнинг айвонига келиб, канизларга қараб бир сўз айтиб турибди:

Не сабабдан марднинг қўлини бойладинг?  
Нега, қизлар, бекни изза айладинг?  
Кўнглини чўқдириб бекни ҳайдадинг?

Ё сизларга беадаблик қилдим?  
Душман бўлиб сенинг йўлинг тўсдим?  
Гуноҳкор бўп қўлларингга тушдим?

Нега бундай бедаблик қиласан?  
Яхшиларнинг қадрин билмай турасан,  
Гуноҳкор қип, қизлар, ҳайдаб келасан?  
Сен эшит оймнинг айтган сўзини,  
Сарғайтибсан бекнинг қизил юзини.

Шу ишингга гуноҳкор бўп ўласан,  
Қизлар, менга югуриб хизмат қиласан,  
Бир мардни сарғайтиб, ҳайдаб келасан,  
Ёру дўстлар, топинг жойнинг адрини,  
Яхши одам билар марднинг қадрини.

Япасқи канизлар, изза берибсан,  
Бир мардни шундайин хафа қилибсан.  
Савол сўраб турди бу гул юзли дилбар,  
Айтар сўзин йўқотди қирқин қизлар.

Ечиб қўйгин, бекнинг кўнглин билайик,  
Бу кўшида бугун меҳмон қилайик.  
Кўнглидаги гапни ундан сўрайик,  
Олтин косаларда шароб берайик.

Эр йигитни ечиб қўйинг, халойиқ,  
Адашса бошқариб йўлга солайиқ,  
Нима ишда юрган экан, билайиқ,  
Ечиб қўйинг, бугун хизмат қилайиқ.  
Нима учун бунча жафо қилдинглар?  
Қўлин бойлаб, бекни хафа қилдинглар?

Бу сўзларни қизлар эшитиб, Муродхоннинг қўлини ечиб: «Бизлар сизга ҳазил қилиб эдик!» — деб кўнглини хушлаб, кўшига бошлаб олиб бориб, остига яхши палослар ташлаб, хизматда турдилар.

Оқилахон деган қиз бу мамлакатнинг подшоиси эди. Муродхоннинг олдига келиб, қўл узатиб кўришиб, сўрашиб, дастурхон ёзиб, ҳар турли таомлардан тортиб, кўп сийлади.

Муродхон буни кўриб: «Кўрган кулфатларим кетди, тақдир-насибам шу юртга тортган экан, уйланмасам ҳам уйлангандай бўлдим!», деб кўнглида ўйлаб ётди. Каниз қизлар ўзаро ҳазиллашиб айтади: «Бувишим шундай йигитни тополмай юрган экан, ўз оёғи билан келиб қолди, энди бу иккови топишиб олади, меҳмон йигит —эртага поччамиз бўлади!», дейишарди. Ана энди қирқин қизлар подшо қиз Оқилахон ва Муродхоннинг хизматини қилиб турибди.

Зарли-зарбоб кийим кийган канизлар жилвалар қилиб, Мурод-жоннинг олдига писта, руста, бодом, ҳар хил алвонда ноз-неъматлардан тортиб, зиёфат устига зиёфат, асал устига шарбат бериб, олтин косаларга шароб қуйиб, майлисни қизитиб ўтира берди. Муродхон хурсанд бўлди.

Муродхон Оқилахон билан ҳар ёқдан гаплашиб, қирқин қизларга ҳар турли сўзларни айтиб, димоғини чоғ, вақтини хуш қилиб ўтирди.

Эртаси Оқилахон қиз: «Меҳмон дамани олгандир, ҳордиғи чиққандир, энди ундан бир гап сўрай, нима мақсадда юрган экан?» деб Оқилахон Муродхонга қараб бир сўз деб турибди:

Сўзла, хоним, қай чаманнинг гулисан?  
Қайси боғнинг сайраган булбулисан?  
Отанг билан энанг жони-дилисан,  
Бу юртларда кимни излаб юрасан?

Тақдир тортиб бизга меҳмон бўласан,  
Сўзла, хоним, қайси юртдан келасан?  
Қайси юртда қолди ўсган элатинг?  
Аҳволингдан хабар бергин, бегзодим!

Оҳ урсанг чиқади фалакка дудинг,  
Кўп бўлади бошдан ўтган меҳнатинг.  
Аҳволингни билдир, жоним бегзодим,  
Кўринмайди сенга қилган хизматим.

Яёвлаб чиқдингми ўсган элингдан,  
Қаҳрлансанг, ҳар иш келар қўлингдан,  
Бир гап билан чиқибсан манзилингдан,  
Хабар бергин сен ҳам сирру ҳолингдан.

Остингда йўқ миниб юрган бедов от,  
Бир юртни сўраган сендайин бир зот,  
Хоним, сенга йўлиқдим паризод,  
Хабар бер, мард ўғлон, қайдан келасан?

Оқила дер: кулфатингни сўрайин,  
Кимни излаб чиқдинг, мен ҳам билайин,  
Қаддингга жонимни қурбон қилайин,  
Сўзла, навжувоним, қайдан келасан?

Номард қизлар кулиб баҳринг очдим?  
Бир қизнинг гузари шунда тушдим?

Жамолини кўриб ақлинг шошдимми?  
Гал бериб олдингдан туриб қочдимми?

Хабар бергин ўсган мамлакатингни,  
Билсам, дарак берай паризодингни,  
Яёвсан-ку, миндираман отимни,  
Кўп қиларман, хоним, таърифларингни.

Ёр ахтариб ғариб бўлиб келасан,  
Кўлқудуқда сен кўп изза бўласан,  
Кўлларинг боғланиб бунда келасан?  
Сенга қилган яхшилиқни биласан.

Оқиламан, жоним қурбон қилайин,  
Бошдан ўтган кулфатингни сўрайин,  
Кўнгилда бор сўзларингни билайин,  
Кўлдан келган яхшилиқни қилайин.

На сабабдан бунда бўлдинг афтода?  
Кўриб сени бўлди дардларим тоза,  
Бу қадди камолнинг юртга овоза,  
Сўзла, навжувоним, қайдан келасан?

Бу сўзни Муродхон Оқилахондан эшитиб, бу қизнинг сўзига шодхуррам бўлиб, ўз бошидан ўтган кулфатларни гапириб, бир сўз деб турибди:

Очилган баҳорда боғнинг гулиман,  
Мен чаманнинг сайраган булбулиман,  
Оқтош элда бир чўпоннинг ўғлиман.  
Вақти егиб отам дунёдан ўтди,  
Оқтошнинг подшоси юртни сўрабди,  
Бунинг ҳам бир куни даврони ўтди,  
Оқтош юрти бунда эгасиз қолди,  
Мендай мард у вақтда камолга етди.  
Давлат қуш учирди, парвоз қилибди,  
У қуш келиб менинг бошимга қўнди —  
Оқтошнинг тахтига мени миндирди.  
Мамлакатга юриб берди хабарни,  
Амалдор, сардорлар шикорни қилди,  
Мендай бек шикорда ҳамроҳ бўлди.  
Шундай вақтда олгир қушим давр олди,  
Бир чашма бўйида чинорга қўнди,  
Мен шунда от чопиб у жойга келдим,

Хуру филмон сифат бир қизни кўрдим,  
Жамолига ошиқ-шайдойи бўлдим,  
Хушим кегиб, шунда отдан йиқилдим,  
Хушим келиб тағи тахтимга миндим.  
Сулувман деганни мен йиғиб кўрдим,  
Хур сифат бир қизга мен дучор бўлдим,  
Шу қизни ўз никоҳимга олдим,  
Аввал писанд қилмай, иркилиб турдим,  
Сўнгра мен ўрдада жамолин кўрдим,  
Кўриб, ёрдан армон билан айрилдим.  
Шу дилбар эканин билмайин қолдим,  
Ҳам ёримдан, ҳам отимдан айрилдим,  
Бир бедовни миниб кейнидан тушиб,  
Мен ҳам келдим Қоратошда етишиб.  
Хуснини кўрмадим паризодимни,  
Танидим остида тўриқ отимни,  
Кўрган гуноҳимни ўтин қилар<sup>1</sup> деб,  
Эркак либос кийган зулфакдор ёр деб,  
Яна менга меҳрибонлик қилар деб,  
Яқинладим, элга қайтиб борар деб.  
Кўрганда қолмайин менинг тоқатим,  
Кўнглига оғир олди у паризодим.  
Яхшилик қилар деб эътиқод этдим,  
Муроднинг ниятин билмади ёрим —  
Ўққа тутиб менинг отимни отди,  
Минган бедовимни чўлда сулатди,  
Яёв қилиб, менга қарамай кетди,  
Иза бериб менга паризод кетди,  
Бошима ортдириб қайғу-кулфатти,  
Кейинидан ахтариб яёв йўл тортдим;  
Бир тоғдан ошдим-да, дарёни кўрдим,  
Дарёга кеп отнинг изин йитирдим,  
Қамишдан сол қилиб дарёга кирдим.  
Уч ой, ўн кун умрим сувда ўтказдим,  
Омон-эсон юриб дарёдан чиқдим,  
Ўн беш туну куни билан йўл юрдим,  
У дарёда юриб кўнглимни буздим,  
Вомиқдай айрилиб, кўз ёшим тиздим,  
Узродай ахтариб дарёни юздим.  
Беҳол бўлиб Кўлқудуқда йиқилдим,  
Ўзимни бойловли, қизларни кўрдим.  
У ғафлатда қизлар қўлим боғлади,  
Банди қилиб канизларинг ҳайдади,  
Мен келдим қошингга бўлиб гуноҳкор,

<sup>1</sup> Утин қилмок — кечирмок.

Бир яхшилик қилдинг, гул юзли дилбар.  
Сабил қилиб чиқдим ўсган юртимни,  
Отини билмайман паризодимни.  
Девона бўп кездим бунда чўл юриб,  
Мен сенга йиғлайман дардимни ёриб,  
Қайга борай кетган ёрни ахтариб?  
Сўз сўрар Муродхон сенга ёлвариб.  
Жафо кўриб юрдим азобли чўлни,  
Излаб топарманми очилган гулни,  
Билмайман, паризод, у юрган элни,  
Юрсам топарманми шундай булбулни?  
Билмайман аҳволим менинг не бўлди,  
Бетайин савдога бошимни солди.  
Ўз элимда шоҳлик шавкатим қолди,  
Ер ахтариб менинг ҳолим не бўлди?  
Ерим кўриб бунда шодмон бўлмасам,  
Шундай қиздан нишон олиб қолмасам,  
Сўраб борай десам, шаҳрин билмасам,  
Бу юриш поёнин ўзим билмасам.  
Ўйлаб турсам, менга мотам-қиёмат.  
Сўзимни эшитган қилар маломат.  
Бу сўзларни англаб билгин, паризод,  
Гадой бўлдим, қўлдан кетганди давлат.

Шунда Оқилахон қиз Муродхондан бу сўзларни эшитиб, Муродхонга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Сўз айтади, хоним, мендайин жонон,  
Излаб борган ундан топмайди омон,  
Бежо ишққа дуч бўлибсан, бегижон,  
Хуснин кўрсанг, офтоб талъат-хиромон.  
Сендайин нечовлар югуриб юрган,  
Афсарнинг қўлида не беклар ўлган.  
Излаб бориб ундан кимса келмаган,  
Афсар дев у қизнинг хизматин қилган.  
Неча марднинг у дев бошини олган,  
Бизлар билан ёринг бўлган қадирдан,  
Неча марта бизнинг маконга келган,  
У қизнинг ишқида нечовлар ўтган.

Ҳеч ким йўқдир ундан омон қутилган,  
Шаҳрининг отини сўрсанг, Гулистон,  
Юрар манзилидир боғу бўстон,

Оти Орзигулдир, ўзи хиромон,  
Ҳар ким кўрса, қилар жонини қурбон.

Кеча-кундуз юрти бозор бўп турган,  
Пардасин кўтарса, қушлар йиғилган,  
Жамолин нурига эл бозор қилган,  
Жамолин кўрганлар тентак бўп қолган,  
Кўп одамлар ҳисобини йитирган,  
Усал ишққа дуч бўлибсан, бегижон.

От чопса гумбирлар тоғнинг дараси,  
Ботирни инграган найза яраси,  
Сўзимни онглагил, Оқтош тўраси,  
Уч ойлик йўл қолди бунинг ораси.

Насиб бўлса бу манзилдан жўнарсан,  
Афсар девдан омон қолсанг, кўрарсан,  
Бадбахтга дуч бўлсанг, нобуд бўларсан,  
Афсар девдан омон қолсанг, оларсан.

Афсар дев ҳам сендай гирифтор бўлган,  
У қизнинг жамоли ақлини олган,  
Не хизмат буюрса, югуриб, қилган,  
Афсар девдан хабардор бўл, бегижон,  
У бадбахтга дучор бўлсанг, ўласан.

Узоқ элдан жафо тортиб борасан,  
У бадбахтга дучор бўлсанг ўласан,  
Ҳарна қисмат ёзилганин кўрасан,  
Армон билан қаттиқ кунга қоласан.  
Уч ой юрсанг, ёр юртига етасан,  
Орзигулнинг вафосини кўрасан,  
Олсанг, омон-эсон қайтиб келасан,  
Бир кеча қайтадан меҳмон бўласан.

Миндирай остинга бир тулпар отни,  
Қадринг билиб, шундай қилай хизматни.  
Меҳмоним, яёвлаб кетмоқ уятдир,  
Узатиб қайтсангиз у паризодни,  
Ер билан бошқатдан қилиб суҳбатни,  
Кўнгилдан чиқариб ғубор, кулфатни.

Муродга кўрсатди бу мамлакатни,  
У паризод шундай қилди хизматни.

Бу сўзларни Муродхон Оқилахондан эшитди. Ёрининг олдига боришга белини боғлади. Оқилахон шу кунни Муродхонга ўзининг бор канизларини, чорбоғларини, хазинасини кўрсатди. Шаҳарнинг паст-баланд кўчаларини тамоша қилдирди. Муродхон шу кеча ётиб, вақтини хушлаб, димоғини чоқ қилди.

Тонг отди. Кун чошка ҳаддига етди. Оқилахон қирқин канизларига буюрди: — Қора қашқа тулпарни эгарлаб келинглар! — деди:

Қирқин қизлар ўзаро кулишиб айтади: — Бу йигитдан бувишим айрилмай, жуда қилди эътиқодни.

Бошқаси айтади: — У йигит писанд қилмай юрибди; Оқилахон бўлса, оёғи олти, қўли етти бўлиб, дунё топгандай кўп сўзлашадди, — деди. Яна бири айтди: — Подшо қизнинг шу йигитга кўнгли бор. Бу икковининг ваъдаси бор. «Мени олади», деб жўртгага отини бериб юборади. Қайтарда икки бошдан мени олади деб умид қилади, — деди.

Қирқин қизлар кула-кула сўйлашиб боради. — Бувишимизнинг айтганини қилайик, бу йигитни куёв қилиб олайик, бу йигитга юрт эгасини берайик, тўйларини қилайик, икковини бир-бирига яқинлаштириб турайик! — дейишди. Қирқ кизлар ҳаммаси жам бўлиб, шундай деб сўзлашиб, кулишиб отнинг олдига борди. Отни яланғочлаб, қашлаб, сипириб-сидириб, кўп қизлар отни ўртага олиб: «Ундай қил, бундай қил!» — деб шовкин-сурон қилишиб, отни безай бошладилар.

Қирқин қизлар отнинг устига тилла, зарли-зарбоб абзалларни солиб, турли тилла пўпакларни тақди, ҳар турли каштали тилла сувини югиртган давирларни солди. Тилла эгарни отнинг белига қўндириб, ростлаб, ҳаммаси отнинг жиловини ушлаб, бора берди. Бу тулпар от безакларини кўриб, «мени бир шунқор минар экан», деб осмонга қараб анғишлаб сапчиб, думини тикка қилиб, ўйноқлаб бора берди. Муродхон бу отни кўриб, димоғи чоғ бўлди.

Шунда Оқилахон хазинасини очдириб, турли қимматбаҳо сарполардан олдириб, Муродхонга кийгизди. Қўлига тилла дастали камчини тутқизди, яхши испиҳони шамширларни ҳам берди.

Шунда Муродхоннинг баҳри очилиб, кўнглидаги топилиб, отнинг парвоз қилиб ўйнаб турганини кўриб, манглайини силади. Қизлар узангини босиб, Оқилахон Муродхоннинг қўлтиғидан суяб отга миндирди. Муродхон отга минди, Оқилахондан димоғи чоғ бўлиб: «Ўлмасам, Орзигул ойимга етдим!», деб кўнглида ўйлади. Шунда Муродхон отга миниб олиб, Оқилахонга қараб: — Фотиҳа беринг, — деб бир сўз айтиб турибди. Ана энди Муродхон билан Оқилахоннинг бир-бирларига айтаётган сўзи:

Муродхон — Созандалар созин чертар қўл билан,

Ёмон одам куйдиради тил билан,



- Қайта бошдан, дилбар, сендан сўрайман,  
Мен кетаман энди қайси йўл билан?
- Оқилахон — Жилва қилиб, марднинг ақлин олади,  
От белига минган сиздай тўради,  
Хоним, сенинг ақлинг шошиб боради,  
Тарбият қип қизлар йўлга солади.
- Муродхон — Мендай йигит Оқтош элдан келади,  
Қайта бошдан менга давлат қўнади,  
Қани, йўлга солсин гул юзли дилбар,  
Қани менга йўл бошлагич кўп қизлар,  
Тарахҳум қип, йўлга солсин канизлар,  
Адашган ошиқлар бир-бирин излар.
- Оқилахон — Хоним, энди сабр қилиб турарсан,  
Улмасанг дунёда даврон сурарсан.  
Кечга қолмай, қичов билан борарсан,  
Насиб бўлса, сен ёрингни оларсан,  
Ёринг билан бирга ўйнаб-қуларсан,  
Хафа бўлма, хоним, энди жўнарсан.
- Муродхон — Фурсат йўқдир, турмай бундан жўнайин,  
Олмос пўлат қайраб белга чалайин,  
Душман кўрса, қайтмай саваш қилайин,  
Кечга қолмай, кетган ёрга борайин,  
Жавоб бер, гул юзли, энди жўнайин,  
Шу шавкатман бориб ёрни кўрайин.
- Оқилахон — Миндирдим остингга бу тулпаримни,  
Оралаб кўрсатдим кирди-коримни,  
Бориб кўрсанг агар кетган ёрингни,  
Унитмагин мендай бу дилбарингни.
- Муродхон — Хафа бўлма, дилбар, бундан борарман,  
Ёрим олсам, ҳаялламай келарман,  
Сенинг амринг билан элга борарман,  
Бу қилган хизматинг ўрин қиларман.  
Хафа бўлма, дилбар, ўзим биларман,  
Йўл бошла, нозанин, энди жўнарман.
- Оқилахон — Тарахҳум айлади гул юзли дилбар,  
Жиловини тутинг, турган канизлар,  
Хонимга йўл бошланг, соҳиб тамизлар,  
Шаҳардан чиқариб йўлга солингллар.

Ана шунда Муродхон от устида туриб, Оқилахондан жавоб сўради. — Фотиҳа беринг, — деди. Оқилахон қирқин қизлар билан бирга бекка фотиҳа берди. Қирқин қиз Муродхонни шаҳар дарвозасидан чиқариб, йўлга солиб, омонлашиб, Муродхонга қараб бир сўз деб турибди:

Унитма бувишинг қилган ишини,  
Яхши йўлга солдик сиздай кишини,

Остингда ўйнайди араби тулпар,  
Бўлиб кетдинг сен бировга харидор.  
Қайтиб келсанг Оқилахон иши бор,  
Шунда бўлар бу канизлар хизмоткор,  
Ўйнаб-кулиб, хоним, жуда яхши бор.  
Сен кетдинг, бувишим бунда беҳарор,  
Келганча йўлингга бўлиб интизор,  
Қайтадан қуйилиб келгин сен шунқор.  
Бундан борсанг, сен ёрингни оларсан,  
Ярқиллаб, султоним, бир кун келарсан.  
Олғир қушдай бир чағасга қўнарсан.  
Аладсиз давлатга эга бўларсан.  
Рости шулдир: Оқилахонни оласан,  
Ойимнинг кўнглини шунда биласан,  
Шунда бўлар сипоҳилик шавкатинг,  
Ёр ахтарсанг тоша келар ғайратинг!  
Қўлга тегса излаган паризодинг,  
Бувишим билан бўлсин келиб суҳбатинг.  
Хазон бўлиб боғда гуллар сўлмасин,  
Сўлган гулга булбул келиб қўнмасин,  
Хаёлингга бошқа сўзлар бўлмасин,  
Ўзга шумлик ҳеч кўнглингга келмасин.  
Сен эшитгин қирқинларнинг додини,  
Сенга миндиргандир тулпар отини,  
Хафа қип кетмагин паризодини,  
Ойим бўлсин сиздай бекнинг хотини.  
У паризод яхши кўриб қолганди,  
Сизга айтолмайин ибo қилганди,  
Кўнглидагин бу канизлар билганди,  
Ўлганча йўқлайди сиздай султонни.  
Аслаҳа-анжоминг безаб тузатди,  
Шаҳардан чиқариб қизлар узатди,  
Юрар йўлни Муродхонга кўрсатди,  
Тимсол қип канизлар кўп сўзни айтди.

Шунда Муродхон қирқин қизлар билан омонлашиб, қизлар кўрсатган йўл билан жўнаб кетди. Қирқин қизлар орқага қайтиб, Муродхоннинг таъриф-тавсифини қилиб, шаҳарга қайтди. Оқилахоннинг олдига бориб: — Хоним, бизлар меҳмонни жўнагдик, меҳмоннинг кўнгли сиздан тўлди, ахтарган, ёрини омон-эсон олса, қайтиб келмоқчи бўлди, сизни келиб кўрмоқчи, бир-икки оқшом қолиб, сиз билан суҳбат қилмоқчи бўлди. Унинг кўнгли сизда бордай бўлиб, орқасига қайрилиб қарагандай бўлди. Сизнинг меҳмонингиздан бизларнинг кўнглимиз тўлди, — деб Муродхонни мақтаб гапирди.

Бу сўзни Оқилахон эшитиб, димоғи чоғ бўлди: «Муродхонни яхши меҳмон қилдим. Бу қилган яхшилигимни билар, ўлмаса, тайин келар!» — деб пардоз-андоз қилиб ёта берди. Қизлар ва Оқилахон ўз шаҳрининг сариштасини қилиб ёта берди.

Ана энди Муродхон йўлга тушиб, «Орзигул ойим, паризодим, қайдасан?» деб кета берди. Йўлда бораётиб шу сўзларни айтди:

Оҳ урганда кўздан оққан ёш энди,  
Эсон бўлсак нелар-кўрар бош энди,  
Адашганман, ёрни излаб бораман,  
Йўлга солган қирқин қизлар, хуш энди.  
Оқилаойим оша қилди хизматни,  
Кўтариб бошимдан ғами кулфатни,  
Яёв эдим, миндирганди бу отни,  
Неча кунлар қилди у тарбиятни.  
Мени шодмон қилиб бундан жўнатди,  
Шаънига айтарман кўп таърифотни.  
Ёмон кунда менинг қадрим билибди,  
Хизмат қилиб, менинг ақлим олибди,  
Қирқин қизлар яхши йўлга солибди.  
Зар қадрини заргар билар дегандай,  
Биз билан қадирдан бўлиб қолибди.  
Сафар қип отландим, кўп узоқ йўллар,  
Остимга минганим — қиз белли тулпар,  
Барча қизлар Оқилага хизматкор,  
Менинг излаганим пари зулфакдор,  
Мен келганча дуода бўл, санамлар,  
Оқилага салом айтгин, жон қизлар,  
Қилган яхшилиги кўнглимда турар,  
Бу сўзни айтиб йўлга кирди зўрабор.  
Адашган — ошиғин излайди доим,  
Остимда паризод берган тулпарим,  
Кўнглимда бир зарра қолмай ғуборим,  
Қўлимга келгандай бўп кетган ёрим.  
Ёримни ахтариб йўлга кираман,  
Тахти жаҳонимдан кечиб бораман.  
Кетган ёрни, насиб қилса, оламан,  
Оша юртга ёрим излаб бораман.  
Баҳорда очилиб энди тоза гул,  
Гулни кўрса, маст бўп сайрайди булбул,  
Ёрнинг оти экан, билдим, «Орзигул».  
Сўрамабман, қандайин шоҳнинг қизи.  
Устида кийгани кимхоб қирмизи,  
Мени эритади сўзлаган сўзи.

Чўлда бораётир Муродхон ўзи,  
 Гулистон шаҳрини бориб кўрсам деб,  
 Орзигулман унда даврон сурсам деб,  
 Кеча-кундуз қистаб йўлни олсам деб,  
 Орзигулни тезроқ бориб кўрсам деб,  
 Шундай ёрнинг шакар лабин сўрсам деб,  
 Ўнггай келса, мен бағримга олсам деб,  
 Шердай чалқиб мен ҳам шунда юрсам деб,  
 Шунча йўлдан излаб келдим, билсанг деб,  
 Афсар девнинг тандан бошин олсам деб,  
 Ё кўринса, шундай ғайрат қилсам деб,  
 Душман йўлда бўлса, додин берсам деб,  
 Зўрлиғим юртига маълум қилсам деб,  
 Бу йўлларда қичаб кетиб боради,  
 Неча тоғдан шунқор ўтиб боради.  
 Муродхон чўлларда қилди ғайратни,  
 Кеча-кундуз қичаб чўлда йўл тортди,  
 Мурод излаб Гулистондай бир юртни,  
 Ахтариб у гўзал паризодини.

Муродхон тўққиз кеча, тўққиз кундуз йўл юрди, катта бир тоғнинг олдига келди. Тоғнинг бошига чиқиб: «Қандай бўлар экан? — деб уёқ-буёққа қараб, муртани бураб, узангига оёғини тираб, оғзи анграйиб, бурни шанграйиб, — қайси йўлга борсам тезроқ етарман?» — деб ўйлаб суқсурдай бўйлаб, ҳар ёқни пойлаб, фаросат билан қаради.

Отининг бош-кўзини силади, йўлнинг ўнггайин кўзлади, шундай қараса, бир йўл кўринди, бир ёғи чўлистон, бир ёғи тўқайистон. Шу йўлнинг бир ёғида бир тўполон-тўзон кўриниб турибди.

— Чу, ҳа! — деди, қайсар чўлда тортди.  
 Қистар минган тўбичоқни  
 Яқин қилмоққа узоқни.  
 — Тоза бўлган менинг дардим,  
 Қўзга дори пойи гардинг,  
 Қайда бўлур, дилбар, юртинг  
 Излаганим паризодим,  
 Йўлларнинг танобин тортгин,  
 Назаркарда тулпар отим,  
 Оқила сени миндирган,  
 Сенсан менга ҳамдам бўлган.  
 Ёр йўлида меҳнат қилган,  
 Қирқин қизлар сайис бўлган,  
 Ём ўрнига кишмиш берган,

Таблада шамлар ёқтирган,  
Абжўш нағалларни қоқтирган,  
Неча қизларга боқтирган,  
Хурмат қилиб, бизга берган,  
Олис юртга йўлдош бўлган,  
Кокил ташлаб юргин ҳайвон,  
Сўз сўзладим неча алвон.

Муродхон шу йўлга мойил бўлиб, тоғдан тушди, отнинг боши-  
ни шу томонга бурди.  
Муродхон йўлда бораётир:

Муродхон кўнглида шундай ўйлади,  
Шу тўзон устига отин ҳайдади,  
«Таваккал», деб белин маҳкам боғлади,  
Отни «чуҳ!» деб шу томонга йўллади.

Ҳаво ёғмай, халқоб сувлар лойлансин,  
Ҳар ерда душманнинг қўли бойлансин,  
Қокилингдан мендай хонинг айлансин,  
Ҳайволаниб учган суқсур шайлансин.

Нима гап бор экан, бориб билайин,  
Душман бўлса, сирини фош қилайин,  
Бежой қора тутун чиқар осмонга,  
Не гап борини бориб билайин.

Кўргунча бўлмайин сабру қарорим,  
Қаватимда йўқдир ҳеч ғамгузорим,  
Сен ҳам менга йўлдош бўлган тулпарим,  
Албатта, тўзонда бирор ҳикмат бор,  
Шу тўзонга мени етказ, жонворим.  
Қаба фалак кунда алвон дўнаман,  
Хилидан айрилган лочин бўламан,  
Қайда ғубор бўлса, бориб қўнаман,  
Девми, паризодми, бориб биламан,  
Ёр йўлида бошим бериб бораман.  
Тўқайистон кўлда кетиб боради,  
Гоҳи чўлга, гоҳи кўлга қаради.  
Шердай бўлиб йўлда кетиб боради,  
У тўзонга энди яқин қолади.  
Қора тутун мамлакатни олади,  
Қавосатли ерга кетиб беради,  
Шундай бўлиб Мурод ўғлон йўл тортди,

Тўзоннинг қошига яқинлаб етди.  
Бу ажойиб ишни Муродхон кўрди,  
Бедов отга зарб билан қамчи урди,  
Оти юрмай кейин иркилиб турди,  
Муродхон шу вақтда ҳайрон қолди,  
«Чу!» — дейман, жайрағир, бир бало бўлди,  
Мен билдим кўнглингга бир шумлик келди,  
Паризоднинг берган оти, не бўлди?  
Муродхон отга қилди шиддатни,  
Отга ботмай қамчи, кейинга кетди.  
— Не сабабдан, бедов, бундай қиласан?  
Иркилиб, жонивор, кейин борасан,  
Қандайин душмандан ҳадик оласан?  
Мендайин мардларни номард билмагин,  
Иркилиб, чўлларда ғариб қилмагин,  
Душман бўлса, зинҳор ҳадик олмагин,  
Сен ҳайвонсан, юрар йўлдан қайтмагин,  
Бу йўлларда менинг кўнглим хушлагин.  
Қулоқ солгин мендай марднинг тилига,  
Мени еткар бу тўзон манзилига,  
Бу сўзни бедовга Муродхон айтди,  
Оёғидан ўт чақнаб, бедов йўл тортди.  
Бир ажойиб чўққи бунга кўринди,  
Ён-атрофи бари тўзон қуюнди (р),  
Юрмоқлик бедовга оша қийинди.  
Мурод ўғлон аломатни кўради,  
Ҳарчанд бедов отга дарқиб туради,  
Урган билан бирор қадам босмади,  
Бу қора тулпарда тоқат қолмади.  
Нима эканини Мурод билмади,  
У дарднинг устига бу дард зиёда,  
Отдан тушиб Мурод бўлди пиёда.  
— Қани, бу тўзонга ўзим борайин,  
Қандай жондор экан, англаб билайин,  
Яёвлаб бормоқни шунқор ўйлади,  
Бедовини йўл устига бойлади.

Муродхон яёв юриб, испиҳони пўлат қиличини қўлига олиб, тўзон томонга бора берди.

Муродхоннинг излаган ёри «Муродхон излаб келар» деб умид қилиб, Афсар девни шаҳарлан чиқариб, шу тўқайстоннинг четига тайинлаб қўйган эди.

Бу Афсар девнинг одати қизиқ эди. Бир юрса, олти ой йўл юрар эди. Бир ухласа, олти ой турмай ухлар эди. Девнинг уйқуси ке-

либ, ухлаб ётган эди. Нафас олганда оғзи-бурнидан чиққан бу тугундай бўлиб бурқиб чиқарди, тўрт тарафга тўзон бўлиб кетган эди.

Муродхон бу девни кўриб, яқинига бориб қўрқиб, сесканиб кетди. Девнинг уйқуда ётганини билди.

Муродхон кўнглида айтди: «Бу уйғонса, мени кўрса, бу билан урушсам, қўлимдаги яроқлар кор қиладиганга ўхшамайди. Ота-болалардан қолган бир нақл бор: «Балонинг тошида бўлгунча, ичида бўл!» деб, тез юриб борайин, ё тирик қолайин, ё бундай сарсон бўлиб юргунча ўлиб кетайин», деб дев Афсарнинг олдига борди. Борса, дев хурракни баланд тортиб ухляпти. Оғзидан чиққан дамига кўлнинг қамишлари дам туриб, дам тебраниб турибди.

Муродхон қараса, девнинг танаси тепадай, калласи қападай бўлиб ётибди. Муродхон ўйлаб фикр қилди. Бу дев уйғонса, баравар бўлолмаслигини билди.

Муродхон кўрди, дев дамини олганда, бир кўк каптар оғзидан чиқади, дамини тортса, яна оғзига кириб кетади. Муродхон айтди: «Бурунги қариялар айтар эди: девнинг жони танаси бўлмайди. Бир урсанг ўлмаса, тагин бир урсанг, тирилиб қадимги тарзига кела беради. Ерга қони томса, ҳар қатра қонидан яна дев пайдо бўла беради. Бу девга қилич солмайин, балонинг олдини олайин, мен ғафлатда қолмайин, бунинг қўлига дучор бўлмайин, бекорга ўлиб кетмайин, эҳтиётимни қилиб, ўз билганимдан қолмайин», деб ўйлаб турибди.

Муродхон шундай қараса, Афсар дев жуда қаттиқ ўхлаб ётибди. Ёттита калласи бор. Бир калласини кўрган одам тоқат қилолмайди.

Муродхон: «Бунга астойдил урунмасам бўлмайди», деб кучини йиғиб, билагини шимариб, этагини қайтариб, чаққон-абжир бўлиб, шу каптарни пойлаб турди. «Ухлаган чоғида бунинг жонига чанг солмасам бўлмайди», деди.

Муродхон пойлаб туриб, девнинг оғзидан чиққан кўк каптарни маҳкам ушлаб олди, қўйнига солди. Дев тебраниб, кўзини очди, бурнини уқалади. Муродхон бўлса, каптарни қисиб, қўймай ушлаб турибди. Девнинг ақли шошди. «Бошим, юрагим, вой жоним!» — деб, дев Муродхоннинг оёғига йиқилди. Буни кўриб Муродхоннинг вақти хуш бўлди. Ана шунда Афсар, Муродхонга ялиниб, жон талвасасида бир сўз деб турибди:

Жон борида яратганга рост бўлдим,  
Бу ғафлатда чўпу хасдан паст бўлдим,  
Худони ўртага солдим, дўст бўлдим,  
Армон билан билмаганим билдирма.  
Ханжар уриб, бағрим қонга тўлдирма,

Мен ҳам кераклиман, дўстим, ўлдирма.  
Қайга амр қилсанг, ўзим борарман,  
Қандай хизмат бўлса, ўрин қиларман,  
Жон борида хизматкоринг бўларман,  
Муштдай каптар бўлиб қўлда турарман.  
Бир қисиб юборсанг, дарров ўларман.  
Ўлдирмагин, хизматкоринг бўларман.  
Одамзодсан, менинг ҳолим биласан,  
Хабар бергин, қайси юртдан келасан?  
Жон дўстим, сен кимни излаб юрасан?  
Хабар бергин, қайси юртга борасан?  
Тулки, шағал кулар менинг ҳолимга,  
Миннатдор бўп, сўз айтарман шаънингга,  
Азоб берма қўлингдаги жонимга,  
Сен сўйласанг, тушунаман тилингга,  
Ғафлат билан тушдим сенинг қўлингга,  
Етказарман сўраган манзилингга.  
Вақтин топиб, жоним қўлга олибсан,  
Мени ўлдирсанг, кўп пушаймон қиласан,  
Сўнгра менинг қадримни сен биласан,  
Мен ўлган сўнг, кўп пушаймон қиласан.  
Мен йиғлайман аҳволимга зор-зор,  
Жоним дўстим, сенга айтар арзим бор,  
Не савдога, дўстим, бўлдинг гирифтор?  
Сен буюргин, мен бўлайин хизматкор.  
Ўтар дунё ўтарини ўйлагин,  
Ёлғон қўйиб, рост сўзларни сўйлагин,  
Кўнглингда борини баён айлагин,  
Шумлик қилмай, менга тўғри сўзлагин.  
Бир гап билан менинг ақлим оласан,  
Қайси юртни сўраб турган тўрасан?  
Хабар бергин, қайси элдан бўласан?  
Афсар девни хизматингга соласан.  
Жоним дўстим, хаёлингни бўлмагин,  
Албатта, сен мени нобуд қилмагин,  
Дўстим, мени тагин номард билмагин,  
Парвариш қил, каптарни нобуд қилмагин.  
Сен мени ўзингга душман билмагин.  
Афсар дўстинг, билсанг, бунда зўрабор,  
Ғайратимдан тоғлар бўладир талқон,  
Деву одам келса, зарбимдан яксон.  
Бек дўстим, мен сира бўлмайман душман.  
Гумон қилдим, сен бўлмагин Муродхон!



Шунда Муродхон дев Афсардан бу сўзни эшитиб, сирри ҳолини баён қилиб, дев Афсарга қараб бир сўз деб турибди:

Оҳ урсам, тўкилар кўзимнинг ёши,  
Кажга айланган шум фалак гардиши.  
Илойим қурисин бир қизнинг иши,  
Ақлимни олган бир шаҳар бувиши.

Мени билсанг, Оқтош эдан келаман,  
Гулистон шаҳрини сўраб бораман,  
Орзигулнинг харидори бўламан,  
Тоғлар ошиб, сувлар кечиб келаман.

Шул сабабдан меҳнат тортиб келаман,  
Тушарсанми мендай марднинг тилига,  
Етарманми мен ҳам ёрнинг элига,  
Кўзим тушса дилбарнинг манзилига.

Қани, сенинг хизматингни билайин,  
Гулистонга бошлаб боргин, кўрайин.  
Ёр йўлида кўрсам бошим берайин,  
Хизмат қилиб мени еткар, кўрайин.

Ишонтиргин, сўнгра сени қўяйин,  
Ишонмасам, сени мен ўлдирайин.  
Бошинг кесиб, тананг ташлаб кетарман,  
Ўзим юрсам, Гулистонга етарман.

Сенинг билан аҳди-паймон қиламан,  
Ёр азобин узоқ чўлда тортаман,  
Ёрни топиб, элга олиб қайтарман,  
Сўнгра билиб, жонингни бўшатарман.

Бу сўзни Муродхондан дев Афсар эшитди. Девнинг кўнглига келди: «Бу, Гулистон шоҳининг қизига ошиқ бўлган экан, бу менинг уйқуда — гафлатда чоғимда ишимни қилган экан. Бу, менинг ошиқ бўлган паризодимга ошиқ бўлиб, шуни излаб келган экан. Нима қилай энди, менинг паймонам тўлган экан», деб Муродхонга Афсар дев сирри ҳолини айтиб бир сўз деб турган экан:

Ёр ахтариб йўл азобин кўргансан,  
Оқилага келиб меҳмон бўлгансан,  
У манзилдан бир бедовни мингансан,  
Насиб тортиб бу ерларга келгансан.  
Сени билдим — Оқтош юртнинг тўраси,  
Олис йўлдор бу шаҳарнинг ораси,

Беҳуда отлашиб ҳалок бўлмагин,  
Наша чекиб, аҳмоқ бўлиб кулмагин.  
Бу йўлларда сарсон бўлиб юрмагин,  
Етолмайсан, бекор ҳалок бўлмагин,  
Сўзлаган сўзимни ҳазил билмагин,  
Аё дўстим, сўзим ёлғон билмагин:  
Боролмайсан Гулистоннинг элига,  
Хатарли ер кўпдир ёрнинг йўлида,  
Тушиб қолма айёрларнинг қўлига,  
Бир яхшилик, дўстим, сенга қилайин,  
Мени ҳурмат қилсанг, мен ҳам билайин,  
Бир паланг отим бор, сенга берайин.  
Шу биледи Гулистоннинг йўлини,  
Миниб борсанг, қилар ёрнинг корини.  
Девларнинг устаси йиғилиб келган,  
Неча ой, неча йил хизматим қилган.  
Усталигим жаҳонга маълум бўлган;  
Тут ёғочдан уни қийиб эндирган,  
Усталик ҳунарин менга билдирган,  
Пўлатдан қилганди унинг мурватин,  
Тилладан югуртиб қилган қонотин,  
Паланг отда бордир илму ҳикматим,  
Шуни мийсанг, кўп бўлади қувватинг,  
Сўнгра келар қўлга у паризодинг.  
Ўз отингдан ҳосил бўлмас мақсадинг,  
Шу бўлди, бек дўстим, сенинг ҳурматинг,  
Минсанг, яқин бўлар Гулистон юртинг,  
Қўлга келар гал берган паризодинг.

Бу сўзларни эшитиб, Муродхон дев Афсар билан жон аяшмас дўст бўлди. Девнинг ҳам, Муродхоннинг ҳам кўнгли тўлди. Бир-бирига панд бермаслигини англашди. Сидқидил билан онт-қасам ичишиб, иккови бир-бирига қаттиқ ваъда беришди.

Дев айтди: — Дўстим, энди мени ҳалак қилмагин, мени шарманда қилиб, эргаштириб бормагин. Мен Орзигул паризоддан уяламан. Мана менинг паланг отимни мингин, у сени Гулистон шаҳрига олиб боради. Шаҳарда вояга етган бир тут бор. Шунинг шохини усталар қирқиб олиб, паланг от қилган. Ундан бошқа катта дарахт йўқ. Узоқдан кўринади. Паланг от бориб шунга қўнади. Бўлак ерга қўнмайди. Ёрни олсанг, шу паланг от яна менинг олдимга олиб келади.

Агар орқангдан лашкар тушиб қолса, унинг ишини бу ётган дўстинг қилади. Менинг уйқим ҳали чала. Сен келгунча бу дўстинг ухлаб бўлади. Сен отингни ҳам бу ерга олиб келиб қўй, ўтлаб

юради, — деди. Девни яна уйқу элитди, яна далани тўзон-тутун босди.

Муродхон девнинг сўзига ишониб, каптарни бўшатди. Отини олиб келиб, девнинг олдига боғлади. Яланғочлаб, қўйиб юборди. Девнинг манзили Муродхоннинг ўз манзилидай бўлди. Девнинг аслаҳа-анжомларини ҳам тамоша қилиб кўрди. Паланг отнинг ҳам уёқ-буёғини кўрди, пастдаги мурватларини ҳам билди. Муродхон хўп айлантириб тамоша қилди. Бурун Муродхон бундай ишларини кўрмаган эди. Шундай гаплар кўнглига келди: «Афсар дев билан боришли-келишли бўлиб юрсам, дев усталарига шундай отни мен ҳам қилдирсам», деб ўйлади. Паланг отнинг ҳамма мурватларини тоблаб кўрди. Юқори мурватини бураса, юқорига қараб учадди, пастки мурватини бураса, пастга қараб тушади. Димоғи, чоғ бўлиб паланг отга минди, қулоғини бураб, юқорига қараб учиб кета берди.

«Худо!» — деди, ўнг қулоғин буради,  
Гулистон шаҳрини бу от билади,  
Осмонда ғувиллаб кетиб боради,  
Булут билан аралашиб боради.  
Ўнг қулоғин бураб шундайин номдор,  
Фалакда булутман бўлди баробар,  
Кўзига кўринар дунё, иқлимлар,  
Булут билан аралашиб боради.  
Не юртларни у осмондан кўради,  
Муродхон Оқида юртин кўради,  
Хизмати эсига тушиб боради,  
Гулистон шаҳрини бу от билади,  
Осмонда ғувиллаб кетиб боради.  
Афсар дев билан топишиб шунқор,  
Дев отини бериб, бўлди хизматкор,  
Юлдузнинг остида шундай зўрабор,  
Вақтин хушлаб бораётир, муқаррар,  
Кўриб ўтиб кетди неча шаҳарлар,  
Қўлга келармикин гўзал гажакдор?  
Паланг бошлаб у юртига етказар,  
Осмонда боради шундайин қайсар,  
Яқинлаб қолдими Гулистон шаҳар?  
Ҳеч ким билмас бораётган мардини,  
Англамайди ҳали ёрнинг юртини,  
Юлдузнинг остида у учиб борди,  
Йўлида бир қанча лашкарлар борди.  
Душман бари бундан беҳабар қолди,  
Булутнинг устидан Мурод йўл солди,

Жодугар, ҳийлагар беҳабар қолди.  
Дилбарнинг шаҳари яқинлаб қолди.  
Кўрган билан билмас қайси шаҳарни,  
Неча шаҳарлардан ўтиб боради,  
Паланг билади деб кўнглида борди.  
Учиб юриб катта шаҳар кўради,  
Шу шаҳарга паланг доҳил бўлади,  
Гулистон юрти деб гумон қилади,  
Паланг отнинг чап қулоғин буради.  
Шу шаҳарга паланг қуйилиб келади,  
Қаллак тут бошига келиб қўнади,  
Афсар девнинг айтган сўзи бўлади,  
Кўнглидаги ҳақиқатин билади.

Муродхон паланг отини тутнинг бошига қўндириб, отдан тушиб, қайга боришини билмай, ҳайрон бўлиб туриб эди. Бели букрайиб, қулоғи тикрайиб, шу ерга бир кампир келиб қолди. Муродхон ҳам бу кампирни кўрди: манглайлари чўтдай, кўзлари ўтдай, ияғи эгарнинг қошидай, бурни хамакдай кампир келиб Муродхондан: — Қайдан келасан? — деб сўраб турибди:

Қайси юртдан, қайси элдан бўласан?  
Қандай шоҳнинг, қандай бекнинг улсан? —  
Сен ҳам бир кимсанинг жони дилисан,  
Искаб кўрсам, тоза боғнинг гулисан!  
Хабар бер, жон болам, қайдан бўласан?  
Юртинг айтгин, қайси элдан келасан?

Жамолинг менгзайман осмонда ойга,  
Жасадинг ўхшайди бўз қарчиғайга,  
Қошингни менгзадим эгилган ёйга,  
Қайдан келдинг бу Гулистон-саройга?  
Сендай бек келган йўқ бу манзил жойга,  
Паҳлавон сифатлим, қайдан келасан?  
Сени туққанларнинг борми армони?  
Сени кўрганларнинг кетар дармони,  
Бино бўлдинг қайси гавҳар дондан?  
Парвоз қилдинг қайси манзил хонадан?  
Сендай йигит туғилмайди энадан,  
Хабар бер, мард ўғлон, қайдан келасан?  
Сени кўрдим, бир шаҳарнинг шунқори,  
Бунга келмас ота билмас, безори,  
Бу ерларга қандай тушган гузари?  
Гузар солган болам, қайдан келасан?  
Менга хабар бергил исми-зотингни,  
Нима дейди, қўзим, сенинг отингни?

Нима дейди ўсган мамлакатингни?  
Хабар бер, жон болам, қайдан келасан?  
Сен, мусофир қайси юртдан бўласан?  
Қандай ишда, на хизматда юрасан?  
Аҳволингни момангга билдирасан,  
Ростин сўзла, болам, қайдан келасан?  
Бу ерга келдингми пойи пиёда?  
Ғайратинг бор Рустамдан ҳам зиёда,  
Не ишинг бор бу Гулистон арода?  
Тарзингга қарайман: абгор-афтода!  
Хабар бер, жон болам, қайдан бўласан!  
Оҳ урганда кўзда ёшинг сел бўлар,  
Аҳволингдан мендай моманг беҳабар,  
Сирри ҳолинг маълум қилмоқлик даркор,  
Яхши йўлга сени моманг бошқарар.  
Жавоб айтгин, ўзингдадир ихтиёр,  
Ростин сўзла, болам, қайдан келасан?  
Хабар бергин, жоним, қайдан бўласан?

Бу сўзни Муродхон эшитиб, сирри ҳолини кампирга айтиб, бир сўз деб турган экан:

Кўриб келдим юриб неча шаҳарлар,  
Отим Йўлчи, ўзим юрган қаландар,  
Борарга манзилим йўқдир, муштипар,  
У шаҳардан бу шаҳарга юрарман,  
Ўғилсизга ўғил, қизсизга қиз бўламан,  
Кўнглимда борини айтиб тураман,  
Мома, меҳрибонлик қилдинг, биламан.

Ғарибликда ҳеч ким ҳолим билмаса,  
Борай десам уйим, ватан бўлмаса,  
Бу шаҳарда ҳеч ким мени билмаса,  
Ҳеч ким менга сендай савол қилмаса,  
Асли ўзим бенаводан бўламан.  
Ғам билан сарғайди гулдайин дийдор,  
Кўп савол сўрадинг мендан, муштипар,  
Юрт устида юрган ман ҳам қаландар.  
Мома, қаландарга макон не даркор?

Қаландар бўп юриб жаҳонни кўрдим,  
Бу шаҳарга, мома, яқинда келдим,  
Борар йўлим билмай, ҳайрон бўп қолдим,  
Бенаволар маконини ахтардим.

Жоним мома, бир қаландар боламан,  
Мени сўрсанг, юрт овора бўламан.  
Ҳеч кимни билмасам, қайда борайин?  
Бир йўлга бошқаргин, энди борайин.

Қаландархонага бориб қўнайин,  
Фарзанд қилса биров, ўғил бўлайин.  
Тенгим топиб, унга йўлдош бўлайин,  
Беҳуда серрайиб, мома, қолмайин.  
Сўз сўзладинг, эътиборинг кўрайин,  
Мома, айтган сўзинг қабул қилайин.  
Яхши йўлга бошқар, энди кўрайин.  
Бошимдан ўтган кулфатим айтдим,  
Туз-насиба тортиб бу юртга етдим,  
Ғариблик кўйида ўзим ҳоритдим,  
Қай шаҳардир бу турган мамлакатим?  
Сўз сўзладинг, қолмади-ку тоқатим,  
Шундай менинг мажнун сифат одатим,  
Қўнарга йўқ менинг манзил-работим,  
Ғариблик кўйида хуноба ютдим,  
Сўйла, мома, ҳарна кўрганим айтдим.

Бу сўзни кампир эшитиб, Муродхонга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Юр манзилга бирга олиб борайин,  
Илик бериб сени ўғил қилайин,  
Мен бўлайин сенинг туққан ўз энанг,  
Ўғил бўлсанг, ўзимга бўл, жон болам.  
Устимга кийганим, болам, яшил-кўк,  
Бу шаҳарда менга бўлгин кўнгил тўқ.  
Ўғлим тугул, мени сўрсанг, қизим йўқ,  
Юр манзилга, бирга олиб бораман.  
То ўлгунча хизматкоринг бўламан,  
Манзил, маконимни обод қиламан,  
Юра кўр, жон болам, бирга бораман,  
Кеча-кундуз сенга ҳамдам бўламан.  
Болам, ҳазил билма айтган сўзимни,  
Олмадай сўлдирма гулдай тарзингни,  
Шоду хуррам қилай сендай қўзимни,  
Мен хафа қилмайман, болам, ўзингни.  
Сарғайтмагин, қўзим, гулдай юзингни,  
Қўзимга суртарман босган изингни,  
Мендайн энангдан хизмат лозимдир,  
Ҳар манзилга бирга олиб борайин.

Ҳар шаҳарда бекор юрган қаландар,  
Беҳуда сен бўлиб юрма дарбадар,  
Қаландар ишини қилма ихтиёр,  
Манзилимга бирга бормоқлик даркор.  
Хуснинг кўрдим, сен бировга харидор,  
Кўнглинга муддаонг, болам, топилар,  
Сен беҳуда хаёлингни бўлмагин,  
Менинг сўраганим ёмон билмагин,  
Елгон сўзлаб, шумлик қилиб турмагин.  
Бировнинг йўлида бўлибсан абгор,  
Қизлар қилар эр-йигитни қаландар,  
Елгон айтиб, сўздан қайтмайди мардлар,  
Ҳолингни сўради мендай муштипар.  
Ёр ишқида сен қаландар бўлдингми?  
Шоҳнинг қизин бунда излаб келдингми?  
Жон болам, сен мени айёр билдингми?  
Ёмон билиб, мендан ҳадик олдингми?  
Кўнглинга шундайин шумлик олдингми?  
Кўп сўзладим, болам, ҳолинг не бўлар?  
Сенинг юришингдан ҳамма беҳабар,  
Шоҳим билса, сени тутиб ўлдирар,  
Гулистон дейдилар ажойиб шаҳар,  
Кўзга тушиб йўлда турмоқ не даркор?

Менинг гапим сенга ҳазил бўлмасин,  
Бадбахт синчи, айёр сени кўрмасин,  
Қўлинг боғлаб, бунда банди қилмасин,  
Нодонликман сендай қўзим ўлмасин,  
Душман билиб, кўзингни тўрт қилмасин.  
Бу момангнинг сўзи ерда қолмасин,  
Юр манзилга, бирга олиб бораин.

Ана шунда Муродхон бу сўзни кампир момасидан эшитиб, таваккал қилиб, момаси билан бормоқчи бўлди.

Кампир шунда Муродхонни эргаштириб, уйига олиб бориб, жой кўрсатиб, ўзига яраша зиёфат қилиб: «Сут бермасам ҳам, сут бергандай бўлайин, бунга бир илик берайин, бунга ўзимга ўғил қилиб олайин!», деб бир иликни ошга солиб пишириб, Муродхонга берди. Уни, илик бериб, ўзига ўғил қилди. Муродхон кампирнинг ўғли бўлиб юрди. Беш-тўрт кун орадан ўтди. Муродхон бир кеча ўйлаб, фикр қилиб, уйқуси қочиб, нашаси учиб, ўрнидан туриб, «бу юришдан ҳеч бир иш чиқмайди!» деб, шундай ҳовлининг юзига чиқди. Қараса, бир шовқин овоз келаяпти. «Бу нима экан?» деб томга чиқди. Қараса, катта бир шаҳар. Худди ой чиққандай ёруғ. Ша-

ҳарнинг ўртасида бозор, бирови олиб, бирови сотиб бозор қила-  
ётир, нечовлари осмонга қараб анграйиб турибди.

Муродхон бу аҳволни кўриб ҳайрон бўлди. Кўп тамоша қилиб  
кўриб, яна намоз вақти жойига келиб ётди. Эрта билан тонг отди.  
Муродхон энасига қараб бу сўзни айтди:

Бир сир кўриб, эна, бўлдим мен ҳайрон,  
Ҳай десам келурми сўзлар фаровон.  
Кўнгил қаласини қилмагин вайрон;  
Бу сўзимга жавоб бергин, энажон.  
Элнинг расми, эна, шундай бўларми?  
Кундуз ётиб, оқшом бозор қиларми?  
Бу шаҳарда оқшом бозор бўлибди,  
Мамлакат айвонин ёруғ қилибди.  
Одамлар осмонга қараб турибди,  
Савдогарлар молин бозор солибди,  
Олган — олиб, сотган — сотиб юрибди,  
Ер юзида шундай шаҳар бўларми?  
Кундуз ётиб, оқшом бозор қиларми?  
Чечан бўлиб гапни гапга улайман,  
Бу бозор маъносин сендан сўрайман,  
Элатингнинг расми шундай бўларми?  
Ажойиб иш экан, бунда кўрибман,  
Кўриб бу савдога ҳайрон қолибман,  
Поёнига етмай, сўраб турибман,  
Ҳеч замонда шундай шаҳар бўларми?  
Эшитдим, шаҳарингнинг оти Гулистон,  
Манзил жойи ажойиб боғу бўстон,  
Бу ишни сўради ўғлинг Муродхон,  
Бу бозор маъносин айтгин, энажон.

Бу шаҳарлар одамзодга тўлибди,  
Бир нечалар маст бўп йўлда қолибди,  
Бу сирларни мендай ўғлинг кўрибди,  
Оқшом барча бозор қилиб юрибди.  
Ҳар шаҳардан ободлиги қолибди,  
Расталарга тоза одам тўлибди,  
Бир шуъла ҳамманинг ақлин олибди.  
Бу бозор маъносин, эна, сўрайман,  
Мусофирман, расминг недир билмайман.  
Шу сабабдан мен сўрадим, энажон,  
Тортинмайин жавоб бергин бу замон.  
Менинг сўзим олма, эна, қиёма  
Мард йигитлар айтган сўздан тоярми?



Қандай бўлса, сўйла, эна, аяма,  
Кундуз ётиб, оқшом бозор қиларми?  
Ой туққандай элга шуъла урибди,  
Ҳамма одам бунда гангиб юрибди,  
Шуълага одамлар қараб турибди,  
Кўриб, мендай ўғлинг ҳайрон қолибди.

Муродхон бу сўзни айтди. Энаси Муродхондан бу сўзни эшитиб,  
ўзини билмаганга солиб, бошқа бир йўлларга ўтиб, «туш кўрган-  
дирсан, болам», деб Муродхонга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Ҳаққа етган мендай энангнинг зори,  
Кўнглида кўп бўлган энанг ғубори,  
Бозор эмас, ажинанинг бозори,  
Дайди жинлар оқшом бунда келади,  
Кундуз ётиб, оқшом бозор қилади,  
Ҳар ким борса, болам, нобуд бўлади.  
Бу сўзимни кўнлингга оғир олмагин,  
Курсин, у бозорга назар солмагин.  
Бозор деб, бозорга зинҳор бормагин,  
Бориб, дев-жинларга дучор бўлмагин.  
Армон билан, жоним қўзим, ўлмагин,  
Бир қизиқ бозор деб ҳавас қилмагин,  
Сўз сўзласанг, энанг бағри силинар,  
Душманларнинг юрган йўли билинар,  
Қоронғуда бозордайин кўринар,  
Кўп қизиқ қилади у деву жинлар.  
У қизиқ бозор деб, ақлин элтади,  
Борсанг, деву жинлар уриб кетади,  
Сендай қўзим бу дунёдан ўтади,  
Еш умрингни хазон қилиб кетади.  
Унда деву жинлар оша ҳийлагар,  
Йўлиқиб бўлмагин у ерга дучор.  
Бориб қолсанг, болам, сени ўлдирар,  
Зинҳор бўлма у жинларга гирифтор.

Жин деганинг шундай кашмир ҳийлагар,  
Одам насли бўлмас унга баробар,  
Кўзингга шундай ишлар кўринар,  
Ой туққандай бўлиб сенга билинар.  
Ҳийла билан сенга кўрсатган жинлар,  
Ҳаммаси ўйинчи, жодугар жинлар,  
Қандай одам борса, уни ўлдирар.  
Мендайин энангни раҳбар билибсан,

Бемаҳалда сен бозорни кўрибсан,  
Кўриб, жоним болам, ҳайрон қолибсан.  
Борсанг, кўрар эдинг сен ҳам зулмни,  
Борсанг, ўлдирарди сендай ўғлимни,  
Нобуд қилар сендай жону дилимни,  
Қарамагин, бу манзилда тур энди,  
Ноқулай ишлардан ҳазар қил энди.

Бу сўзларни энаси Муродхонга айтди. «Хайр» деб ётди. Эрта-мертан тонг отди. Кундуз бўлди. Кечаги бозорларни кўрмади. «Энамнинг айтгани рост экан», деди. Тагин оқшом бўлди. Юлдузлар чарақлаб ёнди. Кечаси томга чиқиб қараса, бугун кечагидан ҳам қизиқ бозор бўлиб турибди. Фикр қилиб қаради, қараса, шаҳарнинг ўртасида бир олтин кўшк турибди. Кўринган кўшкнинг ичидан бир шуъла чиқади. Шу тилла кўшкнинг ичидан чиққан шуъласига шаҳар ёруғ бўлиб, ҳамма олиб-сотиб савдо қила ётибди.

Муродхон «шу кўшкда бир воқиа бор!» деб томма-том юриб кетди, кўшкка бориб етди. Бориб қараса, бир ажойиб паризод, ниқобини юзидан тушириб, чалқанча ухлаб ётибди. Шу қиз юзининг ёруғлигидан шаҳар ёруғ бўлиб, олган — олиб, сотган — сотиб, шаҳарда бозор бўлиб ётибди.

Муродхон қизнинг ҳусни-жамолини кўриб, ақли шошиб, фикри қочиб, бўғинлари бўшашиб, бутун бадани қалтираб, кўзи ялтираб, мазаси кета берди. «Йиқилсам, мени кўрар, сўнгра ишим қаттиқ бўлар», деб, ўлай-ўлай деб ўзини зўрға тўхтатиб олди. Шундай қараса, қизнинг бошида бир товоқ ош турибди. У, қизга ҳеч дахл қилмай ошдан еб, гулларидан олиб искаб, «бугун шунчалик бўлди, эртан жамолини кўрсам, яна дурустроқ ўзимни тўхтатиб оламан, ўрганиб қоларман, сўнгра шундай ётганида йўлиқсам, буни бир созлаб кўрарман!» деб қайтиб кетди. Намоз вақти бориб, секингина ўз кўрпасига кириб ётди.

Муродхон эндигина кўрпага кириб ётиб эди, кампир қўш қўллаб мушглай берди. Муродхон кўрпани кўтариб, энасига қараб ҳайрон бўлиб: «Нимага мени урасан?» деб бир сўз айтаяпти:

Сўзимга қулоқ сол, эна, муштипар,  
Не сабабдан ўглинг бўлди гуноҳдор?

Мендаин боланинг кўнглин бўласан,  
Нимага сен кўрпага ўраб урасан?  
Нон ўрнига эрта билан муштлайсан,  
Ҳар нарсадан, эна, ҳадик оласан.  
Мана элда сен ҳам қари балосан,  
Кўнглинг бўлиб мени қандай урасан?

Қалламни ғувлатиб, қилмагин сарсон,  
Болам дединг, менга бўлдинг меҳрибон,  
Ҳеч гуноҳ қилган йўқ ўғлинг Муродхон,  
Қимирламай мен кўрпангда ётибман.  
Эрисин, тоғларнинг қори эрисин,  
Ҳар банда олгани билан қарисин,  
Илоҳим мусофир юрти қурисин,  
Илоҳим, энажон, муштинг чирисин.  
Хаёлинга, эна, не гаплар келди?  
Ура берсанг ёлғиз боланг ўлади,  
Кўрпага ўраб кўп урма, энажон,  
Жуда менинг дамим қайтиб боради.

Бу сўзни энаси Муродхондан эшитиб, аччиғи келиб: «Сен жу-  
вонмарг менинг бошимга бало бўлдинг, тинч ётмай, бир ерга бориб  
келдинг!» — деб Муродхонга қараб бу сўзни айтиб турган экан:

Тинч ётмадинг бунда менинг қошимда,  
Ҳайрон қолдим мен ҳам сенинг ишинга,  
Болам деб куяман кўп койишинга,  
Сен жувонмарг, энди етдинг бошимга.  
Қулоқ сол энангнинг айтган сўзига,  
Бориб келдинг сен ҳам шоҳнинг қизига,  
Нега бординг Қирон шоҳнинг қизига?  
Кўзи тушар газанданинг изига.  
Қоровуллар ундан хабар олмасми?  
Эрта билан юрган йўлинг кўрмасми?  
Из қувишиб бу маконга келмасми?  
Банди қилиб сени боғлаб олмасми?  
Ундан кейин мендай энанг ўлмасми?  
Ҳолинг билиб тўғри юрсанг бўлмасми?  
Жон қутилмас Қирон шоҳнинг қўлидан,  
Сен мусофир — келган қайси элидан?  
Қутилмайди душман унинг қўлидан,  
Ким йўлиқса умид узар жонидан,  
Ҳар душман йиғлайди кўриб зор-зор.  
Мусофир ҳолингман сенга нима бор!  
У Қирон шоҳ билса, сени ўлдирар,  
Ким бўлади улар билан баробар?  
Қанча лашкар ўтдай ёнган анжомдор,  
Юришингдан ҳозир бўлдинг гуноҳкор.  
Ҳолинг билмай ундай жойга борасан,  
Ҳолинг билмай бундай ишни қиласан,  
Энангнинг урганин оғир оласан.

Бул ишингга кўп иззани кўрасан,  
Энанг насиҳатин ёмон биласан,  
Жўн юрмай, мени ҳам олиб ўласан.  
Бу энангни сен ҳам душман биласан,  
Тўғри юргин, болам, нобуд бўласан.  
Сезиб қолса, билмаганинг билдирар,  
Сўзинг қабул қилмас, сени ўлдирар.  
Ханжар чекиб, қора бағринг тилдирар,  
Сенга айтган насиҳатим шу бўлар.  
Қим бўлади подшо билан баробар?  
Юришингдан ҳозир бўлдинг гуноҳкор,  
Сенга айтган насиҳатим шу бўлар,  
Билиб қолса, кўзда ёшинг сел бўлар.  
Билиб қолса, сени олиб кетади,  
Бошинг кесиб, сени дорга тортади.  
Сендай кўзим бу дунёдан ўтади,  
Жоним болам, тўғри юрсанг қайтади?

Бу сўзни Муродхон энасидан эшитиб, энасига қараб бир сўз деб турган экан:

Эна, қулоқ солгин айтган тилима,  
Энам деб суяниб келдим қўлингга,  
Хўб биламан, кўп қайишдинг ҳолима.  
Муродхон кўзғолмай шу ерда ётди,  
Эна, қила кўрма бундай тухматни,  
Элатинг эшитса, жуда уятди,  
«Нон бердим» деб, эна, қилма миннатни.  
Еш тўлар ўғлингнинг наргас кўзига,  
Эна, борганим йўқ шоҳнинг қизига.  
Мендайн болангни аҳмоқ биласан,  
Беҳуда сўзларни лофи урасан,  
Сўз билан, энажон, изза берасан,  
Хаёлингни ҳар тарафга бўласан,  
Эна, борганим йўқ шоҳнинг қизига.  
Кўрганим йўқ, унинг номин эшитдим,  
Эшитгандан мен ақлимни унитдим,  
Жамоли бор эмиш ҳуру паридай,  
Жамолини кўрган сарсон бўлгудай.  
Ошиқ қилиб одам ақлин олгудай,  
Борганим йўқ, эна, шоҳнинг қизига.

Хазон бўлиб боғда гуллар сўлмасин,  
Худо сенинг ақлу ҳушинг олмасин,  
Бу туҳматдан мендай боланг ўлмасин,  
Кўнглиннга ҳеч шубҳа-ғубор келмасин.  
Борганим йўқ, эна, шоҳнинг қизига.  
Жафо тиғи, қайтай, жонимдан ўтди,  
Айрилиқ савдоси бағримни йиртди,  
Туз-насиба бизни бу ерга тортди,  
Тақдир ҳайдаб мендай ўғлинг келибди,  
Энажон, қилмагин менга туҳматни,  
Борганим йўқ, эна, шоҳнинг қизига.

Дўсту-душманлигинг, эна, синадим,  
Кўлингда мен ҳосил бўлса муродим,  
Шу туҳматни, эна, сендан тиладим,  
Кўп хўрлигим келиб мен ҳам йиғладим,  
Борганим йўқ, эна, шоҳнинг қизига.

Гап эшит, энажон, айтган тилимдан,  
Мен ёлғизман, не иш келсин қўлимдан,  
Хабар олиб тургин, эна, ҳолимдан,  
Сира гумон қилма жону дилингда,  
Яхшилик қил, агар келса қўлингдан,  
Борганим йўқ, эна, шоҳнинг қизига.

Хафа қилдинг, эна, мендай болангни,  
Обод қилиб юрган маконгинангни,  
Энам дейман мен ҳам бирга юраман,  
Олдингда югуриб хизмат қиламан.  
Мени билсанг, оша юртдан келаман,  
Хизмат қилиб сенинг ақлинг оламан,  
Нимага буюрсанг, ишлаб келаман.  
Борганим йўқ, эна, шоҳнинг қизига.

Бу сўзни Муродхон айтди, кампир энаси эшитди. — Ундай бўлса, яхши, тинч юргин, болам! Тинчлик яхши, — деди. Кун кеч бўлди, оқшом бўлди. Муродхон ётди. Кампир Муродхонни кетиб қолади, деб бармоғини тишлаб, онгиб ётди. Муродхон ҳам кампирни пойлаб, кутиб ётибди. «Кампир ухласа туриб бораман!» деб ичида ўйлаяпти.

Шоҳнинг қизи ҳам «бу кеча биров келар!» деб онгиб ётди. «Кеча биров келган экан, бу ошлардан ебди, гуллардан олибди. Бугун тагин у келади, ўрганиб қолди, келса, ушлаб оламан!» деб чалқанча тушиб ётди.

Муродхон билди: кампир хуррак тортди. «Бу энди ухлади» деб Муродхон ўрнидан туриб, жўнаб кетди. Чопқиллаб бориб бояги

каллак тутга етди. Тутнинг устига чиқиб, паланг отни миғиб олди. Унг қулоғини буради. Қизил-яшил бўлиб ўтдай тутаниб, ҳавога кўтарилди. Кўшкнинг устига етди. Чап қулоғини буради. Кўшкка қараб қўйилди. Кўшкнинг устида найза бўйи баландликда паланг отни тўхтатди. «Биров келса ушлаб оламан!» деб паризод ухламай ётиб эди. Қараса, кўшкнинг устида бир нарса қизил-яшил бўлиб ўтдай ёниб турибди. Парининг хаёли қочиб, нашаси учиб кетиб: «Бу қандай аломат бўлди!» деди. Шунда унга қараб, чалқанча ётиб, бу сўзни айта берди:

Устихон эмраниб, бағрим силинди,  
Бундай ишлар бемаҳалда кўринди.  
Паримсан, ё бир юрган жодугар,  
Одаммансан, паримсан, бер хабар!  
Бемаҳалда менинг ҳолим танг бўлар,  
Қандай жонсан, аҳволингдан бер хабар!  
Бу сирни кўрдим-да, қолдими тоқат,  
Ўтдай ёниб, бундай қилдинг сиёсат.  
Қимсан, минган паланг отга?  
Қайдан келдинг бизнинг юртга?  
Башармансан, паримсан, хабар бер!  
Қайси элдан қилиб роза,  
Йигит ўлса, тутар аза,  
Шаҳар дема бедарвоза,  
Оламга қилдинг овоза,  
Башармансан, ўзгаммансан, хабар бер!  
Одаммансан, девданмансан, хабар бер!  
Қаба фалак солма зулм,  
Забун бўлмасин аҳволим,  
Хазон бўлмай тоза гулим,  
Танг бўлгандир менинг ҳолим.  
Бемаҳалда келиб бунда,  
Менга солдинг бежо зулм,  
Бемаҳал етмасин ўлим,  
Беҳабардир қирқинларим,  
Қандай жонсан, хабар бергин!

Бу сўзни у қиздан эшитиб, Муродхон ҳам бир сўз айтиб турибди:

Ҳақнинг амри билан сенга келаман,  
Азроилман, энди жонинг оламан,  
Ер қўйнига гулдай танинг соламан,  
Амонат жонингни бугун оламан.  
Сабил қилай кўшқу равоқ, тахтингни,

Бузарман-ку булбул қўнар рахтингни,  
Тўқарман кўздан селоб ёшингни,  
Кўролмассан қавму қариндошингни,  
Ғажир бўлиб тортиб ейман лошингни,  
Йиғлатарман элда тенгу тўшингни.  
Оқтош хонин кўп йиғлатиб келгансан,  
Отин олиб, чўлда ғариб қилгансан,  
Яқин кунда ўларингни билгансан.  
Элда қолайин деб мунда келгансан.  
Шундай хонга беадаблик қиласан,  
Шул қилган ишингга ҳозир ўласан!  
Мана, турган Азроилни кўрасан!  
Ҳақнинг рашки келди, жонинг берасан!  
Қочган билан, гул юзли, қайга борасан? -  
Излайди Азроил сендай санамни,  
Кўп тортдирдинг Муродхонга аламни,  
Ерга соларман-ку гулдай танангни,  
Сабил қилай сенинг кулба-хонангни.  
Азроилман, сенга чангал соламан,  
Танинг ташлаб, сенинг жонинг оламан,  
Ҳақ буюрган хизматини қиламан,  
Тангрига жонингни олиб бораман.  
Ҳаддан зиёд бўлар сенинг кулфатинг,  
Вайрон бўлиб кетар бундай элатинг,  
Илон-чаён билан бўлар суҳбатинг,  
Муҳлат етди, энди қайтди давлатинг.  
Мен Азроил ҳайбат билан келаман,  
Кечиктирмай, дарров жонинг оламан.  
Дод деганда эшитмайман сўзингни,  
Термултарман сенинг икки кўзингни,  
Сарғайтайин бунда қизил юзингни,  
Ўлдириб қайтаман сенинг ўзингни.  
Белимга боғладим зарли пўтамни,  
Худо кечирмайди қилган хатонгни,  
Кўролмайсан юрт сўраган отангни,  
Мен Азроил, ҳақнинг амрин тутаман,  
Кимнинг куни битса, дарров етаман,  
Ташлаб танин, жонин олиб кетаман.  
Бу дунёда не ишларни қиласан,  
Сулувлик даъвосин қилиб юрасан?  
Кунинг битди, энди, хоним, ўласан,  
У қоронғу гўрда ёлғиз қоласан.  
Гўр ичида нима жавоб берасан?  
Тайин билгин, энди бувиш, ўласан!

Ҳар турли жонворни шунда кўрасан,  
Сўнгра сен ҳам кўп пушаймон қиласан,  
Бу ишингдан наф топмайин юрасан,  
Муродхонга нега озор берасан?!

Бу сўзни қиз эшитиб, ақлини йитириб, ҳисобини битириб, шошиб қолди. «Ҳа, одамлар айтар эди, Азроил жон оладиган бўлганда шундай сиёсат билан, ҳайбат билан келади деб. Одамларнинг айтгани келган экан, менинг паймонам тўлган экан, энди ўлар вақтим етган экан, нима бўлса ҳам, мен Азроилга бир ялиниб-ёлвариб кўрай, эртагача муҳлат сўрай!» деб Азроилга қараб бир сўз айтиб, турган экан:

Худо дейин, яратганга йиғлайин,  
Азал, қисмат ишга нима қилайин?  
Эртагача сиздан муҳлат сўрайин,  
Эрта келинг, мен жонимни берайин.  
Бунча ҳам йиғлатманг мендай санамни,  
Менга солиб бунча доғу аламни,  
Розилашиб кўриб келай энамни,  
Эртагача муҳлат беринг, Азроил!

Билмай қолдим мен ҳам қилар ишимни,  
Эгам гангитгандир менинг бошимни,  
Йиғлатиб келганман шунқор кишимни.  
Мен ўтарман бу дунёдан қон йиғлаб,  
Хоним келса бир кунлари сўроқлаб,  
Оқтош хони келар ёрим деб йўқлаб,  
Эртагача муҳлат беринг, Азроил!

Меҳнат тортиб жафо чекиб келади,  
Келса, менинг ўлганимни кўради,  
Розилашмай ноумид бўлиб қолади,  
Мени излаб не юртларни кўради,  
Мен ўлган сўнг келиб нима қилади!  
Эртагача муҳлат беринг, Азроил!

Азроилдан ойим муҳлат тилади,  
Бир куни энтикиб Мурод келади,  
Олтин кўшки вайрон бўлган кўради,  
Менинг пано бўлганимни билади.  
Кўролмадим Оқтошдаги хонимни,  
Меҳнат тортган шундай меҳрибонимни;  
Эрат чошка келинг берай жонимни,



Азроилдан ойим муҳлат сўради,  
Чираниб Азроил ҳали туради.

Э Азроил, билмаганим билдирма,  
Ханжар чекиб, қора бағрим тилдирма!  
Чангал уриб айтганингга кўндирма!  
Эртанга қўй, буқун мени ўлдирма!  
Эртагача муҳлат беринг, Азроил!  
Бу куни қиш бўлиб баҳорли ёзим,  
Жаҳонни тутгандир менинг овозим,  
Сизга етармикан сўзлаган сўзим,  
Сиздан қочган билан қайга бораман?  
Эрта чошқа келсанг жоним бераман.

Бу сўзни паризоддан Муродхон эшитиб, Муродхон ҳам паризодга қараб бир сўз деб турган экан:

Асал билан болча лабингнинг учи,  
Азроилга аввал берсанг бир муччи.  
Эртангача муҳлат берсам, берайин,  
Дардли қулман, дардим кимга ёрайин,  
Ҳасратингда элдан-эл ахтарайин,  
Ҳар ерлардан дарагингни сўрайин,  
Эртагача муҳлат берсам, берайин.

Азроилман, ҳақ амрини тутаман,  
Икки муччи берсанг, қўйиб кетаман,  
Бўлмаса, жойингда яксон этаман,  
Мен сенинг қасдингда бунда келаман.

Ажал етса, жон айрилар бу тандан,  
Сенинг учун тушиб келдим осмондан,  
Эшитмайман сенинг айтган сўзингни,  
Кўнглингга олмагин қирқин қизингни.  
Жонинг керак, йўқлаб келдим ўзингни,  
Арзингни айтолмай тенгу тўшингга,  
Жонинг ваҳми тушди сенинг бошингга.  
Эртангача муҳлат берсам, берайин.

Қабул қилсанг, борайинми қошингга?  
Дилбар, қойил бўлгин қилган ишимга,  
Сўз сўйладим энди сенинг юзинга,  
Не гўзаллар етолмаган изинга,  
Не бекларнинг сен ҳам додин берасан,  
Охир Азроилга дучор бўласан.  
Азроилнинг айтганини қиласан,

Қош қайтарсанг, дарров ўзинг ўласан,  
Кўнмасанг, паризод, ҳалок бўласан!

Бў сўзни қиз эшитди: «Бу иш қулай бўлди. Бу Азроил билан та-нишганим яхши бўлди. Бурноғилар айтар эди, у дунёда ҳам Азроил одамзодни қийнар эмиш, деб. Бу қулай бўлди. Бу дунёда Азроил билан танишиб қўйсам, у дунёда ҳам риоя қилади. Энди бунинг айтганига кўнайин, бу билан танишиб қолайин», деб паризод Азроилга қараб бир сўз деб турган экан:

Кел Азроил, айтганингга кўнайин,  
Нима деб амр этсанг, шуни қилайин,  
Қандай бўлса ихтиёринг, кўнайин,  
Э Азроил, сенга қурбон бўлайин!  
Мен ҳам сенинг сўзинг тутиб турарман,  
Қандай бўлса айтганингга кўнарман,  
Тонг отгунча бунда меҳмон қиларман,  
Кел, Азроил, менинг азиз меҳмоним!

Муродхон бу сўзни эшитиб, паланг отнинг чап қулоғини бураб, кўшкнинг устига тушиб кела берди. Паризод Азроилдан қўрқиб ваҳм босиб, «кўнглим чўчимасин, ҳайбат, сиёсатидан жоним чиқиб кетмасин», деб кўзини маҳкам юмиб ёта берди.

Паризод аста-аста қиялаб кўзини очиб қаради. Қараса, Азроил одамзодга ўхшаган кўринди. «Азроил ҳам одамга ўхшайдиякан, бундан қўрқмасам ҳам бўлар экан», деб туриб, ўзини ростлаб, ўтирди. Дамини олиб, шундай қаддини ростлаб, таниди: Оқтошнинг хони Муродхон. Қилган ишлари эсига тушиб, уялиб, бекор қилган эканман, аҳмоқ бўлган эканман, деб қилган ишларига пушаймон қилиб, кўнглини овлаб, — мендан гуноҳ ўтди, хоним, кечиринг, — деб бир сўз деди:

Аввалинда ошиқ бўлиб ўзингга,  
Мен номардлик қилдим сенинг шаънингга,  
Аввал ўзим кўнгил бериб борганман.  
Донгу жамолингга ошиқ бўлганман.  
Оту тўну абзалингни олганман,  
Не сўзларни ўйлаб аҳмоқ бўлганман;  
Отинг отиб, сени сарсон қилганман,  
Оқилахоннинг манзилига келганман,  
Кўп сўзларни унга тайин қилганман.  
Мен шаънингга беадаблик қилганман,  
Гуноҳимни ўтинг энди, тўражон!

Ўйнаб-кулсанг мана манзил жой, даврон,

Шукр қилай, сизни кўрдим бу замон,  
Бошимдан кетгандир қайғули туман,  
Гуноҳ қилдим, ўтинг энди, бегижон!  
Бу сўзларни айтар мендай хиромон,  
Сизники бўлади бу тахти жаҳон,  
Уйнаб-кулинг, энди ўтмасин даврон.  
Омон-эсон етиб кепсан элимга,  
Булбул бўлиб қўнгин боғда гулимга,  
Мендай ойим энди сенинг қўлингда,  
Менинг қўнглим сенинг Оқтош элингда,  
Сен келмасанг, ўлар эдим йўлингда,  
Уйнаб-кулинг, мана, даврон сизники.  
Отам Қирон, мана юртнинг подшоҳи,  
Утириш-манзили — Гулистон жойи;  
Бизнинг юртнинг кўшк айвони саройи,  
Кўп бўлди мендайин ойим гуноҳи,  
Уйнаб-кулсанг, мана даврон сизники!

Мени излаб жафо тортиб келибсан,  
Афсар девни ўз йўлингга солибсан,  
Билмайман қандайин ақлим олибсан,  
Афсар девман аҳду паймон қилибсан,  
Афсар девнинг паланг отин минибсан,  
Бегим, азроиллик даъво қилибсан,  
Ҳайбат билан жон олмоқчи бўлибсан,  
Ахир келиб бу кўшкка қўнибсан,  
Хуш келибсан, мана даврон сеники!  
Мени излаб қайғу-ғамга қолгансан,  
Мажнундайин кўп чўлларни кезгансан,  
Лайли деб, ахтариб, бунда келгансан,  
Адашган ёрингни бугун кўргансан,  
Бу ерларда ҳасрат тортиб тургансан,  
Кела кўр, бегижон, даврон сеники.

Паризод айтди:—Бегижон, шундай бўлар экан, ўзингиз меҳнат қилиб олмасангиз, менинг қадримни билмас экансиз. Мен ўзим борганда, сиз писанд қилмадингиз, сизники озроқ бўлса, бизники сал қаттиқроқ бўлди, энди бошқа ишдан гап бошланг!—деди.

Шундан сўнг иккови бир-бири билан сўзлашиб, ўтганлардан гапириб, кулишиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, янги очилган оқ гул қизил гул билан бир бўлгандай бўлди. Паризод айтди:—Эй меҳрибоним, биз—сизники, сиз—бизники бўлдик. Тонг отиб кетмасин, биров билиб қолмасин, бугун бориб ўз жойингизда туринг. Эртага келсангиз, икковимиз отланиб жўнаб кета берамиз.

Муродхон паризоднинг сўзига кириб, паланг отни миниб, ҳалигиз тут устига қўнди. Узи кампир энасининг уйига бориб, аста кўрпага кириб ётди. Муродхон ётар-ётмас кампир қурғур уйғониб қолди. Шундай қараса, ўгли Муродхон.—Ҳа йигит ўлгур, яна ўша ерга бордингми?!—деб Муродхонни кўрпага ўраб, ҳа деб қўш қўллаб-муштлай берди. Муродхон ўрнидан туриб:—Эна, сенга бир гап бўлдимми? Сенга эрта билан туриб урмоқ расм бўлдимми?—деди. Кампир айтди:—Сен жувонмарг, энди тониб қутилолмайсан. Сендан мушкиси келаётир. Сен бир ўзинг ўлмай, мени ҳам олиб ўласан! Кун чиқмай жаллод келади. Кийимларингни ечиб бер!—деди.

Муродхоннинг кийимларини ечиб олиб, бошқа кийимлар кийдириди. Кампир чаққонлик билан тандирга ўт ёқиб, Муродхоннинг кийимларини куйдириб, кулини йўқ қилайин деб бир тўрвага солиб кўтариб, шаҳарнинг ташқарисига чиқариб ташлайман деб бораётир эди.

Кампир бу ташвишда турсин, тўрвани кўтариб юрсин, эндиги сўзни бошқа томондан эшитиш керак.

Уша куни кечаси бирдан бозор қоронғулик ичида қолди. Бозор тўполон бўлди, боққол, косиб, савдогарлар молларини олдирди, таланди. Эртасига эрта билан подшонинг олдига арз-додга келишди. Шунда кечаси бўлган воқияни подшога маълум қилиб, ўғирлатганлар Қирон шоҳга қараб бир сўз деб турган экан:

Аё шоҳим, сизга дейман сўзимни,  
Йиғлаб келдим, тингланг менинг арзимни,  
Шуъласи урмади суяр қизингни,  
Қизингнинг қўйнига биров кирибди,  
Шаҳар ичра қоранғулик бўлибди,  
Билсанг, бу мамлакат талон бўлибди.  
Олдирган одамлар сенга келибди,  
Сиздай шоҳим бунни билмай турибди,  
Биров билан қизинг ваъда қилибди.

Эшит, шоҳим, бугун айтган сўзимни,  
Ишонмасанг, опкеп сўра қизингни,  
Биров билан кўшида давронни сурди,  
Шуъласи бозорга урмай не бўлди?  
Халойиқ барчаси бу арзга келди,  
Бир нечалар молу ҳолдан айрилди,  
Гумон қилдик, суҳбат қурди у дилбар,  
Бўлган ишдан сиздай шоҳим беҳабар.  
Оёқости бўлди қанча одамлар,  
Олиб кетди қанча ўғри-каззоблар.  
Умид тортиб, сизга арзга келамиз,  
Қоронғуда нима илож қиламиз?!

Езилган давлатни қўлдан берамиз,  
Мамлакат бузилди, сизга келамиз.  
Бу ишни билмадинг, давлатли шунқор,  
Талон бўлди Гулистондай кенг шаҳар,  
Ҳисобини топмай қолди амалдор,  
Бу ишлардан сендай шоҳим беҳабар,  
Сўрамасанг, шоҳим, қайда борамиз?  
Бор давлатдан жудо бўлиб келамиз,  
Қизингнинг ишига ҳайрон қоламиз,  
Билмаймиз, султоним, нима қиламиз?

Бу сўзни эшитиб, Қирон шоҳнинг аччиғи келиб, ўрнидан туриб  
сиёсат қилиб ўрдага борди. Қизини чақиртириб келиб, қизига қараб  
Бир сўз деб турибди:

Жоним болам, қулоқ солгин тилима,  
Қандай одам келди манзил элима?  
Барча одам сендан гумон қилибди,  
Болам, сендан ҳамма ҳадик олибди.  
Бу шаҳарга шуъланг урмай қолибди,  
Молини олдириб бунда келибди.  
Гул тарзим сарғайиб сенга қарайман,  
Келган одамзодни сендан сўрайман.  
Хазон уриб боғда гуллар сўлибди,  
У олтин кўшкка биров келибди,  
Биров келиб сенинг ақлинг олибди.  
Қанча халойиқлар уни кўрибди,  
Келиб у кўшкда даврон сурибди,  
Қанча одам ўз молидан ажрабди,  
Билсанг, болам, ҳолинг танг бўп турибди.  
Кечираман, агар қилсанг хатонгни,  
Хафа қилма, болам, мендай отангни.  
Агар билсанг, хабар бергин, фарзандим.  
Сўзлар бўлсам, оғзимдаги сўзимсан,  
Парво қилган балки икки кўзимсан,  
Сен ҳам менинг, болам, ёлғиз қизимсан,  
Келган одам қандай жондир, биласан.  
Овозамиз кетган тахти-фалакка,  
Қандай одам борар кўшкига якка?  
Боролмайди у айвонли чорбоққа.  
Аввалдан сен билан бирга юргандир,  
Овлоқда йўлиқиб ваъда қилгандир,  
Сенинг тилинг билан, болам, боргандир,  
Шу сабабли қоронғулик бўлганди.

Азоб кўриб ширин жўнинг бу танда,  
Ваъда қилиб бўлиб юрма шарманда.  
Мендай отанг аччиғланиб туради,  
Ғазаб қилсам, гуноҳкорлар ўлади.  
Емоннинг қадами қандай келади?  
Бу ишлар ўзингдан бўлган балоди.  
Тўқарман кўзингдан селоб ёшингни,  
Аччиқлансам, мен кесарман бошингни,  
Аччиқлансам, армон билан ўласан,  
Эл ичида қандай бўлиб юрасан?  
Отангнинг одатин ўзинг биласан.  
Жувонмарг, юзимни тубан қиласан,  
Нега биров билан ўйнаб-куласан?

Бу сўзни қиз отасидан эшитиб, унга қараб бир сўз деб турибди:

Мендан ўтгани йўқ, бу ишлар хато,  
Белингга боғлабсан курмали пўта,  
Хоҳи ўлдир, хоҳи куйдир, жон ота!  
Айтгин, мендан не хатолик ўтгандир?  
Очилар баҳорда боғнинг бодоми.  
Бизлар бу шаҳарнинг деган одами.  
Бу ерга етади кимнинг қадами?  
Бекор билмай арзга келган одамлар,  
Бу сиёсат, ота, сизга не даркор?  
Тўғри юрган сенинг қизинг гажакдор,  
Бу ишга фарзандинг изза бўлибди,  
Кўнглига боланг оғир олибди.  
Хазон бўлиб боғда гуллар сўлмасми?  
Бошқа юртдан келса банди бўлмасми?  
Амалдор, қоровул уни билмасми?  
Ушлаб оп қошингга ҳайдаб келмасми?  
Армон билан бу шаҳарда ўлмасми?  
Шундай сўзлар хаёлингга келмасми?  
Бундай қилсанг ёлғиз қизинг ўлмасми?

Бу сўзни Қирон шоҳ қизидан эшитиб, ҳарчанд сўраса ҳам, бўй-нига олдиролмай, қизи айтганига кўнмай турди.

Қирон шоҳ қизига жавоб берди. Қизи тагин кўшигига бориб турди. Қанизлар ҳаммаси сўради:—Нима гап бўлди?

— Ҳеч нима бўлмади, отамнинг феъли озди, сал бўлмаса ўлди-ра ёзди, — деб қанизлар билан суҳбат қуриб ўтирди.

Қироншоҳ жаллодларни чақириб, қирқ жаллодга буюрди:—Уй-ма-уй, ҳовлима-ҳовли, растама-раста юриб қаранглар, кимнинг устидан мушкнинг иси чиқса, сўрамай дарров ўлдиришлар!—деди.

Қирқ жаллод бу сўзни Қироншоҳдан эшитиб, ҳар томонга жўнаб кетди. Уйма-уй, ҳовлима-ҳовли, растама-раста юриб, ҳар кимниқига кириб, кимни кўрса, айлантриб кўрди. Рост кўча, паст кўчаларни ахтариб юрди. Ҳеч нима топмади. Жаллодлар кўчаларни қараб юриб эди, тўрвани орқалаб, ҳалиги кампир жаллодларнинг орқасидан чиқиб келди. Жаллодлар сўради:

— Мома, нима кўтариб келаётирсиз?

Момаси айтди:

— Болам, рўзғор-да тезак териб кўтариб келаётирман, — деди. Шунда бир жаллод бориб текшириб қаради. Қараса, тезак эмас, кийимнинг кули. Қўзғатса, мушк иси чиқиб бораётир. Жаллод айтди:

— Бу нима? Бу кийимнинг кули-ку! Бунинг эгаси қани? — деди.

Кампир шўрлининг нафаси ичига тушиб кетди. Ияги қалтираб, кўзи ялтираб, жаллодларга қараб аланглаб, қочайин деб жаланглаб, бели букрайиб, қулоғи тикрайиб, нима дерини билмай, тулугини югиниб қолди. Жаллодлар айтди:

— Бизларни уйингга бошлаб бор, бу кулнинг эгасини топиб бер. Бўлмаса тўрванг билан сени Қирон шоҳнинг олдига ҳайдаб олиб борамиз! — деди.

Кампир ундай-бундай деди ҳам, жаллодлар кўнмай, кампирни турткилиб уйга ҳайдаб олиб бордилар.

Бориб қарасалар, ажаб хушсурат, чиройлик бир йигит ўлтирибди. Устидаги кийимлари ўзига муносиб эмас. Бир жаллод айтди: — Бу кампир ҳийла қилган экан. Бу йигит шу кийимларни киймайди. Кампир бунинг кийимларини куйдириб, эски кийимларини кийдириб қўйган экан, — деди.

Яна бир жаллод айтди: — Бўлмаса, шу йигит бу оқшом шоҳнинг қизи — паризод қошига бориб, хўп майлис қилиб, ўз ишини битириб келиб, билмаган киши бўлиб ўтиргандир, — деди.

Буни кўриб, кампирнинг соли сувга келиб қолди, нима қиларини билмади.

Жаллодлар Муродхонни боғлаб олди. Муродхон армон билан жаллодларнинг қўлига банди бўлди. Шунда Муродхон энасига қараб, кўнгли бузилиб, кўзидан ёши тизилиб, юрак-бағри эзилиб, бир сўз деб турибди:

Жоним эна, хабар олгин ҳолимдан.  
Дод айладим мунда жаллод золимдан.  
Мен боғловли зулм билан ўлимдан,  
Ўз жонимга ўзим қилдим зулмни,  
Иложи йўқ, боғлатганман қўлимни,  
Кимга айтай энди ўлар ҳолимни!

Ғарибликда қўлим боғли, ўлдим ман,

Оёғима кирса эди бир тикон,  
 Жоним энам қилиб қолди юз фиғон,  
 Аҳволимдан титрар ер билан осмон.  
 Бошимга тушибди бундай аломат,  
 Қутилмоғим мушкул бундан саломат,  
 Қолган билан энди қайда эл энди,  
 Оҳ урганда кўзда ёшим сел энди,  
 Ғарибликда кўрган куним шул энди,  
 Мен ғарибдан хабар олар ким энди?  
 Қўлим боғли, зулм билан ўлдим мен.  
 Кўзда ёшим минчоқ-минчоқ тизилди,  
 Елғончи дунёдан ризқим узилди,  
 Кўролмаймиз ўйнаб-ўсган биз элни,  
 Мусофир юртларда ҳолим шу бўлди.  
 Ғариблик юртларда ҳолим не бўлди,  
 Эна, сенинг бунда кўнглинг бузилди,  
 Бу дунёдан туз-насибам узилди,  
 Кўп еб эдим, эна, сенинг тузингни.  
 Эна, рози бўлгин берган тузингга,  
 Хўп қайтариб, раҳбар бўлдинг улингга.  
 Қайишгандинг, эна, менинг жонима,  
 Неча сўзлар айтиб эдинг шайнима.  
 Энди йиғлаб келма менинг ёнима,  
 Маймун кулар, кўрса, менинг ҳолима,  
 Банди бўлиб тушдим жаллод қўлига,  
 Бу жаллодлар мени ҳайдаб кетади,  
 Қонхўр жаллод хон амрини тутади,  
 Бошим кесиб, мени дорга тортади,  
 Мендай қўзинг қонлар йиғлаб ўтади.  
 Фарзандингга тўкма ёшинг,  
 Фалакка етар нолишинг,  
 Кўп бўлди, эна, койишинг,  
 Жоним эна, хуш қол энди.  
 Беҳуда ўзингни урмагин.  
 Жонингга зулм қилмагин,  
 Болам деб йиғлаб келмагин,  
 Ғамхўр энам, хуш қол энди!

Ана шунда Муродхонни жаллодлар уриб-сўкиб, неча бир снѐсат-ларни қилиб, шоҳнинг қуриб қўйган дорининг остига етди. Муродхоннинг банди бўлганини ҳамма халойиқ билди, катта-кичик тамошага чиқди. Раста, бозорларда одамлар тўпланди. Подшонинг дори шу Гулистон шаҳрининг бир чеккасида, каллак тутга яқин жойда эди. Муродхон жаллодларга ялиниб, арз-дод қилиб:—Мен шоҳ-



нинг қизига борганим йўқ. Бир туҳмат билан ўлиб бора ётибман. Бир соат сабр қилиб сақлаб турсанглар, ўлар вақтда шу тутнинг бошига чиқиб, бу дунёнинг ўнгу-сўлига қараб кўриб ўлсам!—деди.

Жаллодлар айтди:—Биз сенинг аҳмоғинг эмасмиз. Қўлимиздаги бандига жавоб бериб, тутга чиқариб, мушукни қувиб толга чиқарган кучукдай бўлиб «туш-туш!» деб турагимиз?

Муродхон айтди:

—Унчалик бўлса, менга ишонмасанглар, бир арқон топиб мени белимдан боғлаб олсанглар, мен тушмасам арқон билан тортиб юборсанглар, ҳамма ўлим бир ўлим-да, мени тутдан йиқитиб ўлдирсаларинг ҳам бўлади, ундан кейин дорга тортсаларинг ҳам бўлади, мен сизлардан рози бўламан,—деди.

Жаллодлардан бири айтди:

— Бу банди рост айтади, подшонинг қизига боргани ростми, ёлфонми, билмаймиз. Ҳайтовур, бир кампир шўрлининг ё меҳмони, ё ўғли. Олиб келиб гуноҳкор қилиб, дорга тортмоқчи бўлиб турибмиз. Бу шўрлининг ҳам айтгани бўлсин, майли, арқон олиб келинглар, бу бандининг армони қолмасин. У дунёда бизлардан ўпкалаб юрмасин, — деди.

Шундан сўнг жаллодлар қирқ қулочлик арқондан қирқта узун арқон топиб олиб келдилар. Муродхоннинг белига арқонни боғладилар. Бу бола ҳийлагарми, ё зўрми, тағин қочиб кетмасин деб қирқ жаллод ҳам арқонни ўз белига боғлаб олди.

Муродхон ақли шошиб, тирмашиб тутга чиқди. Сўнгра уёқ-буёққа қараган киши бўлиб, битта-битта арқонни ешиб, паланг отнинг белига боғлади. Жаллодлар пастда: — Дунёни кўрганинг бас-да, бунча қилмагин ҳавасин! Тушгин, ишинг ҳали пастда, арқонни тортиб юборсак, ажалингдан илгари ўласан!—деб Муродхонга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Ўз элингда шоҳнинг ғамин еб эдинг,  
Биз ҳам бунда сенга раҳбар бўп эдик!  
Бир кўрса, дунёни, кўрсин, деб эдик,  
Тушгин энди, армон билан ўласан!  
Жаллодларни бунча маҳтал қиласан!  
Агар тортсак, армон билан ўласан!  
Ёр юзида майда-майда бўласан!  
Гезроқ тушгин, армон билан ўласан.  
Ўнгу сўлга қараб дунёни кўрдинг,  
Ўлар вақтинг яқин, хўб энди билдинг,  
Сўз сўзлаб, бизларни йўлингга солдинг,  
Қутилмоқ пайида бўлиб иркилдинг,  
Бу тутнинг бошида сен ҳам кўп турдинг.  
Жаллодман-ку, кўнглингдагин биламан,

Аччиқландим, сени тортиб оламан,  
Қўйдай қип бошингга ханжар соламан,  
Гуноҳкорнинг кушандаси бўламан,  
Бошинг кесиб, сени дорга иламан,  
Тезроқ тушгин энди, нобуд қиламан.  
Жон ширин, у ерда кўнглинг бузилди,  
Тақдирингга шундай қисмат ёзилди.

Бу сўзни айтди сенга жаллодлар,  
Бу ишларни шоҳга биров еткарар,  
Гуноҳкорга жавоб бермоқ не даркор!  
Шоҳ қошида биз бўлмайик жавобгар.

Ўсган мамлакатинг олганди туман,  
Бизлар сенга сира бермаймиз омон,  
Жон қутилмас жаллодлардан бу замон,  
Жаллодларни бунда қилмагин ҳайрон,  
Маҳтал қилма, тушгин энди, мард ўғлон!

Сўз сўзласанг нур томади юзингдан,  
Қарасанг, қўрқамиз икки кўзингдан,  
Ҳеч бир умид ўзмайсан-ку ўзингдан,  
Жаллод тушган, билсанг, сенинг изингдан.

Ўларман деб сира парво қилмадинг,  
Сўздан қайтиб, айтганингда турмадинг.  
Хазон бўлиб боғда гуллар сўлдими?  
Хаёлингга бошқа гаплар келдими?  
Жавоб олиб бунча сарсон қиласан!  
Ўзинг туш, ёш ўғлон, тайин ўласан.

Бу сўзни Муродхон жаллодлардан эшитиб, уларнинг сўзларига  
яраша бир сўз деди:

Менинг ишим ола бердинг қиёма,  
Қўлингдан келганин қилгин, аяма,  
Мард йигит сўзлаган сўздан тояма,  
Жаллодлар, айтганинг сенинг бўларми?

Қирқ жаллодлар, қанча келар қувватинг?  
Балки битди, ажал етиб муҳлатинг!  
Энди майда бўлар сенинг жасадинг,  
Йиғлаб қолар ўғил, қизинг, фарзандинг!  
Жаллод, менга кўп таадди қиласан,

Сен беҳуда лоф сўзларни урасан,  
Дор остига мени ҳайдаб келасан,  
Инглай бер, жаллодлар, тайин ўласан.

Бу сўзларни шунда Муродхон айтди,  
Пастдаги жаллодлар бунни эшитди,  
Қирқи ҳам чираниб арқонни тортди,  
Кўринг энди, Муродхон валламати,  
Паланг отнинг ўнг қулоғин бурабди,  
Паланг от ҳам у замон қўзғалибди.  
Жафолар солганди тандаги жонга,  
Хазон бўлса зоғлар қўнар гулшанга,  
Бу паланг от кўтарилди осмонга,  
Билмай қолди Муродхоннинг ишини,  
Олиб кетди бунда қирқта кишини.  
Иш кўрсатди Муродхондай зўрабор,  
Булутларга чиқиб кетди жаллодлар,  
Қирқи ҳам типирлашиб қолади,  
Шаҳар халқи бари кўкка қаради,  
Кўрган одам бари ҳайрон бўлади,  
Бундай бало қайси элдан келади,  
Бир нечалар қочиб бундан жўнади,  
Ҳар ким қўрқиб бош панасин қилади,  
Қизил-яшил ўтдай ёнган жодугар,  
Қайси элдан келган экан, ҳийлагар?  
Остида ажойиб учқур оти бор,  
Бир ёқда тўқишиб юрган жаллодлар,  
Ҳаммамиз қолибмиз бундан беҳабар.

Шунда шаҳарнинг одамлари бу воқияни подшога бориб айтди. Подшо ва ҳамма одам осмонга қараб қолди. Одамлар бу воқияга «бу нима бало эди, қайдан келди?» деб ҳайрон бўлишди. Подшо ҳам ҳайрон бўлди. Ҳамма осмонга термулиб қолди. Булутнинг остида ўтдай ёниб бир нарса юрибди, унинг тагида қирқ жондор бири бири билан тўқишиб, ҳалинчак учиб юрибди. Шаҳарнинг устидач нари кетмайди.

Шоҳ қизининг қирқин қизлари ҳам бу ҳодисани кўриб, ҳайрон бўлиб, унга хабар берди. «Бу аломат қандай бўлди?» — деди. Шоҳнинг қизи кўриб, парво қилмай: — Бу тангрининг Азроили, Азроил шундай, элинг устида юради, ажали етгани ўлдиради, — деди.

Қизлар айтди: — Ё нарига, ё берига кетмайдими? Азроил шундай бўладими? Қирқ кишини осилтириб боғлаб оладими? — деди. Шоҳнинг қизи айтди:

— Азроилнинг одати шундай бўлади. Азроилга тил теккизган «кишиларни шундай қилиб боғлаб олади. Осмонга кўтариб чиқиб, сарсон қилиб юради. Ажали етганини ўлдиради, — деди.

Қизлар паризоддан бу сўзларни эшитиб, «тавба-тавба!» деб қолишди.

Муродхон шунда бу қирқ жаллоддан ҳар замонда бировни ешиб ташлаб юборди. Яна биттасини ташлади. Шундай қилиб, Муродхон қирқта жаллоддан бирин-кетин шаҳарнинг қирқ томонига ташлади. Одамлар бу ҳолни кўриб, қўрқиб қоча берди.

Муродхон паланг отнинг бошини кўшкка қараб бурди. Бунини бир неча қизлар кўрди, шоҳнинг қизига хабар берди:

— Хоним, бояги Азроил бизнинг кўшкимизга қараб келаётир! — деди. Паризод айтди:

— Ичкари кириб туринглар. Унда сенларни кўрмас. Кўрса, сенларни бир нима қилмай қўймас! — деди. Қизлар дарров яшириндилар.

Муродхон келиб кўшкнинг устига қўнди. Қизлар бунини кўриб, ҳаммаси ҳайрон бўлиб, қараёлмай турди.

Шоҳнинг қизи Муродхонни кўриб, қилган ишларига ҳайрон бўлиб, бурунгидан ҳам меҳри ортиқ бўлиб, Муродхоннинг кўнглини хушлаб, билмайдан ушлаб: — Ҳеч бир одамзод қилолмаган ишларни қилдингиз, мен учун кўп жафо кўрдингиз, — деб ўз ўтириш жойига, майлисхонага олиб кирди, остига зарбоб кўрпачалар тўшаб ўтқазиб қўйди.

Шунда канизлар моралаб кўриб, — Азроил эмас экан, одамзод экан, — деб билиб, битта-битта келиб:

— Э бувишим, бу киши ўзингизни одамингиз экан, бизларга ёлғон гапирган экансиз, Азроил осмондан тушиб, меҳмон бўлиб ўлтирадим! — деди.

Бир каниз: — Биз неча замондан бери хизматингизни қилиб юрганимиз. Биздан сирингизни яшириб, бекнинг бизга берадиган тиллаларини кўзингиз қиймай, ўзингиз овлоқ ерларда гаплашиб юрган экансиз. Бизлар куёвни таниб қўяйик, хизматини қилиб гурамиз, энди биздан яширманг! — деб битта-битта Муродхоннинг олдига таъзим қилиб кириб келди. Шунда Муродхон қирқин қизлар олдида паризодга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Биздан қолиб бундай нишон,  
Элу юртинг бизга душман,  
Кўп ўтириб манзил жойда,  
Сўнгра қилмайик пушмон.  
Қулоқ солгин арзи додга,  
Мингаш энди паланг отга,  
Биз кетамиз ўсган юртга.

Сўз сўзларман алвон-алвон,  
Юрагимдан кетсин армон,  
Оқтош элда бўлсин даврон,  
Қўнглингда қолмасин армон,  
Мингаш, дилбар, паланг отга.  
Мен кетаман сени олиб,  
Отанг-энанг бунда қолиб,  
Мурод бўлган сенга толиб,  
Қордай тўшингга қўл солиб,  
Мингаш, дилбар, паланг отга.  
Қулоқ солгин айтган сўзга,  
Менинг билан юринг бирга,  
Худо ўнглаб берди қўлга,  
Мингаш, дилбар, паланг отга.  
Не ҳийлалар Мурод қилди,  
Ишқингдан кўп юртни кўрди,  
Шаҳрингдан қирқ жаллод ўлди,  
Олиб кетай сендай гулди,  
Мингаш, дилбар, паланг отга.  
Кетмоқни ихтиёр қилгин,  
Кечаги сўзингда тургин,  
Сен турмасанг ишим кўргин,  
Мингаш, дилбар, паланг отга.  
Сенсан бир паризод дилбар,  
Элатинг қолсин беҳабар.  
Қилмасин бизни гуноҳкор,  
Бунда турмай кетмоқ даркор,  
Мингаш, дилбар, паланг отга.

Бу сўзни паризод Муродхондан эшитиб, айтди: — Муродхон рост айтади, бировнинг билгани яхши, бировнинг билмагани яхши, — деб маъқул қилди.

Паризод Муродхонга меҳрибонлик қилиб: «Жўнасақ, жўнайлик!» — деб ўрнидан туриб, тарадди қилиб, канизлар билан хўшлашиб, ўзига керакли кийимларини олиб, кетарини билиб, кўнгли бузилиб, канизакларига қараб бир сўз айтиб турган экан:

Ешга тўлиб бунда жодугар кўзлар,  
Айрилиқ савдоси бағримни тузлар,  
Кеча-кундуз хизмат қилган канизлар,  
То кўргунча, канизларим, омон бўл!  
Кеча-кундуз хизматимда бўласан,  
Кўп югуриб менинг ақлим оласан,  
Неча йилдан бери бирга бўласан,

Мен кетарман, яхши қизлар, қоласан,  
То кўргунча, канизларим, омон бўл!  
Кўнгилда қолмасин зарра армонлар,  
Сирли устун, бунда кўшкў айвонлар,  
Бунда қолар ўйнаб-ўсган маконлар,  
Ўтиб кетди сизман кўрган давронлар,  
То кўргунча, канизларим, омон бўл!  
Мен ҳам энди бу эллардан кетаман,  
Юрган кунлар эсга тушса қайтаман,  
Неча йиллар сизман даврон этганман,  
Тақдир шудир, Оқтош элга кетаман,  
Оқтош хони билан бирга бўламан,  
Хизмат қилган канизларим, омон бўл!  
Бундан жўшатинглар мендай санамни,  
Юрагимга қўйма, сўзлаб аламни,  
Менинг учун сизлар сўранг энамни,  
Хизмат қилган канизларим, омон бўл!  
Кетарман юртимдан хуноба бўлиб,  
Оқтош хонин мен ҳам этагин тутиб,  
Неча шаҳар, неча дарёдан ўтиб,  
Бир кун борсак Оқтош шаҳрига етиб,  
Хизмат қилган канизларим, омон бўл!  
Сизлар қолиб, энди кетиб бораман,  
Тақдир тортса, нима илож қиламан?  
Бу юртда ҳаммангга катта бўлганман,  
Паризодлар билан бирга юрганман.

Парилар дуосин ўқиб билганман,  
Учар қушдан мен ҳам улги олганман,  
Илгаридан хонга кўнгил берганман,  
Бу мард билан қаттиқ ваъда қилганман.  
Сўзлаган сўзимдан қайтмай юрганман,  
Хизмат қилган канизларим, омон бўл!

Олтин кўшкў манзил жойларни солдим,  
Сизлар билан бу жойда майлис қилдим,  
Энди билгин, паланг отга мен миндим,  
То кўргунча, канизларим, омон бўл!

Муродхон паланг отига миниб турди. Канизлар бувишига оро-  
торо бериб, ясангириб, тоза кийимларга ўраб, ўсма-сурмаларни  
қўйиб, тилла мунчоқларни тақиб, бетига упа-қирмизлардан қўйиб,  
Муродхоннинг орқасига мингаштириб, бир пўта билан маҳкам қи-  
либ Муродхонга боғлаб қўйишди. Шу вақтда канизлар бувиши  
билан хайрлашиб, бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:



Ошиқнинг фаҳмидир қоронғу кеча,  
Йиғласам, ҳолимга йиғлар бир неча,  
Сизни олиб кетар бундан Муродхон,  
Омон бўлинг то кўргунча, ойимча.  
Хизмат қилдик ўн ёшингда,  
Лавдан рўмолинг бошингда,  
Овозанг кўп хон қошинда,  
Еқут-маржонлар тўшингда,  
Оқтош хони йўлдошинг-да,  
То кўргунча омон бўлинг, ойимча,  
Боғларда бўлар тоза гул,  
Чаманда сайрайди булбул,  
Бувишим оти Орзигул,  
Ташлаб кетар мамлакатин  
Энди излаб бек элатин,  
Сабил қилиб ўсган юртин.  
Боролмаймиз сизни излаб,  
Қолармиз бўтадай бўзлаб,  
Ҳар замон сайри боғ қилиб,  
Юрган ерларингни кўриб,  
Йиғлаб умрни ўтқариб,  
Кетарсан бошинг қутқариб,  
Канизларинг бунда қолиб,  
Эр йигитга бўпсан толиб.  
Мингашибсан сен буралиб,  
Сен кетмоққа хизмат қилиб,  
Кўзга суртиб, топсак изинг,  
Бунда қолар қирқин қизинг.

Бизларни эсингга олгин,  
Ўз юртим деб йўқлаб келгин,  
Ҳар замонда бизни кўргин,  
Келиб биздан хабар олгин,  
Саломат Оқтошга боргин.

Олиб кетар сени шунқор,  
Хон отанг қолди беҳабар,  
Сенинг ишинг қандай бўлар,  
Канизларинг зор-зор йиғлар.

Ана шунда канизлар Оризгул ойим билан омонлашиб қолди. Орзигул ойим ҳам булар билан омонлашди. Муродхон паланг отининг бошини буриб, ўнг қулоғини тоблади, осмонга қараб парвоз қилиб учиб кетди. Канизлар то булар кўринмагунча қараб қолди.



Шунда Муродхон: — Ниқобингни торт, орқамиздан келганларга маълум бўлмасин, душманлар орқамиздан тушмасин, — деб ойимга бир сўз айтиб бораётир:

Бунда кўнглин хўшлаганлар,  
Торозини ушлашганлар,  
Бу элда ўйнаб-кулганлар,  
Бекнинг инъомин олганлар,  
Мен кетарман, хуш қол энди.  
Сенга етгай марднинг сўзи,  
Тўрт бўп бир нечанинг кўзи,  
Орқамдаги шоҳнинг қизи,  
Қўлга теккан сарви ноzi,  
Миндирган Муроднинг ўзи,  
Йиғлаб қолган кўп канизи,  
Устида ипак қирмизи,  
Беклар, хонлар, хуш қол энди.  
Афсар девнинг ақлин олдим,  
Паланг миниб бунда келдим,  
Шоҳ қизига ошно бўлдим,  
Айтган сўзима кўндирдим,  
Дилбар ёримни миндирдим,  
Қилган ишимни тиндирдим,  
Бу элдан кетмоқ бўлдим,  
Қизу жувон, хуш қол энди.  
Келган қўлимга давлатим,  
Қўлга теккан паризодим,  
Обод бўлар борсам юртим,  
Чувлашганлар, хуш қол энди.

Бу сўзни Муродхон айтди,  
Гулистон шаҳридан ўтди,  
Деви Афсарга йўл тортди,  
Бир-бирига ҳазил қилиб,  
Ёрнинг тўшига қўл солиб,  
Икови ҳам ўйнаб-кулиб,  
Бир-бирига кўнгли тўлиб,  
Юрар ҳавода йўл ошиб.  
— Сен, дилбар, кўп ишлар қилдинг,  
Мени бунча ҳалак қилдинг,  
Мени, ойим, синаб кўрддинг,  
Энди сен, дилбар, тан бердинг.  
Кўкка учиб жўнаб кетди,  
Дев Афсарга яқин етди,

Неча шаҳарларни ўтди,  
Келиб бир манзилга етди.

Булар бир мунча шаҳарларни ўтиб, Афсар девнинг маконига  
етди. Паланг отнинг чап қулоғини бураб, қўндирди.

Афсар дев баҳайбат ҳали ҳам ухлаб ётар эди.

Муродхон дев Афсарнинг олдига паланг отни қўйиб, ўз уйига  
келгандай бўлиб; яхши, тоза палосларни солиб, паризодни меҳмон  
қилиб ўтқазди.

Паризод Муродхондан сўради:

— Дев билан ошна бўлган экансиз-да, девнинг ўзи паланг оти-  
ни сизга берган экан-да, — деди.

Муродхон айтди:

— Бу дев билан ошна бўлганмиз. Бу девнинг жонига раҳм  
қилганман. Бўлмаса, бу қоровул девингни ўлдирар эдим. Сени  
ҳурмат қилдим! — деди.

Муродхон Орзигул ойим билан суҳбат қуриб, димоғи чоғ бўлиб  
ўтирди.

Афсар дев шундай дев эди, бунинг уйқуси қонмаса, бировнинг  
тур дегани қулоғига кирмас эди. Нима бўлса, юрса, гаплашса,  
билмас эди. Шундай қилиб, бу дев ухлаб, ҳеч нарса билмай ёта  
берди.

Муродхон билан паризоднинг кетганини Гулистон шаҳрининг  
одамлари, ҳамма ҳалойиқ билиб қолди.

Қирқин қизлар ўйлаб: «Отаси эшитгани йўқ. Унга хабар берма-  
сак, эртага бизларни олиб бориб гуноҳкор қилади. Билдирмай  
тургандан кўра, бориб айтганимиз яхши», — деб улар маслаҳатни  
бир қилиб, Қирон шоҳнинг жиловхонасига қараб жўнади. Амал-  
дорлар қизларни кўриб, «пўшт-пўшт» қилиб йўл бўшатди. Каниз-  
лар Қирон шоҳнинг олдига бориб, подшонинг сиёсатини кўриб,  
қалтириб, титраб, айтадиган гапни йўқотиб, нима дейишини бил-  
май турди.

Подшо буларни кўриб:

— Нимага келдиларинг? Нима арзларинг бор? — деб сўради.

Буларнинг ичида энг каттаси Гулчеҳра деган бир қиз бор эди.  
Гулчеҳра Қирон шоҳга қараб, арз қилиб бир сўз деди:

Аё шоҳим, сизга айтар арзим бор,  
Хозир бўлиб келдик сизга гуноҳкор,  
Қизинг кетиб бизлар қолдик беҳабар,  
Давлатингга йиғлаб келди канизлар.  
Хазон бўлмай боғда гуллар сўлмади,  
Сўлган гулга булбул келиб қўнмади,  
Қизинг кетди, ҳеч бир нишон қолмади,

Ҳеч кимса бизлардан хабар олмади.  
 Султоним, эшитгин айтган сўзимни,  
 Биров олиб кетди сенинг қизингни,  
 Қизинг кетиб, ному нишон қолмади.  
 Билмаймиз биз, қайси шаҳардан келган,  
 Бизлар кўрдик ҳавода учиб юрган,  
 Лочиндай қуйилиб келиб чанг солган,  
 Бир суқсур дилбарни чангига олган.  
 Сиздайин отаси беҳабар қолган.  
 Армон билан тушди зўрнинг қўлига,  
 Биз билмаймиз, кетган кимнинг элига,  
 Кетди дилбар, ному нишон қолмади.  
 Меҳмон бўлди мусофир манзилига,  
 Танимадик бунда келган ўғлонни,  
 Гулчехра дер сизга сўзлаб турганни,  
 Шоҳим, сўроқласанг шундай қизингни,  
 Биров тубан қилиб кетди юзингни,  
 Сен ҳам подшо, бу шаҳарда анжомдор,  
 Маслаҳат бергувчи саркардалар бор.  
 Ҳозир ўзинг қолган бўлсанг беҳабар,  
 Сенда ҳам бор эди урушга қайсар.  
 Давлатингга тобе неча шаҳарлар,  
 Уйласа, канизлар кўнгли бузилар,  
 Нишонидан сўраб топмасанг хабар,  
 Ёлғиз кетди, сизга айтар канизлар.

Бу сўзни эшитиб, Қирон шоҳ канизларга жавоб бериб, ўрдага  
 бориб, оймларидан сўраб кўриб, бир дарак топмади. Шундан сўнг  
 бари амалдор, жиғадор, беқларини чақиртириб, ҳаммасини жам  
 қилиб йиғиб, бу ўтган воқиаларни сўради. Ҳеч қайсиси бу ишлар-  
 нинг тайинини билмади.

Шунда шаҳардаги ўзи буюрган жаллодларни чақирди. У жал-  
 лодлардан ҳам нишон бўлмади.

Бир киши айтди: — Жаллодлар бир одамни банди қилди. Уни  
 дорнинг остига олиб борди. Шунда қирқ жаллод бирдан осмонга  
 кўтарилди. Осмондан жаллодларни битта-битта ташлаб ўлдирди.  
 Остида ёғочдан бўлган оти бор. Гоҳ осмонга учса, гоҳ ерга тушар,  
 зарбидан шаҳар ғалоғул бўлди. Эҳтимол, қизингиз шу одам билан  
 қочгандир, — деди.

Қирон шоҳ фикр қилиб: «Бундай от-анжом Афсар девда бўлади.  
 Ундан бошқада бўлмайди. У девнинг таърифини неча марта эшит-  
 ганмиз. У Кўҳи қоф мамлакатидан бориб турган усталарни тўп-  
 лаб, паланг от қилдирган. У одам шу от билан келган. Афсар дев  
 билан гапи бир бўлган экан. Ёки дев Афсарнинг кўнглига шумлик

«желган экан. У одамхўр борса, Афсар девнинг маконига боради. Бу ишлар Афсар девдан бўлади. Афсар дев маконига борган одам унинг хабарини билади. Ундай одам Афсар девнинг сўзи билан иш қилади», деб бекларидан маслаҳат сўради. Афсар девнинг номи эшитиб ҳаммаси ҳам иркилиб қолди. Гапни бошқа томонга бурди. Баъзилари ичидан: «Афсар девнинг ўзи ҳам шоҳнинг қизига хуштор, ошиқ. У баҳайбат, зўр дев. Ҳеч ким у билан баробар бўлмайди. Унга бориш қийин. Унга ким борса, тайин ўлади. Қизни олиб бориб, ўзи тамоша қилиб юргандир», деди.

«Афсар девнинг қўлида ажалдан беш кун илгари ўлиб кетганимиз — нима қилганимиз?» деб ҳаммаси шоҳнинг сўзини бошқа томонга буриб гапирди. Қироншоҳ айтди:

— Бу шоҳлик шаъну шавкатига, подшоҳлик давлатига «Қироншоҳнинг қизи бетайин йўқолиб кетибди» деган гап яхши эмас. У дев ҳам бизга беҳуда ёмонлик қилмас. Афсар дев илгаридан келиб-кетиб юрар эди. Ўзимизга синамол эди. Бу юртда шу вақтгача сира ёмонлик қилмаган эди. Биз ҳам унга ёмонлик қилганимиз йўқ эди. Бу ерда бир ҳикмат бор! Нима бўлса ҳам боришимиз керак! — деди.

Бу гапни амалдорлар ҳам маъқул кўрди. Ҳаммаси бормоқчи бўлди. Шунда Қироншоҳ ўзига қарашли шаҳарлардан одам тўплаб йиғдирди, бутун амалдор, сипоҳилар ўзига қарашли одамларни йиғиб, жам қилди. Ҳамма элдан келган беклар, амалдор, сипоҳиларни кўриб, Қироншоҳ уларга қараб бир сўз айтиб турди:

Амалдорлар, бедов отни мининглар,  
Олмас, пўлат белга боғлаб олинглар,  
Амалдорлар, туғ кўтариб юринглар,  
Пўлат тиг найзани қўлга олинглар,  
Қироншоҳга шундай хизмат қилинглар.  
Саркардалар, бизга ҳамроҳ бўлинглар,  
Қироншоҳнинг тузин ҳақлаб юринглар,  
Афсар дев устига сафар қилинглар,  
Олмас, пўлат белга боғлаб олинглар.  
Менинг сўзим ҳамманг маъқул қилинглар.  
Хабар қилиб лашкарни жам қилинглар,  
Афсар дев устига бирга юринглар,  
Менинг сўзим ҳамманг маъқул қилинглар.  
Афсар дев устига бундан бораёйик,  
Дарак солиб шундан сўраб кўрайик,  
Бу кун ётиб, эрта туриб жўнайик,  
Лашкар жамлаб Афсар девга бораёйик.  
Қолмасин бу элда бир номдор полвон,  
Бетайин кетгандир бундан хиромон,

Мендай шоҳдан инъом олган бегу хон,  
 Ҳозир каллам ғувлаб, бўлганман сарсон.  
 Афсар дев устига борсак бу замон.  
 Баринг бирдай бўлиб қилгин ғайратни,  
 Сайлаб мининг элдаги илдим отни,  
 Қараб қолмоқ биздай шоҳга уятдир,  
 Жами беклар, туриб қилинг ғайратни.  
 Бу сўзларни Қироншоҳи айтади,  
 Қулоқ солиб амалдор эшитади,  
 Аламонлар саф-саф бўлиб туради,  
 Гулистон шаҳрига одам тўлади,  
 Подшонинг лашкари бошлаб жўнади,  
 Байдоқ-байдоқ элдан чиқиб жўнади.  
 Лашкар жўнаганин эли кўради,  
 Қироншоҳ бош бўлиб бормоқ бўлади,  
 Қизини ахтариб бундан жўнади.  
 Айрилиқ ўтига бағрини доғлаб.  
 Афсар девнинг маконини сўроғлаб.  
 Кеча-кундуз шоҳга хизмат қилганлар,  
 Оту сарпо олиб даврон сурганлар,  
 Туғ кўтариб бошлаб кетиб боради,  
 Дев манзилин ҳар кимсадан сўради,  
 Лашкарнинг кетидан подшо боради.  
 Қизига қурбонди бу шоҳнинг жони,  
 Шоҳлар кетиб чўл бўп қолди макони.  
 Ун икки минг лашкар билан жўнади  
 Шу замонда Гулистоннинг султони.  
 Бош бўлиб шунда йўлга чиқади,  
 Ҳар шаҳардан лашкар кеп қўшилади,  
 Оз-оздан қўшилиб лашкар кўпайди,  
 Шу замон жам бўлиб лашкар мавж урди.  
 Изғор чўли тўзон бўлиб йўл юрди,  
 Бундайин чўлистон лашкарга тўлди.  
 Қўшин жўнаб баланд-пастда,  
 Бораётир чапа-раста,  
 Йўлга кириб даста-даста,  
 Ботир урушга ҳавасда.  
 Кўрқоқлари бўлар хаста,  
 Нечови чарчаб, шикаста.  
 Бораётир лашкар босиб,  
 Бир-бирига хўп муносиб,  
 Елкасига милтиқ осиб.

Ҳар замонда милтиқ отиб,  
Тоғни, тошни гумбирлатиб,  
Қўп юриб, чўллардан ўтиб,  
Бораётир шабгир тортиб.

Гоҳ кечалар қўниб ётиб,  
Эрталаб лашкар жўнатиб,  
Бораётир йўлни тутиб,  
Йўлда тўзон, тупроқ ютиб.  
Неча адир, белдан ўтди,  
Елғиз қизин излаб кетди,  
Бир кечада йўқотганди  
Ойдаи тўлган паризодни.  
Болам деди, жафо тортди;  
Қилиб чўлларда ғайратди.  
Боради қизини излаб,  
Йиғлайди бўтадай бўзлаб:  
— Қаерларга кетди қизим?  
Элга қараёлмай ўзим,  
Тўрт бўлади икки кўзим,  
Ҳозир менга ўлим лозим.  
Қамчи уриб, бедов чопсам,  
Мен излаб қизимни топсам,  
Мунглиғнинг кўнглини сўрсам,  
Душман бўлса, бошин юлсам,  
Тенги бўлса, топиб берсам.  
Шундай деб Қирон жўнади,  
Қулочлаб отин уради,  
Лашкарга қилиб сиёсат,  
Қирон шоҳи йўл босади.

Шунда Қироншоҳ аскари неча кун, неча ой йўл юриб, Афсар девнинг маконига яқин етди. Бирдан босиб бормоққа қўрқиб, шу ерда тушиб қўнишни Қироншоҳ амр этди.

Қироншоҳнинг амри билан ҳамма лашкарлар шу ерда катта бир чўлда қўниб ётди. Бу ернинг бир тарафи чўл, бир тарафи кўл эди. Оқшом ётди, Эрта билан тонг отди. «Афсар девга элчи юбор-сакмикин?» — деб қилди маслаҳатди. «Е ўзи келса, ё келсин деса, бизлар борсак», деб ўйлади.

Шунда бу борган лашкарни шоҳнинг қизи кўриб, Муродхонга: — Отамнинг кўп лашкари келибди, ҳеч нима ғайратинг борми? — деб турибди.

Муродхон айтди:

— Менинг ҳам ўзимга яраша ғайратим бордир. Ҳозир улар менга синамол эмас, ҳали бизларнинг бир-бировимизга душманлигимиз бор. Қўлга туширса, мени ўлдираар. Ҳеч омон қўймас. Бир ҳаракат қилмасак, улар ҳам бундай қилиб қараб турмас, босиб келар. Беҳавотир ўтирганда бизни банди қилар. «Эсинг борида этагинг ёп!» деган экан. Эсимиз борида буларга қарши бир ҳаракат қилайик. Буларга ўзимизни маълум қилайик, — деди.

Муродхон бу сўзларни гапириб, ўйлаб, қора отни абзаллаб, чоқлаб, девнинг керакли анжом-аслаҳаларидан олиб, ёв-яроғини қилиб, ўзини безаб, телпак кийиб отланди.

Муродхоннинг Афсар девнинг маконидан отланганини Қироншоҳнинг сардор, амалдор, лашкарбошилари билиб, булар ҳам қўзғолди. Лашкарбошилари хабар бериб, саф-саф бўлиб, булар ҳам уруш яроғини ғамлаб турди.

Муродхон девнинг маконидан чиқди. Лашкар кўриб айтди:

— Бу — Афсар девнинг ё тоғаси, ё оғаси. Бу билан қандай одам бас келади. Афсар дев қандай одамни меҳмон қилади. Бу сиёсатдан келаётир. Бунга дуч келган одам ўлади, бу-лашкарлардан ғам эмас. Афсар девдан кам эмас. Одамзод бу девнинг маконига келмас. Келганини бу дев сира ҳам қўймас. Эси бор одам билади. Албатта, бу — келаётган девнинг қариндоши ёки Афсар девнинг сирдоши. Уёққа-буёққа борганда манзилда қоладиган йўлдоши. Бу борса, Афсар қолади. Афсар дев қолса, бу боради. Афсар девнинг сирини билади. Жаллодларни осмонга олиб чиқиб ўлдирган шу бўлади. Қироншоҳнинг қизини ҳам шу олиб келган. Бу келаётир. Бир бало қилади, худо билади, турган одамлар тайин ўлади, — деб ўйлади. Муродхон, лекин, буларнинг бу гапини билмади. Муродхон шу сўзни айтиб бора берди:

Қийгани гулгун қирмизи,  
Ақлим олар жоду кўзи,  
Қўлга теккан шоҳнинг қизи,  
Кел майдонга, савашайик.  
Қулоқ солинг айтган дурга,  
Ошиқ эдик Орзигулга,  
Булбулдай қўшилиб гулга,  
Шоҳ қизиман бизлар бирга.  
Талаб қилсанг кел майдонга,  
Кел полвонлар, савашайик.  
Ошиқ эдим паризодга,  
Миниб бордим ёғоч отга,  
Ғалоғул солдим элатга,  
Баҳодирлар, савашайик.  
Келдинг бунда мени излаб,

Жароҳатда бағринг тузлаб,  
Кетарсан бўтадай бўзлаб,  
Баҳодирлар, савашайик.  
Майдонга қилдим юришни,  
Сизларга қилдим хуружни,  
Рустамдай қилдим урушни,  
Сизлар қилинглар туришни,  
Баҳодирлар, савашайик.  
Муродхон дер: мени билгин,  
Ёлғиз-ёлғиз бўлиб келгин,  
Менинг урушимни кўргин,  
Биров кўрқсанг, икков келгин,  
Кўрқмасанг, майдонда тургин.  
Икков кўрқсанг, тўртов келгин.  
Ҳозир менинг ўзим ёлғиз,  
Уруш қилай кеча-кундуз,  
Қўлима теккан шундай қиз,  
Кел ботирлар, савашайик.  
Менинг айтган сўзим билгин,  
Ўнта-ўнта бўлиб келгин,  
Менинг билан саваш қилгин,  
Кўрқсанг агар ёппа келгин,  
Кел, полвонлар, савашайик.

Муродхоннинг бу сўзини эшитиб, Қироншоҳнинг лашкаридан бир ботир оғланиб, сафдан илгари чиқиб, Муродхонга қараб бир сўз айтиб турибди:

Биров қилиб сени аҳмоқ,  
Нега бунча лофлар урмоқ!  
Беҳуда элни кулдирмоқ.  
Бу сўзингдан ҳеч ғам эмас!  
Қоварбек сендан кам эмас!  
Нечовларнинг олиб жонин,  
Тўкканман ерларга қонин,  
Сен бўлдингми менинг душманам!  
Ботир бўлсанг, кел майдонга.  
Менам қилай сени сарсон,  
Танангни ер билан яксон,  
Менга ботди сенинг сўзинг,  
Тентак бўлиб юрган ўзинг!

Ўнғай келиб олақобсан  
Меҳнат қилмай шоҳнинг қизин,  
Беҳуда сўз аҳмоқ бўлар,



Қиз деганни ҳар ким олар.  
Аҳмоқ одам кўтарилар,  
Ботир майдонда айрилар.  
Сен ўзингни осмон қилма,  
Айтар сўзинг билмай турма,  
Тағин ҳам лашкаринг борми?  
Танҳо ўзинг зўраворми?  
Аҳмоқ бўлиб кўп лоф урма,  
Ғариб бўлиб чўлда ўлма.  
Умид тортиб олиб кепсан,  
Шоҳ қизини сарсон қилма.  
Шу ишингман бунда турма!  
Еш экансан — жабр кўрма!  
Елғизсан, майдонга кирма!  
Армон билан қўлда ўлма!  
Элу юртинг сабил қилма!  
Қайт ҳали, майдонга кирма!  
Че полвонларни ўлдирдим,  
Шаҳарларни тобе қилдим,  
Қироншоҳдан инъом олдим.  
Сен ўлдинг — майдонга кирдим.  
Бу сўзни Мурод эшитди.  
Ўтдаин тутаниб кетди;  
Қамчи уриб бедов отга,  
Қўл солиб кескир пўлатга.  
Иккови майдонга кирди,  
Қсвар полвон найза солди,  
Найзага шунқор рад берди,  
Бу найзадан омон қолди.  
Муродхон аччиғи келди,  
Қайтадан отини бурди,  
Бу полвонга қилич солди,  
Қилич билан сермаб ўтди.  
Қиличига бу рад бериб,  
От ёнига ўзин отди,  
Муродга ханжар узатди.  
Шундай бошга сипар тутди.  
Ботирлар савашиб ётди,  
Лашкар тамоша кўрибди.  
Муродхон найзасин олди,  
Вақтин топиб найза солди.  
Солган найза туйраб ўтди,  
Кўтариб лашкарга отди.

Кўринг шундай валламати,  
У полвон дунёдан ўтди.  
Қарамай баланд-пастига,  
Бу лашкар пайнастига,  
От солди лашкар устига,  
Чувиллаб от қўйди лашкар.  
Қарвон кўчгандайин бўлди,  
Юлдуз ўчгандайин бўлди,  
Ҳар тарафни тўзон олди,  
Кўп лашкар ёппа от солди.  
Муродхон дарёдай тошди,  
Қайтмай қилади савашди,  
Қўрқоқлари йиғлаб қочди,  
Бир аломат уруш бўлди.  
Баҳодирлар қайтмай турди,  
Шердай бўлиб уруш қилди,  
Отлар чопиб алвон-алвон,  
Иш кўрсатди мард Муродхон.  
Бедовда заррин айиллар,  
Отилар милтиқ, жазойиллар.  
Бир нечалар кетар қочиб,  
Ботир юрар жондан кечиб.  
Баҳодирлар ҳар тарафдан  
Муродхонга найза солган,  
Муродхон ярадор бўлган,  
Қизғин чоқда билмай қолган.  
От қўйди тағин шу замон,  
Остида Оқиланинг оти,  
Қўлига теккан паризоди,  
У ҳам Оқтош валламатини.  
Учраса ёри қобил,  
Майдон бўлса тилла довул.  
Мурод саваш қилиб ётди,  
Бир нечаларни бўзлатди,  
Тезлар энди минган оти,  
Муродхонга тўғри бўлиб,  
Кўп ботирлар ўлиб кетди,  
Нечовларни бу қулатди.  
Қочганлари қочиб кетди,  
Қочганларга қувиб етди,  
Найза билан санчиб солди,  
Не полвонларни қулатди.  
Тоб бермай бўлган савашга,  
Қочаётир тоғу тошга,

Йўлиққанди шундай шерга,  
Қочиб кирар тўқай, кўлга,  
Урушда тоб бермас эрга,  
Йўлиққанди шундай зўрга.  
От чопади овит-овит,  
От қўйганда ярқиллайди  
Карк қуббали олтин совут.  
Биз билмаймиз мард ўғлонни,  
Қай юртдан келган аждаҳор,  
Шоҳнинг қизин излаб келиб,  
Ҳалок бўлди кўп одамлар.  
Миниб Муродхон тулпарни,  
Изиллатиб кўп лашкарни,  
Ҳар тарафга тўплаб олди,  
Қўйга бўри теккандай бўп,  
Нечовларга қилич солди.  
Муродхон юрганди майдон,  
Бедовларнинг тўзонига  
Кўринмайди еру осмон,  
Ҳеч бир қайтмайди савашдан,  
Тўғри келса, ўлар душман.  
Қироншоҳ бу ишни кўрди,  
Муродхонга кўп тан берди,  
Бу ҳам ёлғиз юрган эрди,  
Кўп лашкарни ёлғиз қирди.  
«Шу қизимни олган бўлса,  
Менинг кўнглимдаги бўлди,  
Мурод-мақсадим топилди.  
Танишиб билайин, кимдир», —  
Сўзни ўйлаб карнай тортди.  
Урушдан лашкарлар қайтди,  
Муродхон манзилга қайтди.  
Келиб кўрди паризодни.  
Кўп терлатган Қора отни,  
Ойимча қилиб хизматни,  
Бу майдонда ёлғиз юрган,  
Жони кўзга кўринмаган,  
Ёр ишқида шердил бўлган,  
Дилбар билан ҳамдам бўлган,  
Шоҳнинг қизи ақлин олган.  
Омон келганди Муродхон.  
Суяр ёрин янги кўрган,  
Бир-биридан кўнгли тўлган,  
Дилбар кўнглин хушлаб турган,

Ярасини энди кўриб,  
Мард эканин ойим билган.

Қироншоҳ: — Кўринглар, ким ўлган, ким қолган? — деди.

Сипоҳилар бу сўзни эшитиб, ҳамма аскарларни айланиб кўрди. Ўлган одамлардан ўз бошлиқ — катталари йиғиб олди. Ярадор жони борларини чодирга олиб келиб, дору дармон қилди. Ўлганларни йиғдириб кўмди. Шундай қилиб, ҳаммаси келиб ўз чодирига кириб ўтирди. Қироншоҳга кўрган-билганларини айтди. Ҳаммаси Муродхоннинг қилган ишига қойил бўлди. Қироншоҳ Муродхонга элчи юбормоқчи бўлиб, нома ёздириб туради.

Энди гапни Муродхондан эшитинг. Муродхоннинг ярасини Орзигул ойим кўриб, хизмат қилиб, ярасини дори йўқликдан ювиб, бир латта билан боғлаб қўйди. Шоҳнинг қизи шундай хизматни қилиб айланиб юрди.

Шу вақтда Афсар девнинг ўйқуси битиб, ўрнидан турди. Муродхон билан паланг отини кўрди. Кўриб, вақти хуш бўлиб:

— Гулистон шаҳрига ҳали борганинг йўқми, дўстим? — деди. Муродхон айтди:

— Гулистон шаҳрига бориб, шоҳнинг қизини олиб келдим. Мамлакат юртларини билиб келдим, кўп ишларни қилиб келдим! — деди.

Бу сўзни эшитиб, Афсар дев айтди:

— Мен кўп ухлабман-да. Сен бора солиб қайтибсан, Гулистов шаҳридан ҳаялламай қайтибсан. Ишинг ўнг келган экан, йўлинг яқин бўлган экан, шоҳнинг қизи ҳам йўлга чиқиб, турган экан, — деди.

Афсар дев қаддини ростлаб, ўрнидан туриб, Муродхоннинг найза теккан ярасини кўриб дору дармон қилиб туриб, кўзи шоҳнинг қизига тушди. Бу дев қизинг жамолига ошиқ бўлиб, Кўҳи қоф мамлакатидан келиб, шу ерда макон қилиб, Орзигулнинг унча мунча хизмати бўлса қилиб юрарди. Кўнглида фикр қилиб айтди: «Бу билан дўст бўлганман. Бу қизни мен олмасам, дўстим олибди. Бу билан шундай шарт қилганман». Шунда Афсар дев Муродхонга қараб, бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Кўҳи қоф юртидан бунда келганман,  
Ўртачўл манзилда кўрғон олганман.  
Сендан бурун мен ёрингни кўрганман,  
Сенинг ёринг учун шунда турганман.  
Жамолини кўриб ошиқ бўлганман,  
Гулистон шаҳрига неча борганман,  
Гулистон чўлларин бўстон қилганман.

Энди олдинг, дўстим, сенга берганман.  
Мен ҳам сенинг хизматкоринг бўлганман  
Хазон бўлиб боғда гуллар сўлдими?  
Сўлган гулга булбул келиб қўндими?  
Борганингни Қироншоҳи билдими,  
Бунда келиб подшо қизин кўрдими?  
Шоҳнинг қизи сенга кўнгил қўйдими,  
Ёр устида қаттиқ саваш бўлдими,  
Хабар бер, орада одам ўлдими?  
Сенга айтай кўнглимдаги боримни,  
Яхши олиб кебсан зулфакдорингни,  
Кўнгилдан чиқариб чер-ғуборингни,  
Билдирайин хазнадаги заримни,  
Тамоша қил, дўстим, анжомларимни,  
Табладаги турган тулпарларимни,  
Таг заминда ўхшатган жойларимни.

Афсар дев ўз маконига Муродни бошлаб кетди. Ҳар на бори, давлатини: хазина, асбоб, анжом, борлиқ қуролларини Муродхонга кўрсатиб, тамоша қилдириб юрди. Афсар дев Муродхонга хизмат қилиб, қўйлар сўйиб, шўрвасига тўйиб, гўштини пишириб корсонга солиб, Муродхоннинг олдига қўйиб, катта зиёфат қилди.

Шу вақтда Қироншоҳнинг элчилари нома олиб келиб қолди. Келганлар сипойи табиат одамлар эди. Муродхон буларни кўриб танимади.

Қироншоҳнинг қизини орқасидан қувиб келиб, қўшин қилиб ёганини Афсар дев билмас эди. Бу девнинг маконига бундан илгари одам насли келмаган эди. Афсар девнинг кўзи буларга тушиб «Булар қандай одамлар экан? Қуни битиб ажали етган, қон тортиб келган экан» деб ўрнидан туриб, буларга рўпара бўлиб, бир сўз сўраб турган экан:

То ўлгунча сўйлаб қолган тил бўлсин,  
Узундир-қисқадир тўнинг мўл бўлсин,  
Ажал тортиб қай шаҳардан келасан?  
Қуни битган одам, сенга йўл бўлсин?  
Бу манзилга қандай босиб келасан?  
Афсар дев қўлида сен ҳам ўласан,  
Шаҳарингни, юртингни олдимни туман?  
Мен ҳам сенга сира бермайман омон.  
Сен кутулиб кетолмайсан қўлимдан,  
Қон тортиб келдинг ўсган элингдан,  
Айрилдинг, одамзод, сен манзилиндан,  
Хилидан айрилган ғариб сўнасан.

Гулни кўрсанг, сен ҳам бир кун қўнасан,  
Одамзод, сен девга емиш бўласан,  
Девдан қўрқмай қандай бунда келасан!  
Хабар бер, одамзод, қайдан бўласан?  
Ҳали мен билмайман сенинг ишингни,  
Тўкарман кўзингдан селоб ёшингни,  
Кесарман танангдан сенинг бошингни,  
Одамзод, ерман сенинг гўштингни.  
Ростин айтгин, қай шаҳардан келасан,  
Қандай шоҳнинг хизматини қиласан?  
Ростин дегин, армон билан ўласан.  
Юришингга мен ҳам ҳайрон қолибман,  
Одамнинг гўштига толиб бўлибман,  
Шул сабабдан мен ҳам сўраб турибман.  
Ҳеч одамзод бу ерларга келмайди,  
Келган одам ўз юртини кўрмайди,  
Сендайларни ўлдирмасдан бўлмайди,  
Сенларни емасам кўнглим тўлмайди,  
Хабар бер, одамзод, қайдан келасан?  
Ўйла, энди ширин жонинг қолмайди,  
Афсарнинг жойида одам бўлмайди.

Бу сўзни Афсар девдан элчилар эшитиб, сирру аҳволини билдириб, бир сўз айтиб турган экан:

Отга солиб арпа билан ийирни,  
Қор ёққанда карвон солар чийирни,  
Бизни сенга Қироншоҳим буюрди.  
Бизни сўрсанг, Гулистондан келамиз,  
Ўртачўлда қўп жабрни кўрамиз,  
Қироншоҳдан келган элчи бўламиз.  
Шовқунга ирғийди араби тулпар,  
Бизлар бўлиб келдик шоҳга хизматкор,  
Қироншоҳнинг сенга айтар арзи бор,  
Қўлидан олдирган ёлғиз қизи бор.  
Қўп йиғлайди ғамли қулдек зор-зор,  
Бир неча кўрмоққа уни интизор!  
Бизлар элчи — шоҳнинг берган хати бор,  
Яшиндай қуйилиб борди бир шунқор,  
Ғайратидан ўлиб кетди полвонлар.  
Билмайди лочиннинг қилар ишини,  
Ёлғиз бориб қирди қанча кишини,  
Қироншоҳим сендан сўрар лочинни,  
Болам дейди, ёлғиз қизин қарайди,

Дарагини топмай шоҳим йиғлайди.  
 Қизин йўқлаб қовоғини уюпти,  
 Бор кучини билагига йиғибди,  
 Элу халққа шундай хабар қилибди,  
 Амалдорлар бари йиғилиб келибди,  
 Қизим деб сўраса, жавоб берибди,  
 Биров билиб, биров билмай қолибди;  
 Осмонда учиб биров борибди,  
 Оти ёғоч, пўлат мурват қилибди,  
 Шу шаҳарда кўп айланиб юрибди,  
 Армон билан сўнгра банди бўлибди,  
 Дор остида барча одам кўрибди,  
 Ўлдиролмай жаллод ҳайрон қолибди;  
 Армон билан қирқ жаллод ҳам ўлибди,  
 Одам бари шундан гумон қилибди,  
 Подшонинг қизини олиб кетибди.  
 Қизин йўқлаб Ўртачўлга келибди,  
 Биров бориб кўп одамни қирибди,  
 Ҳозир шоҳим дилтанг бўлиб турибди,  
 Босиб келолмайди, элчи юборди.  
 Қироншоҳнинг сенга арзи-доди бор,  
 Бизлар элчи, подшо берган хати бор,  
 Элчига ўлим йўқдир, дев Афсар!  
 Элчини ўлдирмоқ қандай гап бўлар?!  
 Хат келтириб, хизмат қилдик, муқаррар,  
 Хатни бериб, билиб кетмоқлик даркор.  
 Юришимни сен кўнглингга олмагин,  
 Шумлик қилиб хаёлингни бўлмагин,  
 Мард бўлсанг, номарднинг ишин қилмагин,  
 Элчиларнинг тандан бошин юлмагин.  
 Уқитиб кўр Қироншоҳнинг сўзини,  
 Билса, тўй қиб берар у ҳам қизини,  
 Ўлдирмагин элчиларнинг ўзини.

Элчилар бу сўзни айтиб, хатни чиқариб Афсар девнинг қўлига берди. Афсар дев олиб: Бу нима дебди? — деб Муродхонга берди. Муродхон ўқиб кўрди. Хатда шундай деб ёзибди: «Бир одам келиб, ўзини билдирмай, маълум қилмай, кўп баҳодирларни ўлдириб, ҳолимизни танг қилиб, Афсар девнинг маконига бориб, бизлар Афсар девдан гумон қилиб, қизимизни сўраб, ҳайрон қолиб, бу нима воқиа, қизимиз қаёқда, ким олиб кетганлигини билмай сиздан сўраб турурмиз!» деб ёзиб юборибди. Шунча иш қилганини Муродхон билмай қолган экан. Бу хатни ўқиб кўриб, анча шердил бўлиб, «ёлғиз

Ўзим кўпнинг ишини қилиб келган эканман» деб Муродхон кўтарилиб, «шунча иш ўтгунча ҳеч бир одам сиримни билмабди, «э фалончида, демабди» деб бу сўзни айтиб, Афсар девга билдириб, Қироншоҳнинг хатига жавоб қайтариб шу хатни ёзди:

Номард билан суҳбат қурманг ҳар ерда,  
Сирин айтиб ҳарна ҳолин билдирар,  
Азаматлар олмас бойлар дастига,  
Нодон билан борманг душман устига.  
Қия чопиб ҳарна ҳолин билдирар,  
Бебахра гиёҳдан яхшидир япроқ,  
Муҳаббатсиз гулдан ортиқдир тупроқ,  
Беақил йўлдошдан яхшидир таёқ —  
Кўр кишига юрар йўлин билдирар.  
Дўстим Афсар англамайди, ўлдирар.  
Хату хабарингни бу дев на билар?  
Бу сўзларни айтиб энди Муродхон:  
Беҳуда бўлмасин шоҳинг саргардон,  
Қайтиб бориб турсин, жойи — Гулистон.  
Муродхонман — Оқтош элнинг сўлтони,  
Оқтош юрти — шоҳ қизининг макони,  
Гаранг бўп юрмасин Гулистон хони,  
Афсарни дўст билса, чўлдир макони.  
Қизим деб, Қироншоҳ хафа бўлмасин,  
Беҳудага хаёлини бўлмасин,  
Оқтош элдан излаб келиб ёримни,  
Қизи кўрар бориб Оқтош шаҳримни.  
Илгари Оқтошда бирга юрганман,  
Қизин тўйлаб, никоҳ қилиб олганман,  
Бир гапман қочириб бунда келганман,  
Афсар девни ўз йўлимга солганман,  
Шундай қилиб шоҳ қизини олганман,  
Кетсин Қироншоҳинг, хафа бўлмасин.  
Шоҳ эшитсин Муродхоннинг сўзини,  
Дўст билмасин Афсар девнинг ўзини,  
Бундан сўнгра изламасин қизини,  
Мен олганман Орзигулнинг ўзини,  
Муродхон қўймайди сарви нозини.  
Мен ҳам турмай, энди Оқтош қайтаман,  
Билган сўзларимни хатда айтаман,  
Мендан ёрдам шулдир энди шоҳингга:  
Афсарга кўп сўзни айтиб қайтаман.  
Афсар девни ўзига дўст билмасин.  
Вақтин топса, бу дўстликни қилмайди,



Афсар девнинг етагига юрмасин,  
Девдан қўрқиб, бундай сирни бермасин,  
Девмисан деб уни писанд қилмасин,  
Хўп ўйласин, билганидан қолмасин.  
Муродхон дер шулдир айтган сўзларим,  
Қолмасин юракда ғаму армоним,  
Шулдир шоҳга айтган менинг паёмим,  
Элчидан берайин тўғри каломим.

Бу хатни келган элчиларга берди. Нима гап эканини билмай, элчилар бу хатни қўйинга солиб қайтди.

Муродхон элчиларни «Хуш келибсан!» деб жўнатди. Элчилар шоҳнинг қизини ҳам кўрди. Орзигул ойим ҳам Муродхон билан бирга шу ерда димоғи чоғ бўлиб, ўйнаб-кулиб ўлтирди. Буни билиб элчилар қайтди.

Элчилар Қироншоҳнинг қошига бориб, салом берди. Қироншоҳ: — Нима гап, нима хабар олиб келдиларинг? — деб сўради.

Элчилар айтди: — Бизларни Афсар дев кўп қўрқитди. Баччағарнинг феъли озди, сал бўлмаса еб қўяёзди. Сиз битган хатни қўлига бердик. Ақлимиз шошиб, нима деганини ҳам тушунмай қўрқиб қолдик. Лекин қизингизни ҳам шу ерда кўрдик. Олдида ажаб суратли бир йигит ўлтирибди. Қадди-жасадига қарадик. Бизлар билмай юрган эканмиз, ҳар мамлакатга ҳам донғи кетган экан. Афсар девни ҳам қўрқитган, ўз йўлига солган экан. Ҳар нима деса, шундай зўр дев хизматида турган экан. Шу йигит бир хат ёзиб, сизнинг хатингизга қўшиб берди. Лекин қизингиз ҳам жаҳон мулкидан кечиб, шуни ихтиёр қилган экан, у билан юрганига димоғи жуда чоғ экан. Иккови бир-бири билан чиқишиб, ўйнаб-кулиб, яхши бўлиб, ҳеч нимадан хабарсиз, ўз вақти хушлиғини кўрар экан. Шу йигит бу хатни ёзиб берди, — деб Қироншоҳнинг қўлига хатни берди.

Қироншоҳ индамай хатни ичида ўқиб кўрди. Ҳар нима деганини билди. Меҳрибончилик қилганини кўриб, шоҳнинг вақти хуш бўлди.

— Бу нима гап экан? — деб сипоҳилар сўради. Қироншоҳ: — Бир яхшилик хат! — деб билдириб, сипоҳиларга қараб бир сўзни айтиб турган экан:

Оқтош хони бизга куёв бўлибди,  
Нома ёзиб, меҳрибонлик қилибди,  
Афсар девни ўз йўлига солибди,  
Бу сўзни номада маълум қилибди.  
Қизим Оқтош юртига кетмоқ бўлибди,  
Ўзи бориб, унда бирга юрибди,  
Илгаридан йўлиқишиб кўрибди,  
Англамай бизларни душман билибди.  
Савашли кун кўп одамни қирибди,

Шу ишига кўп уялиб қолибди,  
Иzza бўпти, хатда маълум қилибди,  
Қизимни олибди Оқтош султони,  
Дўст қилибди Афсар девдай душманни,  
Энди йўқдир шоҳнинг пушаймони,  
Не зўрларни уриб додин берибди,  
Асли шердир, йўлбарс излаб келибди,  
Шундай қилиб, Орзигулни олибди,  
Энди Оқтош юртга қайтмоқ бўлибди.

Давлат кўнса ундай эрнинг бошига,  
Афсар дев хизмат қилар қошида,  
Қойил бўлдим мард йигитнинг ишига,  
Омон-эсон борсин тенгу тўшига.

Бундай сўзни хатда маълум қилибди,  
Сўйлаган сўзидан кўнглим тўлибди.  
Шукур қилай, менинг қизим олибди,  
Энди менда нима армон қолибди?  
Амалдорлар, энди қайтиб жўнайик,  
Беклар, энди қайтиб элга борайик,  
Гулистон шаҳрини обод қилайик,  
Хон сўзига кўнглинг тўлсин, халойиқ.  
Омон бўлсин Оқтош қайтар фарзандим,  
Қайта бошдан обод бўлсин бу юртим,  
Кўпдир менинг шундай хондан умидим,  
Юрагимдан кетди ғуссаи доғим,  
Обод бўлсин юртда боғу чарвоғим.  
Гулистон шаҳрини сўраб тураман.  
Қайтинг, беклар, Гулистонга юрамиз,  
Энди қайтинг, ўсган юртга борамиз.  
Қулоқ солинг сўзга саркарда, беклар,  
Бу сўзимни билгин энди мухтасар,  
Лашкаримга юриб бергайсан хабар,  
Элга қайтсак, бунда турган амалдор.  
Бундай бўлиб чўлда турмоқ не даркор?  
Бизлар билан юриб ҳамдам бўлганлар,  
Гулистон шаҳрига бориб кирайик,  
Хабар шундай, энди бундан жўнайик.

Шоҳнинг бу сўзини эшитиб ҳамма турган сипоҳилар хурсанд бўлди.

Шоҳнинг амрига рози бўлиб, урушдан тўйиб, ўзлариёқ кетишга ҳозир турган, шоҳнинг кўнглидан ўтолмай, ҳоли танг бўлиб, қочиб

кетолмай турган амалдорлар, сипоҳиларнинг димоғи чоғ бўлди. Қироншоҳнинг олдидан чиқиб, унинг амри билан ўз чодирларига бориб «кўч!» деган карнайни чалиб, ҳаммаси чодирларин бузиб, қуртдай қимирлаб, чўлдан жўнаб кетди. Шу юришда бир неча кун, бир неча ой орадан ўтди. Қироншоҳ эсон-омон ўз шаҳрига бориб кирди. Сипоҳи, амалдорларига жавоб берди.

Қироншоҳ қизини олиб келаман деб, қанча қўшин, ботирларидан айрилганига хафа бўлиб, хафа бўлса ҳам: «Қизим ўзига тенг йигитни топиб олибди, ҳар нима бўлса ҳам яхши, ботир, баҳодир. ўзига яраша қув топиб олибди», деб Орзигул билан Муродхонни дуо қилиб ётди.

Қироншоҳ кўрган-билганларини ўрдасига бориб ойимларига айтди. Улар ҳам Қироншоҳдан бу гаплани эшитиб, димоғи чоғ бўлиб: — Бизлар, номаълум бир одамга тегиб, бир ёмон билан кетдимиз? Ё бир дев олиб қочиб кетдимиз? — деб хафа эдик. Ундай бўлса яхши бўлибди. Қироншоҳга қуллиқ бўлсин! — дедилар.

Қироншоҳнинг келганини Орзигул ойимнинг қирқин канизлари эшитиб, булар ҳам Қироншоҳга саломга келиб, Қироншоҳ уларга ҳам Орзигулни Муродхон келиб олганини айтди.

Канизларнинг ҳам димоғи чоғ бўлди. Қироншоҳ Гулистон шаҳрини сўраб ётди.

Энди навбат Афсар девга етди. Муродхонга қараб бир сўз айтди:

Ер ишқида кўп кезгансан чўлларни,  
Олдинг, тақдир тортиб, шундай дилбарни,  
Бу табладан сайлаб мингин тулпарни,  
Тамоша қил манов ётган қўлларни.  
Бунда келиб билмай кетма хабарни,  
Кўрсатайин ўзим турган шаҳарни,  
Ҳали кўрганинг йўқ баланд тоғларни.  
Менинг билан, дўстим, ҳамдам бўларсан,  
Ёринг турсин, бир-бирга юарсан,  
Эрта борсанг, кечга қолмай келарсан.  
Бу ерларга сени олиб борайин,  
Борсам, кечга қолмай тагин қелайин,  
Подшо бўлган юртларимни кўрайин,  
Дев, парини сенга маълум қилайин.  
Шу қиз жамолни кўриб келганман,  
Аҳмоқ бўлиб бунда макон солганман.

Неча вақтлар бунга хизмат қилганман,  
Мен ҳам ўз юртимга кетмоқ бўлганман.  
Ёр ахтариб кўп тортганман зулмни,

Бирга бориб кўргин менинг элимни,  
Кўрсатаман сенга деу паримни,  
Подшоликда бўлган анжомларимни,  
Кўҳи қоф юртида шаҳарларимни,  
Мен сўзладим кўнгилдаги боримни.  
Кеп кўрасан қўйиб кетсанг ёрингни.  
Мен учарман, бедов миниб борасан,  
Бир соатда неча тоғдан ўтасан,  
Мен турган шаҳарга шунда етасан.  
Адади йўқ девлар менга хизматкор,  
Тамоша қип кўриб кетмоғинг даркор,  
Афсар девнинг сенга сўзи шу бўлар.  
Бизнинг элда қизу жувон мўл бўлар.  
Айланиб турибди неча шаҳарлар,  
Бизнинг юртинг айёрлиги шу бўлар,  
Бирга бориб кўриб қайтмоғинг даркор.  
Одамзод наслидан биров бормайди,  
Девлар эса одамзодни кўрмайди,  
Одамзод борини кўпи билмайди,  
Одам деганингни писанд қилмайди.  
Менинг билан шунда бирга борасан,  
Кўп девларни хўп тамоша қиласан,  
Кўрганинг юртингга айтиб борасан,  
Ҳар майлисида сўзлаб таъриф қиласан.  
Юргин, дўстим, кечгачайин келасан.  
Сенга шунда хўп яхшилик қиламиз,  
Сен жўнайсан, биз ҳам нима қиламиз!  
Тариқин шаҳрига биз ҳам борамиз,  
Девларнинг сардори бўлиб турамиз,  
Келгандан сўнг, дўстим, жавоб берамиз.

Бу сўзни Муродхон эшитиб, Афсар девга қараб бир сўз деб турибди:

Элдан чиқдим, бундан кўп кун ўтибди,  
У юртим эсимга тушиб ётибди,  
Шаҳримда биргайди қадирдон беклар,  
Ҳозир бегадир Оқтошдай шаҳар.  
Фарзандим деб, энам йиғлаб зор-зор,  
Фарзандим деб, улар йўлга интизор.  
Қўлимга теккандир Орзигул дилбар,  
Бошқа юртда сарсон бўлмоқ не даркор?  
Менда бордир бедов минар навкарлар,  
Энди туриб бундан кетмоғим даркор.

Ерим излаб муродимга етдим ман.  
Дилбар ёрни мен ҳам олиб қайтарман.  
Кеча-кундуз кўп йўлларда юрарман.  
Хунхор дарёсидан ўтиб қўнарман,  
Ўлмасам Оқтошга бир кун борарман,  
Оқтош бориб тахт устида турарман.  
Кўп хизматлар қилдинг, эсга оларман,  
Туз-насиба тортса, излаб келарман.  
Тариқин шаҳрингни шунда кўрарман,  
Ҳозир жавоб шулдир, элга жўнарман.  
Сен эшитгин менинг айтган зоримни,  
Сўнгра кўрай мен ҳам сенинг шаҳрингни,  
Тамоша қиларман деу парингни,  
Ҳозир эгарлайн бу тулпаримни.  
Олиб қайтай энди суяр ёримни,  
Кўнгилга олма, чиқаргин ғуборингни.  
Бизни билсанг бундан кетиб борармиз,  
Сайр этиб дунёнинг даврин суфармиз.  
Насиб бўлса, Оқтош юртин кўрармиз,  
Жавоб бергин, дўстим, элга жўнармиз.  
Афсар дўстим, мени номард билмагин,  
Бормади деб мендан гина қилмагин,  
Менинг сўзим сен ҳам оғир олмагин,  
Зинҳор, дўстим, Гулистонга бормагин.  
Қироншоҳ юртига зарар қилмагин,  
Менинг бу сўзимни ҳазил билмагин,  
Менинг сўзим қулоғингга олгайсан,  
Кўрсанг Қироншоҳга раҳбар бўлгайсан.  
Дўстингинг айтганин, дўстим, билгайсан.  
Бобош юрган девни йиғиб олгайсан,  
Бек дўстингинг хурматини қилгайсан,  
Айтган сўзин қулоғингга олгайсан,  
Бу сўзларни сенга айтди Муродхон,  
Қироншоҳга сира бўлмагин душман.  
Бунда турмай кетай энди бу замон,  
Омонда бўл, энди кетар Муродхон.

Афсар дев Муродхондан бу сўзни эшитиб: — Дўстим, сен ҳадажа қайтмоқчи бўлибсан. Борсанг яхши бўларди. Бормасанг энди ўзинг биласан! Сен кетсанг, мен ҳам кетаман, мен бир илинж билан келиб эдим. Гулистон шаҳарига яқин экан, бориб-келиб турарман деб эдим. Энди бу ерда нима қиламан? Элимга бориб, шаҳримни сўраб тураман. Беҳудага аҳмоқ бўлиб бу ерда нима қиламан? Элимга бориб катталик қилиб юраман. Сен керакли нар-

салардан олганингча ол! Хоҳлаб, менинг тулпаримдан бировни сайлаб ол. Жўнамоқ бўлсанг яхши бор. Ихтиёр ўзингда! — деди бари нарсаларини йиғиштириб.

Муродхон Афсар девга айтди:

— Мен кетгандан сўнг «Кўзи йўқнинг ўзи йўқ» деган гап бор. Сен ҳам бизнинг ёрга хуштор бўлган экансан. «Мени қўйиб, қизингни Муродхонга бердинг», деб таадди қилиб, Қироншоҳни гуноҳкор қип юрма! — деди.

Бу сўзни эшитиб Афсар дев айтди:

— Менинг кўнглимда ҳеч бир гина йўқ. Мен ўз юртимга бо-  
раман. Шунда ҳам сени эсимга олиб юраман. Сендан умид қила-  
ман. «Келар» деб кунда йўлга чиқиб қарайман. Нима яхшилиқ  
бўлса, сенга хабар қиламан. Мендан гуноҳ ўтмас, дўстлик хаёлим-  
дан кетмас, — деди.

Бу сўзни Муродхон эшитиб дўстидан кўнгли тўлиб, иккови бир-  
биридан рози бўлиб, Муродхонга дев бир тулпар от берди. —  
Дўстликнинг нищони шу, дўстим, бу отни сенга бердим, миниб  
кет! — деди.

Дев Муродхонга яхши сарполар берди. Яроқ турган манзилга  
олиб кирди. — Биздан сенга нищона, ўзинг яхши пўлат асбоблар-  
дан танлаб ол, — деди. Муродхон девларнинг устаси ишлаган,  
захарнинг сувини ялаган бир исфиҳон қилишни кўрди. Тиниқлиги  
уйни ёруғ қилиб турибди. Муродхон шу яроқни хоҳлаб олди.

Дев шоҳнинг қизига ҳам меҳрибонлик қилди. — Сенга даркор  
бўлар, — деб дурри-жавҳар, қимматбаҳо тошлардан берди.

Афсар дев, «Орзигул ойм қўлимга тегса бераман» деб, девлар-  
нинг усталарини йиғиб қилдирган тилла, қимматбаҳо тошлардан  
бўлган баргак, исирғалари бор эди. — Дўстим, кўнглингга келма-  
са, буни ҳам сенинг ёрингга берайин, бу нарсаларни нима қила-  
ман, — деб, уни ҳам берди. Тағин тилладан бўлган тўнни Мурод-  
хонга, бир мурсакни Орзигул оймнинг устига ёпди.

Афсар дев Муродхон билан Орзигул оймни бошлаб бир ертўла  
уйга олиб кириб:

— Бу менинг хазинам. Йўлда керак бўлар, сен, дўстим, уйла-  
ниб, хотин олиб бораётибсан. Булардан ҳам ол! Сенга сепи-сириқ  
бўлади, қариндош-уруғларинг келар, шунда совға қилиб берарсиз-  
лар! — деб кўп ёқут, тилла узук, маржон, лаъл-дурларни кўрсат-  
ди. — Олинглар, сизларнинг юртларингда булардан кам бўлади, —  
деди.

Муродхон дўстидан хурсанд бўлиб:

— Энди, дўстим, жавоб бер, кетамиз, — деди.

Дев:

— Сизлар жўнасаларинг, мен ҳам жўнайман! — деди.

Афсар ўзига-ўзи айтди: «Бу иккови қўша қарисин, бир замон-да, йўли тушганда мени сўраб келар, менинг ишим тушса, мен ҳам сўраб борарман!» деди.

Муродхон девнинг берган анжом-аслаҳаларини хуржинига солиб, Орзигул ойим ҳам эркакча кийиниб, киш телпак кийиб, шамшир пўлатини белига боғлаб, ҳусни илгаридан ҳам зиёда бўлиб, жўнамоққа тайёр бўлиб турди.

Афсар дев Муродхонни отга миндирди, иккови ҳам отларига минди, Афсар дев буларга қараб бир сўз айтаяпти:

Ойдаи тўлган, дўстим, ёрингнинг юзи,  
Сенга тақдир бўлди Қироншоҳ қизи,  
Кўзлари ярқиллар — чўлпон юлдузи,  
Устига кийгани тилла қирмизи,  
Эл ободи, шоҳнинг қизи омон бўл!  
Ногаҳонда жамолингни кўрганман,  
Сенинг ҳуснинг кўриб банда бўлганман,  
Подшоҳлик давлатин сабил қилганман,  
Гулистон шаҳрига гузар солганман.  
Неча йиллар пайровлигин қилганман,  
Мен ҳам сенинг хизматкоринг бўлганман,  
Сенинг учун ўз юртимдан келганман.  
Ўртачўлда макон қилиб турганман,  
Ҳозир сени бек дўстимга берганман,  
Гулистон ободи, дилбар, омон бўл!  
Бундан кетдинг Оқтош элин сўроғлаб,  
Мен қоламан бу манзилда кўп йиғлаб,  
Бек дўстим бир куни борса сўроғлаб,  
Хизматим ҳурмати сен ҳам кўп йўқлаб.  
Ҳозир мен жўнатай кўнглимни хушлаб,  
Сени олиб кетар Оқтошга бошлаб,  
Гулистондай бундай юртингни ташлаб,  
Сизлардан айрилиб мен кўзим ёшлаб,  
То кўргунча, Мурод дўстим, омон бўл!  
Менинг бунда қолганимни биласан,  
Ҳумоюндай бунда соя соласан,  
Ёринг билан Тариқинга борасан,  
Дев, парилар маконини кўрасан,  
То кўрганча, Мурод дўстим, омон бўл!  
Афсар дейди қолар бу ерда бўзлаб,  
Келасанми ўсган юртингни излаб?  
Бир нечалар қолди бағрини тузлаб,

Турибсан остингда бедовни тезлаб,  
Гулгун кийган шоҳнинг қизи, омон бўл!

Муродхон Афсар дев дўстидан бу сўзни эшитиб, кўнглига оғир  
келиб қолди. Муродхон Афсар девга қараб бу сўзни айтапти:

Афсар дўстим, нега бундай қиласан?  
Бу сўзингга сен гуноҳкор бўласан,  
Мен турганда ёрга сўзлаб турасан.  
Опкетганим кўнглингга оғир оласан.  
Шоҳ қизига сен ҳам ошиқ бўласан,  
Бўлак хаёл билан инъом берасан.  
Шоҳ қизиман розилашиб турасан,  
Жуда ҳам дилбарнинг кўнглин оласан,  
Сўз билмаган дўстим, қандай балосан?  
Шу эсингман не подшоҳлик қиласан?  
Тариқинни қандай сўраб турасан?  
Бир камфаҳм ўзинг аҳмоқ балосан!  
Бу аҳмоқ сўзингга, дўстим, ўласан,  
Шоҳ қизига кулиб хизмат қиласан!  
Сўз сўзлама, билсанг, шоҳнинг қизига,  
Гап гапиргин Муродхоннинг ўзига,  
Бу ўртада бадфезлик бўлмасин!  
Хаёлингга бошқа сўзлар келмасин.  
Тўғри сўзла, ҳеч бир ғубор бўлмасин.  
Оқтош хони дейди, мени биласан,  
Жамолини кўриб хуштор бўласан!  
Гар кўлингдан келса, тартиб оласан!  
Аҳмоқликдан нега савол қиласан?  
Сўзни бундай сира лофи урмагин,  
Мени ҳам ўзингдай аҳмоқ билмагин!  
Шоҳнинг қизи мендай марднинг дилбари,  
Мен ҳам бунда бир шаҳарнинг кўчқори.  
Менга ўтди аҳмоқ девнинг сўзлари,  
Сўзлаган сўздан йўқдир хабари.  
Мени писанд қилмай лофлар урасан,  
Тилинг тортгин, сен гуноҳкор бўласан!  
Аччиқлапсам, армон билан ўласан.  
Бир худони сен ўртага соласан,  
Қашал бўлсанг, нега дўст ҳам бўласан?  
Дўст бўлиб аслаҳа-анжом берасан,  
Сўз билмайин гап эшитиб турасан!  
Остимга миндирдинг шундайин тулпар,  
Менинг билан дўст бўлдинг сен дев Афсар.



Зарбимдан титрайди неча шаҳарлар,  
Шоҳ қизига сўзлаб, бўлма гуноҳкор!  
Яхшиликман айтган сўзим шу бўлар,  
Мард йигит майдонда ишин битирар,  
Номард одам сўзи ёмон келтирар.  
Бу сўзларни бежо айтдинг, дев Афсар,  
Бу сўзингга, дўстим, бўлдинг гуноҳкор!  
Дўстингнинг мардлиги шудир — кечирар,  
Муродхоннинг айтган сўзи шу бўлар.

Муродхондан бу сўзни Афсар дев эшитиб, уялиб, бир сўз айтиб турган экан:

Мен сўзладим, дўстим, оғир олмагин,  
Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин!  
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,  
Дев деганинг қўпол сўзли бўлади.  
Жоним дўстим, кўнглингга оғир олмагин,  
Бу сўзимдан сира хафа бўлмагин!  
Дев бўлсам ҳам мени номард билмагин.  
Инъом бердим, савлатингга қарадим,  
Мунглиғ деб, ёрингнинг кўнглин сўрадим.  
Сени мард йигит-да, ўзи билар деб,  
Сўйламасам, мунглиғ кўнгли қолар деб,  
Шундай десам, дўстим кўнгли тўлар деб,  
Нима бўлса, мендан кўнгли тинар деб,  
Шу сабабдан ёринг кўнглин сўрадим.  
Аввал юрдим Қироншоҳнинг қизи деб,  
Сўзладим дўстимнинг сарви пози деб,  
Шундай десам дўстим мендан рози деб,  
Бек дўстим, кўнглингга оғир олмагин.  
Мен берарман газнадаги заримни,  
Топширганман бисотимда боримни,  
Кўтариб гапирдим дилбар ёрингни,  
Оғир олиб, дўстим, сенга не бўлди?  
Омон-эсон бориб кўргин юртингни,  
Эгалик қил, ўйнаб-ўсган юртингни.  
Жоним дўстим, мендап хафа бўлмагин,  
Мендан кўнглинг оғриб йўлга кирмагин.  
Қироншоҳга яхшилик қил тураман,  
Сенинг ҳурматингни, дўстим, қиламан.  
Нима десанг айтганингга кираман,  
Юр десанг, шаҳрингга, дўстим, бораман.  
Шунда хизмат бўлса, ўрин қиламан.

Бундан борсанг обод бўлар кирдикор,  
Афсар дўстинг сўзи сенга шу бўлар,  
Омон бўл, бек дўстим, энди яхши бор!  
Яқин бўлсин сенга у узоқ йўллар,  
Тахти-равон бўлсин юрганда чўллар,  
То кўргунча, жоним дўстим, омон бўл!

Бу сўзни Афсар девдан Муродхон эшитиб, унинг айтган сўзида  
уялиб, қанча миннатдорлик қилиб, Афсар девнинг уялганини би-  
либ, Афсар девга қараб бир сўз деди:

Оҳ урганда кўздан тўккан ёш энди,  
Эсон бўлса, нелар кўрар бош энди.  
Ўз юртим деб, буздан кетиб борамап,  
Хизмат қилган Афсар дўстим, хуш энди.  
Кўпдир сенинг менга қилган хизматинг,  
Остимга миндирдинг бир бедов отинг,  
Баракалла, катта бўлди ғайратинг,  
То кўргунча, Афсар дўстим, хуш энди.  
Кеча-кундуз мен ҳам йўлни оларман,  
Қилган яхшилигинг мен ҳам биларман,  
Мендан эмас, қайтсин сенга худодан,  
Ҳамиша кўнглимга олиб юрарман.  
Сўзим хато кетди, хафа бўлмагин,  
Сен четиниб қовоғингни уймагин,  
Нафсинг оғриб, мендан хафа бўлмагин,  
Мен кетарман, Афсар дўстим, омон бўл!  
Мен кетган сўнг қолма кўнглингни бузиб,  
Кетди деб тагин ҳам умидинг узиб,  
Қолган сўнг кўзингдан ёшингни тизиб,  
То кўргунча, Афсар дўстим, омон бўл.  
Насиб бўлса, дол бедовни еларман,  
Нор кесар олмосни белга чоларман.  
Хизматингдан вақтим хуш бўп борарман,  
То кўргунча, Афсар дўстим, омон бўл!

Белимга тақиб исфиҳон,  
Кезарман юриб кўп жаҳон,  
Сўз айтаман алвон-алвон,  
Кетади мундан Муродхон.  
Эшит, дўстим, Афсар полвон,  
То кўргунча, Афсар дўстим, омон бўл!  
Сенга етгай бу айтган сўз,  
Бизга йўлдош бу дилбар қиз,

Мен кетарман, қолдинг ёлғиз,  
То кўргунча, Афсар дўстим, омон бўл!

Бу сўзни Муродхон айтиб бир-бири билан хушлашиб, ўртадан гина-кудуратни ташлаб, иккови бир-бири билан омонлашиб-хушлашиб, Муродхон паризод ёри билан йўлга тушиб жўнаб кетди.

Афсар дев то булар кўринмай кетгунча кейинидан қараб, кўнглини бузиб, кўзидан ёшини тизиб, юрак-бағрини эзиб, нам ерга бағрини бериб, хафа бўлиб, кунда хаёлини бўлиб, хаёлида Гулистон шаҳарида юргандай бўлиб, бир марта Гулистон шаҳарига ҳам бориб келди. Бу орада неча кун ўтди. Энди Тариқин шаҳарига жўнаб кетди.

Муродхон шу куни жўнаб, йўлда бир сўз айтиб бораётибди:

Эшитгин бекнинг тилидан,  
Чиқдик Афсар манзилидан,  
Қолмайик юрар йўлдан,  
Қутилиб девнинг қўлидан.

Ойдаи бўлиб юзинг тўлган,  
Муродхондир ошиқ бўлган.  
Афсар дев жамолинг кўрган,  
У аҳмоқ дев сарсон бўлган.

Афсар девга ҳийла қилган,  
Муродхонман бирга бўлган,  
Бедов отга қамчи урган,  
Олис йўлга йўлдош бўлган,  
Бошига киш телпак кийган,  
Баҳодир сувратин қилган,  
Отни қистанг, шоҳнинг қизи,  
Интиқ қилманг энди бизни,  
Чўлларда айтамыз сўзни,  
Юринг, энди, шоҳнинг қизи.  
Ўйната бер тўбичоқни,  
От бошини қўйиб юбор  
Яқин қилмоққа узоқин.

Тай қилиб дашту даласин,  
Қўриб айрилиқ балосин,  
Билинг Оқтошнинг тўрасин,  
Кеча-кундуз йўл юради,  
Кўрсам деб элнинг қорасин,  
Сувлуқ тишлаб ўйнар оти,

Қабатида паризоди;  
Икковлари ўйнаб-кулиб,  
Гоҳ вақтларда аста юриб,  
Гоҳда қичар отни уриб,  
Қундуз юрса, оқшом ётиб,  
Бир-бирига қўл узатиб,  
Сўз сўзлайди бувишига,  
Шўхлик қилиб қўл солади  
Ёрининг қордай тўшига.  
Бошида понза рўмоли,  
Ун олти ёш камоли,

От чопганда балқитади,  
Тегса дилбарнинг шамоли.  
Гоҳи қўнса, гоҳи юрар,  
Чўллар гулистон кўринар,  
Лайлидайин бўлиб дилбар,  
Мажнуниман бирга борар.  
Кўринмайди тўқай, кўллар,  
Икковлари бирдай бўлиб,  
Янги очилган гулдай бўлиб,  
Чамандаги булбулдай бўлиб,  
Паризод ҳам бораётир,  
Муродхон ҳам шердай бўлиб.  
Қулочлаб отин уради  
Иккови ҳам эрдай бўлиб,  
Бир-бириман ўйнашади,  
Тоғдаги қулундай бўлиб,  
Шундай қилиб баҳрин очар,  
Остида минган тулпар  
Парқинидан кўпик сочар.  
Қушдай бўлиб чўлда учар,  
Сувлуқ тишлаб олиб қочар,  
Шундай қилиб борар улар,  
Чарчаганда ерга қўнар,  
Бир дам отига дам берар,  
Қўнган ерда ўйнаб-кулар,  
Овқатланиб, боз отланар.  
Билинмайди юрган йўллар,  
Гулзор бўлиб чўлу кўллар,  
Кўнглида йўқди ғубор,  
Ўтиб кетди ёмон кунлар.  
Кўринг энди Муродхонни,  
Юриш қилган бу жононни,

Қистайди минган ҳайвонни,  
Ёридан кўнгли тўлганди.  
Ўн беш кеча, ўн беш кундуз  
Тинмай булар йўл юрганди,  
Бирор шаҳар, қора дарахт  
Икковига кўринганди,  
Шунча кунлар юриб келиб,  
Бир кун юрганча бўлганди.  
Мамлакат, юртни кўрганда,  
Муродхон ҳайрон қолганди,  
Паризоддан сўраб турди:  
—Қай ерларга келдик?—деди,  
Ё адашиб қолдик?—деди.  
Энди сарсон бўлдик! — деди,  
Қандай юртга келдик?—деди.  
Бизга бўлмасин-да туман,  
Адашиб бўлмайик сарсон.

Жавоб бергин, билсанг, дилбар,  
Бу кўринган қандай шаҳар?  
Бу сўзни сўради шунқор,  
Жавоб бергин, жоним дилбар.

Бу сўзига берди хабар:  
— Не бўлди, қаддингдан, қўчқор?  
Туманда сизга кўринган —  
Оқила ойим турган шаҳар.  
Муродхон ҳайрон қолди:  
— Илгари юрганман бу йўлни,  
Кўп кўрганман чўлу кўлни,  
Сағал вақтда қандай келди,  
Бу кўринган бўлак элдир.  
— Мендай ойим йўлдош бўлди,  
Олис ерлар яқин энди,  
Икковимиз сўзман бўлиб,  
Билмай қолдик чўлу кўлди.  
— Қандай, дилбар, сенинг ишинг,  
Ёйдай бўлган қалам қошинг,  
Гангидими менинг бошим,  
Рост гапир, дилбар бувишим!  
— Бу сўзима ишонмасанг:  
Сен кўрасан Оқилани,  
Унинг юрти, билгин, шудир,  
Бу ҳам бизга бир манзилдир.  
Бориб кириб бу шаҳарга,

Кўшикка меҳмон бўлармиз,  
Сайр этиб, ўйнаб-кулармиз,  
Дунё даврини сурармиз.  
Муродхон ҳам энди билди,  
Ерга:  
— Сўзинг маъқул, — деди,  
Маст бўлиб йўлни олибмиз,  
Билмай бунда кеп қолибмиз.  
Бу сўзни айтиб Муродхон,  
Яқинлаб келди бу замон.  
Суриб бораётир отни,  
Оралаб шаҳар боғотни,  
Қараб ётир элу юртни,  
Кўрманганга хабар берар,  
Қарар йўлда қиз-хотинлар,  
«Бораётган қандай сардор?»  
Ҳайрон қолар бу одамлар.  
Ешу қари сурилишиб,  
Жамолига қараб ёғир,  
«Бунда келди икки дилбар,  
Қай шаҳардан қилган сафар?  
Бир-биридан хусни ғолиб,  
Келаётир кўп ирғалиб».  
Кўрганларнинг ақли олиб,  
Расталарга назар солиб,  
Минган оти бир-бир босиб,  
Иккови бўлиб муносиб,  
Кўп одамлар шошиб-пишиб,  
Эргашади хабарлашиб.  
Иши бўлмай булар кетди,  
Регистондан булар ўтди,  
Пойтахтга яқин етди.  
Шаҳар ғалоғул бўп кетди,  
Оқилад подшо эшитди,  
Икки канизни жўнатди.  
Қизлар пастга тушиб кетди,  
Югуриб келиб отин ушлаб,  
Хизматкорга отин ташлаб.  
Канизлар кўшикка бошлаб,  
Бораётир вақтин хушлаб.  
Баланд кўшикка жўнади,  
Саксон зинапоя кўшки,  
Шу замон чиқиб боради,  
Оқилахон қаради,  
Муродхонни таниди.

Орқасида биров борди  
Эркак либосини кийган  
Бу жўраси ким бўлади?

Шунда Муродхон Орзигул ойим билан бора берди. Узоқроқдан Оқилахон кўриб: «Бу келаётган Муродхон, орқасидаги қандай бегзода экан?» деб қараб турибди. Қараса, эркак либосини кийиб, киш телпакни бошига қўйиб келаётганнинг келбати Орзигул ойимга ўхшайди. «Бу Орзигул ойиммикин?» деб қараб турди. «Келса кўрамиз, ким эканини биламиз. Дўстим Орзигул бўлса, қувонишиб қолармиз», деб турибди.

Шу вақтда Муродхон билан Орзигул ойим чиқиб борди. Оқилахон ҳам буларнинг иззатини қилиб олдига кетди. Муродхон билан кўришди. Орзигул ойим ҳам индамай, ўзини билдирмай кўришди.

Оқилахон бир хизматкор каниз қизни чақириб: — Муродхонларнинг отини хўп совитиб, ярим оқшомгача етаклаб юрсин, бу меҳмонлар кўп узоқ йўлдан келган. Отлар чарчаган, бир ерга боғласа, оёғига қон тушади, кўп совитсин, сўнгра ем берсин, сайисларга айт! — деб буюрди.

Орзигул ойим қаради. Оқилахон Муродхон билан сўрашди. Орзигул ойим билан бўш сўрашди. Аввал кўнглига келди: «Бу Муродхон билан қаттиқ ваъдалашган экан. Балки Муродхонга тегаман деган экан. Шундай қилиб, Муродхонга отини берган экан. Буни аввалдан билганимда, буникига келмас эдим. Бу нимага бундай гапирмай ўтиради? Буларнинг бир гапи бор!» деб Орзигул ойим ниқоб ичида туси қочиб, аччиғи келиб, «худо кўтарсин Оқилахон билан Муродхонни, ўлимингни бергурлар!» деб қарғаб ўтирди.

Шунда Орзигул ойим ўйлади: «Буларга мен тухмат қилмайин. Оқилахон мени танимай ўтирган бўлмасин», деб қилич ашжомини ечиб қўйди. Ниқобини кўтариб, бошидан телпагини олди, ой туққандай, жамоли ярқираб кетди.

Буни кўриб, Оқилахоннинг ақли шошиб:

— Э сиз экансиз, мен танимабман, «Муродхон ўзига бошқа бир йигитни йўлдош қилиб келибди-да», дебман. «Муродхон, ёрини ололмабди, бунга бир гап бўлибди», дебман. Дўстим, жоним, сиз экансиз! — деб ўрнidan туриб, қучоқлашиб-ўпишиб, ой билан кун бир бўлгандай бўлиб топишиб, бир-бирови билан узур-маъзур айтишиб, иккови ҳазиллашиб, Оқилахон янгидан: — Хуш келибсиз, — деди. Катта зиёфат қилди, ҳар таомларни буюриб, зиёфат устига зиёфат қилиб ўтирди.

Оқилахон Орзигул ойим билан ҳазиллашиб:

— Бекни кўп ҳалак қилдингиз, қалай, бориб, ахири топиб олибдилар-ку! — деди.

Орзигул ойим ҳам шўхлик қилиб:

— Үзи меҳнат қилиб олса, яхши бўлади. Үзи ўз оёғи билан борганинг қадри-қиммати бўлмас экан. Шундай бўлса, одамнинг қадрини билар, меҳнати эсига тушиб, бир-бирини яхши кўрар, — деди.

Орзигул ойимнинг бундай сўзи илгари ҳам Муродхоннинг қулоғига чалинган эди.

— Хоним, сиз ҳам ўпкалаб, гина қилманг, ўзингиздан бир кўтоҳлик айб ўтди. Тўй кечаси «ешиниб келинг», деганда сиз ҳам қарамадингиз, — деди.

Муродхон бундан эшитиб нам тортгандай бўлиб, ҳеч нима деёлмай хўмрайинқираб қолди.

Муродхоннинг кўнглига оғир олганини билиб, Оқилахон айтди:

— Бу ўлгурнинг парилар билан бориш-келиши бор. Бир хил дуоларни билади. Сиз бир кўриб танимай қолгансиз, мен бу дўстимни ҳаммиша кўриб, чақчақлашиб юрардим. Мана, ҳозир танимай қолибман. Сиз ҳам шундай танимай қолгансиз, — деди.

Шу кунни зиёфат билан кун кеч бўлди.

Эрта билан тонг отди. Оқилахон яна зиёфат қилди. Муродхон: — Энди кетамиз, — деди.

Оқилахон айтди: — Бу кун ҳам турасиз. Фалакнинг гардиши билан бир келдингиз. Энди роса дамингизни олиб, ёрингиз билан боғларни тамоша қилиб, эртага кетарсиз!

Муродхон ҳам «хайр» деб, қоладиган бўлди.

Шунда жам қизлар йиғилиб, Оқилахон Муродхоннинг ёрига қараб бир сўз деб турган экан:

Гулистон шаҳридан бунда қелибсиз,  
Бизнинг манзил жойга меҳмон бўлибсиз,  
Жўнамоққа толиб бўлиб турибсиз,  
Жой ўтиринг, энди ойим, қолибсиз.  
Сизга ёқар менинг сўзлаган сўзим,  
Устингда ярқиллар кимхоб қирмизинг,  
Сизнинг билан йўлдош бўларман ўзим,  
Сенга хизмат қилар қанча канизим.  
Бундан туриб сайри боққа борамиз,  
Сайри боғда хўп тамоша қиламиз,  
Боғда битган тоза гулдан оламиз.  
Хонингизга кашал бўлсанг келамиз.  
Қора зулфинг эшилгандир толу тол,  
Душман кўрса, бўлиб кетар поймол.  
Бу сўзга, гул юзли дилбар, қулоқ сол,  
Сайри боққа бирга бормоғинг даркор.  
Сайри боғда сайрар қумри, булбуллар,  
Муродхонга сиз ҳам бўлиб интизор,



Ошиқ бўлсанг, кечгачайин келасан,  
Кундуз куни тамоша қип юрасан,  
Оқшом келсанг хўп топишиб қоласан,  
Бизлар билан ҳозир бирга юрасан.  
Бу сўзларни айтди шоҳи муқаррар,  
Бу кўшкидан тушмоқ бўлди парилар,  
Пари сифат, ҳуру ғилмон бу қизлар  
Аста-аста қадам ташлаб,  
Бир хил канизлар йўл бошлаб,  
Сурликма, деди пўшт-пўштлаб.  
Бир нечаси белин ушлаб,  
Нечовлари кокил ташлаб,  
Оёғини бир-бир босиб,  
Қош-кўзига менг солиб,  
Мушки-анбар, йипор сепиб,  
Бораётир ҳурдай бўлиб,  
Боғда очилган гулдай бўлиб,  
Кўп қизларнинг ўртасида  
Иккови ҳам бирдай бўлиб,  
Жамоллари ойдай бўлиб,  
Бир нечалар буни кўриб,  
Ақлу ҳушини олдириб,  
Қолди кўчада ирғалиб.  
Шундай бўлиб ойим кетди,  
Дарвозага энди етди.  
Дарвозани очиб қизлар,  
Сайри боққа кириб кетди.  
Сайри боғда кўшки айвон,  
Булбул-тўти сайраб турган,  
Тамошани булар қилган,  
Бир ажойиб бўлиб даврон,  
Кўн пешинга бориб қолди.  
Кўнглидаги бўлиб қолди,  
Муродхонни эсга олиб,  
Энди бари қайтмоқ бўлди.

Ана шундай қилиб, бу қизлар Оқилахон ойим, Орзигул ойим билан хўп сайри боғ қилдилар. Кун пешин бўлди. Ойимлар боғда юриб, гуллардан олиб, ҳаммалари қайтмоқчи бўлдилар. Шаҳарнинг бор одамлари буларнинг йўлини пойлаб, у ерда-бу ерда писиб ётиб: «Ҳеч бўлмаса бир кўриб қолайин!» деб қараб, дийдорларини кўриб питирлаб, баъзилари йиқилиб, ошиқ бўлиб, қўлидаш ҳеч нима келмай: «Ёринг бўлса шундай бўлса экан!» деб ҳавас қилиб қолаётир. Қоровул, ясовуллар одамларни «пўшт-пўшт»-

лаб, — шоҳнинг дўсти келаётир, қочинглар! — деб йўлни бўша-тиб турди. Шунда Оқилахон, Орзигул ойим қирқин қизлар билан кўшкка етиб келди. Қирқин қизлар Орзигул ойимнинг кўлидан ушлаб, канизлар қўлтигидан суяб, иззат-хурмат билан Муродхон-нинг олдига олиб кирди.

Оқила ойим ўз канизларига буюрди: — Кеча булар ҳориб-чарчаб келган эди. Бу кун дам олишди. Энди сизлар бир яхши базм қилиб вақтларини хушлайсизлар, базм-ҳангома қиласизлар! — деди. Канизлар югурушиб хизмат қилишди.

Кун кеч бўлди. Яхши тилла чироқлар ёнди. Уртага катта қандил қўйилди. Кўп катта ўлтириш бўладигандай бўлиб, жой созла-та берди.

Муродхон Оқилахондан сўради:

— Ишни жуда катта қилдингиз, тўй қиладигандай чироқни кўп ёқдингиз, — деди.

Оқилахон айтди:

— Бегим, хоним, сизлар бу чўлларда кўп юриб жуда хафа бўлиб, чарчаб келгансизлар. Сизларнинг димоғингизни чоғ қилмоқ учун бир ўйин-кулги, базм қилиб бермоқчиман, — деди.

Муродхон, Орзигул ойим иккови: — Бизларни жуда сийлаб ташлади-ку, — деб ўтирди. Базм катта бўлди. Созанда қизлар, ўйинчилар оқшоми билан катта базм қилди, шароблар қуйдилар. Ҳамма маст бўлиб, димоғи чоғ бўлиб, ётишиб қолди. Қизлар, канизлар бошқа уйларга тарқалди. Икки ошиқ-маъшуқ бир уйда ётди. Эрта билан тонг отди. Муродхон жўнамоқчи бўлди. Шунда Оқилахон сипоҳи, амалдорларини чақириб, буларга қараб бир сўз айтаётир:

Сўзима қулоқ сол, амалдор, навкар,  
Беклик қилиб, инъом-эҳсон олганлар.  
Баринг бирдай яхши отни олганлар,  
Ўткир қилич белга боғлаб турганлар.  
Ҳар хизматга доим тайёр бўлганлар,  
Йиғилиб келиб, савол сўраб турганлар!  
Бу йигитдир Оқтош элнинг султони,  
Орзигулдир бекнинг бориб олгани,  
Сизларни чақиртдим жўра қилгани,  
Кўп йўлгача хонга йўлдош қилгани.  
Менинг сўзим паёмини билинглар,  
Яхши сийлаб бекни йўлга солинглар,  
Бекнинг ёри менинг дўстим бўлади,  
Жуда ҳам бир иззат-хурмат қилинглар!  
Бу айтган сўзимни ҳазил билмагин,  
Ҳеч қайсинг беҳуда савол қилмагин,

Аҳмоқ бўлиб ё бировнинг кулмагин,  
Армон билан гуноҳкор бўп ўлмагин!  
Бошлаб бекни тўғри йўлга солинглар,  
Яхши бошлаб бекнинг ақлин олинглар,  
Хунхор дарёсига бирга боринглар,  
Кемачига шундай сўзни айтинглар:  
Хазон бўлиб боғда гуллар сўлмасин,  
Хаёлингга бошқа гаплар келмасин,  
Бўлак жонзод бу кемага кирмасин,  
Яхши ҳайдаб у дарёдан ўтказсин!  
Баланд сўзлаб бунча лофи ўрманглар,  
Аралашиб йўлда бирга юрманглар,  
Илгари юр, сира қараб турманглар,  
Кейин қолиб аралашиб қолманглар!  
Баринг бирдай от абзаллаб мининглар,  
Хондан бурун йўлга чиқа беринглар!

Шунда Муродхонни отлантирди. Сипоҳиларини ҳам:

— Баринг отланинглар, кўчаларни одамлардан бўшатиңглар,—  
деб Оқилахон буюрди.

Қирқин қизлар билан Оқилахон келиб Орзигул ойимни ҳам от-  
лантириб, йўлга тушиб жўнамоқчи бўлдилар.

Орзигул ойим отга миниб, Оқилахоннинг хизматидан кўнгли  
тўлиб, вақти хуш бўлиб, бир сўз айтиб турган экан:

Оқ урганда кўздан оққан ёш энди,  
Эсон бўлса нелар кўрар бош энди.  
Оша юртга мен ҳам кетиб бораман,  
Подшо бўлган, жоним дўстим, хуш энди!  
Отам подшо эди Гулистон элда,  
Қиз бола тақдири азали шул-да.  
Эркак бўлсам юрар эдим манзилда,  
Кўп азоблар тортиб юрганман йўлда.  
Энди бизлар бунда турмай жўнармиз,  
Жон дўстим, хушлашиб йўлга тушармиз,  
Ярашиққа от кокилин ўрармиз.  
Туз-насиба тортиб Оқтош борармиз.  
Борсак Оқтош юртин обод қилармиз,  
Мана турган мардман даврон сурармиз,  
Гузаримиз тушса, излаб келармиз.  
Султон бўлган жоним дўстим, хуш энди!  
Ҳарчанд қилдим, менга табдил бўлмади,  
Аввалидан энам-отам билмади,  
Оқ сут берган энам рози бўлмади,  
Хушлашиб, болам деб йўлга солмади.

Бунда келдим, мамлакатим билмади,  
Тақдир тортди, ҳарчанд қилдим бўлмади,  
Ўрлаган ёғини шунқор бермади,  
Хизмат қилган жоним дўстим, хуш энди!  
Қўл кўтариб мени йўлга соларсан,  
Баринг келиб атрофимни оларсан,  
То кўргунча омонда бўл, жон дўстим,  
Мен кетарман, жононларим, хуш энди!

Бу сўзларни Орзигул ойимдан эшитиб, Оқилахон ҳам омонла-  
штиб бир сўз деб турган экан:

Бошимда йўқ менинг қайғули туман,  
Сен эдинг-ку менинг билан қадирдон,  
Неча марта бу шаҳарга келгансан,  
Не давронлар, ўйин-кулги қилгансан.  
Ҳамиша сен мени йўқлаб тургансан,  
Меҳрибоним, жоним дўстим, омон бўл!  
Отанг келиб отам билан дўст бўлган!  
Отам ўлиб, юрти безга қолган,  
Ҳар ким бош кўтариб бу ерда турган,  
Қадирдоним, жона-жоним, омон бўл!  
Меҳрибонлик қилиб бу отанг келган,  
Қанча сипоҳилар ёнида турган,  
Отамнинг тахтига мени миндирган,  
Иккимизни Қироншоҳи дўст қилган.  
Азоб кўриб ширин жоним бу танда,  
Отанг Қироншоҳди у Гулистонда,  
Бундан кетиб, дўстим, мени унутма,  
Келиб-кетиб тургин, албатта, бунда,  
То кўргунча, қадирдоним, омон бўл!  
Олис йўллар подшоларга яқиндир,  
Ёмон одам аҳволдан ғофилдир,  
Ҳар замон йўқлагин Оқилахонни,  
То кўргунча, мунглиғ дўстим, омон бўл!  
Бир бедовни сен ўйпатиб минасан,  
Сен ҳам бундан Оқтош элга борасан,  
Оқтош юртда ўйнаб, дўстим, куласан,  
Тайиним шу: ҳар замонда келасан,  
Оқтош хони билан бирга юрасан,  
Подшолик давронин бориб кўрасан,  
Омон бўлгин, мунглиғ дўстим, хуш энди.  
Эркакдай белингга олмос чолибсан,  
Арғимоқнинг жиловини олибсан,  
Эр юртига, жоним дўстим, толибсан,

Бунда турмай Оқтош бормоқ бўлибсан,  
Муродхонга ўзинг хуштор бўлибсан,  
Тек турмай ҳамиша шўхлик қиласан,  
Мен сўзласам сен тўранга куласан,  
Ўйнашмоққа жуда толиб бўласан,  
Оқтош бориб, истаганча юрасан!  
То кўргунча, жоним дўстим, омон бўл!

Бу сўзларни бир-бирларидан эшитиб, хушлашиб турибди.  
Муродхон ҳам Оқилахонга қараб, оёғини узангига тираб:  
Омон бўлинг, хоним! — деб бир сўз айтиб турибди:

Остимда бедовим ўйнар юз алвон,  
Олмос пўлат белда, эғнимда қалқон,  
Мен ҳам сенга тинсол айтай бир алвон,  
То кўргунча омонда бўл, Оқилахон!  
Ёмон кунда хабар олдинг ҳолимдан,  
Яхшилиғинг сира кетмас кўнглимдан,  
Ёмон кунда от миндирдинг қўлингдан,  
Одамдай бўлиб кетдим сенинг элингдан,  
То кўргунча омонда бўл, Оқилахон!  
Кимдан ситам ўтса хабар қиларсан,  
Мендай мардга хабарни етказарсан,  
Оғир лашкар билан мен ҳам келарман,  
Хизмат бўлса, сенга мен қайтарарман,  
То кўргунча омонда бўл, Оқилахон!  
Кўп йиғладим, юрдим чўлларни кезиб,  
Ёрни излаб юрдим бағримни эзиб,  
Гоҳ вақтларда кўздан ёшимни тизиб,  
Давлат бошим, Оқилахон, омон бўл!  
Сенинг билан келиб қурдим мен суҳбат,  
Одам дединг, бердинг яроқ билан от,  
Сўнгра қўнди менинг бошимга давлат,  
Сен бўлмасанг бўлар эди қиёмат.  
Меҳрибонлик қилган хоним, омон бўл!  
Мен борарман омон-эсон элимга,  
Шу қизни излаб, тушдим сенинг қўлингга..  
Булбул бўлиб қўндим боғда гулингга.  
Хизмат қилган қирқинларим, омон бўл!  
Мен ҳам ўз юртимда подшо бўларман,  
Қатта-кичик баринг яхши кўрарман,  
Яхши-ёмон демай эсга оларман,  
То кўргунча сарви нозлар, омон бўл!  
Менинг ёрим, дўстинг келар ахтариб,  
Дўстинг излаб ҳар замон сен ҳам бориб..

Иўлиқиб, бир-биринг аҳволинг кўриб,  
Бизнинг юртни келиб тамоша қилиб,  
Сен ҳам боргин бизнинг юртни ахтариб,  
То кўргунча, Оқилахон, омон бўл!

Бу сўзни Муродхон айтиб, бир-бири билан омонлашиб, хушлашиб, бир-биридан розилик олишиб, Муродхон Орзигул ойим билан жўнади.

Оқилахон канизлар билан бирга чиқиб: — Хуш келибсиз, хайр энди, — деб қайтди.

Оқилахоннинг сипоҳилари йўл бошлаб бораётир.

Йўлга бора туриб, Муродхон Орзигул ойимга қараб бир сўз айтаяпти:

Шаҳри вайрон бўлса султон тебранар,  
Мол бор бўлса, барча одам дўст бўлар,  
Бошдан давлат кетса тувғон эмранар,  
Қистаб юргин сен ҳам, гул юзли дилбар.  
Кетишимдан мунглиг знам беҳабар,  
Фарзандим деб, бўлиб йўлга интизор,  
Кеч қолмай Оқтошга етмоқлик даркор,  
Энди борсак бундан дарёйи Хунхор,  
Қистаб юр, қаддингдан, гул юзли дилбар.  
Лайлидай чўлларда бўлиб дарбадар,  
Мажнундайин мен ҳам сенга интизор,  
Мен сенинг ишқингга бўлиб харидор,  
Қистаб юр, қаддингдан, гул юзли дилбар.

Шундай қилиб, булар бир неча кун йўл юриб, дарёйи Хунхорга етдилар. Оқилахоннинг сўзи билан кемачилар кемани бўшатиб, тозалаб, Муродхон билан Орзигул ойимни ўтқаздилар. Жамий амалдор сипоҳилар ҳам шу кемага ўтирди. Кемани дарёнинг тор еридан ҳайдаб, ўн беш кеча, ўн беш кундуз деганда эсон-омон соҳилга чиқдилар.

Муродхон Орзигул ойим билан кемадан чиқиб, димоғлари чор бўлиб, ёзилиб, отларини ҳам чиқариб, ҳамма анжом-аслаҳаларини тушириб, кемачиларга зару зевар берди. Подшолик шаънига яхши бўлмас, Оқилахонга бориб айтар деб бари келган амалдор, сипоҳиларга ҳам инъомлар берди. Барининг вақти хуш бўлди.

Сипоҳилар Муродхоннинг берган инъомларидан кўнгли тўлиб, димоғи чоғ бўлди: «Бу яхши, олий ҳимматли киши экан», деди. Булар хайрлашиб, кемачилар кемасини юргизиб, жўнаб кетди. Муродхон билан ёри дарёни томоша қилиб, ёри билан ҳазиллашиб, ўйнашиб, кулиб, белларига ханжарларини тақиб, кийимларини

кийиб, бедовларини бошқатдан эгарлаб, созлаб, айилларини тақиб,  
йўлга тушиб жўнаб кетдилар.

Булар кўп юрди. Неча кун орадан ўтди. Қоратошга етди. Муродхон отининг лошини кўрди. Қоратошдан ўтиб, ўз юртига яқин етиб, от устидан туриб қараб, тезроқ етсак деб отга қамчи чотар эди.

Бедовларга қамчи чотди,  
Урган қамчи симдай ботди,  
Чўлнинг танобини тортди,  
Шундай қилди у ғайратни.  
Ўсган юртин излаб кетди,  
Неча кун орадан ўтди.  
Қоратошга энди етди.  
Отин отган ерни кўриб,  
Муродхон ёрига кулиб:

— Бу ётган отимнинг лоши,  
Балки, сиздай ёрнинг иши,  
Шундайин ишларни қилгандир  
Муродхоннинг гул бувиши,  
Қоратошдан энди ўтиб,  
Бораётир от ўйнатиб,  
Ўз юртига яқин етиб,  
От устидан туриб қарар,  
Кўринарми юртимиз, деб.  
Қандай ўсган элатим, деб,  
Ҳар замонда кўз юборар.  
Неча кунлар йўлда юрди,  
Оқтош юртига яқин етди.  
Бекнинг юртига кўзи тушди,  
Оқтош элига етишди.  
Кўринг энди Оталиқни,  
Бирга олиб қанча бекни,  
Хонга пешвоз чиқиб кетди.  
Муродхонман паризодни,  
Кўрди шундай валламатни,  
Бир-бирига яқин етди,  
Отдан тушиб амалдорлар,  
Ҳаммаси зиёрат этди,  
Бир сипоҳи чопиб кетди,  
Энасига хабар етди:  
— Муродхон келди! — деб айтди.  
— Боғда очилган гулинг келди,  
Чаманда булбулинг келди,

Ёр ахтарган ўғлинг келди,  
Сенинг жону дилинг келди,  
Суюнчи беринг, энажон!  
Ёр ахтариб кетган боланг,  
Гулистон шаҳрига борган,  
Омон-эсон ёрин олган,  
Ёри билан бирга келган,  
Суюнчи беринг, энажон!  
Бу — юртга овоза бўлди,  
Муродхон шаҳарга кирди,  
Қизу жувон йўлга чиқди,  
Муродхоннинг ёрин кўрди,  
Отнинг жиловидан ушлаб,  
Кетди бу ўрдага бошлаб.

Шунда Муродхоннинг ёри Орзигул оймни қирқин қизлар ўр-  
тага олиб, отдан тушириб, ҳамма қизу жувонлар йиғилиб, ғалогул  
тўполон қилиб, шовқин-сурон бўлиб, ўйнаб-кулиб, ўрдага олиб  
кириб, «келин келди», — деб айтаётир:

Бир-бирига хабар қилиб,  
Ўрдага қиз тўлаётир,  
Орзигулни кўрайин деб,  
Кўп қиз-жувон келаётир.  
Ойим юзи ойдай тўлиб,  
Кўрган қизлар ҳайрон қолиб,  
Ажаб қизиқ бўлаётир,  
Ўрдага қиз тўлаётир.  
Ўрдани ёруғ қилади,  
Жамоли бунинг балқ уриб,  
Жамолини қизлар кўрди,  
Бари кўриб ҳайрон қолди.  
— Хоним қандай билар, — деди,  
— Кўп ўйнашиб-кулар, — деди.  
Оша юртдан дилбар келган,  
Ўрда ичи обод бўлган.  
Бундай сулув кўрган эмас,  
Одам шундай бўлармикан?  
Қайдан топиб келган султон?  
Бу паридир ёки ғулмон.  
Ҳамма анграб, қараб қолган.  
Жамолига ҳамма ҳайрон!  
Муродхон синглиси келган,  
Бунда ойм таъзим қилган,



Бир хил хотин хабар қилган.  
Элида Оқтош тўраси,  
Ободди унинг ўрдаси,  
Шу замон ойимни кўриб,  
Айланар бекнинг энаси:  
— Ойдайн боламнинг ёри,  
Кетди кўнглимнинг ғубори.  
Менга келин шундай санам,  
Кўнглимда қолмади алам,  
Омон-эсон келган болам,  
Обод бўлди кулба-хонам!

Шундай қилиб, ҳамма қирқин қизлар, қизу жувонлар йиғилиб келиб, ҳамма расми-қоидаларини қилиб, Муродхоннинг энасига «Қутлуғ бўлсин!» — деди. Подшолик расмини қилиб, ўйин-кулги билан Орзигулни уйга олиб кириб ўтқаздилар. Шунда Муродхон ўз шаҳрида шаъни-шавкати билан жиловхонага келиб, қанча амалдор, беклар жиловдан ушлаб, дуо қилиб турди.

Муродхон отини бир хизматкорга топшириб: — Мен аввал энамни бориб кўрайин, энамдан жавоб олмай кетган эдим. Бориб энамни кўриб, сўнгра сизлар билан сўзлашаман! — деб, ўрдага қараб жўнаб кетди.

Бунинг келаётганини энаси эшитди. Энаси Муродхонни кўриб, «энанг айлансин, болам!» — деб келиб қулочини ёзиб, бағрига босиб: — Вой болам, қандай қилиб мени ташлаб куйдириб кетдинг? Омон-эсон кўрдим, — деб ўпиб, «Қўрққандан-қувонган ёмон» дегандай, энаси беҳуш бўлиб йиқилиб қолди. Муродхон энасининг бошини суяб турди. Шунда энаси ўзига келиб: «Омон-эсон келдингми?» — деб, Муродхонга қараб бир сўз деб турган экан:

Сарғайиб қолганди юзим,  
Сенсан менинг кўрган кўзим,  
Қўп йиғладим менинг ўзим,  
Бирга кепти сарви нозинг!  
Юрт эгаси, жоним болам, бормисан?  
Урушда панд берар отнинг майиби,  
Келдингми, жон болам, элнинг соҳиби?  
Шу иш бўлди тангрим кўрган лойиғи,  
Кўрар кўзим, жоним болам, бормисан?

Кумушдандир қарчиғайнинг чегаси,  
Олтиндандир кировка тўн ёқаси.  
Жоним кўзим, Оқтош юртнинг эгаси,  
Сен бўласан мамлакатнинг эгаси,  
Кўрар кўзим, жоним болам, бормисан?

Аввал бошлаб сағир қолдинг отадан,  
Парвариш топгансан мендай энадан,  
Оша юртга эга бўлган Муроджон,  
Кўрар кўзим, жоним болам, бормисан?  
Излаб кетибсан-ку бир кун ёрингни,  
Энам, деб кўрмабсан меҳрибонингни,  
Ташлаб кетдинг ўсиб-унган шаҳрингни,  
Кўрар кўзим, жоним болам, бормисан?  
Кўрар кўзим, ёр ишқида юрдингми?  
Чўлда юриб, кўп заҳматни кўрдингми?  
Бир юртлардан бориб ёринг олдингми,  
Кўрар кўзим, жоним болам, бормисан?  
Ерим дебон кўп жафони тортибсан,  
Эшитмаган олис юртга кетибсан.  
Ёр ишқида, болам, қонлар ютибсан,  
Кўрар кўзим, жоним болам, бормисан?  
Неча сўзлар айтиб, болам, ўзинга,  
Сипоҳилар сўзлаёлмай юзинга,  
Интиқ бўлдим, болам, сендай кўзимга,  
Еш ўрнида қонлар тўкиб кўзимга,  
Сени кўриб, энди келдим ўзимга,  
Кўрар кўзим, жоним болам, бормисан?

Бу сўзни Муроджон энасидан эшитиб, кўнгли бузилиб, юраги  
взылиб, бу ҳам энасига қараб бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Эна, қулоқ солгин айтган нолишима,  
Бир ёрнинг савдоси тушди бошимга,  
Эна, келолмадим сенинг қошинга,  
Чидаёлмай мен ҳам ёрнинг ишқида.  
Ёр ишқида бундан бош олиб кетдим,  
Фалакнинг ишига бағримни йиртдим.  
Гоҳ чўлларда яёв бўлиб йўл тортдим,  
Хунхор дарёсидан бир куни ўтдим,  
Гулистон деган бир шаҳарга етдим.  
Ерим олиб яратганга рост бўлдим,  
Тақдир шулди, Афсар девман дўст бўлдим,  
Омон-эсон тенгу тўшимни кўрдим,  
Дунёнинг ғамидан энди қутилдим,  
Шукур қилай, сени саломат кўрдим.  
Кўрсам дедим, эна, сенинг ўзингни,  
Сен ҳам кўрдинг омон-эсон кўзингни,  
Энди ҳурмат қилай айтар сўзингни.

Шундай қилиб Муродхон ўз бошидан кечирганларини энасига айтиб берди. Шунда Муродхоннинг синглиси югуриб чиқиб, қулоч ёйиб, «эмукдошим, акам», деб кўришиб, неча алвон сўз айтди:

Тўкилди энангнинг кўзидан ёши,  
Кўп бўлди-ку бу энамнинг нолиши,  
Кеча-кундуз биз ҳам тинмай йиғладик,  
Қандай бўлди ёлғиз оғамнинг иши?  
Қаерларда ғариб бўлиб қолди деб,  
Ё душманга акам дучор бўлди деб,  
Эмукдошим қайси юртга борди деб,  
Елғиз-да, аҳволи қандай бўлди деб,  
Бизлар мунглиғ, боролмасак кетидан,  
Нима иш келсин мунглиғларнинг қўлидан?

Еринг билан бўлиб бирга,  
Омон-эсон келиб элга,  
Кўзимиз тушиб бир-бирига,  
Энди юрармиз манзилда.  
Пойтахтда, ака, тургин,  
Мунглиғ ҳолин, сўзин билгин,  
Фуқарони иззат қилгин,  
Фақирлардан хабар олгин.

Муродхон энасидан, синглисидан бу сўзларни эшитди. Сўнгра қайтиб тахтига бориб ўтирди. Дўстларни вақти хуш бўлиб, душманларни ғамгин бўлди. Шунда ҳамма юртга «Муродхон келибди, ёрини ҳам олиб келибди» деб овоза бўлди. Жарчилар чақирди. Ҳамма мамлакатдан Муродхонга қарашли беклар, амалдор, сипоҳилар йиғилиб келди. Муродхонга кўриниш бериб, салом қилиб, таъзим қилди. Ҳамма бекларнинг олдида Оталиқ Муродхонга хонликни топширди. Шунда амалдор, беклар олдида Оталиққа қараб Муродхон бир сўз деб турган экан:

Юрт саранжом қилиб, сўраб турдингми?  
Бева-бечорадан хабар олдингми?  
Ўзингдан каттани иззат қилдингми?  
Бу юртимда мендай бўлиб турдингми?  
Ёрим дедим, мен ҳам кетдим бош олиб,  
Оқ сут берган энам хабарсиз қолиб,  
Сўрадингми мунглиғ кўнглини олиб,  
Қилган ишинг сенинг элга жо бўлиб,  
Шоҳлик қилиб, оту тўнинг шай бўлиб,  
Порахўр бўлдингми сен ҳам бой бўлиб?

Элга келдим, шоҳлик қилиб тураман,  
Элу халқдан мен ҳам яхши сўрарман,  
Ким яхшилиқ қилса, англаб биларман,  
Раҳбар бўлса, унинг кўнглин сўрарман,  
Душман бўлса, жазосини берарман.  
Мен кетган сўнг қандайди мамлакатинг,  
Эркин бўлиб, обод бўлдим юртинг?  
Не бўлди бу элдаги маслаҳатинг?  
Элу халқинг қандай бўлди, Оталиқ?  
Ёр аҳтариб бошга тушди тумона,  
Қилган ишинг энди менга гумона.  
Бўлгандир бу элга ажаб замона,  
Бу гаплар бўлгандир фасли баҳона,  
Султон бўлиб элни сўраган Оталиқ,  
Билдир менга ҳар не кўрганларингни,  
Ҳисоб бергин менга қанча зарингни,  
Сен сўрадинг манов турган шаҳрингни,  
Хабар бергин сен ҳам билганларингни,  
Айта бергин кўнглингдаги борингни,  
Тарбият қилдингми Оқтош шаҳрингни?  
Мени келмас деб сен гумон қилдингми?  
Элни еган сен бир бало бўлдингми?  
Ростин дегин, йўқса сардор бўлдингми?

Бу сўзни Муродхондан ҳамма беклар, Оталиқ эшитди. Беклар «Бу сўз жуда ёмон бежо бўлди. Муродхон Оталиққа қаттиқ тикилди, хоннинг бу сўзларидан Оталиқ ўладиган бўлди. Муродхонга биров ёмонлаб гапирибдимикан? Ўзи давлатини, ҳикматини бериб, бунчалиқ қаттиқ сўроқ қилди. Оталиқнинг ҳам бурни кўтарилиб, анча иш қилиб ҳаддан ошган эди. Подшолик чиқимларини ҳам кўп зиёд солди. Бева-бечораларни йиғлатиб олди. Ҳамма ҳам безор бўлди. Ажали етса, Оталиқ ўлди. Ўзининг ҳам ияги қалтираб, кўзи ялтириб қолди, ўлмаса ҳам, ўлгандай бўлди. Ўзи ҳам индаёлмай қолди. «Қизил юзли йигитнинг қизаргани-ўлгани» деган гап бор деди. Бир неча амалдорлар: «Муродхон шу ёқларда ўлиб кетар!», деб билдирмай ҳаддидан ошиб кетган эди. Мамлакатга жабр қилди, буни бир шаввоз Муродхонга айтган экан-да, Муродхон билди», — дейишди.

Бу гапларни айтишиб, амалдорлар шивирлашиб қолди. Амалдор, сипоҳилар гап қилиб турди. Лекин Муродхон бу гапларни таҳмин қилиб айтган эди.

Амалдор, сипоҳиларнинг ўзаро шивирлашиб, туртишиб гапирётганидан, Оталиқнинг бошини ерга қуйи солиб, индаёлмай турганидан билди.

Баъзи беклар, амалдорлар «Оталиққа нима деб буюрар экан?» деб аланглаб, Муродхоннинг оғзига қараб турди.

Баъзи бир беклар хушомадгўйлик қилиб, Муродхонга қараб бир сўз айтиб турибди:

Қайта бошдан обод бўлсин бу шаҳринг,  
Сен кетдинг, хафа эди амалдоринг,  
Омон-эсон юртга келдинг, шунқорим,  
Қутлуғ бўлсин, олиб келган дилбаринг!  
Сен кетган сўнг йиғлаб қолди бекларинг,  
Шу вақтгача йўқдир биздан хабаринг!  
Паридан зиёддир бу олган ёринг,  
Кўнглингда қолмади сира ғуборинг!  
Бир ёр излаб элдан жудо бўлибсан,  
Кўп қилмаган ишни ёлғиз қилибсан,  
Оша юртга ўзинг ёлғиз борибсан,  
Бир шоҳнинг қизини олиб келибсан.  
Қайтиб келиб, юртга эга бўлибсан,  
Қайта бошдан қутлуғ бўлсин давлатинг.  
Бир ёр учун кўп иш тушиб бошингга,  
Ҳар ким қойил бўлар қилган ишингга.  
Қайтадан қўшилиб тенгу тўшингга,  
Бувиш ёрни олиб келиб элингга.

Муродхон амалдорларга қараб: — Шунча мамлакатга бориб келиб, бетайиндай бўлиб қолмайин, эл-халққа бир тўй-тамоша қилиб бермоқлик даркор, — деди.

Муродхоннинг бу сўзини эшитиб, амалдорлар айтди: — Бу ишингиз кўп бинойи, қулай бўлар, ҳар мамлакатга овоза берар. Биз сизга айтолмай туриб эдик! — деди. Бу сўз ҳаммага маъқул бўлди. Муродхон амалдорларга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Айтган сўзим яхши ўйлаб кўринглар!  
Мамлакатга шундай хабар беринглар,  
Оқтош элда тўй-тамоша қилинглари!  
Маслаҳатни яхши англаб туринглар,  
Оталиқни девонбеги қилинглари!  
Созанда, ҳофизга хабар беринглар,  
Ҳеч бир кимса қолмасин, йиғиб келинглари.  
Шундай ишлар паризодим ҳурмати,  
Ёр учун кўп бўлди бекнинг хизмати,  
Бу сўзларни айтар Муродхон ўзи,  
Олган ёрим — Қироншоҳнинг қизи.  
Танга, дунё сочиб сарфлаб туринглар,  
Олган ёрнинг иззатини қилинглари,  
Элу халққа катта инъом беринглар,

Яхши ўйнаб, хўп тамоша қилинглар!  
Бозорларга жарчи-хабар қўйинглар.  
Ҳар тарафга айтувчини жўнатди,  
Амалдорлар тўй тараддудин қилади,  
Қирқ кеча, қирқ кундуз тўй қилмоқ бўлиб,  
Келаётир шаҳар халқи йиғилиб.  
Қанча қўю, қанча сўқим сўяди,  
Бева-бечоралар қолмай тўяди,  
Борганларга зару зевар беради,  
Хоннинг келганини ҳамма билади.

Ана шунда Муродхоннинг бу сўзини эшитиб, туғдор-жиғадор, ўнг оталиқ, чап оталиқ, беклар, хонлар, ҳамма амалдор саркардалар ҳар қайсиси ўз ишига қараб тўй анжомини тайёрламоқчи бўлиб, Муродхоннинг олдидан чиқиб кетди. Халойиқ тўйга кела берди. Ҳар уруғнинг катталари ўз одамлари билан келиб, тўрда ўтириб, «қутли бўлсин!» қилиб, ошни еб кета берди. Ҳар уруғнинг катталарига тўнлар кийгизиб, димоғини чоғ қилди.

— Ҳар уруғдан амалдор бор бўлса, ўз уруғига — ўз халқига тўйдан улушлар — мева-чевалардан олиб борсин. Шунда битта-яримта жиян келиб қолса, «жиян товоғи»ни ҳам берсин! «Менинг жиян товоғимни бермади!» деб ўпкалаб кетмасин, — деб буюрди.

— Улган шоҳнинг уйи йўқланмасдан қолмасин. Чўлпонойнинг ҳурматидан оз эмас, кўпроқ қўнуқ бир қўй берсин, ўзини тўйга айтсин, келмай хафа бўлиб қолмасин! — деб буюрди. Беклар, амалдорлар Муродхоннинг айтганидан ҳам зиёд қилди. Тўй жуда катта бўлди. Элу халқ хурсанд бўлди. Бир томонда созанда, ҳофизлар чилдирма, созларни чертиб, айтувчилар айтаётир. Одамлар чопишган, кулишган, бир томонда кўпкари чопаётир. Чавандозлар улоқни чопиб олаётир.

Бир ёқда қиз-жувонлар ўйин-кулги қилиб, тўйни қизитаётир. Келган дастурхонларни баковулла олаётир. Тўй кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган даражада катта бўлди. Тўйга келган хотинлар Муродхоннинг энасига «тўй қутлуғ бўлсин!» қилаётир. Ҳамма тўйда сарпо, бош-оёқ кийимлар олиб, танга, тиллалардан инъомлар олиб ётир.

Бу орада қирқ кун ўтди. Ҳамманинг вақти тўйдан хуш бўлди. Тўй тарқаб кетди. Меҳмонларни иззат-ҳурмат қилиб жўнатди. Ҳар қайси беклар, амалдорлар, сипоҳилар, туғдор, жиғадор-баковулла ўз ишига кетди. Кун кеч бўлди. Муродхон ўрдага қайтди. Ундаги хотин-қизларга ҳам танга, тилла сочиб, буларга ҳам сарполар бериб жўнатди. Муродхоннинг бу ишига Орзигул ойимнинг кўнгли тўлиб бурунгидан ҳам меҳри зиёда бўлиб, димоғи чоғ бўлди.

Муродхон мақсадига етди. Умри Орзигул ойим билан ўтди.



16—742



Ҳасанхон Арзирум мамлакатидан Далли оймни Чамбилга олиб келиб қўйди. Бир ойча боши бўш туриб қолди. Ҳасанхон қанча азоб-қийинчиликлар кўриб, Доғистон тоғларида ёлғиз ўзи уруш қилиб, жафо тортиб олиб келган Даллисини Гўрўғли тўй-тамоша қилиб Ҳасанга бермади.

Далли ойм баркамол, етилган қиз: гул юзли, ширин сўзли, оқдан келган, кўрганнинг ақлини олган, ҳар ким кўрса, «менинг ёрим бўлсин», деб юрган қиз эди.

Юнус, Мисқол парилар маслаҳатда бўлди: — Ҳасан Даллини олиб келди, Гўрўғлининг кўнглига бир гап келди. Билмайман, устимизга ўзи олмоқчи бўлдимми? Ҳар мамлакатдан баҳодир йигитлар шундай қизларни олиб келарди, олиб келганини тўй-тамоша қилиб, ўзига берарди. Мана, Даллини Ҳасан олиб келди, бизга айтмай, устимизга олмоқчи бўлди, қандай бўлса. Даллини яхши кўриб қолди. Лекин биздан фарзанд бўлмади. Устимизга Даллини олса, бундан бирор фарзанд кўрса, биз Чамбилда ташланди хотин бўлиб қоламиз. «Эсинг борида этагингни ёп», деган гап бор. Шу Даллини олганини кўрмай, боғи Ирам — юртимизга кетсак, қандай бўлади? — деди.

Шунда Мисқол пари айтди: — Гўрўғлининг зўр деб таърифи кетган, зарбаси тошдан ўтган, Гўрўғли кела ётибди, деса, душманлар қанча қамал топган, ушлаганни беркитган, қараганини кўрқитган, донги Доғистон кетган. Ҳали булар майхонада суҳбат қилиб ўтирибди. Бу суҳбатлар эртагача тарқамайди. Агар кетадиган бўлсак, эрталабгача бир неча белдан ошармиз, Ирам чорбоғининг йўлига тушармиз.

Унда бирови айтди: — Эрта-мертан келиб ўрдани кўрар, йўқ эканингни билар, Фиротнинг белига минар, осмонга учсанг, оёгингдан, ерга кирсанг, қулоғингдан тортар, қаерга борсанг, қувиб етар, баданингни бўздай йиртар, ҳайдаб келиб дорга тортар. Агар Фироти ўзида бўлса, ундан жўн қутилмассан. Агар мақсад кетмоқ бўлса, ҳамма беҳабар қолсин, файзи саҳар вақти бўлибди, Фирот-



нинг табласига борайик. Гаждумхон деган сайиси бор, озгириб кўрайик, сени сулув қизга уйлантирамиз, деб ваъда берайик. У қизларга қизиқиб қолар, нима бўлса, боғи Ирамга Фиротни миниб бормоқчи бўлар, олмаса ҳам, олгандай бўлиб қолар.

Бу сўзларни айтиб, иккови маслаҳатни бир ерга қўйиб, файзи саҳар вақтида туриб, таблага қараб жўнади. Шу вақтда Гаждумхон, неча машғаллар ёқиб, Фиротнинг ост-устини тозалаб, шипириб-сидириб ётиб эди. Юнус, Мисқол кириб борди. Гаждумхон, ақли шошиб, ақли-хушидан адашиб, қўл қовуштириб таъзим қилди. Оға Юнус пари айтди: — Э Гаждумхон, бизни кўриб сенинг ақлинг шошмасин, биз бир нарсани ўйлаб келдик, ҳамма беҳабар қолди, ўйлаган ўйимиз шу бўлди, — деб, Оға Юнус Гаждумхонга ўз ўйидагини билдириб турган экан:

Сен эшитгин Оға Юнус сўзини,  
Кучук босмас йўлбарс, шернинг изини,  
Кўп егансан Гўрўглининг тузини,  
Об берай Ирамнинг яхши қизини.

Қулоқ солгин паризоднинг тилига,  
Файзи саҳар мингин Фирнинг белига!  
Бизман бирга юргин Ирам элига.

Нодон кўнглинг ҳар хаёлга бўлмагин,  
Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин,  
Хаёлинга бошқа гапни олмагин,  
Файзи саҳар мингин отнинг белига!

Қизларнинг ичида менман ўдага,  
Қийганим ипақдир, олтиндан ёқа,  
Сени кўрса, қизлар бўлар садаға.  
Файзи саҳар мингин отнинг белига!

Ирам боққа сени бошлаб борамиз,  
Сени, билгин, юрт эгаси қиламиз,  
Сен кимни хоҳласанг, олиб берамиз,  
Файзи саҳар мингин отнинг белига!

Бу сўзларни айтар мендай гажакдор,  
Сен бўласан Гўрўглига хизматкор.  
Ер шипириб бунда турмоқ на даркор,  
Ирамда йўлинга қизлар интизор,  
Унда бордир мунаққашли манзиллар,  
Файзи саҳар мингин Фирнинг белига!

Бизнинг билан юргин Ирам элига,  
Саф-саф юрган паризодни кўрасан,  
Мингин кўриб, бирин сайлаб оласан,  
Шундай қизлар билан ўйнаб-куласан,  
Агар ёқса, Ғиркўк отни минасан.

Кетади бошингдан қайғули туман,  
Юрган жойи хазони йўқ гулистон,  
Шундай ерга бориб сурсанг сен даврон.

Ирам боққа бирга бошлаб борайин,  
Сен кимни хоҳласанг, олиб берайин,  
Сабил қилгин бунда Чамбил юртини,  
Орқа ташлаб кетгин мамлакатини.

Саҳар вақти мингин хоннинг отини,  
Мен бўламан Гўрўғлининг хотини,  
Олгин қулоғингга насиҳатини.

Бу сўзни Оға Юнусдан эшитиб, вақти хуш бўлиб: «Мен отбоқар эдим, менинг боққан отимни баҳодирлар миниб, ҳар мамлакатга бориб, яхши қизларни олиб келадилар, мен от боқиб, ҳузурини улар кўрадилар. Менга ҳам шу Ғиротингни берсанг мен ҳам Ғиротнинг белига бир минсам, олмос пўлатни белимга бойлаб, ҳеч бўлмаса, ёқадан бориб, ўзимга яраша бир қизни миндириб олиб келиб, мен ҳам Чамбилда рўзғордор бўлиб, ватан қурсам, деб Гўрўғлига айтолмас эдим. Ирам боғи ундай-бундай деб эшитар эдик. Узоқ йўл яқин бўлиб Ирам борсак, бувишимнинг айтивиغا қараганда, кўп қизларнинг ихтиёри ўзимизда бўлиб қолар экан», деб кўнглига маъқул қилиб, Оға Юнусга қараб икки оғиз сўз сўзлаб турибди:

Қумушдандир қарчиғанинг чегаси,  
Олтиндандир кировканинг ёқаси,  
Бўла ёздим Ирам боғнинг эгаси,  
Унда юрган кўп қизларнинг тўраси.

Кетайин, Чамбилда нима қилайин,  
Бошлагин, бувушим, Ирам борайин,  
Ажойиб-ғаройибларни кўриб,  
Ирам бонда ўйнаб даврон сурайин.

Бувишим, эгарлаб бергин Ғиротни,  
Отлантир, менинг ҳам савлатим кўргин,

Гайратим кам эмас, бувишим, билгин,  
Ўз қўлингман отни эгарлаб бергин.

Кулоқ солинг Гаждумхоннинг тилига,  
Олмос пўлат бойлаб кўргин белига,  
Мен ҳам энди баҳодирдан кам эмас,  
Назар солинг Гаждумхоннинг ҳолига.

Кўп қилдик таблада биз маслаҳатти,  
Энди сўйлаб тура бермоқ уятдир,  
Тонг отмай юрмоққа жуда толибдир,  
Бувишим, эгарлаб бергин Ғиротти.

Гаждумхондан бу сўзларни эшитиб, Оға Юнус паризод айтди: — Кўп турмайик, Гаждумхоннинг айтгани рост, майхонада қанча амалдор, жиғадор, туғдор, сардор беклар ўтирибди. Бир одам билса, агар Гўрўғлига хабар берса, келиб бу туришимизни кўрса, «сайис билан нима маслаҳат қилиб турувдинг?» деса, сўнгра ишимиз қийинга тушиб қолади. Бу хилда гаплашиб туришимиз айб иш. Ундан кўра, отни эгарлаб, миндириб, жўнатмоқнинг пайида бўлайик, — деб бориб, Мисқол пари отнинг жиловидан ушлаб, Оға Юнус пари яланғочлаб ташлаб, қашлаб, Ғиротни эгарлаб турган пайти экан:

Оша элга ошган тортар хўрликни,  
Эр йигит урушда қилар зўрликни,  
Оға Юнус солди отнинг белига  
Кимхоби майиндай бўлган терликни.

Мард бўлганлар қарар экан дурбини,  
Усталар ишлатар пўлат қиргини.  
Оға Юнус солди отнинг белига  
Зарлийи-зарбобдан бўлган чиргини.

Чиргининг устидан қўйди белликни,  
Боз устидан ташлаб жаҳалдирикни,  
Оға Юнус солди отнинг белига,  
Қоши олтин, олқар мугиз эгарни.

Эл кўчириб Ола тоғдан оширди,  
Сирин айтмай душманлардан яширди.  
Иккови ҳам тилладанди узанги,  
Ярқиллатиб икки ёққа туширди.

Қишман ёз ўртаси уч ой савурдир,  
Ёмон одам доим қилар ғовурди.  
Оға Юнус солди отнинг устига  
Чочоғи зумраддан заррин давурди.

Оға Юнус тортди отнинг белидан  
Сирти ипак ичи майин айилди.  
Ҳеч камлиги йўқдир йўрға юришдан,  
Қамчи урса ўтар осмонда қушдан.

Оға Юнус тортди отнинг белидан,  
Ун саккиз қуббали чағатой пуштан,  
Сағрисига ташлаб карки қуюшқон,  
Ҳар қуббаси келган катта таркашдан,

Абзалининг бари ола қайишдан.  
От абзалин кўриб Гаждум қувонди,  
Оға Юнус солди отнинг бошига,  
Тилладан ишланган маҳкам юганди.

Шундай қилиб Фирқўк отни безади,  
Душман кўрса жигар-бағрин эзади,  
Қанотли қушлардан ўзи ўзади,  
Кўрғанда душманнинг бошин узади.

Неча вақт таблада боқувлик турган  
Фирқўк отни минсам дейди Гаждумхон.

Оға Юнус паризод, шундай қилиб, Фиротни абзаллаб-чоқлаб бўлиб, кўнглида айтди: «Бу илгари йўл кўрмаган, бир урушли жойда бўлмаган, бировнинг отини боқиб юрган одам, бунга яхши сарпо кийгазиб, олмос-пўлат бойлатиб жўнатмайик, ўз кийимида кетсин. Лекин буни эртароқ жўнатайик», деб худди саҳар вақтида Гаждумхонни Фиротнинг белига миндириб, Оға Юнус:

— Гаждумхон, кўнглингни хушла, эгарнинг қошидан икки қўлаб ушла, мабодо қамчи урма, буни лайли Фирот дейди, бўлақдан кўрма, мабодо бўлақ отга ўхшатиб дўқлаб турма! Чамбилдан қирқ кунлик йўл нарида Бало тоғи деган бир тоғ бор. Бу Фирот сени тонг отмай шу Бало тағининг белига етқаради. Биз каптар кийимини кийиб, орқангдан учиб бориб, сенга етамыз. Сўнг, сени боғи Ирамга бошлаб олиб кетамиз, — деди. Фиротни Чамбил қаласидан ошириб, йўлга солиб юборди.

Ўзлари ўрдага қайтиб келдилар. Жўнашнинг ҳаракатини қилиб, булар каптар кийимини кийишиб, фалакка парвоз қилиб кў-

тарилдилар. Оға Юнус Чамбилнинг деворига қўнди. Шунда Мисқол пари:

— Сен фалакка кўтарилиб, тагин ишингни кейин ташлаб, нега девор кунгирасига қўндинг? — деди. Шунда Оға Юнус пари:

— Гуржистон мамлакатидан ўғил қиламиз деб, Гўрўғли Авазни олиб келди. Мен Авазни ёқамдан солдим, этагимдан тушириб олдим, туғмаган бўлсам ҳам туққандай унга меҳримни қўйиб қолдим. Шундай яхши кўрган ўғлим — Авазимни бир кўрмай кетиб бораётирман. Авазни кўрмоққа кашал бўлиб, бурилиб қўндим, — деди.

Худди шу вақтда Гўрўғли қирқ йигити билан, Ҳасан, Аваз ўғиллари билан суҳбат қилиб ўтириб эди. Аваз ташқарига чиқиб қолди. Оға Юнус Авазни кўриб, бир-икки оғиз сўз айтиб турибди:

Оқ урганда кўздан оққан ёш энди,  
Эсон бўлса, нелар кўрар бош энди,  
Бизлар кетдик боғи Ирам юртига,  
То кўргунча, Аваз болам, хуш энди.

Сени кўриб кўздан ёшим тизилди,  
Ўйлаб турсам, жигар-бағрим эзилди,  
Чамбилнинг юртидан ризқим узилди,  
То кўргунча, Аваз болам, хуш энди.

От чопса гумбирлар тоғнинг дараси,  
Ботирни ингратган найза яраси,  
Сенсан, болам, кенг Чамбилнинг тўраси,  
То кўргунча, Аваз болам, хуш энди.

Энам деб йиғлама, интиқ бўлмагин,  
Зинҳор сен ахтариб бизни бормагин,  
Агар борсанг, билгин, нобуд бўласан,  
Беҳуда сен ғарибликда ўлмагин.

Излаб борсанг, эшитмайман сўзингни,  
Борсанг, ўймасинлар наргас кўзингни,  
Насиҳатим шулдир сенга, Авазжон,  
То кўргунча омонда бўл, Авазжон.

Бу сўзни Оға Юнус пари айтди, Авазнинг тили қотди, қулоғи чиппа битди, нима деганига тушунмай, қайтиб майхонага кириб кетди. Парилар парвоз қилиб, Чамбилдан жўнаб, Гаждумхоннинг жетидан етди. Гаждумхон калласи ғулаб, қаёққа юрарини билмай бораётир эди. «Мана биз келдик», деб паризодлар отнинг жиловви-

га ўтди, «Ўзимиз бошлаб олиб кетамиз», деб боғи Ирам тарафига йўл тортди.

Аваз майхонада ўтириб, ҳуши ўзига келди, ўйлади: «Боя ташқарига чиққанимда қулогимга бир товуш келгандай бўлиб эди, нима воқиа эканин билмадим, лекин энамнинг товушига ўхшар эди. Шундан бир хабар олайн» деб, ўрнидан туриб жўнади. Ташқарига чиқиб қараса, тонг-ёришиб қолибди. Ҳеч гап йўқ. Ҳамма ер жимжитлик. Аста-аста ўрдага келди. Ога Юнуснинг ўрдасига кирди. «Бунда энам йўқ экан, балки булар биргамикан?», деб Мисқол парининг ўрдасига борди. Келса, Мисқол парининг ҳам ўрдасида ҳеч ким йўқ. Ундан чиқиб, Фиротнинг табласига борди. Фирот билан Гаждумхон ҳам йўқ. Буларнинг йўқлигини билиб, бўғини бўшаб, «Бу қандай аломат?» деб юраги титраб, ташқарига чиқди. Ҳар тарафга назар солиб, булардан нишон топмади. Шу вақтда кун сарғайиб чиқиб келаётиб эди. Сўнгра Авазхон қўлига дурбинни олиб, дурбин билан тўрт тарафга назар солиб, буларни кўрмай, Бало тоғига қаради. Қараса, Бало тоғининг белида Гаждумхон от устида, икки пари жиловиди гоҳ кўринар, гоҳ кўринмас бўлиб, ошиб кетиб бораётди. Буларни кўриб: «Гап бошқа бўлган экан, энамларнинг иши бузуқ келган экан, отамдан бирор кўтоҳлик ўтган экан, Фирот кетибди қўлдан, отамнинг давлати қайтган экан. Уларнинг кетига тушиб, бу ердаги отларни миниб чопсан билан у Фиротга етиб бўлмас, бу осонлик билан қўлга келмас», деб майхонага қараб қайтди. Майхонага кириб, отасига шундай деди:

Ота, эшит менинг айтган сўзимни,  
Ота, хафа қилдинг мендай қўзингни,  
Бир ишдан беҳабар қолган ўзингдир,  
Армон билан Фиротингдан айрилдинг.

Ўйласанг вайрондир Чамбилдай мулкинг,  
Ирам боққа ўлжа бўлди Фиротинг,  
Отинг кетди, билгин, Ирам боғига,  
Армон билан тулпарингдан айрилдинг.

Сабил қилиб бунда Чамбил шаҳрингни,  
Энам опти Фиркўкдай тулпарингни,  
Кўролмайсан, Юнус, Мисқол ёрингни,  
Ҳам стингдан, ҳам ёрингдан айрилдинг.

Бу сўзларни тимсол айтар Авазхон,  
Оҳ тортсам қурийдим танимда дармон,  
Энди ўтди Чамбилда сурган даврон,  
Тура келиб ўзинг қара, меҳрибон.

Олтин пиёлада шароб ичгансан,  
Инъом бериб танга-тилла сочгансан,  
Ирам боғдан пари олиб қучгансан,  
Ерим деб кокилин силаб юргансан.

Гап эшит, отажон, менинг тилимдан,  
Номард сайис туз еб ўсган қўлингдан,  
Қани шунда бўлса бермасдим омон,  
У қачон қўлимга тушар Гаждумхон!

Гўрўғли бу сўзни Авазхондан эшитиб, ўйласа, тушига кирмайдиган гап. У ҳайрон бўлиб, дурбини билан қараб. Мисқол ёрини, отини Бадбахт тоғининг белида кўриб, ҳуши ўздан кегиб, хаёли қочиб, яна ўзини тўхтатиб, турган бекларга қараб, бир-икки оғиз сўз айтиб турибди:

Тойрилди бошимдан тожу давлатим,  
Энди ҳаддан кўпди кўрган меҳнатим,  
Кетмон олиб гулхонани қулатинг,  
Энди соп бўлганди тожу давлатим.  
Ирам боққа кетди менинг Фиротим.

Соп қилдим Чамбилда ўтиришимни,  
Эр йигитлар, кесинг тандан бошимни,  
Учирдим бошимдан давлат қушимни,  
Қўлимдан олдирдим гул бувишимни.

Қочган билан энди қайда эл энди,  
Бул оқибат кўрган куним шул энди,  
Бошим кесгин, ўлдир мендай хонингди,  
Эр йигитлар, айтган сўзим бил энди.

Гўрўғли бу сўзларни айтиб, ҳеч кимга қарамай, Чамбилда Таваккал деган ғорга кириб, оҳ тортиб ётиб қолди. Илгари бу ер чангиган бел эди. Буни чортоқли Чамбил дер эди. Гўрўғли янги чиққан вақтида, икки хоннинг чегараси эди. Чортоқли Чамбил дегани — Гўрўғли тўрт айри кўмиб, устига гилам ёпиб, чортоқ қилиб, соясида турарди. Юнус, Мисқолни олгандан кейин, Кўк гумбаз деган ердан юз тўқсон девни ҳайдаб келиб, Чамбил қаласини солдирган эди. Ундан кейин ҳар мамлакатдан одамлар келиб қўшилиб, теварагига ўрнаб, кўпайиб, чортоқли Чамбил обод бўлган эди.

Гўрўғли ўз ёри ва Фиротидан айрилганига анча хафа бўлди. Гўрўғлининг йигитлари, бешта-ўнта бўлиб, маслаҳат қилиша бер-

ди. — Гўрўглининг ҳар тарафда душмани кўп. Агар Ғиротнинг кетганини билса, ҳар тарафдан лашкар тортиб келади. Чамбилнинг атрофини душман олади. Бева-бечора оёқ ости бўлади. Бу ерда юрган одам тайин ўлади. Шу вақтдан фойдаланиб, «кўчиб кетган одам ишни қилади», деб кўчиб кетаётганлар ҳам бор.

Аваз бу аҳволларни кўриб, ўз-ўзига деди: «Бу одамлар кетиб бораётир. Мен ҳам Гуржистон юртимга кетаверсамми экан. Яна ўйлаб туриб, Гўрўгли фарзандим деб қўлида парвариш қилиб, тўп кийгизиб келган. Шундай кунида менинг ҳам юртим бор, деб кетсам, бу — одамгарчиликдан бўлмас. Хўп ўйлаб кўрайин, отамга йўлиқиб, отамнинг розилигини сўрайин, агар жавоб берса, нима бўлсам бўлайин, Ғиротнинг кетидан борайин», деб Гўрўгли ёнига бориб, бир сўз айтиб турибди:

Ота, сенга тимсол айтай бир алвон:  
Неча вақт Чамбилда сурганмиз даврон,  
Ҳолинг сўраб сенга келди Авазжон,  
Ирам боққа талаб қилдим, отажон.

Пўлат найза қоп тубида ётарми,  
Темир найза эговласанг ўтарми,  
Номард сайис иш кўрсатиб кетарми,  
Ота, талаб қилдим Ирам юртига.

Ота, эшит менинг айтган ноламни,  
Йўлдан урма Авазхондай болангни,  
Излаб борай Ирам боққа энамни,  
Сенга маълум қилдим, ота, сўзимни.

Обод қилсам яна Чамбил юртингни,  
Опкеб берсам икки паризодингни,  
Ота, борар бўлдим Ирам юртига,  
Шу хизматга юбор Аваз қўзингни.

Бизларни босибди Чамбилда ғафлат,  
Бу ердан кетишга қилди маслаҳат,  
Бизлар билан иши бўлмайин шу вақт,  
Жавоб бер, мен борай Ирам боғига.

Бу сўзни Аваздан эшитиб, Гўрўгли Авазга қараб: — Аваз ўғлим, сен менинг жону дилим, кўрар кўзим, сўзлар сўзим, Ирамга талаб қилма, — деб бир сўз айтиб турибди:

Бир неча номардга кўнгил бермагин,  
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,



Кўп яша, Авазхон, зинҳор ўлмагин,  
Кўнглингга сен Ирам боғни олмагин.

Қадимгидай сенда Ғирот бўлмаса,  
Минганман бу отлар ҳожат бермаса,  
Жоним болам, кўнгилдаги бўлмаса,  
Қурисин, Ирамга талаб қилмагин.

Қадимгидай йўқдир сенинг Ғиротинг,  
Ҳеч манзилга етолмайсан, фарзандим,  
Бу отлардан минсанг бўлмас қувватинг,  
Ирам боғ деб, болам, талаб қилмагин.

Душман билар бек отангинг ишини,  
Лак-лакляб қайтардим қанча кишини,  
Ғиротим майдонда кишнаган кунда,  
Кесган эдим ўн лак девнинг бошини.

Ғиротсиз ёт элга борма, Авазжон!  
Бу хизматга бел боғлама, Авазжон!

Аваз бу сўзларни Ғўрўғлидан эшитиб, дилтанг бўлиб, «мени  
йўлдан урди», деб гина қилиб, ўрнидан туриб, қўл қовуштириб,  
бир сўз айтиб турибди:

Жоним ота, ҳар на бўлсам, бўлайин,  
Ажал етса, бу йўлларда ўлайин,  
Бундан борсам Ғиротингни олайин,  
Қандай бўлса, йўлдан урма, борайин.

Бормасам бўлмайди сабру қарорим,  
Ўйласам ўзимда йўқ ихтиёрим,  
Эсимга тушади минган тулпарим,  
Кўзимга кўринмас Чамбил шаҳарим.

Бундай ишлар менинг бағримни тузлаб,  
Эсимга тушганда йиғлайман бўзлаб,  
Ирам боққа бораётиманни излаб,  
Яқин кўринади Ирам чорбоғи,  
Кўнглимдан кетмайди бу ишнинг доғи.

Ота, ўйлаб энди ўзинг сўйлагин,  
Хўп тананга яхши туриб ўйлагин,  
Ўйнаб, сен жўнатгин Аваз ўғлингни,  
Йўлга солгин мендай жону дилингни!

Қулоқ солгин менинг айтган тилима,  
Душман қирқиб чиқолмаган йўлима,  
Бу ётишлар хўб эмасдир шаънинга,  
Чамбилда кўтарган сенинг донғинга.

Ҳозир бошимизга тушган аломат,  
Ўйлаб турсанг, душман қилар маломат,  
Бу ғамда қандайин яшаб юрамиз,  
Бориб келай, ота, соғу саломат!

Гўрўғли Аваздан бу сўзни эшитиб: — Аваз, сенинг гапинг тузук, мен сени синаб гапингни қайтариб, нима жавоб айтар экан, деб туриб эдим. Тузук экансан. Нима бўлса, энди ўзинг биласан. Лекин сени чиқиб жўнатмоққа қадимгидай Ғирот йўқ. Бу табладаги отларни эгарлаб, абзаллаб миндирган билан ҳеч манзилга боролмайсан. Бу отларни минган билан кўнгилдаги мақсадинг бўлмайди, бу отлар билан беш кун-ўн кун йўл юрсанг, илгари босган оёғи кейин кетади. Бу отлар билан киши қаерга етади? Ғиротни ўзинг биласан, ўн кун юрсанг, олти ойлик йўлни олади. Ундай вақтда киши ҳар манзилга етиб боради. Бу отлар билан қаерга боради, ғариби гўристон бўлиб йўлда қолади, минганига пушаймон қилиб, одам, тайин, ўлади; бундай отни мингандан, пиёда кетган яхши бўлади. Менинг кўнглимга шу келади. Тагин ўзинг ўйлаб кўр, агар отланиб кетаман десанг, йўлда қоласан, — деди.

Авазхон бу сўзни Гўрўғлидан эшитиб: — Мен ҳам шундай ўйлаб турибман: — деди. Шундан кейин жўнашни ихтиёр қилиб, ўз-ўзига айтди: — Менинг кетганимни ҳеч ким билмасин, Чамбилда юрганимни ҳам кўрмасин.

Авазхон илгари бирор ерга жўнаса, мингани Ғирот, ёнида олмос пўлат, шаъну шавкат билан жўнар эди. Энди бу жўнашида халқ гап қилмасин деб, қаландар либосини кийиб, қовоғини уйиб, қаландарнинг узун телпагини ҳам бостириб олиб, «пиёда одамга шу ҳам бўлади», деб ёнига кичик яроқ солиб, талқон-тўшагини кўлбарга солиб, орқасига танғиб, бир сўтани ҳам қўлига олиб, тоза қаландар бўлиб, «Ота, биз кетдик», деб, Гўрўғлига икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Жавоб беринг, энди бундан жўнадим,  
Қолар бунда Чамбилдайин элатим,  
Борганимдан қўлга тегса Ғиротим,  
Қайтадан Чамбилда бўлар суҳбатим.

Оқ тортганда кўздан оққан ёш энди,  
Эсон бўлса нелар кўрар бош энди,

Дуо қилгин, меҳрибоним, отажон,  
То кўргунча, бургут отам, хуш энди.

Ошмоққа қойимдир тоғларнинг бели,  
Ҳйласам, узоқдир Ирам мазгили,  
Жўнади Авазхон — Чамбил булбули,  
Дуо қилгин бунда, отам Гўрўғли.

Аваз шунда мақсадимни қилсам деб,  
Яёвлаб йўлларда қувиб юрсам деб,  
Насиб қилса, боғи Ирам кирсам деб,  
Борганимда мен энамни кўрсам деб.  
Сиру аҳволимни маълум қилсам деб,  
Бориб Ирам боғда бирга турсам деб;

Сўзима кўнганда олиб келсам деб,  
Қайтадан Чамбилни обод қилсам деб.  
Сайл этганда Ғиротимни минсам деб,  
Жавоб сўрар энди йўлга кирсам деб.

Белимга бойласам заррин пўтамни,  
Омон келиб кўрай сендай отамни,

Мен кетдим, отахон, хафа бўлмагин,  
Нам ерга бағрингни энди бермагин,  
Туриб сўра Чамбил мамлакатингни,  
Хафа бўлма, оп келай Ғиркўк отингни.

Қадимгидай бўлиб тургин, отажон,  
Кетади бошингдан қоронғи туман,  
Куну тун тинмайин йўлни тортарман,  
Кечга қолмай мен эртага қайтарман.

Авазхон энди отаси билан сўзлашиб, хушлашиб, Гўрўғли яхши  
фолиҳа бериб, орқасидан икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Оҳ тортсам танимда қурийди дармон,  
Омон-эсон бориб келгин, Авазжон,  
Йўл юргин, болам, кечга қолмагин,  
Номард билан йўлда ҳамроҳ бўлмагин.

Нодоннинг гапига қулоқ солмагин,  
Душманни ўзингга ҳамроҳ қилмагин,  
Ирам чорбоғини кўзлаб юрасан,  
Сувсиз йўлга, болам, чиқиб борасан.

Соғ бориб, саломат келгин, Авазжон,  
Сувсасанг-чанқасанг, болам, нетасан?  
Яёвларга яқин йўллар узоқдир,  
Бемазгил юрмагин йўлда, Авазжон.

То кўргунча, жоним болам, бахтиёр,  
Бор энди, Авазжон, йўлга яхши бор.

Гўрўғли Авазга насиҳат қилиб, уни йўлга солди. Авазхон Чамбил элда, тенгу тўшига, қовму қариндошига, Чамбилда бирга юрган сирдошига сирини айтмай, Авазнинг кетганини ҳеч ким эшитмай, бемаҳалда Чамбилдан чиқиб, гоҳ кўнглини хушлаб, гоҳ ўз юришига кўзини ёшлаб, кўлбарини орқасига турмушлаб, сўтасини қўлига ушлаб, жўнай берди Расталарда йўл билан бораётир. Бир неча кўрмайди, бир неча кўраётир, «бемаҳал юрибди, ҳаддили қаландар экан», деб дўкон-дўконда бир хиллари гапириб ётир. Авазхон қарамайди; Чамбил дарвозасига етди. Дарвозалар бекилган чоғда Чамбил қаласидан чиқиб кетди.

Авазхон Чамбилда баҳодир. Баҳодирларда одат шуки, хо отлик, хо пиёда бўлсин, бир юриб кетса, қирқ кечаю-қирқ кундуз юриб кетаверади. Аваз оқшоми билан йўл тортди, чўлга чиқиб кетди. Тонг ёришиб отди. Аваз қараса, Бало тоғи кўриниб турибди. Аваз Бало тоғни бетга тутиб, «Бало тоққа етиб, бир овқат қиламанда», деб бораётир. «Барибир Бало тоғига етмасдан ҳеч нима топмасан», деб кўнглидан кечирди. Бало тоғи кўзига яқиндай бўлиб кўриниб турибди. Гоҳ юришига ўтдай туташиб, гоҳ дарёдай тошиб, оқшом бўлса, гоҳ ерларда адашиб, неча дарбанд бел ошиб, Бадбахт тоғига етолмайин бораётир. Шунда Авазхон неча тун, неча кун йўл юриб қарайди. Бало тоғи ҳали ҳам бурунгидай бўлиб кўриниб турибди.

Илгари бундай жабрни кўрмаган одам, бурунги юришлари эсига тушиб, йўлда эрмак қилиб қўшиқ айтиб бораётир:

Қийғир деган қуш ўтирар қиёда,  
Ғайрат билан ботир юрар пиёда.  
Не кўриб, кечириб, кўриб дунёда,  
Оқибат шу, ўзим қолдим пиёда.

Тамошалар айлаб тоққа чиқардим,  
Тозилар югуртиб, ҳарён боқардим.  
Шунқор чуйиб тилла таблим қоқардим,  
Чамбилда бор эди иззат-ҳурматим.

Бир баҳона бўлди қисматим,  
Шул ғурбатга солди бир гўзал золим,

Бу чўлларда забун бўлди аҳволим,  
Чамбилбелда отам девкор<sup>1</sup> шод эди.

Мен отлансам душман бетоқат эди,  
Шу сўзларни айтиб Аваз оҳ уриб,  
Оёқлари сувсиз йўлда қабариб,  
Бораётир Ирам боғни ахтариб.

Кеча-кундуз бирдай йўлни юради,  
Хаёлида етгандай, бўп боради,  
Ҳар кунни тонг отса, тоққа қарайди,  
Бадбахт тоғи яқин бўлиб туради.

Гоҳ у чўлда, гоҳ бу чўлда боради,  
Бир мазгилга етгандай бўп қолади,  
Қирқ кеча-қирқ кундуз орадан ўтди,  
Алқисса, Бадбахтнинг тоғига етди.

Энди Авазхон талқон-тўшакни эгнидан қўйиб: «Аввал йўлни мўлжаллаб қўяйин, тура солиб жўнаб кетавермоққа қулай бўлади, ундан кейин овқатга ўтирайин», деб йўлни мўлжаллаб қаради.

Юриб келган жойигача бу ёғи эл ичи эди. Эл, йўл бор эди. Нарийёғига қараса, на эл, на йўл бор. Ҳар қумлар, мисли тоғдай бўлиб ётибди. Авазхон: «Энди ўлдим. Одамсиниб, Чамбилдан чиқиб эдим, қайтиб Чамбилга боролмасам, бу ёғига юргани йўл тополмасам, қадимгидай шаън-шавкатим, миниб юрган Фиротим, қўлимда бўлмаса кескир пўлатим, пиёдаман, кимга келади қувватим», деб ўз ҳолига кўнгли бузилиб, бағри эзилиб бир сўз айтди:

Меҳнат тортиб келдим пойи-пиёда  
Ўйлай берсам дардим бўлар зиёда,  
Хафа фалак оғу қўшди ошима,  
Бало тоғда қузғун қўнар гўшима.

Ота-энам қолди сочини ёйиб,  
Охири ўлигим бўлди бесоҳиб,  
Бало тоғда қолди мендайин ғариб,  
Ҳеч ким келмас мен ғарибни ахтариб.

Мунда келдим ўз оёғимман юриб,  
Кеча-кундуз тинмай энди йўл тортиб,  
Ўз жонимга ўзим қилиб зулмни,

---

<sup>1</sup> Ҳайбатли.

Қимга айтай энди ўлар ҳолимни,  
Қолдим Бало тоғда пойи пиёда, —

Оёғимга кирса эди бир тикон,  
Энам кўрса, қилар эди юз фиғон,  
Бундан туриб энди қайга борай ман,  
Ирамнинг йўлини кимдан сўрай ман?  
Қолдим Бало тоғда пойи пиёда, —

деб туриб эди, тоғнинг тоши шақиллай берди:

«Бу ерда ҳам одам насли бор эканми?», деб шундай қаради. Қараса, бир жондор тос тепаси билан юриб келаётибди, икки бути осмонда обжувоз туйиб келаётибди. Сандалдай, сандиқдай тошларни упадай майда-майда қилиб янчиб келаётибди. Бу жондорнинг ҳайбат-сиёсатини кўриб Авазхон айтди: — Энди ўлди деган шу бўлди.

Ҳалиги жондор Авазнинг олдига яқинлаб, қўниб қолди. Авазга ул Бало ўнгарилиб ўтириб, бир-икки оғиз сўз айтди:

Изиллар изғорнинг даши,  
Дириллар дилбарнинг тўши,  
Бизга келган шербоз<sup>1</sup> гўши,  
Менинг овим барор олди.

Қочган билан қутилмассан,  
Мазгилингга етолмассан,  
Мен сени қувиб етарман,  
Менинг овим барор олди.

Устихонинг қоқ этарман,  
Гўшингни кабоб этарман,  
Дамга қўймайин ютарман,  
Менинг овим барор олди.

Одамзод, чиқдинг йўлимдан,  
Уз умидингни жонингдан,  
Сен айрилдинг маконингдан,  
Менинг овим барор олди.

Ҳар кун сени дегувчиман,  
Одам кўрсам, егувчиман,  
Мен ҳам бало бўлгувчиман,  
Менинг овим барор олди.

---

<sup>1</sup> Қўзи.

Балога йўлиқиб қолдинг,  
Ол, одамзод, энди ўлдинг,  
Суд қилмайди пушаймонинг,  
Менинг овим барор олди.

Бу тоғ менинг сайилгоҳим,  
Ўзинг юриб мунда келдинг,  
Билгин, менга дучор бўлдинг,  
Менинг овим барор олди.

Авазхон Балодан бу сўзларни эшитиб, Бало эканини билди. Илгари «Бу қандай жондор экан?», деб туриб эди, Авазхон ўз-ўзига: «Халқ бу тоғни Бало тоғи дер эди, халқнинг гапи бежиз эмас экан. Бунинг балоси бор учун шундай дер экан. Бундан чиқди, илгари ҳам бошқа одамларга йўлиққан экан. Энди мени ер экан. Энди қўрқсам ҳам, қўрқмасам ҳам икки бошдан мени ўлдиради, ҳеч омонлик бермайди. «Ётиб қолгунча отиб қол», деган гап бор, бўғиним қалтираб, кўзим ялтираб тургунча, Чамбилдаги эски дўқдан қилиб, бир дўқ уриб кўрайин», деб бир-икки оғиз сўз айтиб турибди:

Ҳавога учган учимиз,  
Тоғни кўтарар кучимиз,  
Биримиз кетдик молларга,  
Биримиз кетдик жондорга,  
Мен келдим сен Балога,  
Менинг овим барор олди.

Менинг отим мулла Ҳаким,  
Ўқимай чиқди саводим,  
Қунда ўн Бало овқатим,  
Ризқимга шундай Бало келди,  
Менинг овим барор олди.

Тўкарман кўзингнинг ёшин,  
Кемириб Балонинг бошин,  
Наҳори қилиб еяй гўшинг,  
Оч-наҳорда хўп йўлиқдинг,  
Менинг овим барор олди.

Душманларнинг бағрин тузлаб,  
Келдим мен Балони излаб,  
Қўрқма, сенга етгай сўзим,  
Мен ўярман икки кўзинг,

Балогардон билгин ўзим,  
Менинг овим барор олди.

Ажали етиб мунда келган,  
Кушандага дучор бўлган,  
Ўлар вақтинг яқин келган,  
Сира сенга айтмай ёлғон,  
Омон кетмассан чангимдан,  
Менинг овим барор олди.

Балогардон дейди мени,  
Дарров босиб ейман сени,  
Сайл қилиб бунда етдинг,  
Оч-наҳорда хўп йўлиқдинг,  
Ўзинг энди тайин ўлдинг,  
Менинг овим барор олди.

Тўққиз жўранг қайда қолган?  
Бу сўзга жавоб бер сан,  
Ёр-жўрангни ахтараман,  
Қайда топсам тутиб ейман,  
Балогардон деган ўзим,  
Менинг овим барор олди.

Бало, Аваздан бу сўзларни эшитиб, бўғини бўшаб кетди. Бало ўз-ўзига: «Вақти замони ажалим етган экан, куним битган экан. Ўз оёғим билан келиб Балогардонга дучор бўлиб қолганим қандай бўлди. Одамзод деб келиб, тўрга тушиб қолдим. Бу ҳар еганда ўн Бало ер экан. Мен бир Баломан, менинг нима қурбим бор унинг олдида», деди. Шунда Балонинг қўрққанлигини билиб, ўрнидан туриб, Балонинг чап қулоғидан ола кетди. Бало туриб айтди:

— Эй Балогардон дўстим, бу сенинг ушлаганингми, тишлаганингми?

Балогардон айтди:

— Бу авайлаб ушлаганим, тишласам, қирқ жонингдан бир жонинг қолармиди!

Бало айтди:

— Э дўстим, ҳали сенинг Балогардон эканингга ишонмайман. Сен чини билан Балогардон бўлсанг, Балогардонлигингни маълум қилиб туриб егин.

Балогардон айтди:

— Маълумим шул: зўрликка келса, босаман-да ейман-қўяман.

Бало айтди:



— Зўрлигингни гапирма. Сенинг Балогардон эканингни билайин, оқ тошни майда қилиб юбор, қани кўрайин.

Балогардон айтди:

— Қайси гўрдаги ҳунарларни чиқарасан. Қани шу ҳунарингни ўзинг қил, кўрайин.

Бало бир оқ тошни олиб, сиқиб юборди, упадай майда-майда бўлиб кетди. Балогардон тоғу чўллардан келаётганида бир жондорнинг тухумини кўриб, эрмак қилиб қўйнига солиб олган эди. Балонинг кўзини олиб, ҳалиги тухумни тошнинг орқасига ташлаб юбориб, тош олган киши бўлиб, чангалига олиб, бу ҳам сиқиб юборди, майда-майда бўлиб, оқу сариғи оқа берди. Бало айтди:— Оббо, бу баччағар асли Балогардон экан, тошнинг ҳам мойи бўлар экан, ҳаммаси зўрликка келар экан, сиқиб, тошнинг мойини чиқариб юборди-я?! Яна бало туриб айтди:

— Балогардон эканингни тоза билайин, битингни кўрсат-чи, қани кўрайин, — деди.

Иккиси ҳам битини кўрсатишиб қолди. Балогардон эрмак қилиб, чўлда бир-икки оч тошбақани қўйнига солиб юриб эди. Битини қараб топаётган киши бўлиб, «мана битим» деб тошбақани чиқариб, қўйиб юборди. Бало шундай қараса, Балогардоннинг бити эмаклаб келаётир. Бало ўз-ўзига айтди: «Лекин асли Балогардон экан, бунинг бити ўтлаб кетаётир. Битининг ости ҳам тош, усти ҳам тош», деб ҳайрон бўлаётир. Балогардоннинг Балогардонлиги Балога маълум бўлди. Балогардон кўзини олайтириб, Балога ёмон тикилди. Балода тоби-тоқат қолмади. Кўзига кўзим тушмасин, деб дус-туман тушиб ётди. Балогардон Балонинг елкасига миниб олибди. Емоқчи бўлиб тос-тўбасидан ғажияпти. «Энди ўлдим», деб Бало Балогардоннинг остида писиб ётиб бу сўзни айтапти:

Нима деб амр этсанг, ани қилайин,  
Қайда борсанг, бирга олиб борайин,  
Улганимча хизматкоринг бўлайин,  
Балогардон дўстим, мени ўлдирма.

Келиб тушдим Балогардон қўлига,  
Сени элтай балоларнинг мўлига,  
Раҳм қилгин мендай шўрнинг ҳолига,  
Балогардон дўстим, мингин белимга.

Дев есанг, Кўйиқоф олиб борайин,  
Пари есанг, Ирам боққа жўнайин,  
Қайга борсанг, бирга олиб борайин,  
То ўлгунча хизматкоринг бўлайин.

Ғамли кунда қолдим бундайин доққа,  
Жавоб берсанг, кўтарилсам фалакка,  
Оборарман ўзимизнинг қишлоққа,  
Сени элтай балоларнинг мўлига.

Сен кўргин мендайин Бало ишини,  
Баломан деб юрган қанча кишини,  
Бир четидан тушиб еявер гўшини,  
Балогардон дўстим, мени ўлдирма.

Армонда сарғайди гулдайин дийдор,  
Мен бўлибман ўз ҳолимдан беҳабар,  
Сен билан мен бўлолмадим баробар,  
Ачиқлансанг, ўлдирасан муқаррар.

Балогардон қаландари бўласан,  
Балоларни несу нобуд қиласан,  
Бало тоғда Бало излаб юрасан,  
Балоларнинг кушандаси бўласан.

Сенга сўзламоққа келмас қувватим,  
Ларза тушиб қолмас менинг тоқатим.  
Ер юзининг баланд-пастин биламан,  
Қай ерга буюрсанг, олиб бораман.

Кўзимдан тўқдирма селоб ёшимни,  
Сен кемириб нобуд қилма бошимни,  
Яхшилик қил, кўргин менинг ишимни,  
Балогардон дўстим, мени ўлдирма.

Балодан бу сўзни эшитиб, Балогардон айтди:

— Менинг ихтиёрим ўзимда, боғи Ирамга мени қай маҳалда етқирасан?

Бало туриб айтди: — Боғи Ирам шу ердан тўрт юз олтмиш йиллик йўл, сени шу тўрт юз олтмиш йиллик йўлга — Боғи Ирам элига «Алҳамду... валозолин» дегунча етқизаман.

Балогардон: — Тўрт юз олтмиш йиллик йўл бўлса, бу ерда экан, ўзим ҳам устидан тушиб кеп қолган эканман, мен «Алҳамду...валозолин» деганча сенга қараб, судралиб юраманми? Эртанги овимсан, эртанги овни бўшатгандан кейин, кишининг ови барор олмайди. Аввал сени еяй, ундан кейин ўзимоқ бора қолай, деб, Балонинг бўйнидан ола кетди.

Бало туриб айтди: — Дўстим, мен бир Баломан. Есанг, ейсан-қўясан, энди гапнинг қисқа ери, «Қўлловлаҳатни» ўқиганча етказайин.

Балогардон айтди: — Сен бир Балосан, есам-ейман қўяман. Сен менга наҳори ҳам бўлмайсан, дўст отини тутдинг, худони шафе келтириб сўз айдинг, шунинг хурматига кел сени емайин, етказсанг, бўлди. Лекин, биз осмондан тушган уч Балогардонмиз. Биримиз жондорга, биримиз молларга кетган эдик. Сен бўлсанг менинг ризқимга тушдинг. Танангга ўйлаб кўр, ейдиган ризқимдан кечиб, сенга дўстлик хурматини қилдим. Агар ҳаялласанг, устингдан миниб бораётиб ҳам еб кетавераман.

Шунда Балогардонлиги маълум бўлиб, Балонинг устига миниб олди, Бало Балогардонни кўтариб, боғи Ирам тарафига қараб жўнади. Жон ширин нарса. «Ҳаялласам, Балогардон еб қўяди!» деб ўтли, музли тоғлардан кўз юмиб очгунча ўтиб бораётир. Бориб-бориб фалакка кўтарилиб кетди. Балогардон аввалига ер-осмонни кўриб бораётир эди. Бориб-бориб ҳеч ер кўзига кўринмай кетди. Қоронғу ғуборда бораётгандай бўлиб кетаётир. Бало Балогардонга бу сўзларни айтиб бораётир:

Азаматлар олмас олар дастига,  
Фаним тушар кам давлатнинг қасдига,  
Балогардон дўстим, миндинг устимга,  
Дунё олам оёғингнинг остида,  
Кўзингни оч, тамоша қил оламини.  
Боғбон бўлсанг қизил гуллар терилар,  
Ўн саккиз минг иқлим бари кўринар,  
Тамоша қип айлагин сайри баҳор,  
Бу дўстингни шундай хизматлари бор.  
Балогардон, кўкдан эниб келгансан,  
Осмоннинг устида кезиб юргансан,  
Ер юзида не борини билмайсан,  
Кўзингни оч, тамоша қил оламини.

Бу сўзни айтиб Бало кетиб боради,  
Не тоғлардан оқиб ўтиб боради,  
Балогардон кўзин очиб қаради:  
Ер юзидан ҳеч бир нишон кўрмайди.  
Жафо тиғи бугун жондан ўтади,  
Осмонда юлдузга етиб боради.

Балогардон яна кўзин юмади.  
Бало учиб бунда дарёдай тошди,  
Бир нафасда тўқсон тоғлардан ошди,  
Қуйилиб бир тепа устига тушди.

Балонинг кўнглига шумлик келди. Бало туриб айтди: «Шу Балогардонман деб устимга миниб олди. Ўлтириши бўш кўринади.

Мабодо одамзод бўлмасин, мен бир сўраб кўрайин», деб Балогаardonга айтди: — Балогаardon дўстим, устимдан тушгин. Балогаardon тушди. Бало айтди: — Дўстим, мен сени юлдуз остида кўтариб учдим, кўзингни очиб дунёда нима кўрдинг? Балогаardon айтди: — Мен кўзимни кўп очиб қараганим йўқ, бир неча мартагина очиб қарадим, қаер эканини билмадим. Бир ер тахиядай бўлиб қорайиб турибди. Ундан бўлак ерни сув босиб турибди. Шундан бошқа нарса кўрмадим.

Бало туриб айтди: — Сенинг ўтиришинг бўш кўринганидан, одамзодмикансан деб эдим. Қани осмондан тушган уч Балогаardon эканинг?! Осмон баланд, осмондан тушиб келаётганда, бу тоғлар, бу чўллар, очиқ ер, эллар кўринмайди, тахиядай бўлиб қорайиб Қуйитирнинг тоғи кўринади, мамлакатни босиб ётган сув кўринади, ундан бошқа нарса кўринмайди. У Қуйитир тоғини, мамлакатни босиб турган сувни осмондан тушиб келаётганда кўринганинг йўқмиди?

Балогаardon туриб айтди: — Биз осмонда юрган вақтимизда ернинг ҳайбати ёмон бўлади, деб эшитиб эдик. Осмондан тушарда учовимиз ҳам кўзимизни юмиб тушиб эдик. Улар молларга, жондорга кетган вақтда мен Балонинг қишлоғига қайси йўл борар экан, деб ўйлаб турган вақтда худо ризқимга сени етказган эди. Улайин агар, бугун сени емасам ҳам энди ейман, деб буйирини ола кетди. Шунда Балонинг хаёли қочиб, нашаси учиб, бу ўйидан наф топмай Балогаardonга миннатдорчилик қилиб, бу сўзни айтиб турган экан:

Ўз элимда шоҳнинг ғамин еб эдим,  
Қулгиликка, дўстим, ҳазил қип эдим,  
Ҳазилимни чинга олиб ўлтирма.  
Шўхлик гаплар кечиб менинг кўнглима,  
Мундай сўзлар хўб эмасди шаънига,  
Дўстим Балогаardon, мингин устима.

Бунинг учун, дўстим, кўнглинг бўлмагин,  
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,  
Мард бўлсанг, номарднинг ишин қилмагин,  
Ҳазил гапни чинга олиб турмагин.

Юр, жўнайик боғи Ирам юртига,  
Миниб олгин бу дўстингнинг устига,  
Яқин қолди Ирамнинг мамлакати,  
Ўлдирма, дўстингнинг кўпдир хизмати.

Бало шундай билмагани билдирди,  
Миннатдор бўп энди дўстин кўндирди,

Алдаб-сулдаб боз устига миндирди.

Жафолар солганди тандаги жонга,  
Хазон бўлса зоғлар қўнар гулшанга,  
Ажалли касратки тегар йилонга,  
Индан чиқиб пишак билан ҳазиллар,  
Магар ажал қамсаб келса сичқонга;  
Бало кўтарилди энди осмонга.

Ўйлаган ўйидан пушаймон қилиб,  
Ўз ўйида бир ўлимдан қутилиб,  
Шундай бўп осмонда кетиб боради,  
Балогардон ҳар тарафга қаради,  
Баланд эмас, пастлаб учиб боради,  
Ер юзида мамлакатни кўради,  
Кўрган билан қай ерлигин билмади.

Шунда боғи Ирам ярқиллаб кўрина берди. Бало Балогардонга кўрсатиб бораётир.

Бало чорраҳа йўл устига қуйилиб тушди, Бало айтди: — Мана, Балогардон дўстим, Ирам боққа уч тош йўл қолди. Мана бу йўл билан борсанг, боғи Ирам борасан. Мана бу йўл билан борсанг, Қўйиқоф борасан. Ана бу йўл билан борсанг, Балонинг қишлоғи — бизнинг қишлоққа борасан. Бизнинг қишлоқ ҳам катта қишлоқ. Сен осмондан тушган Балогардонсан, мен сени қишлоққа кўтариб борсам, сен, элли бир четдан тушиб ея берарсан, қолган битта-яримтаси биздан гина қилар: «Ажаб товур обод қишлоқ эди, қайси гўрдан бир Балогардонни кўтариб келдинг, у ҳамманинг бошига етди», деб юрар. Мен кўрсатиб юборайин, дўстим, ўзинг бориб ея бер.

Бало бу сўзни айтиб, Балогардоннинг олдидан тарсат уриб қочди. Балогардон югуриб бориб уни тутди. Бало аланглаб: — Дўстим, нима қиласан? — деди. Балогардон айтди: — Менинг эртанги овимсан, аввал сени ейман, қаёққа борсам сўнгра бораман.

Бало шунда қўлтиғидан бир тол қил юлиб берди. Сўнгра Балогардон унга жавоб берди. Балогардондан қутилдим деб Бало қочиб, кун чиқишга ўтиб кетди. Балодан қутилдим деб Авазхон Ирам боққа қараб кетди.

Боғи Ирамга пойи-пиёда бораётир эди, ногоҳ йўл устида, олдидан бир чалдевор чиқиб қолди. Бу чалдеворда бировнинг инграган довуши чиққандай бўлди. «Бу нима воқиа экан?» деб бурилиб борди. Йўлдан чиқиб борса, Фиротни, Юнус, Мисқол париларни олиб келган Гаждумхон икки кўзи кўр бўлиб, шу чалдеворда ётибди. Парилар бу ерга келгандан кейин, ўз қилган ишларига

пушаймон бўлган эдилар: «Биз ўйламай, Гўрўғлидай одамнинг қадрига етмай, шундай одамни ерга қаратиб келдик. Биз бунга пушаймонмиз. Сен Гўрўғлининг шунча вақт тузини еб, тузини хурмат қилиб, бирор марта ҳам «бормайман» деб, бизни қайтармадинг. Энди боғи Ирамдан сенинг олган паризодинг — шу», деб икки кўзини ўйиб, ана шу чалдеворга ташлаб қўйиб эди. Овқатига бир кеча-бир кундузда бир бозори кулча берар эди. Яна ҳар замон-ҳар замонда қанча қизлар келишиб: «Боғи Ирамдан паризод қизларини оламан деб келган экансан, сен оладиган қизлар келди», деб шўхлик қилиб садир тепгандай, устига чиқиб тепиб ташвиш берар эди. Авазхон шу аҳволда ётган Гаждумхонни кўриб, унга қараб, Фиротни сўраб бир сўз деб турибди:

Давлатимдан шоли-шолдам ўрайман,  
Кеча кўрган тушни кундуз жўрайман,  
Гул тарзим сарғайиб сенга қарайман,  
Касофати, Фиротимни сўрайман.  
Қаерга ташладинг Фиркўк отимни?  
Сабил қилиб келдинг мамлакатимни.

Қани Ирам боғда роҳат кўрганинг,  
Қани Ирам боғдан пари олганинг?  
Қани бу ерлардан макон солганинг?  
Пари олиб, шуми даврон сурганинг?  
Бурнингдан чиқибди унда кўрганинг.

Жафо тортиб манман шундай дунёда,  
Ўйласам алашим бўлиб зиёда.  
Чамбил элдан чиқдим пойи-пиёда,  
Касофати, Фиротимни сўрайман.

Бемаҳалда миндинг Фиркўк отимни,  
Излаб келдинг боғи Ирам юртини,  
Ирам боғдан сен олибсан хотинни,  
Ҳарна заҳар-заққум бўлса ют энди.  
Қайда қолди, от дарагин айт энди?

Сен ўликнинг бири бўлиб қолибсан,  
Гўрўғли тузига қарши келибсан,  
Аҳмоқ бўлиб бедовимни олибсан,  
Гўрўғлини оша сарсон қилибсан.

Келиб сарғайибди сенинг юзларинг,

Андай бўп ўйилган наргас кўзларинг,  
Эсингга келмайин еган тузларинг,  
Қани Ирам боғдан хотин олганинг?

Аҳмоқ хаёл билан отни миндингми?  
Ирам боғда бу жафони кўрдингми?  
Ёки қизлар билан ўйнаб-кулдингми?  
Ё келгандан тоза кўр бўп ўлдингми?

Гаждумхон Чамбилда Авазни жияним деб, Аваз буни тоғам  
деб юрарди. Гаждумхон Аваздан бу сўзларни эшитиб: — Сенинг  
сўзларинг Авазга ўхшайди, — деб бу сўзни айтиб турибди:

Тўтиё айлайин кўрсам изингни,  
Авазга менгзадим сенинг сўзингни,  
Паризодлар ўйди наргис кўзимни,  
Мен йиғлайман, энди ўлим лозимди.

Аваз бўлсанг, сен билдиргин ўзингни,  
Чамбилда кўп едим сенинг тузингни,  
Аваз бўлсанг, Чамбил элдан бер хабар.

Мени билгин, йўлдан урди парилар,  
Мен билмадим паризодлар ишини,  
Гангитганди Гаждумхоннинг бошини.  
Кўзидан тўкади селоб ёшини.

Бу аҳволга қўймас мени парилар.  
Мен бўлганман париларга гуноҳкор,  
Ҳар кун келиб тепкилайди кўп қизлар,  
Аваз бўлсанг, Чамбил элдан бер хабар.

Билмайман Чамбилда не гап бўлди?  
Мени йўлдан уриб Ирамга келди.  
Кўрган аҳволларим менинг шу бўлди,  
Аваз бўлсанг, Чамбил элдан бер хабар.

Аваз эканингни, сенинг билайин,  
Оёгингнинг остида мен ўлайин,  
Бундай бўлиб бу ерларда қолмайин,  
Аваз бўлсанг, оп кет Чамбил юртига,  
Одамзоднинг юрган мамлакатига.

Қайтайин, тақдирим бу ерга тортиб,

Паризод ташлади мени хор этиб,  
Аваз бўлсанг, Чамбил элдан бер хабар.

Бу сўзни эшитиб, Авазхон Гаждумхонга ўзини билдириб:  
— Билсанг, ўзга эмас, Авазман,— деб бир сўз айтиб турибди:

Бизлар кўрдик Қисакўзнинг зўрини,  
Уч йил кеп қамади Чамбил элини,  
Хон Гўрўгли чиқиб қирди барини,  
Ўлжа қилиб олдик молу зарини,  
Қалқонлашиб тилла бўлган Авазман.

Бир куни бир қизнинг ситами ўтди,  
Араз уриб мен ҳам Чамбилдан кетдим,  
Хунхор давлатига бир куни етдим.  
Хунхор олиб бизни зиндонга солди,  
Неча кун оҳ тортиб зиндонда ётдим,  
Баковулдан арза хатни жўнатдим,  
Чамбил элга арза берган Авазман.

Қирқ кун ҳам Хунхорнинг муҳлати битди,  
Хунхор бизни ҳайдаб дорга элтди,  
Қирқ йнгити биллап отам борибди,  
Дор остида қон тўкишиб қолибди,  
Отамиз Хунхорга ғолиб келибди,  
Ул душманлар ебир-есир бўлибди,  
Ўлжа қилиб кўп дунёни олибди,  
Бир куни у ердан қайтмоқ бўлибди,  
Борган одам бари омон келибди,  
Отамнинг хизмати шундай бўлибди,  
Гуржистонни ўлжа қилган Авазман.

Ана энди Гаждумхон бунинг Аваз эканини билди, бу ишлар бўлганда, ўзи аралашиб юрган эди. — Энди мени нима қиласан, жияним?— деб турган.

Шунда Авазхон: — Энди нима қилайин сени, бундан баттар бўлиб, тоза ўл, сендан қайтарда хабар оламан, — деб ўтаверди.

Авазхон йўл билан бораётир эди, йўлда катта бир қизил равот учради. Равотнинг ичида бир нарса худди айиқдай чинқириб туриб кетди. — Бу қандай жонвор экан, — деб Аваз қаради. Қараса, бир кампир, кўзлари ўтдай, манглайлари чўтдай, Аваз бурилинкараб қаради. Қараса, жағининг гўши қочган, тўс-тепасидан тарлон очган, жуда бурди кетган ноқулай кампир. У кампир Авазга келиб йўлиқди. Иккови ёш сўрашди. Аваз ўн саккизга чиққан



экан, кампир юқоридан туғадиган тонг юлдузидан ўн тўрт ёш катта чиқди. Ёши шунчага кирса ҳам, алпинчоқда-салпинчоқ, таққанни ўн олти қатор эшак миңчоқ, кўринган дарахтга ташвиш бериб, учгани ҳалганчак. Лекин ёши шунчага кирса ҳам кўнгли ўн тўрт яшар, дириллаган келинчак. Авазни кўриб: — Болам, сен қайси мамлакатдан келаётибсан, қаердан бўласан? — деб сўраб бир сўз айтиб турган экан:

Баҳорда очилган боғнинг гулисан,  
Чаманнинг сайраган сен булбулисан,  
Тарзинг кўриб, мамлакатинг сўрайман,  
Қай шаҳарда, қайси бекнинг ўғлисан?

Жамолинг менгадим осмонда ойга,  
Қошингни менгазайман эгилган ёйга,  
Жасадинг менгазайман бўз қарчиғайга,  
Қарчиғай чангаллим, кимнинг ўғлисан?

Бино бўлдинг қайси гавҳар донадан,  
Сендай ўғлон бино бўлмас энадан,  
Парвоз қилдинг қайси мазгил хонадан,  
Баланд парвоз болам, қайдин келасан?

Болам, эшит менинг айтган додимни,  
Менга хабар бергин мамлакатингни,  
Нима дейди ўйнаб-ўсган юртингни,  
Ростин айтгин, қўзим, қайдин бўласан?

Ўтар дунё ўтарини ўйлама,  
Рост гапир, жон болам, ёлгон сўйлама,  
Рост гапирмай бу момангни қийнама,  
Хабар бергин, қўзим, қайдин келасан?

Айта бер тортинмай ўсган юртингни,  
Мен сўрадим энди сенинг отингни,  
Қай шаҳарда қолган ул авлодингни,  
Хабар бергин, болам, қайдин бўласан?

Авазхон бу сўзни эшитиб, бундай кампирга қараса, ҳаддили зўр кампир, «бу агар душман бўлса, кўнглидагини билиб бўлмас, бунга рост гапирмайин», деб Аваз бу сўзни айтиб турган экан:

Жоним мома, бу тарзима қарама,  
Беклик давлатини мендан сўрама,

Ғам билан сарғайди гулдайн дийдор,  
Юрт устида юрган мен бир қаландар,  
Мендай гадо қаландарда нима бор,  
Мамлакатни, мома, мендан сўрама.  
Неча шаҳарларни юриб кўраман,  
Кўп шаҳарда гадоичилик қиламан.

Шайдилло деб мазгилингда тураман,  
Назр берсанг, мома, дуо қиламан,  
Қаландарни тўхтатмагин бу замон,  
Мени билсанг, Қаъба кетиб бораман.

Кампир Аваздан бу сўзни эшитиб, унга қараб:

— Уғлим, Ғиркўк отинг, Юнус, Мисқол паризод боғи Ирамга келгандан бери, Гўрўғли отанг билан икковинг девоначиликка чиқадиған бўлдингларми? Ё илгари ҳам девоначилик касбларинг бормиди? — деди.

Аваз айтди: — Мома, мени сиз ким деб ўйлаб турибсиз?

— Сен ким бўлмоқчи эдинг. Чамбилдаги Авазсан-да.

— Аваз деган сўзни янги сизнинг оғзингиздан эшитдим.

Гўрўғли, Аваз ким бўлади? Дунёни ғезиб, қаландарчилик қилиб, бундай одамлар қулоғимга чалингани йўқ. Аваз деб гумон қилиб, бир гадони ўлдириб қўйма, — деб Аваз бир-икки оғиз сўз айтиб турибди:

Жоним мома, сен гапирма гумонди,  
Гумон савдо ҳар нарсадан ёмонди,  
Ханжар уриб, бағрим қонга тўлдирма,  
Аваз деб сен бир гадони ўлдирма.

Бир нечук номардга кўнгил бермагин,  
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,  
Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин,  
Аваз деб сен мендан гумон қилмагин.

Танимайман Аваз деган кишини,  
Сен кесмагин қаландарнинг бошини,  
Бежо билдим сендай момам ишини,  
Ўлдирма мендаини ғариб кишини.

Буни эшитиб кампир:

— Мен Авазни яхши танийман, — деб бир сўз айтиб турибди:

Ёр юзига келмоқ бўлдинг, Авазжон,  
Қиндик эна бўла келган момангман,

Булдур қассоб отангни мен билганман,  
Гуржистонда мен парвариш қилганман.

Сенинг ёшинг етти ёшга кирганда,  
Хунхор шоҳ қошида маҳрам бўлганда,  
Таърифнинг Чамбилга сенинг борганда,  
Чамбил элдан хон Гўрўғли келганда,  
Ўз қўйингни ҳайдаб бозор солганда,  
Гўрўғли Қўнғирвой тоғанг бўлганда,  
Ҳийла билан келиб сени олганда,  
Сенман бирга Чамбил борган момангман.

Чамбил бориб мусофирлик қилганда,  
Юнус, Мисқол парвариш қип турганда,  
Сендай болам Ғиркўк отни минганда,  
От ўйнатиб Исфиҳонга борганда,  
Исфиҳондан Интизорни олганда,  
Ғиротини бошқариб йўлга кирганда,  
Эламас полвони етиб келганда,  
Арпа кўлда сени ёйман урганда,  
Ашурбек қўлида зиндон бўлганда,  
Тор зиндонда бирга ётган момангман.

Соғ-саломат ундан озод бўлганда,  
Яна қайтиб Чамбил элга келганда,  
Бувиш Интизорман ўйнаб-кулганда,  
Қундуз билан Юлдуз пойга бўлганда,  
Меҳнат тортиб, Қундузойга борганда,  
Отни қўшиб, кўпнинг бири бўлганда,  
Отинг ўзмай Шониёзнинг отидан,  
Сендай болам маътал тортиб қолганда,  
Ғиротингга қанот бўлган момангман.

Ул пойгадан отинг ўзиб келганда,  
От ўздириб Қундузойни олганда,  
Шундан қайтиб Юлдуз тоққа келганда,  
Душманларман қон тўкишиб қолганда,  
Шул урушда ёри берган момангман.

Сендай болам ҳар қазога борганда,  
Ҳамиша ҳамдамнинг бўлган момангман.

«Бу ҳамиша биз билан бирга юрар экан, буни сира кўрмаймиз экан-да», деб Авазхон туриб айтди:

— Мен сизни бўлак одам деб туриб эдим, мен гапу авзойингиздан билдим, отамнинг ўкул энаси экансиз. Мен танимай, бўлак гап гапириб эдим. Отам атайлаб сизникига тайинлаб юбориб эди. «Қатта қизил равоти бор, дарвозаси қиблага қарайди, борсанг Фирот билан энангларни олиб бериб юборадим», деб эди. Мен ўзим асли сизникини сўраб келар эдим, сизни илгари кўрмаганимдан ишонмай, гапириб туриб эдим.

Кампир:— Ҳа, балли, ўғлим. Отангнинг шу айтган ўкул энаси биз бўламиз. Сенинг баҳодирлик юришларинг Чамбилда қолди, бу ерларни боғи Ирам чегараси дейди. Бу ерларда юролмайсан, бе-бош юрган жондорлар кўп, ҳар қайсиси ҳам сени чангалига олиб кетиб қолади. Агар боғи Ирам кирар бўлсанг, бизнинг макондан лаҳм қазийсан, еринг ости билан борасан. Боғи Ирамда бир шиша ҳовуз бор, ҳар жума куни шу ҳовузда кўп қизлар келиб чўмилишади. Қизлар шиша ҳовузга тушганда, шиша ҳовуз ларзага киргандай бўлади. Болта билан уриб юборсанг, қозоннинг оғзидай ери ўйилади, сув сенга зиён қилмайди, такка қараб тортиб кетади, қум ер, сингиб кетади. Шу қизларнинг ичида Оққиз, кўп узун эмас, ўрта бўйли, чоқ қиз, деган бир қиз бор. Ҳалиги ўйиққа тикилиб қолса, пастда туриб сен тортиб олсанг, отинг билан энангнинг корини шу Оққиз қилади. Юр, болам, маконимни сенга кўрсатай,— деб Авазни эргаштириб жўнади. Ичкима-ички кириб кетди. Етти уйдан ўтди. Ундан кейин кампирнинг маконига етдилар. Борса, қирқ қулоқли қозонда мой қайнаб турибди. Кампир бир мурватни шундай буради, ўз оёғида юрган тулки, шағаллар, ҳавода учиб юрган ғажирлар ўзлари келиб қозонга тушиб пишаверди. Шунда Аваз ўз-ўзига айтди: «Бу моманг қайсар қотиб қолган экан», Қозоннинг бошига боргандан кейин, Авазни пишириб егиси келаверди. Кампир айтди:

— Шу қозоннинг қулоғига чиқиб, биздан илми ҳол ўргангин, бизнинг эллар сизҳар, жодугар бўлади, сўнгра доғда қолиб юрагин.

Аваз кампирдан бу сўзни эшитиб билди: кампирнинг кўнглига шумлик келди. Авазхон:

— Мома, бизнинг элда буни расм ҳам демайди, касб ҳам демайди. Сизнинг элда шу ўйинлар муътабар бўлса, бизга ўйинни таълим беринг, сиз устод бўлсангиз, биз шогирд, сўнгра ўйинни биздан кўринг.

«Хайр», деб кампир, Авазни анқов фаҳмлаб: «Бу ёш йигит-ку, буни айтганимга кўндираман», деб:

— Болам, сенга мен бир қиз бўлиб ўйнаб берай, — деди.

Момаси ўзига оро-торо бериб, жуда созланиб, қозоннинг қулоғига чиқди. Бели букрайиб, қулоғи тикрайиб:

— Ҳа, Авазжон, ана у сих чўпни қўлингга олгин, менинг буй-  
римга аста-аста туртиб қўйгин, сен ўйнаганда мен ҳам аста-аста  
туртиб қўяман, — деди.

У: «Менинг навбатим келганда Авазни қаттиқ туртиб, мойнинг  
ичига итариб юбораман», деб ўйлади.

Ана энди кампир ўйин кўрсатаётир:

Баҳорда очилар гуллар,  
Ўйинидан берди хабар:  
— Жон болам, бўлгин хабардор,  
Боғда очилар гул гунчалар,  
Гулга ярашар нимчалар,  
Растада косиб баччалар,  
Билмас ишин бир нечалар.

Меҳнат тортиб бунда келиб,  
Моманг сенга ўйин қилиб,  
Ўйин кўрсатар қиз бўлиб,  
Моманг қиз бўлди, қиз бўлди.

Сих чўпни қўлга олгин,  
Аста-аста турта қолгин,  
Қиз бўлганим, болам, билгин,  
Моманг қиз бўлди, қиз бўлди.

Чамбил юртдан бунда келиб,  
Қўп йўлларда жафо кўриб,  
Моманг санга устоз бўлиб,  
Моманг қиз бўлди, қиз бўлди.

Хаёлингни бошқа бўлма,  
Ёмонларга дучор бўлма,  
Осмон бор, бу элда қолма,  
Сенинг ёру дўстинг борма?  
Моманг қиз бўлди, қиз бўлди.

Болам, сенинг кўнглинг хушлаб,  
Сих чўпни қўлга ушлаб,  
Мана, қара, қадам ташлаб,  
Моманг қиз бўлди, қиз бўлди.

Балки ўйиним бас бўлди,  
Таълим олиб кўнглинг тўлди,  
Қарагин, болам, на бўлди,  
Моманг қиз бўлди, қиз бўлди.

Кўринг шунда Авазжонни,  
Сих чўпни қўлга олди,  
Фақир Аваз турта қолди,  
Кампир сапчиб мойга тушди,  
Иссиқ ўтиб энди пишди.  
Кулиб қиз бўлди, қиз бўлди.

Аваз момосин ўйнати,  
Куйиниб кампир жайнабди  
Аваз туртди, мойга кетди,  
Энди ҳолин сўрамайди,  
Кампир кулиб пишиб ётди.

«Энди ўлгандир», — деб Аваз қаради. Қараса, кулиб ётир.  
«Э, бу баччағар ўлмас экан-да», — деб кампирнинг йиғиб қўйган қуруқ ўтинлари кўп эди, судраб келиб қозоннинг остига «турди бели» қилиб қалай берди. Бир палла мойда қайнатди. Қараса, ҳали ҳам ўлмайди, «қиз бўлиб» кулиб ётибди. «Энди буни қозондан олиб, тепкилаб ўлдирмасам, бу айёр ўлмас экан», деб қозондан тортиб, судраб олди. Кампир кулиб ётибди деб, у ёқ-бу «ёғига тепкилаб кўрса, илгаридан пишиб иржайиб ётган экан. Кампирнинг ўз шумлиги бошига етиб, ҳеч иш қилмай ўлиб кетди, энди Аваз саранжом олиб, кампирнинг аслаҳа-анжомини топиб, дурбин кўриб, тўғрилаб, Ирам боғига киришни ихтиёр қилди. Аваз ўйлади. «Бу кампир боя айтган эди, лекин шунинг айтгани рост, мен одамзод бўлсам, ҳарчанд бўлса ҳам, энам паризод, ўзим ҳам биламан, одамзодга паризод дўстлик қилмайди. Агар кўнгли бошқа бўлган бўлса, унинг устига от, ўйнатиб боғи Ирам дарвозасидан кириб боргундай менинг қадимги от яроғ-асбобим бўлмаса, пиёда кишининг нимага қурби келади. Илгаридан қолган нақл бор: «Отлининг ризқи олтов, туя минганга тўртов, эшакликка икков, пиёдага ҳеч», деган, пиёданинг шунча ҳурмати бўлар экан», деб ғор қазишга киришди.

Аваз диққат бўлди бағрини эзиб,  
Қаттиқ кунда энди кўнглини бузиб,  
Фарҳоддай бўп, у бунда ерни қазиб.

Го вақтларда Аваз кўнглини хушлар,  
Бўшатган тупроғини чиқариб ташлар,  
Ҳеч билмайди қандай бўлар бу ишлар.

Кеча-кундуз ғорни қазиб жўнади,  
Шундай бўлди бунда Авазнинг иши,

Буни танийдиган йўқди ҳеч киши.

Боғ оралаб қизил гуллар терсам деб,  
Мома айтган насиҳатин билсам деб,  
Қани мен ҳам Ирам боққа кирсам деб,  
Шиша ҳовуз тагига бориб турсам деб,  
Хабар берган Оққизойни кўрсам деб,  
Аҳволим гапириб унга кўрсам деб.

Мен билмайман не сўз чиқар тилидан,  
Айтган сўзим кела қолса қўлидан,  
Хабар олса мендай марднинг ҳолидан.

Аваз чечан гапни-гапга улади,  
Ҳар замон тўғрилаб дурбин кўради,  
Ер остидан лаҳм қазиб боради.

Ҳориб-чарчаб Аваз ер қазиб ётди,  
Билмайди неча кун орадан ўтди,  
Бир кун ҳовузнинг тагига етди.

Жўма, душанбани Аваз билмади,  
Ҳовузнинг тагига тикилиб ётади.

Шунда Оға Юнус кўп қизлар билан ҳовузнинг бўйига келди,  
қизлар ҳовузга тушмоққа ҳаракат қила берди. Оға Юнус у қиз  
ларга қараб икки оғиз гапириб турибди:

Қокилларинг ешилганди тол-тол,  
Ҳар толига берса етмас дунё мол,  
Бу сўзга, паризодлар, қулоқ сол,  
Душман келиб бизни қилмасин поймол.

Чечиниб бундайин чаққон бўлманглар,  
Менинг айтган сўзим ҳазил билманглар,  
Зинҳор қўйинг, шиша ҳовузга кирманглар,  
Очилар баҳорда боғнинг бодоми,  
Бу ерга етмасин одам қадами.

Ҳазон бўлса боғнинг гули сўлади,  
Шиша ҳовуздан одам иси келади.  
Одам бўлса, қаттиқ ишлар бўлади,  
Сўлган гўлга келиб булбул қўнади.

Яна баҳор бўлса очилар гуллар,  
Ҳар гулнинг ишқиди сайрар булбуллар,  
Булутлар маст бўлса, чалқийди кўллар,  
Санам қизлар, шиша ҳовузга кирманглар.

Бизнинг пайимизда биров бўлмасин,  
Олис йўлдан меҳнат тортиб келмасин,  
Ҳовузнинг тагида пойлаб турмасин,  
Бизнинг ишимизни ўсал қилмасин.  
Қайтинг қизлар, шиша ҳовузга кирманглар.

Чечинманг, кийинг либосларингни,  
Душман бўлса, забун қилар ҳолингни,  
Қайтиб бориб қилгин ўйинларингни,  
Паризодман, киргизмайман барингни,  
Санам қизлар, шиша ҳовузга кирманглар.

Оға Юнус сенга айтар насихат,  
Яна ҳам босмасин бунда фалокат,  
Агар одам бўлса, — бўлар аросат,  
Юр мазгилга, бирга-бирга бораёйик.

Ўзга қизлар бу сўзни Оға Юнусдан эшитиб: — Сенинг Гўрўғ-лининг қўйнидан чиққанинга олти ой ўтгани йўқ, сендан одамнинг иси кетгани йўқ, бизга билинмайди. Бизнинг хаёлимизни бўлма, бекор сўзларни бизга лоф урма, — деб бор либосини ечиб ташлаб, кўп қизлар дирдай, қирдай бўлиб, баданлари оппоқ қордай бўлиб, ҳовузга ташлай берди.

Шул вақтда ҳовузда қизлар ўз машғулотида молтиб, қалқиб, чўмилиб ётиб эди, шиша ҳовуз шиқирлаб, ларзага келгандай бўлди, Авазхон ҳовузнинг тагида кунни кўрмай, ҳеч нарсани билмай ётиб эди. Ҳовузнинг шиқирлаганини билиб: «Қизлар ҳовузга тушганга ўхшайди, кел, таваккал қилиб, шиша ҳовузни болта билан урайин, ё буд бўлар, ё нобуд бўлар, нима бўлса кўрайин», деб болта билан шиша ҳовузни урди, қозоннинг оғзидай ер ўйилди. Сув гумбирлаб такка қараб тортиб кетди, ер қум, сув сингиб кетиб, Авазга зиён қилмади. Тор ерда ғарқ бўлиб кетаманми, деб туриб эди, зиён қилмагандан кейин: «Энди иш осон бўлди, ҳовузнинг ичидан чиқиб қарай бераман», деб туриб эди, бир Оққиз деган қиз сув билан аралашиб келиб, ўйиққа тикилиб қолди. Авазхон: «Бир ўзим эдим, худой берди», деб оёғидан ушлаб олди. Пастда туриб тортиб олди. Аваз бу қизнинг жасадига қаради: сувдан чиққан шамадай бўлиб турибди. Аваз қараса, бу дуруст қизга ўхшайди. Ирқи олмадай пишган, зулфлари белига тушган.



Бир нечалар жамолини кўрса, ақли шошган. Аваз «Худой бераман деса, шундай қилиб берар экан-да», деб турибди. Ҳовуздаги қизлар бир-бирларига қарамай, бошини олиб, ҳар қайсиси ўз бошига қочиб бораётибди: — Ҳамма ўлиб кетса, Оққиз тирик кетди, — деб бораётибди. — Оққизни ер ютди, деб энтикишиб, куйиб-пишиб, кўшк-айвонга бориб бир-бирини елпишиб, — бу қандай аломат бўлди? — дейишиб ётибди. — Бу ишга одам ҳайрон қолди, кўп бир аломат бўлди. Оға Юнуснинг айтгани келди, — деб ўтирди.

Энди Оққиз ернинг остига тушиб, ақли шошиб, не вақтда дамани ростлаб, хаёлини пешлаб, Авазни кўрди. Авазнинг ёши ўн саккизга боргандай, жамоли қоронғу кечани ёруғ қилиб тургандай. Буни кўриб, Оққиз Авазга қараб, — бу ерга қандай келгав одамсан? — деб сўраб турибди:

Сендан савол сўрар гул юзли дилбар,  
Мазгил жойинг қайда, давлатли шунқор?  
Ҳуснинг кўриб сенга бўлдим харидор.

Одам ўғли бунлай хушрўй бўларми?  
Тақдир тортиб менга дучор қиларми?  
Аччиғланиб гул тарзимга қарама,  
Худо лойиқ кўрган сендай тўрама?

Қаерларда ўйнаб-ўсган элатинг?  
Жафо чекиб, кўпдир сенинг меҳнатинг,  
Ким бўлади, хабар бергин авлодинг?  
Остингда йўқ экан минмоққа отинг,  
Қайси шаҳар сўраган мамлакатинг?  
Сиру ҳолинг билдир менга, бекзодим.

Ошиқнинг фаҳмидир қоронғи кеча,  
Юришингни билмас сира бир неча,  
Тарзингга қарайман, лочин беквачча  
Бизнинг билан ўйнаб-кулсанг бир кеча,  
Сенинг хизматингни қилсам ўлгунча.

Бегижон, эшитгин менинг сўзимни,  
Одаммисан, менга билдир ўзингни,  
Хафа қилма мендай сарви нозингни,  
Қулоққа тут менинг айтган сўзимни.

Савол қилдим, сен ҳам индамай турдинг,  
Мендайн гўзалнинг жамолин кўрдинг,  
Дунёнинг жафосин сен ҳам кўп кўрдинг,  
Хабар бер, бекзодим, қайдан бўласан?

Авазхон Оққиздан бу сўзларни эшитиб, ўзини билдирди. Аваз ҳалиги ўзи ўлдирган момодан эшитиб эди: «Шу Оққиз деган қиз дучор келса, ишинг ўнг бўлар, энанг билан отингнинг корини шу қилар», — деб эди. Энди Аваз: «Кўнглимда борини бунга гапирайин», деб икки оғиз сўз айтиб турибди:

Кўнглимда борини сенга билдириб,  
Хол бўлсин деб оқ юзингни тилдириб,  
Хафа қилмай сен дилбарни кулдириб,  
Бошдан ўтган кулфатимни билдириб,  
Кўрган аҳволимни баён айлайин.

Не кўриб, кечириб, мен ҳам дунёда,  
Кўп юриб алашим бўлди зиёда,  
Сувсиз кўп чўлларда юрдим пиёда,  
Ҳарна ўтганимни баён айлайин.

Бир гап билан чиқдим Чамбил элимдан,  
Душман қирқиб чиқолмайди йўлимдан,  
Ҳазар этмай ноҳақ келган ўлимдан,  
Аччиғлансам, ҳар иш келар қўлимдан.

Ҳозир ўзим бунда келдим саргардон,  
Чамбилнинг элида сурардим даврон,  
Олмос пўлат белда, эгнимда қалқон,  
Гўрўгли ўғлиман, отим Авазжон.

Бу жароҳат жигар-бағримни тузлаб,  
Гоҳ ерларда кетдим бўтадай бўзлаб,  
Энам билан бунда отимни излаб,  
Ирам боққа йўқчи бўлиб келдим ман.

Кимни кўрсам қушлай бўйлаб қарайман,  
От дарагин ҳар ерлардан сўрайман,  
Ирам боққа йўқчи бўлиб келдим ман.

Сўзимни фаҳмлагин, гул юзли жонон,  
Отим дедим, жафо тортиб кўп замон.  
Мендай мардга хизмат қилсанг, бўйингдан.

Яна қайтиб кўрарманми юртимни,  
Сен қўлга киргизсанг Гиркўк отимни,  
Сенинг билан хўп қурай суҳбатимни,  
Кўндирсанг энамдай паризодимни.

Англа, эшит менинг айтган тилимдан,  
Паризодсан, келар шу иш қўлингдан,  
Агар келса, хабар олгин ҳолимдан,  
Қайтмагин, ойимжон, тўғри йўлингдан.

Хўп йиғладим, кеча-кундуз дод-дод,  
Гоҳ ерларда Ғиротимни этиб ёд,  
Хизмат қилиб менинг кўнглим айла шод,  
Менинг билан даврон сургин, паризод!

Хизмат ўрин бўлса, сени биламан,  
Сени ҳам Чамбилга олиб бораман,  
Сен билан Чамбилда даврон сураман,  
Чамбил борсанг, бирга ўйнаб-куламан.

Паризод, сен менинг кўнглим хушлагин,  
Кўнглингда гинангни кейин ташлагин,  
Уйлаб туриб яхши йўлга бошлагин!

Қабул қилгин баён этган сўзимни,  
Чамбилбелдан келган хон Авазингни,  
Қўлга келтир менинг асби тозимни.

Кўздан тўкиб бунда селоб ёшимни,  
Қўлимдан қочириб асби қушимни,  
От кетиб, олдирдим ақлу ҳушимни,  
Гангитиб чўлларда қанча бошимни.

Хизмат қилсанг, битир менинг ишимни,  
Хафа қилма, қулдир мендай кишингни,  
Чамбил олиб кетай гул бувишимни,  
Сен билан Чамбилда ўтиришайлик.

Оққиз Аваздан бу сўзларни эшитиб, «ғам ема», деб Авазга қараб бир сўз айтиб турибди:

Майдон бўлса, бедов отлар чопилар,  
Терлаб келса, банот жуллар ёпилар,  
Ғам ема, бегижон, йўғинг топилар.

Миндирарман сени Ғирқўк отингга,  
Омон-эсон боргин Чамбил юртингга,  
Қойил қолгин сен менинг хизматимга,  
Эга бўлгин доим мамлакатингга.

Қозининг олдида шабгир нойиби,  
Омон бўлиб боргин, юртинг соҳиби,  
Сенга қурбон мендай ойимнинг жони,  
Обод бўлар сендай марднинг макони.

Гиркўк деб сен кўп интиқ бўласан,  
Камликнинг камолин ахир кўрасан,  
Мендай ойим билан даврон сурасан,  
Бегижон, хизматим менинг биласан.

Отлантирсам бундан сендай бекзодни,  
Бойласам белиннга кескир пўлатни,  
Душман кўрсанг, қилгин сен ҳам ғайрагни,  
Тамоша қил Ирамдай мамлакатни.

Ажойиб-ғаройиб Ирамнинг боғи,  
Бу гулистон париларнинг чорбоғи  
Кўрганнинг қолмайди юракда доғи,  
Ажаб гулистондир бошдан-оёғи.

Юрар қизлар даста-даста,  
Ҳаммаси бир барваста,  
Кўрмоққа одам ҳавасда,  
Кўрган одам бўлмас хаста.

Бу ерларни хўп тамоша қиларсан,  
Нор кесар олмосни белга чаларсан,  
Отланганда Кўйиқофни кўрарсан,  
Душман кўрсанг шўриш-ғавғо соларсан.

Кўп душман йўлиқса, танҳо борарсан,  
Неча кунлар Ирам боғда турарсан,  
Бир куни юртинга қайтмоқ бўларсан,  
Агар қайтсанг, олиб кетгин, бегижон.

Қулоқ сол, беквачча, айтган додимга,  
Кўнглинг борми мендай паризодингга?  
Сен мени миндирсанг бедов отингга,  
Мени олиб борсанг мамлакатингга?

Хазон қилма тар очилган гулларни,  
Ташлаб кетиб хафа қилма дилбарни,  
Мен ҳам кўрай одам юрган элларни,  
Одамзоднинг бино қилган шаҳрини,  
Олиб кетгин меши ўз элатингга.

Кўрмоққа паризод ҳавас қилади,  
Ирам боғда умрим ўтиб боради,  
Сиздай йигит менга дучор келади,  
Кўнглим сенинг юртинг ҳавас қилади,  
Олиб кет, беквачча, мамлакатингга.

Бу сўзларни мен эгангга билдириб,  
Беўрин ишингни сенга кўндириб,  
Хафа қилмай сени мунда қулдириб,  
Паризод энангни сийпаб, кўндириб,  
Олиб кетгин мени Чамбил юртингга.

Паризодлар ўйин-қулги қилади,  
Сиздан қолмай мендай ойим боради,  
Бориб кўрай Чамбил қандай бўлади,  
Чамбил юртин Оққиз ҳавас қилади,  
Олиб кетгин мени Чамбил юртингга,

Авазхон Оққиздан бу сўзни эшитиб: — Ҳа паризод, шу ишим-ни ўрин қилсанг, Фирот билан энамни қўлга келтирсанг, мен сени олайин, Чамбилга ҳам бирга олиб борайин, — деди. Оққизни ёрдан чиқариб юборди.

Паризодлар ўз мазгилларида суҳбат қуриб, ўтириб эдилар:— Хамма у дунёга ўлик кетса, Оққиз тирик кетди, — деб турган вақтда Оққиз кулиб кириб борди. Хаммаси буни кўриб, шод-хуррам бўлиб, кийим-либосларини бериб, бўлакдан ҳаммаси кўришиб, — Сен қаерга бординг, қандай ишлар қилдинг? — деб сўрашдилар.

Оққиз туриб айтди:— Мен у дунёга бордим. Шунда парилар айтди:

— Биз жаҳонни сайр этиб, Ер юзини учиб кўрдик. Дунёда не гап борини ҳам билдик. Лекин, у дунёда нима воқиа борини билмаймиз. Сен биздан ҳам жаҳонга шта бўлдинг, у дунёга ҳам бориб келдинг, у дунёнинг ҳикоясини айтиб бер.

Шунда Оққиз:— У дунёга бориб, шундай нарсалар кўрдим, — деб гапириб турибди:

У дунёни кўрдим, йўқдир вафоси,  
Ғанимат бил, шунда завқу сафоси,  
Кўрганимни сизга баён айлайин,  
Чамбил хони, анда Авазни кўрдим.

Ҳар ким кўрса, бўлар ҳуснига қурбон,  
Ўн саккизга ёши борган Авазхон.  
Бир навжувон экан, ўзи хиромон,  
Шижоат келбатли, жуда мард ўғлон.

Уйнаб-кулсанг қолмас юракда армон,  
У дунёда кўп гаплашди Авазхон.

Гулдайин тарзима боқиб қаради,  
Юнус, Мисқол энам, деди, сўради,  
Ирам боққа бирга келмоқ бўлади,  
Қайтарда Авазга йўлиқмай қайтдим.

У дунёда юрган Чамбил бегзоди,  
Ирам боғда бордир унинг Фироти,  
Фирот деса, сира қолмас тоқати,  
Сўраб қолди Чамбилнинг валламатиди.

Кўп экан элида марднинг ҳурмати,  
Мен қиларман шундай йигит хизмати,  
Чамбилдаги сипоҳилик-ҳурмати,  
Ҳали ҳам тарзига марднинг қарадим.

Оға Юнус Оққиздан бу сўзларни эшитиб, деди:

— Авазни кўрганинг ёлгон бўлди. Биз оловдан, улар тупроқдан пайдо бўлган. Лекин сулув деганинг ёлгон эмас. Бизлардан одамнинг сулуви босим келади. Утга тупроқ ташласа, ўчади. У ўлгандан кейин, ўз наслига қўшилиб кетади. У, сенга у дунёда йўлиқиб, гаплашиб, Фиротни ҳавас қилиб юрмайди. Бу гапингни рост деб ҳеч ким ишониб кўнгли гувоҳлик бермайди.

Оққиз пари айтди:

— Ҳали ҳам кўрган еримдан эргаштириб келиб кўрсатмасам, сизлар ишонмасизлар, деб ўрнидан туриб кетди. Форнинг бошига етди. Авазни чақириб, шиша ҳовузнинг ичиди туриб, Авазнинг биллагидан тортиди. Бу ҳам забардастгина қиз эди. Авазни фордан тортиб олди. Авазни олиб, иккови гаплашиб, Оға Юнуснинг қошига етди. Авазни кўриб, рашки келиб, дарғазаб бўлиб, эна-болалигичи қолиб, пари халқида раҳм бўлмайди; Авазни зиндонга буюрди.

Хизматкорлар Авазни зиндонга ҳайдаб бораётир. Шундай йигитни зиндонга солибди, деб бир нечаси ёмон кўраётир. Бир нечаси, «хўп йигит экан» деб эргашиб бораётир, бир нечалари афсона сўзлар гапираётир:— Кўрган вақтда кўнглим хуш-да,— деяётир, бир нечаси:— Оламан деб ваъда қилди кеча тушда,— деяётир.

Авазни зиндонга ташлаб қайтди. Оққиз ҳам, эргаштириб келганига пушаймон еб, жуда обғи қўйвошиб кетди. Аваз зиндонда ётиб: «Ҳай аттанг, энам деб бекор келибман, бунинг мунчалик эканини билмабман. Отам Гўрўғли у ҳолда ётиб эди, Аваз кетди, бир ишни битириб келади, деб кутиб ётгандир» деб ўз ҳолига кўнгли бузилиб, бир сўз айтаётир:

Мард белимни боғлаб йўлга кирганча,  
Энам деб ахтариб бунда келганча,  
Чўлларнинг чўпони бўлсам бўлмасми?

Бало тоғда баҳодирлик қилгунча,  
Бало миниб бу дунёни кезгунча,  
Балонинг қўлида ўлсам бўлмасми?

Ҳақ таоло мени қилди саргардон,  
Наф кўрмадим, энди қилдим пушаймон,  
Бир меҳрибон энам бўлганди душман, ~  
Мазгилим айлади қоронғи зиндон.

Ишим тушиб қолди ўзимдай зўрга,  
Ҳеч ҳамдамим йўқдир мен билан бирга,  
Етолмайин энди қолган манзилга.

Азоб кўриб ширин жоним бу танда,  
Йиғлаб қолдим бу қоронғи зиндонда,  
Одамман деб энди бўлдим шарманда.

Оққиз Оға Юнусга қараб:— Сен, «ўлдирганинг ўрол, сўйганинг ҳалол», дединг, «нима иш қилсанг, кўнглимга оғир олмайман», дединг. Мен у дунёда кўрган еримдан Авазни эргаштириб келиб кўрсатдим, нима, Авазнинг нима ишга келганини билгин? Яхши ўйдами, ёмонлик ўйдами юрганини билмай, бир оғиз нима иш билан келдинг, деб, Авазнинг кўнглини сўрамай, уни зиндонга солдинг. Ақлингнинг калталигини ўзингоқ маълум қилдинг, — деди. Шунда Оға Юнус айтди:

— Уйласам, сенинг гапинг маъқулдай. Бўлмаса, чиқариб олиб кел. Нима ишда келганини сўрайик.

Шунда Оққизнинг оёғи енгиллашиб, ўрнидан туриб кетди. Зиндоннинг бошига етди. Зиндонга қараб, Авазни сўраб, бу сўзларни айтиб турибди:

Мана тоғда буктарилган қормикан,  
Юртини кўрмоққа интизормикан,  
Қаддингдан ўргилай, Чамбилнинг жони,  
Чоҳ тубинда, Чамбил марди, бормисан?

Оқ юзларга ҳусн берар холингиз,  
Мен ғариб сўзига қулоқ солингиз.  
Бу зиндонда қандай кечди ҳолингиз?  
Ғариб бўлиб чоҳ тубида қолдингиз.





Сизни сўраб турган Оққиз санамди,  
Худо олсин ақли кўтоҳ энангди,  
Ховлиқиб, у сизни зиндонга солди,  
Билмадим, ҳолингиз сизни не бўлди?

Чоҳ бошида туриб такка қарадим,  
Яна кўрсам ҳосил бўлар муродим,  
Омон-эсон борми сендай безодим,  
Зойи бўла ёзди қилган хизматим.

Сизни ҳайдаб кетди, ақлим шошиб,  
Мен қолдим юрар йўлдан адашиб,  
Хизматга мен келдим дарёдай тошиб,  
Сизни кўрсам қолай бирга сўзлашиб.

Қулоқ соп эшитгин айтган нидога,  
Қизларнинг ичида менман ўдага.  
Кийганим ипақдир, олтиндан жиға,  
Жасадингдан мендай ойим садаға.

Қаторга тиркалган лўкча нормисан?  
Мени кўрсанг, сен ҳам харидормисан?  
Фамдан қутулсам деб интизормисан?  
Чамбил хони, чоҳ тубинда бормисан?

Бу сўзни эшитиб, Аваз ўзини билдирди. Арқон солиб, Аваз бе-  
лига бойлаб, зиндондан чиқариб, энасининг қошига олиб борди.  
Энаси Авазни кўриб, ҳоли-аҳволини сўраб:— Нимага келдинг?  
Мен сенга мени қиёматда кўрасан, деб эдим, у гапимни қулоққа  
олмасдан ҳалак бўлиб келибсан,— деб Аваздан икки оғиз сўроқ  
сўраб турибди:

Асқар тоғнинг бошин чалган туманми?  
Фамли қулга, болам, охир замонми?  
Юрт эгаси Гўрўғлихон омонми?

Чамбилда бор эди қанча амалдор,  
Ҳаммаси ҳаммиди бизга хизматкор,  
Туркманнинг каттасидир у Аҳмад сардор,  
Чамбил белда сардор беклар омонми?

Белингга бойлаган заррин пўтангни,  
Худойим кечиргай қилган хатонгни,  
Мен сўрадим Хон Гўрўғли отангни,  
Юрт эгаси Гўрўғлихон омонми?

(Эсли одам билар менинг нолам деб),  
Авазим, Чамбилдан келган болам деб,  
Қандай бўлди менинг кулба-хонам деб,  
Уйнаб-ўсган мазгил жойлар омонми?

Шундай бўлди менга ҳақнинг фармони,  
Қандай бўлиб қолди Чамбилнинг хони?  
Унда ҳам бор эди кўшки-айвони,  
Чамбил элда кўрган кўзлар омонми?

Арзирум шаҳридан Даллойим келди,  
Фалак мени шундай савдога солди,  
Ирам боғни энанг ахтариб келди,  
Қелгандан сўнг, энанг пушаймон қилди,  
Билмадим отангнинг ҳоли не бўлди?

Сен келдинг, сенга раҳбар бўлмадим,  
Фарзандим деб, сенинг ҳолинг сўрмадим,  
Сипойилик қилдим, қадринг билмадим,  
Уйнаб-ўсган меҳрибонлар омонми?

Оҳ тортсам қурийди танимда дармон,  
Уйласам кўп бўлар юракда армон,  
Чамбилда давлатинг катта, Авазжон,  
Аваз болам, омон-эсон бормисан?  
Аваз болам, менинг жону дилимсан,  
Гулшанда очилган тоза гулимсан,  
Аваз қўзим, яхши кўрган ўғлимсан.  
Меҳнат тортиб мени излаб келибсан,  
Болам, мендан нафсинг оғриб турибсан.

Жон болам, сен нега келдинг?  
Юрган юришинг сўрайман,  
Не ишда келдинг, билайин?  
Сўзингга жавоб берайин.

Бу сўзни эшитиб, Авазхон энасига қараб:  
Жоним энам, келдим, дейди,  
Жабру жафо кўрдим, дейди.

Иzza бўлиб қолдим, дейди,  
Бераҳмсан, билдим, дейди.  
Мен зиндонда турдим, дейди,  
Зўрлигингни билдим, дейди.

Бу сўзни айтар Авазхон,  
Танимдан қуриган дармон,  
Энам менга зулм қилди,  
Ўғайлигини билдирди.

Авазхон деб маломат қип,  
Энди сўзлар дўсту душман,  
Хўп ишни қилдинг, энажон,  
Чиқмас эсимдан бу замон.

Энди сенга тил боринда сўзлайин,  
Кўрганимни сенга баён айлайин:  
Жабру жафо менинг жонимдан ўтди,  
Ўзинг кўрган Чамбил вайрон бўп кетди.  
Чамбил атрофини душман олибди,  
Кенг Чамбил ўртада бўлиб қолибди.

Қирқ йигитлар гулхонани қулатди,  
Хон Гўрўғли отам дунёдан ўтди,  
Ўзинг кўрган Чамбил сабил бўлганди,  
Пиёдалаб Аваз ўғлинг келганди.

Шунча ишни Аваз боланг кўрганди,  
Душман бизни оёқ ости қилганди,  
Эна, жуда Ғиротнинг қадри ўтди,  
Боғи Ирам қараб Аваз йўл тортди.

Бало миниб неча тоғлардан ўтди,  
Охири оқибат Ирамга етди,  
Боғи Ирам келиб койишинг топди,  
Энамсан, бераҳм дейман, йиғлайман.

Ғиротим деб излаб келган фарзандинг,  
Жоним эна, билмаганни билдирдинг.  
Қизил юзим заъфарондай сўлдирдинг,  
Оҳ тортганда айтганингга кўндирдинг.

Энамсан, бераҳм дейман, йиғлайман,  
Сени излаб чиқиб Чамбил элимдан,  
Чамбил элда туз еб ўсдим қўлингдан,  
Сен мундайин умид уздинг ўғлингдан.

Фарзандим деб хаёлингни бўлмадинг,  
Эна, нега ҳеч раҳбарлик қилмадинг?

Фарзандим деб сен кўнглиннга олмадинг,  
Қолган Чамбил элдан умид қилмадинг.  
Келган вақтда Фиротимни бермадинг.

Бу сўзни эшитиб, Оға Юнус Оққизни чақириб олди:— Бизники номаъқулчилик бўлди, Авазнинг ўпкалагани тўғри. Жинни феълликка кетган эканман. Бўлмаса, Чамбилда жони дилим, бир суяниб юрган Аваз ўғлим, шунча йўлдан ҳалак бўлиб келибди. Мен ичимда ўмон кўрсам ҳам, сиртимда пой-патак бўлиб, Авазнинг кўнглини олиб турсам тузук эди. Авазнинг кўнглидан чиқмайдиган иш қилдим, Аваз келиши билан зиндонга солдим. Ҳамиша бетимга таъна бўладиган гапни сотиб олдим. Авазнинг гапи-авзоидан Чамбил жуда ғорат бўлибди. Душман буларни тинчитмабди. Еби отлар буларга ҳожат бермабди. Энди бориб, Фиротни абзаллаб чоқлаб, олиб келиб Авазга бергин!— деб айтди.

Оққиз бу сўзни эшитиб, ўрнидан туриб, Фиротнинг қошига бориб, Фиротни қашлаб, сипириб, эгарлаб, юганлаб, Оға Юнуснинг қошига етаклаб келтирди. Фирот Авазқи кўриб, учадиган қушдай, қулоқлари қамишдай, ҳар кўзи таркашдай, юлдузни кўзлаб, тараққос бойлаб ўйнай берди.

Энаси Оға Юнус илгари Ирамда подшо эди, келиб, яна қадимги ўрнини олган эди. Авазга яхши сарполар кийгизиб, белига олмос пўлат бойлаб, Авазнинг қўлтиғидан кўтариб. Фиротга миндириб, «хуш келибсан» қилиб, бир-икки огиз сўз айтиб турибди:

Отангинг мероси тегди қўлингга,  
Ана, кетар бўлсанг Чамбил элингга,  
Хоҳи кетгин, хоҳи қолгин, Авазжон.

Тамоша айласанг, мана Ирам боғ,  
Бориб кўрсанг, ҳайла болам, Қўйиқоф.  
Хоҳи кетгин, хоҳи қолгин, Авазжон.

Остингга миндирдим араби отни,  
Бойладим белингга кескир пўлатни,  
Энди излар бўлсанг Чамбил элатни,  
Қўргин сен сайр этиб бу мамлакатни,  
Хоҳи кетгин, хоҳи кетма, Авазжон.

Бир неча номардга кўнгиб бермагин,  
Нодон билан йўлда йўлдош бўлмагин,  
Сиринг айтиб аҳмоқларман юрмагин,  
Хоҳи кетгин, хоҳи кетма, Авазжон.

Ушбу дамдир, ўзга дамни дам дема,  
Ирам боғни Чамбилингдан кам дема.  
Қарагин, ранг-баранг гуллар очилган,  
Дурри гавҳар, жавҳарлари чочилган,  
Хоҳи кетгин, хоҳи кетма, Авазжон.

Ирам боғда бордир кўп санам қизлар,  
Жамолига барқ уради юлдузлар.  
Ошиқлар ўйинда бир-бирин излар,  
Хоҳи кетгин, хоҳи кетма, Авазжон.

Агар турсанг, хизматингда бўлайин,  
Хоҳласанг, паризод олиб берайин,  
Неча қизни хизматингга солайин,  
Кўнглингда борини, болам, сўрайин,  
Хоҳи кетгин, хоҳи кетма, Авазжон.

Авазжон энасидан бу сўзни эшитиб, энасига қараб бир сўз деб  
турибди:

Олмадайин, сўлган гулдай тарзим бор,  
Жоним эна, сенга айтар арзим бор,  
Қулоқ солгин, эна, сўйлар сўзим бор,  
Отамнинг умиди шулмиди сендан?

Сен кетган сўнг отам дунёдан ўтди,  
Ўлиги бесоҳиб бўлиб қолибди,  
Авазжон — хабарчи, сизга келибди,  
Отасин ўлганин маълум қилибди.

Отам ўлди, қолдим кўзимни ёшлаб,  
Мозорга элтмадим отам ўлигин,  
Таваккал ғорига мурдасин ташлаб,  
Мен жўнадим ул энамга борай деб.  
Паризод энамга хабар берай деб,  
Сўнгра у эшитса, гина қилар деб,  
Йўлиққанда кўп ўпкалаб юрар деб,  
Фотиҳага хабар қилдим, энажон.  
Ўйлаб турсам гулдай юзим сарғайиб,  
Тўрам, деб йиғлагин сочингни ёйиб,  
Отамнинг ўлиги билгин, бесоҳиб,  
Отамнинг умиди сендан шулмиди?

Хабар берган ўғлинг Аваз бўлади,  
Сен борсанг, ўлик эгали бўп қолади.

Шу сўзимга кўнсанг қандай бўлади,  
Отамнинг умиди сендан шулмиди?

Унгу сўл бошимда бўлгандир туман,  
Ғиротим остимда ўйнар, энажон,  
Энди сенга тимсол айтдим бир алвон,  
Менинг билан Чамбил юргин, меҳрибон.

Бунда турмай бирга-бирга борайик,  
Отамнинг ўлигин бориб кўрайик.  
Сен тўрам деганда, мен отам деб,  
Халойиққа сўнгра хабар берайик,  
Иззат-икром билан кўмиб келайик.

Бу сўзни эшитиб, Оға Юнус пари Авазга:

— Илгари ҳам сенинг шундай гапларинг кўп бўлар эди. Отангни ўлди, деб ҳазиллашиб айтаётибсан, десам, чини билан ўлдими?— деди. Авазхон айтди:

— Ўлганнинг ҳазили бўладими? Ё ўлмасига хатчак олувдиларингми? Бир нафасда жони чиқди, кетди-да!

Бу сўзни эшитиб, Оға Юнус пушаймон қилиб:— Тириклигида билмабмиз, розилашиб қолмабмиз, энди қандай бўлса бориб, ўлигига эга бўлиб турайик, шундай одам бейўқлов бўлиб қолмасин,— деб Авазга қараб:

— Авазжон, отанг ўлган бўлса, сенинг билан эргашиб кетаверганимиз яхши бўлмас, беш-ўнта кўнгил етарга хабар қилайик, улар ҳам келсин, йиғилиб, фотиҳага кўпчилик бўлиб борайик,— деди.

Шунда, неча шаҳарларга хат-хабар қилди. Шаҳри Шабистонга, Семинбоққа, Қундуз шаҳрига, Шаҳризарга, Зангарга хабар қилди. Орада бир неча кун ўтгандан кейин, улар ҳам хат-хабарни эшитиб, ҳар тарафдан келаётибди.

Ҳаммаси келиб, қизлар йиғилиб, Зангардан келган Орзигулни ўртага олиб, кўшки мазгил жойга бошлаб борди.

Юнус билан Мисқол парилар қирқ шаҳарга хабар қилган эдилар. Улар ҳам:— Гўрўғли ўлибди. Юнус, Мисқолдан хабар келибди, биздан фотиҳа лозим бўлибди. Қандай бўлса хат келгандан кейин, борайик, шу баҳона билан жаҳонни сайр этиб, бир тамоша қилиб келайик,— деб ҳар шаҳардан келаётибди. Йиғилиб, ҳаммаси бир-бирининг сири аҳволини сўраб, жам бўлибди.

Энди Чамбил жўнамоқнинг ҳаракатида бўлиб:— Бул келган меҳмонларнинг шаънига бир ўтириш қилиб, саҳардан кейин йўлга кириб борармиз,— деб маслаҳат қилиб турибди.

Бу ўтириш-мажлисининг шаънига бир-икки оғиз сўз бўлиб турибди:

Ойдан ғолиб париларнинг жамоли,  
Бошида пир-пирлар шолдам рўмоли,  
Етилган бариси хўп баркамоли,  
Йиғилиб Ирамга бариси келди,  
Бу кўшикга шундай қизлар йиғилди,  
Ғижжак, балабон, нағмалар қўйди,  
Бирин-бирин' бошлай берди ўйинни,  
Қизларнинг суҳбатин Авазхон кўрди.  
У қизларнинг суҳбатида ўтирди,  
Авазнинг жамоли улардан каммас,  
Бу ўйинда ҳеч кимсадан дам емас,  
Хизматида неча қизлар туради,  
Ҳар замонда Орзигулга қарайди,  
Орзигул ҳаммадан ғолиб келади,  
Авазнинг кўнглидан шу гап ўтади:  
«Омон-эсон элтсам Чамбил элима,  
Орзигул фақирнинг тани бўлади».  
Турган қизлар бир-бириман дўст бўлиб,  
Бири баланд, бир нечаси паст бўлиб,  
Ҳаммасига Оға Юнус бош бўлиб,  
Шу ўтириш кизиқ тамоша бўлди,  
Ўтиришдан барининг кўнгли тўлди,  
Оқшом кеча энди саҳарга борди,  
Ўтириш суҳбати ул охир бўлди.  
Қирқ уч паризод бунда жам бўлди,  
Жўнамоқни энди ихтиёр қилди.  
Битта-битта каптар либос келтирди,  
Бу ишларни Аваз кўриб ўтирди.  
Исмиёд дуони ўқиб парилар,  
Шу замон қирқ учта кўк каптар бўлди.

Аваз Ғиротнинг айил-пўштанини қаттиқ тортди. Ғиротнинг устига минди. Чамбилга кетарини Ғирот ҳам билди. Тўрт ярим газқанотини ёзиб, бу ҳам учмоққа тайёр бўлиб турибди.

Шундай бўлди арзи додлар,  
Қирқ учта каптар бўлиб,  
Парвоз қилди паризодлар,  
Кўрингиз Ғиркўкдай тулпар,  
Парилар билан баробар,  
Кўкка учди жонивор.  
Солиб бу замон жафолар танга,  
Аваз минган Ғиркўкдайин тулпарга,  
Парилар ҳам учиб кетди осмонга,

Қарамайди бунда баланд-пастига,  
Паризодлар ўйин қилиб бу замон,  
Гоҳда чиқиб кетар булут устига,  
Қирқ уч каптар отнинг гирдини олиб,  
Учар олис йўлларни яқин қилиб.  
Аваз бораётир Ғиротни миниб,  
Кўринг назаркарда бекнинг Ғироти  
Қушлар билан баробар бўп чопади.  
Шуйтиб Аваз паризодман йўл тортди,  
Бало тоққа бари бир кунда етди,  
Бало тоғда қўниб маслаҳат қилди.  
Шунда Авазжон энасига айтди:

—Эна, булар азиз меҳмон экан, шу туришда Чамбил бориб қол-  
сак, ўйлайман, ҳеч тўғри келмас. Қадимгидай шаън-шавкат, бек-  
лик давлат бизда йўқ. Меҳмонлар билан сиз аста-аста бора бер-  
сангиз, мен Ғиротга қамчи урсам, не бўлса қичаб, сизлардан бурун  
Чамбилга бориб кирсам. Меҳмонлар қўнадиган бир жойи ораста  
созлаб турсам.

Юнус, Мисқол ҳам: — Маъқул айтасан, — деди. Аваз: «Шун-  
дай, бориб қолсак, мабодо отамнинг бир ерда юрганин кўриб қол-  
сак, булар қайтиб кетиб, ишни қийин қилиб қўймасин», деб шум-  
лик ўйлаб эди.

Авазжон илгарироқ Чамбилга жўнай берди. Бу сўзни Аваз ўй-  
лаб бораётир:

Қулоқ солса, менинг айтган тилима,  
Ўнглиниб парилар келди қўлима,  
Бориб хабар берсам Чамбил элима,  
Яшиндай бўп жўна, Ғиркўк тулпар.  
Қичаб бораётир Чамбил тўраси,  
Қўз юбортиб Аваз ўғлон қаради,  
Ярқираб кўринди Чамбил қаласи.  
Ҳар замон кишнайдиминган тулпар,  
От товуши Чамбил элга етади,  
Отнинг товушини эшитди беклар,  
Қаладан ташқари чиқди амалдор,  
Ирам боғдан қайсар Аваз келди деб,  
Ғирот келди, Чамбил обод бўлди деб,  
Балли, Аваз иш кўрсатиб келди деб,  
Ирам кетган тулпар яна келди деб,  
Келаётир Авазжондай зўравор,  
Барининг сардори Ғўрўғли бекзод,  
Аваз ҳам Ғиротни кўрди валламат.



— Эшитгин, амалдор, беклар, ноламни,  
Дўсту ёрлар, бирдан қаранг бу йўлга,  
Келаётган Авазхондай боламдир,  
Обод қилар бунда кулбахонамни.  
Бу сўзни шу замон Гўрўғли айтди,  
Гиротни ўйнатиб Авазхон етди,  
Авазнинг келганин бу беклар кўрди,  
Қулоч ёйиб бари олдига келди,  
Авазхонни отдан кўтариб олди.  
Гиркўк отни амалдорлар етаклаб,  
Ирамни кўрдинг деб, отга сўйлади,  
Терини қотириб отни бойлади,  
— Оҳ урганда сўйлайдиган сўзим, деб,  
Гўрўғли бағрига босди бу замон  
— Омон-эсон кўрдим Аваз қўзим,— деб.

Ҳар тарафдан амалдор, беклар келишиб, кўришиб турибди.  
Авазхон айтди:

— Гапни сўнгроқ гаплашамиз, ҳозир энамларни ҳам олиб келаётибман, улар учар қуш, бир дамда келиб қолиб, сизни кўриб, менинг гапим ёлгон бўлиб, қайтиб кетиб юрмасинлар. Сизни ўлди, деб, алдаб олиб келаётибман. Қанча яхши паризод қизлар ҳам бирга фоғиҳага келаётибди. Энди ота, Таваккал ғорига юринг, — деб Авазхон отасини Таваккал ғорига олиб бориб, Таваккал ғорида ўлик суратида чалқарама ётқизиб, устига пўстинини ойқара ёпиб қўйди. Аваз отасини созлаб, Таваккал ғоридан чиқиб, ҳеч нимани кўрмагандай бўлиб, ўрдага келиб, яхши палослар солиб, созлаб турди.

Шу вақтда гуруллаб қирқ учта каптар ҳам келиб қолди. Чамбил ўрдасига қўниб қолди. Каптар либосини ташлаб қадимги ҳуснига келиб, Чамбилда бир ой тўққандай бўлиб қолди. Ҳамма бекларни кўриб, Гўрўғлини кўрмай, парилар дилтанг бўлиб: — Ҳай дариг, тирикликда қадрини билмабмиз, ўлгани рост экан. Розилашиб қолмабмиз, Авазхон, отангнинг ўлиги қайда?— дейишиб қолди. Авазхон айтди:

— Мен сизларга кетган вақтимда отамнинг ўлигини Таваккал ғорига ётқизиб, устига пўстинини ёпиб қўйиб кетиб эдим. Бирор нарса даҳл қилмаган бўлса, ҳали ҳам ётгандир.

— Бўлмас иш бўлибди. Энди бизни отангнинг ўлигига бошла!

Шунда Аваз: «хўп» деб фоғиҳага келган паризодлар билан энасини эргаштириб, Таваккал ғорига борди. Шунда, — қўрқмай кира берингизлар, — деб Аваз отасининг жонини тилаб, бир сўз айтиб турибди:

Кошки, тангрим берса отам жонини,  
Кўрса отам бунда кетган ёрини,  
Қайта бошдан бунёд бўлиб дунёга,  
Обод қилса Чамбил деган шахрини.

Отам ўлди, йўқлаб келди парилар,  
Отамнинг жонини бер, парвардигор.  
Муножотим ҳаққа қабул бўлсин-да,  
Жаббор эгам, отам жонин берсин-да.

Бу сўзни айтиб, Аваз кўнглин хушлади,  
Кўп қизларни илгарига ўтказиб,  
Аваз аста ўзин кейин ташлади.  
Аваз ўғлон ғор оғизини олади,

Кўп қизларни Аваз ғорга қамади.  
Шу замонда, кўринг, паризод қизлар  
Ўликнинг қошига яқин боради.

Фалак титрар парилар нолишига.  
Ёқаси ҳўл кўздан оққан ёшига,  
Садир тегиб йиғлаб Юнус ҳам Мисқол,  
Бориб қолди Гўрўғлининг қошига,  
Ғорлар само қилиб улар товушига.

Етган бу ўликка шундай қаради,  
Во тўрам, деб садир тегиб йиғлади,  
Аваз худо дейди ғорнинг оғзида,  
Отасининг жонин ҳақдан тилади,  
Париларнинг тўрам деган товуши,  
Хоннинг қулоғидан ўтиб боради,  
Фотиҳага борган қизлар қаради,  
Мисли пўстин кўзғалагандай бўлади,  
Бир неча сесканиб кейин туради.

— Ўлик қимирлади, — деб ҳадик олади.  
Билмагани ўз бошига йиғлади.  
Юнус, Мисқол паризодлар тинмайди.  
Неча вақт сен билан даврон сурдим, деб,  
Ўларда сўзлашмай қолдим, бегижон,  
Ўлигингни кўриб қонлар ютдим, деб  
Гўрўғли бошида йиғлаб ётади.  
Париларнинг тўрам деган товуши  
Гўрўғлининг қулоғидан ўтади.

Шу айноса йиғлай берди парилар;  
Пўстинни кўтариб турди у шунқор,  
Дувуллаб қочди ул паризодлар,  
Қўрққанидан ўзларини урарлар.  
Форнинг оғзин олиб турган Аваз бор,

Париларни бунда қамаб қайтарар.  
Фордан чиқолмайди ҳеч қайси қизлар,  
Авазнинг жуда ҳам вақти хуш бўлар,  
Менинг муножотим қабул бўлди деб,  
Отамнинг жонини тангри берди деб,  
Энди шу юртимиз обод бўлди деб,  
Бу дунёга қайта бошдан келди деб,  
Қайта бошдан яна ёрин кўрди деб.  
Қулоқ солинг бундай қилган ишига,  
Хурккан қўйдаи тўпланибди парилар,  
Боролмайди Гўрўғлининг қошига.

Гўрўғли инграниб ўрнидан турди,  
Улган одам қайта бошдан тирилди.  
Турибди Гўрўғли қовоғин уйиб,  
Устига ёпинган пўстинни кийиб,  
Ғайрати кучини билакка йиғиб,  
Париларга ёмон кўзман қаради,  
Париларда тобу тоқат қолмади.  
Балки париларга қилди сиёсат,  
Паризод қизларда қолмади тоқат.

Париларга таъзир бермоқ бўлади,  
Ачиқланиб Мисқолойга қаради.  
Бу парилар аланглайди бу замон,  
Гўрўғлининг сиёсат-зарби ёмон.  
Яқинлаб етишди энди Авазжон,  
Гуноҳидан ўтинг, дейди, отажон.

Обод қилгин энди кирдикорингни,  
Қайтадан дунёни кўрган отамсан.  
Сайр этиб неча вақт Чамбилда юрдинг;  
Неча вақтлар у дунёга ҳам бординг,  
Менинг муножотим билан тирилдинг.  
Қайта бошдан кетган ёрингни кўрдинг.

Ёринг билан, ота, тулпаринг келган,  
Сенинг ўлганингни Ирамда билган.

Бунинг бари излаб келган қадирдон,  
Қадирдон қизларни кўрган отамсан.  
Қулоқ соп эшитгин айтган ноламга,  
Таъзир берма бунда паризодларга,  
Аваз ўғлинг келиб тушди орага,  
Қайтадан дунёни кўрган отамсан,

деб Авазхон отасини кўндирди. Гўрўғли:

— Мен бевақт ўлиб, бу горда қолибман. Улик-тиригим билмай  
рост бўлиб ётибман. Кўзимни очиб уларнинг чувиллашиб ётганини  
кўриб, бу нима аломат деб ҳадик олиб, сиёсат билан буларга на-  
зар солиб, буларнинг хаёлини қочирдим, — деб паризодларни эр-  
гаштириб, ўрдага келди. Борган меҳмонларга қанча зиёфат қилиб,  
кўнгилларидан чиқарди.

Ғирот якка миҳда боғлоқлик турибди. Бир кишнади, ер-кўк  
само бериб, ҳар шаҳарга кетди. Ғиротнинг товушини эшитиб, кет-  
ган одамлар: — Чамбилга Ғирот келибди, Чамбил бўлакдан обод  
бўлибди, — деб кўчиб келаётди.

Шунда Гўрўғли Авазга қараб:

— Авазхон, энди бу келган меҳмонларга ҳам жавоб йўқ, яхши  
ов қилиб келдинг, инсоф қилсанг энангни ҳам рози қилдик. Икков  
эди, қирқ учта бўлиб келди. Бул ҳам худонинг иши, — деб кўнг-  
лини хушлаб пойтахтга чиқиб, бекларни йиғиб, уларнинг келгани-  
га халққа тўй-тамоша бошлаб турган экан:

Элу халққа қолмай хабар беринглар,  
Катта-кичик халқни йиғиб олинглар,  
Қайтадан дунёга келгандай бўлиб,  
Элу халққа тўй-тамоша беринглар!

Олтин отиб, олтин қобог отдириб,  
Уйин қилиб, карнай-сурнай тортдириб,  
Тўйхонага яхши уйлар ёпдириб,  
Кўпқари қинг, бунда улоқ чопдириб.

Яхши сўқим, неча қўйлар сўйинглар!  
Бева-ю-бечора қолмай тўйинглар!  
Шундай қилиб яхши тўйни қилинглар.  
Ҳаялламай дарров ўчоқ ўйдириб,  
Кечга қолмай сўқимларни сўйдириб,  
Шундай қилиб, тўй бошланглар, амалдор.  
Туркман халққа айтувчилар жўнади,  
Иш бошида сипойилар туради.  
Тўй бўп ётди қирқ кунгача,

Ушбу кунда тўйлар охир бўлганди,  
Не одамлар тўйдан сарпо олганди,  
Хон Гўрўғли шундай бўлиб турганди,  
Юнусман Мисқолни ўзи олганди,  
Даллийни Ҳасанхонга берганди,  
Орзигулни у ҳам яхши кўрганди,  
Олгин деб Авазга айтиб турганди,  
Орзигулни олиб берди бу замон,  
Иш кўрсатган шундай жону дилига,  
Олиб келган Авазжондай ўғлига,  
Фотиҳага борган қирқта парини,  
Қирқ йигитга битта-битта беради,  
Паризод қизлардан олиб йигитлар,  
Авазнинг ишига қойил қолади.  
Чамбилда бу ишни эшитган беклар,  
Авазни кўрганда офарин дерлар,  
Ғайратингдан обод бўлди бу эллар.  
Сенинг, Аваз, боҳодирлик номинг бор,  
Обод бўлди ғайратингдан кирдикор.  
Авазнинг ишига қойил қолдилар.  
Шундай қилиб Аваз қилганди хизмат,  
Энди топди бунда муроду мақсад.







Чамбил чамбил бўлганда, Чамбилга Гўрўғли бек бўлганда, Чамбилга одам тўлганда Гўрўғли беклик қилиб, йилма-йил овозаси баланд бўлиб, қирқ шаҳардан қирқ йигит келиб, Гўрўғлига йигитлик қилиб, Ҳасан, Авазни олиб келиб, ўғил қилиб, Аширбек, Юсуфбек деган кишиларни лашкарбоши қилиб қўйди, ёвлардан қайтмай иш кўрсатиб юра берди.

Чамбилнинг бир тарафида Шохдоршоҳ деган подшо бор эди. — Баччағар, Гўрўғли жуда авж қилди, — деб неча мартаба жосус юбориб, — Гўрўғлининг юртидан хабар олиб, вақтини топсак, лашкар тортсак, бир қон тўкишиб кўрсак, Гўрўғлини бандга келтирсак, ё ўлдирсак, ё айтганимизга кўндирсак! — деб маслаҳат қилди.

Гўрўғли Юсуфбек лашкарбошини Чамбилга қўйиб, ўзи бир тарафга кетган эди. Шохдорнинг «элчиси» Гўрўғлининг Чамбилда йўқ эканини билиб, вақтини топиб, Шохдоршоҳ одамининг ҳаммасини йиғиб, карк минган, фил минган полвонларини жамлаб, Қисакўз деган полвонни олдига солиб, Рустам деган полвонга кўп эътиқодлар қилиб, Чамбил юртини олар деб умидда бўлиб, бир сўз деб турган экан:

Лашкарбоши Рустам, эшит сўзимди,  
Сендан хизмат, мендан инъом лозимди.  
Лашкар тортиб, тинмай юриб боринглар,  
Чамбил атрофини қамсаб олинглар,  
Чамбилнинг шаҳрига эга бўлинглар!  
Гўрўғли одамин банди қилинглар.  
Уруш бўлса, юз қайтармай туринглар,  
Гўрўғли зўр бўпти, тоза қиринглар!  
Бориб юртин ебир-есир қилинглар,  
Шаштини қайтариб, изо беринглар!  
Сардорларин бориб бойлаб олинглар!  
Гўрўғлини йўлларингга солинглар.  
Зўрлик қилиб кўп ўлжани олинглар!  
Эшит, Рустам, менинг айтган сўзимви,

Сенга берай мен ҳам Ойша қизимни.  
Сабил қилсанг Гўрўглининг юртини,  
Ойша бўлсин сендай полвон хотини.  
Қилмагин-да Гўрўгли хурматини.  
Ғазнада зар, сени эга қиларман,  
Ўзинг ўйла, қизим тўйлаб берарман.  
Сени мен ўзимга куёв қиларман,  
Неча шаҳарларни сенга берарман.

Рустам полвон шоҳнинг қизини илгари кўриб юрган, ўзи унча-мунча гаплашиб, кўнглини олиб юрган. Рустам полвон бу қизни биллади. Ўзи шундай сарвиноз, муҳрланган қоғоздай, қизил юзли, ширин сўзли, иссиқ юлдузли, шундай яхши қиз эди. Шу қизни берарман деганига шошиб, жуда ҳаддидан ошиб, лашкарни «жўнай бер!» деб қистаб, Шоҳдоршоҳга бир сўз деб турган экан:

Гўрўгли устига, шоҳим, борарман,  
Топсам Гўрўглини, банди қиларман.  
Не кунларни, бориб, унга соларман,  
Йигитларин бошин боғдай чоларман.  
Ҳеч топмасам, одамини қирарман,  
Хотинларин бунда ҳайдаб келарман,  
Эшигимга хизматкор қип қўярман.  
Ғайрат билан бундан Чамбилга борсам,  
Чамбил шаҳрин бу ўртадан кўчирсам.  
Тупроғини яна кўкка совуриб,  
Тағин қайтиб яна юртимга келсам,  
Ёрим билан бунда ўйнасам, кулсам,  
Бу чўнтоқ дунёни шундай ўтқизсам,  
Зўрлигимни ҳар кимсага етқизсам,  
Шоҳнинг ҳожат ишларини битқизсам.  
Ман-манларни айтганимга кўндириб,  
Кўнмагани тоза қўяй ўлдириб,  
Рустамбекнинг шунда зўрлигин билиб,  
Юборай Гўрўгли тахтин кўчириб.  
Рустам дейди:— Элда мен ҳам зўравор,  
Гўрўгли деганинг қандай жон бўлар?  
Унинг қилган иши бари хом бўлар,  
Менга йўлиққан сўнг ҳоли танг бўлар.  
Полвон халқи хўб бардошли, кенг бўлар,  
Менинг зўрлигимни ўзи ҳам билар.  
Мен биламан, Гўрўғлида нима бор!  
Бундан бориб қамай Чамбил шаҳрини,  
Ўлжа қилиб қайтай молу зарини,  
Рустам айтар кўнгилдаги борини,



Келиб вақтин хушлар олган ёрини.  
 Шохдоршоҳ лашкари анжом тузади,  
 Рустам билан лашкар энди жўнади.  
 Лашкар бир-бирига дуч бўлиб,  
 Уруш излаган, хуш бўлиб,  
 Қисакўз, Рустам бош бўлиб,  
 Излагани сабош бўлиб,  
 Гўрўғли билан ғаш бўлиб,  
 Лашкар жўнар тўп-тўп бўлиб,  
 Чиқар шаҳардан кўп бўлиб...  
 Намойишга карнай тортиб,  
 Катта тўпларини ортиб,  
 Хурма тўплар гумбирлатиб,  
 Шундай кўп лашкар жўнади...  
 Сибизиқ, сурнайин тортиб,  
 Яшил туғни пирпирлатиб,  
 Арабасини ғилдиратиб,  
 Аскарнинг овқатин ортиб,  
 Бораётир лашкар тортиб,  
 Шундай бўлиб лашкар кетиб,  
 Уч-тўрт қир илгари ўтиб,  
 Рустам полвон: — Ҳайда! — дейди,  
 Юргин, дейди, менга етиб.  
 Қанча аскар бедов минган,  
 Эгнига найзасин илган,  
 Қилични белга буғган,  
 Отлиқлар илгари тушган,  
 Яёвларнинг ақли шошган...

Чамбилнинг қорасини кўриб лашкар қўниб, оқ чодир-кўк чодир  
 тикилиб, чодирга чодир чатилиб, тўплар отилиб, лашкар қўниб  
 ётди.

Гўрўғли кетган ёғидан келган эди, катталигини қилиб турган  
 эди. Экиш-тикиш қилиб ётган одамлар бу лашкарни кўриб, мазги-  
 лига келган эди. Бу ҳайиқиб келган одамларни Гўрўғли кўриб: —  
 Нима гап бор? — деб амалдорлардан сўради.

Бу сўзни эшитиб, Гўрўғлининг Аҳмад сардор деган тоғаси  
 айтди:

— Нимани биласан, даладан келган одамларга ихтиёр берасан,  
 ўз-ўзингни душман биласан, сен бек бўлган билан ақлинг бўлма-  
 ди, шу аҳмоқлик сендан қолмади, ўзингнинг одамларинг ош-но-  
 нингни еб, сарпонгни кийиб, отингни миниб, ички сир бўлиб, Шох-  
 доршоҳга хабар қилиб, Шохдоршоҳдан лашкар келтириб, Чамбил-  
 ни олмоқчи бўлиб юрган-да. Сенда эс бўлмаса, одамларингнинг  
 кўнглини нима биласан! Сен кўнглини билмай, лашкарбошиларинг-

ни яхши кўрасан, бундай бўлсанг элингни қўлдан бериб, ўзинг ҳам банди бўласан. Бош бўлиб Ҳазорис шаҳрини ўзингга тобе қилиб келдинг, шуларнинг ғайратидан тобе бўлди деб, Холдорхон, Юсуф султон, Ашурбекларни сардор қилдинг, лашкар ихтиёрини шуларга топшириб, қўлига анжом бериб, ўз қариндошларингни ерга урдинг, бизларнинг қобирғамиз қайишиб туради. Бизлар биламиз: олдингда сени кўтармалаб, кетингдан кулади; билсанг, одамларинг қанча маслаҳатлар қилади. Шу ўзингнинг сардорларинг таг-остидан тил бериб, Шохдоршоҳга хабар юбориб, шуларнинг тили билан, хат-хабари билан келган лашкар бу. Энди шундай ихтиёрингни бераверсанг, бу юртингни ҳам қўлдан берасан.

Гўрўғли бу сўзни эшитиб:

— Хайр тоға, ҳозир бу келган лашкарга баравар бўлайик. Ёв кепти, уруш устида бир оғиз бўлиб сир бермай турайик, ҳозир буларни чақириб олиб, уруш тараддудида бўлайик.

Маслаҳатни шу ерга қўйиб, довулни уриб, Гўрўғлининг барча амалдорлари йиғилиб, катта-кичик келиб, уруш маслаҳатини қилиб, сўзни бир ерга қўйиб, Гўрўғли бир сўз айтиб турган экан:

Олмас пўлат белга чолиб бойлаган,  
Қайтмай мудом, ёвга талаб айлаган,  
Олтин байроқ билан отни сайлаган,  
Неча манзил йўлда душман овлаган.  
Уруш деса қарчиғайдай бўйлаган,  
Баринг бирдай от, абзални шайланглар!  
Шохдоршоҳдан бунда лашкар келибди,  
Сардори Қисакўз, Рустам бўлибди,  
Қайсар жуда ўзин чоғлаб келибди,  
Овозаси мамлакатни олибди.  
Қайтманглар, бу ёвга талаб айланглар!  
Сабош бўлса, ширин жондан кечинглар,  
Душманларга кафан тўнин бичинглар,  
Олтин пиёладан шароб ичинглар.  
Гўрўғлиман, менинг сўзим билинглар,  
Урушли кун арғимоқни мининглар,  
Қисакўзнинг жазосини бериңглар!  
Моли, зарин—барин ўлжа қилинглар.  
Омонликда биз ҳам ботир деганлар,  
Сарпа кийиб биздан инъом олганлар,  
«Қани, бизга ёвни кўрсат» деганлар,  
Мана ёв! Отлангин, азамат эрлар!  
Бир навжувон, ўзи шундай хиромон,  
Ҳар ким кўрса бўлар ҳуснига қурбон,  
Урушли кун сардор бўлсин Авазхон!

Хон Гўрўгли миниб энди Ғиротни,  
Қиличин қўлига олиб шу замон,  
Ғиротин ўйнатиб Чамбилдан чиқди.  
Аваз, Ҳасан Мажнункўкни минганди,  
Сардорларнинг бири бўлиб турганди,  
Лашкарга бош бўлиб Ашурбек сардор,  
Сўнгра қаладан чиқди муқаррар.  
Юсуф султон миниб Қора тулпарни,  
Баҳодирлик ном кўтариб кўп юрган,  
Қанча душманларнинг додини берган,  
Қанча одам билан энди шу замон,  
Чаман ўғли Алибек ҳам отланган.  
Уруш бўлса кечар эди ширин жон,  
Зарбасидан титраб Балху Бадахшон,  
Чамбилбелда кўп одамман отланди  
Йигитларга сардор бўлиб Холдорхон,  
Кўп душманман ёлғиз қилар урушни,  
Янгитта оп келган Холдор бувишни.  
Шу замонда ёрига кўзи тушди.

Шунда Холдорхоннинг Ваянган шаҳридан келган, мусофирлик  
юртини кўрган, Холдорхонга суяниб турган ёри эрининг отланга-  
нини кўриб, хафа бўлиб, Холдорхонга қараб бу сўзни айтиб турган  
экан:

Утар дунё ўтарини ўйладинг,  
Қиёмат деб ширин жонинг қийнадинг.  
Ваянгандан олиб келибсиз бизни,  
Бизни ташлаб, қайга талаб айладинг?  
Мусофир қип қўйма мендай ёрингни,  
Баланд-пастин мен билмайман шаҳрингни,  
Чўл қип кетма бунда кирдикорингни.  
Остингда бедовинг ўйнар юз алвон,  
Олмос пўлат белда, эгнингда қалқон,  
Бу сўзима жавоб бергин, бегижон.  
От ўйнатиб, жоним, қайга борасан?  
Борар мазгилингни сендан сўрайман,  
Айтиб кетгин, борар еринг билай ман.  
Аёл деб, сен мени хафа қилмагин,  
Ўз бошингга, жоним, кета бермагин!  
Борар мазгилингни баён айлагин,  
Қайтар мўлжалингни сендан сўрайман,  
Жон борида йўлларингга қарайман.  
Беклар оша юртга сафар қилдими?

Гүрүҗлихон амри шундай бўлдими?  
Сендайин хонимга навбат келдими?  
Бизни ташлаб, хоним, қайга борасан?  
Остинга минибсан араби тулпар,  
Кетсин-да кўнглингдан чер билан ғубор,  
Хон тўрам, бўйингдан, давлатли шунқор,  
Сен отландинг, кўнглима кўп гап келар,  
Борар еринг айтиб кетмоғинг даркор!

Бу сўзни эшитиб, Холдорхон отнинг жиловини тортиб, одамларини илгари ўтказиб, ўзи кейин қолиб, ёрига қараб бу сўзларни айтиб турган экан:

Асли ўзим хонга навкар бўламан,  
Хоннинг хизматига кетиб бораман.  
Шохдоршоҳдан оғир лашкар келибди,  
Евмит дашти душманларга тўлибди.  
Шакар кўлни ёқалашиб қўнибди,  
«Юртни бўшатсин», деб хабар қилибди.  
«Юрт бўшатғич душманларни кўрай» деб,  
Аччиғ билан кетди Гүрүҗли шунқор,  
Кейнидан отланиб сардору навкар.  
Олис эмас, яқин ерда уруш бор,  
Тез қайтарман борсам, гул юзли дилбар!

Холдорхон бу сўзларни айтиб, одамларни ияртиб, Ашурбек сардорнинг кейинидан етди. Булар соф Шакаман мерган, Асад, Шодмонларнинг олдига тушиб, Гүрүҗлининг кейинидан етишиб, ёвнинг элига хабар берди. Шакар кўлга яқинлаб қолди. Шакар кўлни ёқалаб, Зебит чўлига қўниб ётган Шохдоршоҳнинг лашкарини кўрди. Буларнинг боришини кўриб, Қисакўз лашкари тебраниб, билмаганга билганлари хабар қилиб, ҳар катталари чотирга йиғилиб, уруш тараддудини қилиб, булар ҳам саф-саф бўлиб, яроғини қўлига олиб, отини миниб, майдонга келиб турди. Гүрүҗли буларнинг тараддуд қилганини кўриб, йигитларига шердиллик бериб, бир сўз айтиб турган экан:

Мард йигитлар, киринг майдон орага,  
Душман қонин чочмоқликдир, ёронлар!  
Боринглар душманга сиз дўна-дўна,  
Қафан тўнин бичмоқликдир, ёронлар!  
Тоғлар кўринмасин бўлган тумана,  
Ҳар дарани бўянг қирмизи қона,  
Қойил бўлсин бизга халқи замона.

Бу душманлар қила билмас ишини,  
Емон кунда кўздан тўкар ёшини,  
Кўрган йўқдир мардларнинг сабошини,  
Номус учун қучоқлайди бошини.

Бу душманга қочмоқликдир, ёронлар!  
Ҳар қайсинг арқираб эрдай бўлинглар,  
Тоғда ақирган<sup>1</sup> мисли шердай бўлинглар.  
Бу душманни бир ўртага олинглар,  
Юз қайтармай баринг бирдан боринглар,  
Омон бермай жудагина қиринглар.  
Англаглар, йигитлар, сўзнинг мазасин,  
Эшитинглар мендан гапнинг тозасин,  
Душман топиб кетсин бунда жазосин.  
Бунда кепти қилиб ният қазосин,  
Сардорларим, бўлиб боргин ҳозир бош!  
Урушни Авазим кўрсин — ҳали ёш.  
Уруш кунлар бу майдонда туради,  
Ҳасан, Аваз кўрса таълим олади.  
Гўрўғли бек сўзни айтиб туради,  
Мардларнинг ғайрати тошиб боради.

Бу сўзларни Гўрўғлидан эшитиб, урушда юрганлар: — Гўрўғли  
рост айтади, қалқон ишлатганлар қилич, найза яроғини қайтара-  
ди, ишлата олмаган анойилар тикка бориб ўзини тигга уради: ё  
ўлади, ё ярадор бўлади. Гўрўғли неча ишларни кўрган, не катта  
урушларда туриш берган, ҳаммасини ҳам бошидан ўтказиб кўр-  
ган, бу ишларнинг маъносини билган, баҳодирлар билсин, деб,  
гапириб турган, — деди:

Талаб қипти, катта уруш бўлсин-да,  
Келганига кўп пушаймон қилсин-да,  
Гўрўғлининг одамлигин билсин-да,  
Қолгани элида айтиб юрсин-да.  
Неча сўзни шоҳи лоф урибди,  
Юрт олмоққа ажаб талаб қилибди,  
Шохдоршоҳи маслаҳатни берибди,  
Душман бўлиб бизларга қасд қилибди,  
Чамбил юртим бу ўртада қолибди.  
Бу элни олмоққа толиб бўлибди,  
Мендай шоҳинг бу ишларни билибди,  
Азаматлар, бир иш бошлаб туRINGлар,  
Довул уриб бу лашкарга қиринглар,  
Бирор майдон қиличбозлик қилингла,  
Ким ғолиб келади сўнгра билингла.

<sup>1</sup> Тоғда айқирган-ҳайқирган.

Гўрўғлининг бир деган одами Юсуф султон, неча урушларда бирга юрган, ҳам маҳрамлик қилган, иш билмаган нечалар таълим олган. Юсуф султон Гўрўғлига қараб бу сўзларни айтиб турган экан:

Ушбу дамнинг дамларини дам дема,  
Эсонликда давлатингни кам дема!  
Шоҳдоршоҳ лашкарин кўриб, султоним,  
Оғир лашкар бу, деб сира ғам ема!  
Баҳодирлар тўш-тўшидан от солиб,  
Бу турган лашкарни ўртага олар,  
Қилич, найза, билинг, ўтдайн ёнар,  
Қочиришиб, қувиб, қириб ўч олар.  
Баҳодирга ғам емоқлик не даркор?  
Эртароқ, султоним, ургин довулни,  
Қиличлашиб, бир кўрайик сабилни!  
Душман қолсин бунда ақли шошиб,  
Туман бўлсин, юрар йўлдан адашиб.  
Ўлмаган тириги қўлига тушиб,  
Ҳалак бўлиб келган булар бел ошиб,  
Бу бойқушлар Чамбил юртин сўрашиб,  
Лашкарининг бари бизга қарашиб.

Қараманг баланд-пастига,  
От қўйинг душман устига!  
Бир иш бошлаб қилинг майдон,  
Оғир лашкар бўлсин яксон!  
Тўрт бир ёндан, беш бир ёндан,  
Эр йигитлар, кечинг жондан!  
От қўйинг душман устига!  
Бу сўзни Юсуфбек айтди,  
Мардлар кўтарилиб кетди.  
Аввал қистаб минган отни  
Баҳодир илгари ўтди.  
Хон Гўрўғли довул уриб,  
Уруш йўлини кўрсатди.  
Ҳар қайсиси лочин, шунқор,  
Бундай кунда туриш бекор,  
Жовлик от қўйда кўп қайсар,  
«Қиринглар!» деб қолди шунқор.  
Қисакўз билан Рустам бор,  
Лашкарига шиддат бериб,  
Бу ҳам от солди — душманлар.

Қилич, найза ширқиллашиб,  
Бедов отлар дирқиллашиб,  
Қарағай найза сўлқиллашиб,  
Икки лашкар аралашиб,  
Бир-бириман найзалашиб,  
Бир нечаси қиличлашиб.  
Қилич келар алаб-ялаб,  
Ботир бир-бирига қараб,  
Душман бўлди эрга талаб.  
Олтин коса, гулгун шароб  
Ичилди майдон ичинда.  
Бўз тупроққа қирмиз қонлар  
Қотилди майдон ичинда.  
Бу майдонда араби отлар  
Қутилди майдон ичинда,  
Қалтабақай ҳам торбиқин—  
Тутилди майдон ичинда.  
Чодир-чодирга чотилиб,  
Бир-бирига ғайрат қилиб,  
Урушда мардлар бош бериб,  
Чопишар майдон ичинда.  
Баҳодирлар бир иш қилди,  
Бирор майдон уруш қилди.  
Энди беклар кўп иш қилди,  
Бир неча отдан йиқилди,  
Бир нечаси оғиб қолди.  
Ҳали мурод бўлмай ҳосил,  
Дам олишмайди бир фасл,  
Душманни қиришмоқ учун,  
Майдонда сурушмоқ учун,  
Юсуф лашкари жам бўлиб,  
Қисакўзга босим келиб,  
Бир-бирларига дуч бўлиб,  
Келди у Рустам қўшилиб.  
Аширбек майдонга борди,  
Юсуфбекка ёрий берди.  
Пўлат тигин қўлга олди,  
Гўрўғлидан бошқа қолмай,  
Бариси бирдай от солди.  
Биров-бировини кўрмай,  
Бу урушдан обру олмай,  
Сира қайтманг, дер, қочирмай,  
Бу Қисакўзни ўлдирмай,  
Рустамини банди қилмай,

Майдонда довул урилмай!  
Қарамайди ошу нонга,  
Чиқиб тутуни осмонга,  
Аралашиб кўп душманга,  
Ичи ачимас ширин жонга;  
Шундай бўп кирди майдонга.  
Бир нечалар кетди қочиб,  
Бир нечалар қўлга тушиб,  
Кўринг, Юсуфбекдай полвон  
Қисакўзга яқин борган.  
Қисакўз ҳам калтагини  
Бу бекка ҳавола қилган,  
Душман зарбига рад берган,  
Қулай ёғин олди полвон.  
Қиличини қўлга олиб,  
Қисакўзга қилич солиб,  
Юсуфбек майдонда ғолиб.  
Исфихони олмос пўлат,  
Душманга қараб чўзилди,  
Душманнинг бағри эзилди.  
Душман минган карки билан  
Баробар қип икки бўлди,  
Қисакўз майдонда ўлди,  
Шу замонда Рустам келди.

Шунда Рустам Қисакўзнинг ўлганини билиб, от суриб яқинлаб  
келиб, бу сўзни айтиб турган экан:

Сен бунда ажаб иш қилдинг,  
Зўр Қисакўзни ўлдирдинг,  
Сен калтагига рад бердинг,  
Ўлдирмоқнинг тилин билдинг.  
Эр Рустам майдонга келди,  
Ҳали ҳам сен турармисан?  
Е бўлмаса ўлармисан?  
Мени таниб билармисан,  
Мендан омон қолармисан?  
Мени ҳам сен урармисан,  
Қисакўздай қилармисан?!  
Мен ҳам Рустам ном кўтарган,  
Шохдоршоҳдан инъом олган,  
Оғир лашкарга бош қилган,  
Шоҳим қизин бермоқ бўлган.  
Рустам келди сен турибсан,



Қандай жонсан фалак урган?  
Сен сира одамни билмай,  
Уламан деб парво қилмай,  
Нима қиласан айрилмай?  
Ҳали ҳам кета бер турмай,  
Бир урсам яксон бўларсан!  
Нега сен бунда турарсан?  
Рустам эканим биларсан,  
Қандай баробар бўларсан?  
Овозам кетган фалакка,  
Сенга рўпараман якка;  
Бориб сен арзингни айтгин  
Суянган Гўрўғли бекка!  
Улимдан қайтмаган шўрлик,  
Узингни ҳалок қиларсан.  
Мен ҳам кўп майдонни кўрган,  
Қўлимда қанчалар ўлган.  
Мени отлар тортолмайди,  
Фил миниб майдонга кирган,  
Сен ҳолингни билмай келиб,  
Той миниб, талтайиб турган.

Бу сўзни Рустамдан билиб,  
Юсуфбек ҳам яқин келган:  
— Шохдоршоҳда сен ҳам Рустам,  
Бунча сўзларни лоф урган,  
Ким ўлиб, кимлар қолган,  
Бадбахт, бунча кўтарилма!

Иккови қандай бўлар деб,  
Кўп лашкар қарашиб турган.  
Бир-бирига ҳамла қилган,  
Аввал Рустам — Ўлдинг, — деди,  
Ажал ҳайдаб келдинг, деди.  
Зўрга дучор бўлдинг, деди.  
Қиличин ғилофдан олди,  
Юсуфбекка сир бермади,  
Бу бошига сипар тутди,  
Дубулғасин қирқиб ўтди.  
Юсуфбек қилиб ғайратни,  
Утдаин тутатиб кетди,  
Отига қамчи урганда,  
Рустам навбат берганди.  
Илгаридан аралашиб,

Неча ёв билан сабошиб,  
 Кўп урушларни кўрганди.  
 Йиқитди Рустам полвонди,  
 \* Боши тандан айрилганди.  
 Филдан Рустам йиқилганди,  
 1 Лашкар билди — ўлганди,  
 Қараб турган одамлари  
 Қочмоқни қулай билганди.  
 Шоҳнинг қизин оларман деб,  
 1 Кўрмайин ўлди давронни,  
 Юрагига солиб кетди  
 Бу дунёдан юз армонни.  
 Билгин, лашкар фалак урди,  
 Қисакўз ҳам Рустам ўлди,  
 Қочмай бунда турган лашкар,  
 1 Қутилмаган, бари ўлди.  
 Қочмоқ ишин қулай билиб,  
 Келганлар пушаймон қилиб,  
 Чодир-чаман, не либослар  
 Шундайин қолди тўшалиб,  
 Келган йўлни ўзи билиб,  
 Қочиб боради бош олиб,  
 Қочди лашкар бош-бошига,  
 Сўз айтмай ҳеч бир кишига.

**Шохдоршоҳдан лашкар келиб, Чамбил қаласини олармиз, деб умид қилиб, Қисакўз билан Рустам полвон ўлиб, тағи қанча лашкари нобуд бўлиб, қочган қутилиб, зинкийиб турганлари тутилиб, Гўрўғлининг одамлари қувиб, йўлга солиб, билган ишини қилиб; Урда бозор, анжом, мол-зарлар ўлжа қолди. Ҳамма баҳодирлар йиғилиб, ўлжаларни бир ерга тўплаб уюпти. Гўрўғли айтди:— Бизнинг юртга яқинда келган Авазни ўғлим деганман, ҳар нимадир уруш ишини баҳодирлардан кўрди, энди ўзбек расмига тушувсин; бу мол-зарни бўлиб бериш ихтиёрини Авазга берайик, эси бўлса ўзи билар, ўзи тамизи билан тахмин қилар, у ҳам илгари катта эшикларни кўрган, неча йил Хунхор шоҳнинг олдида маҳрамлик килган, катталарнинг ишини билган, улуғлардан таълим олган, шу ўлжани бўлса, ундан кейин бизнинг расмимизни билса уdda қилгундай экан, — деб гапирди. Бир неча беқлар Гўрўғлидан бу сўзни эшитаб, Гўрўғлининг бетига айтолмай, ўз-ўзига қараб: — Оббо! Хунхор мамлакатидан бир болани олиб келиб, шуни ўлжа бўлгич қилиб, баримизни унинг қўлига қаратиб, ихтиёримизни шунга беради шекилли бу, — деб бир-бири билан шивирлашиб турди. — Энди ихтиёримиз Авазда бўлади чоғдан, бу ҳали кимнинг**

қадрини билади. Бу сўзларни кейинида айтиб, олдида айтолмай:— Албатта шундай бўлгани яхши, Авазнинг ҳам кўргани яхши,— деб Гўрўглининг сўзини маъқул билишиб, Авазга ихтиёрни беришиб, Авазхон қалқонни қўлига олиб, қолқонни ўлчов қилиб, тангатиллаларни қалқонлаб бўлиб, ҳар бекнинг мартабасини тажриба билан билиб, ҳамма қолган ўлжаларни бўлиб берди. Ўлжадан кўпроқ текканлар димоғи чоғ бўлди: — Ўзи ёш экан, ёш ҳам бўлса бош экан, ҳар кимнинг мартабасини билиб қолган экан. Биз буни бунчалик фаҳмлаганимиз йўқ эди, — деди. Ўлжадан озроқ текканлар: — Кимнинг қадрини билади, бировга оз, бировга кўп, бу ерда ҳамма ҳам қонли кўйлакни кийган, жондан кечиб қон тўкишиб ўлжа қилган, — деса, яна бир нечалари айтди: — Сизлар билмайсизлар, хўп бўлувчи экан, ҳеч қайсиларингнинг эсингиз бунинг эси билан баробар эмас, — деб ҳар қайсиси ўз билганини гапириб, қолган ўлжаларни олиб, бу сўзларни айтиб, Чамбилга бораётган экан:

Аваз ўғлон хўп бир ақли донодир,  
Ботирларнинг мартабасин билади,  
Бўлув тартибини шундай қилади,  
Кўрганлар Аваздан таълим олади.  
Қатқони хон Гўрўгли боради,  
Зебит чўлдан бирга қайтиб беғу хон,  
Барисидан ғолиб бирга Юсуфхон.

Найман уруғидан ботирди Шодмон,  
Нечанинг аламин у кўзлаб урган.  
Гўрўғлига келиб навкарлик қилган,  
Бунинг мерганлиги дафтари бўлган.  
Қипчоқ уруғидан келиб Асадхон,  
Қирқ уруғдан бориб унда Холдоржон,  
Не оғир ишларни ёлғиз битқарган.  
Ўлжали бўп қайтган Зебит чўлидан,  
Қуш солишиб юрган Шакар кўлидан,  
Шохдорнинг одами олисдан келган —  
Ўз оёғи билан келиб илинган,  
Олиб кеп қўлидан ўлжани берган.  
Оламиз, деб келиб балога қолган,  
Қолгани энтикиб элига борган,  
Неча сўзни подшосига гапирган:  
— Бизлар омон-эсон келдик қутулиб,  
Не одамлар кетди беҳуда ўлиб,  
Қанча ярадорлар йўлларда қолиб,  
Одамнинг ўткирин Чамбилда кўриб.

Чамбил ботирларга манзил хонади,  
Чамбилга ким борса, тайин ўлади.

Бу сўзни борган қочқинлардан эшитиб, Шоҳдоршоҳ — Бўлганинча бўлган экансан, юрагинг ёрилиб ўлган экансан, хўп иш қилибсан, ўлмай келган экансан, у бир Гўрғурли-да; у бир чангиб ётган белдан икки қўл остининг сўғилишган еридан қўрғон солиб, унга чортоқли Чамбил от қўйган. Бу қўрғонни солгандан кейин бешта-ўнта ўғри-ўтрикчи келиб, қўшилиб, кўпайиб, пича мартаба топибди. Бир ўғрига йўлиқиб мунча юрагинг ёрилиб, қўрқиб, менинг олдимда таъриф қиласан. Мен унинг авлод-аждодини биламан, Гурўғли янгиттан чиққан. Унинг отаси-энаси менинг юртимда қанча юрган, отаси менинг қўлимда кўр бўлиб, «синчиман» деб, менинг қўлимдан қутилиб кетган.

Мен ажали етган, куни битган икки лабарсақ полвонни сизларга бош қилиб юбордим: улар борибди, ажали етган экан — ўлибди, беш-олти ўғри сизларни олдига солиб қувибди, унча-бунча таъриф нима даркор!—деди. Бу сўзни эшитиб, қочқинчилар Шоҳдоршоҳга тағи бир сўз деб турган экан:

Подшоҳим, уларни номард билмагин,  
Менинг сўзим сен кўнглиннга олмагин.  
Бир йўлиқсанг Гўруғлининг чангига,  
Қутилишни сира умид қилмагин.  
Бу гапимнинг ёлғони йўқ, зўравор,  
Одам эмас, улар мисли аждаҳар.  
Ишқирса, дамига кетар шаҳарлар,  
Одам тухми бўлолмайдди баробар.  
Юз мингта лашкаринг саф тортиб турса,  
Қиличли, анжомли, яроқдор бўлса,  
Чамбил одамидан биттаси келса,  
Ҳадди йўқ лашкаринг баробар бўлса!  
Минган оти учар қушни олади,  
Улар билан ким баробар бўлади?  
Ширин жоним азоб кўриб бу танда,  
Билсанг, бизлар бўлиб келдик шарманда.  
Аҳмоқ бўппимиз сатта зўрни ахтариб,  
Бизга не гап бўлди Чамбилга бориб?!  
Одамнинг қайсарин Чамбилда кўриб,  
Балли бизга, омон-эсон қутилиб,  
Ўлмай келдик, қомадик-ку тутилиб!

Гўрўғли лашкари билан кўп ўлжани олиб: Чамбилга келиб, ҳар қайсиси ўз манзилига борибди. Гўрўғли Аҳмад сардорни ўз қо-

пига чақириб олиб, менга неча сўзлар гапирдинг, уруш устида отланиб бораётиб, сўрамадим. Энди худога урдирмай гапиргин, деб турган экан:

Кўп йиғлайди ғамли қуллар зор-зор,  
Одамимдан қайси бўлди иғвогар?  
Неча сўзни тусмол қилиб гапирдинг,  
Қайси одам ўлдирмоққа қасд қилар?  
Қаерда маслаҳат қилди йигитлар?  
Давлат билан шоли-шолдам ўрайман,  
Бу сўзларни таҳдид қилиб сўрайман,  
Гапир, билсанг, жамолини кўрай ман!  
Қайси сардор бўлар бугун иғвогар?  
Боши кетар, агар бўлса гуноҳкор!  
Неча сўзни ўзинг айтгин, бек сардор,  
Сўзингга гувоҳлик берсин йигитлар.  
Кимни ёмон десанг, бошин оларман.  
Холисликдан одам кўрсатолмасанг,  
Тоғам бўлсанг ҳам, бил, дорга иларман.  
Тоғам деб мен сени раъя қилмайман,  
Ёмонларнинг жасозини бергайман,  
Бу сўзингни, тоға, сўраб тергайман.  
Бировни кўролмай юрган бўлмагин:  
Бадфеъллик қилиб, иғво қилмагин,  
Бировнинг ҳақиға зомин бўлмагин,  
Рост гапир, ҳеч кимни раъя қилмагин.

Бу гап ҳеч амалдорнинг қулоғига теккан йўқ эди. Бирданига Аҳмад сардордан Гўрўғли сўради. Утирган амалдор, жиғадор, туғдор, саркарда беклар бу сўзни Гўрўғлидан эшитиб, барининг ҳуши бошидан учиб кетди, ҳамма саросима бўлиб қолди: — Гўрўғли бундай сўз сўради, тавқи лаънат кимга илинади. Гўрўғлининг тоғаси, туркман элининг оғаси, кўп гапи ерда қолмайди, қирқ минг уйнинг каттаси, қирқ минг уйли элат бунинг оғзига қараган. Кимни иғвогар қилиб кўрсатади, — деб ҳамма беклар саросима бўлиб қолган. Шунда Аҳмад сардор бекларга назар солиб... Аширбек сардор бу мажлисда йўқ эди. Аширбекда озгина иши бор, Гўрўғлига қараб, бир сўз деди:

Хон Гўрўғли, сенга айтар арзим бор,  
Қариганда сўлган гулдай гарзим бор,  
Худойимдан беш вақт намоз қарзим бор,  
Қариганда иғво сўзинг не даркор?  
Албатта, билади турган йигитлар,

Бешта-ўнта у ишлардан хабардар,  
 Сенга душман бўлган Аширбек сардор.  
 Аширбекни оша тўғри билибсан,  
 Яхши билиб лашкар боши қилибсан,  
 Аширбекдан билмам, фойда кўрибсан?  
 Унинг кўнглидагин билмай юрибсан.  
 Неча шаҳарларни бориб олганди,  
 Билгин, сени ўз йўлига солганди.  
 Эндиги ваъдаси шундай бўлганди,  
 Чамбилни қўлингдан олсам деганди.  
 Оё, сенинг билмаганинг билдириб,  
 Ҳарна деса, айтганига кўндириб,  
 Вақтин топиб, бағринг қона тўлдириб,  
 Гапи шу: сени Чамбилда ўлдириб,  
 Беклик даврин сурмоқ Чамбилда туриб.  
 Одамим деб яхши қараб юрасан,  
 Унинг гапин сен ҳам нима биласан.  
 Кўнглидагин айтсам: тайин ўласан,  
 Ўзинг ўлиб, юртни қўлдан берасан.  
 Шу ўйни гапирган Аширбек сардор,  
 Мендан ўзга эшитиб билган одам бор.  
 Худойликни айта берсин йигитлар,  
 Тўғри сўзга ким бўлади гуноҳкор?!  
 Сенга кўп қайишиб бу Аҳмад сардор,  
 Тўғри айтар ичи ачиган йигитлар,  
 Аширбек қўлида у қанча лашкар,  
 Туриб ўйла, бариси ҳам анжомдор,  
 Қасд қилса, қўлидан ҳар иш ҳам қелар,  
 Бу сўзларни ўйла, Гўрўғли номдор!

Бу сўзларни сардордан эшитиб йигитларга қараб Гўрўғли бир  
 сўз айтиб турган экан:

Катта-кичик турган азамат шерлар,  
 Сардорнинг сўзига жавоб беринглар!  
 Қайси ёмон бўлса маълум қилинглар,  
 Гуноҳкорни туриб бойлаб олинглар,  
 Бир қабоҳат ёмон кунни солинглар!  
 Ким яхши, ким ёмон — ўйлаб билинглар!  
 Бу гап қандай, беклар, жавоб беринглар,  
 Холис сўзни бунда ўйлаб туринглар!  
 Турган беклар, ҳаммангдан ҳам сўрадим,  
 Бирга-бирга йўлдош бўлиб юрдингми?  
 Аширбекнинг маслаҳатин билдингми?

Ҳеч маҳал сўзини англаб турдингми?  
 Аширбекнинг душманлигин билдингми?  
 Хазон урмай боғнинг гули сўлмасин,  
 Ажал етиб паймонаси тўлмасин,  
 Тухмат билан у Аширбек ўлмасин,  
 Тоғамники асли туҳмат бўлмасин;  
 Утирик сўз ростдай бўлиб қолмасин,  
 Бу сўзимга жавоб бергин, йигитлар!  
 Хабар бергин, Аширбекда не гап бор?  
 Аширбек устидан сўйла, холислар!  
 Ёки Аҳмад тоғаммиди ифвогар?  
 Тухмат билан ўлса қабоҳат бўлар,  
 Тоғамнинг сўзини сардор айтдими?  
 Аширбекнинг феъли озиб кетдими?  
 Ифвогарлик билан бунда етдими?  
 Айтинглар, Аширбек биздан қайтдими?

Бу сўзни Гўрўғлидан эшитиб ўтирган беклар бир хили «ўтирик гап», деб ошкор қилолмай ичида айтиб, гапирмоққа Аҳмад сардордан қўрқиб, тилини тортиб, бир хили «рост бўлса ростдир», деди. Аҳмад сардорга тобе йигитлар: — Гўрўғли хоним, ўзингиз билмайсизми? Шунча мартабаси билан Аҳмад сардор ўтирик айтади-ми, ҳар гапни етаклаб юрувчи одам кўринадими? Албатта, билиб айтади. Билмаса, бекор туҳматни киши бировнинг устига қандай қилиб ортади. Аҳмад сардор туҳматчи бўлса, бунда мунча мартабаси бўлмас эди. Аҳмад сардор, албатта, сизга қайишганидан, ичи ачиганидан гапирди. «Бир ёмон тоға етти отанинг ўрнига ўтади» деган гап бор, танангизга ўйланг, бекор туҳмат нима даркор?—деди.

Бу сўзни эшитган бир неча беклар: «Аттанг, бу иш ёмон бўлди, Аширбекка бежо қасд қилди, гап улашиб кетди, кўп одамлар бу сўзни бежо айтди. Уйласак, Аширбекнинг куни битди. Аширбек туркманнинг ёвмут уруғидан, икки ўғли бор, болалари ёш қоладиган бўлди.» деб кўнглидан кечирди.

Бу ўтирган беклар ичида Аширбекнинг биродарлари бор эди. Булар фикр қилиб кўнглида айтди: «Бу сўзни Аширбекка билдирмоқлик даркор. Гувоҳлик берди қапча одамлар, бундан борса., амалдор бу ерга олиб келса, армон билан ўлдирар». Ҳар қайсиси кўнглида борини ўзи ўйлаб турди. Аҳмад сардорнинг ҳурматини раъя қилиб тўқсон олти киши гувоҳлик берди. Гўрўғли ўйлаб айтди: «Шариатда икки одам гувоҳлик берса, бир одамни ўлдиради, тўқсон олти одам гувоҳлик берди. Булар тоғамни ҳурмат қилиб билмай гапирган бўлса, жаҳаннамга кетди.» деб Гўрўғли бир сўз айтиб турган экан:

Утар дунё ўтарини ўйладим,  
Аё беклар, тил боринда сўйладим,  
Аширбекни мен гуноҳкор айладим.  
Аширбекнинг ўрдасига боринглар!  
Аширбекни бойлаб, банди қилинглар,  
Қўлин бойлаб бунда ҳайдаб келинглар!  
Ўрдасининг атрофини олинглар,  
Мерганларман бирга боринг, жаллодлар!  
Бу сўз юртга кўп овоза бўлмасин!  
Биров бориб унга маълум қилмасин!  
Ўзин тағи бўлак юртга олмасин,  
Ҳар гап бўлса, бунда турмай боринглар!  
Қуш кўринса ани чоғлаб отинглар!  
Олиб келиб уни дорга тортинглар,  
Шу сўзларни айтди Гўрўғли номдор.

Гўрўғлидан бу сўзни эшитиб, мерганлар билан бирга жаллодлар жўнади. Холдорхон, Аширбек гуноҳкор бўлди, деб булардан бурун Аширбекнинг ўрдасига бориб, бу сўзларни айтиб турган экан:

Сўзима қулоқ сол, Аширбек сардор,  
Ҳақми, ноҳақ — бўлиб қолдинг гуноҳкор,  
Кўп гувоҳлик берди саркарда беклар,  
Сендан додхоҳ бўлди Аҳмад баччағар.  
Хон Гўрўғли сени қилди гуноҳкор,  
Ҳўкм қушинг тайин бўлди муқаррар,  
Дам-бадамда келиб қолар жаллодлар.  
Чамбил элда Гўрўғлидир зўравор:  
Бунинг билан бўлолмайсан баробар,  
Бу тухматман, билгин, сени ўлдирар.  
Сенга айтган менинг сўзим шу бўлар:  
Ўзингда қолмади ҳеч бир ихтиёр,  
Сени кўролмаган неча беклар бор.  
Менинг сўзим қулоғингга ол энди,  
Бундай ўлма, бош панангни қил энди!  
Мени десанг, турма Чамбил шаҳрида,  
Тортиласан Гўрўғлининг дорига,  
Тушиб қолма жаллодларнинг қўлига.  
Арзи ҳолинг айтма қариндошингга,  
Ёмон савдо тушиб сенинг бошингга:  
Қайда борсанг, сени қувиб боради,  
Агар қочсанг, кўрса сени отади.



Сени ўлдириб, бориб дорга тортади,  
Бола-чақанг бу ерда бўзлатади.  
Биз биламиз, Аҳмад сардор ифвогар,  
Сўзин қабул қилмай Гўрўғли номдор,  
Ишонмайин турди у замон қайсар,  
Сўнгра ўтди гувоҳликка йигитлар,  
Ундан кейин қабул қилди у номдор.  
Ҳаялламай келиб қолар жаллодлар,  
Бунда турсанг армон билан ўлдирар,  
Эртароқ чиқа кўр Ёвмит даштига,  
Билдирай деб келдим сенинг қошингга,  
Қувонмайман сенинг бундай ишингга.

Гўрўғлига неча йиллар хизмат қилган, Гўрўғлининг биринчи  
одами бўлган Аширбек охир-оқибат шу сўзни эшитиб, бу сўзни  
айтиб турган экан:

Илойим қўрисин Гўрўғли иши,  
Қажга айланган шум фалакнинг гардиши,  
Ватанимдан қочиб қайга борайин?  
Қандай бўлса, мен Чамбилда турайин,  
Сўнгра мен ҳам бир бедовни минайин,  
От ўйнатиб Регистонга борайин,  
Баҳодирлик ишин мен ҳам қилайин,  
Ҳар гап бўлса, тақдиримдан кўрайин.  
Қон тўкишиб, бирор уруш қилайин,  
Иш қилиб, дўстларим бунда кулдириб,  
Неча душманларни шунда ўлдириб..  
Булар билан қиличлашиб кўрайин.  
Бундан қочиб кетмоқ номарднинг иши,  
Ажал келса, тайсалламас мард киши,  
Шундай қилса Гўрўғлихон сиёсат,  
Бу ўрдама босиб келса кўп жаллод,  
Кетгин, деб менга насиҳат қилмагин!  
Оша дўстим, мени номард билмагин!  
Қочиб мен бўлмайин аҳмоқ,  
Бола-чақадан айрилиб,  
Қолмасин юракда бир доғ,  
Баланд тоғлар тумон бўлди,  
Неча дўстлар душман экан,  
Омон қолмоқ гумон бўлди,  
Гўё охир замон бўлди.  
Хазон бўлди тоза гулим,  
Бемаҳал етишди ўлим.

Билмайман не бўлар ҳолим,  
Сабил бўлди кирдикорим,  
Сочин ейиб йиғлаб қолар  
Бунда тул бўп, олган ёрим,  
Гўдакларим норасида,  
Қочиб кетсам, жудо тушар,  
Ота дейишиб кўп йиғлашар,  
Ғариблик кулфати ошар!..

Бу сўзни эшитиб Холдорхон:

— Эй сардор, аслида бўйин йўғонлик бекор, сен чиқиб Гўрўғли билан уруш қиламан, дединг, у ишлар сенинг ишинг эмас, у билан тенг бўлишмоқлик қийин нарса: сен билан мен унга хизматкормиз. бир юртнинг подшосиман, деб сўраб турганлар у билан баробар бўлолмаяпти, унинг дамини қайтаролмаяпти. Беҳуда кўтарилиб ўртага тушиб ўлганча, «кун кўрганнинг куни ортиқ» деган гап бор. Нима бўлса Гўрўғлига дучор бўлмагин, ўзинг хўп танангга ўйлагин: «зўрнинг зўрлигига, югурикнинг югуриклигига, эрнинг эрлигига қойил бўлмаганнинг хотини талоқ» деган гап бор. Менга солсанг, кетмоқни қил ихтиёр, —деб Холдорхон икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Албатта, жон дўстим, кетмоғинг даркор!  
Бўлак подшоларга бўлгин хизматкор,  
Ким билмайди баҳодирлик номингни,  
Бўлак подшо берар от-анжомингни.

Хизмат қилсанг берар ошу нонингни.  
Икки ўғлим дейсан, кўнглинг бўласан,  
Кўп турсанг сен, кўлга тушиб ўласан,  
Ўйла ўзинг, қаерда кам бўласан?  
Мен айтган сўзларни ўзинг биласан,  
Ақли расо сардор, ўзинг доносан.

Бу сўзларни Холдор айтди,  
Насиҳатни бериб қайтди.  
Ҳадик олиб у Аширбек,  
Дарбозасини беркитди.  
Шу вақти жаллодлар етди,  
Чиқар деб пойлаб турибди.  
Бу ишларни сардор билди,  
Ички ўрдасига борди,  
Урдада ёрини кўрди,  
Фарзанди — жонини кўрди.

Кўрибоқ бу кўнгли бузилди,  
 Сардорнинг бағри эзилди.  
 Олган ёрига сир бермай,  
 Ўзи дилтанг, гап гапирмай,  
 Сардор ишин булар билмай,  
 Шу замон таблага борди.  
 Хотинига гап гапирмай,  
 Таблада миниб отни,  
 Изламоқ бир бошқа юртни,  
 Сардор бошига кун туғиб,  
 Дарбозани энди очди,  
 Шу замон жаллодни кўрди.  
 Жазойилни қўлга олиб,  
 Кўп мерган онгиб турибди,  
 Сардор бундан ҳадик олиб,  
 Қочди деб, милтиқ бўшатди.  
 Бу ўқлардан омон ўтди,  
 Шу замонда кўринг сардор  
 Қиличини сермаб кетди.  
 Ўн тўрт-ўн бешта жаллоднинг  
 Қилич бошин олиб кетди.  
 Шундай қилиб, манзилидан,  
 Айрилиб туркман элидан,  
 Мусофирлик юртин излаб,  
 Ҳолига бўтадай бўзлаб,  
 Ўз юртидан чиқиб кетди.

Шунда сардор чиқиб бораяпти, болаларининг қолгани эсига тушиб, кўнгли бузилиб, кўзидан ёши тизилиб бораяпти. Гоҳ у ён бошдан, гоҳ бу ён бошдан болалари «ада», деб чопиб келаётгандай бўлаяпти. Шундай қилиб, гуноҳкор бўлиб, ўз кўнглида «Хайр, мен кетдим» деяпти. Сардор бу юртдан Қизилбош мамлакатига ўтиб, кетди. Сардорни ушлаёлмай нечтаси ўлиб, нечтаси ярадор бўлиб Гўрўғлининг қошига етди. Буларни кўриб, сардорни сўраб, Гўрўғли бир сўз айтиб турибди:

Қани менинг айтган сўзим қилганинг,  
 Гуноҳкор сардорни олиб келганинг?!  
 Қуруқ келиб мени нодон қилганинг,  
 Жаллод, ўзинг нима ишда юрганинг?  
 Қандай бўлди қуруқ қайтиб келганинг?  
 Мен ҳам сенга ҳарна сўзим айтаман,  
 Менинг сўзим бекор кетди, нетаман?  
 Бир иш бошлаб, жаллод, сенга айтаман;

Аширбекка билдим, сўзни берибсан.  
«Қочирдик» деб, бунда қайтиб келибсан,  
Гўрўғлини балки нодон билибсан?!

Бу сўзни жаллодлар Гўрўғлидан эшитиб, зеҳни койиб турганини билиб, ўлганини маълум қилиб, жаллодлар бу сўзни айтди:

Ғарибликда менинг сўлган тарзим бор,  
Бизлар жаллод, сенга айтар арзим бор.  
Эшитгин арзимни, Гўрўғли номдор!  
Беҳуда сиёсат бизга не даркор?  
Сардорнинг ўрнига қилманг гуноҳкор,  
Ўлиб кетди, билинг, қанча жаллодлар.  
Сенинг сўзинг билан бизлар йўл юрдик,  
Сардор бекнинг ўрдасида биз турдик.  
Бориб кўрдик — сардор ичкари кетган,  
Очолмадик, дарвозасин беркитган,  
Бир палла отланиб у сардор келди.  
Отни қичаб устимизга от солганди,  
Билмайман сардорга энди не бўлди,  
Қилич солиб ўн-ўн бешни ўлдирди.  
Сардор бек деб сўрамагин, султоним,  
Ҳали жаллодининг қанчаси ўлди.  
Бизга балли, ўлмай бунда қутилдик,  
Бизлар кўрдик у сардорнинг ишини,  
Ҳарба қилса, қирар қанча кишини.,  
Ола ёзди баримизнинг бошини.  
Бунда турса, кўп ишларни қилади,  
Ҳозир ўзи Чамбилдан чиқиб кетади.

Бу сўзни эшитиб, Гўрўғли: — Сардор бир қадрли одам эди, ҳар кимга ёрдам-ҳимояти тегиб турган одам эди, гуноҳкор бўлиб, бу юртдан кетди, биздан қочди. Асли бизнинг ҳам ўлдирмоққа раъйимиз йўқ эди. Бизнинг ҳурматимизни қилибди; бошини олиб, болачақасини ташлаб кетибди. Ўлмаса, тағи бир замонда айланиб келар, бир замонда келса кўрмагандай бўлар,—деб Гўрўғли одам буюриб сардорнинг бола-чақаларидан хабар олдириб, овқат, кийим етказиб турди.

Шунда неча кун, неча вақт орадан ўтди. Авазхон Ғиротни миниб, йигитлари билан хамроҳ бўлиб, ҳар кун қуш солиб, кўллардан ўрдак, ғоз овлаб юраберди.

Юртнинг баланд-пасти ўзига маълум бўлиб, Авазхон бу юртга синамол бўлиб, тағи бир кун Ғиротнинг белига миниб, ўзи ёлғиз сайр-тамошо қилиб, кўлларни кўриб бораётиб эди. Чамбилда Ҳа-

сан Қўлбар ниҳоятда зўр эди, бир номини Ҳасан чаққон дер эди. Чаққонлигининг маъниси — яёв овга чиқар эди, икки тоғнинг икки чўққисини қўлга олиб юрар эди, пиёда қулон-булонларни қувиб олар эди, агар шу тоғнинг чўққиси қўлида бўлмаса, қулонлардан ўтиб кетиб: «У сойда қолди, бу сойда қолди» деб ҳалак бўлиб, айланиб излаб юрар эди, ўзини от тортолмасди, Гўрўғли тилсимот билан Оқшер деган девни эшак суратида қилиб берган эди. Қирқ йигитга чулон пиширадиган ошпазлик номи ҳам бор эди. Паловни тасма палов қилиб ўхшатар эди. Авазжон кўрганда Ҳасан Қўлбарга: — Бова, Гуржистонда бир аммам бор, сизга олиб келиб берман, — деб юрар эди.

Бир палла Ҳасан Қўлбар қаради: Фиротни миниб, тенгсалиб Аваз келаётир. Ҳасан Қўлбар бундан бир сўз сўрайин, деб турган экан:

Чечанини сўйлатган қизил тил бўлсин,  
Ақли расо болам, сенга йўл бўлсин?  
Остингда Фиротинг ўйнар юз алвон,  
Ярашиққа тақиб эгнингга қалқон,  
Олғир қуш қўлингга сенинг Авазжон,  
Толпиниб, жон болам, қайга борасан?  
Шовдирлатиб кимхоб кийиб устингга,  
Ҳар ким қойил бўлар қадди-бастингга,  
Олмос пўлат олиб юрсанг дастингда,  
Фирот ўйнаб бугун сенинг остингда,  
Йўл бўлсин, жон болам, қайга борасан?  
Сени кўрсам, кетар кўнглимдан ғубор,  
Минибсан остингга назари тулпар,  
Болам, сенга айтадиган арзим бор,  
Йўл бўлсин, жон болам, қайга борасан?  
Мен қойилман, болам, сенинг ишингга,  
Қуш солмагин, болам, тоғнинг тошига,  
Чиқибсан отланиб Евмит даштига,  
Ҳеч ким сани йўлдош қилмай қошингга,  
Йўл бўлсин, Авазжон, қайга борасан?  
Хон Гўрўғли отанг жавоб бердими?  
Сени ёлғиз чўлга амр қилдими?  
Йигитлар чиқариб йўлга солдими?  
Жоним қўзим, кўнглингдаги бўлдимми?  
Гўрўғли ўғил қип, илик бердими?  
Чамбил элдан энди кўнглинг тўлдимми?  
Йўл бўлсин, жон болам, қайга борасан?

Ҳасан Қўлбардан бу сўзни эшитиб, бу мендан нега бунча савол сўради, буни алдаб бир сўз айтайин деб турган экан:

Аё бова, тимсол айтай бир алвон,  
Олмос пўлат белга бойлаб бу замон,  
Жон боважон, мен бораман Гуржистон.  
Қаторда тиркалган лўкча нор эди,  
Айтайин, кўнглимда сўзим бор эди,  
Сендайин нечалар интизор эди,  
Қурган одам унга харидор эди,  
Гуржистонда менинг аммам бор эди.  
Мен билмадим аммам бойи ўлибди,  
Билсам аммам есир бўлиб қолибди,  
Бир хати-хабари менга келибди,  
Шу хабарман мен бораман Гуржистон,  
От жиловин қўя бергин, боважон!  
Ростин айтсам, шу хизматга бораман,  
Дардли қўлман, дардимни кимга ёраман,  
Сенинг учун, бова, хизмат қиламан,  
Шу аммамни сенга опкеб бераман.  
Сенинг тараддудинг, кетиб бораман.  
Хон Гўрўгли, бек отамдан сўрадим,  
Савлат билан Чамбил элга қарадим,  
Опкеб берсам, ҳосил бўлар муродим.  
Олиб келсам, шу аммамни оласан,  
Агар кўрсанг, ошиқ бўлиб ўласан,  
Шу хизматда, бова, кетиб бораман.

Бу сўзни Аваздан эшитиб, Ҳасан боваси Авазга бир сўз айтиб турган экан:

Чамбил элда, болам, юрган тўрасан,  
Ярашиққа от кокилин ўрасан,  
Гурижистон шаҳридан хабар берасан,  
Аммам бор, деб доим алдаб юрасан.  
Амманг кирган, болам, неча ёшига?  
Эшитгайсан Ҳасан бованг тилини,  
Сен биларсан Гуржистоннинг йўлини,  
Кўзлаб чиқсанг Гуржистоннинг элини,  
Нима дейди шу аммангни йилини?  
Йили, ёшин мен ҳисоблаб кўрайин,  
Йили, ёши тўғри келса, Авазжон,  
Аммангнинг бори рост, жавоб берайин.  
Ёши, йили агар тўғри келмаса,

Сўзингнинг ёлғонин шундан билайин,  
Мендай бованг унга жуда толибди,  
Тўғри айтгин, неча ёшга борибди,  
Ҳасан бованг, бил, харидор бўлибди,  
Оҳу, кийик бунда овлаб юрибди,  
Шу аммангнинг харидори бўлибди.  
Тўғри айтгин, неча ёшга кирибди?

Аваз бу сўзни эшитиб: «Қурғурни алдайман десам, бу сўрови ёмон бўлди; бу ёши, йили нечага кирган деб сўрайди; менинг айтганим бир йўқ нарса эди, кўпми-озми бир нарсани чўтлаб, ёши мунчага кирган десам, йили фалон десам, бу ўйинг куйгурнинг йил ағдарадиган одати бор эди, агар ёши йилига тўғри келмаса, агар сўзим ёлгон бўлса, бунинг қўлидан қутилмоғим қийин бўлиб қолади, — деб фикр қилиб ўйланиб туриб: «Кел, таваккал қилайин; бир нарсани чўтлаб айттайин,» деб бовасига айтиб турган сўзи:

Эшит, бова, Авазхоннинг тилини,  
Осон қилгай мискиннинг мушкулини,  
Қўзлаб чиқдим Гуржистоннинг элини,  
Аммам кирган юз йигирма ёшига.  
Маймун дейди шу амманнинг йилини,  
Қани, бова, ҳисоблаб кўр барини!

Хон Гўрўғли — Авазхоннинг отаси,  
Белига ярашган заррин пўтаси.  
Ёши, йилин, бова, ҳисоблаб кўргин,  
Бова, борми бу сўзимнинг хатоси?  
Қўя бергин, олис йўлга бораман,  
Ҳарна десанг мен сўзимни биламан,  
Бова, сенинг хизматкоринг бўламан.  
Сени дейман Гуржистонга бораман,  
Шу амманни сенга опкеб бераман.

Бу сўзни Аваздан Ҳасан боваси эшитиб, кўнглини хушлаб, мабодо, гапи ўтирик чиқиб қочиб кетмасин, деб бир қўли билан отнинг жиловидан ушлаб, бир қўли билан ҳисоблаб, юз йигирма ёшга маймун йилини тўғрилаб, йил ағдариб кўрди. Маймун йили юз йигирма ёшга тўп-тўғри келди. Ҳасан боваси айтди: — Баракалла, ўғлим, неча одамларга рад бериб, ўзинг ҳам энадан бино бўлгандан бери ҳеч кимга бундай тўғри гапирганинг йўқдир; бир менга тўғри гапирдинг. Аммангнинг бори рост экан, амманг юз йигирмага кирган бўлса, ҳали ёш экан. Ёш ҳам бўлса майли, ме-

нинг қўлимга олиб келиб бер, ўзим кўтариб юриб, кийик гўшти  
бериб боқиб, каттартиб<sup>1</sup> оламан, — деб бу сўзни тайинлаб ётир:

Майдон бўлса сотар эдинг ширин жон,  
Олмосингдан қуяр эдинг қизил қон,  
Эрта борсанг, тезроқ қайтгин, Авазжон.,  
Кўрмай ошиқ бўлдим амманг хилига,  
Бориб қайтгин Гуржистоннинг элига,  
Опкеб бергин Ҳасан бованг қўлига.  
Аваз болам, хаёлингни бўлмагин,  
Номард одам билан суҳбат қурмагин,  
Олис қилиб сен беҳуда юрмагин,  
Мендайин бовангни хафа қилмагин!  
Неча сўзни шунда боваси айтди,  
Сен келганча мен ҳам овда юрай деб,  
Отнинг тизгинини энди бўшатди.  
Қарчиғай қуш Авазхоннинг қўлида,  
Аваз кетди Боли Ҳовдак кўлига,  
Қуш солмоққа зумрад довул туяди,  
Олғир қушни энди кўлга чуюди.  
Яшиндай қуюлиб қуши боради,  
Ҳар солганда тўққиз сўна олади.  
Кўлнинг нарёғига Авазхон ўтди,  
Қарчиғайи қанча қушни йиқитди,  
Кўлдан олган қушни тақимлаб олиб,  
Қанжигалаб ўрдак, сўналарини,  
Узангилаб олди бунинг барини.  
Бова билан кўп гаплашиб қолдим деб,  
Кечга тортиб энди шундай бўлдим деб,  
Аваз кетди мен Чамбилга бордим деб.

Гўрўғли: «Бу нима гап бўлди, Аваз кечга тортди, келар вақт-  
дан анча ўтди» деб қараб, йиғитларга бу сўзни айтиб тур-  
ган экан:

Аваз овга ёлғиз кетди,  
Келар муддатидан ўтди,  
Кунлар ботиб тоғ-тошга,  
Ёлғиз кетган Ёвмуг даштга.  
Ишқи тушиб олғир қушга  
Не бўлди, қўзим келмади?  
Биз билан бирга турганлар,

<sup>1</sup> Катта қилиб.



Бир суҳбатда ўтирганлар,  
 Чамбилда даврон сурганлар,  
 Ҳаловатда умри кечиб,  
 Айналдими қуши қочиб,  
 Пиёладан шарбат ичиб,  
 Не бўлди, қўзим келмади?  
 Бу вақтида гуллар баҳор,  
 Обод бўлар Чамбил шаҳар,  
 Келмади Аваздай қўчқор.  
 Билмадим, Аваздай мардни  
 Овда юриб, қушга айналиб,  
 Қочирдими Фиротини?  
 Хон Гўрўғли сўрар бунда  
 Аваз деган фарзандини,  
 Не бўлди, қўзим келмади?  
 Беклар, бу замон туринглар,  
 Ҳовдак кўлига боринглар!  
 Авазжон ҳалак бўлдим,  
 Боламдан хабар олинглар.  
 Дам-бадамда мендан сўрар,  
 Юнус, Мисқол икки санам,  
 Ўтирманглар, беклар, қараб  
 Нега келмади жон болам?  
 Тар очилган тоза гулим,  
 Мен сўрарман жону дилим,  
 Не бўлди, келмади ўғлим?  
 Чаманда сайрар булбулим,  
 Осон бўлгай-да мушкулим,  
 Забун бўлмасин-да ҳолим,  
 Зарар қилмасин душманам,  
 Хафа бўлса Авазжоним,  
 Сўнгра кўпдир пушаймоним,  
 Ҳозир Аваз суянганам,  
 Қувват олар ширин жоним,  
 Не бўлди, қўзим келмади?

Бу сўзни эшитиб, беклар ҳаммаси йўлга қаради. Қараса, Аваз келаётир, ов қилган қушини Фиротга ортиб, қарчиғайини чарқиллатиб, Фиротни йўртиб келаётир. Беклар Авазнинг келаётганини кўриб, Гўрўғлига хабар бериб бу сўзни айтиб турган экан:

Фиротига аччиқ қамчи чолибди,  
 Ҳовдак кўлга Аваз ўғлон борибди.  
 Олма бот сўнадан қанча олибди.

Қўринг, хоним, мана Аваз келибди,  
Қушларга қизиқиб кечга қолибди.  
Қарчиғай қушини қўлга қўндириб,  
Эрлигини бу орада билдириб,  
Келаёзди, қаранг, Чамбилга кириб,  
Аваз ўғлон вақти хуш бўп келади,  
Жамоли ярқираб, ҳусни хиромон,  
Олдига кўндаланг чиқолмас душман.  
Елғиз деб, султоним, қилманг пушаймон,  
Ўзи ёлғиз, кўпдай бўлиб келади,  
Қаранг, хоним, шердай бўлиб келади.

Шу вақтда Гўрўғли Авазни кўрди. Авазнинг қўлидан олғир қушни қушбозлар олди, овлаган қушини беклар тушириб олди. Соқибулбулга Фиротни топширди. Соқибулбул Фиротни таблага олиб кетди. Гўрўғли Аваздан икки оғиз сўз сўраб турибди:

Сўзимни эшитгин, болам Авазжон,  
Не сабадан кечга тортиб келдинг сан?  
Қулоқ солгин, болам, айтган нидога,  
Жасадингдан мендай отанг садаға,  
Не сабадан кечга тортдинг, Авазжон?  
Елғиз ўзинг кетдинг, болам, чўлларда овга,  
Қамчи уриб, болам. миндинг бедовга,  
Сенга бўлмадими, болам, ҳеч говға,  
Не сабадан кечга тортдинг, Авазжон?  
Сен келмадинг, менда қолмади тоқат:  
Душман кўриб, бўлдими деб аломат,  
Сендан беҳабардир ўтирган бекзод.  
Келар вақтинг ўтгандан сўнг,  
Қунлар бориб ботгандан сўнг,  
Қолмади сабру қарорим,  
Ҳеч бўлмайин ихтиёрим,  
Бормоқчи бўлди бекларим,  
Не сабадан кечга қолдинг?

Бу сўзни эшитиб Аваз, отасига қараб, юриш-туришини. қилган ишини билдириб, бу сўзни айтиб турган экан:

Фиротни ўйнатиб Чамбилдан чиқдим,  
Чошкада қайтсам деб ваъдани қилиб,  
Боли Ҳовдак қараб мен ҳам йўл юриб,  
Бўз қарчиғай олдим қўлга қўндириб,

Олис демай, яқин ваъдани бериб...  
Евмутнинг даштига равона бўлиб,  
Борар эрдим неча элларни кўриб,  
Йўлда Ҳасан Кўлбар менга йўлиқиб,  
Фойдаси йўқ кўп гапларни гапириб,  
Бир неча сўзларни мендан сўради...  
Мен алдадим: бова, сени билай деб,  
Жаҳонни сайр этиб ўйнаб-кулай деб,  
Қани, мен ҳам жаҳонгашта бўлай деб,  
Бир аммам бор — сенга опкеб берай деб,  
Бова, сенга яхши хизмат қилай деб.  
Чошка вақти ўтиб, ота, туш бўлди,  
Бовамнинг олдидан қичадим, юрдим,  
Кеч пешин бўлганда Ҳовдакка бордим.  
Шошиб Ҳовдак кўлда мен ҳам қуш солдим,  
Ҳар солганда неча сўналар олдим.  
Қушни отга ортиб анча айландим,  
Бўлак гап йўқ, ота, шундай кеч қолдим.

Бу сўзларни Аваздан Гўрўғли эшитиб, димоғи чоғ бўлди.  
—Ҳасан Кўлбар: «Авазжон мени уйлантиради» деб йўлга қараб  
юргандир, деб беқлар чақ-чақ қилиб ўтиришди.  
Эртасига Авазжон ўрнидан туриб, дилтанг бўлиб, Гўрўғлига  
қараб бир сўз айтиб турган экан:

Этиб эдим бу мажлисда бу кеча,  
Жонима қасд этиб келди бир неча,  
Жилва қилиб менинг ақлим олибди,  
Асли турган жойин маълум қилибди.  
Гул чорбоғда бизман бирга бўлибди.  
Атрофида бордир сонсиз каннзи,  
Кўп экан, кўрдим мен у қирқин қизни,  
Кийгани ипақдан, тоза қирмизи,  
Шириндан-шакардир сўйлаган сўзи,  
Атрофини олиб унинг кўп қизи,  
Сайрбоғ қип ўйнаб-кулди у ўзи.  
Оша юртдан келган қизларнинг ўзи —  
Паризод жасадли дилбар кўринди.  
Менга у жуда кўп ваъдалар қилди,  
Шундайин жононни фарзандинг кўрди.  
Бир-бири бўйнига қўлини солиб,  
Кулганда одамнинг ақлини олиб,  
Тар хинали нозик бели буралиб,  
Қараганда кетди ақлимни олиб,

Шундай дилбар келиб менга кўринди.  
Ойдаи тўлиб меннинг ақлимни олди,  
Сўраб бор, деб менга ваъдалар берди,  
Зулайхо нишонли дилбар кўринди.  
Тонг отганча бирга давронни суриб,  
Қизлари олдида бирга югуриб,  
Бу тушимда кепти мени ахтариб,  
Қошимда ўтирди бетини очиб,  
Сўзлаган сўзидан дурларни сочиб.  
У нурли юзига мен ҳам қарадим,  
«Қайдан келдинг?» дедим, шунда сўрадим,  
Кўнглима бермади бир зарра озор,  
Оти экан исфиҳонли Интизор,  
Жамолига қараб бўлдим харидор,  
Шу ёрни олмаса, Авазинг ўлар,  
Бу тушимда шундай дилбар кўринди.  
Келди парвоз қилиб, ўзини чоғлаб,  
Исфиҳондан кепти у мени йўқлаб,  
Кулиб баҳрим очди, зулфини тоблаб,  
Бу кўзимга ҳуру ғулмон кўринди.  
Паризодай бўлиб бу элда юрди,  
Бир ажаб шавкатли оғим кўринди.  
Ишқ ўтидан беҳуш бўлиб йиқилдим,  
Кўзим очиб у дилбарни кўрмадим.  
Бир қари кишидай икки букилдим,  
Оҳ тортиб ўзимни ҳар ерга урдим.

Кўзим очиб энди сизга гапирдим,  
Шу дилбарни излаб бормоқчи бўлдим.  
Тағи бир кўрмасам, ишқида ўлдим,  
Бораман деб, мен ҳам ваъдани бердим.  
Мен унинг ишқида беқарор бўлдим,  
Уйласам қолмайди сабру қарорим.  
Ғамзаси жон олди, кўзлари золим,  
Ўзимда қолмади ҳеч ихтиёрим.

**Гўрўғли бу сўзни эшитиб, Авазга қараб бир сўз деб турган экан:**

Билдим, Аваз болам, ажаб туш кўрдинг,  
Бу тушингда хўп ажойиб иш кўрдинг,  
Билдим, қўзим, сен ҳам ёрга толпиндинг.  
Сенинг руҳинг Исфиҳонга борибди,  
Исфиҳонда шоҳнинг қизин кўрибди.

Бу сўзларга сендай болам ғам емас,  
Сенинг ҳуснинг у дилбардан кам эмас,  
Икковингнинг руҳинг йўлиқиб қолган,  
Шоҳнинг қизи сенинг ақлингни олган,  
Хаёлингда шундай бўлиб кўринган,  
Бу ишни кўнглингдан чиқар, Авазжон.  
Турган жойи у Исфиҳон бўлади,  
Уйласанг, дунёга ярим келади.  
У қизнинг отаси, билсанг, зўр подшо,  
Шоҳнинг қизин қайтиб<sup>1</sup> одам олади?  
Тушимда кўрдим, деб кўнглинг бўлмагин,  
Шоҳларнинг қўлида ғариб ўлмагин.  
Ёмон қиздир, болам, ҳалак бўлмагин,  
Қўйгин кўзим, ундан умид қилмагин.  
Йўл юрсанг, олисга отлар чопилар,  
Ундай қизлар ҳар ердан ҳам топилар,  
Беҳуда, нафи йўқ ишлар не даркор?  
Унинг учун, болам, бўлма беқарор.  
Сенга панду насиҳатим шу бўлар,  
У юртларга, болам, қилма ихтиёр,  
Хафа бўлма, бўлолмайсан баробар.  
Менинг насиҳатим қулоққа олгин,  
Ҳолинг билгин, кўзим, Чамбилда юргин,  
Даврон суриб, мана элатни кўргин.  
Неча сўзни ёр ишқидан гапирдинг,  
Бир қизни тушингда кўриб, Авазжон.  
Бунча ҳам Чамбилда диққатлик қилдинг.  
Беклар билан хўп маслаҳат қилайин,  
Мен билмасам, билганлардан сўрайин,  
Кўрган қизинг аниғини билайин,  
Тузук бўлса, болам, олиб берайин,  
Ҳозир нодон билдим болам сўзини,  
Ҳеч ким яхши демас шоҳнинг қизини.  
Хафа қипти, болам, сендай кўзини,  
Тушингда кўрибсан сарвинозини.  
Қайта бошдан шоҳнинг қизин сўрарман,  
Бир кун Ғиротимни миниб еларман,  
От ўйнатиб Исфиҳонга борарман,  
Яхши бўлса, ўзим опкеб берарман.  
Хафа бўлма, болам, кўнглинг оларман,  
Сенинг учун қайтмай унда борарман,  
Сабош бўлса мен ҳам қайтмай турарман,

---

<sup>1</sup> Қандай қилиб?

Устида бош олиб, бошим берарман.  
Исфиҳондан ўзим олиб келарман,  
Сенинг учун, болам, хизмат қиларман,  
Авазжон, Чамбилда дилтанг бўлмагин;  
Жон болам, отангни номард билмагин.

Авазхон отасидан бу сўзларни эшитиб, дилтанг бўлиб, неча гаплар кўнглига келиб, Гўрўғлига бу сўзни айтиб турган экан:

Ҳаёлингда сўзман вақтим хушладинг,  
Сен менинг сўзимни кейин ташладинг,  
Билдим, ота, бир шумликни бошладинг  
Гоҳи айтиб, гоҳда сўзингдан қайтдинг.  
Ота, сенинг Гиротингни сўрайман,  
Сўзинг билиб мен тарзингга қарайман,  
Исфиҳонга ўзим талаб айлайман.  
Бир ёр учун ширин жоним қийнайман,  
Чамбил белда қарчиғайдай бўйлайман.  
Ота, сен менинг ҳолимни билсанг,  
Яхши яроғ билан отингни берсанг,  
Оқ фотиҳа бериб сен йўлга солсанг,  
Дуо қилиб, ота, Чамбилда турсанг,  
Бу дунёда, ота, ишимни кўрсанг,  
Шоҳ қизини ўзим бориб опкелсам.  
Ота, мени бундай йўлдан урмагин,  
Аваз марддир, сира номард билмагин,  
Елғизликдан Аваз ўғлим ўлар деб,  
Бек ота, кўнглингга оғир олмагин,  
Авазингни, ота, номард билмагин.  
Қора зулфи эшилгандир тол-тол,  
Ҳар толига берсанг етмас дунё-мол.  
Сўзима, бек ота, энди қулоқ сол,  
Душманларим бўлиб кетсин пойимал!  
Авазингни, ота, номард билмагин,  
Жавоб бергин, мени йўлдан урмагин!

Гўрўғли Авазни ҳарчанд сўз билан қайтариб йўлдан урди, бўлмади, Аваз кўнглига маъқул бўлган ишдан қолмади, ҳеч кимнинг панду насиҳатини қулоғига олмади. Гўрўғли Авазга бора қол де-моққа кўнгли бўлмайди; кўрди: Авазда тоқат қолмади. Гўрўғли амалдор бекларни чақирди, ҳаммаси йиғилиб етди. Шунда Гўрўғли одамларини синамоқ учун хизмат косани қўлига олиб, тўлдириб шароб солиб, бу сўзни айтиб турган экан:

Бир тоғим Палапон, бир тоғим Болқон,  
Чортоқли Чамбилим, беклигим дарҳон  
Ерга талаб қипти болам Авазжон,  
Унгу сўлда бир азамат бормисан?  
Аваз билан бирга йўлдош бўлгудай,  
Адашса, бошқариб йўлга солгудай,  
Қаттиқ кунлар бўлса, туриш бергудай,  
Исфиҳонга Аваз билан боргудай,  
Шоҳнинг қизин бунда олиб келгудай,  
Қани Аваз билан бирга юргудай,  
Ҳарна деса, айтганини қилгудай,  
Хизмат деса, қайтмай бошин бергудай,  
Унгу сўлда бир азамат бормисан?  
Шу косани келиб қўлга олгудай.  
Беклар сенга тимсол айтай бир алвон,  
Олмос пўлат белда, эгнингда қалқон,  
Неча ой, неча йил Чамбилда даврон,  
Исфиҳонга талаб қипти Авазжон,  
Унгу сўлда бир азамат бормисан?  
Сабош бўлса ширин жондан кечгудай,  
Душманларга кафан тўнин бичгудай,  
Ғанимларни найза билан санчгудай,  
Бекнинг хизматини ўрин қилгудай,  
Олис йўлни яқин қилиб олгудай,  
Унгу сўлда бир азамат бормисан?  
Бир юртга Авазга йўлдош бўлгудай.  
Бу сўзларни туриб Гўрўғли айтди,  
Йигитлардан сазо чиқмай турибди.  
Бошини ерга соп, беклар турибди,  
Авазхоннинг ўзи талаб қилибди.  
Боз Гўрўғли бу сўзни гапирибди:  
Инъом олиб неча беклар лоф урган,  
Ҳолин билмай катта сўздан гапирган,  
Баҳодирлар бари бунда ўтирган,  
Тўхта, Аваз, бекларимни синайин.  
Тинчлик кунда мен ҳам ботир деганлар,  
Гўрўғлидан инъом сайлаб олганлар,  
Беклик қилиб яхши сарпо кийганлар,  
Отнинг бедовини сайлаб минганлар,  
Оқ туғни кўтариб, найза олганлар,  
Йигитларда бир азамат бормисан?  
Бекларим бормисан, мардлигингни билай,  
Қўлимдан косани олгин, кўрайин,  
Мард билан номардни ўзим синайин,

Мамлакатнинг ярмисини берайин,  
Беклар беги, амалдор қип қўяйин.

Гўрўғли сўзини Авазхон билди,  
Шу замонда Аваз ўрнидан турди.  
Ўзга йигит Авазхонча бўлмаган,  
Ҳеч қайсиси бирга талаб қилмаган.  
Аваз туриб хизмат коса тилади,  
Эр йигитлар бир-бирига қаради.  
Авазнинг мардлигин бунда билади,  
Неча сўзни Аваз айгиб туради  
— Ота, қулоқ солгин менинг тилима,  
Яхшиликман жавоб бергин ўғлингга,  
Елғиз борай Исфиҳоннинг элина,  
Мени солгин Исфиҳоннинг йўлига.  
Оралайин мен душманлар мўлига,  
Дилбар ёри текса Аваз қўлига,  
Омон-эсон келар Чамбилбелига.  
Отажон, қолмасин кўнглимда ғубор,  
Қўлингга косани сен берман юбор,  
Бизга ваъда қилган ойим Интизор,  
Ота, менинг ёлғиз бормоғим даркор,  
Номард йўлдош менга бўлар дардисар.  
Қия чопса, ҳолин билар душманлар,  
Ҳозир бизга, ота, йўлдош не даркор?  
Бекларнинг кўнглини ўзим биларман,  
Буларни ияртиб нима қиларман!  
«Кийиз кимдан бўлса, билак шундан» деп<sup>1</sup>,  
Ёрим излаб ўзим ёлғиз бораман.  
Сен эшитгин Авазхоннинг сўзини,  
Бориб олса кўрган сарвинозини,  
Олиб келсам шоҳнинг барно қизини.  
Шундай қилсанг, Аваз ишин билади,  
Бу ҳам одам экан дейишиб юради.  
Ёрим келса, Чамбил элда тўй берсанг,  
Булар тўйга баковуллик қилади,  
Ҳар ким қўлдан келганини қилади,  
Бир-бирига кўп суяниб туради.  
Бу сўз билан беклар изза бўлади,  
Авазнинг бу замон сўзлар сўзига  
Отаси Гўрўғли қойил қолади.  
Авазхоннинг сўзи ўтиб бекларга

<sup>1</sup> Дебди.



Ҳаммаси ўлгудай бўлиб боради.  
Авазнинг сўзини билиб бир неча:  
«Баракалла» дейишиб тан олади,  
Авазнинг гапига қойил қолади.  
Бир нечаси Аваз сўзига уялиб,  
Шу замон мажлисдан туриб боради,  
Бир нечаси ўлгудай бўп қолади.  
Нима деб сўзларни билмай Авазга,  
Бир хил беклар оғзи очилиб қаради.  
Гап билан бекларни Аваз тузатди,  
Хон Гўрўғли хизмат коса узатди.  
Авазхон косадан шаробни ичиб,  
Бу хизмат шу замон Аваздан бўлиб,  
Хон Гўрўғли ўтирди, кўнгли тўлиб.

Шунда Гўрўғли Авазнинг гапига вақти хуш бўлиб, неча беклар Авазнинг айтган сўзига ўлгудай бўп қолиб, бир нечаси тан бериб, бир хили уялса ҳам уялмаган киши бўлиб, гапириб турди. Шунда Гўрўғли Соқибулбулга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Соқибулбул, қила кўргин хизматни,  
Аваз сўзлаб кўп бекларни уялтди.  
Аваз ўғлим қилар экан хизматни,  
Сен эгарлаб олиб келгин Ғиротни.  
Аваз болам, ёрга талаб қилибди,  
Чамбил элдан ёлғиз бормоқ бўлибди,  
Бир дилбарнинг вафосини кўрибди,  
Бирга бўлиб қаттиқ ваъда берибди.  
Аваз минсин Ғиркўк отнинг белига,  
Бориб келсин Исфиҳоннинг элига.  
Авазни миндиргин отнинг белига,  
Қайтиб келсин омон-эсон элига,  
Тушмасин, албатта, душман қўлига.  
Соқижон, абзаллаб келтир Ғиротни,  
Отлантиргин шундайин валламатни,  
Ғирот Авазимни ёрга етказиб,  
Неча баланд қия тоғдан ўтказиб,  
Уруш кўрган душманлардан қутқазиб,  
Авазжоннинг мушкул ишин битқазиб,  
Эгарлаб кел назаркарда тулпарни,  
Ёрни излаб кўрган неча шаҳарни,  
Неча шаҳарларни кезиб борганди.  
Эрам юртларини, балки, кўрганди,  
Неча душманларнинг додин берганди,

Қўйиқоф юртидан пари олганди,  
Соқижон, абзаллаб келтир Фиротни.

Бу сўзни Гўрўглидан Соқи эшитиб, бекларнинг ичида ўрнидан туриб, тош таблага бориб, Фиротни кўрди. Фирот оша юртга борарини билиб, сағриси тошиб, ёли қулоғидан ошиб, учадиган қушдай, қулоқлари қамишдай, ҳар кўзи таркашдай бўлиб, юлдузни кўзлаб турганини кўриб, отни қашлаб, яланғочлаб жиловидан ушлаб, гул ҳовузнинг бўйига етаклаб келиб, тилло жом билан сув қуйиб ювиб, арчиган сабзидай қилиб тозалади. Фирот совуқсираб ўйнай берди. Соқибулбул Фиротни таъриф қилиб, бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Ҳайвонлар ичида ўзинг синлисан,  
Тўбушқон тўёқли, морол беллисан,  
Аросат кунинда ажаб ҳоллисан,  
Беклар юриш қилса, ажаб йўллисан,  
Эр йигитнинг ҳолин билган тулпарсан.  
Сени минган одам дарёдай тошар,  
Авазга йўлиққан бувиш Ингизор,  
Исфиҳонга борар бўлдинг, жонивор.  
Оёқларинг қоққан қозиқ,  
Сағринг буқуш, бағринг ёзиқ,  
Баданларинг қиздан нозик.  
Кел, юганга бўйнинг солгин, жонивор!  
Емини тоза есин деб,  
Таблага шамлар ёқтирдим.  
Ем еганда чанг бўлар деб,  
Пўлатдан охур сўқтирдим.  
Тишини арпа урар деб,  
Кишмиш емлар тўқтирдим.  
Оёғини кишан қирқар деб,  
Пўтадан пайва тақтирдим.  
Эркакнинг қўли заҳар деб<sup>1</sup>,  
Қирқин қизларга боқтирдим.  
Қулоқларинг эрак-сирак,  
Бугун бўлдинг бекка керак.  
Кел, юганга бўйнингни узат, жонивор,  
Сени минса топар мурод,  
Ақлинг одамдан зиёд,  
Еминг кишмиш, тўрванг банот,  
Безабонсан, бўйнингни узат.

<sup>1</sup> Заҳри бор, деб.

Назарн, беадаб бўлма,  
Бекорга ўйин қилма,  
Бу Соқининг кўнглин бўлма,  
Кўп чарчатиб, ҳалак қилма,  
Так, эй жонивор, қасдинг борми?  
Кел, юганга бўйнинг узат, жонивор.

Бу сўзларни отга айтиб, от Соқининг сўзини билиб, бўйинини ерга солиб, ўзини ювош қилиб турди. Соқи «отни Авазга эгарлаб берайин» деб турган экан:

Душманга Авазхон қилар эрликни,  
Елғиз бориб қилсам дейди зўрликни.  
Соқибулбул солди отнинг белига  
Атласу кимхобдан бўлган терликни.  
Бир нечалар мудом қарар дурбинни,  
Дурезгар ишлатар ўткир қиргини.  
Соқибулбул солди отнинг белига  
Устини зарбобдан тиккан чиргини.  
Чиргининг устидан ташлаб белликни,  
Белликнинг устидан жаҳалдирикни,  
Оша юртга Аваз қилар сафарни,  
Қолиб кетса, ким еткизар хабарни?  
Соқибулбул солди отнинг белига  
Қоши олтин, корсони тилла эгарни,  
Аваз қайтмай юрар энди ҳар ишдан,  
Узангиси тилла, миҳи биричдан,  
Узанги боғлари карки қайишдан.  
Соқибулбул хизмат қилар шу замон,  
Эл кўчирса, Олатоғдан оширди,  
Сир бермаган душманлардан яширди.  
Кўринг, Соқибулбул хизматни қилиб,  
Узангини икки ёққа туширди.  
Овозаси юрт-оламга ёйилди,  
Соқибулбул тортди отнинг белидан  
Ичи майин, сирти зарбоб айилди,  
Умид қилиб Интизордай бувишдан,  
Йўлин қирқиб чиқмасин, дейди, душман.  
Соқибулбул тортди отнинг белидан  
Ўн саккиз қуббали чағатой пуштан.  
Сағрисига ташлаб карки қуюшқон,  
Ҳар қуббаси келган катта таркашдан,  
Абзалининг бари ола қайишдан.  
Соқибулбул хизмат қилиб шу замон,

Гарданига тақди умулдириқни.  
Ун икки ой бу таблада боқтириб,  
Гарданига тилла қўтос тақтириб,  
Оёғига абжўш нағал қоқтириб,  
От эгарлаб жасадига қаради,  
Отнинг ёли қуйруғини таради.  
Ғиротни етаклаб Соқи жўнади,  
Ҳар алвонда ўйин қилиб боради,  
Кўриб ҳамма тамошага қаради.

Соқя отни етаклаб пойтахт олдига келди. Гўрўғли Авазхонга яхши сарполар кийгизиб, йилон тилли кескир пўлатни белига бойлаб, отлантириб, Авазга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Исфиҳонга ёлғиз кетиб борасан,  
Исфиҳон йўлини ўзинг биласан,  
Неча кун ҳаяллаб унда турасан?  
Неча кунда, болам, қайтиб келасан?  
Қайтар мўлжалинингни айтгин, Авазжон.  
Сен бўласан элатимнинг тўраси,  
Олис эмас Исфиҳоннинг ораси,  
Катта бўлар, кўрсанг душман қаласи,  
Неча кунда Исфиҳондан келасан?  
Сўйла, Аваз болам, сендан сўрайин,  
Неча кунда мен йўлингга қарайин?  
Хабар берсанг, йўлга чиқиб турайин,  
Ҳаялласанг, ҳар кимсадан сўрайин.  
Хабар бергин, мўлжалинингни билайин,  
Неча кунда Исфиҳондан келасан?  
Сенга ваъда қилган у шоҳнинг қизи,  
Унг тушса ёрингнинг сенга юлдузи,  
Орқангга мингашса дилбарнинг ўзи,  
Жон болам, сен бек отангнинг ёлғизи,  
Мана элда сенсан Гўрўғли кўзи,  
Айтгин қўзим, неча кунда келасан?

Бу сўзни Гўрўғлидан эшитиб, Аваз от устида туриб, отасига бир сўз айтиб турган экан:

Кетар мўлжалимни, ота, сўрадинг,  
Мўлжалимни, ота, қайдан биламан?  
Исфиҳон йўлини мен ҳам оламан.  
Кириб кўрганим йўқ унинг шаҳрини,  
Юрганлардан неча марта сўрадим,

Олис эмас, яқин хабарин билдим.  
Бундан Исфиҳонга излаб юраман,  
Эшитган сўзимдан тахмин қиламан,  
Омон-эсон йўлда хатар бўлмаса,  
Ун тўрт кунда Исфиҳонга кираман,  
Бир ўн тўрт кун Исфиҳонда тураман.  
Борганимдан чиқиб турмас йўлимга,  
Ун тўрт кунда дилбар тегса қўлимга,  
Муҳлат шу, келарман Чамбил элима,  
Қулоқ солиб эшит мўлжалларима:  
Излаб бориб мен етишсам ёримга,  
Охир ери қирқ беш кунда келаман.  
Остимда ўйнаса бу бедов отим,  
Қўлга тегса у замон паризодим,  
Қирқ беш кундир охир ери муҳлатим,  
Лочинман, сўнани излаб бораман,  
Кеча-кундуз шабгир тортиб кўраман,  
Бир ёр учун жондан кечибораман.  
Ажал жомдан шарбат ичибораман,  
Мен қўлга тушмасам, ота, келаман.  
Қўлга тушсам, армон билан ўламан.  
Мен ширин жонимни қийнаб бораман,  
Қаранг, ота, қирқ беш кунда келаман.

Бу сўзни Гўрўғли эшитиб: «Аваз Исфиҳон юртини бориб кўргандай, илгаридан йўлиқиб мўлжалини билгандай, нишонга келтириб гапирди», деб сўзни айтиб турган экан:

Қулоқ сол отангинг бу нолишига,  
Аччиғинг кеп урма отнинг бошига.  
Қулоқ солгин мендай отанг тилига,  
Асир бўлиб тушма душман қўлига,  
Соғ бориб, саломат келгин, Авазжон.  
Бориб кўрсанг Исфиҳоннинг элини,  
Бориб узсанг боғда тоза гулини,  
Омон-эсон кўргин отанг элини.  
Ёр йўлида, жон болам, қилдинг хизмат,  
Бошқарсин-да, йўл билади Ғиркўк от.  
Бор энди, фарзандим, ҳаққа топширдим.

Гўрўғлидан бу сўзни эшитиб, Авазхон ҳам отасига бу сўзларни айтиб турибди:

Оҳ урганда кўздан тўкиб ёш энди,  
Эсон бўлса, нелар кўрар бош энди.  
Исфиҳонга ёр зхтариб бораман,  
Меҳрибоним, жоним отам, хуш энди.  
Остима миндирдинг қиз белли тулпар,  
Отландим шикор қип Исфиҳон шаҳар,  
Кўзима кўринган бирор зулфакдор.  
Ваъда бериб кетди тарафсиз дилбар,  
Ёлғиз кетар бундан мендай қаландар,  
Бўйи шамшод, юзи бир моҳи анвар,  
Худо берса, бўлар менга муяссар.  
Ошмоққа қойимдир тоғларнинг бели,  
От чопишиб юрган изғорнинг чўли,  
Дуо қилинг бунда, отам Гўрўғли,  
Яқин бўлсин бизга ёрнинг манзили  
Тағи кўрганча, каъбам отам, хуш энди.  
Фасли баҳор йўллар тортмоқчи бўлдим,  
Ёрнинг манзилига етмоқчи бўлдим,  
Билган сўзим ёрга айтмоқчи бўлдим,  
Бошим олиб бундан кетмоқчи бўлдим,  
Кўзима кўринса у моҳитобон,  
Кўнглимни сўйласам мен ҳам у замон,  
Ёр кўртига мени еткизса ҳайвон,  
Бу сўзларни айтиб энди Авазжон,  
Фотиҳани берди турган бегу хон.  
Отини йўлга солиб,  
Метарага сув олиб,  
Чақмоғига қув олиб,  
Аваз бундан жўнади.  
Қиз-жувонлар қаради,  
Тўсат-тўсат бўлади,  
Йўлга қизлар тўлади,  
Авазхонни кўради.  
—Опа, тез-тез юринг деб,  
Авазхонни кўринг деб,  
Катта қадам қўйинг деб,  
Жамолига хуштор бўлиб,  
Кўрган вақтда кўнглим хуш-да.  
Мен билан ваъда қилди  
Оламан деб кеча тушда.  
Бу сўзни айтиб, терлаб-пишнаб  
Эргашади ҳориб, чарчаб,  
Бек Авазнинг хуснин кўриб.  
Кўп қизларнинг ақлин олиб,

Кўп эргашиб, ишдан қолиб,  
 Эргашишиб йўлда бориб,  
 Аваз қизларга қарамай,  
 Бораётир писанд қилмай,  
 Бу қизларни кўзга илмай,  
 Ен-ёғига назар солмай,  
 Кетар ўзи йўлдан қолмай.  
 Чамбил шаҳри обод бўлиб,  
 Ҳар ким тамошага келиб,  
 Беклар хонни йўлга солиб.  
 Ҳуснин кўрган қурбон бўлиб,  
 Елғиз кетди полвон бўлиб,  
 Аваз жўнар йўлга кириб.

Авазхон Чамбил қалъасидан бораётиб эди. Мисқол пари, Оғаюнус пари сайрбоғдан канизлар билан ўрдага қараб келаётиб эди, олдидан чиқиб қолди. Оғаюнус, Авазни Гўрўғли Гуржистондан олиб келганда, ёқасидан солган эди, этагидан суғириб олган эди, туғмаса ҳам туққандай бўлиб қолган эди, меҳрини Авазга қўйган эди. Авазни кўриб, қирқин канизлар билан йўлда туриб, Авазга қараб Оғаюнус бир сўз айтиб турган экан:

Чечанни сўйлатган қизил тил бўлсин,  
 Узунли, қисқали тўнинг мўл бўлсин,  
 Душман келиб жиловингга қул бўлсин,  
 Ғанимнинг шавкати сенга эл бўлсин,  
 Чамбилнинг арслони, болам, йўл бўлсин?  
 Борар еринг энди мен ҳам билмайман.  
 Ғиротингнинг сағрисини силатиб,  
 Душмандан ўч олсанг сен ҳам йиғлатиб.  
 Хон отанг Чамбилдан ёлғиз жўнатиб<sup>1</sup>,  
 Чамбилнинг кўчқори, болам, йўл бўлсин?  
 Ярашиққа понза рўмол ўрайман,  
 Тарзингга термилиб, қўзим, қарайман,  
 Қайси юртга сафар қилдинг, сўрайман.  
 Сен кетган сўнг қолмас менинг тоқатим,  
 Юлдузни кўзлайди минган Ғиротинг,  
 Шундай бўлди сифоҳилик одатинг,  
 Борар еринг хабар бергин, фарзандим.  
 Кўрар кўзим, болам, сенга йўл бўлсин?  
 Билдирмасанг, кетар бағрим эзилиб,  
 Кўзда ёшим селоб бўлар тизилиб,  
 Сен айтмасанг, менинг кўнглим бузилиб,

<sup>1</sup> Жўматибди.

Манзилим қолмасин бунда бузилиб,  
Чамбилнинг лочини, болам, йўл бўлсин?

Энасидан бу сўзни эшитиб, Авазхон: «Фалон ерга бораман десам, йўлдан урар, сўнгра менинг кўнглим қавариб юрар, бир нарсани айтиб қўя қолайин», деб турган экан:

Баланд тоғнинг бошин чалади туман,  
Сўзимга қулоқ сол, жоним энажон!  
Мен ҳам бутун майхонага кирганман,  
Кўп бекларга мен косагул бўлганман.  
Бир ногаҳон коса тушди қўлимдан,  
Билгин, эна, мен гуноҳкор бўлибман,  
Шакар қўлга овга кетиб бораман.  
Шакар кўлдан сўна, суқсур ураман,  
Арпалигачайин юриб кўраман.  
Пешин бўлмай, эна, қайтиб келаман,  
Келиб соф бекларга чулон бераман,  
Гуноҳорман, мен ҳам озод бўламан.  
Рост сўйласам, овга кетиб бораман.  
Шу сабабдан, эна, миндим бедовга,  
Азиз бошдан кўтарилсин бу ғовга,  
Рост сўйласам, кетиб бораман овга.  
Дардли қул дардимни кимга ёрайин,  
Хаялламай, эна, овга жўнайин,  
Ҳозир мен гуноҳкор, озод бўлайин.  
Бу сўзимни, эна, ёлғон билмагин,  
Хаёлиниги ҳар тарафга бўлмагин,  
Айлантириб мени йўлдан урмагин.  
Майхонада қолди қанча амалдор,  
Суқсур отиб келар мендайин номдор,  
Ўгиришда менинг аҳду ваъдам бор.  
Сўнгра бизни озод қилади беклар.

Бу сўзни Аваздан энаси эшитиб, бу ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Хазон бўлмай боғда гуллар сўлмайди,  
Овга борган одам сендай бўлмайди. ;  
Қизларнинг ичида менман ўдаға<sup>1</sup>,  
Кийганим ипақдан, олтиндан ёқа.  
Жасадингдан энанг бўлсин садаға,

<sup>1</sup> Утаға.



Овга борган одам сендай бўлмайди.  
Мен биламан овчиларнинг ишини,  
Овчи олиб чиқар лочин қушини,  
Овчининг юриши бошқа бўлади,  
Гоҳ олғир қуш, гоҳи милтиқ олади,  
Овчиларнинг белгиси шу бўлади.  
Ростин айт, жон болам, қайга борасан?  
Остингда ўйнайди сенинг Ғиротинг,  
Қўнар бўлсам сен ҳам болам, работим,  
Овчига келмайди сенинг келбатинг,  
Қўзим, қайси юртга бўлди сафаринг?  
Болам, мепинг нодон кўнглим бўлмагин,  
Спринг айтмай, мени хафа қилмагин.  
Бир соат кўрмасам кўнглимдир туман,  
Мен сенга айлайман жонимни қурбон,  
Бир юртларга сафар қилдинг, бегумон,  
Рост айтгин, жон болам, қайга борасан?  
Хафа қилма Оғаянус санамни,  
Ўтга солиб кетма гулдай танамни,  
Сенинг энанг. болам, асли паризод,  
Рост турганда ёлгон айтиб не бўлди?  
Ҳаволаниб учган сухсур шайлансин,  
Ҳар ерда душманиннг қўли бойлансин,  
Ҳаво ёғса ҳалқоб кўллар лойлансин,  
Рост гапиргин, энанг сендан айлансин!  
Йўл бўлсин, Авазжон, қайга борасан?  
Рост сўйлагин, ёлгон айтма, фарзандим.  
Овга борган одам сендай бўлмайди,  
Рост айтмасанг энанг сени қўймайди,  
Бу мунглиғнинг сира кўнгли тўлмайди.  
Ҳарчанд буриб солди қабул қилмади,  
Авазхоннинг кўнглидаги бўлмади,  
Энаси сўзини бовар қилмади,  
Аваз ўғлон рост айтмаса бўлмади:  
Эна, қулоқ солгин ўғлинг тилига,  
Шу сабабли миндим Ғирот белига,  
Борар бўлдим Исфиҳоннинг элига,  
Ёлғиз сафар қилдим ёрнинг йўлига.  
Келиб кўрай, эна, Чамбил шаҳарни,  
Кўнглимда ёр деган мақсадим бордир.  
Бир неча тушимда кўриб дилбарни,  
Мен изладим ул бувиш Интизорни.  
Неча марта отам йўллардан урди,

Елғиз деб, бек отам юбормай турди,  
Эна, эшит Авазиңниң сүзини,  
Дуо қилиб жұнат мендай қүзинғни.  
Қайтарма Чамбилниң довулбозини,  
Ўғлиң олиб келар сарвинозини,  
Бир ёр учун ёлғиз кетиб бораман,  
Ёр ишқида ўзим ўтга соламан,  
Шоҳ қизиниң харидори бўламан.  
Омонда бўл, дуо қилгин энажон!  
Эшит, эна, мениң айтган сүзимни,  
Ёр йўлида тўрт қилмайин кўзимни.  
Интизорга етгин дегин қүзинғни,  
Эсга олсам, мениң кўнглим бузилди.  
Кўп бўлди ўғлиңниң бунда койиши,  
Ёр учун ганғиди боланғниң боши,  
Оша юртга ёр ахтариб бораман,  
Сўзим шудир, дуо қилиб қоласан.

Бу сўзни эшитиб, энаси ҳам Авазга бир сўз айтиб турган экан:

Дуо қилай, болам, номард бўлмағин,  
Иқбол берсин, сени йўлдан урмайин,  
Омон бориб, омон келгин Авазжон  
Душманлардан ҳеч бир зарар кўрмайин.  
Чўлларда қичасанг бу Гиротинғни,  
Йўлиқса душмандан олсанг лотинғни,  
Отингга миндирсанг паризотинғни,  
Омон-эсон кўргин Чамбил юртинғни,  
Обод қилсанг, бунда мамлакатинғни.  
Абжўш деган унинг айёрлари бор,  
Жами айёрларниң устоди бўлар,  
Бу дунёда бўлган ишдан хабардор.  
Омон бориб, саломат кел, Авазжон.

— Зўр ерга сафар қилибсан. Чамбилдан ёлғиз чиқибсан, айёр ҳийлагарлари бор, ўз ишингга пишиқ бўлиб, албатта болам бўлгин хабардор, — деб қолди. Аваз энаси билан хўшлашиб, «Исфиҳон шаҳри қайдасан» деб йўлга кирди, Гиротга қамчи уриб, йўл босиб жұнай берди.

Авазинг жўнаб кетганини кўриб, Аҳмад сардор Гўрўглининг  
қошига бориб, бу сўзларни айтиб турган экан:

Хон Гўрўгли, беклик қилиб турасан,  
Бир хил ишга бепарволик қиласан.  
Фиротни Авазга нега берасан!?  
Отингдан айрилиб бунда қоласан.  
Фирот эди билсанг, сенинг қанотинг,  
Урушли кун бўлса сенинг қувватинг,  
Бир қаладир-кўрғон, билсанг, равотинг,  
Аваз сенинг қаёқдаги фарзандинг?!  
Фиротни Авазга қўлдан берибсан,  
Ўзинг ўйла; отдан жудо бўлибсан,  
Яхши билгин, аҳмоқ бўлиб қолибсан,  
Болам деб Авазга кўнгил берибсан.  
Билгин, Аваз Фиротингни минади,  
Исфиҳонда Аваз нима қилади!  
Билгин, Аваз Гуржистонга жўнади,  
Бош давлатинг — Фиротингни олади,  
Йўл юриб, Гуржистон кириб боради.  
Гуржистондан черик-лашкар олади,  
Лашкар тортиб, бунда Чамбил келади.  
Ўлжа овлаб, Чамбилингни олади.  
Ўйлагин, танингдан бошинг юлади,  
Келиб Аваз бир шуйқонни солади.  
От бермоқлик кўп аҳмоқлик бўлади,  
Аваз ўз юртига кетиб боради,  
Аваз сенга нега дўстлик қилади.  
Учар чоғда қанотидан қайириб,  
Югурик бўлса, туёғидан тойириб,  
Зўрлик билан олиб келдинг Чамбилга  
Ҳам отаси, энасидан айириб.  
Неча ой, неча йил бу ерда турди,  
Ўғлиниг бўлиб сенинг ичинга кирди.  
Ҳарна қувватинг ҳам сириггни билди,  
Ҳийла билаң сенинг отингни олди.  
Хон Гўрўгли, сенда нима жон қолди?  
От бермоқлик сендан аҳмоқлик бўлди...  
Ота деди, Аваз отингни олди,  
Отингни миниб, сўнгра юртингни олди,  
Авазингнинг қилар иши шу бўлди.  
«Аваз — ўғлим» дединг кўнглиннга келди,  
Калланг хумдай бўлиб сенга не бўлди?

Тоғанг сенга неча насиҳат берди.  
Сен эшитгин Сардорбекнинг додини,  
Оёқ ости қилдинг Туркман юртини,  
Аваз минди сендай аҳмоқ отини,  
Белига боғлаган у пўлатини,  
Излаб кетди ўсган мамлакатини,  
Ўйла ўзинг, не ишларни қиласан?  
Бу ишингдан наф топмайин қоласан.  
Ҳам отингдан, ҳам юртингдан айрилиб,  
Сўнгра ўзинг кўп пушаймон қиласан...

Сардорнинг бу сўзи Гўрўғлига маъқул тушиб қолди. «Тоғам менинг яхшилигимни истайди, «Қари билганини пари билмайди» деган гап бор. Авазнинг кўнглини сўрамай Ғиротни беришлигим мендан хўп аҳмоқлик бўлибди. Агар кўнглида шумлиги бўлса, Гуржистон борса, лашкар олиб бунда келса, Чамбилни олари ҳам рост, ҳар иш қилари ҳам рост, Чамбилга эга бўлари ҳам рост. Бу ишлар менинг эсимга келмабди. Мендан кўтоҳлик, хомлик ўтибди, тоғам бечоранинг кўнглига келибди. Ҳали ҳам бир ғайрат қилайин, Маждумкўкни минайин, Маждумкўк ҳам Ғиротдан сал пастроқ, икови бир таблада турган от-да. Бунинг кейинидан тушим борайин. Ғиротнинг изидан тусмол олайин, агар Гуржистон шаҳрига етиб қолмаса, бир йўлиқиб, Авазнинг кўнглини билайин, агар ўғиллиги ҳақиқат бўлса, қайтиб келайин, Гуржистон қараб кетиб бораётган бўлса, Ғиротни кўлидан олайин, ўзини уриб-уриб, Чамбилга ҳайдаб келайин» деди... Бу сўзни кўнглида айтиб, Соқибулбулни чақириб «Маждумкўкни эгарлаб кел» деб, подшолик либосини ташлаб, бошқа либослар кийиб, бетига ниқоб тортиб, Гўрўғли эканини ҳеч ким танимаган бўлиб, ёв-яроғини олиб, шу сўзни кўнглига маъқул билиб, жўнайин деб турган ери экан:

Гўрўғли кўнглига шундай гап келиб,  
Кетди сардор қанча сўзни гапириб,  
Шу вақти Гўрўғли қаландар бўлиб,  
Пўлат найзасини қўлига олиб,  
Хон Гўрўғли ажаб айёрлик қилиб,  
Соқибулбул Маждумкўкни оп келиб,  
Соқидан ўзгаси буни не билиб.  
Кетди хон Гўрўғли Маждумни миниб,  
Қани мен ҳам Авазхонга борай деб,  
Бир йўлиқиб, Авазжонни кўрай деб,  
Кўнглида не гаплар борин билай деб,

Авазнинг хаёлин англаб олай деб,  
Танимайди, бир сиёсат қилай деб,  
Аваз нима экан, уни синай деб,  
Маждумкўкка Гўрўгли қамчи чотди,  
Ургани Маждумга симдайн ботди.  
Бораётир хон Гўрўгли йўл юриб,  
Элдан чиқди Авазини ахтариб:

— Бир тоғим Палапон, бир тоғим Болқон,  
Ҳар турли гиёлар чўлда кўкарган,  
Мен Гўрўгли, элда беклигим дархон,  
Урушли кун чайиб ичганман талқон.  
Шу ердан ўтдими ўғлим Авазхон?  
Ода бўлмас кенг Чамбилнинг озиғи,  
Чўлларнинг зинкийган юмрон қозиғи,  
Юрагингни ёриб Аваз ўтдими?  
Жувори экканман кечки,  
Ёнбошидан чиқиб бачки,  
Чолдеворда қўтир эчки,  
Шу йўлдан Аваз ўтдими?  
Дарё бўлса солай кема,  
Етти уруғларинг тама,  
Зинграйиб турган жон мома,  
Шу йўлдан Аваз ўтдими?  
Илойим чиқсин-да чўлнинг чияси,  
Ёмон бўлар бузуқ йўлнинг қияси,  
Чўлларнинг кўкарган турли гиёси,  
Устларингдан Аваз босиб ўтдими?  
Қичайман отимни терлатиб, миниб,  
Мен бораман Авазим деб ахтариб,  
Билмадим, Авазжон, қаерга бориб,  
Бораётир хон Гўрўгли тебраниб,  
Қичаб юрса, чўлларни тўзон қилиб,  
Кетди гоҳ ерларда ғайрати тошиб,  
Гоҳ ерларда от изидан олашиб,  
Гоҳида яна ўз изига тушиб.  
Хон Гўрўгли Чамбил элда тўради,  
Сардор айтган сўзни маъқул билади,  
Чўлда ёлғиз ҳақ деб кетиб боради.  
Ҳарчанд юриб Авазини кўрмади,  
Шунқор Гўрўглида тоқат қолмади,  
Қаерга борганин бунинг билмади:

Тағи неча майдон отни елай деб,  
Палапонгачайин бориб келай деб,  
Палапондан ўтиб кетса Авазхон,  
Сўнгра мен ҳам тақдиримдан кўрай деб.  
Охир ери тоққа чиқиб кўрай деб,  
Қорасини кўрсам, қичаб борай деб,  
Шунда ҳам кўрсам, қайтиб келай деб.

Шунда Гўрўғли бир тоғнинг газасидан қичаб от чопиб бора-  
ётиб, Авазни кўрди, Авазхон аста-аста тенгсалиб кетиб бораяпти.  
Авазни кўриб, бурунгидан ҳам қичаб юриб: «Бунинг кейинидан  
борсам, мендан ҳадик олар, мабодо отам бўлмасин деб гумон қи-  
лар. Ҳали мени кўргани йўқ, от чопиб бунинг олдидан ўраб чиқа-  
йин» деб бораётир.

Қиличин қўлига олиб қаландар,  
Яқинлаб шу замон Авазга борди.  
«Отдан туш, ўласан», деди гапирди,  
Отнинг жиловини Авазхон тортди.  
Қаландарга Аваз бу сўзни айтди:  
— Бил қаландар, сенинг ажалинг етди,  
Армон билан ўлдинг, ғаминг е, — депти,  
Отаси танийди, Аваз танимас,  
Ўғри деб, ҳеч маҳал риюя қилмас,  
Отам деб Авазнинг кўнглига келмас.  
Газанда деб Аваз бўлди шағалмас.  
— Ўғри каззоб, сенинг бошинг оларман,  
Яхши келдинг, отинг ўлжа қиларман,  
Яқинлагин, қани, сени кўрарман.  
Кўрмаган кунларни сенга соларман,  
Ўлигингни итга емиш қиларман!  
Мени билсанг, Исфиҳонга борарман.  
Отинг олиб элтиб бозор соларман,  
Ўтишига мен отингни сотаман,  
Исфиҳонда чой пули қип ётаман,  
Йўлиқдинг, ажали етган қаландар!  
Дўқлаб қаландарга сўзни гапирди,  
Ғиротнинг бошини Авазхон бурди.  
Пўлат тиг найзани қўлига олди:  
— Ол, қаландар, ўлдинг, — деди Авазхон,  
Қаландарга қараб шундай тикилди.  
Авазнинг бу иши хўп ёмон бўлди.  
Қаландар отини кейинга бурди,  
Қилган ҳийласига пушаймон қилиб,

Шу замон Маждумга қамчини уриб,  
 Танимасин, кетсам дейди қутилиб,  
 Авазнинг ғайрати тошибон кетди.  
 «Чух!» деди. Ғиротга қилди шиддатни.  
 Маждум от қутилиб қаерга борсин,  
 Ғирот яшиндай бўп ул замон етди.  
 Қаландарга Аваз найза узатди,  
 Танимайди, Аваз санчиб ташлайди,  
 Сўнгра пушаймондан ҳеч наф топмайди.  
 Гўрўғли Авазнинг ишини кўрди,  
 Уларман деб шундай кўнглига келди,  
 Найза солди Гўрўғлига Авазхон.  
 «Аваз!» деб ул замон бир довуш қилди,  
 Бу сўз Аваз қулоғига кирмади,  
 Гўрўғлини ўз ҳолига қўймади.  
 Баҳодирлик одатини бошлади.  
 Авазнинг аччиғи келганин билиб,  
 Гўрўғли ўзини отдан ташлади.  
 Отдан жудо бўлиб олисроқ турди.  
 Қиличин ғилофдан Аваз суғирди.  
 — Кун битган, баччағар, сенга не бўлди?  
 Мендан бошқаларни олсанг бўлмасми?  
 Сендай аҳмоқ бу ерларда ўлмасми,  
 Йўл устида ўликларинг қолмасми?  
 Бу сўзни айтиб, Аваз яқинлаб борди,  
 Отасидан ҳеч билмайди хабарди.  
 «Авазжон!» деб, тағи довуш чиқарди,  
 Охирида бетдан ниқобин олди,  
 Гўрўғли эканин Авазхон билди,  
 Отасидан Аваз кўп гина қилди.  
 Таниган сўнг Аваз бўғини бўшади,  
 Қилични ғилофга солиб Авазхон.  
 «Эй аттанг!» деб, энди отдан тушади.

Аваз отидан тушиб, кўнгли қабашиб, Гўрўғлининг бу ишини  
 кўнглига оғир олиб, отасига қараб бу сўзларни айтиб турган экан:

Билдим, ота, мени номард билибсан,  
 Ғиротим деб кўп пушаймон қилибсан,  
 «Отим кетди», деб сен бунда келибсан,  
 Бировнинг сўзига аҳмоқ бўлибсан.  
 «Отам» дедим, мен ҳам кўнглимни бердим.  
 «Сенинг ўғлингман» деб Чамбилда юрдим,  
 Бир гап билан, ота, отингни миндим,

Бу юришга мен ҳам пушаймон қилдим,  
Олиб кетсанг мана, ота Ғиротинг.  
Бизга керак эмас, Чамбилдай юртинг,  
Уйла, бундан кетар бўлди фарзандинг.  
Дўст-душманнинг сўзига сен кирибсан,  
Авазни Гуржистон кетди билибсан,  
Иғвогар сўзиман бундай келибсан...  
Ота, кетгин энди Чамбил юртига,  
Сен бурилма мендайин фарзандингга.  
Ҳозир, ота, кетай бундан пиёда,  
Бу ишда эзилди менинг юрагим,  
Мана, ота, сенинг анжом-яроғинг.  
Энди бизга йўқдир ҳеч бир керагинг,  
Бу сўзни айтиб Аваз кўзин ёшлади.  
Қилич-анжомини ечиб ташлади,  
Ғиротни Гўрўғли қўлига берди:  
— Охир, ота, сенинг ишинг шу бўлди,  
От-анжоминг бари қўлингга тегди,  
Ишонмаган одамнинг отин миниб,  
Уғлиман деб беҳуда аҳмоқ бўлиб,  
Бировнинг элида катталик қилиб,  
Билмайман, кейнимдан одамлар кулиб,  
Қолган эканман-да шарманда бўлиб.  
Балли ота, энди кўнглингни билиб,  
От-анжоминг бердим сендан қутилиб,  
Бундан буёқ бундай ишни қилмагин,  
Ўзингдан бошқага отинг бермагин,  
Пушаймон бўп, ҳалак бўлиб юрмагин,  
Сен ўзингни ҳар йўлларга солмагин,  
Ота, ҳаммани ҳам аҳмоқ қилмагин,  
Хизмат қилганларни нодон билмагин,  
Омон бўлгин, ота, йўлдан қолмагин.

Бу қилган ишига Гўрўғли пушаймонлар қилиб, Аҳмад сардорнинг иғвогарлигини билиб, Авазга бир сўз айтиб турган экан:

Бу қилган ишима қилиб пушаймон,  
Энди сендан кўнглим тинди, Авазжон,  
Исфиҳонга ёлғиз кетди, деб эдим,  
Жоним болам, кўнглим тинмай кеп эдим.  
Авазжонга бир йўлиқиб қолай деб,  
Қўрқоқ-ботирлигин буни билай деб,  
Тоza қўрқоқ бўлса, бирга борай деб,  
Ботир бўлса, элга қайтиб келай деб,



Авазжоним кетди, синаб кўрай деб,  
Шу сўзни ўйлаб келдим, болам, билай деб.  
Синаб кўриб, яхши жавоб берай деб,  
Одашса бошқариб, йўлга солай деб,  
Авазжон, нега ҳам кўнглинг бўлинди?  
Сенинг хаёлингга бир шумлик келди,  
Отанг сени душман билиб не бўлди.  
Жўнатайин сендай валламагимни,  
Болам, келиб мингин Фиркўк отингни,  
Олғудай экансан паризотингни,  
Остингда ўйнаса Фиркўкдай тулпар,  
Сен ҳам лочин экансан-ку, бир шунқор,  
Душман кўрсанг, бўласан-да баробар.  
Сенинг мард экапинг бу отанг билди,  
Ғайратингдан хон Гўрўғли қувонди,  
Бошқа гап кўнглингга келиб не бўлди?!  
Бу ишни кўнглингга оғир олмагин,  
Хаёлингни, жоним болам, бўлмагин,  
Даврон сургин, кўп йилгача ўлмагин,  
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,  
Отангнинг сўзини нодон билмагин,  
Болам, сен ҳам ёлғиз кетиб борасан.  
Сендан кўнглим тинмай келди бу замон,  
«Аваз кетди ҳоли қандай бўлади,  
Киши юрти, мусофирлик балоди (р),  
Не зўрларга бир йўлиқиб кўради,  
Ул ёлғиз Авазим қандай қилади?  
Шу сўзни ўйлаб, отанг синаб кўради,  
Болам, кўнглинг бошқа ўйга боради,  
Отанг сенинг дуоғўйинг бўлади.  
Исфиҳон шаҳрига қилгин юришни,  
Белга бойла сопи олтин қилични,  
Майдонда Рустамдай қилгин хурушни.  
Кўнглингга бўлак гап келиб не бўлди?!  
Авазхоннинг билмаганин билдирди,  
Алдаб-сулдаб айтганига кўндирди,  
Қилич-яроғини белга бўғдирди,  
Қайта бошдан Фиротига миндирди.  
Неча сўзни бунда Гўрўғли айтди,  
Авазхоннинг кўнгли ҳам таскин топди.  
Аваз кўнгли тўғри экан, билибди,  
Аваздан Гўрўғли рози бўлибди.  
«Йўлиқса, душманга даф этгудай» деб,  
Авазнинг ишига қойил қолибди,

Гўрўғли ҳам Маждумкўкни минибди,  
Авазини энди йўлга солибди,  
Гўрўғли Чамбилга қайтиб келибди.  
Авазхоннинг ғайрагига тан бериб,  
Хон Гўрўғли Чамбил келиб қўнибди.

Отасидан айрилиб,  
Уриб кетиб боради,  
Остидаги Ғироти  
Суриб кетиб боради.  
Не бир қия йўлларда  
Буриб кетиб боради.  
Не бир сувсиз чўлларни  
Кўриб кетиб боради.  
Ҳеч кўрмаган элларни  
Кўриб кетиб боради,  
Бир қамишзор кўлларни  
Билиб ўтиб боради.  
Кўлда шилчиқ ерларни  
Елиб ўтиб боради.  
Остидаги Ғиркўк от  
Кокил ташлаб жонивор,  
Елиб ўтиб боради...  
Аваз қилади ғайрат,  
Елғиз кетди азамат,  
Излагани ғайри юрт,  
Ғайрат қилиб бу бекзот,  
«Чух!» деб қамчини чотди.  
Оғзин очиб Ғироти,  
Йўлнинг танобин тортди.  
Чўлларни тўзон тутиб  
Чачадан ерга ботди.  
Туёғидан тупроқни  
Фалакка қоплаб отди.  
Аваз шундай йўл тортди,  
— Чамбил кирдикорим, деб,  
Еткизгин, тулпарим, деб,  
Аваз чўлда боради,  
— Қайда менинг ёрим, деб,  
Кўринса дилбарим, деб,  
Дубулға бошда дўнгуллаб,  
Қарк қубба қалқон қарқиллаб,  
Беллиги белда иркиллаб.

Тилла поянак урулган  
 Узангиларга ширқиллаб,  
 Шундай Аваз йўл тортди.  
 От боради ариллаб,  
 Отган ўқдай зариллаб,  
 Устидаги Авазхон,  
 Бораётир пириллаб.  
 Авазнинг минганига,  
 Не деса, кўнганига,  
 Тоғ-чўл ларзон урар  
 Ғирнинг ирғиганига.  
 Тоғларла бордир заранги,  
 Осиб эгнига паранги,  
 Аваз кетар, ой қоронғи,  
 Кетди бедов от анғишлаб,  
 Авазнинг вақтини хушлаб,  
 Назар топган Ғирқўк оти,  
 Исфиҳонга ўзи бошлаб.  
 Тоғу тошда ирғир жонвор,  
 Қулондай бўп яшин ташлаб.  
 Ўр ерни ўмганлатиб,  
 Бузуқ ердан ирғитиб,  
 Қир келса, қилпиллатиб,  
 Яна-да ялпиллатиб,  
 Шундай қилиб йўл тортиб,  
 Ёл, қуйруғи ярашди,  
 Қанча тоғлардан ошди,  
 Биёбон чўлга тушди.  
 Сувсиз чўлда йўл юриб,  
 Авазнинг ақли шошди,  
 Бир жойларга етишди.

Бораётиб хаёлида «Энди яқин қолгандир, бу Ғиротнинг юрашига учар қуш етолмайди, бу йўлни писанд қилмайди. Бу — ҳайвонларнинг сараси, ҳеч кимнинг дамини емайди, қочса қутилади, қувса етади, ҳар ерга жонивор ўзи бошлаб кетади», деб Авазхон бу сўзларни айтиб, Кўккўли деган тоққа яқин етиб: «Шу тоғнинг устига чиқсам, бир баланд чўққида туриб қарасам, Исфиҳон мамлакати кўринса ҳам ажаб эмас», деб отнинг бошини буриб бораётиб эди, тоғнинг қавагида тошдан қалаган бир жой кўринди. Аваз: «Бу, биров ватан қилиб ўтирган ерга ўхшайди, мабодо шу ерда одам борми?» деб, отнинг бошини буриб, бора берди. Биров зинкийиб тура берди. «Одам бор экан, шунга борайин, нима бўлса,

йўлнинг мўлжалини биледи», деб бораётиб эди, Авазни кўриб, ҳа-  
лиги одам бу сўзларни сўйлаб турибди:

Чечанни сўйлатган қизил тил бўлсин,  
Елгиз юрган отли, сенга йўл бўлсин?  
Бир вақти замони кунинг битдими,  
Бундай юриб, ё ажалинг етдими?!  
Мендан қўрқмай сен тиккалаб юрасан,  
Қандайин жонидан тўйган балосан?  
Келиб мендай зўрга дучор бўласан,  
Отинг билан ўзинг нобуд бўласан.  
Бу ерларда қўрқмай, қандай юрасан?!  
Дам-ба дамда мен ҳам тошни отаман,  
Кўрдим сени, яксон қилиб кетаман.  
Аввали, Исфиҳон, дейди юртимни,  
Эшитганинг йўқми менинг отимни?  
Душман бўлсанг, бузай мамлакатингни,  
Кейин қайтар, шўрли, минган отингни.  
Бу маконда ётган мен ҳам зўрабор,  
Ҳеч одам бўлмайти менга баробар.  
Кейин қайт, бу ерда сенга нима бор?!

Бу сўзни эшитиб Авазхон айтди: «Бу тентакми, олдинга бормай  
қайт деб, лоф уриб гапираяпти, ўзи бир қарн киши» деб отининг  
жиловини тортиб, бу сўзни айтиб турган экан:

Бова, билдим, сенинг гапинг бемаъни,  
Мени билсанг, юрган Чамбилнинг хони,  
Хаёлингда мен бировнинг душмани,  
Қайтар деб ким қўйди бу ерга сени,  
Кимга ўхшатасан, боважон, мени?  
Баҳорда очилар боғнинг бодоми,  
Айтгин, ўзинг қайси шоҳнинг одами?  
Нима касб, нима ишда юрибсан?  
Не сабабли бунда макон қилибсан?  
Йўл устида бундай жойда бўлибсан.  
Ўзингни ким чоғлаб, бова, турибсан?  
Қошинга етишсам мен ҳам бу замон,  
Аччиғлансам, сенга бермайман омон!  
Остимда ўйнайди араби тўлпар,  
Мен айтайин, эшит нима ишинг бор?  
Яқинлаб борайми сенинг қошинга,  
Олмос қилич солайинми бошингга?!  
Ҳайрон қолдим, бова, сенинг ишинга,

Тортинмай сўйладинг мендай кишига,  
Ўзинг ким, қиласан бундай сиёсат?  
Қолмайсан бу ерда мендан солават!...

**Бу сўзн Аваздан эшитиб, бова ҳам бир сўз айтиб турган экан:**

Мени қўйган Исфиҳоннинг подшоҳи,  
Менга йўлиққаннинг тошар гуноҳи.  
Менинг хўжайиним Исфиҳон шдҳи,  
Ким йўлиқса, менга у дунё жойи!  
Шоҳим менга кўп сўзларни сўйлаган,  
Қўнглида борини баён айлаган.  
Шоҳимизнинг қизи баркамол бўлган,  
Жамоли ярқиллаб ойдаин тўлган,  
Ҳар ким ҳам кейинидан оҳ уриб юрган,  
Неча шоҳлар бир кўрсам деб югурган,  
Нечалар ололмай кўйида ўлган.  
Неча сўзни подшоҳимиз билибди,  
Шу ёқда Гўрўғли деган чиқибди,  
Овозаси бизнинг шоҳга борибди.  
Бизнинг шоҳ бир куни чақириб олди,  
Тошотар полвонман, отимни билди.  
Сўраб, сўнгра менга эътиқод қилди,  
Подшоликдан қанча инъомлар берди.  
Шу ерларга шоҳим мени буюрди:  
— Бузуқ ерда, тоғда онгиб тургин, деб,  
Ким ўтса, аяма, тошман ургин, деб,  
Бу ўртада уни нобуд қилгин, деб.  
Хазон уриб боғда гуллар сўлмасин,  
Қизимнинг таърифи Чамбил бормасин,  
Газандалар тоғдан ошиб ўтмасин.

Не сабабдан кўтарилдинг, ёш бачча?  
Менинг сўзим қаёқдан билдинг неча,  
Файратинг бор экан сенинг ҳам анча.  
Тағи Чамбил элдан бунда келмагин,  
Тағи шоҳнинг қизин излаб юрмагин.  
Ўғрининг сардори ўзинг бўлмагин,  
Тошотар бовангни ҳазил билмагин,  
Бовангнинг чангида ғариб ўлмагин!  
Ҳалак бўп излама шоҳнинг қизини,  
Кучук босмас йўлбарс, шернинг изини.

Ҳарчанд ўйлаб кўрди энди Авазхон,  
Билмади-ку, бовасининг тузини,

Ҳеч тузи йўқ кўп сўзлаган сўзини,  
Бурун кўрган эмас бундай кишини.  
Туриб эди Аваз ўғлон шу онда,  
Боваси кўтарди шундай тошини.  
Авазхонни ўлдирмоқчи бўлади,  
Етмиш ботмон тошни ердан олади,  
Ҳар кимга тегса ҳам яксон бўлади.  
Етмиш ботмон тошни кўтариб отди,  
Гувуллаб шамоли Авазга етди,  
Авазхонни адовур аланглатди...  
Кўринг назарқарда шу Ғиротни,  
Қирқ газ баланд сачраб, ўтди-да кетди.  
Етмиш ботмон тошдан омон қолибди,  
Тошотар қошига Аваз борибди.  
Қиличига энди қўлни узатди,  
Ғилофидан суғириб, қўлига опти,  
«Қойил бўл, — деб, — Авазхоннинг ишига»,  
Қилич билан солди унинг бошига,  
Лоф уриб боваси армонман ўлди.  
Тошотар ўлганин хотини билди,  
Чирқираб осмондан бир товуш келди,  
Авазхоннинг қудоғини битирди...  
Қоғозойим деган хотини борди,  
Еши қайтиб, энди у ҳам қариди,  
Қоғозойим демоқнинг бойси борди:  
Етмиш ботмон қоғоздан қанот қилиб,  
Учар эди мудом осмонда юриб.  
Эрининг ўлганин ҳавода билиб,  
Келаётир шамолдай бўп куйилиб.  
«Бу бало қандай», — деб Авазхон туриб,  
Келаётир ҳар алвонда гапириб:  
— Қайси элдан сен ҳам бу ерга келдинг?  
Тошотардай полвонимни ўлдирдинг.  
Қани омон кетганингни кўрайин!  
Қоғозойим дейди—етиб борайин.  
Танилгдан бошингни юлиб олайин,  
Энди сени ерман<sup>1</sup> яксон қилтайин!  
Не ишларни мен ҳам сенга солайин,  
Полвоним хуини сендан олайин!

Яшиндай айланиб гувиллаб етди,  
Бу бадбахтнинг жуда ғалваси кўпди,  
Аваз буни кўриб, ҳайрон қолибди.

<sup>1</sup> Ер билан.

Авазнинг бошидан бадбахт айланиб,  
Авазни шу замон ўраб олади,  
Ғиротни қаноти билан уради,  
Авазнинг қиличига рад беради.  
Авазхон илгари вақти хуш бўлди,  
Қелиб-келиб бу балога дуч бўлди.  
Қилич олиб Аваз яқинлаб борса,  
Парвоз қилиб Ғирот ҳам кўтарилса,  
Булутнинг остига чиқиб кетади;  
Ер юзига тушиб жонивор юрса,  
Авазнинг қошига қайдан етади.  
Тош олиб баланддан кампир отади.  
— Омон қўймай, сени набуд қилай, деб  
Бойимни ўлдирдинг, тошман урай, деб,  
Полвонимдай сени ўлик қилай, деб,  
Икковингни мен бир ерга кўмай, деб,  
Мен қўймайман, сендан ўчим олмай, деб.

Авазнинг калласи айланиб қолди.  
Аваз ўғлон туриб ғайрат қилади,  
Ғиротига тезлаб қамчи уради,  
Ханжарини қўлга олиб боради.

Аччиғланиб шунда бу кампир етди,  
Ғиротига тезлаб қамчи урибди,  
Аваз ўғлон бунда ўтдай ёнибди.  
Тўрт ярим газ энди қанотин ёзиб,  
Бекнинг Ғиркўк оти яқин борибди.  
Душман эди бунинг сирин фошлади,  
Қилич билан икки бўлиб ташлади,  
Аваз ўғлон чопиб ташлаб қаради:  
Икки бўлак бўлиб ҳаводан тушиб,  
Лайлак қордай бўлиб айёр келади,  
Бойининг хунини йўқлаб ўлади,  
Қилич еди, ерга айёр қулади.  
Авазхон ҳам шундай ишни қилади.  
Бу ишларни қилиб, бундан жўнади,  
Исфиҳон йўлига тушиб боради.  
Авазхон ёрини йўқлаб боради,  
Тоғни ўрлаб Аваз кетиб боради,  
Аваз бўлиб бу йўлларда диловор,  
Йўлиққан душманлар жазосин кўрар.  
Кўккўли тоғида йўл юриб кўчқор,  
Яқин деб эшитган Исфиҳон шаҳар.  
Сувлиқ тишлаб ўйнар Ғиркўкдай тулпар,

Тоғ бошига юриб шундайин қайсар,  
Марднинг ишин ҳар ким кўрса қувонар.  
Азаматлар олмос бойлар дастида,  
Нодон келолмайди марднинг устига,  
Аваз ўғлон неча вақтлар от суриб,  
Неча кунлар бунда тоғда йўл юриб,  
Бораётир дилбар ёрни ахтариб.  
Бу тоғнинг бошига яқинлаб бориб,  
Тоққа терлаб чиқди минган тулпари,  
Туманлаб кўринди Исфиҳон шаҳри.  
Ярқиллайди пештоқ билан минори,  
Шу шаҳарда бекнинг излаган ёри...  
Аваздан ҳеч кимнинг йўқдир хабари.

Насиб бўлса, шу шаҳарга борарман,  
Ҳийла билан Исфиҳонга кирарман,  
Насиб қилса, шоҳнинг қизин оларман.  
Бу сўзларни айтиб, отини минди,  
Исфиҳон шаҳрини чўтлаб йўл юрди,  
Баланд тоғдан пастга қараб қуйилди.  
Бир юртнинг сирини билмоқ қийинди.  
Бораётиб эди Аваздай шунқор,  
Бир қора эласлаб бунга кўринар,  
Одам экан. Аваз ўғлон билади,  
Бир кампир «Авазжон!» — дейди, келади.  
От бошини сақлаб Аваз қаради,  
Кампир Авазхоннинг қошига етди.  
«Кўрар куним бор экан» — деб шу замон,  
Авазхондан неча марта айланган.

Авазхон ўйланиб, «бу йўлларда илгари юрганам йўқ, бундай  
одамни кўрганам йўқ, ҳеч ҳамгап бўлганим йўқ, бу қанча меҳри-  
боньяк қилди; мени кўрганига парт бўлиб қолди. Мен билмай-  
ман, илгари кўрганмикан?» деб ўйланиб турди. Бу кампир Авазга  
қанча эътиқодлар қилиб, бели букрайиб, қулоқлари тикрайиб,  
Авазга бу сўзни айтиб турган экан:

Бандани сўйлатган қизил тил бўлсин,  
Ҳар бандага фарзанд берса, ул<sup>1</sup> бўлсин,  
Узунли-қисқали тўнинг мўл бўлсин,  
Чамбил элдан чиққан қўчқор, йўл бўлсин?  
Баланд тоғнинг бошини чолган туманми,

<sup>1</sup> Уғил.



Чамбил элда Гүрүғли хон омонми?  
Отанг сенга бедовини берибди,  
Бу йўлларга отанг ёлғиз солибди,  
Мендай моманг сенга дучор бўлибди,  
Мендан бўлмасин-да, қўзим, ҳазаринг.  
Қайси элга, қўзим, тушди гузаринг?  
Йўл бўлсин, жон болам, қайга борасан?  
Мен биламан сенинг ҳам авлодингни,  
Абжўш мома дейди менинг отимни.  
Мен қиларман, фарзандим, хизматингни,  
Мен сўрайман борар мамлакатингни?  
Бу йўлларда тўлиб-тошиб борасан,  
Мен сўрайман, қай шаҳарга борасан?  
Болам, бизникига меҳмон бўласан,  
Гул чарбоққа бугун бориб қўнасан,  
Менинг ишларимни, болам, кўрасан.  
Танимай сен мендан ғофил қолмагин,  
Отанг Гүрүғлидир менман қадирдон,  
Менинг кўп ишимни отанг ҳам кўрган,  
Йўл бўлсин, Авазхон, қайга борасан?

Авазхон бу кампирнинг таърифини, қилган ишларини, юрган юришларини илгаридан эшитган, — Мома, мени ким деб турибсиз, энди ўзингиз қарибсиз, балки кўздан қолибсиз, мени бировга ўхшатиб турибсиз, мен билмайман, ким деб гумон қилибсиз? — деди. Кампир бу сўзни эшитиб, тағи бир сўз айтиб турган экан:

Боғда пишган олма ҳам анор эди,  
Тоғ бошида бўқтарилган қор эди,  
Болам сенинг кўп шумлигинг бор эди,  
Отангни Булдуриқ қассоб дер эди,  
Туққан энанг Ойгулойим бор эди.  
Аввал-охир менга қадирдон эди.  
Ер юзига тушмоқ бўлдинг, Авазхон,  
Сенга киндик эна бўлган момангман.  
Гуржистонда етти ёшга киргандинг,  
Хунхоршоҳ олдинда маҳрам бўлгандинг.  
Таърифинг Чамбилга баланд борганди,  
Хон Гүрүғли сени излаб келганди.  
Хийла билан ҳамманинг ақлини олди,  
Тўқсон қўзи сенга энчи чиқарди.  
Қўй бозорда буни халойиқ кўрди,  
«Пули ҳалол қассоб», деди, чақирди.  
Сенинг отанг қўй бозорнинг каттаси,

Ўз қўйининг бориб бошида турди,  
Хунхор шоҳдан сени чақириб келди.  
Гўрўғли отини Қўнғирбой қўйиб,  
Тоғанг деди, отанг сенга топширди,  
Бирга-бирга сен ҳам уйингга келдинг.  
Гўрўғли эканин энанг ҳам билди,  
Бир кеча манзилингга бирга турди.  
Ҳамал тоққа сенинг отангман келди,  
Аввал билмади-да, отанг сўнг билди,  
Отанг унда турмайин қочиб берди.  
Ҳийла билан сени тоққа чиқарди,  
Сени, болам, Ғиротига миндирди,  
Ҳар гап деса, айтганига кўндирди.  
Сен билан Чамбилга борган момангман.  
Бир кун кўрди Қисакўзнинг зўрини,  
Келиб қамов қилди Чамбил элини,  
Чиқиб қирди Чамбил беги барини,  
Улжа қилиб олди моли-зарини,  
Бўлувчи қилганди бу қўчқорини,  
Сен қалқонлаб бўлдинг тиллаларини,  
Шу бўлувда улуш олган момангман.

Авазхон айтди: «Бу момам ҳамиша бирга юрган экан, мени бошдан оёғимни билди; бу момам вали эмас, валиликдан холи эмас, бу ғам емас, ҳар айёрдан кам эмас; ҳеч ишдан холи эмас, бунга тўғри сўз гапирайин», деб, Авазхон бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Мен Авазман, мома, номард билмагин,  
Бир нечадай кўриб ҳийла қилмагин,  
Улдираман деб хаёлинг бўлмагин,  
Мома, кашмири айёрликни қилмагин,  
Балли, мома, келган йўлдан қолмагин!  
Чиқиб эдим мен ҳам Чамбил элимдан,  
Олмос бўлат айрилмаган белимдан,  
Қасд қилсам, ҳар иш келар қўлимдан,  
Ногоҳанда чиқдинг, мома, йўлимдан,  
Исфиҳон шаҳрига кетиб бораман.  
Сен эшитгин Авазхоннинг сўзини,  
Бориб мен ҳам олсам шоҳнинг қизини,  
Йўлдан урма Авазхоннинг ўзини,  
Олиб кетай шоҳнинг сарви нозини!

Бу сўзни Аваздан эшитиб, яна кампир Авазга қараб бу сўзларни сўйлаб турган экан:

Агар билсанг, сенга раҳбар бўламан,  
Бошдан-оёғингни аниқ биламан,  
Адашсанг, бошқариб йўлга соламан.  
Шоҳнинг қизин излаб, болам, сен юрсанг,  
Бувиш Интизорга ишқивоз бўлсанг,  
Бу туришда кирма душман шахрига.  
Бундан борсанг, от-анжомингни кўрар,  
Қатта-кичик бари қолмай йиғилар,  
Қурандозлар аниқлаб сени билар,  
Исфиҳондан одам қандай қутилар?!  
Уртага оп сени ушлаб олади,  
Бу минган отингни ўлжа қилади,  
Армон билан ўзингни ўлдиради,  
Билса, шоҳ қизини нега беради!  
Ҳар боб билан сенинг коринг қилади,  
Сенга менинг сўзим шундай бўлади:  
Бундан туриб, болам, билсанг йўл тортсанг,  
Исфиҳон шахрига яқинлаб етсанг,  
Шаҳардан ташқари шундай чорвоқ бор,

Қарасанг ранг-баранг гуллар очилар,  
Сайр боғда юрар сатта санамлар,  
Улар хуснин кўрсанг, гулман баробар.  
Шу чорвоғда, болам, турмоғинг даркор,  
Сайр боққа, билсанг, келар Интизор.  
Сайр боғда Интизорни кўрасан,  
Тегар бўлса, бир ваъдани қиласан.  
Не бўлса раъйини топиб оласан,  
Зўрлик билан ололмайсан, Авазхон!  
Интизор отаси, билсанг, зўр подшо,  
Манманликдан бўлиб қолма шарманда.  
Отанг Гўрўглини ҳурмат қиламан,  
Шу сабабдан бу сўзни айтиб тураман,  
Мен ҳам шоҳнинг хизматкори бўламан.  
Агар кўнглимда шумлиғим бўлса,  
Сени шоҳга банди қилиб бераман.  
Емонлик ишларни, болам, ташладим,  
Уч-тўрт кундан бери намоз бошладим,  
Шундай қилиб яхшиликка бошладим.  
Сен, жон болам, мендан, ҳеч ҳадик қилма,  
Бу ёмон айёр деб кўнглиннга олма!  
Исфиҳон шахрида манманлик қилма,  
Манманлик қип бир балога дуч бўлма,  
Ениб турган ўтга ўзингни урма!

Бу шаҳарда сенинг раҳбаринг борми,  
Исфиҳонда сени, болам, ким билар,  
Не иш қилсанг ўзингдадир ихтиёр.  
Қўлга тушсанг, бунда сени ўлдирар,  
У Чамбилдан келган Аширбек сардор  
Неча йилдан бери шоҳга хизматкор,  
Миллион-миллион унинг лашкарлари бор.  
Сени кўрса, сардор сиринг билади,  
Бир кўрса Аширбек, бойлаб олади.  
Аширбек ҳам мартабали бўлади,  
Лашкарбоши бўлиб бунда қолади.  
Бунинг ҳам қўлидан ҳар иш келади.  
Нима бўлса, Аширбекка йўлиқма!  
Душман бўлса, шоҳга ушлаб беради.  
Шоҳнинг яқин одамидир Аширбек,  
Қулоқ солгин мендай ночор сўзига,  
Нима бўлса, кўринмагин кўзига,  
Аширбек кўнглини нима биласан,  
Аччиғланса, армон билан ўласан!

**Авазхон** бу сўзни Абжуш кампирдан эшитиб, бир сўз айтиб турган экан:

Сўз билан, момажон, ақлимни олдинг,  
Тўғри сўзни, мома, менга гапирдинг.  
Сардор шу юртдадир, момажон, билдим,  
Аширбекни, балки ҳимоят билдим.  
Мендан бурун Исфиҳонга келган, деб,  
Баланд-пастли йўлларини кўрган, деб,  
Бариман сўзлашиб, тилин билган, деб,  
Орқа қилиб келдим Чамбил элидан  
Бир одамим Исфиҳонда юрган деб.  
Сардор кўриб дўстлик қилмаса менга,  
Рост гапирдинг, йўлиқмайин, момажон,  
Ўз ҳолимни мен ҳам билиб юрайин.  
Рост айтасан, сардорда нима қилайин,  
Сайр боғ яқинми, шунга борайин,  
Қанизларман бир ваъдани қилайин.  
Ўсган жойинг Исфиҳонми, момажон?  
Макону манзилинг сендан сўрайин,  
Мен ҳам одам бўлиб Чамбилдан келдим.  
Отам Гўрўғлининг иззатин қилдинг,  
Мени, мома, сайр боққа бошқардинг,  
Кўп турмайин, бундан юриш қилайин,

Қани мен ҳам бир йўлиқиб кўрайин,  
Тағи менга керак бўлсанг, момажон,  
Хабар бергин, сени кимдан сўрайин?  
Бозори кун бу шаҳарга кирайин,  
Мен ҳам бозорчиниң бири бўлайин,  
Рост айтасаң, ҳийла билан борайин,  
Жавоб бергин энди, мома, жўнайин!

Бу сўзни Аваздан эшитиб,—Аваз болам, сенга бир меҳрибонлик қилдим, осмоннинг ости қолмай қидирдим, кўп айёрликларни билдим, қанчаларни шогирд қилиб таълим бердим, шунча умримни ёмонлик билан ўтказдим, ҳеч бир одамга яхшилик қилмадим, сенга ҳам яхшилик қилмас эдим, неча марта қуръа ташлаб кўрдим, ҳеч бир ёмонлик йўл бермади, сенга яхшилик йўлларни кўрсатди. Шундай қилиб йўл топмай, Абжуш моманг сенга яхши сўйлаб турибди. Менга одамзод, жин, пари, дев — ҳаммаси бирдай. Мен айёрлик китобини ўқиганман: бир хаёлим тутади — тоғтошда юраман. Бир хаёлим тутади — Яман билан Ясарни кезиб, одамзод юрган мамлакатда юраман. Кўнглим тутади — парилар шаҳарини кўраман; гоҳ осмонга учаман, гоҳ ерга тушаман, дунёда бор гап бўлса биламан. Бир нечага яхшилик йўл, бир нечага ёмонлик йўл кўрсатиб тураман. Мендай моманг сенга меҳрибон бўлиб турибди, ҳали сенда нодон иш кўп. Мендан манзил-макон сўрадинг, менда қарорли макон-жой нима қилади: қаерда юрсам макон, манзилим ухласам ҳозир бўлади, ўзим билан бирга юради, одамлар менинг маконимни қачон кўради. Менинг таъбим хоҳлайди — бир дамда чўлни гулзор қиламан, гулзорни чўл қиламан, бу турган тоғларни йўл қиламан, — деди. Кампир бу сўзларни айтиб, бир-бири билан гаплашиб, момасидан фотиҳа олиб, Авазхон кетиб бораётир.

«Момамнинг айтганин қилсам,  
Гул чорбоққа тушиб турсам,  
Интизордай ёрни олсам,  
Бу дунёда даврон сурсам,  
Ҳамиша мен ўйнаб-кулсам.  
Шоҳнинг қизи бизни хоҳлаб,  
Чамбил элга бормоқ бўлса!  
Бир кун миндирсам Ғиротга,  
Етиб борсак Чамбил юртга.  
Хабар қилсак кўп элатга,  
Кўнгил шундай паризодда,  
Бирга борсак ўсган юртга».  
Бу сўзларни кўнглида айтиб

Йўлда боради Авазхон.  
Яқинда Исфиҳон эли  
Ернинг манзилига бориб,  
Сайраса Чамбил булбули,  
Борар Гўрўғлининг ули<sup>1</sup>.  
Осон бўлгай-да мушукули.

Исфиҳон шахрининг бир тарафи кўл, тўқайистон, Авазхон кўл-ларга қараб бораётир эди, кўлдан бир киши чиқиб кела берди. Буни Авазхон кўрди: бошида дастори бор, эгарнинг қошида довули бор, қўлида бўз қарчиғайи бор, оқ соқолли қари киши. Кун пора-пора бўлиб, ботайин деб қолган. Авазхон яқинлаб келди, салом берди, боваси алик олди. Авазнинг сиёсатини, остига минган отини кўриб, боваси бир сўз айтиб турган экан:

Остингда юз алвон ўйнайди отинг,  
Қаерларда, болам, ўсган элатинг?  
Белинга ярқиллаб кескир пўлатинг,  
Бировга келади сенинг келбатинг.  
Хабар бергин, болам, қайга борасан?  
Сен эшитгинг менинг айтган тилимни,  
Хабар бергин ўйнаб-ўсган элингни,  
Болам, нима дейди манзилларингни,  
Қўзим, айта кўргин юрган шахрингни.  
Очилган баҳорда боғнинг гулисан,  
Сен ҳам бир-бировнинг жони-дилисан,  
Қай шаҳарда, қайси бекнинг ўғлисан?  
Хабар бергин, қайси юртдан келасан?  
Жамолинг ўхшайди осмонда ойга,  
Қошинг келбат берар эгилган ёйга,  
Хуснинг талашади бу тўлган ойга,  
Келбатинг келади бўз қарчиғайга,  
Қарчиғай чангаллим, қайдан бўласан?  
Бино бўлдинг қайси гавҳар донадан,  
Сендай йигит пайдо бўлмас энадан,  
Парвоз қилдинг қайси манзил хонадан,  
Баланд парвоз болам, қайга борасан?  
Сен қайси уядан давр олиб учдинг,  
Қандай бўлиб, болам, бу ерга тушдинг,  
Не сабабдан бунда — кўлга етишдинг,  
Хабар бергин, болам, қайга борасан?  
Бировга ўхшатиб сенинг ўзингни,

---

<sup>1</sup> Уғли.

Тарзинг кўриб балки кўнглим бузилди,  
От-анжоминг кўриб бағрим эзилди.  
Сўрайман, жон болам, сендай кўзимни,  
Хабар бергин, болам, қайдан бўласан?  
Не хизматда кўл ёқалаб келасан?  
Рост сўйлагин, бўтам, қайдан бўласан?

Бу сўзни бовадан эшитиб, Авазхон бир сўзни айтиб турган экан:

Бова, қулоқ солинг айтган сўзима  
Балки иссиқ кўринасан кўзима,  
Мен мусофир, қилма менга зулмни,  
Мен сўйласам, бова, англаб бил энди.  
Олис турмай, сен ҳам яқин кел энди,  
Сен сирингни менга маълум қил энди,  
Ҳориб келаётир минган тулпарим,  
Олис юртда ўйнаб-ўсган кирдорим,  
Аҳволингдан йўқдир, бова, хабарим,  
Душманлар айёри бўлиб юрмагин.  
Ҳийла билан мени сўраб турмагин,  
Сўраб менинг ихтиёрим олмагин,  
Душман бўлиб менинг корим қилмагин,  
Мусофирман, нима илож қиламан,  
Ҳозир сендан гумон қилиб тураман.  
Сўнгра мамлакатим айтиб бераман.

Бу сўзни Аваздан эшитиб, бова Авазга ўзини танитиб, бу сўзни айтиб турган экан:

Баланд тоғнинг бошин чалган туманми,  
Ўз юртида Гўрўғли хон омонми?  
Сен ҳам менинг тўражоним бўласан,  
Танимайин мендан қилган гумонми?  
Менга туҳмат қилди ул Аҳмад Сардор,  
Гувоҳлик берганди қанча йигитлар,  
Ҳукмушим тайин бўлиб Чамбилда,  
Бу ерларга қочиб келдим, муқаррар.  
Бола-чақам қолди, қочиб қутилдим,  
Бошимни қутқариб бу ерга келдим.  
Элу халқим, бийлигимдан айрилиб,  
Неча ой, неча йил девона бўлдим,  
Чамбилга боролмай, мен қўрқиб юрдим,  
Кам-кам бу элларда мартаба кўрдим.  
Менинг келганима кўп йиллар ўтди.

Йигит эдим соқолларим оқариб,  
 Қарилик асари бизга ҳам етди.  
 Билгин, Сардор лашкарбоши бўлибди,  
 Ҳозир Исфиҳонни сўраб турибди.  
 Бу сўзларни айтиб Сардор йиғлади,  
 Аширбек эканин Аваз билади.  
 Кўриб бир-бирини кўзин ёшлади,  
 Икови ҳам энди оддан ташлади.  
 Бир-бирининг ҳолин кўриб йиғлади,  
 Қулоч ёйиб бир-бирига жўнади.  
 Дардли қул дардини кимга ёради,  
 Бу ишларга бекнинг бағри ёнади.  
 Авазхонни янги кўриб бек Сардор,  
 Ёвмит элда икки ўгли муқаррар,  
 Сардорнинг бошидан кетгай-да туман,  
 Ҳеч кимни кўрган йўқ Чамбил элидан,  
 Янгитта Авазни кўриб бу замон,  
 Бўлиб қолди бир-бирига меҳрибон.

Икови кўришиб, сўрашиб, у Аҳмад сардорни сўкиб, — Билмайман, шу туҳматдан нима олади бу? — деди. Авазхон айтди:—Қани, бу шаҳарларда не гап бор? Исфиҳонни катта шаҳар деб эшитаман, кириб кўрганим йўқ.

Аширбек айтди: — Ўтган ишнинг нимасини сўрайсан! Исфиҳон бир катта шаҳар экан. Мен ҳам даставвал келганимда Исфиҳон шаҳрининг овозасига кирмоққа қўрқдим. Мана Исфиҳоннинг қава-тида бир қўрғон, биттагина бек турган шаҳри бор экан, келиб шунга кирдим. От-анжомим билан келиб эдим, бу шаҳарга тўғри келмади. «Танимасни сийламас», ҳеч ким нима қилиб юрибсан демади; менинг тилимни улар билмади. Уларнинг тилини мен билмадим. Нима қиларимни билмай, бошим ганграб, оту тўнимни сотиб еб бўлиб, сўнгра гадойлик қилдим. Бу кичкина шаҳарнинг подшосини Қарияшоҳ дер экан... Бир яхши қизи бор экан, наҳоят сулув, бизга берди. Уни Исфиҳон шаҳри подшосининг қизи Интизор ойим қирқин қизларининг бошлиғи қилди, келиб Интизорнинг хизматида турди. Бизга шу хотин сабаб бўлиб, Интизорга гапириб, биз Исфиҳоннинг ичидан манзил-жой қилиб, Исфиҳон хони билан сирдош бўлиб, бир ёққа юриш бўлса, лашкар бошилик амал бериб, илгирги амалим қандай бўлса, шу вақтда ҳам шундай.

Бу сўзларни кўлнинг ёқасида гапириб, «Энди бизнинг манзилни кўргин» деб, жўнаб бораётган ери экан:

Қўлнинг ёқасида кўп гаплар ўтди,  
 Хуптон ўтиб, эл ётарга борибди,



Шу вақтгача гапиришиб турибди,  
Авазхонни меҳмон қилмоқ бўлибди.  
Қолган сўзни сўнгра гаплашамиз, деб  
Сардор билан Аваз отни минибди,  
Бир-бирига узангиси ширқиллаб,  
Емнинг вақти ўтган, отлар дириллаб  
Аваз билан кўлдан чиқиб жўнади,  
Бу ернинг йўлини Сардор билади,  
Илгариди Сардор бошлаб боради.  
Аваз ўғлон кундуз юриб кўрмаган,  
Исфиҳоннинг шаҳри қандай билмаган,  
Ўз кўнглидай очиқ кўриб Сардорни.  
Сардорнинг кўнглида нима гап борди:  
Сийламоқчи Авазхондай шунқорни,  
Дарвозага энди яқинлаб борди.  
Қўрбошилар Сардорбекни кўрибди,  
Сардор, Аваз дарвозадан кирибди,  
Шаҳри ғулғулани Аваз кўрибди,  
Миршаб, шабгир, бари чиқиб қолибди.  
Довулини кўчаларда урибди,  
Қоровуллар ҳуштак тортиб турибди,  
Элнинг олди бир уйқуга борибди,  
Исфиҳонни оқшом юриб кўрибди,  
Сардор билан бирга кетиб боради.  
Амалдорлар бу Сардорни билади,  
Миршаб, шабгир сўрамайди, юради,  
Ҳаммага белгилик шунқор боради,  
Сардор ўрдасига яқин келади.  
Ўрданинг эшигин очиб шу замон,  
Ичкарига Сардор кирди бегумон.  
Боз кейнидан кириб келди Авазхон.  
Ички ўрданинг ҳам эшигин очиб,  
Ички ўрдадан чиқди битта хиромон,  
Равшан жамолидан кун хира бўлган.

«Бу кеч қолди, нима гап бўлди, ҳаяллаб келмай қолди?» деб Аширбекнинг хотини ётгани йўқ эди, ички ўрданинг эшигини очиб чиқди. Аваз от устида туриб, энди булутнинг орасидан кун ёрилиб чиққандай бўлди. Аширбекнинг хотини эканини, ё бошқа эканини билмай, «мени Интизорнинг қошига эргаштириб келдими, одамзод шундай сулув эканми» деб Авазхон бу сўзни айтиб турган экан:

Сайраб юрган булбулмисан,  
Ё бир райҳони гулмисан?  
Сочи қора сунбулмисан?  
Ё бир пари-пайкармисан?  
Ё бир ҳуру ғилмонмисан,  
Ё Юсуфи Қанъонмисан?  
Ё Зулайхо жононмисан?  
Ё бир суду зиёнмисан?  
Жон олгувчи жононмисан?  
Зебо билан Сапаммисан?  
Қайдан бунда пайдо бўлган,  
Кўрган одам ҳайрон қолган.  
Бу ҳусни худо берган.  
Нечук жонсан? Сўйла алвон,  
Қайдан сўрай сени жонон?  
Сендай бўлмас пари-пайкар.  
Шоҳим — Сардор кўрдингизми?  
Қандай жонон, билдингизми?  
Илгаридан шу ҳур билан  
Ҳеч бир суҳбат қилдингизми?

Бу сўзни эшитиб, Аширбекнинг хотини Авазни танимайди, та-  
нимаса ҳам, «Сардорнинг меҳмони экан» деб, бир сўз айтиб тур-  
ган экан:

Сен эшитгин мендай ойм додини,  
Айтолмайман йўлбарсимнинг отини,  
Мен бўламан шу йўлбарснинг хотини.  
На деб биздан гумон этдинг, қайнимжон?  
Мен билувда туркман элдан бўласиз,  
Сардорбекни қариндош деб келасиз,  
Ёвмитмиди асли ўсган элатинг?  
Сардорга яқинми, сенинг авлодинг?  
Юлдузни кўзлайди бу минган отинг,  
Нима бўлар бу шаҳарда хизматинг?  
Ички ўрдага сени бошлаб борайин,  
Тонг отганча хизматингда бўлайин,  
Ўзбек юртдан сен келдингми, сўрайин.  
Сардор билан икковингиз турасиз.  
Бир ишнинг бошида тайин юрасиз,  
Хизмат қилиб, мен ишингни сўрайин,  
Не хизматинг бордир сенинг, билайин.  
Сўзимни кўнглингга олма, қайнимжон,  
Мен ўрдага сизни бошлаб борайин!

Авазхон бу сўзни эшитиб, бояги айтган сўзларига уялиб, отларни хизматкорга бериб, Аширбек икови бирга бўлиб, хотини илгаридан ички ўрдага бошлаб кириб кетди, дарвозаларни беркитди, остига кўрпачаларни солиб, ёнбошига парқув ястиқларни қўйиб, самоварни қайнатиб, чойнакларга чойни дамлаб, дастурхон ёзиб, турли таом — писта, руста, қандолатлардан тортди. Хўп меҳмон қилиб, сийлаб, хизмат қилиб оқшом билан ухламай, Аширбек бошидан ўтган ишларни Авазга гапириб, кўрганларини маълум қилди, Аширбекнинг хотини Аваздан тусмал билан сўраб турган экан:

Туркман элдан бунда келган қайнимжон,  
Яширмайин айтгин сирру ҳолнингдан,  
Бу элда бировга кўнгил бердингми?  
Орт-сиртидан кўрмай ошиқ бўлдингми?  
Ё бировни, қайним, излаб келдингми?  
Мана тўрам, менга кўнгил тўқидир.  
Бунда лашкарбоши — Сардор бегидир.  
Келганига неча йиллар ўтибди,  
Ёвмит элдан ҳеч ким келган йўқ эди.  
Буни излаб келса, кўпдан келарди,  
Қариндош деб сўраб хабар билар,  
Сўйла, қайним, сенинг бўлак ишинг бор,  
Кимга бўлиб келдинг бунда харидор?  
Кўрганим йўқ туркман мамлакатини,  
Эшитаман Чамбўл деган юртини,  
Пари эмиш бекларининг хотини.  
Сардор айтар улар таърифотини,  
Душманга от чопар кўп сифатини.  
Сиз эшитинг мендай ойим сўзини,  
Душман босолмайди марднинг изини,  
Ақли бўлса, билар гапнинг тузини,  
Излаб келдингизми шоҳнинг қизини?  
Бизларнинг каттамыз бувиш Интизор,  
Менинг ишим унда канизга сардор,  
Ҳар йўлга мендайин ойим бошқарар,  
Сўзи бўлса бизга айтар Интизор.  
Бўлдингизми шундай қизга харидор?  
Сен менинг сўзимни оғир олмагин,  
Меҳмон қайним, мени нодон билмагин,  
Кўнглингда борини гапир эштай,  
Жоним қайним, мендан ҳадик қилмагин,  
Сен ишонмай, мени душман билмагин!  
Эрта-мертан бундан туриб бораман,  
Интизорнинг хизматида бўламан,

Сайр боққа уни бошлаб тураман,  
 Ҳар на бор сўзингни гапир, қайнимжон!  
 Излаб келсанг, йўлиқтириб қўяман.  
 Чошқада отланиб бу ерда турсанг,  
 Бекларга билдирмай сайр боғ борсанг,  
 Қизларнинг майлисин унда кўрасан.  
 Менинг хизматимни унда биласан.  
 Ғам билан сарғаяр гулдайин дийдор,  
 Сиздан жами қизлар бўлар беҳабар,  
 Мендай ойим эплаб йўлни кўрсатар,  
 Интизорга бўлиб келсанг харидор,  
 Қошида бор неча алвон канизлар.  
 Подшоликдан зиёд қилган иши бор;  
 Бир ажойиб кўшк-айвон манзиллар,  
 Албатта сирингни гапир, қайнимжон!  
 Сардор бекнинг ҳурматини қилайин,  
 Сардор хотираси йўлга солайин,  
 Кўп қизларнинг мен ақлини олайин,  
 Қўлимдан келганча хизмат қилайин,  
 Сирру ҳолинг гапир менга, қайнимжон!

Бу сўзни Авазжон эшитиб, димоғи чоғ бўлиб, «йўли бўлган  
 йигитнинг янгаси олдидан чиқади» деган гап бор; сўнгра келдим,  
 сўнг келсам ҳам ўнг келдим, хўп бу ишим яхши бўлди, ўз уйимга  
 келгандай бўлиб қолдим. Энди бунга дардимни гапирайин», деб  
 кўнгли тўлиб, вақти хуш бўлиб, бир сўз айтиб турган экан:

Бир кун кеча ётиб бир туш кўрдим,  
 Бу тушимда хўп ажойиб иш кўрдим,  
 Хаста бўлган мен кўнглимни хуш кўрдим,  
 Кўп қиз билан сайр боғда ўлтирдим,  
 Шуларнинг ичида бир бувиш кўрдим,  
 Қўл ушлашиб сайр боғда мен юрдим.  
 Авлоди-аждоди, отини сўрдим,  
 Жамолини кўриб ҳайратда қолдим.  
 Сулувлар ичида сарвиноз экан,  
 Бўлак ерда ундай сулув оз экан.  
 Сайр боғда ўзин кўрдим, хиромон,  
 Очилар чаманда тарафсиз даврон.  
 Оти Интизордир бир боғи Гулшан,  
 Жамолини кўрдим — лолазор чаман,  
 Менинг ихтиёрим олган, янгажон!  
 Шу сабадан бунда келган Авазжон.  
 Унинг билан қаттиқ ваъда қилганман,  
 У тегмоқчи, мен олмоқчи бўлганман,

Эрта-мерган мен уйқудан-уйғониб,  
Кўзим очсам, улар йўқ, ўзим қолиб,  
Ишқ савдоси мени бу йўлга солиб,  
Кетдим Чамбил элдан бошимни олиб.  
Гоҳ одамдай, гоҳи қаландар бўлиб,  
Топарман деб, излаб йўлларга тушиб,  
Чикдим ёр ишқида юртдан адашиб,  
Ёр ахтариб бу шаҳарга келаман.  
Хилидан айрилган ғариб сўнаман,  
Интизор деганга бошим бераман,  
Бу шаҳардан топсам мен ҳам ёримни,  
Жондан кечиб олсам Интизоримни.

Бу сўзни Аваздан эшитиб, Сардорнинг хотини шундай деб турган экан:

Майдон бўлса, бедов отлар чопилар,  
Кўп чопилса, хоса тулпар совилар,  
Чопиб келса, банот жуллар ёпилар,  
Унинг учун ғам емагин, қайнимжон,  
Излаган дилбаринг бундан топилар.  
Тушиниб биламан сўйлар сўзини,  
Орқангга миндирай шоҳнинг қизини,  
Шунда кўргин шоҳнинг сарви нозини.  
Қамчи урсанг, отинг қушдайин учар,  
Қувган билан етолмайди душманлар,  
Тоғдан ошиб элга борсанг баякбор,  
Кетарсан қутилиб сендайин шунқор,  
Бир чангингга тушиб қолса Интизор,  
Сўнгра қолмас сенинг кўнглингда ғубор.  
Сенга янганг энди бўлар хизматкор,  
Агар менда бўла қолса ихтиёр.  
Сизни асб жаллоб қилиб оларман:  
Ўзи отбоз — шоҳ қизига борарман,  
Алдаб-сулдаб уни йўлга соларман,  
Ақлин олиб ахири кўндирарман.  
Ғам емагин, орқангга миндирарман,  
Бир кўрганлар тағи бирор кўрсам, деб,  
Нечалар айнаиб сарсон бўп юрган.  
Унинг излагани сиздай йигитди,  
Сизни кўрса, у ҳам қолиб не бўпти,  
Ўзи ҳам баркамол — хўп бўй етди,  
«Излаганга — сўраган» бўп кетибди.

Бу сўзларни Сардорнинг ёри айтди,  
Сўз билан Авазнинг кўнглини топди.  
Оқшом ётиб, эрта-мертан тонг отди,  
Чой таътилни ичиб энди Авазхон,  
Фотиҳани шундай юзига тортди.  
Сардорнинг дилбари ҳам жўнаб кетди,  
Интизор қошига гул юзли етди...  
Шу бугундир Исфиҳоннинг бозори,  
Ҳар кўчада юриб жарчи чақиртди,  
Жарчилар чақирар: — Бу сўзни билсин.  
Ҳар кимда бойлаган яхши от бўлса,  
Олиб келиб бугун бозорга солсин!  
Шоҳнинг қизи отга толиб бўлибди,  
Интизордан шундай хабар келибди.  
Бу бозорга тушган отни кўради,  
Еқмаган отларни нима қилади.  
Қарамайди дунё-пулнинг бетига,  
Еқса қиммат нархи билан олади,  
От сотганлар пулга ботиб қолади.  
Жарчилар чақирди: бу сўзни билсин,  
Билмаганга эшитгани билдирсин!  
Улуғ, катта-кичик қолмай йиғилсин.  
Шоҳнинг қизи ўзи бозорга чиқар,  
Еққан отга ўзи бўлар харидор.  
Девонбеги, даллолларда ихтиёр,  
Кўрбоши, амалдор бари йиғилар,  
Шоҳ қизига барча бўлар интизор,  
Бугун жуда қизиқ бўлар бу бозор,  
Йиғила бер, фуқарою амалдор!  
Шундай қилиб бериб юрибди хабар.  
Бу сўзни эшитиб барча одамлар,  
От бозорга келаётир, ёронлар.  
Бир неча отини сотиб кетмоққа,  
Бир нечалар келиб кўриб кетмоққа,  
Шоҳнинг қизи агар чиқса бозорга,  
Бир нечалар тамоша қип ётмоққа.  
Жарчилар чақирган сўзини билиб,  
Келаётир бир-бирига билдириб.  
«Не ҳам бўлса бугун бориб келамиз.  
Шоҳнинг қизи от бозорга келади,  
Қандай бўлса, бир тамоша қиламиз.  
Шу бугун қизиқни тоза кўрамыз,  
Кун ботганча от бозорда юрамыз.  
Олдида бор эмиш неча санамлар,

Отни кўрар эмиш шундайин қизлар». Эшиттириб юртга бергандир хабар, Кўрмаганнинг юрагида дарди бор. Ҳамма йиғилгандир бунда, муқаррар. Ҳали бозорга чиққан йўқ Интизор, От бозорга йиғилгандир тулпарлар, Интизор йўлига қараб турибди, «Қизиқсин-да, пулни кўпроқ берар», деб, Бир нечалар отин тезлаб урибди. «Сулув бўлса менинг отим олар», деб, Бир нечалар сувга пишиб келибди. Ясовуллар тушдан-тушга от чопиб, Ҳеч гап йўқ, ҳалитдан пўш-пўш қилибди, Авазхон шу замон кўнглини бўлиб, Яна бўлак турли тўнлардан кийиб, Бечораҳол бўлди отини миниб. Сардор қолди, Аваз ўрдадан чиқиб, Аста-аста бораётир йўл юриб, Исфиҳон шаҳрини тамоша қилиб, Одамлар гаплашиб кетиб боради. Ҳамма отнинг маслаҳатин қилади, От деган гапини Аваз билади. Одамларман бирга-бирга боради, От бозорга энди етиб қолади. От бозорни кўрди: одамлар тўлган, Барча халойиқлар қолмай йиғилган, От бозор четига келиб Авазхон, Одамларнинг бири бўлиб шу замон, Одамлар қатори Авазхон турди. Девонбегилар Авазни кўрди, Онг ўзбек фаҳмлаб яқинлаб келди. — Қайси юртдан келганини билай, деб, Бу ўзбекнинг энди кўнглин сўрай, деб, Оти яхши экан, сотса, олай, деб, Мусофир-да, арзон бичиб турай, деб, Шоҳ қизига буни тортиқ қилай, деб, Кўп пул олиб, мен ҳам фойда кўрай, деб, Нима ишда юрганини сўрай, деб, Оғзи очилиб бу онграйиб турибди, Албатта сотса, деб умид қилибди, Онг ўзбекни худо бизга берибди. Буларнинг кўнглига шу сўз келибди.

Аваз ўзин жуда шундай бўш ташлаб,  
Ҳеч нимани билмаган бўп турибди.  
«Нима гап» деб одамлардан сўради,  
Авазнинг сўзига барча кулади.  
«Онг ўзбек?» деб бари мазоқ қилади,  
Одамлар ҳар замон йўлга қараса,  
«Қим келар?» деб бу ҳам йўлга қаради.

Шунда бу бозорнинг девонбегилари Авазни кўриб, «бу ўртанинг одами эмас, ўзи ҳуснли бола экан, юриши бўшанг кўринади; оти ўзига боп эмас, буни бир айлантириб кўрайик, буни пастам қимтиб тилайик, арзон олиб, қиммат сотиб, бу ишдан фойда қилайик, ўзи қайси элдан келган экан, билайик, буни бир ўртага олиб, бошини ғовлатиб кўрайик, шу юришига отининг нархини ҳам билмайди», деб девонбеги Авазга бир сўзни айтиб турган экан:

Ўзбеквачча, сотасанми отингни?  
Бизга хабар бергин ўсган юртингни,  
Биз сўраймиз ўзингдан авлодингни,  
Сотсанг, баҳосини айтгин отингни.  
Девонбеги сендан отин сўради,  
Отингни баҳоси қанча бўлади?  
Қочиртмасанг, ишқивози олади,  
Беҳуда дўнг айтсанг, отинг қолади.  
Сотмоқчи бўп отни бозор солибсан,  
Албатта, сотмоққа сен ҳам толибсан.  
Толиб учун бу бозорга келибсан,  
Айта кўргин, отнинг баҳоси қанча?

Бу сўзни Авазхон эшитиб, девонбегига қараб бу ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Така-Евмит дейди мамлакатимни,  
Асил туркман дейди менинг юртимни,  
Ўзинг тилаб, ўзинг олгин отимни.  
От сотмоққа толиб бўлиб келаман,  
Савдо келса, арзон-гаров бераман.  
Отим ўтса, ширинкома қиламан.  
Чой пулини сизларга мўл бераман,  
Қизиган сўнг отни бозор соламан.  
Баҳорда очилар тоза гул ғунча,  
Ҳасратидан жафо кўриб бир неча,  
Менинг отим бўлар Сангир бойвачча



Сангирхон дер, сахро жойдан келгандим.  
Тажан дарёсига отим солгандим,  
Отим ирғиганда ҳайрон қолгандим.  
Савдо келса, сотиб келай дегандим,  
Шу сабабдан Исфиҳонга келгандим.  
Кўнглимдагин сенга айтиб тураман,  
Тиласанг отимни сенга бераман,  
Ўзинг тилаб, ўзинг олгин отимни.  
Отимнинг нархини нима биламан!  
Қиммат эмас, мен ҳам арзон бераман,  
Одамларнинг айтганига кўнаман,  
От сотмоққа жуда толиб бўламан.  
Девонбеги, мени нодон билмагин,  
Бу отимни нархин билиб тилагин!

Бу сўзни Аваздан эшитиб, девонбеги: «Хўп онг ўзбекка йўлиқдим; бу оғзи очилиб, ҳеч нарсани билмайди, ҳар кимнинг оғзига қарайди, ўзинг тилаб, ўзинг ол, дейди,— тағи бир бошқа одами бўлмаса, бу ҳеч нимани билмайди». От бозорининг девонбегилари учтўрттаси бирикиб, «мен пастдан қимтиб тилаб кўрайин, сизлар «от баҳоси бўлди, худога қараб бичди», деб туринглар, икки юзга йиқитиб, отини қўлидан қоқиб олармиз», деб девонбеги отни тилаб турган ери экан:

Така-Ёвмит дейсан мамлакатингни,  
Туркман дейсан униб-ўсган юртингни.  
Юз олтмишга берасанми отингни?

Отинг нархин девонбеги биледи,  
Баракалла, худога қараб тилади,  
Бўлаги шундайин гап қип туради.

«Бермайман» деб Аваз ўрлаб туради,  
Шу вақтида юз олтмиш беш қилади,  
«Бермайман» деб ҳали Аваз туради.  
Юз етмишга ҳали чиқиб қолади,  
«Бу нархига бермайман» деб боради.  
Бари даллол бу ўртага олади.  
Нархиман бичганга қулоқ солмади,  
Отининг нархини ўзи билмади,  
Худога қарасанг, сира кўнмади.  
Нодон экан, савдосини ўтказиб,  
Кетолмайди бундан ишин биткизиб.  
Саксон қилсанг, отнинг нархи тўлади,

Бундан ошиб, отингни ким олади?!  
Бозор келиб бундай нодон бўлмагин,  
От савдосин сен ўтказиб юрмагин,  
Ҳар кимсанинг истагига кирмагин.  
Сила эмас, отнинг нархи тўлади,  
От баҳоси юз саксон беш бўлади.  
Бу нархга бермасанг, отинг қолади,  
Бундан ошиб отингни ким олади?

Девонбегилар отнинг нарҳини шундай тилаб: «Бу саҳроий экан, ўз оғзи билан айтиб эди: «мен саҳро ердан келганман» деб; бу отини сотолмай шундай сандираб юради, бир бунинг жиловини қўйиб бериб кўрайик», деб отнинг жиловини қўйиб юбордилар. Авазхон отнинг бошини от бозорига буриб, девонбегиларнинг қошидан жўнай берди. Шунда девонбегилар айтди: «Шу ўзбекнинг оти яхши от экан, биздан бўлак тағи биров ушлаб қолса айрилмас, буни тағи бир айлангириб кўрайик», деб бориб, яна отнинг жиловидан ушлаб: —Сени биз онг ўзбек десак, чоқдан шум ўзбек экансан, сен тилаганга кўнмайсан, ўзинг отингни нарҳини билмайсан, чоқдан, сен бизни икки юзга етказмай қўймайсан, отингни кўп айтасанми, оз айтасанми, сен ўзинг айтгин? Тилаганга бермагандан кейин ўзингнинг айтганинг дуруст; сўнгра биз тилайик, ундан кейин савдомиз чиқишса, отни оламиз, беҳуда гапга сенинг билан аҳмоқ бўлиб юрмайик. Авазхон отнинг нарҳини айтиб турган ери экан:

Кўрмайсанми бедовимнинг саҳтини,  
Неча шоҳлар олар бўлган отимни,  
Тушиб бермоқ бўлди тилла тахтини,  
Шунда ҳам бўлмайди отнинг баҳоси!  
Кўрмайсанми жониворнинг суйини?  
Олтмиш тўрт алвонда бордир ўйини,  
Қизиқ қилган неча ёрнинг тўйини.  
Туркман дейди менинг мамлакатимни,  
Сенинг шоҳинг олмоқ бўлса отимни,  
Отга мен қўшиб айтай нарҳимни:  
Қатор-қатор норин берсин,  
Нор устида зарин берсин,  
Бисотида борин берсин,  
Исфиҳондай шаҳрин берсин,  
Тоғи-тоши, қирин берсин,  
Шунда ҳам бўлмайди отнинг баҳоси!  
Оҳ урганда кўздан оқар селоб ёш,  
Нодон билан ҳаргиз бўлманглар йўлдош.  
Бу отимнинг бўлар ерин мен айтсам,  
Битар ери Интизорга бошма-бош.

Бу сўзни эшитиб, девонбегилар кулиб, «бу бир юрган тентакми?» деди.—Подшо шунча давлатини бериб, қизини сенинг отингга алиштириб олиб, подшомиз сенинг отингдан қоракўк от топмай юрибдими? Эшитганмиз, лекин кўрганимиз йўқ, Гўрўғлида шундай бир от бор эмиш, унинг отини Фирот дер эмиш, нархини шундай дўнг айтар эмиш, —деб девонбегилар Авазга қараб, бир сўзни айтиб турган экан:

Ўсган еринг туркман мамлакатими?  
Сенинг отинг Гўрўғлининг отими?  
Не сўзларни ўзбек бачча ўйладинг,  
Сен тилингни тортмай бундай сўйладинг.  
Сенинг отинг Гўрўғлининг отими,  
Сенинг ўзинг Гўрўғли авлодими?  
Бу сўзларни энди сен ҳам билдингми,  
Гўрўғли отини миниб келдингми?  
Бир шумликни бошлаб бозор солдингми?  
Рост гапиргин, ўзбек, тентак бўлдингми?  
Шоҳ қизидан сен ҳам умид қилдингми?  
Яширмагин, ҳийла қилиб турдингми?  
Бизнинг элиш шундай аҳмоқ билдингми?  
Шундай қип шунчалик лофни урдингми?  
Ҳозир бу сўзингдан подшо беҳабар,  
Подшога амалдор билдирса, билгин,  
Ўз тилингдан сен бўлибсан гуноҳкор,  
Ўйлагин, бу ерда қўлинг бойланар,  
Хабар борса, келиб қолар жаллодлар.  
Сен тилингни тортиб сўйла, баччағар!  
Бир чўбирга кўп баланд нарх не даркор?!  
Энди келар шоҳнинг қизи Интизор.  
Интизорга бир нечалар билдирад,  
Бошинг кесиб, дорга тортиб ўлдирад.  
Сенинг отинг Гўрўғлининг отими?  
Яширмасдан кўнглингдагин сўйлайбер.

**Авазхон девонбегига қараб бир сўз айтиб турган экан:**

Ушбу дамнинг дамларини дам дема,  
Катта сўйладинг деб сира ғам дема,  
Гўрўғли отидан буни кам дема!  
Катта кетдим деб ўзбек парво қилмас,  
Подшо бир гап қилади деб ғам емас.  
Гўрўғли отидан отим кам эмас,  
Эгаси ҳеч кимнинг дамини емас.

Бу отга ҳеч кимнинг кучи тенг келмас.  
Қўш қанотнинг қуйриғини чўздирдим  
Пойга қилиб Тўкурлининг тоғида,  
Гўрўғлидан чошкалик йўл ўздирдим.  
Гўрўғли отидан отим баланддир,  
Бунинг овозаси оламга кетди,  
Сотай деб эгаси бозорга кепти.  
Нархини билмаган сатга аҳмоқлар,  
«Арзон оламан» деб йиғилиб кепти,  
Эшакнинг нархини отга қўйибди.  
Бу жонивор неча юртларни кўрган,  
Ҳар пойгага қўшилиб, олдини олган,  
Етолмай нечалар югуриб қолган,  
Чангини кўрмайин кўп ҳайрон бўлган.  
Қанча подшолар харидор бўлган,  
Туман подшосидан қанча зар келган,  
Неча саркардалар орқада турган.  
Беўлчов дунёга одам эплабди,  
Шунда нархи бир минг туя зар бўпти,  
Минг туяга зарни юклаб келибди,  
Бермайин қайтардик саркарда, бекни,  
Илгаридан шундай нархни кўрибди,  
Қандай ҳайвон бу билан тенг бўлибди,  
Гўрўғли отидан баланд юрибди,  
Тулпарман деганлар кейин қолибди.

Девонбеги айтди:—Бир ҳайвонингни бунча ошириб гапирасан?!  
Мана, дам-бадамда Интизор келади. Интизорга сўзни билдирамиз,  
у вақтда қабул қиладими, қилмайдими, отингни подшолік олади,  
биз бир айтиб ўтадиган одам.

Шу сўзни гапириб туриб эди, бозор тала-тўп бўлиб қолди. Шунда бир ясовул келиб хабар берди: «Бувиш Интизор бозорга келди, от бозорини кўриб ўтади», деди. Ҳамма йўлга чиқиб қараб турди. Фаррошлар сув сепиб, йўлларни бўшатибди. Бу хабарни эшитиб, Авазхон отини от бозордан чиқариб, ўзини четга олиб, қаёқдан келар, деб ҳар тарафга назар солиб турди. Шунда Интизор кўшкдан тушиб, от бозорни кўриб, сайр боққа ўтмоқчи бўлиб, хизматкор қанча қизлар йиғилиб, Интизорни бирга олиб жўнаб бораётгандаги сўзи:

Йиғилганди ойдай бўлиб,  
Бари асов тойдай бўлиб,  
Қоши эгилган ёйдай бўлиб,  
Кўшкнинг остига тўлиб.

Интизор бундан бормоқчи,  
От бозорини кўрмоқчи,  
Бир сайр-даврон сурмоқчи,  
Кўриб бир бедов олмоқчи.  
Сайр боққа ўтиб бари,  
Беш юзча бор канислари,  
Унга йўлдош кўп қизлари.  
Йиғилиб йўлдош кўп қизлари,  
Йиғилиб сарвинослари,  
Кийгани гулгун ёнади,  
Кўрганнинг ақлин олади.  
Исфиҳонда шоҳнинг қизи  
От бозорига жўнади.  
Интизорнинг кўнглини хушлаб,  
Бир нечаси ўйин бошлаб,  
Бир нечаси зулфин ташлаб,  
Бир нечаси йўлни бошлаб,  
Бораётган шоҳнинг қизи,  
Исфиҳоннинг сарвинози.  
Оламга кетган овози.  
Чор тарафда пўш-пўшлади  
Ясовул қанча канизи.  
Бозорлар мавж уриб тўлган,  
Тамошага барча келган.  
Интизор жамолин кўриб,  
Нечалар маст бўп йиқилган.  
Учар қуш ерга тўкилган,  
Кўп одамнинг бири бўлган,  
Авазхон ҳам энди кўрган,  
Жамолига қараб турур,  
Кун чиқиб ёйилди қирдан.  
Харидор бўп Чамбил шоҳи,  
Туққандай осмоннинг ойи,  
Исфиҳонда манзил жойи.  
От бозорга яқин етди,  
Шунда бозорни бўшатди,  
Тамошаман кейин кетди,  
Бувиш Интизор тўхтатди.  
Девонбеги энди етди,  
Бу сўзни Интизор айтди:  
— Бир бедовни олгин, деди,  
Хабарини бергин, деди.  
Мен ўтарман сайр боққа,  
Кетсин овоза фалакка,

Хабарни сен еткиз, деди,  
Бу ишимни биткиз, деди.  
Айтсанг хабар берар қизлар,  
Келиб кўради канизлар,  
Подшоликка лозим тулпар,  
Шундай от бизларга даркор,  
Албатта, бўлгин хабардор.

Бу хабарни эшитиб, девонбеги ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Хазон бўлиб боғда гуллар сўлибди,  
Ўзбекнинг юртидан биров келибди,  
От сотмоққа аввал толиб бўлибди,  
Исфиҳонда отин бозор солибди,  
Барча халойиқлар уни кўрибди,  
Отнинг савдосини бунда қилибди,  
Отининг нархини билмай юрибди.  
Девонбекнинг сизга айтар арзи бор:  
Бўлмайик билдириб сизга гуноҳкор,  
Сиз билан отининг нархи баробар,  
Тортинмай бу сўзни айтди баччағар.  
Сиз билан бошма-бош қилиб келади,  
Сизни берган одам отин олади,  
Билмадик, эси йўқ қандай боладир,  
Сўраганга шу хабарни беради,  
Оти подшоликқа лозим бўлади.  
Сўзини эшитиб биз ҳайрон қолган,  
Сўзлайди, ўзини бўшликка солган,  
Асли ўзи туркман юртидан келган,  
Эси бордай, ўзин тентакка олган,  
Отини кўплардан хўп таъриф қилган.  
Таърифига тўғри келади бу оти,  
Эгасининг ҳеч қанча йўқ қуввати.  
Сўзи катта, жуда кўп ерни кўрган,  
Осмоннинг остини қўймай қидирган,  
Ҳар подшо отига харидор бўлган.  
Ўзи сира аҳмоқ сўздан қолмайди,  
Лоф уради, сўзлаганин билмайди.

Бу сўзларни девонбегидан Интизор эшитиб, Авазни тушида кўрган, бу ҳам ишқибоз бўлиб юрган эди. «Булар танимай, баландпаст гапираяпти, у билдирмай, ўзини нодонликка солиб, буларни мазах қилгандай бўлибди, булар бунга англамай, бир аҳмоқ қаторида кўрибди», деб кўнглига келди.

—Ундай гапириб юрган кишини ўзим сўрарман, ёмон бўлса жазосини берарман, — деб бирор майдон от бозорида туриб, ҳар кимнинг отини кўриб, ёқтирмаган киши бўлиб, сайр боққа кетиб бораётган ери экан:

От бозордан энди қизлар жўнади,  
Бозорда сурлигиб барча қолади,  
Қуннинг ўзи эрта пешин бўлади,  
Қизлари солланиб кетиб боради.  
Ададсиз кўп Интизорнинг канизи,  
Қокилин тиллага шундай ботириб,  
Зулфини ярқиллаган зар қилиб,  
Кўриб қайтди буида бозорда туриб,  
Бораётир қизлар билан йўл юриб,  
Жамоли ярқиллаб кетиб боради,  
Тамошага барча одам қаради.  
Хуснин кўрган одам ҳайрон қолади,  
Жамоли оқшомни ёруғ қилади,  
Канизлар илгари тушиб боради.  
Шундай қизнинг харидори бек Аваз  
От бозордан четда чиқиб туради,  
— Мен ҳам ёрнинг кейинидан борсам, деб,  
Ҳеч бўлмаса, бир сўзлашиб қолсам, деб,  
Хабар бўлса, мен ҳам шунда бўлсам, деб,  
Сўйлашиб мен ихтиёрин олсам, деб,  
Бедовимнинг сағрисига солсам, деб,  
Омон-эсон мен Чамбилга борсам, деб, —  
Бу сўзларни ўйлаб Авазхон турди.  
Боғбонлар турибди эшикни очиб,  
Сайр боғда кўшк манзилни тузатиб,  
Борди канизларман Интизор етиб,  
Кўшкига шу замон ойимни бошлаб,  
Интизорнинг жуда вақтини хушлаб.

Интизор сайр боғда кўшкнинг устига чиқиб ўтирди. Шу вақтда бир оқ қиз, ўрта бўйли чоқ қиз, насияси йўқ нақ қиз Оққиз, Нозик жувон деган канизларини қошига чақириб, Интизор бу сўзин айтиб турган экан:

Бу сўзларни айтар мендаин дилбар,  
Қулоқ солиб, буни тингла, канизлар.  
От бозорга асби жаллоб келибди,  
Девонбегиларга хабар берибди,  
От сотмоққа аввал толиб бўлибди.

Девонбегиларни мазах қилибди.  
От бозорга ҳаялламай боринглар!  
Бориб ул ким эканини билинглар.  
Кетган бўлса унга одам буюриб,  
Албатта, ҳар ёқдан хабар олинглар,  
Сайр боққа уни олиб келинглар!  
Гапирган сўзини ундан сўрайик,  
Тўғри келса, сўзига тан берайик.  
Айтган сўзи агар тўғри келмаса,  
Не кунларни у одамга солайик.  
Минган оти унинг қандай, кўрайик,  
Эшитдим мен ўзбек элдан келибди,  
Отман менинг нархим бирдай қилибди.  
Шоҳ қизига бошма-бош деб турибди,  
Эшитиб сўзини барча билибди,  
Қалай сўз деб ҳамма ҳайрон қолибди.  
Айтиб келинг, у одамни кўрайик,  
Айтганича бўлса араби оти,  
Нима бўлса, савдо қилиб олайик.  
Агар аҳмоқликдан шундай гапирса,  
Тошга тутиб уни сангсор қилайик,  
Ҳаялламай бориб келинг канизлар!  
Ўйлаб турсам бу сўз менга дард қилар,  
Бу сўзлардан подшо отам беҳабар,  
Подшолар шаънига катта гап бўлар.  
Билмайман отида унинг не гап бор?  
От бозор тарқамай боринг, канизлар!  
Буюрди сизларни бувиш Интизор.

Бу сўзларни канизлар эшитиб, ўрндан туриб от бозорга раво-на бўлибди. Улар бир-бирига қараб айтади: «бувишимизнинг ажаб иши бор, аввали бу иш бекор; боладай нима деса қайтариб бўл-маса, эл оғзига элак бўлиб бўладими, кўп-да; бу бўй етган баркамол қиз бўлса; биров отини бериб олмоқчи, биров пул бериб ол-моқчи бўлади, пули йўқлар ҳам харидор бўлади, кўнгил-да». Унга бир нечаси кулиб: «айтиб келсак, тузик йигит бўлса, баҳона қилиб, тегмоқчи бўлиб юрган-да» деб, канизлар от бозорига етди. Авазхон четда турибди, белгили, бу ернинг одамига ўхшамайди. Остида отини кўриб: «Бувишимнинг айтган одами шу-да, оти бу ернинг отига ўхшамайди, туси тусига келмайди, сўзи сўзига ўхшамайди», деб отнинг якка жиловидан ушлаб, бу сўзни айтиб турибди:

Жаллоб, жоним, қайси юртдан келибсиз,  
От сотмоққа бунда толиб бўлибсиз?



Билмайман сиз қайси элдан келибсиз.  
Сизнинг сўзингизни ойим билибди,  
Ой Интизор бизларни буюрибди,  
Шу сабабдан каниз сизга келибди,  
Отингиз таърифи шундай борибди.  
Ой Интизор отингизни кўради,  
Савдо келса, отингизни олади,  
Неча сўзни сиздан сўраб кўради.  
Борсангиз отингиз сахтини кўрар,  
Бу ҳайвоннинг қилган касбини сўрар,  
Ёқа қолса, беҳад дунёни берар,  
Чақириб турибди бувиш Интизор,  
Жаллоб бўлган хоним, бормоқлик даркор.  
Шоҳимизнинг қизи маътал бўлмасин,  
Ҳаялласак кўнглига гап олмасин,  
Бир иш бошлаб, гуноҳкор қип юрмасин,  
Эрта кунлар тағи кеч бўп қолмасин,  
Уртанган ўтларга жоним солмасин,  
Шоҳнинг қизи бизга қаҳр қилмасин.  
Биз турибмиз отнинг жоловин ушлаб,  
Юринг, меҳмон, олиб кетайик бошлаб,  
Бир неча ишларни кейинга ташлаб,  
От сотиб қайтсангиз вақтингиз хушлаб,  
Отингизни кўрса, тайин олади,  
Юринг меҳмон, кўнгилдаги бўлади,  
Бугун оқшом сизни меҳмон қилади,  
Юринг-юринг қилиб қизлар туради,  
Аваз бу сўзларни ўзи билади.

Канизлардан бу сўзни эшитиб, қизларга Аваз ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Хазон бўлиб боғда гуллар сўлади,  
Сўлган гулга бир кун булбул кўнади,  
Ўзбекнинг расми шундай бўлади:  
Оти борган ерга меҳмон боради,  
Аввал сен отимдан сўра, гул юзли.  
Дардли қул дардимни кимга ёрайин?  
Ҳасратидан элдан-эл ахтарайин,  
Отим борса, бирга-бирга борайин,  
Аввал сен отимдан сўра, гул юзли.  
Бувишим отима бўлса харидор,  
Ўйлаб билгин, отимдадир ихтиёр,  
Аввал сен отимдан сўрагин, канизлар.

Бу сўзларни менга айтмагин, қизлар,  
Ўзинг англаб билгин соҳиб тамизлар,  
Аввал сен отимдан сўрагин, канизлар.  
Тили йўқ, эси кўп ўзи, муқаррар,  
Ҳар на деганингни билар жонивор,  
Ҳар на арзинг бўлса, бунга айта бер,  
Ҳайвоннинг кўнглини нима биламан?  
Бу кетса, устида кета бераман,  
Савдо келса, мендай эгаси сотар.  
Қизлар кўригидан ўтар жонивор,  
Савдо битса, буни олар Интизор,  
Бу сўзимни отимдан сўрагин, қизлар.

Бу сўзни канизлар Аваздан эшитиб, «Бу қандай одам, ўзига сўйласанг, отимдан сўра,—дейди.—Бир эси йўқ одам десанг, ундай эси йўққа ўхшамайди, бунинг кўнглидагини киши билмайди, ҳар гап бўлса, айтганини қилиб, гапириб кўрайик»,—деб отга қараб айтиб турган сўзи экан:

Устингизда элнинг марди,  
Юринг, меҳмоннинг оти.  
Сўз айтади бу канизлар,  
Сайр боғда тўла қизлар,  
«Келсин» деган сарви нозлар,  
Сизга сайис соп канизлар,  
Юринг-а, меҳмоннинг оти.  
Эшитинг сўйлаган сўзни,  
Келсин деган унда сизни,  
Ҳаяллатманг бунда бизни.  
Бувишимиз сизни олар,  
Саттагина санам дилбар  
Бариси сағрингни силар,  
Юрингиз, ҳайвон жонивор.  
Билмам элнинг бу бекзоди,  
Эсли деган меҳмон оти,  
Харидордир паризоди.  
Минган кишининг қуввати,  
Юрар бўлса, ҳам қаноти,  
Юринг-а, меҳмоннинг оти.  
Сўз айтар бунда канизлар,  
Аваз қимсинган вақтида  
Қадам ташлади бу тулпар....  
Қойил бўлди канизлар,  
«Юринг», деб сўз айтдик бизлар,

Гапимиз билди жонивор.  
Бувишимиз кўра қолса,  
Шундай отни ола қолса,  
Одамнинг тилини билар,  
Безабонда ангарилмас,  
Қўшкига қараб йўл юрди,  
Бу канизлар ҳайрон қолди.  
Якка жиловини ушлаб,  
Канизлар кетди йўл бошлаб,  
Канизлар онинг пастида,  
Интизорнинг кўзи тушди,  
Юргандир биров қасдида.  
Келади тулпар анғишлаб,  
Қизлар жиловини ушлаб,  
Отга кетган канизаклар  
Келаётир терлаб, пишнаб.  
Қараб турибди Интизор,  
Қичаб йўл тортиб канизлар,  
Юриб от билан баробар,  
Ой Интизор буни кўрди,  
Билмамиш бўлиб ўтирди.  
Хабар олиб турган қизлар,  
Эшиттирди у канизлар:  
— Туринг, бувишим, буралиб,  
Бу сўзларга қулоқ солиб,  
Отга кетган канизларинг  
Чарчаб келди отни олиб,  
Қани, бу меҳмонни кўринг,  
Ўзин сўраб, зотин билинг,  
Миниб келган отин кўринг,  
Кўп ўтирмай тура келинг.  
Мана энди тулпар келди,  
Қани энди тура қолинг,  
Аста-аста юра қолинг,  
Назар солиб кўра қолинг,  
Бир тамоша қила қолинг,  
Тура келинг энди, ойим.

Бу сўзни эшитиб, Интизор ойим эртарақ бормай, унча-бунча сўзга қулоқ солмай, келган меҳмонни писанд қилмай, ўз билганидан қолмай, олтин кўшкнинг устида туриб, кўшкнинг пастида асб жаллоб буни кўриб, оғзи анграиб, бурни танграиб тамоша қилиб турди. Беш юз каниз билан кўшкнинг устида туриб, Интизор ойим бу сўзларни айтиб турган экан:

Асб жаллоб, меҳмон, қайдан бўласан?  
 Бир гап билан Исфиҳонга келасан,  
 От бозорга келиб отинг соласан,  
 Бу отингдан нима хабар оласан?  
 Сўрайман, сўзима жавоб берасан,  
 Жавоб беролмасанг, тайин ўласан.  
 Қутилмайсан, қўлга тушиб қоласан.  
 Асли ўзинг қай уруғдан бўласан?  
 Беҳуда сўзларни лофи урасан,  
 Асб жаллоб, ҳозир ўзинг гуноҳкор!  
 Бу отингнинг асли нима касби бор?  
 Отингнинг касбидан бергайсан хабар.  
 Мен сўрасам хаёлларинг бўлинар,  
 Сендан савол сўрар бувиш Интизор.  
 Мен билгайман қандайин одатингни,  
 Менга билдир ўсган мамлакатингни,  
 Нима дейди туз еб ўсган юртингни?  
 Не сабабдан баланд айтдинг отингни?  
 Бир ҳайвоннинг нархи шунча бўларми?  
 Халқ шундайин сўзга ишонарми?  
 Подшолар юртини бериб оларми?  
 Ҳеч замонда шундай сўзлар бўларми?  
 Ҳайвонзодга подшо қизин берарми?  
 Не сабабдан баланд айтдинг отингни?!

Бу сўзни Интизор оймдан эшитиб, Авазхон ҳам бир сўз айтди  
 турган экан:

Аввал бошлаб таърифини айттайин:  
 Йиғин бўлса ирғитганман қўш отдан,  
 Сўзимга қулоқ сол, эй шоҳнинг қизи;  
 Кўрмайсанми жониворнинг суйини,  
 Қилади ҳар ерда ёрнинг тўйини,  
 Бир ғиштнинг устида ўзини сақлаб,  
 Олтмиш тўрт олвонда бордир ўйини.  
 Бу тулпарнинг донги кўп ерга кетган,  
 Неча подшолар харидор бўп ётган,  
 Ололмай ҳаммаси ноумид кетган,  
 Ҳар шаҳарга борса ишни кўрсатган.  
 Бу отнинг пайида югурар душман,  
 Кўнглингизга олманг, гул юзли жонон,  
 Агар ёқса, ўйинини кўрарсиз,  
 Бу отдан айрилмай бирга юрарсиз,  
 Бу бедовнинг хосиятин кўрарсиз.

Ақли кўп, одамлардан зиёда,  
От ҳукмида душман юрар пиёда,  
Лочин деган қуш ўтирар қияда.  
Уйин қилар, тулинг, мана орада.  
Асб жаллоб бўлиб бунда келибмиз,  
Ўзбек элдан мусофир бўп турибмиз,  
Чамбилга тобедир мамлакатимиз.  
Уйинни кўрсатар минган отимиз,  
Жуда қизиқ экан сизнинг юртингиз:  
Сўз сўйласанг бир нечаси кулади,  
Бир хили одамни мазах қилади,  
Бу отнинг қадрини қачон билади,  
Тўғри сўзни кўнглига олади.  
Шоҳнинг қизи нима фармон қилади,  
Шунинг ихтиёри билан бўлади.

Интизор сўзига жавоб беради,  
Ҳар замон Авазхон бўйлаб қаради.  
Кўшкнинг устида сатта кўп қизлар.  
Қизил, яшил кийиб жайнаб туради,  
Бу қизларнинг сардорига қаради,  
Шундай қиздан бу ҳам умид қилади.

Бу сўзни Авазхондан Интизор эшитиб: — Қани, отингнинг одатини билдир, нима иш кўрсатади? — деди. Шунда Аваз отининг одатини кўрсатмоқчи бўлди. Авазхон отни як жилов қилиб, қамчи билан қўйиб-қўйиб юборди. От қамчининг зарбига гоҳ чикка, гоҳ пукка, қирқ газ кўкка сачраб ўйнай берди дирка-дирка. Қошида бирга турган қизлар Интизор ойимга: «Шу олтин кўшкнинг устидан бир коса шароб узатсангиз, шу отли чиқа олармикан, ё тушиб олармикан», деди. Аваз пастда отини ўйнатиб ётир, Интизор ойим бир коса шароб олиб Авазга узатиб, бу сўзни айтиб турибди:

Бир нечанинг тили гачча,  
Ҳолин билмаган бир неча,  
Асб жаллоб хўп бек бачча,  
Коса узатди ойимча.  
Айтсак қойим келар сўзлар,  
Атрофимда кўп канизлар,  
Тамошани кўриб қизлар,  
Турган сатта сарви нозлар,  
От сотмоққа бўлиб толиб,  
Харидорни бугун излар,  
Олинг аллаёр-аллаёр!

Ҳаммадан ҳам ҳусним ғолиб,  
Коса ушлаб, қўлим толиб,  
Нозик белларим буралиб,  
Сен отингни сотмоқ бўлиб,  
Ўйинини маълум қилиб,  
Кўшк остида бозор солиб,  
Бўлинг аллаёр-аллаёр!  
Коса узатдим лаб-балаб,  
Шароб ичсанг, қилгин талаб,  
Сенинг кўнглинг алаб-ялаб,  
Қаландар сифатли ўғлон,  
Кўп канизлар сенга кулган,  
Ҳаялласанг қўлим толган.  
Олтин коса қўлимдадир,  
Узатдим, шаробга тўлган.  
Келинг аллаёр-аллаёр!  
Сўз айтади шоҳнинг қизи,  
Устида гулгун қирмизи,  
Йиғилишган сайр боққа  
Исфиҳон юртнинг кўп қизи.  
Отингизни ойим кўриб,  
Бу кўшкка равон келиб,  
Қўлимдан косани олиб,  
Ичинг аллаёр-аллаёр!  
Боғда очилар тоза гули,  
Мен ҳам чаманнинг булбули,  
Асби жаллоб кимнинг ўғли?  
Қандай экан бунинг кўнгли?  
Толди Интизорнинг қўли.  
Бизнинг билан сирдош бўлинг,  
Шу замон кўшкка келинг,  
Толди қўлим, коса олинг,  
Келинг аллаёр-аллаёр!

Қизлар турар ҳурдай бўлиб,  
Тиши гавҳар-дурдай бўлиб,  
Тар очилган гулдай бўлиб,  
Ҳамма қизлар бирдай бўлиб,  
Аваз ўйинин кўрсатар  
Пастда мисли шердай бўлиб.  
Интизорой қараб турур  
Қўлда коса ойдай тўлиб,  
Отнинг ўйинини кўриб,  
Ҳайвонзотга ҳайрон қолиб.

Қандай бу ишни ўрганиб,  
Бир ғиштнинг устида туриб,  
Ҳар алвонда ўйин қилиб,  
Ўйинига кўп суюниб,  
Кўшк устида шароб тутиб,  
Хаёлин жуда унутиб,  
Аваз ўз ишида бўлди,  
Тамошани қизлар кўрди.  
Кўп қизларни қизиқтириб,  
Аваз оти ўйин қилди.  
Дилбар ёрни Аваз кўриб:  
Нозик қўлда олтин коса,  
Узатиб турур буралиб. ●  
Аваз «бунга борай, деди,  
Ердан хабар олай, деди,  
Дилбар қўли бунда толди,  
Узатган шароби болди(р)»,  
Бу сўз шундай Авазхоннинг  
Шу замон кўнглига келди,  
Ғирот жilовин кўтариб,  
Аваз отга шиддат қилди,  
Бу, кўшкка равон бўлди.  
Қарамай баланд-пастига  
Бу ишларнинг ҳавасига,  
Бекнинг назаркарда оти  
Чиқди кўшкнинг устига.  
Авазхонга шароб тутди,  
Қўлини Аваз узатди,  
Шаробини Аваз ичиб,  
Жудагина маст бўп кетди.  
Косани қўлига бериб,  
Бунда қизлар ўйнаб-кулиб,  
Аваз отни пастга буриб,  
Пастга тушиб хон Ғироти,  
Одоб билан Интизорга  
Шу замонда таъзим қилиб,  
Бу ишларни қизлар кўриб,  
Машғулотман Аваз ўғлон  
Кўп қизларнинг ақлин олиб,  
Ўзини ҳар йўлга солиб,  
Сайр боғда ўйин қилиб,  
Жуда ҳам қизлар кўп бўлиб,  
Бу отнинг ишини кўриб,  
Ой Интизор ҳайрон қолиб;

— Юрингиз, қизлар, борайик,  
Бирга юринглар, халойиқ,  
Кўшкка чиққанини кўрдик,  
Пастга тушиб ҳам кўрайик,  
Бу отни тоза билайик.

Ўйинини кўриб қизлар,  
Тан берди турган халойиқ.  
Салтанатда ойим шошиб,  
Қизлар буни олиб тушиб,  
Келаётир чувиллашиб,  
Ловдан рўмол пириллашиб,  
Сатта санам дириллашиб.  
Ўйин-кулги билан бари  
Кўшк устидан пастга тушиб,  
Атрофини қизлар олди,  
Ўртада Авазхон қолди.  
Отнинг ўйини бас бўлди,  
Интизорнинг кўнгли тўлди.  
Қизлар кўпдир, Аваз ёлғиз,  
Ҳар на деганича бордир.  
Авазхоннинг ён-ёғида  
Гул очилгандайин бўлди,  
От ўйини охир бўлди.

Шунда Авазнинг отига ишқивоз бўлиб, отнинг ўйинларини кўриб, олмоқчи бўлиб, «бир қадрли одам экан, унча-мунча одамда бундай от бўлмайти. Бир келиб кетардай қилмайик, бу одамни отдан тушириб, бир зиёфат қилайик», деб Авазни отдан тушириб, Интизор савдо дўст бўладиган киши бўлиб, Авазни бошлаб, баланд кўшкларда ўтириб, бўш юз канизи хизматда бўлиб, ҳар турли таомлар келтириб, Авазни зиёфат қилди. «Меҳмон деб бизни кўп иززат-хурмат қилди», деб Авазхон икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Меҳмон қилди гапни ўйлаб,  
Келдик пастга отни бойлаб,  
«Меҳмоним» деб жонга жойлаб,  
Хаста кўнглим шодмон айлаб,  
Менинг кўнглимни шод айлаб,  
Меҳмон деса, қушдай бўлиб,  
Бизман бирга ўтдай жайнаб,  
Беш юз каниз туруп ўйнаб.  
Сабилдир сахийнинг нони,  
Ёзилгандир дастурхони,



Мисли жаннатдай макони,  
Булбулли маскани боғлар,  
Меҳмон бўлдим, гул чорбоғлар,  
Кетди юрагимдан доғлар.  
Ошиқ бир-бирини йўқлар,  
Энди бўлди кетар чоғлар.

Бу сўзни Аваздан эшитиб, қизлар кулиб, Интизор оймга:—Отнинг эси кўп экан, ўзи бўшанг, эси йўқ экан, десак, бу меҳмоннинг ҳар ишдан хабари бор йигит экан, — деди. Интизор: — Биз унча-мунча одамни меҳмон қилмасмиз, ҳар қандай ланги-лаванд билан ҳамгап бўлиб, ундай одамни «юқори ўтинг» қилиб юрмаймиз, албатта, эси бор одам билан ҳамгап бўламиз; эси йўқ одамдан нима оламиз! Нодонга ёношсак, ҳеч бўлмаган бир гап орттириб қоламиз, бу одамнинг эси бўлмаса, биз кўшкка нимага чиқарамиз, албатта, эси паст одам бўлса, мени меҳмон қилиб сийлади демайди, аввали мени гап қилади, бўлмаса сизларни элга ёйиб юради. «Қизларнинг бир нечаси мени яхши кўрди, бир нечаси ўса қошни қоқиб турди, бир нечаси тегадигандай менинг устимда ўла қолди», деб юртга лангқа чиқаради, ундай аҳмоқ одам бу ерда нима қилади? — деб зиёфат суҳбатини охир қилиб, кўшкдан ҳаммаси пастга келиб, отни айланиб кўрди. Интизор ойм:

— Отингизни мен бир миниб кўрсам, — деди. Шунда Авазхон: — Сиз оладиган одам-да, албатта, миниб кўрсангиз биласиз. Биз сотиб, сизнинг пулингизни олиб кетсак, «миниб кўрмай, саҳтина кўриб олибмиз», деб юрасиз. Албатта, бу ўйингиз яхши, — деди.

Шунда Интизор кўп қизлар билан отнинг олдига яқинлаб бо-раверди. Авазхон отдан олисроқ турди. Қизлар яқинлаб эди, қантариқли турган от икки қулоғини жимийтиб, қизларга қараб интилди. Қизлар суриниб, ақли шошиб, қочиб, илкисдан кейин қараб қайтаман деб, Интизор ҳам дус тубан йиқилди. Авазхон бориб отнинг жиловидан ушлади. Тупуришиб, бари ери чанг бўлиб, Интизор ўрнидан туриб: — Бу отингизнинг одати қандай бўлди? — деди. Авазхон айтди: — Бунинг одати жуда андай бўлди. Қизлар маймунчидай йиғилганга аччиғи келди. Мана, бу отга нима бўлди? — деб Авазхон отнинг устига миниб олди. Бу ҳамишаги от-да, — деб, бир фиштининг устида ҳар алвонда ўйин қилди. Интизор яна буни кўрди, айтди:

— Бу кўзи сингса, сўнгра ўрганиб қолар, мени миндириб пича ўйнатсангиз яхши бўлар, ундан кейин менинг минганимга ҳам ўрганиб қолар, — деди.

Авазхон:

— Бу ўйни яхши айтасиз, — деб миндириб ўйнатмоқчи бўлди. «Қуббали қуюшқонлари бор экан, ботиб кетар» деб, кимхоб майин

кўрпачалардан тўрт буклаб солиб, бувиш Интизорни канизлар кўтариб Авазхоннинг орқасига миндирди, «отга ўзингиз ҳам ярашасиз экан» деб қизларнинг ҳам димоғи чоғ бўлди. Авазхон аста отнинг ёлини сиқиб юборди, чўпчиб, дингиллаб кетди. Интизор кейинроқ ўтириб эди, Авазга ораси жипс бўлиб қолди. Аширбек сардорнинг хотини айтди:

—Бу бувишимиз илгари от миниб кўрмаган, мингашиб кўрмаган, сизни бойлаб қўймаса, ўтиришингиз кўполдай, тушиб қолсангиз ҳам ажаб эмас.

Бунинг сўзи ҳаммасига маъқул келиб, заррин сочоқли шолдам пўталар билан йиқилмайдиган қилиб, ўхшатиб бойлаб ташлади. Интизор ойим: — Энди қандай бўлдим? — деди.

— Энди тузук бўлдингиз, энди қандай ўйнаса, айрилмайсиз, итариб юборса ҳам йиқилмайсиз, сизнинг от ўйнатганигизни кўрамиз, — деб ҳамма қизлар қараб турди. Авазхон отининг ўйинини кўрсатиб турган ери экан:

Қизларнинг вақтин хушлаб,  
Авазни Интизор ушлаб,  
Минган оти қадам ташлаб,  
Аста-аста ўйин бошлаб,  
Бу сўзни айтар Авазхон:  
Сағрингдадир харидоринг,  
Ўйнагин, сендайин ҳайвон,  
Сўнгра қилмасин пушаймон,  
Изингни тополмас душман.  
Сендан топмай мен ҳам озор,  
Бугун бизга қизиқ бозор,  
Мингашди ойим Интизор,  
Тамошани кўрсин қизлар.  
Биз билан сен бўлдинг бирга,  
Ўйин кўрсатгин бу элга,  
Ўйинчи бўл бу шаҳарга.  
Қайда бўлар ўсган юртим,  
Сағрингдадир паризодим,  
Ўйна жонивор, минган отим,  
Эсимга тушар элатим.  
Сағрингга Интизор минди,  
Ҳаяллаб бизга не бўлди?  
Бу ўлкадан кетмоқ шулди,  
Эли халқим интизордир,  
Минган отим ўйин қилди,  
Бари қаҳ-қаҳ уриб кулди.  
Ҳаял қилиб бунда турма,

Мендан ўзгани дўст билма!  
Жонивор, бепарво бўлма,  
Ақил билан туриб ўйла!  
Бунда бизга раҳбар борми?  
Ўйин қил бундан кетмоқни,  
Неча тоғлардан ўтмоқни,  
Сен жонивор билиб ўйла,  
Эргароқ юртга етмоқни.

Тамошани кўриб қизи,  
Қизиқ дейди, кўп канизи.  
Аста-аста шумлик қилди,  
Аваз ўйлаб буни билди,  
Бу қизлардан олис юрди.  
Авазнинг кўнглига келар:  
«Бунда турмоқ нима даркор.  
Агар шоҳга хабар борса,  
Менинг юришимни билса,  
Атрофимни лашкар олар,  
Бир бошим ўртада қолар,  
Олиб кетмоқ қийин бўлар.  
Қизлари чувиллаб қолар,  
Кўлларидан не иш келар».  
Ўйин қип четла, жонивор.  
Қам-кам Авазхон ажралиб,  
Кейин қолди кўп канизлар,  
Ҳадик қилади Интизор.

Интизорнинг кўнглига келиб, Авазга бу сўзни айтиб турган экан:

Жаллобим, сизга не бўлди?  
Канизлар кўринмай қолди?  
Бунча ерга келиб қолдинг,  
От ўйинин ким кўради?  
Ёлғиз қилманг Интизорни.  
Маломат сўзлари бордир.  
Отни кейинга қайтаринг,  
Кўшкнинг остига еткаринг!  
Хафа қилманг мендай гулни,  
Ўйинидан кўнглим тўлди.  
Олиб кетинг биздан пулни,  
Кўзламанг олисга йўлни!  
От жиловин кейин солинг,

Сиз ҳам менинг кўнглим олинг.  
Қиммат баҳо экан молинг,  
Пулингизни нақд олинг,  
Канизлардан олис турманг.  
Қиз деб бизни нодон билманг,  
Қайтинг, кўшкка борайик!  
Тағи бизга шумлик қилманг!  
Қаранг, энди қирқин қизлар.  
Чарчаб югуриб бизни излар.  
Ҳалак бўлди жами қизлар,  
Ичи куйиб сарви нозлар,  
Кейнингиздан эргашади,  
Етолмай ақли шошади.  
Бу гулзорда чопиб қизлар,  
Балки биздан адашади.  
Бир гап кўнглига кечади.  
Сира бундай ишни қилманг,  
Маломатга яқин юрманг!

**Шунда Интизорга Авазхон бир сўз айтиб турган экан:**

Тоғ аскарин чалиб туман,  
Йўлдан қайтмоқ бизга гумон.  
Излаганим сендай жонон,  
Ҳали сен ҳам қулай келган.  
Юрагиндан кетсин армон,  
Чамбил элда бўлсин даврон.  
Унда ҳам бор кўшқу айвон,  
Юра бер, гул юзли жонон!  
Қолар сенинг ота юртинг,  
Хаёлингни сен бўлмагин,  
Кетдим деб хафа бўлмагин,  
Қолсам деб умид қилмагин,  
Оғир бўл, енгил бўлмагин.  
Уйинчи менинг Фиротим,  
Чамбил юрти мамлакатим,  
Отам Гўрўғли, авлодим,  
Юртга кетган таърифотим,  
Жонон, сен кўнглингни бўлма!  
Элимда кўпдир ҳурматим,  
Чамбилда катта давлатим.  
Юра бергин паризотим!  
Йўлга қарар мамлакатим,  
Омон-эсон юртга борсак,

Шу менинг катта давлатим,  
Кетар юрагимдан алам,  
Йўлга қарар ота-энам,  
Бирга-бирга юргин, санам!  
Аввали кўриб тушимда,  
Ишқингдан девона бўлдим,  
Сени излаб бунда келдим,  
Неча алвон ўйин қилдим,  
Янгитда қўлга келтирдим.  
Юр кетайнк кўнгил хушлаб,  
Исфиҳон юртини ташлаб,  
Оп кетай Чамбилга бошлаб,  
Юра бер вақтингни хушлаб!

Бу сўзни Аваздан эшитиб, ўсган мамлакатидан кетарини билиб,  
кўнглини бўлиб, юрган кунлари эсига тушиб, Интизор ойим бу сўз-  
ларни айтиб турган экан:

Оҳ уриб тўкарман кўздан ёшимни,  
Мен билмадим энди қилар ишимни.  
Ёт элларга мусофир қип бошимни,  
Қўлдан бердинг, қизлар, бу бувишингни,  
Кетар бўлдим, канизларим, хуш энди.  
Ҳозир юрагимда кўпдир армонлар,  
Бунда сабил бўлди кўшқу айвонлар,  
Ешга тўлар бунда жодугар кўзлар.  
Тағи кўрганча омонда бўл, канизлар!

Интизор бувишдан бунда айрилиб,  
Канизлар етолмай, чувлаб қолади,  
От ўстида ойим ўпкаси тўлиб  
Ўз юртим деб, икки кўзи тўрт бўлиб  
Гул чарбоғдан энди чиқиб жўнади...  
Бораётир остида бедов ўйнаб,  
Кўп сўзни Авазхон кўнглида ўйлаб,  
Остида бедови параққос бойлаб,  
Кўп чувуллаб қизлар қолди ойҳайлаб.  
Аваз шундай йўлга кириб боради,  
Ҳар замонда Интизорга қаради,  
Бурунгидан кам-кам тузик бўлади.  
Авазинг ақли кўп, ўзи донодир,  
Алдаб-сулдаб буни йўлга солади,  
Бу йўлларда қичаб кетиб боради.

Канизлар бунинг кетганини ўз кўзи билан кўриб, қандай бўлса ҳам отасига билдирайик деб бориб, Интизорнинг отасига бу сўзини айтиб турган экан:

Билмаймиз қаёқдан бир одам келди,  
Лочиндай бўп Интизорга чанг солди,  
Билмаймиз, ҳамманинг ақлини олди,  
Бедов отнинг сағрисига миндирди,  
Сўнгра уни айтганига кўндирди.  
Қизинг кетди ному нишон қолмади.  
Сўнгра билдик, Чамбил элдан келибди,  
Ҳийла билан Интизорни олибди,  
Бизлар билдик, шу вақт йўлга кирибди,  
Интизор икови бирга бўлибди.  
Ойим кетди, бизлар ўтдай тутаниб,  
Ғам лойига қолдик бундай чулғониб,  
Учқур эдик, қанотимиз қайрилиб,  
Югрук эдик, жоноқ ердан тойрилиб,  
Сен қизингдан, биз бувишдан айрилиб,  
Отаси деб келдик сизни ахтариб,  
Фарзандинг ҳурматини қилар деб,  
Подшо-да, ҳар ерга хабар берар деб,  
Елғиз одам уни ушлаб олар деб,  
Балки оғир лашкар билан борар деб,  
Ажратиб бувишимни олар деб,  
У ёмоннинг жазосини берар деб,  
Умид тортдик бурунгидай қилар деб.

Бу сўзни эшитиб, Интизорнинг отаси ҳар тарафга хабар қилиб, боқиб ётган полвонларига бу сўзни айтиб турган экан:

Бу ишлардан мендай шоҳинг ғам емас.  
Ҳаяллама, дарров отлан, Эламас!  
Кўкқашқа отингни бу замон мингин,  
Парли ёйни сен ҳам қўлингга олгин!  
Чамбил юртдан элга биров келибди,  
Гул чарбоғдан Интизорни олибди,  
Канизлари йиғлаб хабар берибди.  
Мен буюрдим: сен Эламас биласан,  
Қарамагин, отга қамчи урасан.  
Ҳадаҳа қичагин, бу ерда турма,  
Арпали чўлида етиб оласан!  
Кўриб қолсанг, уни яксон қиласан,  
Ўлганини сен менга билдирасан.

Ушлаб олсанг, тириклай келтирасан,  
Дарров жўна, сен хизматга борасан.

Исфиҳон тала-тўп бўлиб қолади  
Ҳар тарафга сипоҳилар от чопиб,  
Юрур бир-бирига хабарни бериб.  
Подшо Аширбекни олди чақириб.  
— Сўзимга қулоқ сол, Аширбек сардор,  
Қолмасин шаҳарда қанча амалдор,  
Неча лак бу ерда лашкарларинг бор,  
Янгитта отланиб кетди Эламас,  
Урушли кун бўлса сен ҳам кам эмас.  
Лашкарга, албатта, хабар бера кўр,  
Ев-яроғинг шайлаб йўлга кира бер!  
Лашкарингдан бу шаҳарда қолмасин,  
Юриш қилсин, кўп ҳаяллаб турмасин.  
Сўзласам, сўзимни англаб турасан,  
Чамбилнинг юртини ўзинг биласан,  
Жами одамларга сардор бўласан,  
Кўрсанг Эламасни қўшиб оласан.  
Отлангандан тушмай Чамбил борасан  
Чамбилнинг юртига талон соласан!  
Тўпу анжом олгин барини ортиб,  
Ўтдай ёниб, анжомингни қизортиб,  
Қичаб юргин, кеча-кундуз йўл тортиб.  
Гўрўғлини қаласидан кўчиргин,  
Тўп билан ур, пештоғини учиргин!  
Вайрон қилиб юбор Чамбил шаҳрини,  
Ўлдиргайсан Гўрўғлидай зўрини.  
Банди қилгин Юнус, Мисқол парини,  
Улжа қилиб олгин тулпарларини!  
Олсин хизматкоринг ҳар на борини,  
Олиб қайтгин шоҳнинг Интизорини!  
Шоҳинг айтди кўнглидаги борини.

Бу сўзни эшитиб бек сардор юрди,  
Яроғини олиб отини минди.  
Миллион-миллион бунда лашкар йиғилди,  
Лашкарни жўнатиб, энди бу замон.  
Мухурланган карнай тортиб жўнади,  
Булардан илгари Эламас кетди.  
Шаҳардан чиққандан узмай ёй тортди  
Авазни кўрмайин, тўғрилаб отди.  
Арпақўлда бораётир Авазхон.  
Бошидан ғувуллаб неча ўқ ўтди.

Аваз билмас, Интизор ой билади,  
Бу ўқ отган жуда полвон балоди.  
Авазхон иркилиб кейин қаради.

— Қандай одам тушди, буни билай, деб,  
От жilовин мен ҳам сақлаб турай, деб,  
Агар келса бир рўбару бўлай, деб,  
Қон тўкишиб тандан бошин юлай, деб,  
Баччағарга жуда изза берай, деб,  
Ҳеч бўлмаса банди қилиб олай, — деб...

Авазнинг бу сўзини эшитиб, Интизор оғим бир сўз айтиб турган экан:

Сенинг билан бирга чиқдим элимдан,  
Манманлик кетмайди сенинг кўнглингдан.  
Ул сенинг ортингдан тушди зўр полвон,  
Унинг билан бўлолмайсан баробар,  
Бундай бўп ҳаяллаб турмоқ не даркор?!  
У Эламас ниҳоятда зўравор,  
Ўзи одам, билсанг мисли аждаҳор  
Ей тортар-мерганлик одатлари бор.  
Ҳали кўргани йўқ, сендан беҳабар,  
Ўйласанг, бу ерда туришинг бекор,  
Душманнинг қўлига бўлмагин дучор!  
Кўриб қолса, қутилмоқлигинг душвор,  
Айтайин, бегижон, туришинг бекор!  
Таваккал қил, минган атни қичай бер,  
Бундай бўлма, сен ҳам бошингни қутқар!  
Манманликдан наф топмай юрмагин,  
Манманликдан бир балони кўрмагин!  
Қамчи ур, бегижон, бедов отингга,  
Қарамагин ҳеч бир олди-ортингга,  
Қичов билан етгин мамлакатингга,  
Яқинлагин Чамбил деган юртингга!  
Ҳар замонда суриб ташлар жонивор,  
Қичасанг, душмандан отинг қутқарар,  
Ҳар на ҳожатингни бу ҳам битқарар!  
Неча тоғдан турмай сени ўтказиб,  
Чамбил деган элатингга етказар!

Бу сўзни Интизордан эшитиб, Авазнинг айтиб турган сўзи:



Ҳозир дамдир, бўлак дамни дам дема,  
Эламасни зўр деб сира ғам ема!  
Эламасдан Авазхонни кам дема!  
Қани келсин, бир рўбару бўлайин,  
Ким ўлади, ким қолади кўрайин,  
Зўрлигини кўрмай бирор полвонни,  
Қандай қилиб ишига тан берайин?  
Бошимдан ҳар замон ўқи ўтади  
Унинг учун кўнглинг бўлма, Интизор!  
Мерганларнинг бари тўпдайин отар.  
Ўқ отишмоқ бизга эмас эътибор,  
Ейандоз мерганлар ҳар элларда-бор.  
Мардлар майдонга тушса билинар,  
Қочмоқлик ўлимдан қаттиқ кўринар.  
Мард бўп келдим Исфихоннинг элига.  
Одам бўлиб чиқдим Арпа чўлига,  
Эламасдан сира дилбар ғам ема!  
Менинг ҳам ғайратим, билсанг, шунча бор.  
Ғайратимдан йиғлар ундай душманлар,  
Кўрганинг йўқ Авазхоннинг ишини,  
Олплардай майдонда бу туришини,  
Келса қайтараман қанча кишини,  
Кўрганинг йўқ Авазнинг савашини.

Бу сўзни лоф уриб Авазхон айтди.  
Шу вақти зинғиллаб бир ўқ ўтибди,  
Отни кўндаланг қип Аваз қаради,  
Эламас кейнидан яқин етибди.  
От чопиб гумбирлаб тоғнинг дараси,  
От тўхтатди Чамбил элнинг тўраси,  
Яқинлади Эламасдай балоси.  
Арпа кўлда кўринди Аваз қораси.  
Уст-устига шиқирлатиб ёй тортди,  
Яшиндайн ёниб бу замон кетди,  
Авазхонга энди яқинлаб етди.  
Аваз отни бир кўндаланг қилибди,  
Енбошидан ёйнинг ўқи урибди,  
Авазхонни отдан жудо қилибди,  
Отидан учириб бунини йиқитди.  
Ярадор бўп Аваз бунда қолибди.  
Ўлик-тиригини билмай Интизор,  
Ўз ҳолига йиғлаб бунда муштипар.  
Аваз қолди, Ғирот бундан жўнади  
Қуйригин қарқара қип жонивор!

Жонивор яшиндай оқиб боради.  
Интизор боради қўрқиб дириллаб,  
Гиркўк кетди отган ўқдай зириллаб.  
Интизор боради кўзини ёшлаб,  
От оп кетди Чамбил элига бошлаб.  
Кетдим, дейди, ўз юртимдан адашиб  
Отнинг шамолига ҳам ақли шошиб,  
Икки қўллаб эгарига тармашиб.  
Бу Эламас Интизорни кўради:  
Сен жувонмарг, энди қайга борасан?  
Отнинг жиловини тортгин, Интизор!  
Бошқа юртда энди сенга нима бор?!  
Эр изласанг, Исфиҳондан топилар!  
Илдамлаб Эламас қувиб боради,  
Еринг ўлди, энди қайга борасан?  
Кўрмаган юртларда нима қиласан?  
Ўз бошимча, энди қайга борасан?  
Унда борсанг, нима жавоб берасан?  
У элда билмайсан ҳеч бир кишини.  
Сен жувонмарг, тортгин отнинг бошини!  
Биламан, отингга шиддат қиласан,  
У юртга борганда кимни биласан?  
Қичаб бориб энди кимман бўласан?  
Қайтгин, шоҳнинг қизи, қайга борасан?  
Мен агар ёй тортсам, тайин ўласан,  
Бошқа юртда беқадр бўп қоласан.  
Ўзи келган номни унда кўтариб,  
Сен жувонмарг, шарманда бўп ўласан!  
Торт отингни энди, кейинингдан етдим,  
Сен отни тортмасанг, ўқ билан отдим,  
Қайт, жувонмарг, энди сени сулатдим.  
Мени чўлда мунча ҳалак қиласан,  
Қушдай учиб пилдираб кетиб борасан,  
Қайт, жувонмарг, армон билан ўласан!

Кўкқашқа отига қамчи уради,  
Арпалидан қувиб ўтиб боради,  
Қувиб неча белдан ўтиб боради,  
Чамбил элни бедов кўзлаб боради,  
Неча вақт Эламас қувиб кейнидан,  
Тулпарнинг қорасин кўрмай қолади,  
Баланд ерга чиқиб шундай қаради,  
Қаёққа кетганин бунинг билмади.

Ҳарчанд туриб зўр Эламас қаради,  
Уйлаб туриб, энди бундан жўнади.

Бундан бориб мен ҳам шоҳни кўрай деб,  
Қизи қайтмай кетди, хабар берай деб,  
Исфиҳон шоҳига маълум қилай деб,  
Йўлда отган менинг онгим бор эди,  
Бориб излаб уни топиб олай деб,  
Исфиҳонга мен ўнгариб жўнай деб,  
Кўрсатиб, подшодан инъом олай деб.

Бу сўзни айтиб қайтди. Кўп лашкар билан Аширбек келаётибди. Чамбилгача бизнинг сафаримиз бўлди, деб лашкардан илгари тушиб келаётиб, Арпали чўлда Авазнинг ўлик суратида бўлиб ётганини кўрди, лашкарига: «Тўхта!» деб довуш қилди. Каттасининг амрини тутган лашкар тўхтади. Аширбек Авазнинг устига гўр-ер ёпиб, панага олди. Ҳамма лашкарга буюрди, чодир-чаманни тикиб, Арпали чўлга лашкар қўниб ётди. Аширбек лашкарининг олдига чодирини тикиб ўтириб эди, Эламас қайтб келиб қолди. Ҳарчанд қаради, отган одамидан нишон топмади. Бу одамлардан сўраган билан, билмади. Шунда Аширбекка қараб Эламас бир сўз айтиб турган экан:

Оша юртдан бунда биров келганди,  
Уқ тегиб йиқилиб, бунда қолганди.  
Қаёққа юбординг мен отган онгни?  
Эламас барингдан сўраб турганди.  
Агар билсанг хабар бергин, сен Сардор.  
Душман бўлиб менга бу иш не даркор?!  
Қим экан у, мен ҳам уни кўрайин,  
Қайси элдан келган экан, билайин?  
Каттасан, Аширбек, сендан сўрайин,  
Гўрўғлининг ўғли эмиш, бегумон.  
Ингизор ой кетди Чамбил шаҳрига,  
Бориб кўриб, у ҳам қилар пушаймон...

Аширбек Эламасга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Полвонликда бундай нодон бўлмагин,  
Сен бизларга тўхмат айлаб келмагин,  
Исфиҳондан оғир лашкар келибди,  
Уқ теккан кишини нима билибди,  
Ҳаёлинга ажаб гаплар келибди!  
Аввали сенинг ҳам отганинг ёлғон.  
Қим бўлса етказмай тоза қутилган,

Ўзига ишониб бу юртга келган,  
Сен агар етишсанг баробар турган,  
Ўз қўлингдан ушлаёлмай қочирган,  
Бунда келиб, шундай тухмаг гапирган.  
Агар бунда кўзга тушса бирор жон,  
Сенсиз биз ҳам сира қўймаймиз омон!..

Ҳарчанд бу сўзларни айтиб, «билмаймиз» дегани билан Эламас тан олмади, ўз билганидан қолмади, бировнинг гапига қулоқ солмади. Шу кун кеч бўлди, Эламас полвон бу ишга диққат бўлиб, «Мен шоҳнинг қошига борайин, қилган ишим беўрин бўлди, буни бир арз қилиб кўрайин»,—деб шоҳга қараб жўнаб кетди. Лашкар ётгандан кейин Аширбек Авазни уйига олиб келиб, ярасига дори-дармонлар қўйиб, хотинига бу сўзни айтиб турган экан:

Бизни паноҳ тортиб келган Авазхон,  
Интизорни олиб юртига равон,  
Арпалида отган Эламас полвон.  
Мусофирдир, эҳтиёт қил, бўйингдан!  
Бу маконда эшикни очиб ўлтирма,  
Дўст йиғлатиб, душманимни кулдирма,  
Бир етар-етмасга сирим билдирма!  
Дилбар ёр, Авазни сенга топширдим,  
Авазхонни хафа қилма, сўрагин,  
Дори қўйиб, ярасига қарагин,  
Гумон қилиб, бир нечалар сўраса,  
Аваз деса, тўғри жавоб бермагин.  
Подшо билса, хону-моним кўйдирар,  
Тириклайин теримизни сўйдирар.  
Албатта, Авазга бўлгин эҳтиёт.  
Аваз деса, сўзга қулоқ солмагин.  
Аваз деган гапни сира билмагин,  
Бугун қандай бўлсанг, шундай бўп юргин,  
Аваз ночор бўпти қарашиб тургин.  
Вақтни топсанг кўнглин сўраб ўтиргин,  
Бирор жойда айта кўрма, сўзингдан,  
Авазхон деб чиқармагин оғзингдан.  
Мен мард эдим, сен ҳам мендай мард бўлгин!  
Бировга сир айтмай, эҳтиёт қилгин.  
Бу сўзима, дилбар, сен қулоқ солгин,  
Меникиндан агар чиқса Авазхон,  
Мени подшо дорга тортар бегумон.  
Шундай ишга Аваз гирифтор бўлган,  
Яраси ошқинлаб, ҳолин танг қилган,

Қўлингдан келганча, қарагин, жонон,  
Вақтида сепиб тур дориман дармон,  
Сен ҳам тажрибали гул юзли жонон.  
Бу элда кўп, билсанг, бизларга душман,  
Ҳеч қайсиси билмас Аваздан нишон.  
Ажали етмаса одам бўлар-да,  
Хизмат қилсанг, яхшилиқни билар-да.  
Ғариб бўпти, ҳожатини битқаргин,  
Қаттиқ кунда бу азобдан қутқаргин,  
Авазхонни муродига етқаргин!

Бу сўзни ёрига Аширбек айтди,  
Ҳар на деганини қулоққа тутди.  
Тайинлаган сўзин барин эшитди,  
Авазни ётқизиб теги заминга  
Кўп сўзни тайинлаб Аширбек қайтди.  
Ҳеч кимсага юришини билдирмай,  
Сардор чодирга қараб йўл тортди.  
Кириб сардор ўз чодиринда ётди.  
Шу замонда эрта-мертан тонг отди,  
Ҳамма лашқар туриб энди ўрғидан,  
«Ётишимиз не ётиш?» деб турибди,  
«Бизни подшо узоқ сафар қил, деган,  
Сардор, сизга бизни бошлаб бор, деган».

Бу сўзни эшитиб Сардор айтди:—Подшо шундай буюрган бизни, Эламас гапириб кетди ажаб сўзни; қани, бу подшога кетди. Подшога бориб арз қилар, ё қайтсин дер, ё шу ерда ётсин дер, бир хабар бўлганча турайик, қани, Эламаснинг гапининг охирини кўрайик, нима бўлар экан, билайик.

Эламас кетгандан ўз маңзилига бориб ётди, эрта-мертан билан шоҳнинг давлатхонасига етди. Эламасни подшо чақириб, бу сўзни айтди:

Исфиҳон юртида сен ҳам шағалмас  
Нима ишлар қилиб келдинг, Эламас?  
Душманнинг кейнидан тушиб бордингми?  
Ё бўлмаса йўлиқа олмай қолдингми?  
Ҳисобингни топмай қайтиб келдингми?  
Ё ўзингдан зўрга дучор бўлдингми?  
Сен ишингдан хабар бергин, Эламас!  
Остингга миндирдим бир яхши тулпар,  
Полвон, зўрлиққа сенинг номинг бор,  
Сен қилган ишингдан бергайсан хабар,

Қандай бўлиб элдан кетди Интизор?  
Қай душман қўлига бўпти гирифтор?  
Ҳозир менинг кўнглимда кўп пушаймон,  
Қизим кетиб, менинг бошим ганг бўлган,  
Ҳар қайсинг катталиқ қилиб лоф урган:  
«Дунёда ким бор?» деб хўп кўтарилган,  
Қани қилган ишинг, Эламас полвон?  
Ҳамманг ҳам бу ерда анграйиб қолган:  
Чамбил деган юртдан бир ботир келган,  
Қуюлиб, қийғирдай бўлиб чанг солган,  
Ўз бошингни қутқариб баринг қолган,  
Эламас, сўйлагин, ишинг не бўлган?!

Бу сўзни эшитиб, Эламас полвон ўтдай туташиб, ғайрати ғай-  
ратига етишиб, дилтанг бўлиб, аччиғи келиб, шоҳга рўбарў бўлиб,  
бу сўзни айтиб турган экан:

Аё шоҳим, сенга айтай сўзимни,  
Қайтара олмадим сенинг қизингни,  
Арпали чўлида қувалаб етдим,  
Олдидаги одамими мен отдим.  
Туводақдай қилиб чўлда сулатдим.  
Қизинг танҳо қолди отнинг устида,  
Ўлар дедим, мен қизингни отмадим,  
Ҳарчанд қувдим, сирагина етмадим.  
Кўп сўзлар гапирдим элга юргин деб,  
Отнинг жиловини тортиб тургин деб,  
Нима бўлса сўзга қулоқ солгин деб,  
Бу ишингдан қайтгин, элга боргин деб.  
Минган оти тулпар экан қутилиб,  
Қанча қувдим жувонмаргни ютиниб,  
Бўйни узилсин, тоза кетди қутилиб,  
Ҳарчанд қувган билан ҳам қайтайин<sup>1</sup>,  
Кўзимга кўринмай кетди қораси,  
Баланд ерга сўнгра чиқиб қарадим,  
Қаёққа кетганин чўртта билмадим.  
Қийғир деган қуш ўтирар қияда,  
Минган оти учар қушдан зиёда,  
Ҳақнинг яшинидай оқиб боради,  
Чўлда юрган ўзи тилсиз бало-да.  
Шундай отни қизинг миниб жўнади,  
Мен отиб ташласам, тайин ўлади.  
Сендай шоҳим сўнгра гина қилади.  
Эламас ҳам юрар йўлин биледи,

<sup>1</sup> Қандай қилай?

Умидини узиб қайтиб жўнади.

- Ҳисобим тополмай мен, йўлдан қайтдим,  
Изим билан юриб Арпали етдим.  
Арпа чўлда отган кишим йўқотдим,  
Йиқилган ерини мен келиб кўрдим,  
Сўнгра гумонимни Сардордан қилдим.  
Кўп лашкарман Сардор бориб кўнибди,  
Нима қилса, Сардор ишни қилибди.  
Сардор билиб менга айтмай турибди.  
Ҳамма лашкар, амалдордан сўрадим,  
Сўраб ундан, ҳосил бўлмай муродим,  
Азоб тортди, қайтай, бу танда жоним,  
У Аширбек бўлди менинг гумоним.  
Аширбек устига келиб қолгандир,  
У ярадор ётганини кўргандир,  
Улайн мен, сўйламайман ёлғонни,  
Сардор менга душманликни қилгандир,  
Улик-тиригин билдирмай тургандир.  
Рост иши ёлғонга чиқиб Эламас,  
Шоҳим, сиздан кўп уялиб қолгандир,  
Ҳозир қилган ишим бекор бўлгандир.  
Кўзга тушмай бунда кўринмай кетди,  
Унга раҳбар бўлиб паноҳ бермаса,  
У отилган одам қаёққа кетди?!

Эламасдан бу сўзни эшитиб, бир нечалар айтди:—Эламаснинг сўзи рост, бу тортса, ёйнинг ўқи уч тошлик жойга боради, у текса, қандай одам омон қолади?

Бир нечалар айтди:—Эламасники ёлғон, шундай ўтирик сўзни ўзи эплаб келган, албатта, у одамга йўлиқса, у одам кетиб бораётган одам, бу унинг кейинидан отади, ундан бурун шоҳнинг қизини юлиб кетади, шу гапга ҳам одам ишонадимиз?

Подшолик ажаб нарса, шунга ҳам қулоқ солиб, «ҳаммаси рост», деб гапиради. Эламас бурунгидан ҳам зиёдароқ уялди, хафа бўлиб туриб кетди, манзилига бориб ётди. Эламаснинг нам тортганига қариндош, оға-инилари изза бўлибди. Шунда Саранжом бойвучча деган энаси бор эди, бир оз айёрлиги ҳам бор эди, Эламасга қараб бу сўзни айтиб турган экан:

Ҳар ерлардан дарагини сўрарман,  
Бу шаҳарни болам, эҳчаб кўрарман.  
Бу ишининг ҳақиқатин биларман,  
Сўнгра мен ҳам шоҳ қошига борарман.  
Ҳозир сени подшо ёлғончи қилган,

Билиб туриб, шоҳга изза берарман,  
Ҳар уйларга кириб хабар қиларман,  
Қўймасман, уйма-уй юриб сўрарман.  
Олти ўғлим бу шаҳарда амалдор,  
Олтовидан катта Эламас сардор.  
Ўққа ўзин урган, бари хизматкор,  
Эламаснинг иши бўлибди бекор,  
Бунинг учун хафа бўлмоқ не даркор!  
Шоҳлар эшигида кўпдир иғвогар,  
Ҳар қайси ҳар сўзни жўплаб гапирар,  
Айтса айтибди-да, у ишлар бекор,  
Элдан элга энанг юриб ахтарар!  
Унинг учун, болам, хафа бўлмагин,  
Диққатликдан уйда чўкиб қолмагин,  
Мен сўйлайман сенга тасалли бериб,  
Ҳар кимнинг манзилин мен бориб кўриб;  
Аваз деб эшитдим унинг отини,  
Миниб келган Гўрўглининг отини,  
Шоҳнинг қизи бўлган шунинг хотини,  
Зое қипти кўзимнинг хизматини,  
Шоҳ қилмабди Эламас ҳурматини.  
Кўролмайти—куюб-ёнар бир неча.  
Мен борарман ҳар манзилга ахтариб,  
Ёши-қари қолмай, даракни солиб.

Бу сўзларни энаси Эламасга айтиб чиқиб кетди, юриб ҳар кимдан сўраб, ногаҳон гузари Сардорникига тушди. «Сардорникда Аваз бор эмиш» деган гап қулоғига тегиб борган эди. Сардорнинг хотини бу кампирни кўриб, остига тўшак солиб, нон қўйиб ўтирди. Эламаснинг энаси ҳеч нимани билмаган киши бўлиб, ўтган-кетгандан тимсол қилиб, Сардорнинг хотинига бир сўз айтиб турган экан:

Жоним болам, эшит менинг сўзимни,  
Эгам сарғайтмасин қизил юзимни,  
Йўлида тўрт қилиб икки кўзимни,  
Жигарим деб сўрайман Авазимни...  
Аваз келган, шоҳ қизига харидор,  
Элдан кетди, ўлсин энди Интизор.  
Ҳар ерлардан дарагини сўрайман,  
Аваз бўпти Арпалида ярадор.  
Эшитдим раҳбар деб Аширбек сардор,  
Авазимдан биларсанми ҳеч хабар?  
Билсанг менга жавоб бергин, гажакдор!  
Менинг сўзим кўнглингга олмагин,



Тағи мени бунда душман билмагин,  
 Жон болам, сен мендан гумон қилмагин.  
 Аваз дейман, кўздан оқар селоб ёш,  
 Авазнинг энаси менга қариндош,  
 Бир эмчакни бирга эмган, эмукдош,  
 Авазнинг энаси, болам, мендан ёш.  
 Аваз ўзи бир деганнинг боласи,  
 Мен бўламан Авазжоннинг холаси,  
 «Аваз шунда» деди, мен ҳам қувондим,  
 Ҳеч кимга билдирмай, жон болам, келдим.  
 Худо дейман, кеча-кундуз йиғлайман,  
 Билдирмайман, ҳар кимсадан сўрайман.  
 Томирман-да, қайишамаман Авазга,  
 Авазжоннинг ярасини билмайман.  
 Билмайман қандайин бўлган замон-да,  
 Агар шоҳлар билиб қолса, ёмон-да,  
 Авазжоним бўлсин бунда омон-да,  
 Аваз учун мен юрибман туманда.  
 Жигарим боласи учун йиғладим,  
 Кеча-кундуз мен ҳам тинмай сўрадим,  
 Эмиш-эмиш, мен яқинда эшитдим,  
 Шунда эмиш Аваз деган қувватим.  
 Мен сўрайман Чамбил элнинг мардини,  
 Қандай қилай синглимнинг фарзандини.  
 Жавоб беринг, Сардор бекнинг хотини,  
 Қилибсиз-да Авазнинг ҳурматини?  
 Хазон урмай боғда гуллар сўлмасин,  
 Сўлган гулга лочин чангин солмасин,  
 Эҳтиёт қил, элда душман бўлмасин,  
 Билиб, Авазимни банди қилмасин!  
 Яхши қара, Авазжоним ўлмасин,  
 Подшолар зулмига дучор бўлмасин,  
 Мендан бошқа бўлак киши билмасин,  
 Эҳтизт қил, ҳеч бир жонзод кўрмасин.

Бу сўзни эшитиб, Сардорнинг хотини бу гапга ҳайрон қолиб,  
 неча сўзлар хаёлига келиб, бу кампирга сир бермаган киши бўлиб,  
 бир сўз айтиб турган экан:

Маломатга бизни қўйиб халойиқ,  
 Авазинг ким бўлар? Нима билайик!  
 Ундай деб чиқарма, мома, довшингни,  
 Биз билмаймиз Аваз деган кишингни.  
 Келиб Аваз дейсан, мендан сўрайсан,

Емон билдим, момажон, юришингни!  
Авазга бизларни сен раҳбар билиб,  
Аваз деб сўрадинг сен гумон қилиб,  
Жосус бўпсан, мома, бу ерга келиб,  
Ўтирибсан сен Авазни гапириб.  
Мен аёлман, жаҳонгашта бўлмасам,  
Авазинг ким бўлар, сира кўрмасам,  
Аваз билан мен қадирдон бўлмасам,  
Аваз дейсан, мен гаплашиб юрмасам.  
Хола бўлсанг, Авазни ўзинг биласан,  
Тағи бунда бир иш бошлаб келасан.  
Келган йўлдан кетгин, бўлмагин айёр,  
Авазингда менинг нима ишим бор?!

**Бу сўзни Сардорнинг хотинидан эшитиб, кампир тағи бир сўз айтиб турган экан:**

Бир яратган худойингнинг ҳурмати,  
Мен биламан, сен ҳам бир шоҳ фарзанди.  
Жосус деб сен мени гумон айлама,  
Яхшилик қил, ёмонликни ўйлама,  
Беҳуда жонингни, болам, қийнама!  
Аваз дейман, ширин жоним сотаман,  
Қайтай, жигар учун қонлар ютаман.  
Бўлак сўзим йўқдир сенда, фарзандим,  
Авазинг ярасин сўраб қайтаман.  
Аваз йўлиқибди ўзидан зўрга,  
Йиқилиб қолибди Арпали чўлга,  
Авазжоннинг ярасини сўрайман,  
Авазинг ўзини кўрмасам гўрга,  
Омон бўлсин, кўриб нима қилайин,  
Яраси тузикми, шуни билайин,  
Авазжоннинг дарагини эшитсам,  
Қўл очиб ҳаққингга дуо қилайин.  
Яширмагин мендан, ўзга билмасин,  
Зор йиғлаб, энаси чочин юлмасин,  
Қайтай болам, куйганимдан сўрайман,  
Жигарим боласи ғариб ўлмасин!  
Кулоқ сол момангнинг айтган тилига,  
Ўлмасин-да, кетсин у манзилига,  
У ҳам ёлғиз Исфиҳоннинг элида,  
Тушиб қолмасин-да зўрнинг қўлига.  
Эшитиб, жон болам, бунда келаман,  
Аширбекни кўплаб дуо қиламан.

Аширбек Авазга раҳбар бўлибди,  
Тайинлаб қўлингга эринг берибди.  
Куйганимдан сўраб келдим бу ерга,  
Сендай қизим мендан гумон қилибди,  
Хаёлингда моманг мастон бўлибди.

Бу сўзни кампирдан эшитиб, Сардорнинг хотини: — Авазнинг жома, холаси бўлсангиз, ўқ тегиб ярадор бўлибди, орадан алам-жаҳон кўп вақт ўтибди, ундан бери яралари қора қўтир бўлиб, битайин деб қолибди, — деди.

Бу сўзни эшитиб, кампир ўрнидан туриб: — Болам тузик бўлса, бўлади-да,—деб Сардорникидан чиқиб, подшонинг давлатхонасига бориб, подшога бу сўзни айтиб турибди:

Аё шоҳим, сенга айтар сўзим бор,  
Гулдай сўлган, мен қариган тарзим бор;  
Кўп ишлардан сиздай шоҳим беҳабар,  
Хабар олиб келди мендайин ночор.  
Сирини яширмас сира мард киши,  
Тониб турмоқ асли номарднинг иши,  
Кажга айланган шум фалакнинг гардиши,  
Ҳақ деб чиқар ғамли қўлнинг довуши.  
Қурисин илоҳим подшолар иши,  
Эламас ишини ёлғон билибди,  
Қилган иши ўтирик бўп қолибди.  
Авазхонга Сардор қараб ётибди,  
Арпалида менинг болам отганди.  
Лашкар боши Сардор раҳбар бўлибди,  
Ўзи йўқда хотинидан сўрадим,  
Яралари қора қўтир бўлибди;  
Арслонимнинг иши ёлғон бўлибди,  
Эламасдай болам бунда зўрабор,  
Авазни боқиб ётсин Аширбек сардор?!  
Авазни отдим деб бу ерга келса,  
Мазах қип кулибди қанча амалдор.  
Ҳар ким ҳам ўйласа бу иш дард қилар!  
Мендай мунглиғ кўп тараддуд қилади,  
Авазнинг хабарин унда билади,  
Сардорнинг ишини англаб бу замон,  
Сиздай шоҳга келиб хабар беради.  
Эламас ҳам неча йиллик хизматкор,  
Бу кўтоҳлик, шоҳим, ҳар кимдан ўтар,  
Ҳар кимсадан мен ҳам эҳчаб сўрадим,  
Ишингизни қилган Аширбек сардор.

Мен биламан, ҳар шаҳарда тили бор,  
Султоним, бу ишдан сиз ҳам беҳабар,  
Аширбекнинг тўғри бўлса кўнгли,  
Туриб ўйланг, Аваз унга на даркор?!  
Кўргандан Авазнинг бошин олмасми?  
Ўлдирмаса, бунда олиб келмасми?  
Подшонинг ўчини ундан олмасми?  
Емон, яхши шунда айрилиб қолмасми?  
Шундай бўлса, қўлинг устин бўлмасми?  
Аширбекни сира тўғри билмадим,  
Тўғри одам шунча ишни қилмасми?

Бу сўзни кампирдан эшитиб, беқларни йиғиб, «Бу гап қалай?» деб сўраб, Аширбек сардорни чақириб ҳарчанд сўради, бўйнига олмади. Шунда Исфиҳон подшоси бу сўзни айтиб турган экан:

Аширбек, сен нега бундай қиласан,  
Кўрганларни нега ўрлаб енгасан?  
Қилиб юрган ишингдан сен беҳабарсан,  
Лабкарбоши — сен ҳам бир амалдорсан,  
Жосуслик ишларин нега қиласан?  
Юртнинг ихтиёрин мен сенга бердим,  
Аскару асбобим сенга топширдим,  
Мамлакатга сечи мен катта қилдим,  
Бундай сўзни сендан эшитиб турдим,  
Шу ишинг ростлигин мен гумон қилдим.  
Гўрўғли юргидан бунда келибсан,  
Менинг билан бунда бирга бўлибсан,  
Гўрўғли авлодига паноҳ берибсан.  
Манзилингга бирор одам борибди,  
Аваз борлигини аниқ билибди.  
Билиб туриб менга хабар берибди,  
Шу ишинг, Аширбек, ажаб бўлибди,  
Шоҳлар эшитиб, бари бизга кулибди.  
Менинг годшолигим, Сардор, биласан,  
Шу иш рост бўлса, ўзинг ўласан.  
Мудом ҳаёлингда ўтади ғубор,  
Гўрўғли — Евмитда сенинг тилинг бор.  
Сендан хабар у юртларга боргандир,  
Сенинг сўзинг билан бунда келгандир,  
Бир иш бошлаб, ярадор бўп қолганди,  
Емон кунда сенга дучор бўлганди.  
Манзилингда сақлаб кепсан ўғлонни,  
Аваз сеникида, тоза билганди.

Бу сўзни шоҳидан эшитиб, Аширбек сардор бир сўз айтиб турган экан:

Элатим деб, шоҳим, қилдим хизматни,  
Елғиз кўриб, бизга қилманг туҳматни,  
Бундай сўзни айтмоқ энди уятди,  
Елғизнинг устида туҳмат юради.  
Амримда юрган бир қанча лашкар бор,  
Бу иш бўлса, билмасмикин одамлар.  
Бири бўлмаса, бири бўлар хабардор,  
Хабар берса бизман бирга юрганлар,  
Ундан кейин, шоҳим, кўнглим ишонар,  
Угирик ҳам бўлса сўзим чин бўлар,  
Ҳозир мен бу гаплардан беҳабар.  
Шоҳ, агар қиламан десанг гуноҳкор,  
Ҳар гап бўлса, ўзингдадир ихтиёр!...  
Қила бер, султоним, нима ишим бор!  
Менинг билан бирга жиғадор сардор,  
Бир чодирда турган қанча амалдор,  
Албатта, шулардан сўрамоқ даркор.  
Шоҳ! Беҳуда бизни қилманг гуноҳкор,  
Туҳмат билан ўлдирмоқлик не даркор?

Бу сўзни Аширбекдан эшитиб, Исфиҳон шоҳи ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Хайр, Аширбек, мамла<sup>1</sup> сўйладинг,  
Кўп сўзларни ўз танангга ўйладинг,  
Кўп бекларни менга шафе айладинг.  
Шафе қилдинг, барин бунда йиғарман,  
Қахр қилсам, ерга қонни қуярман,  
Чақиртириб, барин сўраб кўрарман,  
Шундай кунда мен додини берарман,  
Ким яхши, ким ёмон унда биларман.  
Қани у одамлар, хабар қилайин,  
Бир сўраб олдидан ўтиб кўрайин,  
Мен уларнинг жавобини билайин,  
Ҳозир сен уйингга бориб турасан!

Катта деган амалдордан қолмади,  
Нима сўрарини беклар билмади,  
Бари йиғилиб келди шоҳнинг қошига,  
Жавоб бермоқ бўлиб Сардор ишига.

— Бир иш сўрай, амалдорлар, биласан,

<sup>1</sup> Муомала.

Сардорнинг устидан жавоб берасан.  
 Арпалида не иш бўлди кўрасан,  
 Кўп турдинлар Арпалининг чўлида,  
 Бир одам кўрдингми сардор кўлида?  
 Сизлардан айрилиб бошқа юрдими?  
 Вақтли-бевақт манзилига бордими?  
 Агар билсанг, жавоб бергин, амалдор!  
 Хали Сардор бўлиб турур гуноҳкор.  
 Бир одамга Сардор паноҳ бердими,  
 Ўлик-тиригидан хабар олдимми?  
 Вақтли-бевақт ўз жойига бордими?  
 Шундан билсанг, хабар бергин, амалдор!  
 Тухмат бўлса бекорига ўлмасин,  
 Рост бўлса, Сардор омон қолмасин!  
 Сардор билан бирга-бирга юрганлар,  
 Узанги йўлдош бўп йўлда турганлар,  
 Ҳар мажлисда бирга суҳбат қурганлар,  
 Яхши-ёмонини англаб билганлар,  
 Сардор ҳозир бўлиб турур гуноҳкор,  
 Эшитган, кўрганинг бергайсан хабар!  
 Гуноҳи бўйнига тушса Сардорнинг,  
 Шу палла жаллодга топиш қиларман!<sup>2</sup>  
 Бошин кесиб буни дорга иларман,  
 Рост чиққандан кейин бекни кўрарман,  
 Моли-анжомини талон қиларман.

Бу сўзни подшодан эшитиб, бир саркарда шоҳга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Подшомиз деб бизлар қилган хизматни,  
 Ким чиқарди, шоҳим, бундай тухматни?  
 Гапирманг, султоним, бу сўз уятди(р),  
 Сардор берар лашкарига ибратни.  
 Бузилганни Сардор юриб тузатди,  
 Яхшиликман қилаётир хизматни,  
 Биров келиб сизга ифво қилибди,  
 Сардорни ёмон деб маълум қилибди.  
 Бу сўзингиз қаттиқ тегди, султоним,  
 Қўл қувшириб<sup>3</sup> турган шунча кишига,  
 Сардор, бошқа, бундай гапдан беҳабар,  
 Қани, бизга кўрсатса кўрган баччағар!

<sup>1</sup> Муомала.

<sup>2</sup> Топширарман.

<sup>3</sup> Қовуштириб.

Бу сўзни эшитиб, амалдорларнинг сўзидан, «Сардорда ҳеч гап йўқ, Эламаснинг ҳурматидан Аширбек қирқ беш кунгача ўрнидан туриб турсин! Қирқ беш кунгача мен қарайман, сўраб бу ишларни ҳақиқатлайман. Ҳеч хабар бўлмаса, Сардор тағи қайтиб қадимги жойида, қадимги мартабасида турмоқлиги даркор. Қириқ беш кунда айрит бўлар. Лашкар анжомини тузиб, қирқ беш кунгача Арпалидан шаҳар ичига кирмасин. Арпалида турсин, уруш ғамини қилсин. Шу ёқда одам қолган деган гап бор. Агар қолгани рост бўлса, албатта сураб келар, қирқ беш кунда маълум бўлмаса, бу сўзнинг бариси бекор. Кейин Чамбилга лашкар тортиб бормоқлик даркор».

Булар шу маслаҳатни қилиб, эшитмаганлар эшитиб, бу иш қирқ беш кунга муҳлатга қолди.

Аваз ҳам кетганда қириқ беш кунни муҳлат қилиб кетган эди. Чамбилда Гўрўғли номдор, қанча сардор, беклар билан ўтириб эди, бир ясовул Гўрўғлининг қошига бориб, бу сўзни айтиб турибди:

Арзим эшит, хон Гўрўғли,  
Пешвоз чиқ, Авазинг келди!  
Жавоб олиб шикор кетган,  
Ёр ишқида қонлар ютган,  
Сафар қип Исфиҳон кетган,  
Пешвоз чиқ, Авазинг келди!  
Очилиб боғнинг кавкаби,  
Ёнди бахтингнинг чироғи,  
Қўтарилиб ҳижрон шаби,  
Бир қарагин, беклар, тағи,  
Пешвоз чиққин, Аваз келди!  
Боғда очилар тоза гули,  
Гулга маст бўлар булбули,  
Остидаги бекнинг Ғири,  
Келаётган Аваз ўғли,  
Пешвоз чиқ, Авазхон келди!  
Авазман бирга турганлар,  
Авазнинг ишин кўрганлар,  
Дунё даврини сўрганлар,  
Ҳар кеча суҳбат қурганлар,  
Авазни йўқлаб турганлар,  
Пешвоз чиқ, Авазхон келди!  
Кўп бўлар Авазнинг иши,  
Ғиротга минган бувиши,  
Кўринмас Авазнинг боши,  
Ёрин Аваз олдин солган,  
Мен Аваздан гумон қилдим,

Ўзини кейнига олган,  
Қишнаб остида Ғир ҳайвон,  
Пешвоз чиқ, Авазинг келди!  
Яқинлади бек Авази,  
Бирга бўпти шоҳнинг қизи,  
Барқ уради икки юзи,  
Чамбил элининг довулбози.  
Аваз билан бирга бўпти  
Исфиҳоннинг сарви нози.  
Келди Чамбилнинг Авази,  
Қарангизлар, тоза ўзи.

Бу сўзни эшитиб, жами амалдорлар ўрнидан туриб қиради: Ғирот келаяпти. Авазни кўрмади. Шунда Гўрўғли одамларига қараб, бу сўзни айтиб турган экан:

Қўлимда тожу давлатим,  
Чамбил юртда ҳукуматим,  
Келаётибди Ғир отим.  
Келишидан гумон қилдим,  
Қўринмас Аваз фарзандим!  
Ҳамма беклар, бирдан қаранг,  
Қўринмайди Аваз болам!  
От устида келаётган,  
Қаранг, беклар, ёлғиз санам.  
Бундай кунлар дўниб қора,  
Бағрим бўлиб пора-пора,  
Ҳамма беклар, бирдай қара.  
Авазим бўлган овора...  
Аваз душманда қолибди,  
Ғиротман ёри келибли,  
Уйланг, ажаб иш бўлибди,  
Аваз қандай кун кўрибди?!  
Билмаганим билдирдимми,  
Жигар-бағригилдирдимми?  
Душман кўп-да, қандай бўлди  
Авазжонни ўлдирдимми?  
Отилан айрилиб қолиб,  
Қолибдимми ғамга дўланиб,  
Хижрон лойига булганиб,  
Ғирот ушлатмайин қочган  
Чамбилга қараб юзланиб.  
Бу иш бўлди энди ёмон,  
Авазга бермаган омон?



Уйлашинглар беку султон.  
Келади жонивор кишнаб,  
Олис йўлдан чопган пишнаб,  
Душманни кейнига ташлаб.  
Авазхондан жудо бўлиб,  
От келар бошини олиб,  
Аваз қолган ғамга тўлиб,  
Қандай золимга дуч бўлиб.  
Ҳам отидан, ҳам ёридан  
Қолибди қўзим айрилиб.

Бу сўзни Гўрўғли айтди,  
Чамбилга от яқин етди,  
Устида бойловли бир қиз  
Чамбил элга келиб етди.  
Қизни кўрди: ақли шошган,  
Тоза эс-ҳушдан адашган,  
От устида ўзин билмас,  
Қаерга келганин билмас.  
Кўрса, бировга гапирмас,  
Ҳеч нимани бу ҳам билмас.  
Масглик билан отга минган,  
Қанизлари шўхлик қилиб  
Йиқилманг деб бойлаб қўйган.  
Узоқ йўлдан чопиб жонвор,  
Чамбил элига еткизган.  
Эгарнинг қошидан ушлаб,  
Шоҳнинг қизи қотиб қолган.  
Ҳеч ўзини билмай юрган,  
Чамбил элни кўрмай юрган.

Халойиқлар буни кўрди.  
Кўринг назари тулпарни.  
У ўрдага етиб борди.  
Юнус, Мисқол ҳам канизлар,  
Фиротни ўртага олди,  
Ўрдага отни тўхтатди.  
Устидаги паризоди  
Тип-тикка бўп қотиб қопти.  
Қанизлар ешиб бўшатди.

— Тўраси қаерда қопти?  
Ўзи бундай бўп келибди.

Атрофида кўп канизлар,  
Бош-бошига сўзлаб қизлар.  
Ҳеч кимни билмас Интизор.  
Юришдан ўзи беҳабар.

Неча кундан бери кун-тунни билмай, ҳеч ким бундан хабар олмай, кўрган одамлар етолмай, йўлиқиб сўз қотолмай, нима эканини ўзи билмай, ҳали янги Чамбил келди: қулоғи битиб, одамларни кўзи кўрмай қолди. Шунда канизлар, неча қизлар шўхлик қилиб ешиб олаётиб, Юнус пари Интизорнинг тарзига қаради: кўп азобларни кўрган, ҳуши ўзидан бегона бўлган, отнинг шамолига калласи ғувлаб, қулоғи битиб қолган.

Шу оқшом ўтиб, бувиш Интизор ҳушига келиб, кўзини очиб, ўзини Чамбилда кўриб, бу сўзларни айтиб турган экан:

Исфиҳон шаҳридан келдим,  
Мен ўзимни бунда кўрдим.  
Кўзимдан тўкилган селоб ёшимми?  
Бу кўрганим ўнгимми, ё тушимми?  
Исфиҳон шаҳрида қанча канизим,  
Қандай бўлиб бунда келибман бир ўзим?  
Менда йўқдир бу ерларда ихтиёр,  
Кўзим очиб мен қарайман, ёронлар,  
Атрофимда кўринмайди қирқинлар.  
Дўсту душман ичра қилмай шармсор,  
Юришимдан энди ўзим беҳабар,  
Кўзимга кўринган қандайин шаҳар?  
Кўзим очсам, бунда менинг кимим бор?  
Атрофимда бўлак тусли одамлар,  
Қим келади ўз юритмдан ахтариб?  
Урганган ўтларга жонимни солиб,  
Ўз оёғим билан келдим йўл юриб,  
Мен қоларман ғарибликда оҳ уриб,  
Ҳушимнинг борида бир отни миниб,  
Дунёнинг беадад жабрини кўриб,  
Қўшк-айвон манзилим сабил бўлиб,  
Ҳайрон қолиб турдим бу ерни кўриб.

Бу сўзни Интизордан эшитиб, Оғажонус пари ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Қулоқ солиб эшит айтган нидога,  
Улим навбат, етар шоҳу гадога,  
Қийганинг ипакдир, олтиндан ёқа,

Утган ишдан хабар бергин, садаға!  
Сени излаб учиб эди бир шунқор,  
У лочин сайёдга бўлди гирифтор,  
Қаерларда тўрга тушди хор-зор?  
Агар билсанг, хабар бергин, Интизор.  
Ҳозир қулагандай Чамбил қаласи,  
Сен келдинг, келмади Чамбил тўраси,  
Қаерларда қолди бекнинг боласи?  
Сендан сўраб турган — Аваз онаси.  
Аваз билан обод кулба-хонаси,  
Ҳозир қулагандай Чамбил қаласи,  
Агар билсанг, хабар бергин, Интизор.  
Оти келди, Аваз болам келмади,  
Чамбил элда не гўзаллар беҳабар.  
Хон Гўрўғли келар бўтадай бўзлаб,  
Бошин олиб кетар Авазни излаб,  
Душман кўрса, кесиб бағрини тузлаб.  
Қаерларда қолди менинг Авазим?  
Дараги йўқ, ҳали Аваздай кўзим  
Ғариб бўп ўлдими менинг шербозим?  
Ҳозир элдан жудо бўлган Авазим.  
Агар билсанг, хабар бергин, Интизор.  
Қандай бўлиб чиқдинг ўсган шаҳрингдан?  
Қандай жудо бўлдинг олган ёрингдан?  
Ортингдан етишиб душман келдим,  
Душман келиб ё ўртага олдим?  
Аваз ёлғиз бу ўртада қолдим?  
Отидан йиқилиб, жудо бўлдим?  
Аваз қолиб, оти қочиб келдим?  
Душманлар Авазни бойлаб олдим?  
Исфиҳонда Аваз банди бўлдим?  
Отанг подшо бу ишларни билдим,  
Ғазаб билан ё гуноҳқор қилдим?  
Билсанг, айтгин, менинг кўзим ўлдими,  
Қандай бўлиб элдан чиқдинг, Интизор?

Интизор бу сўзни Оғаюнусдан эшитиб, Чамбил юртига келганини энди билиб, кўнгли бузилиб, кўз ёши тизилиб, бағри эзилиб, Оғаюнусга қараб бу сўзни айтиб турган экан:

Исфиҳон шаҳрида давронни сурдим,  
Беш юз каниз билан бирга ўтирдим.  
Шунча қизни мен ҳам хизматга солдим.  
Неча алвон кулги-ўйинлар қилдим.

Қизлар билан гул чарбоғда мен юрдим,  
Бир жаллобга у ерда дучор бўлдим,  
Харидор буп, отини сўраб кўрдим.  
Қизиктириб, ўйинини кўрсатиб,  
Атрофида кўп канизлар саф .тутиб,  
Сайр боғда менинг ақлимни олиб,  
Мингашдим кейнига кўрмоқчи бўлиб,  
Аста-аста ўйин қилиб йўл юриб,  
Четга чикди сўнг хаёли бўлиниб,  
Канизлар етолмай орқада қолиб,  
Кетди бедовига у қамчи чолиб,  
Хабари қизлардан отамга бориб,  
Эламас полвони келди ахтариб,  
Кўп насихат айтдим мен ҳам: юргин, деб,  
Эламас зўр, бўлолмайсан баробар,  
Қайтма, ўз йўлингга тўғри юра бер,  
Шу отинг тулпарди, сени қутқарар.  
Менинг сўзим қулоғига олмади,  
Манман экан, билганидан қолмади.  
Шу вақтда отини кўндаланг қилди,  
Яқинлаб Эламас келиб ёй тортди,  
Ёйнинг ўқи отидан юлиб оп кетди...  
Уликми-тирикми, ҳоли не бўлди?  
От мени шу ерга олиб келибди.

Бу сўзни эшитиб, Оғаюнус пари неча сўзлар айтиб: — Сен кўнглингни бўлма, беобрў бўлиб келдим, деб хафа бўлма, бу ишлар марднинг бошида бўлар, номард одам нимани кўрар; нима бўлса диққатлик тортма, Интизор, — деб тасалли бериб, бу сўзни айтиб турган экан:

Шоҳнинг қизи, сира хафа бўлмагин,  
Нодон кўнглинг ҳар хаёлга бўлмагин.  
Аждаҳолар бедовини минади,  
Шердай бўлиб от ўйнатиб боради.  
Омон-эсон тўрангни оп келади,  
Ҳар қайсиси қирқ мингига тегади,  
Тағи Аваз сени келиб суяди.  
Йўлиққан душманлар ўтдай куяди.  
Шундайин эрлари бордир Чамбилнинг,  
Қайсардай шерлари бордир Чамбилнинг.  
Таърифин айтайин оламга яксар,  
Деву пари бўлолмаган баробар,  
Бош бериб, бош олар неча қайсарлар,

Шундайин эрлари бордир Чамбилнинг.  
Сира диққат бўлма, болам, Интизор,  
Иншоолло, Аваз тўранг келади.

Бу сўзларни Интизор оймга Оғаюнус айтди. Оғаюнус Авазга меҳрибон эди; пойтахт остига бориб, Гўрўғлини чақириб, бекларнинг ҳаммасига хабар қилиб, бу сўзни айтиб турган экан:

Сўзимга қулоқ сол беку султонлар,  
Исфиҳондан шоҳнинг қизи келибди,  
Арпалида Аваз болам қолибди,  
Мен эшитдим у ярадор бўлибди;  
Душман етиб не кунларни солибди,  
Аваз ёлғиз, ҳоли қандай бўлибди?  
Шоҳнинг қизи диққат бўлиб турибди,  
Оти билан ой Интизор келибди,  
Ҳозир қаттиқ кунда қўзим қолибди.  
Аваз билан бир суҳбатда турганлар,  
Ов овлашиб бирга шикор қилганлар,  
Қани Аваз билан сирдош бўлганлар,  
Тараддудга тушинг, беку султонлар!  
Қани энди мардлигингни билайин,  
Авазни излаб топ, қани кўрайин!  
Авазни излаб Исфиҳонга бормасанг,  
Каптар либосимни ўзим киярман,  
Бир соатда Эрам бориб келарман!  
Дев-парини булутдайин ёғдириб,  
Исфиҳондан Авазни келтирарман.  
Маслаҳат бер, катта-кичик амалдор!  
Ҳаялласанг, излар мендай энаси,  
Авазнинг йўлида бошим берарман.  
Исфиҳон шоҳини ўзим ўлдириб,  
Борсам, амалдорин барин йиғлатиб.  
Уч оларман зўраворин сулатиб,  
Қайда бўлса болам, излаб борарман.  
Маслаҳат бер, катта-кичик муҳрдор!  
Тоқатим йўқ, энди ўзим борарман,  
Сўзима қулоқ сол, амалдор, беклар,  
Бу сўзима жавоб бермоқлик даркор.  
Оғаюнус Авази деб беҳабар,  
Безовта бўлибди бунда Интизор.  
Маслаҳат бер, катта-кичик амалдор!

Бу сўзни эшитиб, Холдорхон Оғаюнусга қараб бир сўз айтиб турган экан:

Авазим қолди деб бунда ғам ема,  
Одам бўлган билан барин бир дема,  
Қўл олган билан комил пир дема.  
Таваккал қил, Оғаюнус, ғам ема.  
Бизга бердинг келиб бундай хабарни,  
Исфиҳонга биз қилармиз сафарни.  
Унгу сўлга биз ҳам хабар берайик,  
Лашкар кейин, биз илгари жўнайик,  
Исфиҳон устига излаб борайик,  
Кетгин, Оғаюнус, хафа бўлмагин,  
Беҳуда ўзингни ўтга урмагин.  
Аваз учун не хизматлар қиламиз,  
Олов қўйса ўзимизни урамиз,  
Ҳар на хизмат бўлса қайтмай борамиз,  
Жон кетганча биз ҳам йўқлаб кўрамиз,  
Аваз учун, албатта, уруш қилармиз,  
Бугун оқшом маслаҳатни қиламиз.  
Ҳозир Аваз кўзларингдан панади,  
Биламиз, юрагинг ўтдай ёнади.  
Қайтиб манзилингга сен ҳам бориб тур,  
Енгил бўлма, Оғаюнус, оғир бўл!

Холдорнинг гапиргани Оғаюнус парига тасалли бўлиб, ўрдага келиб ўтирди. Қанизларни хизматга солиб, Интизорнинг ақлини олиб, гап билан кўнглини овлаб турди. Гўрўғли ҳамма амалдор бекларини йиғиб, қирқ йигити билан тонг отганча мажлисда ўтириб, маслаҳат қилиб, шу оқшомни ўтказди. Эртангисин чой вақти бўлди. Гўрўғли одамларига қараб бу сўзни айтиб турибди:

Беклар, эшит менинг айтган сўзимни,  
Изламоқчи бўлдим бек Авазимни,  
Менинг кўзим Исфиҳонда қолибди.  
Оти билан ёри бунда келибди,  
Билмадим, Авазим қандай бўлибди?  
Тараддуд қил, беклар, излаб борайик,  
Қараб қолмоқ уят гапдир, халойиқ!  
Отлана бер, бирга-бирга жўнайик,  
Исфиҳон устига бирга борайик,  
Бундан бориб Авазжонни сўрайик.  
Қолмай отлан, энди юруш қилайик,  
Болам қандай бўлди, бориб кўрайик,  
Отлана бер, ҳаяллама, халойиқ!  
Чамбил элда баринг юрган азамат,  
Ҳозир Авазжонга бўлган қиёмат,

Биз бормасак, душман сўзлар маломат,  
Авазнинг қолиши ажаб аломат,  
Ҳамманг ҳам абзаллаб мингин бедов от,  
Белларингга бойлаб Исфиҳон пўлат.  
Уйланмагин, баринг отлан бегизот!  
Душманнинг қўлида Авазим қолди,  
Қараб туриб беклар, бизга не бўлди?  
Авазжондан шундай билиб хабарни.  
Исфиҳонга қилсак, дейман, сафарни,  
Ҳаяллама, отлан, беклар, жўнайик!  
Бундай ишлар мард бошида бўлади,  
Гана вақтда бандиликни кўради.  
Кези келса, қувиб ўлжа олади,  
Эшитмадим дема бу замон, беклар,  
Гўрўғли барингга хабар беради.  
Аваз ўлмай, бизлар борсак Исфиҳон,  
Ҳозир устимизда бир ёмон туман,  
Тирик деб қиламиз Аваздан гумон,  
Авазни излаб, биз жўнайик шу замон!

Бу сўзни Гўрўғлидан эшитиб, ҳамма беклар, ботирман деган йигитлар жўнамоқ тарадудиди бўлди. Шунда Соқибулбулни чақириб, Гўрўғли бир-икки оғиз сўз айтди:

Соқибулбул, эшит айтган додимни,  
Шапириб қашлагин тулпар отимни.  
Соқи, эгарлагин Ғирқўк отимни!  
Силаб Ғирнинг кокилини тарайин,  
Йигитларга ўзим сардор бўлайин,  
Соқижон, абзаллаб келтир Ғиротни!  
Ҳаялламай от белига минайин,  
Йигитларни ўзим олиб жўнайин.  
Соқибулбул, мендан кейин бор энди,  
Қолганларга сен ҳам сардор бўл энди.  
Аввал бизни жўнат Чамбил элидан,  
Сен ҳам жўна Чамбилнинг манзилидан.  
Етиб боргин Гўрўғлининг кейнидан,  
Соқижон, абзаллаб келтир Ғиротни!  
Қолсин душманларнинг кўзи ёш бўлиб,  
Сен ҳам етгин қолганларга бош бўлиб.  
Исфиҳонда бир-биримизга дуч бўлиб,  
Уруш қилсак, бориб аралаш бўлиб,  
Соқижон, абзаллаб келтир Ғиротни!  
Амалдорлар менинг сўзим эшитди,

Тараддуд қилгани бариси кетди,  
Авазнинг қолгани мени тутантди<sup>1</sup>.  
Ҳадаҳа отлантир мендай бек зоти,  
Ўт тушгандай суягим ёниб кетди.  
Ўртаниб Гўрўғли қилар ғайратни,  
Соқижон, абзаллаб келтир Ғиротни!  
Ҳозир юрагимда бор менинғ армон,  
Юрсам Аваз эди у менга дармон.  
Аваз учун юриш қилсам бу замон,  
Кўринарми тағи менга Авазжон,  
Кўрар кўзим — дили-фарзандим,  
Аваз борди — обод Чамбилдай юртим.  
Соқибулбул, менинғ сўзимни билгин,  
Маждумни Ҳасанга эгарлаб бергин,  
У Гаждум тулпарни сен ўзинг мингин,  
Ортимиздан ҳаялламай сен юргин,  
Сўнги жўнаганга саркарда бўлгин.  
Билмаганга неча сўзни билдиргин,  
Соқижон, абзаллаб келтир Ғиротни!  
Отим миниб, мен ҳам йўлга тушайин,  
Неча баланд тоғдан қичаб ошайин,  
Банди қилган зўрларга ёнашайин,  
Душман кўриб дарёдайин тошайин,  
Авазим деб бир бориб савашайин,  
Соқижон, абзаллаб келтир Ғиротни!

Бу сўзларни Соқи эшитиб, таблага бориб, Ғиротни, Маждумкўч-  
ни эгарлаб, чоқлаб келди. Соқи Ҳасанхонга бу сўзларни айтиб тур-  
ган экан:

Ҳасанжон, бу замон яқинлаб келгин,  
Сен учун абзаллаб Маждум тулпарни,  
Бизга отанг шундай берган хабарни:  
Авазини излаб қилар сафарни,  
Сен ҳам миниб чиққин Маждум тулпарни.  
Исфиҳон юртига бирга борасан,  
Авазим деб яхши хизмат қиласан,  
Тирик бўлса Авазжонни кўрасан,  
Маждум отни миниб чиққин, Ҳасанжон,  
Авазхонни йўқлағувчи бўласан.

Соқи бу сўзни Ҳасанхонга тайинлаб қайтди. Ғиротни таблада  
чиқариб, эгарлаб, юганлаб, етаклаб кетди, пойтахт остига етди.

<sup>1</sup> Тутантирди.



Гўрўғли уруш яроғини ғамлаб, совут кийимларини кийиб, қалқонини олиб, найза-қиличларини ғамлаб, Ғиротнинг белига минди. Гўрўғлининг отланганини кўриб, йигитлар бурунгидан сертараддул бўлиб, от-анжомга тармашиб, отини эгарлашиб, бир-бирига хабарлашиб, ботирлар эрдай бўлиб, шердай бўлиб, ҳар яғринлари қирдай бўлиб, булар ҳам от эгарлаётир. «Гўрўғли билан борармиз, Авазни топиб олармиз. Исфиҳон шоҳини ҳам кўрармиз, унинг ҳам ботирлари майдонга кирса, барибир, қирармиз». Шу вақтда Сафо ўғли Чаққон от-анжомини шайлаб чоғлангани келиб қўшилган, бир-бирига хабарлашиб турган, Гўрўғли Ғиротни минган, пойтахт устида отланиб турган: муртини бураб, узангига оёғини тираб, атрофига қараб, ҳар қайсисига сўйлаб, лочиндай бўйлаб, кўп гапларни ўйлаб, ўтдай жайнаб, жуда зардаси қайнаб, не гапларни кўнглига жойлаб, «бўла қолинглар!», деб ойҳойлаб, бу сўзларни айтиб турган экан:

Ҳадаҳа отланинг азамат йигитлар,  
Тақал қилиб ҳаялламоқ не даркор?  
Яхши кунда ботирман деб юрганлар,  
Талашиб бекликдан инъом олганлар.  
Кенг Чамбилда танҳо даврон сурганлар,  
Бу элатда эрлик даъво қилганлар,  
Мерган бўп дафтарга ўтиб юрганлар,  
Чоғи келса қуш кўзидан урганлар,  
Кенг Чамбилда чалқиб даврон сурганлар,  
Авазжоннинг қадрини хўп билганлар,  
Гўрўғлини силаб иззат қилганлар,  
Ҳадаҳа отланинг, қолмай, полвонлар!

Менинг айтган сўзим, беклар бил энди,  
Ев-яроғи — асбобингни ол энди,  
Турган беклар, тез отланиб кел энди.  
Ҳаммангдан қария бу бекни кўргин,  
Сафо ўғли чиққандан таълим келгин,  
Уруш деса дарров чоғланиб келгин.  
Эшитгандан бу ҳам ғамини еган,  
Мана, кўринг, Маждумкўкини миниб,  
Келаётир ярқиллаб бу Ҳасанхон,  
Қавати йўлдоши бўлди бу замон,  
Қора отни миниб энди Юсуфхон,  
Найзасин қўлига олди шу замон.  
Бўл! деб йигитларга хабарни қилган,  
Яшил туғ кўтариб чиқди бу замон.  
Отлана бер, сира қолма, бегижон,

Қайтиб келсак, элда бўлади даврон,  
Авазжоннинг ҳурматида отланган,  
Шакаманлар, кўринг Асад ҳам Шодмов  
Қанча йигит билан келиб қўшилган.  
От ўйнатиб энди келди Холдорхон.  
Йигитлар сардори бунда йиғилган,  
Гўрўғлининг қаватига жам бўлган,  
Эшмурод, Тошмурод янгитга келган,  
Жонназар, Хонназар келиб қўшилган.  
Эшмирза, Қўшмирза бариси келган,  
Гўрўғли кўрикдан ўтказиб турган.

Гўрўғли сардор йигитларини олиб, қолганларига Соқибулбул бош бўлиб, Гаждумкўк отни миниб, Гўрўғли билан думма-дум йўлга кириб, Гўрўғлининг айтганини қилиб, қанча одамга бош бўлиб, Гўрўғли ўзини ҳаммадан илгари солиб, қирқ икки сардор бўлиб, кейин қолганлар етар, деб йўлга кириб, бу сўзларни айтиб кетиб бораётир дейди:

Эр йигитлар, азаматлар,  
Шудир панди насиҳатлар:  
Остингизда бедов отлар,  
Қичаб юринг, валламатлар!  
Кетсин бу юракнинг чери,  
Аяманглар отнинг тири.  
Исфиҳонга юриш қилди  
Ҳеч қолмайин ёшу қари.  
Қараманг отнинг бетига,  
Қамчи уринглар этига!  
Етишинг душман юртига!  
Ҳар иш келади қўлидан,  
Чиқиб Чамбилнинг элидан,  
Сатта қайсар йўл тортади,  
Жўнаб кетди манзилидан.  
Фиротига қамчи уриб,  
Эрлардан илгари юриб,  
Авазим деб хон Гўрўғли,  
Бораётир шердай бўлиб,  
Эр йигитлар бирдай бўлиб,  
Душман қолса ердай бўлиб.  
Қарағай найза сўлқиллаб,  
Яшил туғ қўлда пир-пирлаб,  
Бедов отлар сувлиқ чайнаб,  
Ҳар замон диркиллаб ўйнаб,

Сатта тулпарлар суриб ташлаб,  
Не бекларнинг вақтин хушлаб,  
Гўрўғли олдин йўл бошлаб;  
Ҳасан ўғлон овит-овит,  
Устига кийгани мовут,  
Ҳар замон от чопганда,  
Ярқиллайди олтин совут.  
Бари минган тубичоқни,  
Кўрингиз, сатта Ғучоқни,  
От бошини қўйиб олар,  
Яқин қилмоққа узоқни.  
Остида ўйнаган тулпар,  
Қандаҳор юртидан келиб,  
Тўлак деган навкар бўлиб,  
Йўлда кулги, шўхлик қилиб,  
Саман сариғ отни миниб,  
Тўлак кетиб боради  
Йигитларнинг бири бўлиб.  
Бўшроғига ҳазил қилиб,  
Гўрўғлидан кейин юриб,  
Бораётир ўйнаб-кулиб,  
Илгарилаб, йўлни босиб,  
Енига пўлатни осиб,  
Ҳасан билан хон Гўрўғли  
«Тез юр!» — дейди аҳалашиб:  
— Қисгасанг, Исфиҳон етайик,  
Мана тоғлардан ўтайик,  
Авазни йўқлаб кетайик,  
Йўлда қичанглар, халойиқ!

Зоғ учмаган чўллардан  
Босиб ўтиб боради.  
Эрлар кўрмаган ерни  
Илгари Ғирот кўрди,  
Бошлаб ўтиб боради.  
Гўрўғлининг кўнглини  
Хушлаб ўтиб боради,  
Не бир қия ерлардан  
Елиб ўтиб боради.  
Ҳар бир бузиқ зовларни,  
Ёмон қия тоғларни  
Кўриб ўтиб боради,  
Ғиротининг кўнглини  
Билиб кетиб боради.

Йигитларни ияртиб,  
Суриб кетиб боради.  
Баланд-пастли ерларда  
Буриб кетиб боради.  
Текис-тўғри йўлларда  
Уриб кетиб боради.  
Соқи кейин қолади.  
Шу вақти Гўрўғли номдор  
Аваз Тошотар полвонни  
Ўлдирган ерига етди,  
Авазинг қилган ишини  
Хон Гўрўғли билиб ўтди.  
Отнинг изи билиниб,  
Босган тўёғи кўриниб,  
Авазхоннинг ўлдиргани,  
Шундай белгили бўлиб,  
Авазининг ишини кўриб,  
Бу сўзни Гўрўғли айтди:  
— Эр йигитлар, буни билинг,  
Авазхоннинг ишин кўринг,  
Фалакнинг гардишин кўринг.  
Ширдандай бўп юмалаган  
Бу эрнинг бошини кўринг,  
Тевадай бўп сулаб ётган  
Бунинг гавда, лошин кўринг.  
Кўп одамга бош бўлади,  
Душман кўрса ғаш бўлади,  
Душмандан ўчин олади.  
Авазхон шундай болади.  
Ҳали банди қолган Аваз  
Аҳволи қандай бўлади?  
Кўкули тоғ дейди буни,  
Биз агар тоққа чиқсак,  
Нарёғи Арпали чўли,  
Кўринар Исфиҳон эли,  
Яқин қолди тоғнинг ўри,  
Қандай бўлса қичаб юринг.  
Бу ҳам тоғнинг бузуқ ери,  
Одам билан отнинг тури.  
Неча кундир йўлни тортдик,  
Дам бермаси қичаб кетдик.  
Энди бир манзилга етдик,  
Энди тоққа чиқиб кетдик.  
Бузуқ ерда суринишиб,



От ўмганлаб уринишиб,  
Тош шақирлаб пастга тушиб,  
Бри-бирига кўринишиб,  
Хон Гўрўғли илгариди  
Тоғ бошига чиқиб борди.  
Исфиҳон тарафга қараб,  
Кўрди ётган кўп лашкарни,  
Бурилиб кейинига қараб:  
«Ҳайда!» деб, одамин сўраб,  
Отларига қамчи уриб,  
Не отлар базўр интилиб,  
Чиқиб борди ўрлаб юриб.

Тоғнинг бошида Гўрўғли кўрди: нарёғи Исфиҳон шаҳри кўриниб турибди, минор-пештоқлар билиниб турибди. Тоғнинг этагидаги ернинг бир ёғини Арпали чўлу, бир бетини Арпали кўли дейди, шундай ётган тўқайистон, қамишзор хас босган, чўл бетиди чангал, ҳар турли ёғочлар ўсган. Чўлни босиб оқ чодир, кўк чодир тикилиб, чодир чодирга чотилиб, тўплар отилиб ётган. Бу ишларни кўриб, йигитлар бир-бирига қараб, Гўрўғлининг кўзига сўз қотолмай, бир-бирига дардини айтолмай: «Бу Исфиҳонни кўп серяроқ деб эшитар эдик, фалокат босиб, зўр ёвнинг устига етиб келдик: энди ҳолимиз не бўлғай. Бу ададсиз, кўп лашкар экан, бунинг устига босиб от солмоқлик бир қаттиқ кун-да. Аваз деб келдик. Авазнинг тиригини ё ўлигини билмасак. Аваз ҳали йўқ. Авазни излаб келиб, омон кетувимизга кўзимиз етмай қолди». Бир-бирига бу сўзни шивирлаб айтиб, Исфиҳон лашкарининг сиёсатидан Гўрўғлининг одамлари кўрқиб сесканди. Йигитларнинг сесканганини Гўрўғли билиб, йигитларига мардоналик бериб, бир сўз айтиб турган экан:

Эр йигитлар, келдим Чамбил элидан,  
Туз егансан Гўрўғлининг қўлидан,  
Ёвни кўрса, мард дарёдай тошади,  
Номардлар кўрган ақли шошади.  
Эр йигит майдонда жондан кечади,  
Душманларга кафан тўнин бичади,  
Ҳарба қилса, лак-лак киши қочади,  
Маст бўлгандай оқ кўпиклар сочади...  
Йигитларим, азаматим,  
Шудир панди-насихатим:  
Бўлмасга бўлгувчи бўлма!  
Бир ёқадан бош чиқаргин,  
Ҳар йўлга юргувчи бўлма!  
Бировинг от қўйган вақтда,

Бўлагинг тургучи бўлма!  
Сиз бир ёндан, биз бир ёндан,  
Эр йигитлар, кечинг жондан.  
Тўрт бир ёндан, беш бир ёндан,  
Қонлар оқсин бу майдондан;  
Қараманг баланд-пастига,  
Тушинг душманнинг қасдига.  
Сиз бир ёндан, биз бир ёндан,  
От солинг душман устига!  
От солганда бирдай бўлиб,  
Тоғда ақирган шердай бўлиб,  
Уйла, беклар, қандай замон.  
Сўз айтади Гўрўғли хон,  
Арпалини босиб душман,  
Уртада қолган Авазжон!  
Қилманг, беклар, ҳеч пушаймон.  
Кунлар айланиб ботганча,  
Тонг отган сўнг кун ботганча,  
Қиличда қонлар қотганча,  
Беклар сира юз қайтарманг.  
Аваз дарагин топганча.  
Е ўлайик, ё қолайик!  
Ҳар тарафдан от солайик.  
Кўпни ўртага олайик,  
Аваз дарагин билайик.  
Душманга яқин турайик,  
Қувзатин синаб кўрайик,  
Ботирларини билайик.  
Чамбил юртда эшитганман  
Эламасдай зўраворни,  
Тебратган неча шаҳарни,  
Бир ёй андоз мергандир.  
Авазни отган сардордир.  
Шундай полвонлари бордир.  
Бор деб улардан ғам ема,  
Гўрўғлини ҳеч кам дема!  
Жаҳонда сайр этиб юрдим,  
Неча урушларни кўрдим,  
Зўр девларни ўлдирдим,  
Бу лашкарлар нима лашкар!  
Мен ҳам тортинмайин келдим.

Кейин қолган Соқибулбул етишиб келиб, Гўрўғлига қўшилиб,  
булар ҳам кўзга тушиб, анча бўлиб, Исфиҳон лашкари ҳам булар-

ни кўриб, ҳар чодирига лашкарбошилар хабар бериб, анжомини  
созлаб, қўзғалиб, бу лашкарига рўбарў бўлиб, шунда Ҳасанжон  
Гўрўғлига бир сўз айтиб турган экан:

Авазни излаб, ота, бунда келибмиз,  
Исфиҳоннинг лашкарини кўрибмиз.  
Кўп ўйланиб ҳазар қилиб турибмиз,  
Ҳазар қилсак, бунда келмоқ не даркор?  
От қўйиб топмасак Аваздан хабар,  
Тебранар қошингда неча амалдор,  
От солишиб суриб бормоқлик даркор.  
Ўйланиб тургандан бир иш бўларми?  
Зўр келмасак Авазингни берарми?  
Жовлик от қўяйик душман устига!  
Юз ўғирмай боринг душман қасдига!  
Азаматлар келган отини шайлаб,  
Турмасин бу ерда йўқ гапни ўйлаб,  
Йиғилиб боринглар душманни пойлаб,  
Баримиз от қўйсак бунга айҳайлаб.  
Авазжонни йўқлаб бошни берармиз,  
Насиб қилса, бу лашкарни енгармиз,  
Шундай қилиб, хабарини билармиз,  
От қўяйик, ота, душман устига!  
Бу туришинг, ота, сенинг не бўлгай?  
Чидолмай турур ўғлинг Ҳасанхон,  
Бу душман қўлида Авазхон қолган,  
Эрталоқ довулни ургин, отажон!  
Аралашиб бизлар қолмайик кечга,  
Қўл узатиб сопи олтин қиличга,  
Борайик душманнинг ақлини олиб,  
Ҳар қайсимиз тўш-тўшидан от солиб,  
Қилич солай мен ҳам жазосин бериб,  
Зарбимдан кетсин-да нечови инграниб,  
Ҳасаннинг ишига қолсин тан бериб,  
Довул ургин, майдонни кўриб:  
Майдон қилиб чодирларни қарайик,  
Битта-яримтасин қўлга келтирсак,  
Банди бўлган Авазжонни сўрайик.  
Бир эшитиб хабарини билайик,  
Шу вақти от қўйсак қаңдай, халойиқ?!

Бу сўзни Ҳасанхондан Гўрўғли эшитиб, бир сўз айтиб турган  
экан:



Такаббурлик қилмагин сен, Ҳасанжон,  
Мен сенга қиларман жонимни қурбон,  
Такаббурлик билан, болам, от қўйиб,  
Душманнинг ўқига бўлмагин дучор,  
Уйлаб бу майдонга тушмоқлик даркор!  
Бундай сўйлаб турма, болам Ҳасаним,  
Эрларнинг кўнглига кўп гап келади,  
«Ошиқмоқ шайтоннинг иши», жон болам.  
Чақмоқ урсанг, олов чиқар ҳар тошдан,  
Айрилмагин беклар айтган кенгашдан.  
Шошмасанг яқинлаб келади душман,  
Сўнгра, болам, от сола бер, Ҳасанжон.  
Келаётир Исфиҳоннинг лашкари,  
Сесканиб кейинга қайтмайди бари,  
Қара, бизни одамдайин билмайди,  
Бизлардан ийманиб, ҳадик олмайди.  
Юришига қара, писанд қилмайди,  
Ҳаммаси турмайин кўзғолган бари,  
Қара, болам, қанча бордир туғдори!  
Неча байдоқ келаётган лашкари.  
Аламлар ялпиллаб йўлга кирибди,  
Арпа чўли кўп лашкарга тўлибди,  
Бариси мавж уриб саф-саф бўлибди.  
Улар бизни ўлжа қилмоқ бўлибди.  
Отасининг сўзин Ҳасанхон билиб,  
Отни тортиб, кейин солди иркилиб,  
Гўрўғлидан кейин турар уялиб.  
Гўрўғли лашкари бунда жам бўлиб,  
Нечовлари шунда туғни кўтариб,  
Лашкар яқинлади, Гўрўғли билди,  
Одамига энди хабарни қилди:  
—От айилин маҳкам қилиб тортинглар,  
Араби тулпарни созлаб мининглар.  
Ев яқинлаб келди, буни билинглар,  
Баҳодирлар, олдин ўтиб туринглар!  
Остида иргийди тулпар бедовли,  
Олтин найза қўлда, гулгун яловли,  
Майдонга кирганда оғзи оловли,  
Юсуф султон, илгарига кел энди!  
Остингда бедовинг ҳаллослар қушдай,  
Аччиғинг чиллали музлаган қишдай,  
Норкалла келгансан чўйда қўш мушдай,  
Асад, Шодмон, бу майдонга кел энди!  
Олтин байдоқ билан отни сайлаган,

Чорвадорлар Асқар тоғин яйлаган,  
Душман билан мудом тараф бўп юрға.  
Чаман ўғли Алибекхон, кел энди!  
Ҳар ким кўриб қойил бўлган,  
Сафо ўғли келинг Чаққон!  
Душманларни яксон этган,  
Уқи нишонага етган,  
Не чинорларни қулатган,  
Хосиятли сен Холдорхон!

Баҳодирлар барин чақириб турди,  
Баҳодирлар илгариди саф тортди,  
Евга шундай отнинг бошин қаратди,  
Исфиҳон лашкари яқинлаб кепти.  
Гўрўғли урди довулни.  
Аввал Гўрўғли от қўйди  
Юлдуз учгандайин бўлиб,  
Кейнидан лашкар от қўйди  
Қарвон кўчгандайин бўлиб,  
Найза, қилич алаб-ялаб,  
Икки лашкар қилиб талаб,  
Икки ёқдан от қўйишди.  
Икки ёв бир-бирга қараб,  
От чопиб шундай етишди,  
Икки лашкар аралашди.  
Бир аломат урушди,  
Милтиқ отилмай орада,  
Бир-бириман найзалашди.  
Арқираган эрдай бўлиб,  
Тоғда юрган шердай бўлиб,  
Аввал Гўрўғли от қўйди.  
Ҳар яғрини қирдай бўлиб,  
Баҳодирлар от солади  
Гўрўғлиман бирдай бўлиб.  
Кейнидан лашкар интилиб,  
Бир-бирига ёри бериб,  
Арпалида уруш бўлди,  
Шундайғачоқ туриш бўлди.  
Бир-бирига қарамайди,  
Сен кимсан деб сўрамайди,  
Икки лашкар аралашди,  
Йўлиққани аямайди.  
Баҳодирлар отни чопиб,  
Нечовлар жазосин топиб,

Найзабозлик бўлгандан сўнг,  
Бир хиллари қолди оғиб,  
Бир нечага найза солар,  
Қайтмайди Гўрўғли қайсар.  
Ўнгу сўлни олиб туман,  
Йўлиққанлар қолмас омон.  
Бошланди ажаб майдон,  
Исфиҳоннинг ботирлари  
Ҳар тарафдан от солади,  
Бу келган қандай балоди.  
Сен кимсан деб сўрамайди,  
Найзани қўлга олади.  
Бунинг кўнглин не биледи.  
Ёвлиги маълум бўлади,  
Исфиҳоннинг ботирлари  
Бир-бириман сўзлашади:  
Одамга аямай солади.  
Қим эканин киши билмас,  
Йўлиққан одам ўлади,  
Бу урушда ғам емайди,  
Ўзгани одам демайди.  
Озроқман-кам демайди,  
Биздай кўпдан дам емайди.  
Йўлиққан одам ўлади,  
Жондан кечиб бунда келган,  
Ҳеч гаплашиб сўрамадик —  
Қайси элдан парвоз қилган?  
Бизлар Чамбил бормоқ бўлиб,  
Лашкар жойидан қўзғолиб,  
Тоғдан ошиб чиқиб қолиб,  
Буларга бизлар қўй бўлиб,  
Жовлик бизга от солади.  
Бу сўзни айтиб кенгашади.  
Хон Гўрўғлининг зарбидан  
Кўп лашкар ақли шошади.  
Қилич келар алаб-ялаб,  
Хон Гўрўғли қилиб талаб,  
Олтин коса, гулгун шароб  
Ичилар майдон ичинда.  
От чопади алвон-алвон,  
Шу сифатда Гўрўғли хон  
Чалқийди майдон ичинда.  
Тоғ бошини чалди туман,  
Тикилганга бермай омон,  
Ҳар замон айтар, Авазжон!

Бу лашкарга бермай омон,  
Шу сифатда Гўрўгли хон  
Мард бўлар майдон ичинда.  
Қаботида ул Холдорхон,  
Гўрўглига бўлиб ҳамдам  
Наъра тортади шу замон.  
Бирга юриб, бериб ёрдам  
Кўринг энди Юсуф султон,  
Нечовларга найза солган  
Нечовлар ярадор бўлган,  
Сафо ўгли, кўринг Чаққон  
Шундайин юришни кўрган,  
Майдонда туришни кўрган,  
Майдон жуда қизиб ётир,  
Айҳайлашиб сатта ботир  
Оғир сафни бузиб ётир.  
Майдонда турган кўрқоқлар  
Жондан умид узиб ётир.  
Бир-биридан хабар олмас,  
Дўст-душманни ҳеч ким билмас,  
Бўлиб қолди ажаб замон,  
Арпали чангиган тўзон.  
Хон Гўрўгли зўраворди,  
Ҳар замон қичар тулпарни,  
Бузади оғир сафларни,  
Қўйдаи ҳайдаб иззиллатар  
Олдига соп. кўп лашкарни,  
Исфиҳондан кўп амалдор,  
Лашкарнинг четида турган,  
Булар қўлга қилич олган,  
«Кейин қайтма, ўларсан!» деб,  
Лашкарига шиддат берган.  
Бурун — суғун кўрган эмас  
Исфиҳоннинг ботирлари  
Бундай қаттиқ сабошини.  
Кўрди бу ознинг ишини,  
Кўп ҳам бўлса ақли шошиб,  
Ота-боладан адашиб,  
Бир нечалар кўнглин бузиб,  
Не ботирлар бағрин эзиб,  
Аламдорди чопиб ташлар,  
Неча катта сафни бузиб,  
Икки юрт одами бунда,  
Уруш қилиб ётар ботир.

Ярадорлар чақиришиб,  
 Бир-бирига бақиришиб,  
 — Бизнинг одам борми? — дейди,  
 — Мен ўртада қолдим, — дейди.  
 Кўринг, Сафо ўғли Чаққон  
 Четлаганга қувиб етган.  
 Минган отини тиклатган.  
 От солар кўринг, Холдорхон,  
 Баҳодир ғайрати тошган,  
 •Кўринмайди еру осмон,  
 Қора отга қамчи уриб,  
 Кўринг энди Алибекни.  
 Шердай бўлиб кўкка етди.  
 Нечовларни изиллатди  
 Бу майдонда Юсуф султон  
 Тўзон тумандайн бўлган,  
 Оғир лашкарнинг ичида  
 Қирғин қилиб кўп мавж урган.  
 Ғиротига қамчи уриб,  
 Авазхондан дарак билмай.  
 Хон Гўрўғли дилтанг бўлиб,  
 Кўп душманга босим келиб,  
 Бунда ажаб уруш бўлди,  
 Арпалида қон тўкилди.  
 Муҳирланган тилла карнай  
 Шу вақтида тортилди.  
 Энди уруш охир бўлди.

Уруш тарқаб, ўз қўшхонасига қараб икки лашкар қайтди. Бир нечалар ўлган, адавур одам ярадор бўлган; Исфиҳон лашкари кўпроқ қирилган. Гўрўғли: «кўп лашкар экан, бугун шунча иш қилдик, агар эртан шундай ғайрат қилсақ, бу лашкарни оламиз, ўзимизга тобе қиламиз», деб келиб ўз қўшхонасига тушиб, ош-об қилиб ўтирди. Исфиҳон мамлакатининг лашкари билмайди, бу лашкар қаёқдан; катта-кичик маслаҳат қилган: «бу ким бўлса! Бугун шундай иш қилди, агар эртан уруш бўлса, бундан одам қутилмайди, урушсанг-урушмасанг Исфиҳон мамлакатини олади, бунга одам таб бермайди, қолган билан қутилмайди, ўлдирмай қўймайди. Бунга бир ҳийла қилиб кўрайик», деди.

Ҳийла қилмоқчи бўлиб, уруш қиладиган ерга яқинлаб келиб, кўп ерни ғалвир қилиб, оқшоми билан чуқур қаздириб, устини хаспўш қилиб, илгаригидай тўқайистон, хас ўралиб ётган ер эди, оқшоми билан ишлаб, бу ҳийлани битириб чиқди. Эрта билан тоғ отди, овқатланиб, икки ёқ лашкари қўзғалиб от-анжомга тараддуд

қилиб, Гүрүғлининг одамлари ҳам отининг айил-пўштанларини қаттиқ тортиб, уруш яроғини ғамлаб, отланмоққа ҳаракат қилиб турди. Исфиҳон лашкари, ёв-яроғини олиб, чаққон бўлиб, бағанаги қазиган чоҳнинг қошига келиб, Гүрүғлининг рўбарўсида туриб, Эламас полвон лашкарлар ичида туриб, Гүрүғлини қизиқтириб, довул қилиб чақириб, бу сўзларни айтиб турди:

Кеча бунда уруш бўлди,  
Эламас беҳабар қопти,  
Қанча одам қирғин топди,  
Баҳодирлар, кел майдонга!  
Мендай полвон бугун кепти,  
Билмайман сен қандай ёвсан,  
Кўп эмас-ку, ўзинг оз сан.  
Оз ҳам бўлсанг шағалмассан,  
Бу Эламас бугун келди,  
Мендан омон қолмассан.  
Майдонда Эламас иши,  
Урушолмайди лак-лак киши,  
Хар ким билмай тўғри келса,  
Кесилади унинг боши.  
Эламасга тўғри бўлмоқ —  
От устида келиб ўлмоқ,  
Кимсан, энди кел майдонга!  
Мендан йўқ сенга қутилмоқ.

Бу сўзни эшитиб, Гүрүғлига ботиб, ғайрати тошиб, ўтдай туташиб, йигитларига қараб Гүрүғли:

Қирқ йигитим бўлинг йўлдош,  
Мен билмадим қандай довуш,  
Лашкар ичида лоф урган,  
Ўзини мисли тоғ билган,  
Бу одамни кўзга илмай,  
Биров турур писанд қилмай,  
Келди қўшин даста-даста,  
У беҳабар қолган экан.  
Урушмоққа кўп ҳавасда,  
От қўйинглар чапа-роста,  
Катта сўзини билинглар,  
Эламас деб сўз айтади,  
Шунинг ҳисобин қилинглар,  
Аввал шунга тикилинглар.  
Уртага олиб Эламасни,

Аввал ўлдир ғам емасни,  
Омон кетмайсан қўлимдан,  
Айрилдинг учган элингдан!  
Юрагингга солай армон,  
Танингдан қуритиб дармон,  
Ҳар на борингни қирарман,  
Зўрлигим маълум қиларман,  
Ботир бўлсанг, кел майдонга!  
Барингга жавоб берарман.  
Уруш бўлса, кейин қайтмай,  
Ботирларни чақирарман.  
Унггани<sup>1</sup> дам демасни,  
От устидан олинг бошин,  
Аввал қилинг бунинг ишин.  
Ҳулкардай бўп отланингла  
Бедовга қамчи урингла!  
Ўнгу сўлга қарамангла,  
Катта гапдан хавф олмангла,  
Кейинда сира қолмангла;  
Аҳмоқ сўзга мард йилмангла.

Бу сўзни айтиб хон Гўрўгли,  
От қўйди қирқ икки сардор,  
Ҳар қайси<sup>2</sup> мисли аждаҳар.  
Гўрўгли от қўйган вақтда,  
Чувуллаб қочди кўп лашкар,  
«Мана, тағи келди, дейишиб,  
Турган одам ўлди» дейишиб,  
Қочганин Гўрўгли билди,  
Бари бирдай қувиб берди,  
Бедовларга қамчи урди,  
Хаспўшнинг устига борди,  
Хаспўшга отини солди.  
Ҳаммаси чоҳга йиқилди.  
От чопиб қирқ икки сардор,  
Бу чоҳга бўлди гирифтор.  
Бу ҳийлани сира билмай,  
Бекларнинг кўнглига келмай,  
Қирқ иккиси чоҳга тушиб,  
Энди қолдик деб қутилмай,  
Қочган лашкар жовлик қайтди,

<sup>1</sup> Унга-ўзга.

<sup>2</sup> Ҳар қайсиси.

Чоҳнинг атрофини опти.  
От-анжоми билан беклар  
Чоҳга тушиб банди бўпти,  
Гўрўғли пушаймон қилди,  
Билмай қолди, қандай кунди.  
Такаббурлик бундан ўтиб,  
Билмайди ҳоли не бўлди.  
Қилич, найза яланғочлаб,  
Исфиҳон лашкари бошлаб,  
Бари чоҳга етиб келди.  
Хон Гўрўғли қирқ йигити  
Қилич-найзасини ташлаб,  
Таваккал қиб бунда турди.  
Гўрўғлини одами билан,  
Ҳаммасини бойлаб олди.  
Исфиҳоннинг лашкарига  
Хон Гўрўғли банди бўлди.  
Барини чоҳдан чиқарди.  
Қўринг, булар банди бўпти,  
От-чопилиб Исфиҳонга,  
Шу. замонда хабар кетди:

Шоҳга хабар берайик, деб,  
Хоннинг амрин билайик, деб,  
Ўлдирсин деб амр қилса,  
Тандан бошин юлайик, деб,  
Аввал бир подшодан сўраб  
Нима деса, қилайик, деб,  
Қирқ иккисин бойлаб олди,  
Бу иш жуда ёмон бўлди.

Чопағончи Исфиҳон шоҳининг давлатхонасига бориб, подшога тўғри бўлиб, бўлган ишларни билдириб, бу сўзларни айтиб турган экан:

Ҳар на деган сўзингизни эшитдик,  
Сизнинг амрингизни қулоққа тутдик,  
Арпалидан кетмай кўп лашкар ётди,  
Юборган хатингиз барча билибди.  
Лашкар қўшиб Чамбил бормоқ бўлибди.  
Чамбил қараб лашкар юриш қилган сўнг.  
Бир бўлак бедов отли келибди.  
Аввал келиб тоғнинг бошида турди,  
Қайтмади, ўзини лашкарга урди.



Бари шердай экан урушда турди,  
Қайтмай кўп одамларни қирди.  
Карнай тортиб икки ёққа айрилди.  
Тонг отиб шу бугун уруш бошланди.  
Келгандан қирқ иккиси ушланди.  
Ҳийла билан банди бўлиб қолганди,  
Ев-яроғи, оти ўлжа бўлганди.  
Ҳозир кўзи тўрт бўп унда турганди,  
Эр полвонлар ён-ёғини олганди.  
Шу сабабдан сизга хабар келганди.  
Қандай одам эканини билмадик,  
Банди қилдик, бизлар сўраб кўрмадик,  
Гуноҳкорлар банди бўлиб туради,  
Катталарнинг бари сиздан сўради,  
Орангизга элчи қатнаб туради.  
Гуноҳкор ҳисоби қандай бўлади?  
Не десангиз айтганингиз бўлади,  
Шу сабабдан сизга одам келади,  
Шоҳим бандиларни нима қилади?

**Бу сўзни эшитиб, Исфиҳон шоҳи бир сўз деб айтиб турган экан:**

Ўлдирмасин, амалдорлар юборсин,  
Улар кимдир биз ҳам ундан сўрайик,  
Қандай одам эканини билайик,  
Урушли кунларда шундай бўлади,  
Гоҳ қочириб, гоҳо одам қиради.  
Кези келса, банди бўлиб қолади,  
Ўлдирмоқлик жуда айб бўлади,  
Эшитган подшолар гина қилади,  
Ўлдирсак, ҳар ким ҳам бизга кулади.  
Уларни сўраб бир билмоқлик даркор,  
Ҳали қўлларингга бўлса гирифтор,  
Албатта унда ҳам эли-халқи бор,  
Тағи ҳам кейнидан сўровчи келар,  
Ўлдирмоқлик ўзи ёмон иш бўлар.  
Ким эканин биз ҳам сўраб билайик,  
Чамбил элга кетган болам Интизор,  
Ҳали бу ишлардан бизлар беҳабар.  
Авазнинг қолгани рост бўп юрмасин,  
Авазни излаб у Гўрўғли келмасин,  
Ҳийла билан шулар банди бўлмасин.  
Бандиларни Исфиҳонга юборсин,  
Оти-анжомини олиб қолмасин.

Келган элчи, қулоқ солгин тилига,  
Хат қилиб муҳраб берай қўлингга,  
Ҳаялламай боргин Арпа чўлига,  
Хатни бергин, катталарнинг қўлига!

Бу сўзни султони ул замон айтди,  
Хатни битиб тамом қилиб узатди.  
Исфиҳондан хат кўтариб бу қайтди,  
От чопиб Арпали чўлига етди.  
Хатни опкеп амалдорларга тутди,  
Бу хатни ўқиди, бари эшитди,  
Бу бекларнинг қўлин ечиб бўшатди.  
От-анжоми билан энди бу замон,  
Исфиҳон шоҳига қараб ҳайдатди.  
Гўрўғли ҳайдалиб Исфиҳон борди,  
Исфиҳон подшоси буларни кўрди,  
Кўргандан Гўрўғли эканин билди.  
«Бу бекларга сира ташвиш бермай» деб,  
Аввал туриб яхши жойга буюрди,  
Отли ҳайдаб борган бунинг барисин,  
Яхши, орастали жойга туширган,  
Нечалар олдида хизматни қилган.  
Гўрўғли деб ҳозир гумон қиб турган.  
Подшо бунда фароғатни қилсин, деб,  
Азоб кўрмай, у роҳатда турсин, деб,  
Менинг бунда катталигим билсин, деб,  
Сунгра мен ҳам бир қошига борарман,  
Гапни сўраб кўнглидагин биларман,  
Яхши бўлса, бунга жавоб берарман,  
Ёмон бўлса, ўлдириб юборарман,  
Сўйлашган сўнг мақсадини биларман.  
Ҳозир банди бўпти менинг қўлима,  
Нима қилсам, ихтиёрим, қиларман.

Буларни сўраб, кейин билармиз, ким эканини таниб олар-  
миз, ҳозир қўлингга турибди, қанча қирса ҳам биздан енгилибди:  
қовунга келган болани ушлаб олгандай, тағи ҳам келасанми де-  
гандай қилиб, буларни ҳадаҳа қошимизга чақириб сўрай берга-  
нимиз яхши эмас. Беш-тўрт кун орадан ўтсин, ундан кейин сўраб  
билармиз, юришига яраша иш қилармиз,—деб булар бунда турди.  
Соқибулбул тоғнинг бошида буларнинг банд бўлганини билди,  
қандай бўлса мен Чамбил бориб келайин, қолган-қутганга хабар  
берайин, одам йиғиб келайин, деди. Бу одамларга тайин қилди:  
«Қора кўрсатиб, турунглар, бизнинг бошимиз кетди, ҳозир урушга

қирманглар, бекорга сизлар ҳам банди бўлиб турманглар!» Бу сўзларни айтиб, Чамбилга жўнаб бораётган ери дейди:

Гаждумнинг белига Соқи минади,  
«Чўҳ!» деб Гаждум отга қамчи уради.  
Соқи қарамайди ўнгу сўлига,  
От терлатиб чўлда қичаб боради,  
Жабр қилиб бедовининг жонига,  
Қамчи уриб, гўшт кўтарган сонига,  
«Не кулфатлар тушди Чамбил хонига,  
Банди бўлди Исфиҳоннинг элида,  
Остимга минганим Гаждумкўк эди,  
Ҳеч юрт бориб банди бўлган йўқ эди,  
Яқин эди олис турган шаҳарлар!  
Ҳийла билан банди қилди баччағар,  
Армон билан бўлиб қолди гирифтор,  
Чух жонивор, мени Чамбилга еткар!  
Банди бўлган марднинг кўнгли чўкмасин,  
«Э аттанг!» деб кўздан ёшин тўкмасин,  
Ҳайф менинг ошу ноним демасин,  
Чамбилнинг беклари бунда қолмасин,  
Исфиҳонда бандиликда ўлмасин.  
Бу туришда ўтиб кетса Гўрўғли,  
Энди Чамбил юрти вайрон бўлади».  
Бу сўзни айтиб уриб кетиб боради,  
Кўз югиртиб Соқи энди қаради,  
Ярқиллаб кўринди Чамбил қаласи,  
Чамбил юртин кўриб кўнгил бузилди;  
«Азоб кўриб ширин жоним бу танда,  
Не кунларни кўриб султоним унда,  
Бу кўринган юртлар хонимнинг жойи,  
Не давронлар суриб ўгирган бунда.  
Бунда қолган киши нима билади,  
Гўрўғлини келади деб туради.  
Мен ёлғиз кириб борсам Чамбилга,  
Чамбил эли бир тўпалон бўлади.  
Балки бузилгудай давриқ бўлади,  
Бекнинг банди бўлганини сўраса,  
Ҳаммаси эшитиб мендан билади,  
Мен билмайман, қандай гаплар бўлади?  
Бундай кучлар бизга ажаб замонда.  
Банди қолди, бўлиб турсин омонда,  
Бандиларга ҳеч гап эмасда унда,  
Қиёмат кун бўлар энди Чамбилда.

Соқи Чамбил кириб борди. Соқини Оғаюнус кўриб, Авазни, бекларни сўраб: «Нима ишда қайтдинг?» деб бу сўзни айтиб турган экан:

Соқи келдинг, сепинг бекларинг қани?  
Аваздан хабар бер, билайин они.  
Баринг билла Исфиҳонга бордингми?  
Авазни эшитиб, Соқи, билдингми?  
Соқи, сўйла, Авазжонни кўрдингми?  
Ё бўлмаса йўлдан қайтиб келдингми?  
Менинг қўзим хабарини билдингми?  
Соқи нега отга камчи урибсан,  
Олис йўлни бунда яқин билибсан.  
Отинг терлаб, Соқи қичаб келибсан,  
Не сабабдан бундай юрибсан?  
Авазжонга бирор шикаст бўлдим,  
Авазнинг хабарин билиб келдингми?  
Бир ишнинг бошида элчи бўлдингми,  
Не сабабдан от терлатиб келасан?  
Ажал келса, титрайди танда бу жон,  
Оғаюнус савол сўрар бу замон,  
Не сабабдан, Соқи, ёлғиз келасан?  
Бўлган ишдан сен ҳам билдиргин маған!<sup>1</sup>  
Сени кўриб, куйиб ёнади жоним  
Келгани йўқ билла кетган султоним,  
Қандай бўпти менинг Аваз ўғлоним?  
Ярашиққа ловдон рўмол ўрайман,  
Шикор кетган бекларимни сўрайман,  
Кўзим тўрт бўб мен йўлига қарайман,  
Бирга кетган менинг шунқорим қани?  
Нега ёлғиз бунда юборди сени?  
Исфиҳоннинг бари эмиш шокаман,  
Гапир, Соқи, беклар бўлсинда омон.

Бу сўзни эшитиб, Соқи ҳам бўлган сўзни билдириб, бу сўзни айтиб турган экан:

Тил боринда беш-олти оғиз сўйлайин,  
Бирга кетган беклардан баён айлайин,  
Бирга-бирга Исфиҳонга борганимиз,  
Арпали чўлида уруш қилганмиз.  
Гўрўғли билан тушиб қолди беклар,

<sup>1</sup> Мешга.

Қирқ икки бек банди бўлиб қолганди,  
Исфиҳоннинг подшосининг қўлида.  
Билмадим аҳволи қандайин бўлди?  
Лочин эди ҳозир бир тўрда қолди.  
Оту яроғ, асбобидан айрилди.  
Билмадим, бекларим ҳоли на бўлди?  
Авазжондан қайда бизга хабар деб,  
Хатарли бўлди бу юрган сафар деб,  
Мен элга етказай бунда хабар деб,  
Мен суяниб бунда Чамбилга келдим.  
Чамбилнинг динкамон Қўлбари бор деб,  
Ҳасан Қўлбар қайда? Хабар берайин,  
Кўп турмай Чамбилда, бундан жўнайин,  
У Ҳасан бовамдан хабар олайин,  
Сўзим сўйлаб бирга олиб жўнайин,  
Бир бўлак Қўлбарим борди Чамбилда,  
Бўлган сўзни унга маълум қилайин,  
Ҳадаҳа Исфиҳон олиб жўнайин.  
Авазхондан хабаримиз йўқ бизнинг,  
У дарднинг устига бу дард бўлибди,  
Лочин қўнган шоҳга қарға қўнибди,  
Оти, яроғини қўлдан берибди,  
Қирқ икки азамат банди қолибди,  
Соқи бунда хабар олиб келибди,  
Қичов билан еткизди мени Гаждум от,  
Оғаянус беринг энди маслаҳат.  
Соқининг сўзини у улпон билди,  
Мисқол пари тағи қошига келди,  
Гўрўғлиман бирга кетган бекларнинг  
Хотин-болалари бунда йиғилди.  
Бу гапни эшитди, жуда қийинди.  
Бу талотўп бўлиб ётган шовқинни  
Шу вақтда Ҳасан Қўлбар эшитди.  
Ҳасаннинг кўнглига бу сўзлар келди:  
«Туркман халқда бир катта тўй бўлибди,  
Гўрўғли, одамлар тўйга борибди,  
Хотинларни тўйга айтиб кетгани,  
Хабарчи бўп Соқибулбул келибди,  
Тўйга айтиб ҳаммасини йиғибди,  
Бари чувлаб адрас, кимхоб кийибди».

Ҳасан Қўлбар ёнбошлаб ётди. Оғаянус билан Соқибулбул бо-  
риб Ҳасан Қўлбарга рўбарў бўлди. Буларни Ҳасан Қўлбар кўриб,  
ўрнидан туриб ўтирди: «Чоғидан Гурўғли «бовамни ҳам тўйга ай-

тиб кел» деган, булар тўйга айтгани келаётир, энди булар айтса, борайин, бориб қозонигача, қанча оши бўлса қуришиб еб келайин», — деб бу сўз кўнглидан ўтиб турди. Соқи бориб бу сўзни айтиб турди:

Ҳасан бова, сенга айтар арзим бор,  
Сўлиб келган гулдай менинг тарзим бор,  
Исфиҳон юртига қилганди сафар, —  
Авазжоннинг сизга айтган сўзи бор.  
Сизнинг учун Аваз бўлган хизматкор,  
Аммасини излаб юрган муқаррар,  
Қани Гуржистондан мен ҳам жўнай деб,  
Аммамни бовамга элиб берай деб,  
Аммасин билдириб Аваздай қўчқор,  
Йўлда келаётса шундайин шунқор,  
Исфиҳон лашкарига бўлибди дучор.  
Аваз ёлғиз, лашкар ўраб олибди,  
Исфиҳонда Аваз банди бўлибди,  
Сизга деган аммаси унда қолибди,  
Бу хабари Гўрўғлига келибди,  
Йигитлари билан, билсанг, Гўрўғли,  
Излаб бориб, бу ҳам банди бўлибди,  
Бу хизмат, боважон, сенга қолибди,  
Келиб Соқи сенга хабар берибди,  
Бе эга бўп билсанг Исфиҳон элда,  
Авазнинг аммаси — ёринг юрибди,  
Бу ишларнинг бари сендан бўлибди.  
Эртароқ, боважон, ғайрат қилмасанг,  
Авазнинг аммасин биров олади,  
Авазнинг хизмати бекор бўлади,  
Тағи бурунгидай бўлиб қолади.  
Билмам, бовам, қандай замон бўлади?  
Менинг пандим энди қулоққа олгин,  
Боважон, мен билан сен бирга боргин!  
Юр, бова, Исфиҳон олиб жўнайин,  
Гўрўғли, Авазни озод қилайин,  
Қўрсатиб, ёрингни олиб берайин.  
Ҳозир бизлар, бова, жуда дарманда,  
Бундай бўлиб қолмайик-да армонда.  
Исфиҳон устига борарим бор-да,  
Бандилардан хабар оларим бор-да.

Бу сўзни Соқидан эшитиб, Ҳасан Қўлбар: «оббо», Аваз йўлни чап солмай, Исфиҳон устида унга нима бор?! Мен бормасам, унга эр қуриб Исфиҳон юртида биров топилар, биров олар, тагин мен

бояқиш селтайиб қолар, албатта менинг бормоғим даркор. Бу ка-софат бари мендан бўлган экан, мен уйланмай жўн юрсам, бу иш-лар бўлмас эди. Энди ҳар гап бўлса борайин, Аваз, Гўрўғлини бандиликдан ажратайин, ҳам хотинимни топиб олиб келайин» деб, Соқига бу сўзни айтиб турган экан:

Соқи, турма бу ерларда ўйланиб,  
Ҳадаҳа жўнагин отишгни миниб,  
Мендан бурун сен ҳам жойингга бориб,  
Менинг учун яхши тараддуд қилиб.  
Қичаб боргин кеча-кундуз йўл олиб,  
Қозон осгин, бориб ўчоқ ўйдириб,  
Оз бўлмасин, тўқсон қўйни сўйдириб,  
Тўқсон ботмон гурунч ғамла у ерга,  
Тасма полов қилиб созла, Соқижон,  
Тағи қўйма сен тагини куйдириб,  
Шу хизматим, боргин ўрин қилдириб,  
Менинг айтган сўзим Соқи, тиндириб,  
Кечга қолмай мен ҳам етиб борарман,  
Қанча бўлса мен ҳам банги тортарман,  
Душманнинг шаҳрини яксон этарман.  
Қўлбарнинг сўзини қулоққа тутди,  
Соқи турмай бундан жўнади-кетди,  
Ҳар на деган сўзин буни эшитди.  
Бу бовамнинг хизматини қилай деб,  
Бир озроқ нарса ғамлаб турай деб,  
Бу Қўлбардан мен ҳам бурун борай деб,  
Бу сўзларни ўйлаб Соқи йўл тортди.  
Ҳасан Қўлбар жўнамоқчи бўлибди,  
Оқшердев эшагин олиб ҳам келди,  
Шу замон устига тўқимни солди.  
Айилини маҳкам тортиб белидан,  
Ҳасан жўнамоқчи Чамбил элидан,  
Ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмайди,  
Биров берган насихатни олмайди.  
Бир нечани сира писанд қилмайди.  
Қургур Қўлбар одамдайин кўрмайди.  
Эшитган гапини ўйлаб билади,  
Ҳар калтаги беш юз ботмон келади.  
Икки калтагини тенглаб бу Қўлбар  
Эшагига ортиб бундан жўнади.

Ҳасан Қўлбарнинг жўнаганини Юнус, Мисқол, қирқ йигитнинг хотини кўриб: «Нима бўлса, Ҳасан Қўлбар кетди, Соқибулбул Ҳасан бовасининг айтган сўзини ўрин қилса, димоғини чоқлаб олса:

қанча лашкар бўлса қирар, бу билан ким баробар бўлар» — деб кўнглини кўтариб турди. Ҳасан Қўлбар эшагини ҳайдаб йўлга солибди, хала чўпи қолибди, уёқ-буёқни қараб, йўл устида бир жувозранг жувози носоз бўлиб уста олиб келиб тузатаётган эди, ўқини ташқарига чиқариб қўйган эди, Ҳасан Қўлбарнинг кўзи тушиб: бу менинг халачўпимдай халачўп экан, учини чиқариб, сошлаб қўйган экан, одам ушлайдиган ёнини мойлаб, ширғай қилган экан: мендан бўлак, ҳам эшак миниб юрган одам бор экан, мен бу халачўпини олайин, нима ҳам бўлса, бурилиб йўлдан қолмайин, ўзига зарур бўлса, менинг халачўпимни олар», — деб олиб эшагига халачўп қилиб кетди. Шунда не фурсат ўтди; уста жувозни сошлаб, энди ўқини солиб кўрайик, деб хабар олса, ўқи йўқ, чопқиллаб ундан-бундан: «Бизнинг жувоз ўқин қандай одам олиб кетди?», — деб сўради. Бир келаётган йўловчи: «Э жувозранг, бекор югуриб ўзингни ҳалок қилма. Ҳасан Қўлбар бир жувоз ўқини халачўп қилиб бораяпти. Унга сен югуриб етолмайсан ҳам, етганингда сенга берадимми? У сенинг гапингга қулоқ соладими?! Энди ундан умид қилма, унинг кейнидан борма» деди. Бу сўзни эшитиб, «Баччағар Ҳасан Қўлбар», деб бир сўз айтиб турган экан:

Аввал бошдан қилган ишим бўш келди,  
Жувоз ўққа Ҳасан Қўлбар дуч келди,  
«Далага чиқар» деб устадан бўлди.  
Қўлбарнинг бир ёққа юриши борди(р),  
Биз билмаймиз нега қилган сафарди.  
Қўлбарнинг гузари шу ердан тушиб,  
Қайси гўрдан жувоз ўқимди кўрди?!  
Қайтиб келса, менинг ўқим берар, деб,  
Эси бўлса Қўлбар ўзи билар деб,  
Кутиб турсам тағи айланиб келар деб,  
Куйиб-пишиб бунда жувозранг қолди.

Оқшер девга Қўлбар халани урди,  
«Қичаб юр!» деб жуда сиёсат қилди.  
«Соқи кетди, мен кетидан борайин,  
Қичаб юргин мен ҳам етиб олайин!»  
Гоҳ ерда йўрғалаб, гоҳ ерда йўртиб,  
Минг ботмон калтакни устига ортиб,  
Бораётир Қўлбар қичаб йўл тортиб,  
«Менинг ишим кечга тортиб қолмасин!»  
Қичаб юргин, вақти ўтиб қолмасин.  
Биз борамиз Исфиҳоннинг элига,  
Меҳнат қиб борарман ёрнинг йўлига  
Топиб олсам, Чамбил олиб келаман,



Кийик гўшти бериб боқиб юраман.  
 Ҳасан Қўлбар дейди мени, зўрабор»  
 Эшак кетар ўру қирга баробар.  
 Шундай қичаб Ҳасан Қўлбар йўл тортар.  
 Бораётир неча беллардан ошиб,  
 Борсам, дейди ул Соқига ёнашиб,  
 Бораётир неча сўзларни ўйлаб,  
 Кийимнинг сиртидан белини бойлаб,  
 Гоҳ яёв юради эшагини ҳайдаб.  
 Неча муддат Ҳасан Қўлбар йўл тортди.  
 Соқи ётган тоққа Ҳасан ҳам етди,  
 Тоғни ўрлаб шу замон чиқиб кетди.  
 Қарамасди Ҳасан баланд-пастига,  
 Чиқсам, дейди энди тоғнинг устига.  
 Соқибулбул Ҳасан сўзин билибди,  
 Қўрди: Қўлбар яқин ерга келибди.  
 Банги-наша бу пишитиб турибди,  
 Одамларни ҳар хизматга солибди.  
 Ҳасан учун кўп тараддуд қилибди,  
 Айтганини Соқи ҳозир қилибди.

Соқига қараб, Ҳасан Қўлбар бу сўзни айтиб турган экан:

Соқижон, ўхшатиб пишитгин бангни,  
 Ҳасан келди душманнинг боши гангни(р),  
 Ошга тўйғиз, Ҳасан Қўлбар бовангни,  
 Эшагини ҳайдаб янгитта келди.  
 Ҳасан бованг қайтмай қилар сабошни,  
 Мойли қип ўхшатгин бу замон ошни.  
 Ҳасан бованг келгани маълум бўлса,  
 Номини эшитган душманлар қочди.  
 Қўринг, Соқи бангни пишитиб, бўлди.  
 Утириб шу замон бангни ийлади,  
 Катта сарҳонага буни жойлади.  
 Устига чўғ босиб бангни тортди,  
 Тоғнинг газалари тутун бўп кетди,  
 Бу тутуннинг иси ҳар ерга етди.  
 Бангнинг иси ётган лашкарга борди,  
 Исфиҳон лашкари қилпиллаб қолди.  
 «Чамбилнинг Қўлбари бунда келди» деб,  
 Эшитганлар бунда гумон қип қолди.  
 Ҳар тортганда банги ловуллаб ёнди,  
 Банг чекиб ўтирар Қўлбар беғамди  
 Қанча бангни бу куйдириб юборди,

Ҳеч ким бермас душманларга хабарни,  
Тутуни бурқираб Исфиҳон борди,  
Ҳар шаҳарга номи кетган Қўлбарнинг —  
Ҳадик олиб тебранган кўп лашкарди,  
Қўлбар келса, нима илож қилади?  
Арпа қўлда турган одам ўлади.  
Ҳасан Қўлбар банги тортиб бўлади,  
«Суза қолгин ошинг пишиб қолади».

Бангнинг устидан неча ботмон гурунчининг ошини еб, қанча  
гўштини еб, Ҳасан Қўлбар тўяр-тўймас бўлиб, Соқига ўпка қилиб:  
«Соқи, қўйнинг ориғидан сўйибсан, кам тошлар билан гурунчини  
тортиб солибсан, яхши ош қилибсан, озлиқ қилганини узинг ҳам  
билиб тўрибсан», деб бу сўзларни айтиб, Ҳасан Қўлбар урушга  
юзланиб бораётган ери дейди:

Хизмат қилай бу ошингга яраша,  
Мен борайин душманларга ёнаша.  
Тоғдан тушма, сен ҳам кўргин тамоша!  
Урушга жўнадим ёрдам бермагин,  
Душмандай бўп тағи сен ҳам ўлмагин.  
Қулоқ солгин, Соқи, менинг сўзима,  
Қалтагимни олиб майдонга кирсам,  
Дўсту душман кўринмайди кўзима.  
Қулоқ солгин, Соқи, менинг тилима,  
Икки калтагимни олсам қўлима,  
Чиққан душман омон қолмас йўлима,  
Одамларинг билан бу ерда тургин,  
Менинг эшагимни боқиб ўлтиргин.  
Одамларинг билан сен Соқибулбул,  
Тоғ бошида менинг ишимни кўргин!  
Ишимни кўрганда сен ҳам тан бергин.

Бу сўзларни айтиб чопонин кийди,  
Чопон кийиб энди белини бўғди.  
Икки ўнгириин белбоғига қайтариб,  
Кулбарини олди энига танғиб,  
Бу урушда танҳо ўзим юраман,  
Исфиҳон лашкарин ёлғиз қираман.  
Мен сизларни қўйиб тоғнинг бошига,  
Лашкарга юзланиб кетиб бораман,  
Ҳар хизматни ўзим ўрин қиламан.

Пастга тушиб кетди, у замон Қўлбар,  
Қўлнинг ёқасида катта чинор бор,

Бу чинор илгари замондан қолган,  
Шоҳалаб сояси кўп ерга борган.  
Ҳасан Қўлбар ушлаб чинорни тортди,  
Қўлига шувоқдай суғириб опти,  
Тўлғаб айлантириб лашкарга отди,  
Бангнинг кайфи билан маст бўлиб кетди.  
Чинорнинг остида қанча аскардан,  
Беш юз одам қочиб кетди бу замон,  
Ҳасаннинг ишини кўп лашкар кўрди,  
Қочиб қутилмоқни ғанимат билди.  
Ҳасаннинг ишини кўп ёмон билди,  
Боз устига энди қалтагин отди,  
Беш юз ботмон чўяи калтак шу замон  
Қолган аскарини оралаб ўтди.  
Жўхори поядаин шақирлатди,  
Қалтак тегиб қанча аскарни йиқитди.  
Бу калтакка Ҳасан яқинлаб етди,  
Қўлидаги калтакнинг навбати кепти,  
У калтакни олиб, бунисин отди.  
Бу Қўлбарга кимлар туриш беради?  
Яроғ ушлаб туриб нима қилади?  
Тағи бир навбатда тайин ўлади,  
Чодир чаман бе эга бўп қолади.  
Ўз бошига ҳар ким қочиб боради,  
Тирик жондор Арпа чўлда қолмади.  
Аслаҳа-анжомга қарамади.  
Ҳасан Қўлбар бало келди,  
Исфиҳонга жала келди,  
Бунда турган қолмай ўлди.  
Қолганлар бошини олиб,  
Қочгунча тополмай йўлни,  
Ҳасан Қўлбар ишни қилди,  
Чодирларга етиб борди.  
Етган кўп ўлжани кўрди,  
«Одаминг билан ташиб бер!» деб,  
Соқибулбулни чақирди.  
Ҳасан Қўлбар калтак олиб,  
Қочқинчини йўлга солиб,  
Пода ҳайдагандай бўлиб,  
Исфиҳонга ҳайдаб кетди.  
Ҳасаннинг чақирган довушин  
У Соқибулбул эшитди.  
Бе эга ётибди сулаб  
Неча тўпу-тўпхоналар,

Одами билан кўп ўлжани  
Тоғ бошига ташиб ёгди.  
Ҳасан Кўлбар бундан кетди.  
Исфиҳонга яқин етди.  
Исфиҳоннинг қочқинчиси,  
Шоҳ қошига бориб қопти.

Шоҳим, сиз ҳам беҳабарди,  
Чамбилдан келган Кўлбарди,  
Бангин иси аввал келиб,  
Кўп одамлар уни билиб,  
Билса ҳам беҳуда туриб,  
Бангни чекиб етиб келди.  
Шоҳ, лашкаринг тоза ўлди,  
Сўзингга қулоқ солмайди,  
Одамга яқин келмайди.  
Лашкар тоза қолмади,  
Қочқинчи шаҳарга келди.  
Сендайин шоҳим беҳабар,  
Даммадамда бунда келар,  
Исфиҳонни вайрон қилар.  
Подшо деб ҳурмат қилмайди,  
Сизни ҳам уриб ўлдиарар.

Бу сўзни эшитиб Исфиҳон шоҳи ҳайрон бўлиб: «Биз эшитганмиз, Гўрўғлининг шундай Ҳасан деган Кўлбарлари бор эмиш; бу келган Гўрўғлининг одами. Бундан чиқадик: сизлар қўлга туширган саркардалар билан Гўрўғлининг ўзи шу юртда қолган экан. Авъзи қолмаса бунда келмас эди, бизга тегинмас эди. Агар Гўрўғли бўлса, бувиш Интизор буларнинг қўлида. Биз тиг тортиб бу билан урушмоғимиз яхши эмас. Гўрўғлининг кўнгли биздан оғримаса тузук, ҳозир биздан жабр кўргани йўқ. Гўрўғлини одамлари билан олиб келинглар» деб буюрди. Маҳрамлар бориб айтиб келди. Гўрўғли сардорлари билан келди. Ҳасан Кўлбарнинг келганидан Гўрўғлининг хабари йўқ эди. Исфиҳон шоҳи Гўрўғли билан кўришиб тахтига ишорат қилиб, бу сўзни айтиб турган экан:

Не сабабдан келиб урушни қилдинг?  
Биздан сен қай вақти бир зулм кўрдинг?  
Подшо бўлиб ҳозир сўлган тарзим бор,  
Неча алвон сенга айтар сўзим бор.  
Чамбил кетган Интизордай қизим бор,  
Бундай уруш, ўйла, бизга не даркор?

Бу сўзни эшитиб, Гўрўғли ҳам бир сўз айтиб турган экан:

Аё подшо, сизга етгайди сўзим,  
Бу шаҳарда қолган менинг Авазим.  
Авазни излаб Исфиҳонга келдим мен,  
Йўл устида кўп лашкарни кўрдим мен.  
Аваз бор деб, билмай уруш қилдим мен,  
Ўз элимда шоҳлик ғамин еб эдим,  
Авазжонни топиб олай деб эдим.  
Шу сабабдан Исфиҳонга кеб эдим,  
Авазни излаб ўзим банди бўп эдим.  
Ғирот билан бувиш Интизор борди,  
Билмайман Авазим қаерда қолди?  
Сўянган қўзимнинг ҳоли не бўлди?  
Шу сабабдан излаб отаси келди.

Бу сўзларни улар бир-бирига ўпкалаб айтиб ўтирди. Ҳасан Қўлбар шаҳарга яқинлаб келди. «Бу шаҳарда жонзод қолмайдиган бўлди, деб тала-тўп бўла берди. Бу гаплар Абжўш кампирнинг қулоғига тегди. «Мен ҳам чиқиб кўрайин» деб кўчага чиқди, битта-яримтадан сўради. Бир хили: «Билмаймиз», деди, бир хили: «Нима-сини сўрайсан? Чамбилдан бир Ҳасан Қўлбар деган келибди, Исфиҳон юрти бузиладиган бўлди»—деб юрибди. Бу сўзни эшитиб, қандай одам экан, мен бир кўрайин, деб чиқиб, Абжўш кампир Ҳасан Қўлбарга рўбарў бўлди. Ҳасан Қўлбар Абжўш кампирни кўриб: «Икки бошдан Авазнинг аммаси шу-да» — Сен юрибсан, Аваз қани?—деди. Абжўш кампир онг-тонг бўлиб билмай турди. Ҳасан Қўлбар айтди: — Мен Чамбил элидан сенинг учун келиб, подшоҳнингнинг қанча лашкарини ўлдириб, сени излаб келаётиб эдим, мен Авазни сенинг учун буюрган эдим. «Йўли бўлган йигитнинг янгаси олдидан чиқади»—деган гап бор, сендан бўлак менинг нима ишим бор—деб бичагидан ушлаб, — энди бизнинг ишимиз битди, — деб Абжўш кампирни олиб, қўлбарига солиб, — ўзим сени Чамбилга олиб бориб, кийик гўшти бериб, кўтариб катта қилиб оламан. Аваз қаерда бўлса, ўзи борар, — деб калтакни энига солиб, Соқибулбўлга қараб жўнади.

Аваз шунча замондан бери тагн заминда сардорнинг қўлида ётиб эди. Авазнинг яралари битган эди. Сардор энди Авазхонга айтди: «Отан Гўрўғли келибди. Исфиҳон шоҳи бир гумон сўз билан мени бир даража кейин ташлади, энди сен юзага чиққин, сардорникида эдим, деб менинг сиримни фош қилма, Исфиҳон шоҳига гапирма; меникидан чиққанинг маълум бўлса, шоҳларнинг олдида менинг сўзим бе эътибор бўлади» — деб, вақтини топиб, шаҳардан Авазни чиқариб, уруш бўлиб турган ерга олиб келиб қўйиб кетди.

Бу ишларнинг бўлганини эшитиб ётса ҳам кўргани йўқ. Аваз Соқибулбулнинг қошига борди. Авазни кўриб, буларнинг ҳам димоғи чоғ бўлди. Авазхон ёв-яроқ олиб, Гиждамкўкни миниб, Исфиҳон шаҳрига равона бўлиб келди. Келса, Исфиҳон юрти ҳали ҳам тўпалон бўлиб, «Ҳасан Кўлбар келиб қоларми» деб бир-бирига ёнашмай, ортиқ камини ҳисоблашмай, биров-бирови билан сўйлашмай юрибди. Авазхон пойтахт қараб ўтиб кетди. Исфиҳоннинг подшоси, Гўрўғли номдор, қирқ икки сардор — бари ўтирибди. Исфиҳон олами Авазни танимайди, Гўрўғлининг кўзи Авазга тушди, шундай қараб, Аваз эканини таниб, бир сўз айтиб келаётган экан:

Майдон бўлса сотилади ширин жон,  
Олмасимдан қуяман-ку қирмизи қон.  
Сени излаб келиб бўлдим мен сарсон.  
Қаерларда умринг кечди, Авазжон?  
Кўрар кўзим, Аваз жоним, бормисан?!  
Келдим Исфиҳонга Аваз деб излаб,  
Гоҳ вақтларда кетдим бўтадай бўзлаб,  
Кўрар кўзим, Аваз болам, бормисан?  
Еринг билан отинг борди Чамбилга,  
Хабаринг бормади у ёқда элга,  
Авазхон, ким билан бирга юрувдинг?  
Сен қачон йўлиқдинг Соқибулбулга?  
Азоб билан бунда умрим кечилиб,  
Сен борингда гулгун шароб ичилиб,  
Шунқоримни мен Чамбилдан учириб,  
Сен йўлиқдинг, болам, қандай зўрига?  
Келиб тушдинг қайси сайёд тўрига?

Авазга бу сўзни Гўрўғли айтди,  
Турган сипоҳийлар барча эшитди,  
Югуриб Авазнинг отини ушлаб,  
Мажлисга шу замон Авазни бошлаб,  
Барча сипоҳийлар ўрнидан турди,  
Авазни таниди, ҳаммаси билди.  
Авазхоннинг ҳусни-жамолин кўриб,  
Исфиҳон шохининг кўнгли тинди.  
Бир нечага билдирмайин суюнди,  
Омон-омон деди, юртига чақирди,  
Ҳар ким ўз жойида тинчликда турди.  
Турли таом ўрталикка тўкилди,  
Қават-қават зарбоп сарполар ёпди.  
Томирлик шаънини булар қилибди,  
Интизорнинг қолган қанча канизи,

Шоҳ қошига ҳозир ҳозир бўлибди.  
Беш юз каниздан қирқ қиз айрилиб,  
«Бувишимиз кўрсак» дейишиб юрибди.  
Бу айтган сўзини подшо билибди,  
Қирқ канизни подшо айриб олибди,  
Қирқта қизни маофага солибди,  
Интизорни Гўрўғлига топшириб,  
«Канизлари бориб юрсин қўшилиб,  
Борсин, булар сизларга ҳамроҳ бўлиб»,  
Неча саркорларни йўлдош қилиб,  
Ҳаммасига от абзаллаб миндириб,  
Бир-бири билан хўшлашиб жўнади.  
Подшо тушиб пойтахтдан бу замон;  
«—Келиб-кетинг, яқин турар Исфиҳон.  
Боламни топширдим, Гўрўғли султон!»  
Шундай қилиб бекларни йўлга солди,  
Интизор канизин у бирга олди.  
Саркарда беклари йўлни бошқарди,  
Арпачўлдан ўтиб энди шу замон,  
Соқининг олдига келди беку хон,  
Адашганлар бир-бириман топишиб,  
Отланишиб йўлга равона бўлган.  
Ўз юртим деб қичаб эпди йўл юрган.  
Хон Гўрўғли тушиб беклар олдига,  
Чамбил элга бошлаб кетиб боради.  
Ҳасан Қўлбар калтагин ортиб олган,  
Бу ҳам беклар билан кетиб боради,  
Бу ҳам ёрин Қўлбарига солиб олган.  
Беклар неча кунлар йўл тортди,  
Чамбилни қоралаб яқинлаб етди.  
Чопағончи борди неча ясовул,  
Юнус, Мисқолга хабарни обкетди.  
У жувозранг Ҳасан Қўлбарни кўрди,  
Миннатдор бўп ҳам ўқини олди,  
Пойтахт остига улар етишди,  
Шу замонда бари стидан тушди,  
Аваз билан Юнус, Мисқол кўришди,  
Қирқ канизни бу замонда айриб,  
Паризодлар шундай ўрдага бориб  
Олди канизларни энди тушириб,  
Бувиш Интизорни қизлари кўриб,  
Қучоқлашиб қолди бунда кўришиб,  
Бир-бирининг шакар лабин сўришиб  
Омон-эсон ўлмаё бунда топишиб,

Бир-бирила эбранишиб-ёпишиб.  
Ота-энасини, ўсган юртини,  
Интизор сўрайди мамлакатини,  
Тенги-тўши, қавму қариндошини —  
Сўраб турар бирга келган кишини.  
Гўрўғли бек тахт устига ўтирди,  
Шу оқшомни суҳбат билан ўткизди.  
Оғир ишни юриш қилиб биткизди,  
Авазни омон-эсон еткизди.  
Эрта билан туриб карнай қўяди,  
Қатта-кичик халойиқни йиғади,  
Қанча сўқим, қанча қўйлар сўяди,  
Хон Гўрўғли тўй бошлади Чамбилда,  
Беваю бечора келиб тўяди.  
Элу халққа айтувчини юборди,  
Ҳар уруққа эшитдирди хабарни,  
Ҳар элатдан бунда одамлар келди,  
Қатта-кичик барча қолмай йиғилди.  
Элу халққа шундай қилиб ош берди.

Шу вақт тўйнинг устида Гўрўғлининг қошига Ҳасан Кўлбар келиб бу сўзни айтиб турибди:


— Хон Гўрўғли, мен ҳам Исфиҳон бордим,  
Неча кунлар мен ҳам хизматда бўлдим.  
Авазнинг аммаси дилбар ёримни,  
Исфиҳондан мен ҳам топиб ол келдим.  
Сайр этиб мард йигит дунёни кўргин,  
Хон Гўрўғли, менинг ишимни билгин,  
Кўлбардан чиқарай, ёримни кўргин.

Ҳасан туриб мунда шундай сўз айтди,  
Кўлбардан чиқариб Абжўш кампирни,  
Шунча турган халойиққа кўрсатди,  
Кўриб улар чоқ-чоқ этиб кулади;  
— Балли, бовам, хўб ўлжали бўлади.  
Ҳасан бовам хўп бир хизмат қилди деб,  
Авазнинг аммасин топиб олди деб;  
Авазман қўшилиб тўйни қилди деб,  
Ҳасан бова яхши хизмат қилди деб,  
Абжўшни Ҳасаннинг ўзига берди,  
Неча кун Чамбилда тўй бериб ётди,  
Тўй тарқаб бир неча уйига кетди.  
Неча беклар билан у бирга бўлиб,



Авазхон шу замон ўрдага бориб,  
Қўп азоблар ўтиб кетиб орада,  
Келиб кўрди бу Чамбил шаҳрини,  
Хизмат қилган унда канизларини,  
Исфиҳондан келган Итизорини —  
Никоҳ қилиб олди дилбар ёрини.  
Чиқариб кўнглидан кўп ғуборини,  
Шуйтиб топди мурод-мақсадларини.







Ўтган замонда Хосхона мамлакатининг султони Қорахон подшо: «Худо менга пойтахтимга эгалик қиладиган, душмандан ўчимни оладиган бир ўғил берса — кеча-кундуз мақсадим шу», деб ўйлаб юрар эди. Кунлардан бир куни ўрдадан Омон деган бир каниз чиқиб: — Хотинингиз ҳомиладор бўлди, — деб суюнчи олди. Подшо бир қанча вақтларни сабр қилиб ўткарди.

Кунлардан бир куни подшонинг шикорга ҳаваси келди. Бекларни чарлатди. Сипоҳилар етиб келиб, бари қўл қовуштириб салом бериб, одоб билан ўзини кўрсатди. Қорахон подшо бекларига қараб айтди:

Кўп йиғилган ер бўлади халойиқ,  
Сидқидил бекларим, шикор қилайиқ,  
Пироқлар<sup>1</sup> белига бу кун минайиқ,  
Ғайрат қинглар, биз шикорга борайиқ.

Беклар от-анжомларини тайёрлаб, бари шикорга тайёр бўлиб турди.

Омон канизнинг айтган гапи подшонинг ёдига келди, беклардан хуфия қилиб, ҳарамга борди. Барногул ойимнинг қўлидан ушлаб:

— Мен букун шикорга кетиб бораман,  
Қайтиб келиб ўғил юзин кўраман,  
Шундай ваъда, нозим, сенга қиламан:  
Қиз туғсанг, бошингни дорга иламан,  
Ўғил туғсанг, Хосхонага қўяман.  
Қорахон подшо дер менинг отимни,  
Олгин қулоғинга айтган сўзимни,  
Ўғил туғсанг, берай Хосхона юртни —

деб подшо беклари билан овга чиқиб кета берди.

---

<sup>1</sup> Пироқлар — яхши отлар.

Тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз дақиқаси битиб, канизлар Барногулнинг ҳоли танг бўлганини билиб, момаларга хабар қилди. Энагалар ичида бир мастон бор эди. Отини Паттигул мома дегич эди. Омон-ой каниз Паттигулни Барногул оймнинг қошига элтди.

Оқ йўл берди — Барно туғди фарзандни,  
Ўғилмикан, қизмикан деб қаради,  
Қараб Барно, қизлигини билади,  
Қизлигини билиб, «дод!» деб йиғлади.  
Билди энди ҳақиқатда ўлади,  
— Бўлмай кетгур, бу бошимга етди, деб,  
Туриб ўрнидан бошини уради.  
— Нечун йиғладинг? — деб мома сўради, —  
Фарзанд кўрса, киши хурсанд бўлади!

Шунда Барногул момага айтди: — Амри подшо вожиб, ҳеч ким тарки вожиб қилолмайди. — Қиз тусанг сўяман, — деб кетган эди, қиз бўлди, ҳеч ким воситачи бўлолмайди. Қиз бўлмай кетгур, бошимга етди.

Паттигул момаси айтди: — Уч кун бўлди, Эрназар боғбоннинг хотини ўғил туғди. Менга яширинча бироз тилла бергин, қизингни ҳам бергин. Боғбон кўп камбағал, тилла билан қизингни элтиб берсак, ўғлини берар. Подшо келиб ўғлини кўргач, сени сўймас, — деди.

Барногул, канизларидан яшириб, бир лаган тиллани ва қизини ҳам моманинг қўлига берди. Мома кўшкдан чиқиб кетди, канизлар, билмай қолди. Мома боғбонниқига борди. Боғбоннинг хотини, момам келибди, деб остига кўрпачалар ташлаб, иззат-икром айлаб, момасини ёнига жойлаб, олдига дастурхон ташлаб, меҳмон қилди.

Мома таомни еб бўлиб: — Болам, мен сизлардан бир нарса тилагани келдим, — деди.

— Момажон, бизда нима бўлар эди, нима тилайсиз?

— Бор нарсани тилайман сиздан.

— Ҳа, бўлса, аямайик, берайик.

Мома Эрназар боғбонни ҳам чақириб, қўлтиғидаги Барногулнинг қизини ва лагандаги тиллани эр ва хотинга кўрсатди. Шунда мома бир сўз айтиб турган экан:

Боғбон бўлиб тергин тоза гулингни,  
Камбағалсан, хўб биламан ҳолингни,  
Савоб учун бергин энди ўғлингни,

Санга берса бу лаганда пулини,  
Эру хотин икковингдан тилайман.  
Худо берган қўлингдаги ўғлингни.  
Хафа бўлиб, қилма тағин нолангни,  
Кўзингдан тўкмагин жўйбор жалангни,  
Эй садаға, тилаб келдим болангни.  
Эрназар дер, болам, сенинг отингни,  
Хўб биламан элатингни, юртингни,  
Бир неча кун қилдим хизматларингни,  
Паттигулга бер шу фарзандингни.

Эрназар боғбон момасига бир сўз айтади:

Мома, билдим, пухта яхши кўрасиз,  
Кун ошириб бу кулбамга келасиз,  
Мома, сиздан сўрар Эрназар боғбон,  
Элтиб бу боламини кимга берасиз?

Мен учмайман лагандаги пулига,  
Босган изин бермам шоҳнинг элига.  
Боғбон ўғлин, мома, сиздан сўрайди:  
Элтиб берасиз қандай номард қўлига?

Киши қувонади ўғлон ёшига,  
Қойил эмасман, момам, қилган ишинга.  
Оғиз урма Эрназарнинг ёшига,  
Элтиб бермоқчисан қандай кишига?

Эрназар дер олов кирди танима,  
Бош фарзандим пулга берсам бўлами?  
Букун келдинг, эрта боққа йўлама!

Эрназар боғбоннинг хотини эрига бир сўз деди:

— Фарзанднинг, давлатнинг эрта-кечи бўлмас. Бу тиллани олайик, қўйли, эчкили бўлайик, мардумдан кам эдик, бизлар ҳам эл қаторига кирайик. Кишилардан кам эдик, эл қатори бўлайик. Бизларга тағи ўғил берар, келинг, шу ўғилни момамизга берайик.

Боғбоннинг хотини ўғилни моманинг қўлига бериб, қиз билан тиллани олиб қолди.

Эрназар боғбон: — Кейин пушаймон қиларсан, — деб қолди.

Эр-хотин маслаҳат қилиб, қизнинг отини Орзигул қўйди.

Орзигул саккизга кирди, мактабга берди, ўн саккиз ёшида мулла бўлди.

Бир кун Орзигул боғда гуллар орасида сочини ўриб, экилган ниҳол гулларни кўриб, якка-якка оёғини босиб, мушку анбар-ипор

сочиб, тилла ҳайкалларни<sup>1</sup> осиб, гул юзига улар муносиб, боғнинг ичида юрган вақтида Қорахон подшо салтанатли беклар билан тилла жиғаси бошида, жонкуяр беклар қошида, подшолик юзи хотири билан, соп пардали чотири билан, неча найзадаст ботири билан, жиловдор шотири билан боғнинг устидан келиб қолди.

Боғдан бир ажойиб гулнинг иси подшонинг димоғига урди. Оёғини узангига тираб, отнинг устида турди. Боғ ичида бир гул юзли дилбарни кўрди. Ишқининг туби бориб юракка урди. Ақли-хуши кетиб, подшо йиқилди. Беклар от қўйишиб хонига келди, отдан тушиб, ахволини кўрди: подшо сира билмас ҳушини, «Во ҳасрато!» деб тўқди кўзидан ёшини: — Султоним, сизга на бўлди? — деди. Ҳайдар номли ўнг қўл жиловдори сўради: — Жин урдими, ё бир фалокат чалдими, ё бир нарса ақлингизни олдими, ё девлар сизга соя солдими, ё бирор нарса сизга зиён қилдими?

Отда туриб қад-бошингиз букулди,  
На хислат бор, сиздай хоним йиқилди,  
Ҳайдар, дейди, йиқилганинг сўрайман,  
Нима савдо бордир ҳозир билмайман,  
Айтсангиз, эшитаман, англайман.  
Йиқилган маъносин сиздан сўрайман.

Подшонинг ақли-хуши ўзига келиб, ўрнидан туриб бир сўз айтиб турган экан:

Ошиқ киши қон йиғлайди зору зор,  
Боқиб кўрдим боғ ичинда бир дилбар,  
Ёр ишқига хонинг бўлди гирифтор,  
Ўн тўрт кунлик ой каби ҳусндор.  
Қорахон дер: — Энди тингланглар, беклар,  
Шунинг ишқига мен бўлдим гирифтор,  
Сидқидил беклар, қўлга қилич олинглар,  
Хонлигимни бугун маълум қилинглар,  
Қамчи тортиб ушбу боққа кириглар,  
Шу дилбарни менга олиб беринглар.

Шунда Ҳайдар жиловдор айтди: — Э султоним, шаҳарга — салтанатли пойтахтга борайик, элу қўрғоннинг омонлигини кўрайик, қайтиб бизлар совчиликка келайик. Ораликка хўб донокор<sup>2</sup> бўлайик. Бу редан талов солганингиз ярашмас. — Совчи бўлмоса, ўғил-қиз топишмас, донокор бўлмаса темир ёпишмас. Икки бегинг совчи бўлиб бормаса, тортиб олмоқ боғбонга ҳам хуш келмас,—деб

<sup>1</sup> Ҳайкал — бўйинга тақадиган безак.

<sup>2</sup> Бириктирувчи, уловчи (масалан, темирни).

подшони пойтахтга олиб кетди. Подшо давлатига бориб, сабр-тоқатсиз, ошиқлик дардида бедорлик билан тонг отдирди. Икки бегини отга миндирди. Ҳайдарбекка Қосимбекни ҳамроҳ қилиб: — Боғбоннигига совчи бўлиб боринглар! — деб жўнатди. Қосимбек, Ҳайдарбек хон қошидан чиқиб, йўл юриб, отга тозиёна<sup>1</sup> уриб, кайфини суриб, чошка вақтида Эрназар боғбоннигига кириб келди.

Эрназар боғбон уларни кўриб, ўрнидан туриб салом бериб, қўлини дастилом қилиб, алифдай қоматини ҳам қилиб, бир салому ўн саккиз таъзим билан беклар қошига келди. Бекларнинг отини бойлади, хоннинг одами деб уларни сийлади, тутилмаган кўрпаларни ташлади, қўзини сўйиб, уйига патир нон буюрди.

— Хотин, бизнигига подшоликдан меҳмон келди, патир ёп, шўрва қил! — деди. Ўзи бекларнинг қошига келиб, олисдан-яқиндан гапириб ўтирди. Беклар совчилигини билдирмай, хуфия қилиб ўтирди. Боғбон бекларни яхши меҳмон қилди.

Беклар фотиҳасини бетга тортди. Эрназар: — Подшонинг одамлари беиш юрмас, сўраганнинг айби бўлмас, — деб бекларга қараб бир сўз деди:

Сўрагани, беклар, йўқдир айби,  
Қорахондир Хосхонанинг сойиби,  
Хизматкор беклар, йўл бўлсин?  
Ярашиққа мен салламни ўрайман,  
Келган бери мен сизларга қарайман,  
Хуш келибсиз, беклар, мақсад нимадир?  
Келган беклар, йўл бўлсин деб сўрайман,  
Орган еринг Хосхонадай ер бўлсин,  
Ғазналаринг, беклар, тўла пул бўлсин,  
Боғбон аканг, беклар, сиздан сўрайди,  
Салтанатли беклар, сизга йўл бўлсин?

Шунда Ҳайдарбек Эрназар боғбонга қараб, совчилигини маълум қилиб, бир сўз деди:

Булбул яхши кўрар тоза гулингни,  
Хосхона дер пойтахтли элингни,  
Подшомиз бизларни сенга юборди,  
Хонимизга бергин Орзигулингни.

Фуқаросан, ночор билгин ҳолингни,  
Билиб-билиб айтгин, боғбон, сўзингни,  
Бермасанг, шоҳимиз ўяр кўзингни,  
Иззат билан хонга бергин қизингни.

---

<sup>1</sup> Қамчи.

Ҳеч ким эшитмайди сенинг нолангни,  
Султонимга бергин ёлғиз болангни,  
Хон азобин кўрган киши йиғлайди,  
Гуноҳингни Ҳайдар оғанг тилайди,

Бу ишларни сендай боғбон билмайди.  
Гул юзингни хоним сендан сўрайди,  
Султонимга бергин Орзигулингни.

Оғзинг тўлганича сол қалинингни,  
Бисёр қилгин қариганда молингни,  
Яхши ерга саъи қилди бек Ҳайдар,  
Подшомизга бергин Орзигулингни.

Эрназар боғбон бу сўзларни эшитиб, фикрга кетиб, кўп гаплаб кўнглидан ўтиб, ғамларга ботиб, ёнбошлаб ётиб, кўз ёшини артиб, ҳеч илож тополмай хўрлиги тутиб, индамай, ухлаган, десин деб, хуррагини тортиб ётди.

Қосимбек Эрназар боғбоннинг қўлидан тортиб, манглайига туртиб, ғазаб қамчисини кўрсатиб: — Бизларга жавоб бер! — деди.

Эрназар боғбон ночор туриб, ҳар ердан тимсол келтириб: «Нима десам буларга маъқул бўлар экан?» деб ниҳоятда қўрқиб, ранги ўчиб, хаёли қочиб, бир сўз деди:

Ажал етса, паймонамиз тўлами?  
Ситам билан камбағаллар ўлами?  
Отадан қизига совчи келами?  
Билиб туриб, хонга берсам бўлами?

Подшо киши бўлар элнинг каттаси,  
Эрназарнинг куйди ичи-танаси,  
Ҳеч қизига раво бўлурми отаси?  
Подшо деган эл отаси бўлади.

Бу ишларга боғбон ғамгин бўлади,  
Отасидан қизга совчи келади.  
Бу фақиринг шу сабабдан йиғлади,  
Ўз отаси қайтиб<sup>1</sup> қизин олади?

Эрназар дер, энди ўйнаб-кулмайман,  
На бўлишин, келган беклар, билмайман,  
Хонинг ҳарна қилса, энди розиман,  
Мен қизимни султонингга бермайман.

<sup>1</sup> Қандай қилиб.



Шунда Ҳайдарбек бош кўтариб, қамчисига суяниб: — Бу сўзларингнинг ҳеч бир фойдаси йўқ, зарари бор. «Хонга бермайман» деган гапингнинг бизга анча малоли бор. Хоннинг ҳукмдорлигини биласан. Албатта, унинг амрини қиларсан, — деб боғбонга қараб бир сўз деди:

Подшо киши ҳукуматдор бўлади,  
Ҳар йўл билан, билгин, қизинг олади,  
Қиёмат кун бу бошингга солади,  
Бошинг кесиб, тилла дорга илади.

Ўзингни ўлдириб, қизинг олади,  
Донолар хоннинг амрини қилади,  
Ҳар ким тентак, хон амрига кулади,  
Бошинг кесиб, билгин, қизинг олади.

Билиб-билиб айтгин, боғбон, сўзингни,  
Бермоғинг керакдир ёлғиз қизингни,  
Шаҳаншоҳлик амал бериб ўзингга,  
Бир қўрғонга бек қилади ўзингни.

\* Менинг гапим фойдасини билсанг-чи,  
Беш кунлик дунёда ўйнаб-кулсанг-чи,  
Султонимга бериб Орзигулингни,  
Бу ўтар дунёда кайфин сурсанг-чи.

Қулоқ солгин мендай беги Ҳайдарга,  
Гўё мисли подшо қилай шаҳарга,  
Дилбар қизинг бергин шу ҳукмдорга,  
Бўлмаса қисса шу — осиласан дорга.

Эрназар боғбон:—Бир меники эмас Орзигул, шеригим ҳам бордир, бориб, шеригим билан маслаҳат қилиб, сўнгра сизларга жавоб айтаман, — деди. Боғбон белини икки еридан тугиб, юрак-бағри куйиб, босган изи кейинга кетиб, кўп гаплар кўнглидан ўтиб, хотинига қараб қовоғини уйиб, уйига кириб борди. Хотинини ўчоқ бошида кўриб, бери кел, деб чақириб олди. Хотини: —Тобингиз қочдими, мунча рангингиз ўчибди? — деб сўради. Боғбон хотинига: —Тобим қочганини энди биласан, —деб бир сўз деди:

Хосхонадан икки бегзот келганди,  
Тўғри кўзлаб, у бу ерга тушганди,  
Унга сўйиб бердик ширвоз қўзингни,  
Ўз отаси олар бўпти қизингни.

Сенга маълум, менга маълум, биламиз,  
Қайтай, туғмасайди падар, онамиз,  
Қиёмат савдони, ёрим, кўрамиз,  
Қайтиб отасига Орзим берамиз?

Орзигул ҳам ўглингни, ҳам қизингни,  
Сарғайтирар бўлди қизил юзингни,  
Берсанг, берганинг хони султонга,  
Бўлмаса, у сўйдирмоқчи бизларни.

Икковимизни бирга дорга илади,  
Шунда ҳам у Орзигулни олади,  
Шу савдони биладиган иккимиз —  
Подшонинг қизидир Орзигулимиз.  
Бу савдони қандай қабул қиламиз,  
Йўқ десак, иккимиз ҳам ўлаамиз.  
Тубсиз ерга қайтиб, ёрим, кирамиз,  
Қорахондир Орзигулнинг отаси,  
Кўра-била қайтиб нетиб берамиз?!

Ана энди иккови мотам тутиб, йиғлашиб, сен пулга алишган  
эдинг, деб Эрназар хотинини уришиб турганда, Орзигул мактаб-  
дан келди. Орзигул энди ўн саккизга кирган эди.

Заррин қалпоқ хўб ярашар бошига.  
Қиймат баҳо мунчоқлари тўшига,  
Ташқаридан кириб келса Орзигул,  
Кўзи тушди иккаласин ёшига.

Орзигул буларнинг кўз ёшларини кўриб, бироз пойгакда туриб,  
уларнинг йиғлаганининг маъносини сўраб, ота-энасига қараб бир  
сўз деди:

Икковингиз менга бўлиб меҳрибон,  
Жонимни айлайин сизларга қурбон,  
Бир гап бўлса, йиғлайсизлар минг фиғон?  
Фарзанд ўстирмоқлик — оламда даврон.

На сабабдан бўлди сизларга армон,  
Иккингизга садақадир хаста жон,  
Сабаб надир, қон йиғлайсиз, энажон?  
Тўти билан булбул сайрайди хуррам,  
Нима бўлди иккингизга, энажон?  
Орзигул дер, мен сизларга қарайман,

Хизматингга кеча-кундуз ярайман.  
Ойна олиб сунбул сочим тарайман,  
Йиғлаганинг, икки раҳбар, сўрайман.

Шунда Эрназар боғбон айтди:

Эрназар ҳам бирламчи боғбон,  
Ўтди деб, қўлимдан даврон,  
Аввалги ишлардан бўлди пушаймон,  
Мен гапирай, қулоқ солгин, Орзижон.  
Қорахондир Хосхонага соябон,  
У қўлида тахти билан ҳам даврон.  
Ўғил туғса, тахтига қўймоқчи бўлган,  
Қиз туғса энангни сўймоқчи бўлган.  
Бу ғам билап юрган ўша нотавон,  
Охир сени берди қудратли мавлон.

Сени кўриб энанг қилди пушаймон,  
Бўлмай кетгур, бошимга етди, деб,  
Энагангга қилди неча бир жавлон.  
Мома айтган: — Фарзанд кўрган севинар,  
Сен нимага қон йиғлайсан, Барножон?  
Худойим қиз берди, ҳусни хиромон,  
Кўрганда бўлибди ақлимиз ҳайрон.

Барногул айтган: — Ерим тахт эгаси,  
Юртингизда юрур карамли султон.  
Бир кун у бормоқчи бўлиб шикорга,  
Жўнар вақти келиб кирди рўзғорга.

Мен тура кеп салом бердим ўзига,  
Бир насиҳат айтди мендай дилбарга,  
Хоним айтди: — Ўғил керак шаҳарга,  
Ўғилсиз ваҳмидан юрак қуяди.

Мен дунёнинг ўтарини биламан,  
Ўғил туғсанг, сени иззат қиламан,  
Қиз туғсанг, тилла дорга иламан!  
Барногул деб, пухта билгин, момажон,  
Ерим келса, қутилмайман, ўламан.

Паттигул олиб келди сени кўтариб,  
Шунда уч кунлик ўғлимиз бор эди,  
Олиб келди Барногулнинг қизини.

Эшитсанг, Эрназар отанг тилини,  
Лаганда ташлади уйга пулини.  
Ҳам сени бизларга бериб, Орзижон,  
Олиб кетди бу отангинг ўғлини.

У фирибгар мома орага тушди,  
У пулга энаигни хаёли қочди,  
Энанг қурғур шунда нафсга адашди,  
Сени олди — ўз ўғлига алишди.

Эрназар отангни хаёли қочди,  
Пушаймони борди охири ишди,  
Шу кечган савдолар бошимга тушди,  
Қорахондан сен бўлувдинг, Орзигул.

Ҳозир Қорахондан совчи етишди,  
Пухта, сенинг Қорахон отанг бўлади,  
Билиб туриб, боғбон Эрназар отанг,  
Ўз отангга қайтиб сени беради?

Бу сўзларни эшитиб Орзигул, оҳ-вой деб йиғлади. Орзигул мактабда ўқиган, оқи-қорани таниган, устозининг хизматини қилган қиз. — Қандай қилиб мени отамга раво кўрасиз, — деб бир сўз айтди:

Жасадимда жоним бўлганди ғариб,  
Ўлганим авлодир четларга бориб,  
Ушбу савдоларга жонимни бериб,  
Кетарман юртимдан, отадан кечиб.

Пухта билгин, ота-эна, кетарман,  
Ўзга элдан бориб макон тугарман,  
Қайтиб отам билан бирга турарман.

Қулоқ солинг Орзигулнинг зорига,  
Турғилик қилмади ушбу шахрига,  
Қайтиб ота лозим қизнинг бағрига?

Ота дейман, мен сизларга ёлвариб,  
Бошимни олиб кетай мен ғариб,  
Қиз етага сира раво бўлмайди,  
Орзигул ҳайронди китобда кўриб.

— Ота, ундай бўлса, қирқ кун муҳлат сўранг, ё Қорахон подшога бир гап бўлар, ё менга бир гап бўлар. Қирқ кун муҳлат тиланг, отажон, ё у ўлар, ё мен ўларман, — деди.

Эрназар боғбон ўрнидан туриб, Орзигулнинг гапларини кўнглига жойлаб, ўзини мардона тутиб, борди совчилар қошига етиб, совчиларга қараб муҳлат сўраб бир сўз деди:

Келган беклар, қаранг менинг тарзимга,  
Подшо ошиқ бўлган бўлса қизимга,  
Қирқ кун энди муҳлат берсин ўзимга.  
Бемаслаҳат, беклар, бир иш бўлами?

Тўсатдан қизимга совчи келарми?  
Хонинг ошиқ бўлган бўлса қизимга,  
Бемаслаҳат босиб-янчиб оларми?

Қирқ кун муҳлат мен султондан сўрайин,  
Эли юртни мен уйимга йиғайин,  
Улар билан бир маслаҳат қилайин.

Қабул бўлса, келган эли юртимга,  
Мени ҳам раъйим бор сўнгра берарга.  
Эрназар дер, тақдиримдан кўрарман,  
Юрт берса, шоҳга сўнгра кўнарман.

Боғбон беклардан муҳлат сўрагандан кейин, улар маъқул сўзга жавоб топа олмади. Совчилар ҳар қанча гапирдилар, боғбон маъқул кўрмади.

Гавҳардай сўз айтди, ўрин топмади,  
Гап тополмай, маъқул деди совчилар,  
Қирқ кунгача муҳлат берсак берайик,  
Халқни йиғиб қутилганин кўрайик.

Энди бизлар Хосхонага жўнайик,  
Бири тўриқ, бири саман минайик.  
То кўргунча хуш қол энди, боғбон,  
Қирқ кунни тўлдириб бизлар келайик.

Подшо гапи икки бўлмас, буни бил,  
Биз келгунча тоза ўйлаб, фикр қил,  
Подшо агар қизинг олса, шукур қил!

Ҳайдар дейди, боғбон, сиздан фидога,  
Вафо айлаб, ўйлаб туринг ваъдага,  
Энди бизлар кетдик шаҳар орага,  
Боғбон, сизни топширамиз худога.

Боғбон уйига кириб, хотини билан Орзигул қизига бир сўз деди:

Қирқ кун яна эл-фарзандга тўймайми?  
Ваъда берган совчи қайтиб келмайми?  
Вафосиз бўлса киши ўлмайми?  
Қирқ кун тўлса на қиламиз, фарзандим?

Бу дунёнинг ўтарини билайик,  
Бир яхши маслаҳат, ёрим, қилайик,  
Бу сўз беқарорди, қандай қиламиз?  
Қирқ кун тўлса, нима жавоб берамиз?

Эрназар дер маслаҳат шу иккинга,  
Бу савдони ўйла иккинги фикринга,  
Жавоб бергин шу гапимга, Орзигул,  
Қирқ кун тўлса, биз ўлармиз, буни бил.

Шунда Орзигул хафалигини ота-энасига билдирмай, кеча ва кундузлар йиғлаб, бир кам қирқ кунни ўтказди. Боғбоннинг хотини айтди: — Эрта қирқ кун тўлар, Орзигул, сенга бир қатор шойи кийимлар тикдим, бир қаландар телпагини ҳам олдим, ўз отасига бергунча, кишилар танимасин деб, қаландар бола қилиб, шаҳардан чиқариб юборамиз, — деди. Орзигул хафа бўлиб:—Оромсиз дардга учрадим, — деб йиғлаб, боққа кирди.

Чашма бўйига, чинор тагига келиб ўтирди. Кўзидан ёшлар қатор-қатор оқиб, бир сўз деди:

Боғимда очилган гул билан гулзор,  
Уларнинг ичида бўлдим беқарор,  
От чопса данггирлар тоғнинг дараси,  
Мардларни ингратар найза яраси.

Раҳм айланг, бу ҳолда қўйманг йиғлатиб,  
Хафа фалак айланади юз алвон,  
Мен сизларга қилай жонимни қурбон,  
Тўтидай айладим беқарор жавлон.

Раҳм айлангиз, қўйманг мени бу ҳола,  
Менинг ҳолимдан бўлинг хабардор.  
Отим Орзигулдир, гул юзли дилбар,  
Бу бошима раҳбарсиздир, муқаррар.

Шу сўзларни айтиб, юрагига ғамли савдолар тушиб, шундай фикрлар билан Орзигул ухлаб қолди. Тушида бир мўйсафид киши.

пайдо бўлди. У: «Эй Орзигул, ғам ема, мен бахт ва давлат еткюрман», деди.

Сенга мазгил қилдим бир Қушқаногни,  
Тақдирингга солиб Сувондек мардни,  
Сенга ҳозир қилдим Қорақулоқ отни,  
Қушқанот бориб қил истиқоматни,  
Насиб бўлса, тўрт ойдан сўнг кўрасан,  
Оқтошнинг тўраси Сувондек мардни, —

деб, кўздан ғойиб бўлди.

Орзигул сачраб ўрнидан турди. Қараса, боғда бир Қорақулоқ от эгарланган, юганланган. Иккита яроқ: бири қилич, бири милтиқ, қанжиғага илинган. Ихлос билан Орзигул турди жойидан, бориб отнинг сағрисини силади. Етаклаб уй қошига келди.

Ота-энаси кўриб: — Э қизим, совчиларнинг олди келдими? — деб ғамгин бўлиб, отаси Эрмазар боғбон қизига қараб бир сўз деди:

Совчиларнинг олди, қизим, келдими?  
Бу отангга берган муҳлат тўлдими?  
Яхши билгил, энди отанг ўлади,  
Пешин бўлди, эрта совчи келади.

У подшо, мен фуқаро, Орзигул,  
Бошим кесиб, тилла дорга илади.  
Бир қиёмат кунга қолдим, болам, деб,  
Орзигулга боқиб боғбон йиғлади.

Орзигул отасига бир сўз деди:

Паризодига пирнинг раҳми келганди,  
Ғойибдан пирлар менга берганди.  
Мазгил қилди, Қушқанотдай қўрғонни,  
«Миниб олгин Қорақулоқ ҳайвонни.  
Йўлга тушса, ўн уч кунда борасан»,  
Мен айтмайман, ҳеч бир сўзнинг ёлғонин.

Ғойибдан бу от ҳозир бўлганди,  
Тақдирима сопти Сувон ўғлонни.  
Агар минсам ушбу келган ҳайвонни,  
Ўн уч кунда мен кўраман қўрғонни.

Душманники деманг ушбу отимни,  
Бу еткирар жуфтию йўлдошима,  
Орзигул дер, қулоқ сонг нолишима,

Елғиз бош сифмади эли хешима,  
Энди турмасман тенгу тўшима.

Шунда энаси: — Боққин менинг дийдоримга, тўй, болам. Мен сени Шоқаландар қилайин, эркак либослар кийдирай, сочингни бошга тугдирай, бизлар бу савдони кўрдик, жон болам, энди ўзгаси кўрмасин, — деб эркакча либосларни кийдириб, қундуз сочини бошига тугдириб, бир қаландар теллағини кийдириб, отини Шоқаландар қўйдириб, тунгача йиғлашиб ўтирди.

Хуфтондан кейин Орзигулни Қорақулоқ отга миндириб, юганлаб, нўхталаб, ота-энаси отнинг жиловидан ушлаб, етаклаб, қоролулсиз жойлардан ўтиб, шаҳардан ташқарига чиқдилар.

Ота-энаси: — Йўлинг бўлсин, қизим, деб тўхташдилар. Орзигул ота-энасидан йироқ тушувига кўнгли вайрон бўлиб, йиғлаб бир сўз деди:

Алишгансан мени ўғлон болангга,  
Аламим кўп эзик юракларимда.  
Қўл қовуштириб турмадим хизматингда,  
Энажон, рози бўл берган сутингга.

Орзигулнинг онаси: — Болам, қизим, кўрар кўзим, сендан бошқа фарзанд кўрмадим ўзим, ўғлимнинг ўрнига олган ёлғизим, бу жаҳонда мен суянган фарзандим, — деб йиғлади. Ота-энаси Орзигулни кузатиб қолдилар.

Орзигул ўн икки кеча-кундуз йўл тортиб, Асқар тоққа борди. Бу ернинг бир ёғи Хосхонага, у ёғи Қушқанотга тоби эди. Бу қорли тоғдан бир кеча-кундуз йўл юриб, булоқ бўйига етди. Орзигул Қинғир бовага учради ва бир сўз деди:

Шоқаландар келдим етиб,  
Бу қорли тоғдан ўтиб,  
Чошка вақти сизга етиб,  
Сўз сўзлайин от тўхтатиб:

Қушқанотни биласизми?  
Адашдим мендай гумроҳ.  
Шоқаландар, ўзим мулла,  
Қаерда Қушқанот қала,  
Шу қалани биласизми?

Қушқанотда борди дўстим,  
Кўрмоққа орзу-ҳавасим,  
Чўлдан-чўлга овораман,



Бова, Қушқанот бораман.  
Сувонхон билан жўраман,  
Қачон дийдорин кўраман,  
Ўша жойни биласизми?

Қинғир бованинг ҳаваси кетиб, кўзи ўйнаб, шумлиги тутиб:  
— Уғлим, ўнг юзингдан бўса берсанг, йўлни кўрсатиб қўяман, —  
деб бир сўз деди:

Мен кўрсатай Қушқанотнинг қаласин,  
Қушқанотга бедовингни эндиргин.  
Сен билмасанг Қушқанотнинг йўлини,  
Ё олдинга, ё орқанга миндиргин.  
Қинғир бованг кўрсатади қалани,  
Аввал кўнгил мақсадини тиндиргин.

Шунда Шоқаландар қилчини дастасидан ушлаб, бованинг сў-  
зига қаҳри келиб, ғазаб қилиб бир сўз деди:

Ўзингга қарайман кўп сўфи тарзли,  
Ингичкадан келган новча дарозли,  
Мўйсафид бўлибсан ҳам ўғил-қизли,  
Энди, бова, ташла бундайн сўзни.  
Ташламасанг ўшбу ёмон феълни,  
Ўткир қўл-ла кесайинми бўйингни?

Қинғир бова: — Шошма, болам, отингдан тушма! — деб, қўрқ-  
қанидан тоққа Шоқаландарни бошлаб кета берди. Тоғнинг тепа-  
сига чиқиб, Қўшқанотни кўрсатиб, боваси бир сўз деди:

Шу баланд кўринган Асқарнинг тули<sup>1</sup>  
Юрганда сўлқиллар хушрўйнинг бели,  
Чопмоққа қайимдир<sup>2</sup> Асқарнинг чўли.  
Хув олисдан туман ичра кўринган,  
Ана шулдир Қушқанотнинг мазгили.

Асқар дейди баланд тоғнинг отини,  
Ойча кўрдим сен йигитнинг бетини,  
Олисда чувиллаб ётган, қарагин,  
Шудир, болам, Қушқанотнинг элати.

<sup>1</sup> Тули — тоғнинг баланд чўққиси.

<sup>2</sup> Қайим — текис.

Қинғир дейди, болам, менинг ўзимни,  
Сарғайтирма қаҳрабодай тарзимни,  
Йўл кўрсатиб сендай меҳмон қўзига,  
Қўп кечиксанг, икки кунда борасан  
Кириб, болам, Қушқанотнинг ўзига.  
Адашганлар қилар доим оҳу вой,  
Қушқанотдир биёбонда яхши жой.  
Қўп овора бўлма, болам. хору зор,  
Ушбу йўлдан тўғри, болам, шунга бор.  
Кўраманми, кўрмайманми юзингни,  
То кўргунча, энди болам, яхши бор.

Орзигул бовага қараб бир сўз деди:

Кўраманми, кўрмайманми, жон бова,  
Йўл ўнгарган, жоним бова, хуш энди,  
Шоқаландар дейди менинг отимни,  
Хосхона дер ўйнаб-ўсган юртимни.  
Кўрасанми, кўрмайсанми бетимни,  
То кўргунча, Қинғир бова, рози бўл.

Орзигул бир неча кунлар паст-баландлаб от тортди. Шунда ҳам у Қушқанотнинг қорасини кўрмай, бир қирнинг тепасига чиқиб отни тўхтатди. У соғ-сўлига қаради. Бир кунжак тарафда чашмазор кўринди. Чашмазорга отини буриб, етиб келди. У чашмазорда ўн тўрт чўпон қўй суғорарди. Ун тўрт чўпон қўш-қўтон бўлиб турган чоқда Шоқаландар кириб борди. Чўпонлар ўрнидан туриб, қўлини дасти лом қилиб, ҳаммаси бирдай салом бериб, Хидирбойнинг чўпони Дони деган бир чўпон: — Бегижон, отдан тушиб, бизга меҳмон бўлинг! Сизники қаердан? — деб сўраб тургани:

Дол гардонга ярашадир хайдаринг,  
Ўткир келган, э бегижон, кўзларинг,  
Сўраганнинг айиби йўқ, тўражон,  
Қаердадир ўйнаб-ўсган жойларинг?

Белингга ярашар тилла камаринг,  
Бизларга номаълум ҳолу аҳволинг,  
Э бегижон, сиздан бугун сўрайман,  
Қаердадир ўйнаб-ўсган шаҳаринг?

Тўрқингиз ўхшайди сизни муллага,  
Нечук сафар қилдинг тоғлар орага,  
Бир даҳмарда чўпон сиздан садаға,  
Тўрам, бино бўлдингиз қайси қалага.

Отдан тушиб бўлинг бизларга меҳмон, \  
Отим Донн — Хидирбойнинг чўпони,  
Сиздай бўлсин ҳар кишининг меҳмони,  
Қаддингдан садага Донининг жони,  
Туш, қаддингдан, от устидан, тўражон.

Орзигул отдан тушиб, ўн-тўрт чўпонга меҳмон бўлди. Чўпонлар ўзаро шивирлашиб, бундай тўрани туширганимизга ўн тўртимиз бир қўйдан солиқ солайик, бунга муносиб зиёфатлар қилайик. Юзига ярашиқли қора қўй-қўзи, кечаликка бўлса шу ёнимда, худди кечаси бўлар кундузи, гул юзини хўп кўриб қолайик. Шунда Дони чўпон: — Солиғинг ҳам керак эмас. Мен бир катта қўчқорни сўяман, — деб сурукдан бир қўчқорни олиб келиб сўйди. Шўрвани пиширди, ўн беш киши шўрвага тўйиб, энди Дони чўпон: — Сизга йўл бўлсин? — деб Шоқаландарга қараб бир сўз деди:

Ўн тўрт киши бўлса халқи халойиқ,  
Ҳар куни бир қўчқорни сўяйик.  
Ўн тўрт кун бизга меҳмон бўнг қаландар,  
Бизлар мискин, жамолингга тўяйик,  
Хизматингда белни бойлаб турайик.  
Дони дейди, дойим юрдим пиёда,  
Сенинг умринг худо қилсин зиёда,  
Даврон сурғиш мана фони дунёда,  
Кетаман деманг бутун мабода,  
Сурукларим қолди баланд дарада,  
Бориб келгунча қараб туринг, садага.

Чўпонлар қўйларини камарларга суриб, бир-бирови билан маслаҳат қилишиб. Дони айтди: — Мен қўчқорни сўйдим, бу кеча мен меҳмон қиламан, — деди. Бошқалари ҳам талашиб кетдилар. Шоқаландар: — Э азаматлар, нима учун талашасизлар? — деди. Дони: — Сизнинг устингизда бўлаётир талашлар. Энди ихтиёр ўзингизда, меҳмоним, — деди.

Шоқаландар айтди: — Унинг учун талашманглар, ҳеч фойдаси йўқ. Менинг икки шартим бор, кимки шу шартни бажарса, ўшанинг уйида меҳмон бўламан, — деди.

— Усти-бошларингизни ечинг, чаққон бўлинглар, ярим тош йўлдан пиёда пойга қиламан, қайсинг илгари келсанг, бир қўлимда шигин-узук бор, бу тарафга отаман, қайсинг илгари бориб олиб келсанг, шу икки шартимни бажарган кишига меҳмон бўламан, — деди. Бир баланд қирни кўрсатди. — Олдин келганни қурбони бўлай. Ҳамманг бирдай кўринадан кўзима, қўй сўйди деб буни яхши кўрмайман, — деди. Бариси Шоқаландарнинг кўрсатган қирига

кетди. Қирга бориб, баландга чиқиб турди. Орзигул нон, гўшини хуржинга солиб, ўзини панага олиб, буларни алдаб, ўйнаб-кулиб, Қорақулоқ отига миниб, қоча бошлади. Самандар чўпон Орзигулнинг кетидан қувиб кетди.

— Шоқаландар вафочилик қилмади.  
Ушлаб олиб билганимни қилмасам,  
У фирибгар юрагимга доғ қўйди,  
Ҳазаб билан энди югуриб елганда,  
Ушлардим кўкдаги қарчиғайни.  
Ҳазаб билан чопганимда майдонда,  
Ҳеч билмасдим қир билан сойни.

— Ол, мен кетдим, — деб қаландар Орзигулнинг орқасидан қувиб жўнайди. Асир вақти эди, кун ботди. Қоронғилик оламни тутди. Шоқаландар дангирлатиб қочди. Баланд ҳам пастни, тоғи дарбандни, бошқа қирлардан ўтиб ғойиб бўлиб кетди. Самандар чўпон Орзигулни йўқотиб, орқасига қайтди. Орзигул кун чиқар вақтида Қушқанотдай кўрғонни, у равоти пўлатни, қуш ўтолмас баландни кўрди.

Қушқанот олдида бир аждаҳо бор эди, Орзигулни дамига тортар бўлди. Орзигул ёйини қўлига олиб, аждаҳога ўқталди:

Орзигулга кўзи тушиб аждаҳо,  
Билди шулдир шу шаҳарнинг эгаси,  
Думини ўйнатиб индамай ётди,  
Орзигул саломат аждардан ўтди.

Қушқанот тилсимли жой эди. Орзигул Қушқанотнинг дарвозасига қараса, бир хат ёзилган, бу кўрғон уч юз олтмиш йилдан бери одамсиз қолган. Ким келса, аждаҳо хароб қилган. Орзигул дарвозадан ичкари кирди. Дарвоза ўз-ўзидан бекилди.

Одам борини билмай, ҳеч кимни кўрмай, кета берди тинмай, мевазорлар оралаб бора берди. Бу боғнинг меваси қишин-ёзин пишиб турар эди. «Бу боғнинг эгаси менмикан?» деб меваларга ҳаваси келди. Орзигул боғни айланиб юрди, боғда гулларни, ўртада икки ҳовуз кўрди. Теварақда гуллар очилган, тўтилар, булбуллар сайраб турган. Орзигул отдан тушиб, беодам боғ, кўрғон ҳам бўлар экан, деб ҳайрон бўлди. Отни дарахтга бойлади. Орзигулнинг кўзига тилла минбар кўринди. У ерда булбули гўё номли бир қуш бор эди. Шу қуш Орзигулга қараб бир сўз деди:

Таралган, очилган бу тоза гуллар,  
Сайраб турган чаман узра булбуллар,

Баландда кўринган бу наққош жойлар,  
Хафа бўлманг, ойим, бари сизники.

Қишин-ёзин бирдай пишар меваси,  
Боғ Ирамдир бу булбулнинг уяси,  
Тилла ғиштдан бўлган баланд супаси,  
Ўтиринг, Орзигул, булар сизники.

Қирқ кундан сўнг келар Оқтош тўраси,  
Бу савдони билар булбули гўёси,  
Ғамгин бўлманг, сизникидир ҳаммаси.

Орзигул отини олмазорга қўйиб юборди, ўзи қирқ зиналик кўши-  
кига равона бўлди.

Қирқ зинага қадам ташлаб, «золимдан қутилдим», деб вақтини хушлаб, ўз димоғини ўзи чоғлаб, кўнглидаги гиналарини ташлаб, «эссиз жой, одамсиз экан», деб лабини тишлаб, зулфини гарданига ташлаб, булбули гўёнинг гапига чунон вақтини хушлаб, вақти хушлик билан бир уйга борди, эшигини очиб ичкари боқди, қараса, у жойда етти давлатда йўқ нарсалар, кимхоб кўрпалар атрофга ташланган, ўрталикда дастурхон ёйилган. Ун тўққиз хил таом тайёр бўлиб, ҳар бири биттадан тилла товоққа солинган.

Орзигул беодам жойда ҳам шундай нарсалар бўладими, деб ҳайрон бўлиб, ҳар ёққа қараб. эгаси бордир, деб хавотир олди. Бирор киши бостириб келиб қолса, нима қиламан, деб, ранги ўчиб, хаёли қочди. Бир соат шу жойда турди. Орзигул, хавф қилиб тургандан кўра, бояги қушдан сўрай-чи, деб булбули гўёнинг қошига бориб, бир сўз деди:

Сен экансан яхши қушлар гўёси,  
Отим Орзигулдир. Тўтигулнинг боласи,  
Эрназардир мен шўрликнинг отаси,  
Борми, йўқми бу ватаннинг эгаси?

Не сабабдан бу беэга қолганди,  
Илгари соҳиби кимлар бўлганди?  
Мен сўрайман, ақли расо жонивор,  
Одамдан кўрмадим битта нишонди.

Орзигулман, бошга рўмол ўрайман,  
Мусафирман, сендан мен гап сўрайман.

Эгаси бўлса, мен бу жойда турмайман,  
Душманники, дўстникими билмайман.

Эгаси бўлса айтгин, э жонивор,  
Отим миниб, мен бу жойдан жўнайман.

Шунда булбули гўё Орзигулга қараб айтди: «Орзигул, сен ха-фа бўлма, бу ажойиб гуллар, мевалар боғи Ирамдан келтирилган. Асли эгасини сўрасанг, Гулирухсор паридан қолган. Бу боғ ва қўрғоннинг бино бўлганига 360 йил бўлган. Энди боғни оралаб, кайфу сафо қилиб юра бер. Бу мазгил-жой сеники, кийсанг кийим-лар, есанг турли овқатлар тайёр, ҳеч нарсага бўлмассан интизор. Ўйнаб-кулиб юра бер энди», деди.

Орзигул ўздан бошқа одам йўқлигини билиб, хурсанд бўлиб, кўнгли қарор топиб, кўшкига чиқиб ўтира берди.

Эндиги сўзни Оқтош шаҳридан эшитинг. Оқтошнинг хони — Султонхон олтмиш ёшга кирганда бир ўғил кўрди. Исмини Сувонхон қўйди. Бола мактаб ёшига чиқди. Отаси: — Қатордаги норим, хазинадаги зарим, суянган боғу бўстоним, сеники бўлсин Оқтош шаҳарим, — деб ўғлини мактабга берди.

Бола мактабда ўқиб юрди. Бир кун отаси Султонхон ўғли Су-вонхонни чақириб: — Э Сувонхон ўғлим, мен қариб қолдим. Бу тахти давлатимга сени эга қиламан. Шу маслаҳатга нима дейсан? — деди. Шунда Сувонхон отасига қараб: — Э ота, мен сизнинг қу-лингиздирман, чаманда очилган гулингиздирман, бир ёлғиз ўғлин-гиздирман. Ўлгунимча сизнинг хизматингиздаман, — деди.

Отаси ўғлини Доно вазир қўлига топширди. — Уч ойда саводи ни чиқаринглар, — деб вазир, муллаларга топширди. Сувонхон энди йигирма ёшга чиқди. Бир кун хужрада ухлаб қолибди. Ярим оқ-шом ўтгандан кейин бир гул юзли дилбар унинг тушига кирибди. Сочини майдалаб ўриб, шойи-шалпарларини кийиб, қиммат баҳо рўмолини бошига желвагай ташлаб, чап биқинини ушлаб, Сувон-хоннинг вақтини хушлаб, бармоғини тишлаб, салом бериб Сувон-хон қошига келди. Сувонхоннинг ақлини олди. Шунда Сувонхон: — Сен кимсан, бемаҳал йўқладинг, нима арзинг бор? — деди. Шунда Орзигул бир сўз деди:

Мен позли кирганман сенинг тушингга,  
Мен муносиб сенинг қордай тўшингга.  
Бир ошиқи беқарорман, Сувонхон,  
Ўн олти кун йўл юрдим кенг дашингга.

Йиғлаб қолди ота-энам меҳрибон,  
Уларни кўрмоғи мен шўрга гумон.  
Иштиёқли ёрингдирман, Сувонхон,  
Орзигул дер мени тушда кўргансан.

Менинг билан ёр бўп даврон сурасан,  
Ҳали тушда мени кўриб турасан,  
Мен турайин бу жойимда, Сувонжон,  
Менинг билан энди бирга юрасан.

Орзигул ойим ўрнидан туриб, сумбул сочини атрофга ташлаб, тушми-ўнгми деб кулги бошлаб, ташқари сарига қадам ташлаб чиқди. Сувонхон сачраб ўрнидан туриб, ушламоқчи бўлди. Кўзини очиб қараса, туши экан. «Вой, тушим экан-ку», деб ҳалиги парининг ишқи юрагидан жой олди, тонг отгунча ухлаёлмай чиқди. Тонг отар чоқда далага чиқиб қараса, сўфи азон айтаётган экан. Сувонхон ўртоқларининг олдига бориб, тушини айтиб турган экан:

Тугалмас савдолар тушди бошимга,  
Қулоқ солинг, дўстлар, бу нолишима.  
Саҳар вақти ноз уйқуда ётувдим,  
Бир қаламқош келиб кирди қошимга...

Оқтош элда эрка ўсган тўраман,  
Ўлмасам оламда даврон сураман,  
Тушимда кўрганим қачон кўраман?  
Мен ақлимни ўша ёрга бераман.

Биродарлар, жўйингизлар тушимни,  
Ё Сувонхон сендан хурсанд бўларми?

Сувонхон гапига дўстлари ҳайрон бўлиб: — Бу подшонинг ўғли бўлса, отаси Оқтошнинг эгаси бўлса, бунинг тушини жўймоқлик ҳазил эмас, — деб турган эдилар, Сувонхоннинг Саримирахўр деган ўртоғи келиб қолди. — Менга ҳам бекларнинг қаторидан ўрин берсалар, бекларнинг савлатига муяссар қилсалар, ушбу кўрган тушларини таъбир қилар эдим, — деди. Сувонхон ўрнидан туриб, Сарининг қўлидан ушлаб тўрга ўтказиб, ўнг тарафидан жой берди. — Сўйла дўстим, — деб, қўлига бир олтин косада май берди. — Кўрган тушингизни менга айтинг, — деди Саримирахўр.

Шунда Сувонхон: — Тушимда бир дилбар келиб менга боқди. Бир ой бошимга келиб тўхтаб, бир чўлпон юлдуз ёқамдан кирди, этакдан тушди, билмаганга бу кўп мушкул ишдир. Шу кўрган тушимга хаёлим қочди.

Ошиқ дунё менга ваҳм солами?  
Туш васлига киши гулдек сўлами?  
Ошиқлик савдоси бошимга тушди,  
Ҳасратидан энди тўранг ўлами?

Шунда Саримирахўр Сувонхонга қараб бир сўз деди:

Мен ҳам саҳар ётиб эдим у замон,  
Пирлар бўлиб келди сизга меҳрибон,  
Билмас эдим, у чол менга ўргатди,  
Қўрганнинг тақдирин сизга битди:  
Барбод айлаб чиққан Хосхона юртди,  
Ҳозирги мазгили бўлган Қушқанот,  
Шул мазгилда ул қилар истиқомат.  
Тез тарадди қилгин дейман, тўражон!  
Қушқанотда йиғлаб ўша нотавон,  
Йигирма кун бўлди элга келгани,  
Ҳар эрта туриб сизга кўз тикди.  
Отангиздан тиланг Олмакўз отни,  
Ҳамро қилинг ўзингизга қирқин йигитни,  
Сўраб боринг энди Қушқанотни,  
Отангиздан тиланг беш кун муҳлатни.  
Бошингизда турган кўринган ул ой  
Ҳеч тугамас у бир сизга давлатдир.  
Олдинга келган, ҳақиқат, ёрингиз,  
Этагиндан тушган — ўғил фарзанди.  
Омон бўлса, беклар ўйнаб-кулади,  
Сизнинг кўрган тушингизни, тўражон,  
Сари деган мирохўрингиз жўяди.  
Тушингнинг таъбири шудир, жўражон.

Саримирохўр Сувонхоннинг тушини айтиб берди. Сувонхон мамлакатнинг тўраси, олдида қирқин жўраси., «Саримирохўрнинг тушни жўйгани ҳақдир» деб, дўстларига қараб бир сўз деди:

Белга камар, бошга салла ўрайик,  
Бу дунёга келиб ўйнаб-қулайик,  
Мирохўрнинг гапи бизга маъқулдир,  
Улуғимдан бориб муҳлат тилайик.  
Агар берса султон беш кун муҳлатни,  
От қўйишиб Қушқанотга борайик.

Аввал бормоқ керак хоннинг қошига,  
Беш кунлик шикорни хондан тилайик,  
Отам жавоб берса агар бизларга,  
Ёр йўлида ҳар на бўлса кўрайик.

Қирқ дўсти билан Сувон кўчага тушиб, қадам ташлаб, ёронларнинг қўлини ушлаб, қирқ дўсти билан пойтахт борди. Қирқ йигит Султонхонни кўриб, қўлини даста лом қилиб, ўн саккиз марта салом бериб, Сувонхон отасига қаради. Султонхон йигирма яшар ўғ-



лини кўриб, рангининг ўчганини билди. «Бу якка фарзандимнинг тоби қочдимикан, касал бўлдимикин?» деб кўнглига олди. Подшо ўғлидан аҳвол сўраб бир сўз деди:

Бошингда турганда хоннинг сояси,  
Кўзимнинг равшани, Оқтош тўраси,  
Юзларинг ой бўлса, қошларинг ёйди,  
Сабаб надир, бунча рангинг сарғайди?

Қулоқ солгин, ўғлим, энди Сувонхон,  
Аввал-охир бу дўстларинг меҳрибон,  
Қўрган, билганингни айтгин, тўражон,  
На учун ақлинг бўлди паришон?

Тожни тақиб, хос саллани ўрайман,  
Иккам тўқсон қўрғонни мен сўрайман.  
Кимлар сенинг гул сийнангга доғ қўйди,  
Султон отанг, ғам чекканинг билмайман.

Шунда Сувонхон гулдай очилиб, отасининг меҳрибонлигини билиб, ёронларига қараб кулиб, отасидан беш кун муҳлат сўраб турган экан:

Олдимда от чопиб юрса, дўстларим,  
Ғам чекишнинг на эканин билмайман.  
Беш кунлик муҳлатни сиздан сўрайман,  
Майдон сари отни чопиб жўнайман.  
Беш кунлик шикорга бормоқ истайман.

Майдоннинг ҳавосин яхши биламан,  
Беклар билан от чопишиб кўраман,  
Олти кунгача у майдонда қолмайин,  
Беш кун тўлса, олдингизга келаман.

Ўзимга беринг Олмакўз отни,  
Қирқ улфатга яна беринг қирқ отни,  
Хафалик савдоси дилимдан ўтди,  
Бир қидириб келай элатни, юртни,  
Беш кун кейин кўринг мендай фарзандни.

Мен бир якка ўғлингизман, биламан,  
Сиз орқали мамлакатда тўраман,  
Кетди деб ғамгин бўлманг, отажон,  
Омон бўлсам, беш кундан сўнг келаман.

Шунда подшо ўғлига: — Қўш кокилим, суянганда Асқардай белим, қатордаги норим, Сувонхон аждаҳорим, сеникидир ушбу шаҳарим. Сен мени қариган чоғимда унитма. Беш кун муҳлат берсам берайин, беш кундан сўнг дийдорингни кўрайин. Сен муштипар энанг қошига бориб кел! Сен келгунча, дўстларингга ўткир яроғ-аслаҳаларни тайёр қилиб берайин, буларга қирқ от бериб, сенга ҳамроҳ қилайин. Энангнинг Олмакўз деган оти бор, ўзинг билан тенг. У ҳам йигирмага кирган. Олмакўзни ҳеч ким минмаган. Энанг ичкари таблада боқиб юради. Ларзон каниз сайислигин қилгандир. Энанг Сувонжонга миндирай, деб бахмал тўрвада кишмиш емин бергандир.

Сувонхон энасининг олдига жўнади. Энаси каниз қизлар билан кўшкида ўтириб эди. Сувонхон бориб қолди; энаси: «Э. кўрар кўзим», деб бир сўз деди:

Баъзи чоқлар зор қиласан изингга,  
Оғзим қўйсам, болам, гулдай юзингга,  
Мен ғарибнинг қошига тез-тез келмайсан,  
Нима бўлди, э Сувонжон, ўзингга?  
Ҳар ҳафтада келиб тургин қошима,  
Чақалоқда кўтарганман тўшима.  
Кўп интизор қилма мени, фарзандим,  
Айланай, розиман берган сутима.

Сувонхон қўлини дасти алиф қилиб, энасини вақтини хушлаб, отасига айтган гапларини энасига ҳам айтди ва Олмакўз отини сўраб, бир сўз деди:

Эна, мен ҳам бир меҳрли қанотинг,  
Ҳафтада кўрмасанг, йўқди тоқатинг,  
Менга даркор бўлди Олмакўз отинг,  
Олмакўз отингни сендан сўрайман.

Кўп йил бўлди мен ўқидим хатимни,  
Устозга кўп қилдим мен хизматимни,  
Оқтош элдан хафа бўлдим, энажон,  
Менга бергин шу Олмакўз отингни.

Олмакўзнинг дол белига минайин,  
Чиқиб саҳроларда сайр қилайин,  
Сувон ўғлинг бедовингни минади,  
Бу ишларга хафа бўлма, энажон.

Шунда энаси: — Хўп ўғлим, асли шу отни катта қилиб сени миндирсам, деб умид қилиб юрар эдим, — деб Ларзон канизга Олмакўз отни эгарлашга буюрди.

Олмакўзга эгар босиб келинглар,  
Канизларим, хурсандчилик қилинглар.  
Сувонхоннинг сира кўнгли чўкмасин,  
Олмакўзни бориб олиб келинглар.

Олис чиққанлар кўрар дарани,  
Хурсанд қинглар, оймчалар, тўрани.  
Бир мақсади борга ўхшар фарзандим,  
Эгарлаб келинглар бедов тойчани.

Тикиб қўйган сарполарни кийдирай,  
Кўрмаган ерларни унга кўрдирай,  
Эли-юртга тўралигин билдирай,  
Душманини ушлаб дорга илдирай.

Ларзон каниз икки канизнинг қўлидан ушлаб, учов бўлиб, отни эгарлаш учун таблага бордилар. Сувонхоннинг ҳусну жамолига оймчаларнинг хаёли қочди. Хазиначидан бориб от абзалини олди. Учови Олмакўз отнинг қошига борди.

Олмакўз тош таблада, бир охирда суви, бир охирда ўти, бир охирда еми тайёр экан. «Қачон шамоллагани чиқар эканман», деб маст бўлиб ётган экан. Шунда Оққиз деган каниз отнинг бошига борди. Оққиз, қобирғалари қоқ қиз, ўрта бўйли чаққон қиз, мучаси ўн тўққиз. Оққиз юганни қўлига олиб, Олмакўзни юганлайн деб кичқириб, бир сўз деди:

Чспилар бўлдинг майдонда,  
Даркор бўлдинг Сувонга!  
Бекнинг оти, кел юганга!

Тилла эгарни солайик,  
Хоннинг оти, кел юганга,  
Чопмоқликка бўлдинг лойиқ.

Тўрт оёгинг — тўртта қозиқ,  
Сиртинг сулув. сағринг ёзиқ,  
Баданинг қизлардан нозик,  
Жонивор, келгин бу юганга.

Шунда от бурилиб келиб, оғзини очди. Икки каниз қочди. Оққизнинг белидан тишлаб отиб юборди. Бечора Оққиз думалаб, уч

қадам жойга, бориб, икки юмалаб, этаги бошига қопланиб қолди.  
Икки каниз Оққизнинг бу ҳолига кулди. Оққиз уялиб ўрнидан ту-  
риб, уёқ-буёғини тузатиб, отни қарғаб, бир сўз деди:

Ҳмонлаб ўлгир, жайнағир<sup>1</sup>,  
Қозонда гўштинг қайнағир,  
Беклар гўштингни чайнағир,  
Нима қилди Оққиз сенга?

Узим хушрўй, белим хипча,  
Азоб бердинг менга бунча?  
Гўштинг бўлсин парча-парча,  
Нима қилди Оққиз сенга?

Олмакўз ҳайвони қурсин,  
Қассоблар каллангни чолсин,  
Парча-парча гўштингни  
Беклар хомталаш қилсин.

Шуми менга қилган нозинг,  
Катта қилиб очган оғзинг?

Тишлаб дол белимдан отдинг,  
Хипча белимни оғритдинг,  
Сувон тўрам сени минсин,  
Чопганда оёғинг синсин!  
Гўштинг нимта-нимта бўлсин,  
Бегижоним хафа қилсин.

Оққизнинг белин оғритган,  
Тирик қолмасинда, ўлсин,  
Сувонжон омон бўлсин,  
У тўрамга от топилар,  
Сендай одамхўр от бўлса,  
Жаҳонда қолмайин ўлсин.

Оққиздан бу гапни эшитиб, Ларзон канизнинг аччиғи келди.  
— Оғзингдан чиққан гапни биласанми? Агар бу сўзларингни буви-  
шим эшитиб қолса, ўн жонингдан бир жонингни қўймас, — деб  
қўлидан юганни тортиб олди. Узи отга қараб бир сўз деди:

Солсам ярашсин тилла эгар,  
Минади Сувон аждаҳор,

<sup>1</sup> Яшамагур.

Бегим мени юборди,  
Кел юганга, э жонивор!

Олиб кел дедилар зинҳор,  
Одамдан яхши ақлинг бор,  
Хаста кўнглим қилма ҳазар,  
Минмоқчи Сувон аждаҳор.

Қайси элга тушса гузар,  
Шу тарафга сени чопар,  
Истаган ерини топар.  
Отим Ларзон, ўзим дилбар,  
Маҳтал бўлди шу кокилдор,  
Тез кел юганга, жонивор!

От Ларзон канизнинг сўзига кириб сувлиқни тишлади. Унг жиловидан ушлаб, эгарлай бошлади. Отни эгарлаб, юганлаб, нўхта-лаб, пухталаб, икки каниз етаклаб, бувилининг олдига олиб келди.

Ўғлига шойи-шалпар кийдириб, совут-қалқон тақдириб, тўққиз қават тўн бериб, Сувонжонни отга миқдириб, ўғлининг қаёққа кетарини билолмай, борар элини сўраб, гулдай юзига қараб, энаси бир сўз деди:

Ол-ол бўлсин, жоним болам, ол бўлсин,  
Бу дунёда сенинг кунинг мўл бўлсин.  
Кетиш чоқда, болам, сендан сўрайман,  
Оқтошнинг эгаси, болам, йўл бўлсин?

Севиб олган нозли ёринг гул бўлсин,  
Душман киши бу дунёда йўқ бўлсин,  
Ғариб энанг гул бўйингдан садаға,  
Оқтошнинг соҳиби, болам, йўл бўлсин?

Кўп олислаб мени қилма девона,  
Неча вақтда қайтасан биз томона?  
Бориш жойинг айтиб кетгин Сувонжон.  
Оқилойдир энанг сендан парвона...  
Мададим, қувватим, сенга йўл бўлсин?

Шунда Сувонжон: «Отамга билдирмадим, муштипар энамга билдириб кетай», деб энасига қараб бир сўз деди:

Отни миниб югураман-еламан,  
Мен билмайман, неча кунда келаман,  
Мен тушимда бир дилбарни кўрганман,  
Рухсат беринг, эна, шунга бораман.

Ер ишқида; эна, дили яраман,  
Қачон унинг жамолини кўраман.  
Оқтош элда маст бўп юрган тўраман,  
Улмасам дунёда уни кўраман.

Боғларда сайраган тўти-булбулди,  
Бу кўнгил иштайди сочи сумбулди,  
Хафа бўлманг, эна, шунга бораман!  
Унда бориб топиб олмоқ мушқулди.

Шунда энаси: — Бор ўғлим, соғ бориб, саломат кел, кечикмай,  
ёрингни топиб, давр сур! — деди. Сувонхон энасининг розилигини  
олиб, дўстларининг қошига борди. Султонхон Сувонхоннинг қирқ  
дўстини ҳам отга миндириб, қалқон ва совутлар кийдириб, дастгир  
қиличлар бойлатиб қўйган экан. Сувонхон дўстларининг димоғи  
чоғлигини кўриб, оёғини тилла узангига тираб, отасига қараб бир  
сўз деди:

Беш кунлик шикорга Сувонинг кетар,  
Тикилган душманга бу зарбинг етар,  
Кеча-кундуз дастурхонлар қошида,  
Умид билан, ота, қўлингни кўтар!  
Ушбу йўлда ўғлинг бўлди беқарор,  
Очиқ бўлсин, йўлда бўлмасин хатар.  
Неча ишлар менинг кўнглимдан ўтар,  
Кеча-кундуз бунда бўлдим беқарор.

Отаси айтди: — Беш кунлик ваъдада тургин, болам, қариган чоғ  
нимда бошимни букма, кўздан ёшимни тўкма, аввал-охир сен Оқ-  
тошнинг эгаси, эр-йигитнинг шундай бўлар ваъдаси, эшитиб ол.  
Оқтош элнинг тўраси:

Кетсанг мен қолмайин мунгғайиб,  
Сендирсан бу тахтимга соҳиб,  
Беш кундан олти кунга ўтган сўнг,  
Мардликнинг шаънига бўлмасин айб.

Отасидан оқ фотиҳа олиб, дўстлар бир-биринга қарашиб, кийган  
сарполари ярашиб, ўйнаб кулиб шаҳарнинг дарвозасидан чиқди-  
лар.

Дўстлар қилди бир тарафга юришди,  
От гардонга ортиб олтин-кумушди,  
Белга осиб тилла дастгир қиличди,  
Мард йигитлар ҳам ўйнашиб-кулишди.

Кун чиқиб, чошка вақти бўлганди,  
Кўп бир текис майдон чўлга етишди,  
Бари отларни чопмоқ бўлди бу дўстлар,  
Биёбонни кўриб ҳавас қилишди.

Шунда Сувонхон дўстларига қараб, отини чоптириб бароётир.

Ёв деганда ёвланади,  
Эл деганда қувонади,  
Ёр деб гул-гул ёнади,  
Майдон чўлда бирдай бўлиб,  
Қирқ азаматлар жўнади.

Отлар жўнади ариллаб,  
Тилла қалқонлар шариллаб,  
Қор бадан гулдай пириллаб,  
Чўлларда беклар жўнади,

Сувоннинг минган оти  
Майдонда кўпикка ботди,  
Майдон, чўлда қирқ азамат  
Бари бирдай қамчи чотди,  
Беклар отни жўнатди.

Арғимоқ отларни чопгани  
Даштни, чўлни сўлқиллатди,  
Олти қулочдан найзаси;  
Ағдарилиб от қўйганда,  
Найза, қалқон ширқиллатди.

От устида қирқ йигит ҳам  
Кеча-кундуз бирдай кетди,  
Уйқулар қовоққа қотиб,  
Оллидан бир тоғ пайдо бўлди,  
Қараса энди баладди.

Қир келганда қиялатди,  
Жар келганда ёналатди,  
Остида яхши бедовлар,  
Чилгилликдан терга ботди.

Жўнай берди кеча-кундуз,  
Кечалари санаб юлдуз,  
Жўнай берди дўстлариман,  
Гоҳ тўла бўп, гоҳи ёлғиз.

Беш кеча-кундуз йўл тортди,  
Бир кун оқшом бўлган чоқда  
Сувонхон отни тўхтатди.  
Дўстлариман жам бўлганча,  
Қоронғи бўлиб кун ботди.

Сувонхон дўстлари билан отдан тушиб, айил-пўштанини бўша-тиб, отларнинг қотган терини ушатиб, шу кеча ётиб, эрта билан яна йўлга равона бўлдилар. Кўзига бир баланд тепа кўринди. Шу тепанинг устига чиқиб, узоқ-яқинни кўрайин деб, дўстларига қараб Сувонхон бир сўз деди:

Ҳайданг, дўстлар, шу тепага борайик,  
Дурбин билан теваракка қарайик,  
Яқинмикан, узоқмикан Қушқанот?  
Қисқа-йироқлигин шуида билайик.

Чошка эди, қадам кўйди тепага,  
Қиём чоғи чиқди тепа устига,  
Дурбин олиб Сувон ботир қўлига,  
Боқди у узоқ дашту чўлига,  
Ҳеч яқинда эл кўринмас кўзига.

Кечқурун Сувонхоннинг кўзига бир ёввойи кийик кўринди. Беклар ушламоқчи бўлиб, ҳар қайси отига қамчи урди. Бояги кийик неча кеча ва кундуз бирдай қочиб, Асқар тоғнинг белидан ўтди.

Беклар кийикдан адашди,  
Олҳалашиб йўлга тушди,  
Отлар совиб қувуғин тортди.  
Тоғ орасин донгирлатди,  
Кеча-кундуз бирдай кетди,  
Қисқа қилсин, Ислом шоир,  
Ҳар бир жойла қўна-туша,  
Йигирма уч кун деганда,  
Аввалги қочган бош кийик  
Бошлаб кетди Сувон мардин.

Йигитлар тўда-тўда бўлиб Сувоннинг кетидан от қўйдилар, етолмадилар, У кийик қочиб бориб, тўғри Қушқанот кўрғонига етди. Қушқанот кунгирасин паналаб, кийик жўнаб кетди. Сувонхон эса, Қушқанотга шу кийикни қувиб кирди.



Пўлат дарвозасин қамаб ташлайман,  
Бу овимни энди осон ушлайман,  
Ушлаб олиб жониворни мен сўйиб.  
Қирқ йигитман ўз вақтимни хушлайман. —

деб дарвозани кўкраклаб суриб, очиб бора берди. Дўстлари Сувонхонни қидириб тополмай, адашиб қолдилар.

Сувонхон Қушқанот боққа кириб, атрофини тамоша қилиб, бир ҳовузнинг бўйига келди. Сувон қараса, ҳовузнинг бўйида бир ниқобли дилбар қиблага қараб, сувбул сочинни тараб, ўтар қушлардан сўраб, Сувонхонни кўнглига олиб, сувни ўйнаб ўтирибди. Сувонхоннинг эсидан кийик ва дўстлари чиқиб кетди. Отни буриб, тушимнинг таъбири бу ерда топилди, деб ҳовуз лабига борди.

Орзигул зарафшон кокилин ташлаб, чап қўли билан кокилин ушлаб, ўз-ўзининг вақтини хушлаб, ота-энасининг қошидагидай, неча ҳамза ўйин бошлаб турибди. Сувонхон Орзигул оймга қараб бир коса сув сўраб, бир сўз деди:

Отлар чоғиб келдим майдон, чўл билан,  
Ёмон одам куйдиради тил билан.  
Шу дунёда бир армоним бор эди,  
Ўйнасам дер эдим сендай гул билан.

Бир коса сув олиб бергин, гул юзли,  
Сувни ўйнаб туриб нозик қўл билан,  
Сирдан<sup>1</sup> карвон ўтар сол билан,  
Лабингнинг шакари бордир бол билан.

Эрларнинг номуси бордир ор билан,  
Ўйнасам дер элим сендай ёр билан.  
Бу дунёда бир армоним шу эди,  
Ишим йўқдир давлат билан, зар билан.

Менинг отим яхши билгин — Сувонхон,  
Саҳар вақти ўйнар эдим гул билан.  
Жом косангни қўлга олгин, гул юзли,  
Олиб келгин сувни ўйнар қўл билан.

Орзигул бу сўзни эшитиб, Сувонхон шумикан, мен ундан ўсган мамлакатини сўрай, деб бир сўз деди:

Боққанда одам жонин оласан,  
Қайси чўлдан эниб етиб келасан?  
Мусофир ўғлон, қайдан бўласан?

<sup>1</sup> Сирдарё.

Ярашур бошингда сенинг ҳайдаринг,  
Одамхушга ўхшар сенинг кўзларинг.  
Ким дейди элингда отанг, раҳбаринг,  
Ростин айтгин, ўзим бўлайин ёринг.

Қаердадир ўйнаб-ўсган шаҳаринг,  
Белинга бойлабсан тилла камаринг,  
Ҳеч кўнглинга йўққа ўхшар губоринг,  
Қаердадир ўйнаб-ўсган жойларинг?

Сенинг юзинг, билдим, ўхшар муллага,  
Кўзим тушиди сендай доно тўрага,  
Бино бўлдинг, жоним, қандай ўлкада,  
Елгон солма, эй қақдингдан, орага.

Хушрўйдир юзларинг, қошинг қорадир,  
Ҳасратли ишқингдан бағрим ярадир,  
Оқтош элда бир танишим бор эди,  
Сув бўйида ўйнаб турган бу жонон  
Шу сабабдан мамлакатинг сўради.

Киргандирсан, тўрам, неча ёшинга,  
Санталатли жиға тақиб бошинга,  
Мен сўрайман сендан энди, тўражон,  
Мендан бошқа ёринг борми бошингда?

Орзигулман, қаердансан, билмайман,  
Бир ерда кўргандай сени англайман.  
Шу сабабдан эл, кўрғонинг сўрайман,  
Тўғрисиани айтмасанг, тўражон.  
Тайёр сувни сенга олиб бермайман.

Сувонхон элини баён қилиб, бир сўз деди:

Саҳар вақти, нозим, бир туш кўрганман,  
Туш васлини излаб бунда келганман,  
Йигирма уч кун чолиб елганман.

Юртим Оқтош, Сувон деган бўламан,  
Ёшим сўрсанг, йигирмага кираман,  
Ўз элимда санталатли тўраман,  
Ҳақиқат отимни сенга айтайин,  
Султоннинг боласи, Сувон бўламан.

Орзигул ойим бир коса сувни қўлнга олиб, меҳмоннинг сўзига қувониб, Сувоннинг сўзига ишониб, ўрнидан туриб, рўмолини бо-

шига желвагай қилиб, бир қўли билан белини ушлаб, бол лабини тишлаб, Сувонхонга қараб қадам ташлаб, Олмақўзни жиловидан ушлаб, косани узатар вақтида шамол Орзигулнинг юзидаги ниқобини учирди. Шунда Сувонхоннинг кўзи Орзигулнинг жоду кўзини, ойдаин юзини кўриб, ҳуши кетиб, «оҳ!» деб йиқилди.

— Тушимда кўрган кишим шулдир, — деб Орзигул Сувоннинг бошини кўтариб, тиззасига қўйиб, косадаги сувни Сувоннинг оғзига тутиб, бир сўз деди:

Тар очилган гулзор боғим,  
Сувлидир сероб бўлогим,  
Хасратла кўйди юрагим,  
Ҳам кучайди ишқи доғим,  
Ичинг сувимни, тўражон.

Қўринмай баланд-паси,  
Дилбарга кетди ҳаваси,  
Менинг дардим давоси,  
Олиб ичинг бу сувимни.

Бўлмасин сизга хатар,  
Сувим бол ўрнига тотар,  
Ахир мақсад бирга етар,  
Раво кўрдим шу сувимни.

Орзигул дейди отимни,  
Хосхона дер юртимни,  
Упарсиз нурли бетимни,  
Бемалол ичинг сувимни.

Сувонхон сувни ичиб, ақли-ҳуши ўзига келиб, нозли дилбарнинг меҳрибончилигини билди. Сувонхон дарров Орзигулнинг тиззасидан бошини кўтарди. Орзигул Сувонни кўшқи томонга бошлаб кетди. Орзигул ўнг супага етиб орқасига қараса, Сувонхон ҳам келаётир. Шунда Орзигул Сувонхонга қараб бир сўз деди.

Мени бу кулбада ёлғиз биласан,  
Ҳеч ким йўқ деб сен изимдан келасан,  
Сувон бўлсанг омон-эсон қоласан,  
Ўзга бўлсанг, золим қўлда ўласан.

Орзигул кўшкининг зинасига қадам ташлаб, шоҳи-шалпарини кийиб, тилла пўлақлар товонига тегиб, кўшкига кириб кетди. Сувонхон фикр қилиб, дунёнинг бор гапи кўнглидан ўтди. «Юртим

Оқтош бўлса, у ерда мендан бошқа Сувон бўлмаса, бу қизнинг айтгани мендирман», деб кўшкига қараб чиқиб борди. Сувон кўшкнинг эшигидан қараса, Орзигул бир бурчакда ўтирибди. Сувон ҳам бориб бир ёстиққа ёнбошлади. Бир оздан кейин Орзигул ўрнидан туриб, қиймат баҳо дастурхонларини ёзди. Тўққиз хил овқатни Сувоннинг олдига қўйди. Сувонхон овқатга қарамай, икки кўзини Орзигулдан олмади. Орзигул Сувонхоннинг чин ошиқ эканини билиб, устози берган сизини қўлига олиб, ҳар куйга солиб, бир сўз деди:

Ошиқлигин билиб сизин олганди,  
Ҳар нагмага букун куйин солганди,  
Бўйингдан айланай сен навжувонди,  
Энди билдим, сенинг отинг Сувонди.  
Ҳозир мен сен билан ўйнаб-кулмайман,  
Оқтош элга бориб келгин, тўражон,  
Рухсат этса, ота-энанг меҳрибон,  
Жавоб берса, келгин, қабул қиламан.

Шунда Сувонхон Орзигулга қараб: — Мени элимга қурқ жўнатма! — деб бир сўз деди:

Алиф қоматинг, хипча белингдан,  
Балли, сенинг саз қайирган қўлингдан,  
Жоним бахра топди сучук тилингдан,  
Нозим, қуруқ юбормагин элингдан.

Оқтош элга бориб келсам келайин,  
Сенинг билан сўнгра бирга бўлайин,  
Икки бўса бергин гўлдай юзингдан,  
Отим мишиб сўнгра йўлга кирайин.

Орзигул қабул қилмади. Сўнгра Сувонхон саҳар туриб отини эгарлаб, юганлаб, соғут-қалқонларини кийиниб, отининг устига миниб, Орзигулга қараб бир сўз деди:

Дўстларим қолди дарада,  
Чўлларда, майдон орада,  
Хафа бўлмасин мабода,  
Жавоб бер, шуларга борай.

Бормасам хаёли қочар,  
Ҳайбатини кўрган ёвлар  
Ўз юртига қараб қочар,  
Дўстларимни топиб олай.

Хар бириси шердай бўлиб,  
Мени кўрса, қўлин очар,  
Танҳо деманг Сувонбекни,  
Майдоида дўстлари кутар.

Орзигул ойим Сувоннинг жўнарини кўриб, душман келиб қолса, қайтарман<sup>1</sup>, орқамда юрган душманларимни тўрамга билдирайин, деб Сувонга қараб бир сўз деди:

Бир гул эдим тушдим ёрнинг қўлига,  
Омон-эсон бориб келгин элингга,  
Жоним тасаддукдир сенинг ўзингга,  
То келгунча кўз тикаман йўлингга.

Мабодо, кетимдан келмасин душман,  
Келиб қолса ёвим менинг — Қорахон,  
Келса олиб кетар мени, бегумон,  
Кўп кечикмай тезроқ келинг, тўражон.

Ошиқ гул бўлмасин йўлингга ҳайрон,  
Дол бўйингга садақадир хаста жон,  
Орзигул сизга қараб жўш урди,  
То кўргунча саломат бўнг, тўражон.

Сувон ботир жўнаб кетди. Сувонхоннинг қирқ дўсти чодир-чаман тикиб, тоғнинг устида ўтирган эди. Қушқанотнинг дарвозасига навбатма-навбат қарашар эди: — Бу девнинг мазгилими экан? Агар девнинг жойи бўлса, биз Сувонхондан айрилибмиз-да; — деб хафа бўлиб ўтиришган эди. Шунда Сувонхон етиб келиб қолди. Дўстлари Сувон билан сўрашиб, омон-эсон кўришиб: — Отангдан бем кунга муҳлат олган эдик, энди ваъдадан қирқ кун ўтиб кетди, — дедилар. Сувонжон дўстларига қараб бир сўз деди:

Дўстларим, ҳаммамиз бирдай сарамиз,  
Султонимдан можарога қолганмиз,  
Беш кунлик муҳлатда келмадинг деса,  
У султонга нима жавоб берамиз?

Энди тўғри Оқтош элга юрамиз,  
Ҳайданг, беклар, тезроқ Оқтош борамиз, —

деб, Сувонхон дўстлари билан йўлга тушди. Ун саккиз кеча-кундуз йўл тортдилар.

\* <sup>1</sup> Қайтарман — қандай қиларман?

Энди сўзни Оқтош хони Султонхондан эшитинг. Угли Сувонхон марддан дарак бўлмагач, бутун мамлакатларга хабар қилди. — Энди ўғлим оламдан ўтган экан-да, — деб мотам тутиб, шаҳардан ташқарига ўз одамлари билан чиқиб, чодир тикиб ўтира берди.

Султонхон ўз фуқаросига бир эшакдан ўтин буюрди: Шулар қаторида Сувоннинг дўсти Саримирахўрга ҳам бир эшак ўтин тушди. Подшонинг амрини бажармасак бўлмас экан, деб Саримирахўр-биёбонга ўтин термоққа кетди. Биёбонда ўтин териб юриб, атрофга қараса, даштнинг бир томонида бир тўда одам кўринди. Улар яқинлаша берди. Уларнинг ичида дўсти Сувон мардни кўрди. Отига миниб, Сувоннинг олдига чопди. Сувонхоннинг олдига бориб отидан тушиб: — Оламда бормисиз, тўражон? Сиз кетганингиздан буён Оқтош мотам ичида, — деди. Сувонхон отидан тушиб, дўсти Саримирахўр билан кучоқлашиб кўришди. Дўстлари билан ҳам кўришиб бўлди. Шунда Сувонхон дўсти Саримирахўрга бир сўз деди:

Оқтош элдир менинг буюк давлатим,  
Отланиб зиёда бўлди меҳнатим,  
Отамдан кўп бўлди юзда уятим,  
Юрт эгаси менинг отам омонми?

Йўлида тасаддуқ тандаги жоним,  
Оқ сут берган менинг у меҳрибоним,  
Кетар чоқда кўрган эдим мен уни,  
Меҳрибоним — онажоним омонми?

Қирқ ёроним, менинг дўстим, улфатим,  
Оқтош элдир менинг ўсган маконим,  
Омон-эсон келиб етдим, улфатим,  
Биродарлар, қариндошлар омонми?

Шунда Саримирахўр: — Ҳаммаси эсон-омон, бироқ сиз узоқ вақт дараксиз кетганингиз учун ота-энангиз, қариндош-уруғларингиз, дўстларингиз мотамда. Тушингизда кўрганингиз тўғри чиқиб, ўнгингизда топган бўлсангиз, менга бирорта суюнчи беринг. Сизнинг хабарингизни отангизга етказай, султонимдан кўп суюнчи олайин, — деди. Шунда Сувон мард: — Шу ишларга сабабчи бўлган дўстим Саримирахўрга икки юз чорак танга беринглар, — деб одамларига буюрди. Саримирахўр «қирқ ҳовуч икки юз чорак келар», деб хуржинининг кўзини ғазначига тутди. Ғазначи сандиқни очди. Саримирахўр йигирма ҳовучдан қирқ ҳовуч тангани хуржинининг икки кўзига солди. Отига миниб: — Сиз секинроқ боринг, отангиздан ҳам бориб бирор инъом олай, — деб жўнаб кетди. Са-

римирахўр чопганича, шошиб, ҳовлиқиб, подшонинг чодирига билмай бостириб кирди. Чодирнинг таноби узилиб, от ўралишиб, ўзи отдан йиқилди. Подшонинг аччиғи келиб: Ҳали мени оёқости қилдиларингми?!— Жаллод!— деди. — Жаллодлар тайёр бўлди. Подшо Саримирахўрни ўлимга буюриб бир сўз деди:

Мирохўрни тутинглар, жаллодлар,  
Сўйиб, осинглар тилла доримга,  
Ўғлимнинг йўқлигин бу ҳам билгандир,  
От миниб устимга чопиб келгандир,  
Шу сабабдан олдим буни қаҳримга,  
Ол, золимлар, қўлин босиб бойланглар,  
Сўйиб, осингизлар буни доримга.

— Элу юртга намуна бўлсин. Бундай беадаб менинг шаҳримда топилмас, — деди.

Жаллодлар Саримирахўрнинг оёқ-қўлини бойлаб, ҳайдаб олиб, кетдилар. Бечора Саримирахўр подшонинг сиёсатидан қўрқиб, Сувонхонни кўрдим ҳам дея олмади, кўрмадим ҳам дея олмади, тили тутулиб қолди, қизариб-бўзариб, жаллодларнинг олдига тушиб кета берди. Бир оздан сўнг Саримирахўр ўзини растлаб олди ва жаллодларга қараб бир сўз деди:

Борган ерим дашти-майдон далами?  
Уй бошига хоним ўтин солами?  
Майдон аро кўриб келдим ёлғизиц,  
Суюнчига келиб ўлсам бўлами?

Э золимлар, қулоқ солинг зоримга,  
Даштда кўзим туцди Сувонхонимга,  
Огасига уни хабар берай деб,  
Айтмай туриб, мени буюрди ўлимга.

Кўзимдан оққани ёшу жалами,  
Суюнчига келган шуйтиб ўлами?  
Мен тўрамни кўриб келдим, золимлар,  
Сулгонимга икки оғиз арзим бор, —

деди. Бу сўзни эшитган жаллодлар Саримирахўрни подшонинг қошига олиб кетдилар. Подшо дарғазаб бўлди: — Нима учун арзимни қайтариб, буни олиб келдингизлар?! — деди. Шунда жаллодлар бошчиси: — Арзим бор деди, тақсир! Агар менинг шу арзимни айтдирмай ўлдирсаларингиз, менинг қўлим сизларнинг ёқаларингизда, — деди. Подшо Саримирахўрга қараб: — Хўш, менга нима арзинг бор? — деди.

Саримиροхўр нафасини ростлаб, подшога бир сўз деди:

Ўтин учун чиқиб эдим далага,  
Хизматкорман, тақсир, сиздайин хонга,  
Кўзим тушди, хоним, Сувон тўранга.  
Майдон аро ўтин териб юрувдим,  
Ўлган деб, мен ҳам ғамгин бўлувдим.  
Сувонхон ўғлингни тирик кўрувдим.  
Ростин айтсам: суюнчига келувдим.

Шунда подшо: — Бу ўз жонини сақлаб қолиш учун ёлғон сўз-  
лаяпти, — деб икки бегини отга миндириб, Саримиροхўр тайинла-  
ган жойга жўнатди. — Агар Сувоннинг келаётгани рост бўлса, қо-  
нидан кечдим, оғзи тўлганича айтсин, инъом берай, ёлғон бўлса,  
бошини танасидан жудо қилинглар! — деди. Иккови от чопдириб  
майдонга борди. Улар тепа устига чиқиб қарасалар, ҳақиқатан,  
саратон юлдузли, ўткир кўзли, йўлбарс билакли, шер юракли, бо-  
шида яллуғи ярақлаб Сувонхон кўринди. Беклар Сувонхонни та-  
ниб, орқага — шаҳарга келдилар ва подшога қараб бир сўз айтиб  
тургани:

Мирохўрнинг айтганлари рост экан,  
Душман эмас, бу Мирохўр дўст экан,  
Сувонжоннинг келганлиги рост экан,  
Озод қилинг Мирохўрни, султоним!

Бу Мирохўр обод қилмоқчи элингни,  
Хурсанд қилмоқчи мулки дилингни,  
Кўргани чин экан кетган ўғлингни,  
Қўлин ешиб, озод қилгин, султоним!  
Мирохўрнинг деганини бер энди,  
Омон-эсон келди бекларинг энди.

Шунда Султонхон Саримиροхўрга қараб: — Тила, тилагингни  
бераман, — деди. Мирохўр кўзини очиб, ўлимдан озод бўлганини  
билиб, терини артиб, мийиғида кулиб, подшога қаради. Қараса,  
отдан йиқилган жойида хуржини бўш ётибди. — Бизнинг хуржини-  
даги тангаларни ким олди? — деб, подшога қараб бир сўз деди:

Келганларга шуйтиб талов солами,  
Ўлимга буюриб, молин олами,  
Ўз пулини олиб, ўзига берами?  
Кўзим тушди майдон ичра тўрама,  
Киши ўлмай, сизга борин берами,



Аввал беринг хуржиндаги пулимни,  
Бойлатдингиз менинг икки қўлимни.  
Пириб қилиб сиз олгансиз пулимни,  
Аввал беринг хуржиндаги пулимни.

— Ё пулимни беринг, ёки қозига юринг, — деди. Подшо:

— Э Саримирахўр, сен бу тухматингни менга қилма, ҳозир ўлимдан қутилиб, подшолик билан ҳазил қилма, мен берган инъомимни олиб кета бер. Ўтин учун борган кишида пул нима қилсин! Мен газначига амр қилай, бориб кўтарганингча нуқра, тилладан олиб келгин. Аввал пулинг йўқ эди. Бўлса ҳам баҳридан ўтгин, — деди. Донохон вазир Саримирахўрга: — Аввал ўз пулингча ол, сўнгра подшонинг инъомини ол, Сувоннинг хабарини етқиздинг, бўлганингча бўлдинг, бор, ўғил-қизингга буюрсин, — деб газначи олдига юборди. Доно вазир подшога: — Бу мотамингиз севинчли кунларга айланди, энди вақти чоғлик қилмоқ керак. Халқни йиғиб уч кечаю, уч кундуз тўй қиламиз деб, — бутун эл-юртга маълум қилди. Яхши ўйин-кулги, чалғи қўйдириб, Сувонхон келганча бутун бекларни жиловхонага қатор қилиб, ҳаммаси йўлга қараб турди.

Сувонхон отларини ўйнатиб, беклари билан жиловхонага етишди. Донохон вазир Сувонхонни от устидан қучоқлаб олиб, бетидан ўпди. Бошқалар ҳам кўришиб, подшонинг қошига олиб бордилар. Подшо ўрнидан туриб: — Жони-дилим, дунёда ёлғиз ўғлим, сени тирик кўрдим, энди армоним йўқ, — деб қоматини букиб, Сувонхонга қараб бир сўз деди:

Куйган қулга кенг мамлакат тор экан,  
Адашганлар бир-бирига зор экан,  
Ҳамма жойда йўқ деб келди хабаринг,  
Шукур, сени кўрар куним бор экан.  
Ўғлидан айрилган қари хор экан,  
Ўғил қатордаги бир мас нор экан,  
Борган-келган ўлган девди ўзингни,  
Шукур, сени кўрар куним бор экан.  
Сеникидир Оқтош элнинг кўрғони,  
Танимнинг қуввати, жисмимнинг жони,  
Қайси элга бординг, Оқтош полвони?  
Интизор бўлдим сени кўргани,  
Қариликда отанг кўрди юзингни,  
Энди ўлсам, болам, йўқдир армоним,  
Топширай қўлингга элу юртимни.  
Кўрар кўзим, бир нарғисим сен эдинг,  
Бу йўлингга сарғайтирдинг бетимни,

Қўлингга топширай давлат-тахтимни,  
Сен қўлингга ол адолатимни,  
Қариганда, қартайганда бу отанг,  
Сувон мардга бердим мамлакатимни.

Шунда Доно вазир подшога қараб бир сўз деди:

Фикри бор кишининг ақли тўлади(р),  
Бу сўзинг бизларга маъқул келади (р),  
Адолатни бергин Сувон тўрама,  
Энди давлат Сувонхонга қаради,  
Хотин қизлар сумбул сочин таради,  
Сувонхонни ҳамма бирдай кўради.

Бу сўзларни эшитиб, Сувонхон: — Отам тирик чоғида тахтга чиқсам, адабсизлик бўлади, — деб бир сўз деди:

Ўлмасин, дунёда яхшилар ўлмасин,  
Яхши киши ҳеч ёмонлик кўрмасин.  
Отам тирик, мен тахтга минмайман,  
Бу иш кўп беадабчилик бўлмасин.  
Очилганда қизил ғунча сўлмасин,  
Дунёда мард киши ҳеч бир ўлмасин,  
Номард мард бўлай деб умид қилмасин,  
Отам тирик, мен тахтга минмайман,  
Бир вақт мардумга уят бўлмасин.  
Қулоқ солинг, халойиқлар, Сувонга,  
Ота пастда, ўғил чиқар баландга,  
Хуш келмас бу савдо ҳаммага,  
Ўзига буюрсин отамнинг тахти,  
Моли дунё керак эмасдир менга.

Сувонхон отасига қараб яна бир сўз деди:

Энди менга жавоб беринг, отажон,  
Кўзимга кўринсин Қушқанот қўрғон,  
Йигирма уч кун эди ёрнинг ваъдаси,  
Шу ваъдага борар Оқтош тўраси.  
Қайта бошдан сиздан савол сўрайман,  
Э улуғим, Оқтош элнинг эгаси,  
Сиз тирик, мен элимга тўраман,  
Рухсат беринг, Қушқанотга бораман.  
Келмади деб ёрим хафа бўлмасин,  
Оқ фотиҳа берсанг менга султоним.

Ёрим олиб Оқтошинга келаман.  
Менга агар чиндан жавоб бўлмаса,  
Қушқанот қўрғонин манзил қиламан.  
Ўйнаб-кулиб жавоб беринг, отажон,  
Ёрим олиб мен Оқтошга келаман.

Шунда Султонхон ўғлига қараб бир сўз деди:

Қушқанот деганинг ёлғиз қўрғонди,  
Ул ёринг кўрганди неча чўпонди,  
Сени алдаб менга у юборганди,  
Мен биламан ўша чўлда ётганди,  
Мени десанг, олма элдан қочганди,  
У келса бузади Оқтош шаҳарди.  
Бир ўзининг қирқта ўйнаши бордир,  
Ўғлим бўлсанг, шуни олма, Сувонжон.  
Ул келса, Оқтош шаҳринг вайронди,  
Менга қўйсанг, Сувонжон, ихтиёрди,  
Ўнта об берайин гул юзли ёрди,  
Ҳар шаҳарга қилай хати-хабарди,  
Орзигул деб эдинг, кўнглим қабарди.  
Аввалдан мен уни билиб юрганман,  
Олма, болам, шундай ҳийлагарди.

Шунда Сувонхоннинг аччиғи келиб, отасига:

На бўларни энди, ота, билмайман,  
Жавоб берсанг-бермасанг ҳам кетаман.

Ошиқлик сийнасига зўрлик қилиб, Сувон мард ўрнидан туриб,  
жўнамоқчи бўлиб, отасига бир сўз деди:

Мен сизга суянган ўғил боламан,  
Ёр йўлида ҳар на бўлса бўламан.  
Ўйнаб-кулиб жавоб беринг, отажон,  
Мусофир ёримга ўзим бораман.  
Қол деганда қонлар ютиб қолмайман,  
Отам берган насиҳатни олмайман,  
Оқ фотиҳа беринг менга, султоним,  
Кўп кечикмай, бундан тезда жўнайман.  
Об бермоқчи бўлдингиз ўнта ёрни,  
У ёримнинг тирноғига олмайман, —

деб, Сувонхон отини эгарлай бошлади. Совут-қалқонини олиб, ғайрат камарини белига бойлаб, отига минди. Шу вақтда Доно ва-

зир: — Эй султоним, оқ фотиҳа-беринг, Сувонхон оғир шартни ўртага ташлабди, — деди. Шунда отаси бориб ўглининг отининг жиловидан ушлаб, бир сўз деди:

Хар ерда бўлсанг ҳам сен бўлгин омон,  
Саломат келгин-да, ўйнаб, Сувонжон,  
Ғамгин бўлиб, Қушқанотда қолмагин,  
Салтанат тахтимни келгин, берайин, —

деб: — Ол доим — олдирмагин, тўл доим — тўкилмагин, номардга ялвориб сиғинмагин, ичингдаги сиригнини номардга билдирмагин. Мабодо бошингга душман ёвлаб келса, аямагин. Насиҳатим шу, Сувонхон. Ҳар ерда юрсанг, омон бўл! — деб жавоб берди. Сувонхон отига миниб, шаҳардан чиқиб бораётганидаги сўзи:

Жўнар бўлдим бундан ёлғиз,  
Кетар бўлдим кеча-кундуз,  
Сувинг шарбат, еминг новват,  
Агар бўлса, ёзгин қанот!  
Менда ҳеч йўқ энди фурсат.  
Йўллагин отамнинг оти,  
Биёбон пасти-баландни,  
Учардай қилгин ғайратни.  
Тез кўрсатгин Қушқанотни,  
Отини қамчига тутди,  
Оти тез юриб билмайди,  
Жару чуқур, баландди,  
Кеча-кундуз бирдай кетди,  
Ўн бир кеча-кундузда  
Қоралаб Қушқанот етди...

Эндиги сўзни Орзигул ойимдан эшитинг. Орзигул баланд пештоққа чиқиб, ҳар тарафга қараб, ёрини йўқлаб, бир сўз деди:

Мен найларам, кетган ёрим келмади,  
Ваъдасида ул Сувонхон турмади,  
Умидим кўп эди, меҳрим шундади,  
Ёлғизликда мени фалак хўрлади.  
Боғ ичида йиғлаб қолдим мен ночор,  
Душманга қилмагин мен шўрни дучор.  
Орзигул дер жамолидан умидвор,  
Кел қолса эди кетган аждаҳор, —

деб турган чоқда, узоқдан Сувонхон кўринди. Оти кишнаб юборди, тоғлар гумбирлаб кетди. Отнинг товушини эшитган Орзигул келаётган ёрини ҳам кўрди. Орзигул пештоқдан тушди, ёрини отдан ту-

ширай деб ҳовуз лабига келди. Совунхон Қушқанот боққа кириб келди. Орзигул отнинг қошига бориб, Совунхонни отдан тушириб, бол лабини тишлаб, зулфини оқ юзига ташлаб, Сувоннинг ўнг қўлидан ушлаб, ошиқнинг кўнглини хушлаб, кўшикига қадам ташлаб. Сувонга бир сўз деди:

Бу кўринган қатор тоғлар тумандир,  
Айрилмоқ дунёда жуда ёмондир,  
Мен сўрайин, ўйнаб-кулган тўражон,  
Элу юртинг, Оқтош шаҳринг омонми?  
Юлдузни кўзлайди минган бу отинг,  
Сен кетган сўнг мен қилганман сўрофинг,  
Салтанатли тахтинг, адолатли подшоҳинг,  
Кўрган кўзлар, танишларинг омонми?  
Чин дўстларинг, танишларинг омонми?  
Гул юзлигим, сарви санобар қомат,  
Ота-энанг сенга бердими рухсат?  
Дуогўйинг ота-энанг омонми?

Иккови кўшикига чиқиб ўтирди. Шунда Сувонхон Орзигулга қараб бир сўз деди:

Отни чопдим тинмай дала-сахрога,  
Мен сўз айтай сиздай қоши қорага,  
Етиб келдим ўзим берган ваъдага,  
Жасадимда жоним бўлсин садаға.  
Жавоб бергин Сувонхондай тўрага,  
Нима дейсан ўзинг берган ваъдага?

Шунда Орзигул айтди:— Ота-энангиз рухсат берган бўлса, мен сизники, сиз меники, — деб у иккиси ўтирди.

Ана энди бир сўзни Қорахон подшодан эшитинг: қирқ йигитни Эрназар боғбонникига юборди. Қирқ йигит Эрназар боғбонникига бориб, боғбон билан хотинининг қўлини боғлаб, бошини ўлимга чоғлаб, ҳар қадамда бошига бир қамчи ташлаб, «Орзигул қайга кетди?» деб қон йиғлатиб, Қорахоннинг қошига уларни олиб келди.

Қорахон Эрназар билан хотинидан Орзигулни сўраб бир сўз деди:

Бизнинг элда ёмон шумлик айладинг,  
Қутқармоққа маҳкам белни бойладинг,  
Мен сендан сўрайман, Эрназар боғбон,  
Гулистондай Орзижонни найладинг?  
Таёқ есанг, сўнгра зарбин кўрарсан,  
Зарб есанг, ўзинг олиб келарсан,

Бошқа элга кетганини айтмасанг,  
Тилла дорга осиласан, ўласан.

Шунда Эрназар боғбон: — Тақсир, мен билмайман, Орзигул ўзини қудуққа ёки дарёга ташладими? Икки ойдан бери кўзимдан ғойиб бўлди. Сиз Орзигул ишқида куйган бўлсангиз, мен болам дардида куйганман, — деди. Боғбоннинг хотини ҳам: — Ҳа, тўғри тақсир! — деб турди.

Шунда Қороҳон подшо ҳар бирини қирқ бир таёқдан уришга буюрди. «Бу таёқнинг зарби билан айтмаса, ўлдирганим билан Орзигулнинг қаёққа кетганини билолмасман», деб ҳар иккаласини қирқ бир таёқдан урди. Баданида кўк бўлмаган ери қолмади. Оғир аҳволда қолган Эрназар боғбон ўзича: «Орзигулни олган кишининг ўзига яраша кучи-қуввати бўлса керак, уддасидан чиқиб ёр қилиб олгандир. Энди мен подшога айтай», деб қўрқиб, йиғлаб, Орзигулнинг кетган қўрғонини баён қилиб, бир сўз деб турган экан:

Қулоқ солинг Эрназарнинг сўзига,  
Ота куйган фарзандининг доғига,  
Мен бандиман бир номарднинг қўлига,  
Орзи кетган Қушқанотнинг чўлига.  
Золим раҳм этмайди мискин ҳолига.  
Теккан эмиш, мен эшитдим, Орзигул  
Оқтош элли Султонхоннинг ўғлига.  
Доим бирдай эмиш қиш билан ёзи,  
Зўр подшо деб менга келди овози,  
Менга-ку тутинган Орзижон ўзи.  
Ҳар ердан қайтмайди ботирнинг сўзи,  
Орзини олганди Сувоннинг ўзи.  
Билдим, мени сўйиб дорга иласан,  
Фуқароман зўрлигингни қиласан,  
Фуқаронинг сўзлашгидай ҳоли йўқ,  
Қушқанотга борсанг, уни кўрасан.

Шунда Доно вазир Қороҳонга: — Эрназар боғбоннинг айтган гапи тўғри. Орзигул бир қарчиғайнинг қўлига тушган экан, унинг чангалидан сиздай йўлбарс айирмаса, бу иш боғбоннинг қўлидан келмас, — деди. Шунда Қороҳон: — Мен Қушқанотга бориб келганимча ҳар иккаласини зиндонга ташланглар, — деди.

Катта-кичик беқларига: — Ёвни қора қўрқитар деб, етти ёшдан етмиш ёшгача лашкар олинглар. Қушқонотга бориб Орзигулни кўриб, Сувонхонни олиб келиб, кунчиқар дарвозага бошини илмасам, Қороҳон отим ўчсин, — деб лашкар йиғиб, тўп-тўпхонасини

судратиб, байроғини ярқиллатиб, ҳар ўн тошда бир лашкарни тўх-  
татиб, Қинғир чол қошига етиб келдилар.

Қорахон подшо бир сўз деди:

Ошиқлик савдоси мендан ўтдими?  
Бу юришлар тақдирима битдими?  
Чўлда юрган улўғ ёшли боважон,  
Шу майдондан пўпакли нор ўтдими?  
Улўғ ёшли бова, сендан сўрайман,  
Шу майдондан пўпакли нор ўтдими?  
Узгаларга чол Эрназар сотдими,  
Унинг ажали менинг қўлимдан ўтдими?

Бир ясанган нор шу ердан ўтдими?  
Уч ой бўлди мен йитирдим норимни,  
Излаб топарманми гул узоримни?  
Қорахон дер менинг отимни,  
Хосхона дер мамлакатимни,  
Боважон, билдингми менинг зоримни,  
Қўрган бўлсанг, билган бўлсанг, боважон,  
Кетган ёғин менга айтгин норимни.

Шунда Қинғир бова Қорахонга қараб бир сўз деди:

Мен биламан қўнглингдаги борингни,  
Пўпакли ёр дейсан севган ёрингни,  
Уч ой бўлди ўтиб кетди қаландар,  
Иўқларсан, билдим, шу қаландарингни.  
Ҳусни жамолин кўрдим, қиздан зиёдди,  
Одамни нор демоқлик жуда уятди,  
Ақлингдан ўргилай, соҳиб давлатти,  
Айтган норинг Шоқаландар бўлмасин.  
Ўтган муддат уч ойдан ҳам зиёдди,  
Бориб Қушқанотдан манзилин тутди,  
Дўстим деб эди Сувондай азаматни,  
Ул қаландар эмас экан, қиз экан.  
Иўқловчиси, эй султоним, сиз экан,  
Ҳозир ёри бўпти Сувондай мардди.  
Қулоқ солинг мендай боё тилига,  
Сиз ҳам ошиқмисиз шу тоза гулга?  
Қушқанотни сиз сўроқлаб борсангиз,  
Кўзингиз тушар шундай сочи сумбулга.  
Бўш бўлсанг қўлдан кетар давлатинг,  
Агар бўлмаса сенинг ғайратинг.  
Ҳам гулистонни кўролмассан, султанам,

Ҳам қўлингдан кетар тожу элатинг.  
Билмам нечага киргандир ёшинг,  
Йўқлайсан ул ўтган қалам қошинг.  
Сувон деган эр йигитдир, полвондир,  
Ғайрат қилса, узар жасаддан бошинг.  
Удда қилсанг, унга боргин, Қорахон,  
Фойдаси йўқ ияртирган кўп кишинг.  
Сувоннинг феълини Қинғир билади,  
Йигирма ёшида қўзчоқ тўради,  
Тараф излаб Қушқанотга келади.  
Отин минса, учар қушдай олади,  
Чаққонлигини мендай бованг билади.  
Ҳар ким унга дучор бўлса, ўлади,  
Мени десанг, қайт элингга, султоним.

Шунда Қорахон Қинғирнинг сўзига қулоқ солмай, жўнади. Беш кеча-кундуздан сўнг Қушқанотга кириб борди. Қушқанотни ўраб олди. Тўпларни Қушқанотга тўғри қилди.

Сувонхон ва Орзигул бу ишлардан беҳабар эди. Орзигул тонг саҳарда туриб, юз-қўлини ювиб, каштасини қўлига олиб, Сувоннинг жамолига боқиб, ўзига хуш кўриб мийиғида кулиб, Сувонхоннинг кокилидан ушлаб, ўйғотайин деб юзидан бир бўса олди. Орзигул ўрнидан туриб, тилла эшикка юриб, ўнг ва сўлига қараса, сонсиз лашкарлар Қушқанотни ўраб олибди. Шунда у Қорахон подшонинг лашкар тортиб устига келганини билди.

Орзигул: «Ёлғиз ёримга қиёмат савдосини солди», — деб Сувонхоннинг қошига келиб, уни ўз бағрига тортиб, юзларига юзини суртиб, кўз ёшини тўкиб, ғамгин бўлиб турган эди. Сувонхон ирғиб ўрнидан туриб, ёрига қараб, кўнглини сўраб, бир сўз айтиб турган экан:

Нега бунча, ёрим, фикр қиласан,  
Туриб бориб ташқарига қарайсан?  
Не сабабдан аввал кулдинг, гул юзли?  
Қайтиб келиб, менга боқиб йиғлайсан?  
Қандай гапни ташқаридан англайсан,  
Бир ой бўлди жамолимга тўймайсан,  
Ташқарига чиқай десам, қўймайсан,  
Ёки менга ҳазил билан қарайсан?  
Не сабабдан аввал кулдинг, гул юзли?  
Ҳозир нега хафа бўлиб йиғлайсан?  
Жоним фидо бўлсин сенинг қаддингдан,  
Йиғлаганинг маъносини сўрайман.



Шунда Орзигулнинг кўнгли бузилиб, кўзидан ёшлари тизилиб, юрак бағри эзилиб, ёмон савдо бўлди, деб Сувонхонга қараб, душманларнинг келганини маълум қилиб, бир сўз деди:

Ташқарига боқиб, кўрдим лашкарни,  
У душманлар қамаганди бизларни,  
Аввалига сизни кўриб кулувдим,  
Дол бўйингдан айланайин, тўражон,  
Сиз якка бўлганиз-чун сўрайман.  
Ташқарига якка чиқманг, тўражон,  
Бу келишдан бир ёмонлик англайман.  
Мен учун уларга бўлдинг гирифтор,  
Мусофир, ёр, якка қолдинг найлайин,  
Сиз учун йиғлайман мендайин ночор.  
Бедов миниб мен уларга борайин,  
Нима учун келганини билайин,  
Душман бўлса у келганлар бизларга,  
Сиздан аввал мен жонимни берайин.  
Орзигулнинг аввал тўлсин паймони,  
Мен бўлайин яхши ёрнинг қурбони,  
Омон боргин ўз элингга, тўражон,  
Мен бораман ёвнинг жонин олгани.

Шунда Сувонхон атрофдаги душманларни кўриб: «Мен бор жойда қандай қилиб Орзигулга жавоб берай, бу марднинг иши бўлмас» деб, индамай далага чиқиб, бориб отни эгарлай бошлади. Қўшқининг олдига келиб, ғайрат камарини боғлаб, қалқон, қиличини қўлига олиб, отга миниб, оёғини узангига тираб. Орзигул ойимга қараб бир сўз деди:

Ўзим чиқиб кимлигини билайин,  
Душман бўлса, бағрини қон қилайин,  
Қайтиб келиб, сенман ўйнаб-кулайин,  
Жавоб бер, дилбарим, шунга борайин.

Мардга ярашмас уйда турмоқлик,  
Қирағай найзали олтин сачақлик,  
Жавоб бер, дилбарим, ўзим бораман,  
Ғазаб қилса қанотли қуш бўламан.  
Ғаним бўлса унга ғавғо соламан,  
Душманга қиёмат кунни соламан,  
Бирини кўзлаб, ўнинг бошин оламан,  
Жавоб бер, гул юзли, ўзим бораман.

Шунда Орзигул кўнгли бузилиб, ғамгин бўлиб, ёрига қараб, жавоб бериб, бир сўз деди:

Тилла эгар ярашади тулпарга,  
Якка бўлиб тенг келмайсиз уларга,  
Бир насиҳат айтай сизга, тўражон,  
Лочин бўлса, келолмайди бу ерга.  
Рухсат этдим, боринг энди, тўражон,  
Кўринган душманни қўйманг ҳеч омон!

Сувонхон от ўйнатиб, дарвозадан чиқиб кетди. Ёвнинг кўзи Сувонга тушди. Сувонхоннинг қадди шер ҳайбатли бўлиб Қорахонга кўринди. Шунда Қорахон: «У қандай бало экан?» деб, Толмос полвонни юборди. Толмос Сувонхоннинг қошига келди. Толмос Сувонга: — Сен ким бўласан? — деди. Сувон: — Кимни танийсан? Толмос: — Оқтошдан келган Сувонхонни танийман, — деди. Сувон: — Мен ўша Сувоннинг шогирди бўламан, — деди. Толмос: — Агар шогирди бўлсанг, қандай-қандай ҳунарларни биласан? Сувон: — Қандай ҳунарларни сенга ўргатай, отнинг устида туриб курашиб бўларми? Отдан туш, — деди. Толмос ҳам отдан тушди. Сувон: — Аввал сен ҳунарингни кўрсат, сўнгра мен Сувондан ўрганган ҳунарларимни кўрсатаман, — деди. Толмос: — Агар сен Сувоннинг шогирди бўлмаганинда, сени кўкка отар эдим, — деди. Икки полвон бир-бирининг белидан тутишди, чопкадан то пешингача олишишди.

Сувон билмай у Толмоснинг ишини,  
Маҳкам ушлаб олди унинг белини.  
Шу ерда келгандир Сувоннинг кучи,  
Толмоснинг қўлини суғириб олди.  
Баланд товуш билан Толмос қичқирди:  
— Сувоннинг шогирди мендан ҳам зўрди.  
Чопинг, лашкарлар, полвон қўлин суғирди,  
Бир ўзидан кўрдим шунча жабирди.

Шунда Сувонхон: — Мен ҳали Сувоннинг шогирдиман, сен мендан нима жабр кўрдинг! То менинг устозим кўрғондан чиққунча, султонингга бориб Сувонни таъриф қилгин, — деб Толмоснинг кулоқ-бурнини кесиб, отига тескари миндириб, ёв тарафга ҳайдаб юборди.

Оқ чодирнинг ичидан Қорахон подшо қараса, элчи полвони келаётир: бир қўли, қулок, бурни йўқ. Лашкарбошларини чақирди Ёвни сўроқлаб, тўққиз минг қарғанинг кўзидан урадиган мерганларини танлаб олди. Шу тўққиз мингини олдига солди. Сувонхон ҳам тоғнинг белига келди. Лашкарга қараб Сувон бир сўз деди:

Сизлар кўпсиз, мен бир якка,  
Кел, полвонлар, берироққа,  
Кўнглинг бўлса урушмоққа,  
Сочилмагин якка-дукка.  
Талаб қилган бўлсанг бекка,  
Даралар тўлсин ўликка.  
Менинг раъйим шундай бўлди:  
Сизлар билан сазашмоққа.  
Қиличимни қўлга олай,  
Етиб олиб калланг чалай,  
Ишим бўлса мани қулай,  
Келганингни ўзим билай.  
Мани Сувон аждаҳо дер,  
Мардни кўрган у лашкарлар,  
Номардлар дамидан тушар.  
Ҳай-ҳайлашиб бундан қочар,  
Арғумоқнинг соб белига  
Ботир минса, ҳўб ярашар.  
Душманидан ўч олганлар,  
Асло ўлмай, минг яшар,  
Кўнгли чўкмай тоғлар ошар,  
Сенинг билан қувалашар,  
Тошдай калланг ерга тушар,  
Бугун бўлди сенга хатар.  
Силтаганда испиҳоним  
Ҳеч қўймайин қириб ташар.  
Баринг агар қўлга тушсанг,  
Оқтош элга олиб қочар.  
Сувон ботир дейди мени,  
Қутулганинг кўрай, қани,  
Орзигулнинг ўзим ёри,  
Кела бергин бек Сувонга,  
Еппа-ёвлик душман бари.

Бирдан душман Сувон устига юриш қилди. Улар у ёқдан, Сувон бу ёқдан от қўйди.

Терак бутагандай қилиб,  
Ўқ отиб, қилич чопишди.  
Дўржи лашкар бир-бирига  
Ҳайқиришиб қичқиришди.  
Сувонхон отин ўйнатиб,  
Тўп-тўпига бориб етди.  
Паранги милтиқ тапира-тупир

Сувонга лашкар бўшатди.  
Сувонхоннинг минган оти  
Хўп жонивор ҳунарвандди,  
Отган ўққа қилиб радди,  
Омон-эсон асрайди.  
Устидаги валламаатти  
Кўнгли ойдин, беғуборди.  
Қочганини қувиб етди,  
Дуч бўлганни куни битди.  
Уч кеча чошка бўлди,  
Уч кун муҳлат тилаб Қорахон,  
Сувонхонга арза берди.  
Элчиларга ўлим йўқ, деб,  
Яловин кейинга ётқизиб,  
Хатини кўрсатиб келди.  
Қўрқиб-писиб қўлига берди.  
Сувон қилич солмай турди,  
Муҳлат бермаган номард бўлар,  
Тағи уч кунда кушанданг келар,  
Тарадудингни тутгин, лашкар.  
Уч кундан кейин қолмайман,  
Икки кунда мен келмайман.  
Уч кундан сўнг ўйин бошлайман.  
Келибсан Қушқанот элига,  
Келиб Сувоннинг қўлига,  
Сувон йигирмада, ёшди.  
Ғайратидан булар шошди,  
Қирмиз қонга бўятганман  
Сой ичида қора тошди.  
Бекор муҳлат тиладинглар,  
Ғайратим ҳаддидан ошли,  
Мендан таълим ол савашди!  
Отим миниб чиқсам майдон,  
Мен билмайман эрта-кечди.

Орзигул беқарор бўлиб, кўшиқдан қараб турган эди. Қирнинг тепасида Сувонхон кўринди. Омон-эсон келаётир, деб рўмолини бошига желвагай ташлаб, хурсандлигидан ёрининг олдига чопди. Отнинг ўнг жиловидан ушлаб, бир сўз деди:

Бу ердир Қушқанот жўйим,  
Ҳеч йўқдир зарра гунойим,  
Омон бориб келдингизми?  
Бегижон, анжум сипойим,

Яхши ёр боқади ёрга,  
Хўп талашиб номус-орга,  
Койил бўлдим остингдаги  
Учқур қушдай мард бедовга.  
Қайтадан саломат келдингиз  
Гули гулзор бу диёрга.  
Койил бўлдим учар қушга,  
Раҳбар бўлди сиздай ёшга.  
Саломат оп келдинг, ёрим,  
Тирноғинг тойган тошдан,  
Кўп ўйлади Орзи пари,  
Омон-эсон келди ёри.  
Қушқанотга душман келди.  
Мард қўлидан кўпи ўлди,  
Душман йиғлаб, дўстим кулди.

Иккови бир-бирин вақтин хушлаб, дол белидан Сувонхон ушлаб, Орзигул-ой зулфини тишлаб, кўшки сари борди. Орадан уч кечаю-кундуз ўтди. «Уч кун муҳлат битди», деб Сувонхон Орзигулга қараб бир сўз деди:

Бекларнинг ичида ўзим сараман,  
Оқтош элда мас бўп юрган тўраман,  
Ўлмасам жаҳонда даврон сураман,  
Жавоб бер, қаддингдан, гул юзли дилбар.  
От ёлини салтанатга ўрайин,  
Тақдирда борини бориб кўрайин,  
Обрўй берса, майдон аро кирайин,  
Душманларни олдимга солиб сурайин,  
Оқ фотиҳа бергин менга, гул юзли,  
Қилган ваъдасига етиб борайин.  
Дунёда яхшилар ҳаргиз ўлмасин,  
Яхши одам ҳеч ёмонлик кўрмасин.  
Э нозлигим, рухсат бергин сен менга,  
Ишончим зўр билагим, кучима,  
Уч кундан сўнг яна қайтиб келаман  
Мен сендайин кўзлари хуморима.

Сувонхон эгар-юганларини тайёрлаб, ғайрат камарини белига бойлаб, ўйнаб-кулиб, жанг довулини эгарнинг қошига илиб қўйди. Сувонхон Орзигул билан хайрлашиб, уруш майдонига чиқиб кетди.

Тоғнинг тепасида Доно отли бир камбағал чўпон бор эди. Сувоннинг аввалги урушини кўриб, мардлигига қойил қолган эди. Чўпон душманнинг уч жойда чуқур қазиб, пистирма қилганидан

хабардор эди. Ҳар бир чуқурда юзтадан уч юзта лашкар Сувонни пойлаб ётган эди.

Сувоннинг оти бу сирни англаб, Сувонни қирга олиб қочди. Шунда Сувон ачиғланиб, отига: «Бугун сенинг урушга райинг йўққа ўхшайди?» деб қамчининг ўримидадан ушлаб, отининг бошига бир камчи урди. Шунда чўпон Сувонга қараб бир сўз деди:

Кирмагин, тўражон, шайтон гапига,  
Отни чошиб баланд билан пастига,  
Уч юз киши бордир марднинг қасдида,  
Нодон Сувон, урма отнинг бошига.  
Сен билмаган сирни отинг билади,  
У ҳайвон кўп сенга раҳим қилади,  
Ҳамроҳини ўрган номард бўлади,  
Уч юз лашкар ушбу йўлга қаради.  
Сен билмайсан, Доно буни билганди,  
У ердан лаҳимни душман қазганди.  
Булар пойлаб шу йўлингда турганди,  
Сен билмайсан, назарқарданг билганди.  
Шу сабабдан отинг қирга сурганди.  
Аччиқланма, сақла, Сувон, ўзингни.

Бу сўзларни эшитиб, Сувон чўпоннинг олдига келди. Чўпон ўзини танитди.

Сувон ёвнинг устига юриш қилди. У қиличини қўлига олиб, душман ичига кирди. Унинг урушаётганда айтган сўзи:

Ўз-ўзинга бўл меҳрибон,  
Муҳлат тўлди — келди Сувон.  
Бошинга соларман тўпон,  
Ҳаргиз қолма мендан омон,  
Танти бўлинглар бу замон,  
Қутилсанглар бўлиб омон,  
Мен соларман бугун туман.  
Қолмайсан, қўлимдан омон,  
Бугун сизга охир замон,  
Мен билмайман эрта-кечни,  
Хабардор бўл, хон етишди,  
Қўлида дастгир қиличди,  
Ғайрат келди, юрак тошди,  
Зарбин кўргин Сувон ёшди.  
Тараф борми буюн менга,  
Бу гапимни билиб сўзлай,  
Тўпир-тупирингни излай,

От қўйинглар, душман, манга.  
Сувон дейди азаматди,  
Билмайман пасти-баландди,  
Гам чекишсин энди душман,  
Кушанданг бошингга етди,  
Ўн минг киши бунни эшитиб,  
Паранги милтиқ қўлларида,  
Тапира-тупир ўққа тутди.  
Ақилли от кўп ҳунарманд,  
Ўққа қилди неча радди.  
Ўқ қатор бўп келганда,  
Тўрғайдай бўп писиб ётди,  
Йиқилди деб, у душманлар,  
Устига ҳайдади отни.

Лаҳимда ётган уч юз мерган лашкарлари ўқидан саккизтаси Сувонга тегди. Сувон марднинг хаёли қочди. Мардга кўп яккалик ўтиб, от ёлига Сувон ётиб, қаноти синган лочиндай бўлиб, Қушқанотга қайтди.

Орзигул Қушқанотнинг дарвозасидан чиқиб, тоғ тепасида душман томонга қараб турган эди. Қараса, оти Сувонсиз келаётир. Шунда Орзигул тоғнинг устидан пастга қараб йиғлаб, отга бир сўз айтиб турибди:

— Дод, ёронлар, Қорахоннинг дастидан,  
Ҳеч ким якка бўлмасин ўз элидан,  
Дарак йўқдир Султонхоннинг ўғлидан,  
Кўзим ёшлаб, муштипарман, қарайман,  
Мен айрилдим ширин сўзли мардимдан,  
Қийин савдо тушди унинг бошига,  
Еқаси ҳўл кўздан оққан ёшига.  
От устида ётар экан Сувонхон,  
Етиб келди Орзигулнинг қошига.  
Қучоқ очиб тортиб олди тўшига,  
От устидан кўтариб оп Сувонни,  
На бўлди деб Орзи олди тизига.  
Телмуриб қарайди гулдай юзига,  
Сочин ёзиб, гул юзини ўйганди,  
Гул юзига юзин элтиб қўйганди.

Орзигул ойим Сувоннинг камарини ечиб, совутларини олиб, уч ўқни тўшидан, икки ўқни қўлидан, ҳаммаси бўлиб душманнинг саккиз ўқини баданидан олди. Жароҳат ерларини яхши боғлади. Шунда Орзигул орқасига қараса, бир қанча душман от қўйиб ке-

лаётир. Шунда Орзигул ярадор Сувонни қолдириб, унинг уруш кийим ва қуроолларини олиб, усти-бошларини кийди, ёр камарини белига бойлаб, уруш асбобларини тақди, чочини бошига тугиб, телпакни бостириб кийиб олди. Сувоннинг отини миниб, ёвга қараб жүнади. Орзигул, ўзича шу гапларни айтиб бораётган экан:

Ёмон кунда қизлар ёяр сочини,  
Қаттиқ кунда сарф қилмайми<sup>1</sup> кучини?  
Яхши ёр олмасми ёрнинг ўчини,  
Душман қарға, мен бўлайин лочини.  
Қайнатайин душманларнинг қонини,  
Мен олайин Сувон марднинг ўчини,  
Сувондан бўлайин доим хабардор,  
Ёримнинг ҳуши йўқ, мен бўлай ҳушёр.  
Душманлар қўлимда бўлсин хору зор.  
Бу майдонда эркак-аёл баробар,  
Ёринг учун ғайрат қилгин, диловар,  
Орқамдан келибди душман-жодугар,  
Оларман деб мендан бўлиб умидвор,  
Қорахонга мен бўлгунча суяр ёр,  
Отишиб, чопишиб ўлмоғим даркор, —

деб, Орзигул, қўлида қилич, ёвга аралаша берди.

Остидаги минган оти  
Душманига олиб кетди.  
Оралатиб дол беловни,  
Етганини у қийратди.  
Сувон тирик экан деб,  
Душман қилди ғайратни,  
Фаранги милтиқ тапир-тупир  
Орзигул ойимга етди.  
Орзигул ҳам қилич силтаб,  
Қанчасининг бошин кесди.  
Либоси ўғил, ўзи қизди,  
Ота-энадан ёлғизди.  
Қўринг бу чўлпон юлдузди,  
Душманининг бағрин эзди,  
Уч кеча-кундуз урушди.  
Қанча яроғ ўлжа бўлди,  
Қўлида дастгир қиличи  
Етганин бошин олди,

---

<sup>1</sup> Қилмайми — қилмайдими?



Уч кечаю-кундузда  
Орзигул душманни қирди.

Душман яна уч кун муҳлат сўради, Орзигулнинг аччиғи келиб. аввал рози бўлмади. Бироқ, ярадор ёри унинг эсидан бир минут ҳам кўтарилган эмас эди. «Мен учун азоб чеккан ёрим ҳолидан хабар олишим керак», деб душманга уч кун муҳлат берди. Душманлар орқага қайтди.

Орзигул Сувоннинг олдига бораётганида, Доно чўпон учради. Доно чўпон Орзигулга қараб бир сўз деди:

Уч кун бўлди мен ўйнаб-кулмайман,  
Шундан бери мен тўрамни кўрмайман,  
Сувонжонни букун сиздан сўрайман,  
Мард йигитнинг ҳасратида йиғлайман.

Шунда Орзигул чўпонга қараб бир сўз деди:

Югурик эдим, тирноғимдан айрилдим,  
Учар эдим, қанотимдан айрилдим,  
Бу ҳолимни сўрамагин, чўпонжон,  
Бош эгаси, раҳбаримдан айрилдим.  
Орзигул дер, дилда қолди армоним,  
Ўсиз керак эмас жасадда жоним.  
Оқтошнинг эгаси, беги, арслоним,  
Бир суйанган раҳбаримдан айрилдим.

Шунда Доно чўпон: — Менга Сувонхонни кўрсатинг, — деди. Таёғини қўлидан ташлаб, биродари учун кўзини ёшлаб, катта қадам ташлаб, Орзигул билан Қушқанотга борди. Сувонхоннинг ҳолини кўрди. Доно Сувоннинг яраларини турли гиёлардан дори қилиб, бойлаб қўйди. Ўзи Сувоннинг ҳолини сўраб, кучоқлаб, бир сўз деди:

Бу ҳолатда мен бўлибман меҳмонинг,  
Менинг жоним бўлсин сенинг қурбонинг.  
Уч кун ёвга уруш қилди бу ёринг,  
Жасадингда борми, тўражон, жонинг.  
Бу савдога мен бўлибман ҳайронинг,  
Ўз элингда сургин энди давронинг,  
Тура келгин, дол бўйингдан айланай,  
Агар жасадингда бўлса жонинг.  
Ойдаи юзинг тутди сени хуморинг.  
Тургин, тўрам, от белига минайик,

Мардлик ғайратини дилга олайик,  
Ев бошига балолар ёғдирайик,  
Бирин кўзлаб, ўнин бошин олайик.

Шунда Орзигул чўпонга: — Оқтош элини биласизми? — деди. Чўпон: — Мен Оқтошни кўрган эмасман, — деди. Орзигул: — Шу мианган отда ўн кишининг ақли бордир, — деб хат ёзди ва отнинг эгарига бойлаб: — Бор, Оқтош элига Султонхонга ушбу хатни олиб боргин, — деди. Орзигул ва чўпон иккиси отни дарвозагача етаклаб, сўнгра қўйиб юборди. От Сувонхон олдига келиб тиз чўкиб уни искаб, кўзидан ёш тўкиб турди. Чўпон отнинг кўнглидагисини билди ва Орзигулга: — Султонхон бу отга ўз ўғлини топширган, шу сабабдан бу ёлғиз ўзи Оқтошга қайтмайди, — деди. Шунда Орзигул: — Ундай бўлса, менда бир от бор, икковимиз минайик, душманларга уруш-ғовға солайик, — деди.

Чўпон «хўп» деб, таблага кириб, отни эгарлади, қилични қўлига олди. Боғбоннинг отини Доно чўпон минди, Олмакўзни Орзигул минди. Орзигул Сувон ёрига қараб бир сўз деди:

Қайғи-алам букун тушди бошима,  
Ҳеч ким раҳм айламас кўзда ёшимга.  
Ким соявон бўлар муштипар бошимга,  
Шу ҳолингиз кирган эди тушимга,  
Мен сизни ўхшатдим жиғадор қушга,  
Худди шундай бўлиб келдинг, тўражон,  
Қонингга бўялиб келдинг, қошимга, —

деб Орзигул чўпон билан биргалашиб, ёри билан ризолашиб, Сувонга тасалли бериб, иккови отга қамчи уриб, дарвозадан чиқиб жўнади. Душман буларнинг келаётганини билди.

Икки от дубирин қўшди,  
Энкайишиб қамчилашди.  
Тоғнинг данғирлагани  
Душман қулоғига етишди,  
Улар ҳам жам бўлиб,  
Шовқин солиб бақаришди.  
Яқинлашиб икки тараф,  
Жавобсиз қилди урушди,  
Орзигул қамчилаб отди,  
Қилични қинидан тортди.  
Қочган душманига етди,  
Боғ буғдойдай титради,

Тўхтамайин югурик оти,  
Кочган душманга оти етди.  
Чўпон эса кўп ерлашди,  
Бир тарафдан кесиб бошди,  
Душманнинг жазосин берди.  
Кундуз бўлди, кеч бўлди,  
Душман бир ерга зич бўлди,  
Байроғини ярқиллатди,  
Шохдор тигини бўшатди,  
Тоғни жуда гумбирлатди.  
Улардан чиққан дуд  
Қуёшнинг бетини тутди.  
Дуч келганнинг кунни битди,  
Қиличнинг дамидан ўтди.

Икки кун жуда қаттиқ уруш бўлди. Сўнгра, Сувонхоннинг ҳуши ўзига келиб, кўзини очди. Баландга чиқиб қараса, икки йўлбарс душманлар билан олишаётир. Бировининг — ёри Орзигул эканини билди. Иккинчисини танимади. Сувоннинг ғайратига-ғайрат қўшилиб, пиёда жўнай деб баландликдан қўлини кўтариб, ишорат қилди. Шунда Орзигулнинг кўзи Сувонхонга тушди ва отини қамчилаб Сувонхонга қараб жўнай берди. Орзигулнинг орқасидан бир тўда душман лашкари қувди. Чўпон қараса, Орзигул от қўйиб кетиб бораётир. «Муштипарнинг ҳоли танг бўлгандир», деб Доно чўпон ўйлади. Орзигул ёрининг қошига бориб, бир сўз деди:

Сиз бир менинг қатордаги норимми  
Қир устида турган қора кўзимми,  
Қоматингдан мандай ёринг айлансин?  
Ҳам искарга менинг тоза гулимми?  
Майдонда от чопган менинг ёримми?  
Худо қўшган менинг жуфти пойимми?  
Мен айланай сенинг нарғас кўзингдан,  
Ҳам гавҳарим, ҳам бир менинг шоҳимми? —

деб, кейнига қараса, тоғнинг остида жуда кўп лашкар пайдо бўлиб қолибди. Сувонхон отига миниб, Орзигулга: — Энди сен дамингни ол! — деди.

Ҳазаб билан миниб отнинг белнга,  
Илон тилли қиличини оп қўлига,  
Сира боқмай соғи билан сўлига,  
Ҳайдади киш-кишлаб ёвнинг зўрига.

Бу орада уруш бўлди,  
Қирдан пастга юриш бўлди,  
Ул тарафдан Доно келди —  
Ўрталикда душман қолди.  
Етганини Сувон қирди.  
Чўпон билан икковлашди,  
Душман туриб қоча борди,  
Марднинг мақсади шулди,  
Ёвнинг қочганин билди.

Ёвнинг лашкар бошлиқлари қочиб, Қорахон подшонинг чодирига бориб: — Тақсир, тез тараддуд қилинг, қочмоғимиз керак, — деб бир сўз деди:

Кўп сонсиз лашкар ўлди,  
Битта эди иккита бўлди,  
Тура келинг, етиб келди,  
Кетмоқ керак бугун, тақсир,  
Эй подшоҳим, тезроқ туринг,  
Тушмай Сувоннинг қўлига,  
Тезроқ отга мининг, тақсир,  
Аъло билинг қутулмоқни

Ана келиб қолди деб, тоққа қараб қоча беришди. Подшо ҳам чодирини ташлаб, белини маҳкам бойлаб, «Оҳ ўлдим» деб юрагини доғлаб, отига шошилич миниб, бекларига аралашиб, бу ҳам қоча бошлади.

Маст йигитлар аралашди,  
Яловлари париллашди,  
Ўн икки минги ҳар ён қочди.  
Икки ботир лочиндай бўп,  
Уларнинг изидан тушди,  
Қоронғи зулмат бўлиб,  
Қувган ёвидан адашди.

Қочганини қувиб ўлдирмоқ мардликка тўғри келмас, майдонда курашга чиққанини енгмоқ керак, деб Сувон орқасига қайтди. Чўпон билан аҳвол сўрашиб келаётган эди. Душман лашкаридан уч юз киши тоғ орасида қолган экан. Чўпон ва Сувон булар қошида чикди. — Элмисан, ёвмисан? — деб Сувон сўради.

Улар: — Эл турурмиз, — дедилар. Чўпон ва Сувон буларни Орзигулнинг олдига олиб келди. Орзигул уч юз кишининг ичидан Ҳайдар совчини таниди. Сувонга қараб бир сўз деди:

Шодман кўнглим ғамгин бўлиб куймайман,  
Муштипарман, шаҳар кезиб юрмайман.  
Совчи Ҳайдар — Қорахоннинг иноғи,  
Бошқасини танимайман, билмайман.  
Қастимизга келган Сиз билан бизни,  
Омон қўйманг бу юзлари қонсизни,  
Тирик қўйманг, қўлин боғланг, тўражон,  
Бу бизларга келган жосус-жонсизни,  
Хушёр бўлинг, Оқтош элнинг полвони,  
Дўст эмасдир Қорахоннинг шайтони.

Шунда булар: — Товба қилдик, бизлар то ўлгунча сизларнинг жизматларингизда бўлайик, — деб ёлвордилар. Шунда Сувон Ҳайдарбекни ўлдириб ташлади. Бутун ўлжа бўлган от, асбоб, уруш қуролларини Қушқанотга йиғдирди.

Шундан сўнг Сувон, чўпон, Орзигуллар ёвни енганликлари, соғ ва саломат қолганликлари учун чўли-биёбондаги камбағалларни чақиртириб, уч кечаю-уч кундуз тўй бердилар. Келган камбағалларни от ва тўнли қилдилар. Сувонхон Доно чўпонни чақириб: — Сенинг отингни Бахтиёр қўйдим, — деб бир сўз деди:

Топширдим қўлингга Қушқанотимни,  
Ёдингдан чиқарма менинг отимни,  
Тўпхона-анжомни сенга топширдим,  
Доим олиб юрдинг ўнг қанотимни,  
Осон қилдинг менинг мушкул ишимни.  
Мард йиғитга тўғри қилмас ўлимни,  
Сенга сўзим шулдир, эшит, Бахтиёр,  
Мен топширдим Қушқанотдай юртимни,  
Энди сеники Қушқанот қаласи,  
Энди ўзинг шу шаҳарнинг эғаси.

Сувон ёв-яроғини созлади, боғбоннинг отига Орзигул минди. Олмакўзга Сувонжон минди. Икки отнинг ўртасига Бахтиёр кириб, икки отнинг жиловидан ушлаб, пўлат дарвозагача етаклаб келди. Шу ерда Бахтиёр дўсти Сувонга қараб бир сўз деди:

Яккаликдан бугун кўзим ёш энди,  
Кўраманми, кўрмайманми бўйингни,  
То кўргунча, Сувон тўра, хўш энди!  
Қорахон золимнинг бағри тош экан,  
Неча қонхўр золимларга бош экан,  
Охир бир кун золим Қора енгилар,  
Ажал тўни қоматига тенг келар.

Ерга кириб, осмон чиқиб қутилмас,  
Бир кун улар тузоғингга илинар.  
Қоматингга фидо бўлсин танда жон.  
Жондан ортиқ, азиз дўстим, хўш энди!  
Қорахон золимнинг бағри тош энди,  
Жондан ортиқ, азиз дўстим, хўш энди.

Сувонхон, Орзигул Бахтиёр чўпон билан хайр-хўшлашиб, бир-бири билан хабарлашиб туришга ваъда қилишиб, — бу қўрғон, уй-жойларини сенга топширдим, дўстим, — деб, Сувон ва Орзигул Оқтошга жўнаб кетдилар. Бахтиёр уларнинг орқасидан кузатиб, анча вақтгача қараб қолди.

Орзигул ойим бир сўз айтиб, от чопишиб бораётди:

Боқмадинг соғу сўлингга,  
Мен ошиқман кокилингга,  
Мен гулман, тушдим қўлингга,  
Ҳайда, айланай, элингга.  
Димоғим чоғдир баҳрингга,  
Душман чидамас заҳрингга,  
Бир ойим сиздан садақа,  
Ҳайда, садақа, шаҳрингга.  
Қойилман қилган ишингга,  
Нозли дилбар парвонадир,  
Ҳайда, тўрам, Оқтошингга.  
Озод бўлдик ёв қўлидан,  
Ўргулсин ёрнинг тилидан,  
Ўмидвор қизи-ўғлидан,  
Қутилдим золим қўлидан,  
Ҳайда, айланай, юртингга.  
Қойилман бурро тилингга,  
Орзигул сиздан ўргулсин,  
Энди отнинг жиловини  
Бориб тўхтатгин элингга.

Ёр гапига гул-гул ёнади,  
Ишқ ўтидан девонади,  
Ол-ҳалаб бегижон жўнади,  
Сойи-қир балқиб иргирди,  
Ҳамройи Орзигулди.  
Пирим деб мардлар жўнади,  
Қир келганда қиялатиб,  
Жар келганда жаналатиб,  
Баландга ўмганлатиб,

Кечаси бўлди, тонг отди,  
- Уйқуси қобоққа қотди.  
Иккови ҳам тиндирмайди  
Остида арғимоқ отди.  
Узанги асил тилладан,  
Кечаси бўлганда  
Ойдай қилиб ярқиллатди.

Орзигул ва Сувонхон йиғирма уч кеча-кундуз йўл тортиб, Қушқанот қўрғонидан Оқтош элига келиб етдилар. Сувон ўзига: «Кечтар чоқда отам меңдан кўп хафа бўлган эди. Энди тўсатдан қириб борсам, яхши бўлмаса керак», деди. Сўнгра Орзигул билан бирга Ҳамро дарвозабонниқига борди. Дарвозабонниқида бир кеча қўнди. Эртаси бутун камбағалларни йиғиб, меҳмон қилди. Сўнгра, шу жойда бир ҳовли бино қилмоқчи бўлиб, дурадгор, усталарни йиғдирди. Икки ойда қирқ зинали бино солдирди. Шаҳардан энг яхши молларни келтириб, уйни тузади. Орзигул ва Сувон шу бинода яшай бердилар.

Эндиги сўзни Қорахон подшодан эшитинг: Орзигул ва Сувонжон билан бўлган урушдан энгилиб, зўрға қочиб қолгандан сўнг, Қорахон подшо бошқатдан лашкар тузиб, Қушқанотга ҳужум қилмоқчи бўлди. Бундан хабардор бўлган Қорахоннинг бош вазири: — Эшитишимга қараганда, Сувон ва Орзигулларнинг Қушқанотдан кетганларига бир йил бўлибди. Бекорга лашкар тортиб, овора бўласиз. Агар менинг сўзимга юрсангиз, бошқа бир макр-ҳийла йўлини тутинг! — деди. Шунда Қорахон: — Қани ҳийлангни айт-чи, эштай, маъқул бўлса қилайик, — деди. Бош вазир сўз бошлади: — Ғазнадан қирқ хачир тилла оласиз; хуржинга солиб, хачирга ортасиз, юртингизнинг отини Қайрағоч, ўз исмингизни Оллаёр қўясиз ва Оқтош элига бориб, бир амаллаб саройга кириб оласиз.

— Зангар мамлакатидан душман келиб, Қайрағоч шаҳримни қўлимдан олди. Кўп халқим урушда ўлди. Ярим оқшомда мен зўрға қирқ хачир тилла олиб қочиб қолдим. Сизлардан ёрдам сўраб, Оқтош элига келдим, дейсиз, — деди. Шунда вазирнинг гапи Қорахонга маъқул тушди. Ғазнадан тилла олиб, қирқ хачирга ортди. Ўзига ўн бир кишини ҳамроҳ қилиб, қирқ бир кун йўл тортди. Ниҳоят, қирқ биринчи кун Оқтошга етди. Хачирларни тўхтатди. Шу вақтда обгардон капгир кўтариб, бир ошпаз келиб қолди. Қорахон ошпаздан қаерга, нима учун кетаётганини сўради. Шунда ошпаз: — Сувонхон тўраимиз бир ўғил кўрган экан, шунинг тўйига кетаётирман:

Қорахондан олган экан ўчини,  
Қушқанотдан олган тили чучини,  
Бешик тўйи қилиб, энди сўярмиш  
Саксон нору, уч минг қўй-эчкини, —

деб, отига бир қамчи уриб жўнаб кетди. Оллаёр ўзича: «Орзигулнинг Оқтошга келгани рост экан. Менинг севганимни олган йигитнинг номи Сувонхон эди», деб ранги ўчиб, хаёли қочиб, Оқтошнинг подшолик салтанатидан қўрқиб, шаҳарга кириб борди. Шаҳар ичидаги бир саройга тушди. Саройбонга қараб Қорахон бир сўз деди:

Бир мусофир савдогар келди элингга,  
Савдогарлар қўнадиган жой борми?  
Қайрағочнинг менман ақли расоси,  
Қирқ хачирга ортилгандир тилласи.  
Бу шаҳарга паноҳ тилаб келдим мен,  
Хизматга олурми элнинг эгаси?

Саройбон жой кўрсатди: — Ҳар нима истасангиз бу ердан топилади, хизматга олиш-олмаслик ихтиёри султонда, қўнсангиз, бу жойнинг ихтиёри мендадир, — деди.

Қорахон қирқ хачир тиллани гул супанинг устига туширди. Саройбондан икки қоровул сўради. — Менинг келганимни ўғрилар билмасин, — деди.

Саройбон бу юзида қони йўқ савдогарни подшога маълум қилай, мободо қопларида тилла бўлмай, тухматчи бўлиб чиқмасин, деб икки ўғлини султонга юборди. Болалар чопиб келиб, подшога рўпара бўлдилар. Подшо: — Нима арзинг бор? — деб болалардан сўради. Қаттаси: — Отам сизга юборди. Бир тарафдан бир савдогар келиб, бизнинг саройга тушди, — деб подшога қараб бир сўз деди:

Арзимни эшитинг, элнинг султони,  
Яхши одам бўлур элнинг қурбони,  
Бу саройга келиб қўнди бир киши,  
Отамизнинг бўлиб келди меҳмони.

Шу сабабдан отам сизга юборди,  
Тагин бўлмасин, деб хоннинг душмани,  
Юзига қараса отам-саройбон,  
Оқариб кетгидир, ҳеч йўқдир қони.

Гумонсираб шу сабабдан келгандир  
Саройбоннинг икки чаққон ўғлони.



Душман бўлса унинг корин қиласиз,  
Қошингизга чақиртириб келасиз,  
Агар ғаним бўлса, дорга иласиз, —

деб, болалар таъзим билан чиқиб кетдилар. Шунда Султонхон икки ясовулбошини ўз қошига чақириб:

Боринг, беклар, тўғри Гулбан саройга,  
Бир савдогар келган эмиш у жойга.  
Ҳар на ортганини бориб биласиз,  
Маълум қилиб, менга хабар қиласиз.  
Ортганини дарҳол менга билдиринг,  
Душман бўлса, молин талов қилдиринг,  
Дўстим бўлса, ўз қошига келтиринг.

Ясовулбошилар тезда Гулбан саройга етиб келдилар. Саройбонни чақириб келган савдогарнинг ким эканини сўрадилар, Саройбон Оллаёрни кўрсатди. — Шу киши қирқ хачирга тилла ортиб келди, — деди. Ясовуллар Оллаёр олдига бориб: — Сиз қаердан келдингиз? Қайга борасиз? Биз ҳозир сиздан бож олгани келдик, — дедилар. Шунда Оллаёр: — Бу тиллаларнинг ҳаммаси менга керак эмас. Агар бу тиллаларни подшо ғазнасига солиб, менга бир хизматни лойиқ кўрсалар, яхши бўлар эди, — деди. Шунда ясовулларнинг бож солишга ҳақлари бўлмай қолди. Тилланинг атрофига тўрт қоровул қўйиб: — Бу ишлар подшонинг фармони билан бўлади, — деб Оллаёрни подшонинг қошига олиб келдилар. Подшо Оллаёрга қаради ва ўзига муносиб кўрмади. — Сен қаерли бўласан? — деди. — Тақсир, мен Қайрағоч элидан келдим. Зангордан душман келиб, Қайрағочни олди. Мен зўрға қочиб қолдим. Сиздан ёрдам истайман.

Ўз элимда менинг кўнглим қабарди,  
Қўлимдан бой бердим шундай шаҳарди.  
Паноҳ тилаб энди келдим сизларга,  
Отим Оллаёрдир, ортганим зарди.

Ҳеч билмайман макр билан ҳийлани,  
Энди мендан сиз эшитинг калмани,  
Оллаёрнинг кетди қўлдан даврони,  
Шу сабабдан учди рангимнинг қони.

Султонхон Оллаёрнинг сўзига инонди. «Мени раҳбар билиб, паноҳ тортиб келган экан», деб суюнди. Султонхон бутун амалдорларини чақирди. Ун тўққиз муҳрдор ҳам ҳозир бўлди. — Энди Ол-

лаёрнинг тилласини ғазнага солмоқ керак. Бизларга бўйин эгиб келган кишини дўст билмоқ керак. Ўзига бир яхши амал бериш керак, — деди. Султонхон Оллаёрга: — Мендан паноҳ тилаб келган бўлсанг, қани, бир амал танла! — деди. Шунда Оллаёр: — Э, тақсир, мени мирохўр қилинг. Мен шу отингиз остида ўлай, — деди. Султонхон: — Бу иш сенга лозим эмас, — деди. Оллаёр: — Агар менга яхши ишни лойиқ кўрсангиз, у вақтда шу ўн тўққизта муҳрдор тепасидан бошлиқ қилиб қўйинг, — деди. Подшо рози бўлди. Ун тўққизта муҳрдор тепасидан бошлиқ қилиб қўйди. Шундай қилиб, Оллаёр саройда ишлаб юра беради. Ахтариб излаган кишини тополмади. Орзигулдан бир нишон кўрмади. «Бу юришимдан фойда йўқ. Орзигулнинг турган жойини билмоқ керак», деб Султонхон олдига салом бериб кирди. Султонхонга қараб Оллаёр бир сўз деди:

Ободдир, зебодир Оқтош элингиз,  
Ажойиб, гўзалдир бу мазгилингиз,  
Бемалол бўлса, сиздан сўрайин,  
Борми сизда ўринбосар ўғлингиз?

Мен бўлганман сиздай шоҳнинг нойиби,  
Сўраганнинг сира йўқдир айиби,  
Ўғлингиз борми, сиздан сўрайман,  
Урушда панд берар отнинг майиби.  
Эшитаман тўқсонча бор қалангиз,  
Пеш хизматга тайёр турар тўрангиз,  
Э, султоним, бир кун кетсанг Оқтошдан,  
Борми сизда ўринбосар болангиз?

Бунда Султонхон: — Бор боламни йўқ демай! Ҳам ўғлим, ҳам қизим, бирдан-бир ёлғизим, сув тагидан чиққан қундузим — Сувон деган чўлпон юлдузим бордир. Мен шунга суянгандирман, — деди. Шунда Оллаёр айтди: — Э Султоним, менинг келганимга бир қанча вақтлар бўлди, шундан бери бирор марта сизнинг олдингизга келиб салом берганини кўрганим йўқ-ку? Қандай беадаб бола, — деди. Шунда Султонхон: — Қушқанотдан бир ёр олган. Шу билан бир бўлиб кетган, — деб бир сўз деди:

Қушқанотга беш кун муҳлат олганди,  
Қирқ олти кун мендан пана бўлганди,  
Шу дилбарнинг гапига у кирганди,  
Бу йил, билгин, бир ярим йил бўлганди.  
Шундан бери болам келмас саломга,  
Менинг, олма, деган ёрни олганди.

Билмам, шунда мендан кўнгил қолганди,  
Никоҳига бироз дардни солганди,  
Қушқанотдан Орзигулни олганди,  
Шундан бери кўзнинг ости қилганди,  
Унинг билан ўз кайфини сурганди.  
Худо менга шу Сувонни берганди,  
Ўн олти ой бўлди ёрин олгани,  
Интизор отаси юзин кўргани,  
Шундан бери ҳеч саломга келмайди.  
Ҳеч кўрмадим Сувон отли боламини,  
Қариганда султонга бу иш қабоҳат,  
Қабоҳатдан ўтиб бўлдим мен диққат.  
Ўн олти ойдан бери қўймади  
Сувонхонга теккан ўша паризод.  
Интизорман мен уни бир кўргани,  
Борма деб ўргатган севиб олгани,  
Гапига киргандир Орзигул ёрин,  
Сабаб шу, кўрмайман Сувон тўрани.

Бу сўзни эшитиб, Оллаёр:—Э Султоним, элингизда бирорта ақиллироқ одам чиқиб, сизни Сувон ўғлингиз билан яраштириб қўймабди-да. Сувонхоннинг турадиган жойини биладиган бир кишини менга ҳамроҳ қилинг. Мен Сувонни олиб келаман, — деди. Бу сўздан Султонхон хурсанд бўлди. Бир кишини Оллаёрга ҳамроҳ қилди. Оллаёр Сувонхонникига борди. Сувонхон ёронлари билан ўтирган эди. Тилла камарли бекларга кўзи тушди. Ёронлари келган бекларнинг отини бойлади. Отамнинг хизматчилари келди, деб кўпдан-кўп сийлаб, тагига кўрпачалар ташлаб, олдига дастурхон ёзиб, тўққиз хил таом қўйиб, яхши меҳмон қилди. Сувонхон Оллаёрга қараб бир сўз деди:

Бугун беклар, алай бўлсин, ол бўлсин,  
Икковингнинг ризқи-рўйинг мўл бўлсин,  
Санталатли беклар, сиздан сўрайман,  
Доно беклар, сипойилар, йўл бўлсин?  
Кўкариб лолалар фасли гул бўлсин.  
Суйганларинг қўш кокилли ул<sup>1</sup> бўлсин.  
Оқтошнинг эгаси, сиздан сўрайман,  
Пеш хизматли беклар, сизга йўл бўлсин?  
Баҳор бўлса, чайқалганлар кўл бўлсин,  
Чечанликда сўйлар бурро тил бўлсин,  
Сувон ботир, мен сизлардан сўрайман,  
Хос салла ўраган хонлар, йўл бўлсин?

<sup>1</sup> Уғил.

Шунда Оллаёр қамчисига суяниб, Сувонхонга қараб бир сўз деди:

Оқтошнинг эгаси мени юборди,  
Сизни кўрмоққа кўп интизорди,  
Нима учун бу кўнглингиз қабарди?  
Юринг, тўрам, хоним сизни чорлади.  
Ўғлим, дебон хуноб бўлиб йиғлади?  
Қайтиб<sup>1</sup> сизга хон гуноҳкор бўлади.  
Ҳар ким нодон, ота қадрин билмаса,  
Доно отасидан бўлак бўлмайди,  
Ота фарзандини ёмон кўрмайди.  
Оралиққа тушиб келдим Оллаёр,  
Отга мининг, дол бўйингдан, аждаҳор,  
Ўғилга бўлмайди ота гуноҳкор,  
Орага тушибман бўлиб донакор.

Бу сўзларни эшитиб, Сувон фикрга кетди. «Ақли бор экан, кўп чечан киши экан». — Гапингиз маъқул, — деб Сувон ўрnidан турди. Отини эгарлаб, Оллаёр билан бирга отаси Султонхон қошига салом бериб келиб кирди. Султонхон ўғлининг бўйнидан қучоқлаб: «Бир ёлғиз фарзанд ҳам кишини шунча ўзига интизор қиларми?» деб бир сўз деди:

Не сабабдан менинг қадрим билмадинг  
Кенг давлатда, Сувон, ўйнаб-кулмадинг?  
Ун олти ой бўлди, қўзим, кетганинг,  
Бирор кун ҳам ҳеч саломга келмадинг.  
Қариганда менинг қаддимни букдинг,  
Қомат, бошим мени бунча чўктирдинг,  
Кўздан ёшим мени доим тўқдирдинг,  
Сабаб надир, бир саломга келмадинг?  
Бундан буёқ кунда келиб кета бер,  
Султонхон отангни қилма интизор, —

деб, Султонхон ўғлини бағрига босди. Сувонхон отасининг соғинганини билиб, бир сўз деди:

Ота, сен улуғим, яхши биламан,  
Босган изинг мен зиёрат қиламан.  
Улуғим, раҳбарим, энди йиғламанг,  
Ҳар кун сизнинг олдингизда бўламан.

<sup>1</sup> Қандай қилиб

Улмасам жаҳонда даврон сураман,  
Менинг учун ғам тортманг, отажон,  
Ҳар куни саломга келиб тураман.

Энди сўзни Оллаёрдан эшитинг. Оллаёр бир кун Султонхон қошига кириб: — Эй тақсир, сизнинг шундай баркамол ўғлингиз бор экан. Менга Қайрағоч шаҳримни зангарли душманлар қўлидан олиб берсангиз. Ўз шаҳаримга эга бўлгач, сизга тобе бўлиб, ўлпон, бож-хирожни сизга етказиб тураман, — деди:

Шунда Султонхон ўғлига: — Бор, ўғлим, «элга эл қўшилса — давлат, элдан эл кетса — меҳнат», деганлар. Қайрағоч элини душманлардан қутқариб келайлик. Эртага эрта билан от-яроғингни олиб кел, — деди. Сувонхон «хўп» деб қайтиб, бу воқияни ёрига билдирмади. Эртаси эрталаб тонг отарда совут-қалқонини тарадуд қилиб эди, Орзигул хавфсираб, бир сўз деди.

Гул юзима мен рўмолни ўрайман,  
Ошиқликка аввал-охир ярайман,  
Ҳозир боқиб тарзингизга қарайман,  
Бориш жойингизни сиздан сўрайман.  
Булбулнинг ошиғи қизил гул бўлар,  
Меҳр тортиб икки ошиқ бир бўлар,  
Букун боқсам, тараддингиз зўр бўлди,  
Дол бўйингдан мендай ойим ўргилур.  
Йўл бўлсин, раҳбарим, беғижон,  
Орзигул дер, кетиш ёғиз билмайман.  
Букун сиздан хафа бўлиб сўрайман,  
Гапирсангиз, қулоқ солиб англайман.

Шунда Сувонхон: — Мен Қайрағоч шаҳрига бораман, — деди. Шунда бешикда ётган тўққиз ойлик боласи Дилмурод чинқириб йиғлади.

Сувонхон тўхтаб: — Фарзанд қандай яхши! Юракнинг мойидан, кишининг меҳрли жойидан бўлур. Қўрар кўзимни йиғлатма, — деб Орзигулга қараб бир сўз деди:

Менинг билан мунча сўзни қилгунча,  
Бешикдан ўғлингни олсанг бўлмайми?  
Бешикда у қон бўлиб йиғлайди,  
Еш гўдакка сенинг раҳминг келмайми?  
Қўл-оёғин, ҳеч бўлмаса ешиб қўй,  
Уни сен бағрингга олсанг бўлмайми?  
Шудир сенинг бу жаҳонда эрмагинг.  
Лозим турур мендан олдин кўрмоғинг,  
У йиғласа, сутга тўлар кўкрагинг,  
Оқ сутингни раво кўрсанг бўлмайми?

Орзигул ўғлини бешикдан ешиб олди. Духоба кўрпачага ўраб, гулдай юзига қараб, бағрига босди. Бола сира эммади. Йиғлай берди. Шунда Сувон ўғли билан ёрининг қошига келди. «Киши фарзанд кўрмагунча, ота-энанинг қадрини билмас экан. Бунинг йиғлагани учун юрагимга олов тушди. Отам менга ҳам шундай куйгандир», деб ўғлини қўлига олиб, бир сўз деди:

Отам қадрин энди мен ҳам биламан,  
Босган изин мен зиёрат қиламан,  
Бола бўлар жондан азиз кишига,  
Йиғлама, Дилмурад, дарров келаман.  
Сутинг эммай гул юзимга қарайсан,  
Не савдони, болам, ёмон англайсан?  
Кўзда ёшинг, болам, мунча йиғлайсан?  
Не гап бўлди, чириллайсан, тинмайсан?  
Йиғлама, Дилмурад, дарров келаман.  
Бўса олиб сенинг қизил юзингдан...—

деб, Дилмураднинг юзидан ўпиб, хотинига тайинлаб: — учарга қанотим, менинг бу қувватимни йиғлатмагин, — деб ўрнидан туриб кета берди. Шу вақт отасига қараб Дилмурад бир сўз деди:

Болам дейсиз, ота, ширин тил билан,  
Уйнашасиз доим нозли гул билан,  
Ишингиз йўқ, хотин билан, ўғил билан,  
Кетмоқчисиз қаёққа сиз йўл билан?  
Биз қоламиз бу кулбада ким билан?  
Кеча чошка вақти келган меҳмонинг,  
Ота, аниқ билгин, сенинг душманинг.  
Бу шикорга кетсанг энди, отажон,  
Қўлдан кетар мана суйиб олганинг.  
Бу тўғрида мен қиларман ноламни,  
Қаттиқ кун бор учун тўқдим жаламни,  
Сиз кетсангиз, мени душман йиғлатиб,  
Олиб кетар менинг туққан энамни.

Йиғлагани бежиз эмас ўғлингни,  
Жонсиз келиб оралади элимни,  
Қулай келса, ташлаб мендай ўғлингни,  
Қон йиғлатиб олиб кетар гулингни.  
Ҳеч ким эшитмайди бундай зорини,  
Киши ташлаб кетмас сира ёрини.

Бу сўзни эшитиб, Сувоннинг ранги ўчиб, хаёли қочиб, отаси қошига борди. Султонхон ўглининг ранги ўчиб, қони қочганини билиб: — Қандай хафалик сенга рўй берди? Нега ғамгин кўринасан? — деб сўради. Шунда Сувонхон: — Э ота, тўққиз ойлик неварангиз менга кўп гапларни айтди, — деб Дилмуроднинг сўзларини бир-бир баён қилди. Шунда Султонхон: — Бўлмаса, ўғлим, сен қолақол, мен ўзим лашкар тортиб бориб, душманнинг додини бериб келай, — деди. Шу вақт Оллаёр ўрнидан тура келиб, подшога бир сўз деди:

Аёлнинг кўп бўлар макр-ҳийласи,  
Ҳеч сўзларми тўққиз ойлик боласи?!  
Ақил билан ўйланг, юртнинг эгаси,  
Бу фирибни ўргатган сочли мулласи.  
Бовар этманг бу Сувоннинг сўзини,  
Гапирди деб шу нораства кўзини,  
Боргиси келмаган хоннинг ўзини.  
Борса борар эди Сувонхон ўғил,  
Кўзи қиймас ўрдадаги Орзини.  
Ўгайми сизга, ё тувғон болами?  
Тувғон бўлса, шунча шумлик қилами?  
Фаросат қинг, қулоқ солиб, султоним,  
Тўққиз ойлик бола тилга кирами?

Подшо фикрга чўмиб, Оллаёрнинг сўзини ростга чиқарди. Султонхон Сувонхонга қараб: — Мен сенинг ёрининг гапига кирганиниги биламан. Тез бориб сафарга тайёрланиб кел. Сен ва мен лашкар тортиб Қайрағочга борамиз, — деди. Сувонхон хафа бўлиб, уйига қайтди. Оллаёр: — Товба, ўғил ўтириб, ота хизматда бўлса, бу қандай гап? — деб қўйди. Оллаёр: — Сувонхон билан мени ҳамроҳ қилсангиз қандай бўлар экан? — деди. Султонхон: — Илон чаққан киши ола арқондан қўрқар, сен ўша юртингни олган душманларни кўрсанг, юрагинг ёрилиб ўласан, — деди-да, лашкарларни тўп-тўпхонаси билан йиғишга буюрди. «Сувонхон билан бориб, сенинг юртингни душман қўлидан олиб берай», деб ваъда қилди. Султонхон Оқтошнинг вақтинча подшолик ихтиёрини Оллаёрга топширди. Булар уч кун тайёрлик кўриб, сўнгра Султонхон, Сувонхон неча минг лашкар тортиб, Қайрағоч элига жўнаб кетдилар. Оллаёр ўша кун бозорга бориб, кишини беҳуш қиладиган дори олди. Бир дурадгор устага қирқ зинали нарвон ишлатди. Сўнгра, устани ўлдириб, қудуққа ташлади. Ўз қўли билан хамир қилиб, беҳуш қиладиган дориларни мой ва хамирга қўшиб, пишириб олди. Тунда, ҳамма ухлаган чоқда, шаҳардан ташқари чиқиб, Орзигулнинг кўшикига келди. Бу нақшли иморат

тепасига нарвонни тикка қилиб қўйди. Ҳар зинада пойлаб, оёғи-ни авайлаб, шумликни ўйлаб, томнинг устига чиқди. Томнинг мў-рисидан қаради. Орзигул бешикка суяниб, боласини эмизиб ўтирган-нини кўрди. Бояги дорили овқатдан бирини ташлади. Орзигул, бу нима экан деб, қўлига олди. Овқат эканини билиб, оғзига солди. Ажаб таом экан, деб ея берди. Шу билан Орзигул ҳушидан кет-ди. Оллаёр эшик тарафдан Орзигул ётган ерга келди. Шу вақт . Дилмурод ола кўзли кишини кўрди. Қўрқиб йиғлай берди. Орзи-гул ўзини билмай, боласини қўлига олиб, эси кирарли-чиқарли бўлиб, Дилмуродни аллалаб бир сўз деди:

Ораласам, чарвоғим, алла,  
Бўйнимдаги минчоғим, алла,  
Ўйнасам, овунчоғим, алла.  
Сен-ку боғу чарвоғим, алла,  
Қўлимдаги қўзичоғим, алла,  
Ўйнасам, суйгунчоғим, алла.

Алла, дейман, Дилмурод,  
Жоним олсин фароғат,  
Ором олиб бир соат,  
Алла, қўзим, аллаё-алла.  
Алла, болам, алла,  
Жоним болам, алла,  
Икки қўзим, алла,  
Ширин сўзим, алла.  
Юм кўзингни, юлдузим,  
Юмгин кўзингни, юлдузим,  
Алла, алла деганда,  
Йиғлаб ўтар кундузим.  
Алла болам, бахти бор,  
Ҳар нарсанинг вақти бор.  
Жоним болам, алла,  
Ширин болам, алла,  
Икки қўзим, алла.  
Алла қилсин болам-а,  
Ўйқудан ором олсин-а,  
Алла болам деганда,  
Жимгина ухлаб қолсин-а.  
Алла болам, аллаё,  
Икки қўзим аллаё.  
Алла дейман, Дилмурод,  
Йиғламагин бир соат,  
Хосхоналик бованг келса,  
Бўлар менга қиёмат,



Орзигулдир, жон фарзанд,  
Ухла, болам, бир соат.  
Жоним олсин фароғат,  
Алла, қўзим, аллаё, алла!

Дилмурод энасининг кўкрагига бошини қўйиб ухлаб қолди. Уйнинг ичи тинчлангандан сўнг, Оллаёр ичкари кирди. Дилмурод уйғониб, золим Оллаёрга қараб бир сўз деди:

Булбул каби бугун сенга сўйлайин,  
Етган — боланг, мен — набиранг бўламан.  
Қиз туғса — момамни сўймоқчи бўлдинг,  
Шунда момам туққан эди шу қизни,  
Ҳақиқат фарзандинг, бова, бу сизни.  
Хўп биламан, мени қўлга оласан,  
Маълум менга, билганингча қиласан,  
Ахир сен ҳам шу ҳасратда ўласан,  
Етган — боланг, мен — набиранг бўламан.  
Момам сарф айлади шунда пулини,  
Эрназар боғбонга берди қизингни,  
Ўғил туғдим деб, алдагани ўзингни,  
Мен тирик, энамга урма қўлингни,  
Ишқ ўтида ташлаб келдинг элингни,  
Қайтиб раво кўрдинг жону дилингни.  
Менинг отим булар қўйди Дилмурод,  
Ул қизингдир, мен набиранг бўламан.  
Аввал кесгин элтиб менинг бошимни,  
Олис ерга ташла элтиб лошимни,  
Оқизмагин, бова, кўздан ёшимни,  
Етган — боланг, мен — набиранг бўламан.

Шунда Оллаёр боланинг тирсагидан ушлаб, қўйнига босиб, товуши чиқмасин деб бўйнидан бўғиб, пастига олиб тушиб кетди. Оллаёр Дилмуродни чорраҳа жойга, чуқур бўйида ерга ташлади. Бола товуш чиқариб йиғламоқчи бўлган эди, оғзини ушлаб, пичоқни қинидан суғуриб, икки қўлини оёғи орасига олиб қисиб, пичоқ билан қаттиқ ярадор қилди. Мушки-анбар кокилини қизил қонга бўяди. Дилмуродни қўлидан ушлаб чуқурга ташлади. Беш панжасини Дилмуроднинг қонига бўяб олди. Орзигул қошига чиқди. Ястиқнинг тагига пичоқни қўйди. Қонли қўлини Орзигулнинг баданига суртди. Узи пойтахтга жўнади. Дилмурод энасини ёдига олиб, шу сўзларни айтаётир:

Эна эдинг менга бўлиб меҳрибон,  
Гарданимдан келиб душман олди қон,

Ташлаб кетди отам мени Сувонхон,  
Хандақ ичра ёлғиз қолдим, энажон.  
Қўтарардинг, жамолимга тўймасдинг,  
Қўзичоқ деб юзларимга тўймасдинг,  
Учунар деб, ёлғиз уйга қўймасдинг,  
Мени ташлаб ҳеч бир ёққа кетмасдинг.  
Хандақ ичра ёлғиз қолдим, энажон.  
Ҳушга келиб сўнгра мени биласан,  
Йиғлаб келиб жасадимни топасан,  
Ғанимат деб гул бетимдан ўпасан,  
Хандақ ичра ёлғиз қолдим, энажон.  
Истасанг, мени қайдан топарсан,  
Яккаликда Оқтош элда йиғларсан,  
Ҳар тарафга энди чопиб борарсан,  
Кимни кўрсанг, ҳам эланиб йиғларсан,  
Оқ сутингни қора ерга соғарсан.  
Отам келса, не жавобин берарсан?  
Дилмурудни энди қайдан топарсан?!  
Бу ҳолимдан хабар олгин, энажон!

Дилмуруднинг товуши Орзигулнинг қулоғига кириб, ўрнидан туриб, чироқни ёқиб уй ичи ва атрофни қаради, боласини тополмади. Чироқни қўлига олиб қирқ зинадан тушиб, кўшкнинг тегларини ҳам қаради. Ҳеч нишон топмади. Орзигул ўз кўнглида «қайнанам канизларини юбориб, Дилмурудни олиб кетганмикан», деб шаҳарга чопди. Орзигул сарой дарвозасини қоқди. Қайнанаси канизакларига буюрди:— Боринглар, дарвозадан хабар олинглар, бемаҳалда келган ким экан? Канизаклар дарвозга келдилар. Орзигул канизакларни кўриб, уларга қараб боласини сўради:— Агар ҳазиллашиб ўғлимни олган бўлсаларингиз, чиқариб беринглар. Канизлар:— Э, Орзигул, ҳазилингми, чинингми? Телмуриб кўшкига қарайсан, хафа бўлиб йиғлайсан, бу ерга келмаган фарзандингни биздан сўрайсан. Ўзингни ўзинг бевақт муштлайсан. Фарзандингни сўраб мунча кўзингни ёшлайсан?

Бу саволни бориб айтай бувима.  
Дилмуруддан айрилганга ўхшайсан,

деб канизлар чопишиб, кўшкига кириб, Сувоннинг энасига маълум қилдилар. Шунда Омон-ой каниз бир сўз деди:

Орзигулинг ташқарида йиғлайди,  
Кўзида ёши қатор бўлиб тизилди,  
Йитирибди ўғлингизнинг ўғлини,

Кўчаларда боласини излайди.  
Омон-ой дер, қулоқ солинг зорима,  
Раҳмим келди шу муштипар кўнглина,  
Емон савдо тушди дейди сарима,  
Келса нима дейман дейди ёрима.  
Боласидан айрилганга ўхшайди,  
Уксиниб йиғлайди келиб ёнима.

**Шунда Омон-ой бувиси билан Орзигул қошига келди.  
Йиғлаб турган Орзигулга қараб қайнанаси бир сўз деди:**

На шумликни, қизим, бундай ўйладинг?  
Кўчаларда на деб, кимга сўйладинг?  
Бу бошингдан рўмолингни ташладинг,  
Бизга келиб, туҳмат қилиб, йиғладинг,  
Қанизлардан йўқ болангни сўрадинг,  
Боламнинг боласи, чироққинамни,  
Айтгин, қизим, Дилмуродни найладинг?  
Дилмурод кўзимни қайга ташладинг?  
Мен турурман у гўдакнинг момаси,  
Сен турурсан норастанинг энаси,  
Нима бўлди кўзичоғим гуноси,  
Дилимнинг қуввати, жонни найладинг?  
Сувонхоннинг қадди-бошин букдириб,  
Ҳасрат билан кўздан ёшин тўкдириб,  
Ёш ўғлоннинг кўнглин пастга чўкдириб,  
У кокилдор набирамни найладинг?

**Бу сўзни эшитиб, Орзигул қайнанасига қараб бир сўз деди:**

Қиёмат савдолар тушди бошимга,  
Қулоқ солинг бу менинг нолишимга,  
Бир душман келгандир шу Оқтошимга,  
Ошиқ эди у бир қалам қошимга,  
Талпинган боламни шунга олдирдим.  
Раҳминг келсин кўздан оққан ёшимга,  
Бир душман келгандир менинг қошимга,  
Талпинган боламни шунга олдирдим.  
Ухлаганда ғафлат ичра келганди,  
Мендай гумроҳ уйқу билан бўлганди,  
Мен кўзичоқ, қўчқоримдан айрилдим.  
Кўнглим айтди —«қизлар ҳазил қилганди,  
Уйин қилиб уни олиб келганди»  
Шу фикрда келиб эдим кўшкига.

Ҳам бу ердан тополмайин ўғлонни,  
Юрт сўраган Оллаёр менга душманди,  
Елғизимни шу душманним олганди.  
Орзи деди: мен айтмайман ёлғонди,  
Худо берган қўзичоқдан айрилдим.

Шунда қайнанаси канизақларига:— Боринглар, Оллаёрни банди қилиб олиб келинглар!— деди. Канизлар Оллаёрнинг қошига келдилар. Омон-ой каниз аччиғи келиб, Оллаёрга:— Э, лаънати, Дилмуродни нима қилдинг?— деди. Шунда Оллаёр кўзини лўқ қилиб:— Мен ундай савдони билганим йўқ! — деди. Канизақлар йўқ деганига қарамай, Оллаёрнинг қўл ва оёғини бойлаб, банди қилиб, Сувоннинг энаси қошига олиб келдилар. Қайнанаси Орзигулга:— Айтган кишинг шуми?— деди. Орзигул:— Шу киши — менинг душманним. Шунда қайнанаси Оллаёрга қараб бир сўз деди:

Қаердадир у Дилмурод кокилдор?  
Подшонинг ёриман, элга муътабар,  
Сувонхоннинг энасиман, мен ночор,  
Ҳар ишга қилурман сени гирифтор!  
Сендан сўрар мендай элга муътабар,  
Қаердадир, Дилмурод қўзим, кокилдор?  
Найладинг, Оллаёр, у қанотимни?  
Ҳозирча эгасиман юртимни,  
Мен муштипар сендан бу кун сўрайман,  
Дарров топиб бергин Дилмуродимни.

Бу сўзни эшитиб Оллаёр:— Менинг бу ишлардан ҳеч бир хабарим йўқ. Улимдан хабарим бор, бундан хабарим йўқ. Бундай ишларни кечасининг миршаби билмаса, мен хабарсизман, — деди.— Эй бувим, менинг бир одатим бордир, фолчилик қиламан. Дилмурод учун бир фол очай, фолим тўғри чиқса, мени озод этасизлар, агар нотўғри чиқса, ўлдирсаларингиз ҳам майли,— деди. Сувоннинг энаси тўрт тиллани олдига ташлади. Канизлар ҳам унинг гапига ишондилар. Энди Оллаёрнинг аёлларга тушунтириб тургани:

Орзигулинг бировларга ёр экан,  
Шу феъли ёшлигидан бор экан,  
Қушқанотда қирқ ўйнаши бор экан,  
Худоё, жувонмарг бўлсин Орзигул!  
Қирқ ўйнаши Оқтош элга келибди,  
Ўйнашини улар топиб олибди,  
Йигирмаси ичкарига кирибди,  
Кайфи сафо Орзи билан сурибди,

Худоё, жувонмарг бўлсин Орзигул!  
Йигирмаси бу савдони кўрибди,  
Босиб-янчиб ичкарига кирибди,  
Фарзандини қўлидан тортиб олибди,  
Умид қилманг, набирангиз ўлибди,  
Худоё, жувонмарг бўлсин Орзигул!  
Чорраҳага элтиб, уни сўйибди,  
Орзигулнинг ястиғининг тагига  
Сўйган пичоғини элтиб қўйибди.  
Худоё, жувонмарг бўлсин Орзигул!  
Қулоқ солинг бу сўзларди маънига,  
Жабр бўпти Дилмуроднинг жонига,  
Беш бармоқни бўяб кепти қонига,  
Орзигулнинг тўши билан қорнига,  
Босиб суртган Орзигулнинг танига,  
Худоё, жувонмарг бўлсин Орзигул!  
Аввал сизга, сўнгра бизга, бувижон,  
Келинингиз шу туҳматни қилибди.  
Юртим Қайрағочдир, отим Оллаёр,  
Эли талов бўлган бўлар хори-зор,  
Тирик деманг ўғлон, билинг, муқаррар,  
Қайғига чулғанди Сувон зўравор,  
Худоё, жувонмарг бўлсин Орзигул!

Шунда Сувоннинг энаси Оллаёрнинг бу сўзларига ишонди. Қанизларга Орзигулнинг баданини кўришга буюрди. Қизлар Орзигулнинг баданидан беш бармоқ қонли изни кўрдилар. Сўнгра бориб Орзигулнинг ястиғи тагидан пичоқ топиб келтирдилар. Шундан кейин Оллаёрни душман эмас, дўст билдилар. Қайнаси:— Орзигулни йигирма бир таёқ сингунча уринглар, сўнгра зиндонга ташланглар!— деди.

Қанизлар Орзигулнинг қўлини бойлаб, тирсакнинг юқорисидан ушлаб:— Сен бизнинг Оқтошга қайси гўрдан келдинг?— деб, бошига муштлаб олиб кетдилар. Қизлар Орзигулни етаклаб бора бердилар. Орзигул кўз ёшини тўкиб кета берди. Шунда булар яқинлашган сари, хандақнинг ичидан Орзигулга таниш ёш бола йиғиси қулоғига кирди. Орзигул Дилмуроднинг товуши эканини билди.

Шунда Орзигул қизларга қараб бир сўз деди:

Эй қизлар, урингизлар, ўлайин,  
Бетоқатман, мен шўр қандай қилайин?  
Мотам билан қаддим букиб йиғладим,  
Тўхтанг, қизлар, мен боламни кўрайин.

Хазон қилган боғда ғунча гулимни,  
Қўрмоқчиман ўзим жону дилимни,  
Олдирганман қўлдан қўш кокилимни,  
Еш қўзимга обло солди ўлимни,  
Йўл бўшатиңг, ойимчалар, садақа,  
Мен кўрайин, қўзичоғим — ўғлимни.

Канизакларнинг раҳми келди. Унғ билагидан тутиб, Орзигулни Дилмурод устига олиб бордилар. Шунда Орзигул хумор кўзини ёшлаб, боласининг устига ўзини ташлаб, қонли юзига қўлини қўйиб, бир-икки оғиз сўз айтиб турган экан:

Эна эдим, болам, сенга меҳрибон,  
Қўш кокилинг бўялибди қизил қон.  
Бу савдога бўлди энанг шўр ҳайрон,  
Жасадингда борми, болам, чуччи<sup>1</sup> жон.  
Гул юзингга мен рўмолни ўрайман,  
Отанг келса, на деб унга сўйлайман?  
Бу ҳасратда кўрдим сенинг юзингни,  
Ҳеч чорасиз мен тепангда йиғлайман.  
Кимга етар Орзигулнинг фиғони,  
Қачон келар Оқтош элнинг ҳоқони.  
Мен кўрганман бу тугалмас савдони,  
Энангда кўп қолди, болам, армони,  
Эй қизлар, қўл солишиб кўринглар,  
Бормикин жасадда боламнинг жони?

Шунда Омон-ой каниз Дилмуроднинг оғзига қўлини тутиб кўрди.— Ҳали оғзида иссиқ бор. Хаёлимда жасадида жони борга ўхшайди,— деб йиғлади. «Ҳаялласак бувим уришади», деб Орзигулнинг қўлидан тортди. Шунда Орзигул ойим, қўли бойланган, мирғазаб миршабга буюрилган боласини ташлаб кетишга кўзи қиймай:— Боламни рўмолга ўраб, тишимга олиб беринглар!— деб бир сўз деди:

Қулоқ солинг, ойимчалар, сўзимга,  
Қон аралаш ёшим бордир кўзимда.  
Орзигулга раҳм этинг, ойимлар,  
Фарзандимни об беринглар оғзимга.  
Мен сиғмаган шўрман элу хешимга,  
Туганмас савдолар тушди бошимга.  
Раҳм этинглар ётган ўғлон ёшимга,

<sup>1</sup> Чучук, ширин.

Фарзандимни об беринглар тишимга.  
Қулоқ сонглар айтган менинг ноламга,  
Қайнанам буюрди мени ўлимга,  
Ҳеч ким раҳм айламас менинг ҳолимга,  
Об боринглар сўнгра миршаб золимга.  
Фарзандимни об беринглар қўлимга.  
Орзигул дер, қулоқ солинг сўзимга,  
Бир нотавон мендай кўнгли яримга,  
Энди келса, нима дейман ёримга?  
Қараб турган сатта жамоат қизлар,  
Фарзандимни об беринглар бағримга.

Шунда канизлар:— Сен фарзанд қадрини билганингда, шу ишга йўл қўярмидинг!— деб ҳар ёқдан мушлай кетдилар. Омон-ой канизнинг раҳми келиб, қизларнинг қўлини ушлаб, Дилмуродни кўтариб, рўмолга ўраб, Орзигулнинг оғзига ўмридан тишлатди. Орзигулни ҳайдаб бора бердилар. Орзигулнинг боласи оғзида, ёши қора кўзида, ёқалари ҳўл бўлиб, аламни мўл қилиб кета берди. Канизлар Орзигулни мирғазаб миршабга топшириб, хатни ҳам бериб қайтдилар. Миршаб Орзигулга: «Амри подшо вожиб», деб йигирма бир таёқ синганча урди. Орзигул ҳушидан кетди. Канизлар Дилмуроднинг танасида жони борлигини Сувоннинг энасига бориб айтдилар. Сувоннинг энаси бир табибни Дилмуродни боқиши учун юборди, ўзи хат ёзиб:— Оқтошда қиёмат бўлди, тезроқ келинглари!— деб арзачи орқали Султонхон ва Сувонхонларга маълумот юборди. Табиб турли дори-дармонлар билан Дилмуродни боқиб, бир неча кунда тузатди. Табиб боланинг яраларига дори суртди. Оқ дока билан бойлаб қўйди. Икки шишада дори берди.— Уч кундан сўнг бу шишадаги дорини бурнига тутсанг, жони бўлса, ҳушига келар, мана бунисини тутсанг, ўлик тусига киради,— деди.

Эндиги сўзни кетган арзачилардан эшитинг. Арзачи уч кечаюқундуз йўл тортиб, Султонхон турган ерга етди. Султонхонга хатни топширди. Султонхон хатни олиб ўқиб, Сувонхонга қараб бир сўз деди:

Келиб эди янги, болам, ғайратинг,  
Остингда ўйнайди дол бедов отинг.  
Энди билдим, синган ўхшар қанотинг,  
Мен ҳасратда, сен ҳам ғамга чулғандинг.  
Ўлган ўхшар Дилмуроджон фарзандинг,  
Билмадим ким экан сенинг душманинг?  
Сенинг учун куйганди ул меҳрибонинг.  
Аввалдан бузиқди севиб олганинг,  
Ўлган эмиш ёлғиз тилаб олганинг.

Сувонхон отасининг сўзига қулоқ солмай, Оқтош тарафга қараб, отига ачиқ қамчи уриб жўнаб кетди. Подшо ва унинг амалдорлари ҳайрон бўлиб, орқасидан қараб қолдилар. Сувон уч кечаю-кундуз йўл юриб, Оқтош шаҳрига етиб келди. Сувон дарвозабондан:— шаҳарда нима гап бор?— деб ичкари кирди. Дарвозабон:— Эй, шаҳарнинг нимасини сўрайсиз. Қушқанотдан тўрамининг олган ёри бузуқ чиқибди. Мен-ку кўрганим йўқ. Бир ўғил берган экан, ўйнашлари талашиб, ўртада шу ўғил ўлган эмиш, деган гаплар юради,— деди.

Шу вақтда тонг отар чоқ эди. Орзигулни зиндондан чиқариб, йигирма бир таёқ ураётган эди. Сувонхон кўриб:— Уре, миршаб, қаттиқроқ ур!— деб ўтиб кета берди. Икки кундан сўнг Султонхон ҳам лашкарлари билан етиб келди.

Подшо пойтахтга келиб, Орзигулни жаллодга буюрмоқчи бўлди. Бу воқиани Оллаёр эшитиб, подшонинг олдига келди. Подшога бир салом, ўн тўққизта таъзим билан:— Тақсир, Орзигулни сўйдирманг, кашмирикда оламда бир ўзидир. Агар жаллодларингиз сўйса, ҳар сачраган қонидан бир аждаҳо пайдо бўлиб, шаҳар халқингизни ўз дамига тортади. Бу кашмирни менинг қўлимга топшинг. Асқар тоғдан ошириб, тоғларнинг камарида йўқ қилиб келарман,— деди. Подшо ёнида турган Доно вазир:— Тақсир, ўлдирмай, тириклай элга ошириб юборсангиз, дейман. Агар Оллаёрнинг айтганини қилсангиз: бир мусофир ҳийлайи-найранг билан подшо келинини олиб кетибди, деган айбга қоласиз!— деди. Шунда подшо:— Ундай бўлса, ёнига уч юз муллани қўшиб, Асқар тағидан ошириб келинглар. Оллаёр йўқ қилиб келсин,— деди. Орзигулни зиндондан чиқариб, қўлига ўлган боласини бериб, уч юз мулла билан Оллаёр Асқар тоққа ҳайдаб кетди. Уч кун деганда тоққа етдилар. Шунда Оллаёр муллаларга қараб:— Энди сизлар кета беринглар. Асқардан ўтиб, ўзим саранжомлаб бораман,— деди. Муллалар:— Йўқ, биз сенга ташлаб кетмасмиз, ўзимиз ўлдириб, ўзимиз кўмиб кетамиз,— дедилар. Муллаларнинг бермаслигини билиб, Оллаёр Оқтошга қайтди. Йўлда ўз бошини тош билан уриб ярадор қилди. Ҳамма жойини қонга бўяб, от устида Оқтошга кириб келди. Подшога арз қилди. Подшо:— Сенга нима бўлди, қонингга бўялиб келибсан? Орзигулнинг қонидан бўлган аждаҳо уч юз муллани ютдими? Сенга ҳам шунинг зарари етдими?— деди. Шунда Оллаёр:— Ҳали Орзигул тирикдир, тақсир. Уч юз мулланинг бир каттаси бор экан. Уша Орзигулга хуштор экан. Орзигул ҳам ўшанга тегмоқчи бўлиб юрган экан. Уша ерда иккиси топишди, мени сўймоқчи бўлишди. Уч юз мулла бир бўлиб, мени уришди. Шу ҳолда олдингизга келдим,— деди. Подшонинг олдида Доно вазир йўқ эди. Подшо муллаларга хат ёзди. «Муллалар Оллаёрнинг қўлига Орзигулни топширсин ва





орқага қайтсин!» деб ёзиб, мухрини босди. Оллаёр хатни катта мулла қўлига олиб бориб берди. Сўнгра, бутун муллалар «амри подшо вожиб» деб Орзигулни Оллаёр қўлига топшириб, катта мулла шу сўзларни айтиб қайта берди:

Оқтош элдир менинг жойим,  
Аҳмоқдир, беклар, сипойим,  
Бизлардан энди рози бўлгин,  
Қоларсан, Орзигул ойим.  
Муллалар қайтар элига  
Қон йиғлаб ночор ҳолига.

Қолдинг золимнинг қўлига,  
Раҳмим келар ўғлонингга,  
Қийналган гулдай жонингга,  
Бизлар кетамиз қайтиб,  
Қолдинг, қизим, душманингга.

Оллаёр Орзигулнинг қўлидан ушлаб етаклаб олиб кетди ва муллалар кўзидан ғойиб бўлди. Оллаёр Орзигулга бир сўз деб бораётир:

Мени десанг, доим даврон сурасан,  
Ушбу кўрган ғамдан озод бўласан.  
Қора сочинг сен шоналаб ўрасан,  
Ташлагин қўлингдаги мурдани.  
Омон бўлсанг, неча бирин кўрасан,  
Олти кундан бери сен фиғон айлаб,  
Қўлингда мурдани олиб юрасан.

Орзигул Оллаёр олдида йиғлаб бораётир. Булар Асқар тоғдан ошиб, бир ғорга келдилар. Оллаёр:— Эй Орзигул, Хосхонага борсанг, боғбон ота-энангни кўрсанг, беш кун мен билан даврон сурсанг, қўлингдаги мурдани ташла, ташламасанг ажалинг етиб, кунинг битди. Мени дейсанми, ёки бошингни кесайми?— деб ғазаб қилди. Орзигул:— Мен дунёга бир келдим, иккинчи келмасман. Қўлингдан келганини қил. Ўлсам ўларман, лекин сени демасман,— деди. Оллаёр қиличини қинидан суғурди ва Орзигулнинг қўл-оёғини ярадор қилди. Орзигул:— Менинг сўзим бир, икки бўлмас,— деб, Оллаёрга қараб бир сўз деди:

Отам десам, сен бир қонхўр жаллодми?  
Дунёда бор зулм бундан зиёдми?  
Олис ерда қолган эди меҳрибон,  
Оқтош элда ғамда қолди бек Сувон,  
Қўл урмагин, қилич силта, отажон.

Орзигулнинг бўйин эгмаслигини билиб, Оллаёр уни ўлдирмоқчи бўлди. Шу вақт узоқдан карвонларнинг товуши келди. Орзигул товуш қилса, ўткинчи карвонлар билмасин, деб Оллаёр ёнбошлаб ётди. Карвонлар товуши ўчгунча сабр қилди. Унгача жуда қоронғулик бўлиб, Оллаёр ухлаб қолди. Орзигул ҳушига келиб қараса, қопқоронғи бўлиб қолибди. Теварагини қўли билан пайпаслаб кўрди. Қўлига бир нарса илинмади. Боласини қўлига олиб, секин ўрнидан туриб, ҳар тарафга қараб, аста-секин юриб, бир чуқур сойга тушди. Орқасига қараб қулоқ солди. Ҳеч товуш келмади. Соининг ичи билан кета берди. Тонг отди, ёруғ бўлиб, қўёшнинг нури ҳар томонга ёйилди. Орзигул бир баландликка чиқди. Оллаёр уйғониб қараса, Орзигул йўқ, қидириб тополмай, «Оқтошга кетгандир», деб изига қайтди.

Асқар тоғининг нарёғида Холёр чол деган бир камбағал яшар эди. Холёр чолнинг бир ориқ туяси бўлиб, шуни йўқотиб қўйиб, уч кундан бери қидириб юрган эди. Бир вақт Холёр чол туя қидириб, Орзигулнинг олдидан чиқиб қолди. Орзигул дам олиб ўтирган эди. Холёрни кўриб, дарров ўрнидан туриб салом берди. Бова эшагини тўхтатиб:— Бу чўлларда нима қилиб юрибсан?— деб бир сўз деди:

Хушрўй қизим, сен қаерли бўласан?  
Бу ҳолатда, қизим, қайга борасан?  
Машаққатлар билан қайдан келасан?  
Хўб билибман: олис йўлдан келибсан,  
Азоб кўрган, ночор, қайдан келасан?  
Айлаган ўхшайсан жаҳонда фиғон,  
Оламда кўрмаган ўхшайсан даврон.  
Юрагингда бордир ғам билан армон,  
Бу ҳолатда, қизим, қайга борасан?  
Қандай подшо сени бадарға қилган,  
Ғам чеккан ёлғизим, қайга борасан?  
Уч кун бўлди мен туяга қарайман,  
Шаҳри ёринг айтгин, билиб, англайман,  
Қон йиғлама, қизим, қайга борасан?

Бовага қараб Орзигул бир сўз деди:

Мен билмайман ўйнаб-ўсган элимни,  
Золимлар бойлаган икки қўлимни,  
Ушбу чўлда сарсон бўлиб юраман,  
Мен билмайман қайга борар жойимни.

Шунда Орзигул ҳушига келтирадиган дорини ҳидлатиб, ўғлини эмизиб ўлтира берди. Бова қараса, ўғли ҳам бор экан. Уғлининг

ва ўзингнинг отинг нимадир?— деб сўради. Орзигул:— Ўғлимнинг оти Элга сиғмас, ўзимнинг отим Юртга сиғмас,— деди. Бова ҳайрон бўлиб,— шундай ҳам от бўладими?— деганда, Орзигул бовасига қараб бир сўз деди:

Яхши одам сўзни яхши англайди,  
Эшитгани қулоқ солиб тинглайди,  
Шу гапимга чин ишонинг, боважон,  
Элга сиққан ўз элида турмайми?

Мен энаси қўлимдаги боламнинг,  
Мен билмайман ўйнаб-ўсган қаламни,  
Куйдирма, боважон, ёнган танамни,  
Юртим тайини йўқ мендай санамнинг.

Бова:— Бу майдонда кимни истаб юрибсан, қайга борасан?— деди. Орзигул:— Ўғилсизга ўғил, қизсизга қиз бўламан,— деди. Шунда бова:— Ундай бўлса, ўзинг менга қиз, ўғлинг менга ўғил бўлсин, мен сенга тутинган ота бўлайин. Тувған отангдан аълороқ бўлай, юр, сени ўз уйимга олиб борай,— деб, Дилмуродни кўтариб олди. Орзигулни олдига солиб, тоғлар аро йўл бошлаб кета берди. Бова Орзигулни уйига олиб келди. Орзигул бованинг кампири билан танишди. Шундай қилиб, Орзигул Холёр бованинг тарбиясида яшай бери.

Энди бир оғиз сўз Сувондан, Оқтош шаҳридан эшитинг. Сувонхон шу воқиядан кейин бир уйга кириб, кўкрагини захга бериб ётган эди. Отаси Султонхон бу ҳолни эшитиб, Сувоннинг олдига қирқ йигит-ёронларини юборди.— Боринглар, ёр деса, мен Оқтошдан бир эмас, ўнини олиб бераман,— деди. Сувоннинг ҳолидан хабар олгани келган ўртоқларидан бири Сувонга қараб бир сўз деди:

Нима бўлди, бегим, сиздай тўрага,  
Етган билан ёр тирилик келарми?  
Тура келгин, хон Сувонхон, жойингдан,  
Банди бўлиб кетган ёринг келарми?  
Отангиз об бермоқчи ўнта дилбарни,  
Оламда йўқ моҳи дилбар қизларни.  
Бизни десанг, тура келгин, тўражон,  
Хафа қилманг отангиздай раҳбарни.  
Орзини кўрмоқлик бўлди даргумон,  
Мардга ёр топишлик дунёда осон,  
Тақдир қўшган бўлса ўзи меҳрибон,  
Инграиб ётмагин, жоним Сувонжон,—

деб, Сувоннинг қўлидан тортди. Сувон жўраларига қараб бир сўз деди:

Бошқа ёрнинг ким эканин билмайман,  
Ўзга билан, аҳдим шудир, кулмайман,  
Ўнта дейсан, мингта ёрни об берсанг,  
Ўз ёримнинг тирноғига олмайман.

Буларнинг сўзини қабул қилмай, Сувон ёта берди. Отаси Султонхон ҳам келиб, бир-икки оғиз сўз айтди:

Ёв келганда бедов отлар чопилар,  
Терлаб келса, бахмал жуллар ёпилар,  
Тура келгин, дол бўйингдан, Сувонжон,  
Омон бўлсанг, ёр-ку сенга топилар.  
Султон деди, нечук бахти қораман,  
Теваракни суриштириб кўраман,  
Хафа қилма қариганда отангни,  
Бир ёр десанг, ўнта олиб бераман.

Шунда Сувонхон бошини кўтариб:— Энди менга ҳеч бир сўз кор қилмас,— деб кўзига ёш олди ва яна ётди. Подшо ғамгин бўлиб ҳужрадан чиқиб, қаёққа кетарини билмай турган эди, бирдан Сувоннинг дўсти Саримирахўр келиб қолди. Подшога салом берди. Подшо Сарини йўлнинг четроғига обориб:— Аввал неварамдан айрилиб ҳасратда эдим. Энди Сувоннинг бу ҳолда ётиши дард устига чипқон бўлди,— деди. Шунда Саримирахўр:— Эй Султоним, нима бўлди?— деди. Подшо:— Сувон бир неча кундан бери ҳужрага кириб, кўкрагини захга бериб, ўғли билан хотинининг ғамида ётибди. Неча кундан бери дўстлари билан келиб эланамиз, ҳеч бир жойидан турмайди,— деди.

Саримирахўр:— Ундай бўлса, тақсир, ҳазилми, чинми, иш қилиб, бир амаллаб Сувонни бу ҳолдан қутқараман. Агар мен шу ишнинг уддасидан чиқсам, ўрдадаги ғазнани берасизми?— деди. Подшо «Сувон бўлмаса юртни ким идора қилади?» деб ўйлаб:— Ҳа, майли!— деди. «Бу хизмат биздан бўлсин», деб Сари Сувон ётган ҳужрага кирди. Салом бериб, Сувоннинг ўнг томонига ўтди. Сувонга қараб Саримирахўр бир сўз деди:

Бу шаҳарнинг айланаси тор экан,  
Адашганлар бир-бирига зор экан,  
Борган-келган ўлган девди гулингни,  
Ўлган эмас, Орзигулинг бор экан.  
Қарвонларга берибди арза хатини,  
Хатга солиб сиз валламат отини,  
Қўлида ўйнатиб турган Орзигул  
Фарзанди, жонажон Дилмуродини.

Туринг, тўрам, кечикмайин жўнайик,  
От чопишиб дараларга чиқайик,  
Келар деб сиздан умид бор эмиш,  
Суриштириб икковини топайик.  
Сари дейди йўйганман тушимни,  
Юринг, топиб берай қочган қушингни,  
Орзигулинг тирик, тўрам, бор экан,  
Жур, ахтариб топиб берай гулингни.

Шунда Сувон ўрнидан ирғиб туриб:— Эй, Саримирахўр!— деб дўстига қараб бир сўз деди:

Баҳра олдим сенинг айтган сўзингдан,  
Еш оқмасин сенинг наргас кўзингдан,  
Қайга борсанг, мен ҳам кетай изингдан,  
Келгин, ўпай «ёринг» деган оғзингдан.  
Дўст деб тутай сенинг икки кўлингни,  
Ер бор ерга ўнгғар дарров йўлингни.

Сувонхон Саримирахўр дўстига:— Бўлмаса, отингни эгарлаб кел, ўғилсиз юртимни нима қилайин. Ёрни топсам, Оқтош элига келайин,— деди. Саримирахўр суюниб, чопқиллаб подшонинг қошига борди.— Тақсир, қирқ йигит ва қирқ от беринг. Бир майдонни шикор қилиб, Сувонхоннинг кўнглидаги хафаликларини чиқармасак, ўғли билан ёрининг ғамида тўрам оғир ҳолга тушган,— деди. Подшо қирқ йигит ва қирқ отни берди. Саримирахўр билан қирқ бир йигит бўлиб Сувон олдига келдилар. Сувонхон ҳам отланиб чиқди ва Саридан:—Қарвон берган хат ҳали ҳам сиздами?— деб сўради. Сари қирқ йигитга қараб, кўзини қисиб, «ҳали отангизга бериб эдим», деб жўнай берди.

Арғимоққа қилиб қасдни,  
Беклар билмай баланд-пастни,  
Кўринг қирқта шоғолмасни,  
Жўнади, беклар жўнади.  
Бари хонга хизматкорди,  
Хоҳлаб минган арғимоқни.  
Ҳайданг, тўрам, тезроқ деб,  
Жўнади, беклар жўнади.  
Топиб олай кокилдорни,  
Деб Сувонхон жўнади.  
Фарзанднинг меҳри юракда,  
Кучини йиғиб билакка,  
Қамчи уриб арғимоққа,

Жўнади, Сувон жўнади.  
Эл деганда қувонади,  
Ев деганда ёвланади,  
Ери, ўғлидан айрилган,  
Жўнади, Сувон жўнади.

Эртадан кечгача йўл тортишиб кечқурун адашмайик деб, Сувонхон от жilовини тортди. Тоғнинг тагига келиб, об-ёвғонини қилиб ётишди. Эртаси яна отларига минишиб, тоғ бетига қараб жўнаб кетишди. Шунда Сувонхон бир сўз деб бораётир:

Чуқур, тепа, қумли сойлар,  
Ғамли қул белини бойлар,  
Қишнашади ғунон тойлар,  
Шу ердан ёрим ўтдими?  
Ҳар ким ўз фикрини ўйлар,  
Кўз кўрмаган баланд жойлар,  
Усти қорли баланд тоғлар,  
Шу ердан ёрим ўтдими?  
Кўкда юрган учар қушлар,  
Айрилиқ сийнамни доғлар,  
Булбул каби бу нолишлар,  
Шу ердан ёрим ўтдими?  
Сувоннинг кўпдир армони,  
Топарманми излаб они,  
Қийнаб уриб у душмани,  
Азоб кўрганим ўтдими?  
Мен келурман ёрни йўқлаб,  
Алам билан дилим доғлаб,  
Ушбу йўлда белим боғлаб,  
Шу ердан ёрим ўтдими?

Сувонхон йигитларини эргаштириб тоғдан ўтди. Бир текис майдонда отларини чопишиб бораётир эдилар, бир тиконзорга кўзлари тушди. Тиконзорни айланиб, «қадимгидан қолган жой экан», деб гаплашиб кета туриб эдилар, бир кийик кўринди. Ушламоқчи бўлиб қувдилар. Кийик бир тарафга қараб қочди. «Кўпдан қуён қутилмас: ҳайданг, беклар!» деб Сувонхон кийикни қувиб кета берди. Қува-қува кийикни тутолмадилар. Кийик бир дарахтзор ичига кириб йўқ бўлди. Йигитлар чарчаб, тўхтадилар. Сувонхон ҳам:— Келинглар, шу ер салқин жой экан, дам оламиз,— деди. Ҳаммалари, «хўп салқин жой экан-да», деб отдан тушиб, ҳовуз бўйида салқинлаша бердилар. Буларнинг товушларини эшитиб, бир чол уйдан чиқиб келди. Бу Холёр бова эди. Бу бекларнинг олдига келиб сўрашди. Беклар ҳам бовани худди илгари кўргандай муомалада:

бўлдилар. Шунда Сувон:— Э бова, бизга яхшилаб шўрва қилиб бермайсизми?— деб пул берди. У рози бўлди, ичкарига кириб, Орзигул қизи ва хотинига қараб бир сўз деди:

Бу дунёнинг ўтарини билгандир,  
Бу жойларга бир кўп меҳмон келгандир,  
Мен бир кўрдим ақли расо ўғлонни,  
Яхшилаб пиширинглар ширмойи нонни.  
Белларига осган садоқ камарни,  
Бир тарафдан меҳмон оғиб келганди.  
Ақлингиз жойига қўйинг, ойимлар,  
Яхшилаб пиширинглар ширин таомни.

Шунда Орзигул рўмолини бошига желвагай ташлаб, бир учини тишлаб, «мени ҳам сўраб келадиган кишим бормикан?» деб кўзини ёшлаб, эшикнинг тирқишидан қаради. Қараса, бирови ўша аҳди-паймон қилган Сувон ёрига ўхшайди. Ун етти патирни яхшилаб тандирга ёпди. Шўрвани тайёрлади. Бова эса теваракка чопиб, ҳамсояларникидан товоқлар топиб, ҳамма анжомларини элиб бекларнинг қўлига берди. «Шўрва тайёр, нонни олиб келинглар!» деб бова буйруқ қилди. Орзигул уч қатор қилиб эшик олдига шўрваларни тайёр қилди. Бова дастурхон ёзди. Беклар ўйнашиб-кулишиб, дастурхоннинг атрофини ўраб олдилар.

Бова бекларга учаварадан шўрвани сузиб бераверди. Сўнгра бова ичкари кириб, Дилмуродни кўтариб чиқди ва бир четда ўтира берди. Шунда Сувонхон:— Биздан беадаблик ўтмасин, бовани қаторимизга йўтқазиб, «аввал таомни бошланг», дейишимиз керак,— деди. Бовани таклиф қилди. Сувон бованинг қўлидаги болани кўрди. Кўнгли бир хил бўлиб, ичай деб турган шўрвасини томоғидан ўтказолмади. Шўрвани ерга қўйиб, бованинг қошига келди ва бовага қараб бир сўз деди:

Мен бошимга хос салламни ўрайман,  
Мен телмуриб гул юзига қарайман,  
Қўлингдаги турган кимнинг ўғлони?  
Буни кўриб, зарра таом емайман.  
Мен турурман Оқтош элнинг полвони,  
Ўғил суйган кишининг йўқдир армони,  
Ҳақиқатни сўйла менга, жон бова,  
Қўлингдаги турган кимнинг ўғлони?

Бова Сувонхонга қараб бир сўз деди:

Бировнинг боласин биров олами?  
Кишининг боласи бунда турами?



Буни сўрсанг, менинг севган фарзандим,  
Сиздай бек ҳам бунга ҳайрон қоларми?  
Бу майдонда эрмагимдир ўзимга,  
Ҳеч бир давлат кўринмайди кўзимга,  
Буни берган турур менинг қизимга,  
Қулоқ солгин, сўйлай сенга, эр йигит,  
Бу ҳақиқат неварадир ўзимга.

Бу сўзларни айтиб, бова болани кўтариб, ичкарига қараб жўнади. Сувон ўрнидан туриб, бованинг қўлидан маҳкам ушлаб, тўхтатиб, ўртоқларига қараб бир сўз деди:

Ҳамроҳларим, қулоқ сонглар сўзимга,  
Қаҳрабодай бу сарғайган юзимга,  
Қараб сизлар тўғриси сўзланглар,  
Энди етдим мен йитирган қўзимга.  
Фарзанд бўлар кишининг меҳр гиёси,  
Айрилганининг чиқар экан садоси,  
Биродарлар, тоза шунга қаранглар,  
Мабодо, бўлмасин тўранг боласи.

Беклар ҳайрон бўлишиб, болага қарадилар. Саримирахўр ўрнидан туриб, боланинг юзларидан ўпиб, бовага қараб бир сўз деди:

Ушбу ишга энди белим бойлайин,  
Тўрам билан димоғимни чоғлайин,  
Тусмол билан ёлғон гапни сўйласам,  
У гапларнинг чин эканин англайин.  
Улган девди ҳамма беклар ўғлингни,  
Устун қилган Мироҳўрнинг қўлини,  
Дўстим топди бир йитирган ўглини,  
Топса эди, энди нозли гулини.  
Оқтош элдан бекни олиб келаман,  
Туйғунимни мен ияртиб юраман.  
Энасининг жойин айтинг, жон бова,  
Энасининг мен акаси бўламан.

Шунда бованинг қаҳри келиб, Мироҳўрнинг қўлидан болани юлиб олиб:— Мен сизларни салтанатли одамлар десам, ифвогар, туҳматчига ўхшайсизлар,— деб кетига қарамай жўнай берди. Сувонхон ҳам боланинг орқасидан бора берди. Бова ичкари эшикнинг қошига бориб, кетига қараса, Сувонхон ҳам келаётир экан. Бова Дилмуродни қўйиб, ичкарига кириб кетди. Сувонхон ташқарида қолди. Бова ичкарига киргач, бутун воқияни хотинига сўзлади. Хо-

тини бовани койиди. Шунда Орзигул бу воқиядан хабардор бўлиб, Холёр бова ва энасини юпатди.— Мен бир далага қарай-чи, кимлар келган экан,— деб рўмолини желвагай ташлаб, бир учини қайтариб оғзига тишлаб, аста-секин қадам ташлаб, ичкари эшикдан ташқарига қараса, Сувонхонни кўрди. Сувонхон тилла камарини бойлаб, ипак кўйлак эгнида, Дилмуродни ўйнатмоқда экан. Бу ҳолни кўрган Орзигул Дилмуродни чақириб, кўзига ёш олиб, бошидан ўтган воқияларни эслаб, бир сўз деб турган жойи:

Оворалар қилди майдон, дашига,  
Еқа ҳўл бўп кўздан оққан ёшига,  
Сифдирмади бизни Оқтош элига,  
Борма, болам, бевафонинг қошига!  
Қулоқ солгин бу энангнинг зорига,  
Энди сени на деб олар қўлига,  
Мушкул ишлар солган мендай гулига,  
Борма, болам, бевафонинг қошига!  
Жабр қилди шундай якка ўғлига,  
Нега миндинг, болам, унинг белига.  
Ғариб бўлдик, биз сифмадик элига,  
Кел, Дилмурод, куйган энанг қошига,  
Ҳозир менга ватан чўли вайрона,  
Чин қулоқ сол, болам, энанг тилина,  
Мунда келгин, севган энанг ўргулсин.

Дилмурод эса «Ҳайт!» деб отасининг кўкрагига уриб, ўйнашиб ўтира берди. Орзигул йиғлаб изига қайтди. Бовасига:— Боринг, Дилмуродни олиб келинг. Мен илгари ўша йигитнинг ёри эдим, у йигит бевафолик қилди. Мен кўп оғир кунларни, азобларни бошимдан кечирдим. Энди мендан умид қилса, бошқатдан тўй-тамошалар билан, қалин-қисмат бериб олсин. Ўзига муносиб кўрса, совчи юборсин. Оғзим тўлгунча қалин солай. Айтганимни олай, берса қайтадан ёр бўламан,— деди. Бова ташқарига чопиб чиқди. Дилмуродни Сувоннинг қўлидан олди. Сувонга қараб:— Агар қўнглинг бўлса, совчи қўярмишсан,— деб ичкарига кириб кетди. Сувонхон бекларнинг қошига келиб:— Орзигулнинг қилган фиғонлари юрагимга ўт солди, бирор киши совчи бўлсин!— деди. Шунда Саримироҳўр:— Ўзим совчи бўламан,— деди. Сувонхон рухсат этди. Саримироҳўр қадам ташлаб, нима десам қўнглини топарман, деб манглайини ушлаб, фикр қилиб, оламда йўқ савдо дилидан ўтиб, бованинг дарвозасига борди. Бовани чиқирди. У чиқиб, «хўш?» деди. Шунда Саримироҳўр унга қараб бир сўз деди:

Бошдан ўтган воқиясин биламан,  
 Эшикни оч, ичкарига кираман,  
 Ҳар на қисмат айтса, ўзим биламан,  
 Қизингизга келган совчи бўламан.  
 Совчи-элчи зарра кўрмас ўлимни,  
 Орзигулга кўрсатинглар ўзимни,  
 Ҳам кўрайн Дилмуродхон кўзимни,  
 Совчи бўлиб мендан келмоқ лозимдир,  
 Қалин-молин мен эшитиб кетаман.  
 Орзигул ой ақлли, доно келини  
 Айтганини биздан бермоқ лозимдир,  
 Саримирахўр келди десангиз,  
 Балки танир Орзигулой ўзимни.

Боваси Орзигулга:— Саримирахўр деган киши совчиликка келибди. Энди нима қилмоқ керак? Мен ташқари чиқиб турай. Кўп қалин қисматини солайик, кучи етса олар, етмаса ўзидан кўнгли қолар, қиз бор ерда расм шу, совчи келар,— деди. Орзигул:— Мен билмайман, бова, тақдирим билар. Мироҳўрни олиб киринг,— деди. Шунда боваси бориб, ичкарига ишора қилди. Орзигул эшикнинг ёнбошини олиб ўтириб:— Мақсадингизни айтинг,— деди. Шунда Саримирахўр: «Қизи борнинг нози бор»,— Сувонхон мени қалин-қисматни билиб келиш учун юборди. Қалин-қисматни бованг соладими ёки сен ўзингми?— деди.— Бовам бир чўлнинг одами. Шаҳарнинг қондасини билмас. Мен ўз қалинимни ўзим соламан,— деб Орзигул Саримирахўрга қараб бир сўз деди:

Эшитибон Орзигулнинг тилини,  
 Соябони бўлса мендай гулини,  
 Ҳам бағрига олар бўлса ўғлини,  
 Қалинимни даставвал айтсам мен,  
 Ярмини берсин Оқтош элининг.  
 Булбуллар соғинар Эрам гулини,  
 Жўр қилади гул шохида тилини,  
 Олай деса у йўқотган ёрини,  
 Бера берсин кўнглидаги борини.  
 Энди Орзи билар номус-орини,  
 Катта қилсин энди ёрнинг тўйиши.  
 Олай деса Сувонхонга айта бер,  
 Уғлонима берсин тўрт юз норини.  
 Сенга айтай Орзигулнинг райини,  
 Кўрай деса Орзигулнинг бўйини,  
 Тўрт юз аравага ортиб юборсин  
 Ипак гилам, кимхоб, атлас, шойини.

Топай деса мендай шўрнинг райини,  
Шунда кўрай бориб Оқтош жойини.  
Ҳеч ким ҳам кўрмасин бундайин ишпи,  
Оғир мушкул савдо бошимга тушди,  
Доимо тўкканман кўзимдан ёшни,  
Ахтарганим кеб бу ердан топишди.  
Қайта бошдан мени деса тўрангиз,  
Ола берсин душманимдан ўчини.

Бу сўзларни эшитиб, Мирохўр Сувонхоннинг қошига борди. Сувонхон:— Орзигулнинг сўраган нарсалари нима экан?— деди. Шунда Мирохўр бир сўз деди:

Келинг, беклар, мен ўйнатиб-кулдирай,  
Ойбувимнинг айтган гапин билдирай,  
Менга айтди сўйлаб сучук тилини,  
Олса тўрам, қучар бўлса белимни,  
Берсин деб юборди ниспи элини,  
Келтирган Оллаёр кўп қаҳрини,  
Ўзи кўрган газанданинг заҳрини.  
Орзигулнинг айтган гапи шу бўлди:  
Янчиб ташла, газанданинг танини,  
Ярмин тилайди Оқтош шаҳрини,  
Аёл бўлса, билди номус-орини,  
Айтди менга кўнглидаги борини,  
Яна, яна тўрамиздан тилади  
Тирковда тиркалган тўрт юз норини.  
Қўлга олса деди мендай гулини,  
Қатта қилсин энди бунда тўйини.

Шунда Сувонхон рози бўлди. Ҳазначини Оқтошга юборди. Тўққиз кунда ҳамма нарсаларни тайёр қилди. Ярим эл, тўрт юз норни хат қилдириб, отасидан муҳр бостириб келтирди. Оқтошнинг отлик пиёдалари Сувонхоннинг айтган жойига етиб келди. Уч кунлик тўй эълон қилдилар. Созандалар созни чалиб, ёш йигитлар ўйнаб, жувонларни ўйнатиб, човкилар қурдириб, ҳар кимнинг кайфи чор бўлиб, тўй бошлаб юбордилар. Бир кундан сўнг Султонхон ҳам ўз одамлари билан етиб келди. Подшо кўп хурсанд бўлди ва «ўлганга худойи, тирикка тўй ярашар», деди. Шунда Сувонжон Қолёр бовзанинг қўлидан Дилмурод ўғлини олди, Сувонхон отаси қошига келиб, бир сўз деди:

Тамоша қил, ота, ушбу қўзинга,  
Айтсам, кўп уятлар бўлар юзинга,

Ақл билан бунга боққин, отажон,  
Ухшарми, Сувонхон, ёлғиз қўзингга?  
Неварам деб олганинг йўқ қўлингга  
Бу шўрлар сиғмади Оқтош элингга.  
Ақл билан таниб қара, отажон,  
Юзи ўхшар мендай куйган ўғлингга.  
Оллаёр ҳайдаган дашти-даланга,  
Жабр қилди шу нораства боланга,  
Сертамиз бекларим, бунга қарангиз,  
Ухшар ўзи ёлғиз куйган боланга.

Бекларнинг ҳаммаси келиб, Дилмуродга қаради.—Худди Сувон тўрамизнинг ўзига ўхшайди. Тўрамизнинг айтган сўзлари ростдир. Оқтошда ҳамма ўлган деб эди. Орзигулни ўйнашлари сўйган деган эдилар. Ҳақиқатда булар ўлган эмас экан,— дедилар. Султонхон Дилмуродни қўлига олиб, бир сўз деди:

Қайси боғнинг, қўзим, тоза гулисан,  
Чаманда сайраган сен булбулисан,  
Зотингни сўрайман, кимнинг хилисан?  
Бу ўлкада сен кимнинг ўғлисан?  
Мен бугун юзингга боқиб қарайман,  
Ҳам отангни, ҳам энангни сўрайман,  
Сўйласанг, эшитиб сени англайман,  
Улуғ йўлда, болам, кимнинг ўғлисан?  
Бўлган жойинг бугун сендан сўрайман.  
Турқинг ўхшар бизнинг Сувон тўрага,  
Рост гапиргин, ёлғон солма орага.

Дилмурод уч ёшга кирган эди. Бовасига қараб бир сўз деди:

Жавоб шудир: мен Оқтошда қолганман,  
Оллаёрнинг мен қўлида бўлганман,  
Маълум бўлса керак, бова, ўзингга,  
Оллаёрди мен қўлида «ўлганман»;  
Азоб чекиб яна тирик қолганман,  
Сабаб надир кетдингиз Қайрағочга?  
Мен қолдим шу илоннинг захрига.  
Ошиқ бўлган у Орзигул парига,  
Энамни маст қилиб ишонган кишинг  
Пичоқ урди неварангнинг бошига.  
Бино бўлдим мен Оқтош шаҳрингда,  
Момам буюрганди ҳақим кишига.

Сабаб бўлди тирикликнинг ишига,  
Оқтош деган боғнинг ўзим гулиман,  
Сўйлашга отамнинг сучук тилиман.  
Куйган ҳолларни мендан сўраманг,  
Сизга невараман, Сувон ўғлиман,  
Оқтошдан адашган ёлғиз қўзиман.

Султонхон бу сўзларнинг ҳаммасига ишонди ва Дилмуродга қараб бир сўз деди:

Маълум бўлди, сен ўғлимнинг ўғлисан,  
Оқтошдан йитирган жону дилисан,  
Энди билдик бу сирларнинг ҳаммасин,  
Буюр ўғлим, душман дорга осилсин!

— Ўғлим Дилмурод, Оллаёрнинг жазосини айт, сенинг айтганингча қилайик,— деди.

Дилмурод:— Мен боргунимча Оллаёрни зиндон қилингиз. Шумлигига яраша, борганимдан сўнг жазосини ўзим бераман,— деди. Уч яшар боланинг гапига одамлар ҳайрон қолдилар. Навбатманавбат келиб, боланинг бетидан ўпдилар. Доно вазир бир сўз деди:

Ҳар гап келар ақлдорнинг тилидан,  
Омон қолган Оллаёрнинг қўлидан.  
Келган экан Хосхонанинг элидан.  
Билдингизми, Оллаёрдай ҳийлагар  
Ишлатибди фирибини барини,  
Ана энди билдингизлар, халойиқ,  
Сувонхоннинг ул душманини.  
Билдингизми Дилмуроднинг сўзини?  
Душман тўккан ёш гўдакнинг қонини.  
Шу чоққача нодон беклар билмади  
Фириб қилиб юрган у душманини.  
Олиб бермоқ керак энди, ёр-дўстлар,  
Оллаёрдан Дилмуроднинг ўчини.

Беклар чулонларини тарқатиб, Султонхон билан бирга Оқтошга қайтдилар. Неча мазгил йўл юриб, беш кечаю-беш кундуз йўл тортиб, қорли тоғлардан ўтиб, Оқтош шаҳрига етиб, вақти хушлик билан қириб келдилар. Султонхон ўз тахтига чиқиб, Оллаёрни топиб келишга буюрди. Саримирахўр:— Шу хизматни менга топширинг!— деб бир сўз деди:

Оллаёр фирибни кўриб келайин,  
У ҳийлагарни билиб келайин,

Бўйнига ола чилвирни солиб,  
Олдингизга, тақсир, суриб келайин.  
Ичимизда юрган у жосусни  
Арқон билан қўлин бойлаб,  
Юрак-бағрини доғлаб,  
То келгунча уриб келайин.  
Бизлар унинг ҳар ишидан беҳабар,  
Қулоқ солинг, гапимга қилинг бовар:  
Емон ит қутирса, эгасин қопар,  
Саримирахўрдир у итни топар.  
Жазосини бериб у Оллаёрни,  
Мотам соб бошига бойлаб келайин.  
Сиздан бир амр бўлса, султоним,  
Қамчилаб бошига уриб келайин.

Подшо:— Нима қилсанг, ихтиёр ўзингда, Оллаёрни бу ерга келтир!— деди. Саримирахўр кетди. Оллаёр катта-кичиклар билан суҳбатлашиб ўтирган эди. Мирохўр ичкарига кирди.— Сен, бачқар, қилган ҳамма ишларингни ўзинг биласан,— деб қўлини боғлаб олди. Еқасидан ушлаб, тумшугига муштлаб, ташқарига олиб чиқди. Мирохўр аччиғланиб, Оллаёрни ура берди. Халқнинг ҳаммаси буни кўриб, ҳайрон қолди. Подшонинг қошига боргунча қамчининг ўримидан ушлаб савай берди.— Сенингдай муғомбир, жосусни энди топдим,— деб қоп-қора қонга бўяб, подшога рўпара қилди. Подшо Оллаёрга қараб бир сўз деди:

Орзигулга ошиқ бўлган,  
Хосхонадан яширин келган,  
Бор фирибни менга қилган,  
Душман бўлган сенмидинг?  
Олай деб боғбон қизини,  
Тўкиб қанча ёшини,  
Еш боланинг тўкиб қонини,  
Азоб берган сенмидинг?  
Сувонга қиб дарду алам,  
Азоб чекди ёлғиз болам,  
Юртимда сонсиз одам,  
Ғуноҳқорим сенмидинг?  
Топиб берди ёлғончини,  
Олай неварам ўчини,  
Подшонинг бил кучини,  
Душман, жосус сенмидинг?

Жаллодлар: — Кимнинг қони тортди, тақсир. Кимнинг куни битди?— деб Султонхон қошига тайёр бўлдилар. Шунда подшо:—

Дилмуроднинг гапи икки бўлмасин, кўп урманглар, тағи бу ҳийла-гар ўлиб қолмасин. Дилмуродхон келиб, душманнинг жазосини берар. Бу ифвогарни зиндонга ташланглар. Бўйнига ғул, оёқларига кишан уриб қўйинглар,— деди. Саримирахўрнинг аччиғи келган эди, олдига солиб уриб-суриб, зиндонга олиб келди. Қоровулларга:— Бу қонсизни зиндонда сақланглар, бизнинг элга келган, кўп макр-ҳийлани қилган фирибгарнинг жазоси шу,— деди.

Эндиги сўзни Сувонхондан эшитинг. Тўй ўтгандан сўнг Оқтошга кетгиси келди ва Орзигулга қараб бир сўз деди:

Бованг жойи, билдим, энди даштидир,  
Ушбу майдон чўпонларга яхшидир,  
Оллаёр душман, Сувоннинг ғашидир.  
Бу ерларда ғамгин бўлиб юрганлар,  
Оқтош элга энди кетмоқ яхшидир.  
Сўзи яхши олимларнинг тилидан,  
Ошиб бориб манов тоғнинг белидан,  
Йиғламассан Оллаёрнинг қўлида,  
Душманнинг қонин тўкмоқ яхшидир.  
Бориб тўкай зарбим билан кучимни,  
Олай бориб у жосусдан ўчимни.

Шунда Орзигулга Сувоннинг сўзи маъқул тушиб, Орзигул Хол-ёр чолни чақириб, бир сўз деди:

Сабаб бўлдинг Дилмуродхон ўғлингга,  
Биз тутинган фарзанд бўлдик ўзингга.  
Жавоб беринг энди, ота, кетамиз,  
Жон ота, рози бўл берган тузингга.  
Болам деб асрадинг гулдай кўзингни,  
Қойилдирман раҳбар бўлган ўзингга,  
Ёш олмагин, бова, мунча кўзингга.  
Ҳеч бўлмади, бова, менга гуноҳинг,  
Обод бўлсин ўтирган маскан жойинг.  
Қизил юзли, улуг ёшли, жон бова,  
Рози бўнг, боважон, берган тузингга.

Шунда бова:— Э болам, келган одам хурсанд қилар, кетганлик ёмон,— деб кўзига ёш олди. Орзигул:— Насиб қилса, мен яна келарман, сизни унутмасман,— деб хайр-хўшлашиб, жўнаб кетдилар. Кеча-кундуз йўл юриб, икки манзил қўниш билан шаҳарга келиб кирдилар. Миршабхона кўзига кўриниб, боласини оғзига тишлаб юрганлари, таёқ еганлари, миршаблар уриб, йиғлаб турган пайтлари кўз олдига келди.



Юрагимда қолиб доғлар,  
Улдирмоққа мени чоғлар,  
Ҳар эрта мени таёқлаган  
Азоб кунлар ўтиб кетди.

Булар тўғри ўз ватанларига тушдилар. Халқ буларни кутиб олди. Йўқолганлар топилди, вақти хушлик бошланди. Уч кундан сўнг Султонхон, «болаларим келсин!» деб одам юборди. Сувонхон Дилмуродни етаклаб, Орзигул билан бирликда отасининг қошига бордилар. Боваси Дилмуродни ўз ёнига олиб:— Энди Оллаёрнинг жазоси недур?— деб бир сўз деди:

Омон-эсон узоқ йўлдан келурсан,  
Ақил билан улуғ гапни билурсан,  
Ақли расо қўзим, сендан сўрайман:  
Оллаёрнинг ишин қандай қилурсан?  
У кун айтдинг, «ихтиёрин қўй менга»,  
Сабаб шудир, солиб қўйдим зиндонга,  
Кўп азобни берган сену энанга,  
Оллаёрнинг кўрадиган жазосин,  
Энди ҳар иш қилсанг ихтиёр сенда.  
Султон деди, менинг ўзим валломат,  
Шаҳарга кўп солди у бир аросат,  
Фисқу фасод гаплар бўлди, маломат,  
Бу Оллаёр гуноҳкорни топширдим,  
Хоҳи сўйгин, хоҳи уни бойлаб от!  
Бор, болам, ола бер ундан ўчингни.

Шунда Дилмурод:— Ҳукми кушга менинг қурбим етмас. Агар кўнглингизга малоллик келмаса, уч соатга подшоликни менга берсангиз. Улдирмоқ, жазоламоқ пойтахтнинг эгасидадир. Уч соат бўлсам Оқтош элнинг эгаси, сўнг берайин Оллаёрнинг жазосин. Сиз турганда, менга подшо бўлиш уятдир. Подшолик душманга жазо бериш учун лозимдир,— деди. Подшо рози бўлиб, уч соатлик подшолик ҳуқуқини Дилмуродга топширди. Дилмурод Оқтошнинг уч соатлик подшолигини сўраб, хос саллани ўраб, жаллодларга қараб:— Боринг, Оллаёрни олиб келинглар!— деб бир сўз деди:

Ажал етиб, паймонаси тўлганди,  
У душмандан хонинг азоб кўрганди.  
Қорахондир отин қўйган Оллаёр,  
Келтиринглар, бугун бўлди у даркор.  
Подшо бўлди тўрт яшарли кокилдор,  
Бовам Султон, отам Сувон аждаҳор.

Оллаёрга қурингизлар тилла дор,  
Ҳеч ким мендай дунёда  
Бундай расво бўлмасин,  
Ўлмасин Дилмуроджоним,  
Е сўйиб осинглар уни муқаррар.  
Буюрса тахт устида ҳукмдор,  
Ҳукмдорнинг букун амрин тутинглар.  
Бу замонда ҳам ўйнанглар, кулинглар,  
Ҳақиқатчи, сидқидилли бўлинглар,  
Дарвозага элтиб парчин қилинглар.  
Тош бўронга ҳукм қилдим, уринглар!

Бўйнида ғул, қўлда кишан,  
Халқ оралаб юрмасин.

Беклар бориб Оллаёрни зиндондан олиб келдилар. Дилмурод қошига келиб, Оллаёр бир сўз деди:

Ёмонлар жазосин кўрсин,  
Ким ёмонлик қилар бўлса,  
Мендай расво бўлиб ўлсин.

Шунда Дилмурод:— Энди тирик қолмаслигини ўзи ҳам билди, ҳайданг, беклар,— деди. Бўйнида ғул, кишани билан ҳайдай бердилар.— Тез-тез юр!— деб Саримирахўр гоҳ қамчи, гоҳ мушти билан Оллаёрнинг гарданига урар эди. Дарвозага етиб,— Хоннинг амри шудир, деб, тиззасидан ерга кўмдилар. Ёмонликнинг жазоси шу,— деб, дарвозага икки қўлини қулочлаб, кафтига мих қоқдилар. «Бир кишининг суйган ёрига кўз олайтирган кишининг жазоси шу бўлар», деб тепасига хат битиб қўйдилар.

Оқтош элига:— Ҳар ким Оқтош шаҳарига кирса, икки қўлида тош олиб кирсин. Шаҳарга киришда бир тош билан, чиқишда бир тош билан Оллаёрни урсин,— деб хабар қилди. Шундай қилиб, Оллаёрни ўлдирдилар. Орадан уч йил ўтди. Дилмурод етти ёшга чиқди. Бир кун Орзигул ўз бошидан ўтган воқиаларни ўғлига сўзлаб берди. Дилмурод:— Ундай бўлса, зиндонда азоб чекиб ётган бовамизни, бувимизни, Қорахон подшо зулмидан азоб чекиб ётган халқларни озод қилиб келайин,— деб ўн минг лашкар билан Султонхондан рухсат олиб, Хосхонага жўнаб кетди. Кеча-кундуз йўл тортиб, уч тоғдан ўтиб, Хосхонага кириб бордилар.— Урушар жойини кўрсатсин,— деб Дилмурод хат юборди. Хосхонада Орзигулнинг туққан онаси Барногул подшо эди. Барногул савдогарлардан «Орзигул Дилмурод номли ўғил туққан эмиш», деб эшитар эди. Барногул хатни ўқиб, шу — Дилмурод бўлмасин тағин, деб ўйлади.

Барногул элчидан бир хат ёзиб юборди. Элчилар хатни Дилмуродга етказдилар. Дилмурод хатни ўқиб, бекларга маълум қилди. Барногул момаси хатда шуларни ёзган:

Ҳасратим кўп, менда йўқдир ўғлоним,  
Қўлимдадир Хосхонадай маконим,  
Бир Орзигул бу дунёда кўрганим,  
Кўп йил бўлди мен айрилиб қолганим.  
Дилмурод деб хатга солган отини,  
Отасининг номи Сувонжон бўлса,  
Дилмуродга ҳадъя бўлсин бу жоним.  
Келган бўлса, хуш келибди Дилмурод,  
Шуники бўлсин элу маконим.  
Шод бўлдим эшитиб Дилмуродимни,  
Қариганда келиб сўрсин ҳолимни,  
Дилмурод отингдан моманг айлансин,  
Хосхонани энди сенга топширдим.

Беклар карнай-сурнай тортиб, Хосхонага келиб кирдилар. Барногул пешвоз чиқиб, кутиб олди. Халқ ўйнашиб-кулишиб, йигитлар кўчаларда от суриб, чопишиб, адашганлар топишиб, ҳаммаси пойтахтга йиғилди. Саримирахўр Барногулга бир сўз деди:

Сарф бўлар урушда ботирнинг кучи,  
Қизларнинг бўйига ярашар сочи,  
Подшойим, биз келдик Оқтош элидан,  
Эй султоним, бизга бергин суюнчи:  
Олиб келиб таништирай ўғлингни,  
Келтириб кўрсатай ёлғиз қизингни,  
«От айланиб ахир топар қозиқни»,  
Неча йиллар улар кўрди хўрликни.  
Адашганлар бир-бирига бирикди,  
Сари дейди, билинг менинг отимни,  
Суюнчини беринг тезроқ, султоним,  
Олдингизга олиб келай Дилмуродни.

Шунда Барногул канизларни чопдириб, яхши сарполардан топдириб, Саримирахўрнинг устига тўн ёпдириб, хурсанд қилди. Саримирахўр Дилмуродни бошлаб, вақтини хушлаб, Барногул қошига олиб келди. Ой юзли, ўткир кўзли, сер тамизли, саратон юлдузли, ширин сўзли, йўлбарс билакли, қоплон юракли Дилмурод билан момаси кўришди. Барногул Дилмуродни Орзигулга ўхшатиб, бир сўз деди:

Умидвордим унинг қизил юзидан,  
Мен айланай унинг қоши-кўзидан,

Қатта бўлган Орзигулнинг сүтидан,  
Менинг кетган болам келган ўхшайди.  
Неча йилдан бери беқарор ўзим,  
Кетган эди бу ватандан ёлғизим,  
Ҳозир келган ўхшар энди, канизлар,  
Бир қучоқлаб мен ўпайин юзидан.  
Айланаман Дилмуроднинг ўзидан.  
Энди кетди, ҳеч қолмади армоним,  
Қайтадан қурилди даври давроним,  
Барногул дер: бўлай бундан парвона,  
Оқ сут берган эна жонинг омонми?

Барногул Дилмуродни бағрига босиб, юзига юзини қўйиб:—  
Ўғлим, мен Қорахоннинг ўлганини эшитдим, ростми? Тирик бўлса,  
унинг кўп зиёни тегар, ўлган бўлса, энди даври давронлар бизники-  
дир,— деди.

Шунда Дилмурод:

Қўлимда тўкилди душманнинг қони,  
Дарвозада бордир унинг нишони.  
Унинг учун ғам емангиз, момахон,  
Уч йил бўлди Қорахоннинг ўлгани.  
Шундай қилиб олдим ундан ўчимни,  
Солиб унга зарбим билан кучимни,  
Дарвозага тиззасидан кўмдириб,  
Элу халққа икки тошдан буюриб.  
Дилмурод дер: душманингиз ўлгандир,  
Энам Орзи, Отам Сувон полвондир.  
Ростин айтсам, сизга бугун момажон,  
Уч кишини излаб ўғлинг келгандир.

Шунда Барногул:— Йўқолган-истаганларингнинг бири мен,  
қолган иккиси ким турур?— деди. Дилмурод:— Бири бовам —  
Эрназар боғбон, иккинчиси — энамни эмизиб катта қилган Тўтигул  
момамдир. Улар ҳали ҳам зиндонда бўлсалар керак. Менга ҳамроҳ  
қўшинг, зиндонни кўрсатсинлар, уларни озод қилай,— деди. Барно-  
гул одам қўшди. Зиндонга бошлаб олиб бордилар. Зиндонни очиб,  
Дилмурод бир сўз деди:

Неча йилдан бери, бова, бормисан?  
Орзигулни кўрсанг, болам дермисан?  
Шунинг ўғли, боланг келди сўроқлаб,  
Зиндон ичра ётган бова, бормисан?  
Еруғ жаҳонни бир кўрмоққа зормисан?

Бова, мома, мен сизларни сўрайман,  
Икки раҳбар, ҳам улуғим, бормисан?  
Орзигулдир, менинг энам юборди,  
Оқтош элдан истаб келдим сизларди.  
Тирик бўлсанг, товуш бергин, боважон:  
Хосхона эгаси аҳвол сўрайди.

Орзигул номини эшитиб, Тўтигул момаси бир сўз деди:

Мен азоб-ла тирикдирман зиндонда,  
Уйнаб-қулолмадим ёруғ жаҳонда,  
«Орзи» деган мен тилингдан айланай,  
Етти йилдир мен ётирман шу жойда.  
Қорахон шоҳ бизни олди қасдига,  
Лашкар тортиб кетди Орзи устига,  
Умид қилдим, етолмадим васлига,  
«Мома» деган мен тилингдан ўргилай.  
Ғариб бўлиб қолдик ернинг остида,  
Қаторда толпинган норим, бормисан?  
Орзигулжон эсон-омон бормикан?  
Таёқ еган баданларим жароҳат,  
Раҳбар бўлсанг, болам, олгин зиндондан.

Шунда Дилмурод Эрназар боваси билан Тўтигул момасини зиндондан озод қилиб олди. Боғбон Орзигул қизини кўргандай бўлиб, Дилмуроднинг юзига юзини қўйиб: «Энанг омонми?» деб сўраб бир сўз деди:

Кимлар, болам, бирга келган дўстларинг?  
Ярашар бўйингга кийган тўнларинг.  
Мендай бованг сендан садаға,  
Асли Оқтош элидирми жойларинг?  
Қанча сенинг бизга келган сипойинг?

Дилмурод:— Агар мен саломат бўлсам, уларни кўриш осондир,— деб боваси билан момасини Барногулнинг қошига олиб борди. Буларни таништирди.— Орзигул энамни сиз туққансиз. Булар тарбиялаб ўсдириб, катта қилганлар,— деди.

Барногул:—Болам, ҳар қандай меҳнатнинг роҳати бўлар, меҳнат роҳатсиз бўлмас. Етти йил тортган азоб етар, энди роҳатини кўрсинлар. Буларга бир қўрғон бермоқ керак,— деди.

Дилмурод Эрназар боваси ва Тўтигул момасига янги сарполар берди. Бовасини хурсанд қилди. Булар учун махсус жойлар ажратди. Замон замон кимники — эндиги замон Дилмуродники, деб жар-

чи чақиртди. Барногул уни ўз ўрнига подшо қилди. Саримирохўрни вазир қилиб, ўн минг лашкардан беш юзини Оқтошга қайтариб: «Тўтигул момамни, Эрназар бовамни озод қилдим. Уларга бир қўрғон бердим. Туққан энангизнинг ўрнига ўзим султон бўлдим. Икки энангиз ва бовангиз Сизни кўришга зор эканлар. Агар келишга райингиз бўлса, келинг. Бўлмаса, буларни мен Оқтошга олиб бораман», деб хат юборди.

Дилмурод подшо бўп Хосхона элига,  
Мирзалар қаламин олса қўлига,  
Қўшиқ адо бўлмас шоир тилида.  
Ислому шоир бу дostonни айтгандир,  
Мансур Афзал қалам билан битгандир.  
Орзигул ҳам катта дostonдан бўлиб,  
Қадим замонларда бу иш ўтгандир,  
Ҳам отаси, ҳам ўзи элни сўраб,  
Охир мурод-мақсадига етгандир.



## «ЕДГОР» ДОСТОНИДАГИ АНГЛАШИЛИШИ ҚИЙИН БҮЛГАН СҮЗЛАРГА ЛУФАТ ВА ИЗОҲЛАР

- АЙНАЛТИБ — айнал (айлан) тириб.  
АТАШТИРИБ — унаштириб.  
АЙНОСДА — хилда; пайтда.  
БЕРМАН — бери томон.  
БҮРНИДАН ОША — кўтарилиб, манманликка бориб.  
БУҒИНМАҚ — тақинмоқ.  
ДАРМАНДА БҮЛМОҚ — дучор бўлмоқ.  
ДАРҚАҲАР — қахрли.  
ДОВРИҚМАҚ — ҳовриқмоқ.  
ДОДҚА БҮЛМОҚ — шикоят қилмоқ.  
ДУРМАҚ-ДУРМАҚ — тўда-тўда  
ЕЛБАГАЙ — сарпайчан, бели боғланмаган.  
ЕЛМАС ЙИГИТ — етилган, қайнаган йигит.  
ЖАЙЛИ — текис, ёзиқ.  
ЖЕРИМОҚ — қаттиқ иссиқламоқ.  
ЖОВЛИК — ёппа.  
ЗИНКИЙИБ — қаққайиб.  
ЗУРАБОР — зўравон, кучли, ботир.  
ИЗА — этак, Тоғнинг изаси — тоғнинг этаги.  
ИЗИ-ЧУВ — қий-чув.  
ИЗГОР ЧҮЛ — ҳадсиз, кенг чўл.  
ИЛҚУВ-СИЛҚУВ — туртки.  
ИНТИҚ — интизор.  
ИРКИЛМОҚ — ҳавфсираб тортинмоқ.  
ИРКИЛЧАК — сесканчак.  
ИЧИМ ИЛИМАЙДИ — қизиқмайман; кўнглим чопмайди.  
ЙУЛ АЙРИТ — йўлнинг икки ё бир неча ёққа айрилиб кетадиган ери, айилниш.  
КУЗАН — қатталиги юмрондай чўл ҳайвони.  
КҮПЛАМОҚЧИ БҮЛИБ — кўплашиб ҳужум қилмоқчи бўлиб.  
ЛАНҚА — таъна; доғ.  
МЕҲМОНЧИЛАТА — меҳмондай бўлиб.  
НАҲ УРМОҚ — камситмоқ.  
НАЗА — хафа.  
ОРҚА УРИШ — суянчиқ.  
ОША — жуда; унча.  
ПАЛАС — қўқиган, тўзиган.  
ПОРИМАС — таъсир этмас.  
САЛДОРЛИ — оғир; залварли; салобатли.  
САМО — садо, товуш.  
САНГРАВ — анқов.

САФ СИНДИРМОҚ — сафни бузмоқ, енгмоқ.  
СЕРМАМОҚ — кесиб силтамоқ.  
СЕРПИЛМОҚ — тортилмоқ, орқага ташланмоқ.  
СОВУФ ОЕҚ — доим ёмонлик қиладиган, ёмонлик билан машғул одам.  
СУМЛАМОҚ — мўлжалламоқ.  
СУҚҚИСИ — зарби.  
ТАБГИЛ — тадбир, мўлжал.  
ТИКЛАБ — тикилиб қараб.  
ТУРИМОҚ — диққат билан ахтармоқ.  
ХУРАЧ — кичкина, митти.  
ЧАНҒАРОҚ — қора уй ва ўтовнинг тепасидаги гардиши.  
ЧАҚ-ЧАҚ УЧИРИБ — чақ-чақ отиб, бир-бирига қараб сайраб.  
ЧЕР — дард-алам, қайғу.  
ЧОВЛАБ ҚОЛМОҚ — семизликдан чарчаб, юролмай, оёқ босолмай қолмоқ.  
ЧОРИ ҚУЙ — тўрт яшар қуй.  
ЧУБУР — хашаки от.  
ЧУНТОҚ — ёли, қуйруғи қисқа.  
ШАҒАЛ МАСТ — кайфи ошган.  
ШИРОЛҒА — овланган қуш ва ҳайвондан бериладиган тортиқ.  
ЭЛИБОИ — молдор.  
ЭШОНСИНИБ — эшон санаб, эшонга ўхшаб.  
ЮРАҚЧАЙДИ — юрак олдириб қўйган.  
ЮТ — зарарли, офат, фалокат; қара — ҳут.  
ЯНГИЛМА — адашма.  
УЛИМ УТИ — гувоҳи.  
ЎРЛИК — ўжарлик.  
ЎРОЛ — бошланғич, кириш. Гапнинг ўроли — гап боши; гези.  
ЎРГИБ — урчиб.  
ҚИДИРМОҚ — саёҳат қилмоқ.  
ҚИРИН — қирғин.  
ҚИЧАМОҚ — қистамоқ, тез ҳаракат қилмоқ.  
ҚУЮТ — чалкаш, тўполон.  
ҒАБА — каба, қўпол.  
ҒАНИ — бой.  
ҲУТ — яхши, фойдали, эзгу. Ҳут — ёй оти бўлиб, февралга тўғри келади.

Тузувчи: Ҳоди Зариф



## МУНДАРИЖА

√Едгор (Айтувчи: <i>Фозил Йўлдош ўғли</i> , ёзиб олаб, нашрга тайёрловчи: <i>Ходи Зариф</i> ) . . . . .	5
√Муродхон. (Айтувчи: <i>Фозил Йўлдош ўғли</i> , қайта нашрга тайёрловчилар: <i>Х. Расул</i> ва <i>Ш. Афзалов</i> ) . . . . .	87
Балогардон. Айтувчи: <i>Фозил Йўлдош ўғли</i> , қайта нашрга тайёрловчилар: <i>Х. Расул</i> ва <i>Ш. Афзалов</i> ) . . . . .	241
√Интизор. (Айтувчи: <i>Фозил Йўлдош ўғли</i> , нашрга тайёрловчи: <i>М. Алавия</i> ). . . . .	299
Орзигул. (Айтувчи: <i>Ислом Назар ўғли</i> , нашрга тайёрловчи: <i>М. Афзалов</i> ) . . . . .	157
„Едгор“ дастонидаги англашидиши қийин бўлган сўзларга луғат ва изоҳлар . . . . .	560

*На узбекском языке*

**УЗБЕКСКИЙ НАРОДНЫЙ ЭПОС**

**Том II**

\* \* \*

**Редактор Ж. Шарипов**  
**Рассом А. Ошейко**  
**Техредактор А. Шепельков**  
**Корректор Р. Хасанова**

---

Босишга рухсат этилди 5/VIII—57 й. Қоғоз  $70 \times 92^{1/16} = 17,62$  қоғоз л.—41,24  
босма л. Нашриёт л. 36,0. Тираж 50000 (25000) Ледерин муқовали  
китоб баҳоси 20 с. Коленкор муқовали китоб баҳоси 19 с. 50 т.

---

ЎзССР Фанлар академияси нашриётининг босмаҳонаси. Хоразм кўчаси, 9.  
Нашриёт адреси Қуйбишев кўчаси, 15. Тошкент. 1957. Заказ 742.

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
НАШРИЁТИ**

*(Тошкент, Қуйбишев кўчаси, 15)*

**ҚУЙИДАГИ ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИНИ НАШР ЭТДИ:**

**ОЙСУЛУВ**

Баҳоси 50 т.

**ШИРИН БИЛАН ШАКАР**

Баҳоси 3 с.

**РУСТАМ**

Баҳоси 3 с.

**МАЛИКА АЙЁР**

Баҳоси 3 с. 90 т.

**КУНТУҒМИШ**

Баҳоси 2 с.

**ЁДГОР**

Баҳоси 2 с. 50 т.

**ОШИҚ ҒАРИБ ВА ШОҲСАНАМ**

Баҳоси 1 с. 25 т.

**ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ, 1 том**

Баҳоси 18 с. 25 т.

Китобларни заказ қилиш учун қуйидаги адресга  
муурожаат қилинсин:

*Тошкент шаҳри, Киров кўчаси, 36, Узглавкниготорг.*

Китоб билан савдо қилувчи ташкилотларга скидка  
белгиланган.

Кишиларга, кутубхоналарга, ташкилотларга китоблар  
пулини почтада тўлаб олиш йўли билан юборилади.